


Н.А. ШЕРМУХАМЕДОВА

ГНОСЕОЛОГИЯ – БИЛИШ НАЗАРИЯСИ




87
4480

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Н.А. ШЕРМУҲАМЕДОВА

ГНОСЕОЛОГИЯ — БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Билиш соҳаси — 200000 Гуманитар фан ва санъат
Мутахассислик — 5220300 Фалсафа



ТОШКЕНТ — 2011

УДК 004-1
ББК 87.22
Ш48

Шермухамедова Н. А.
Гносеология - билиш назарияси : Билиш соҳаси - 200000
Гуманитар фан ва санъат. Мутахассислик - 5220300 фалсафа
Н.А. Шермухамедова : ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги -
Г.: Noshir, 2011. - 464 б.

УДК 004-1
ББК 87.22

Илмий маслаҳатчи – ф.ф.д., академик С.Ш. Шермухамедов

Гақризчилар – ф.ф.д., профессор С.Маманокиров,
ф.ф.н., донент А.Ўгамуродов

Дарслик учинчи блок фалсафа мутахассислиги ўқув дарсликлари турқумига кириди ва давлат таълим стандартларига мос. Муаллиф муаммога анъанавий ёндашувдан чекинган ва гносеология тарихи, шунингдек, ҳозирги давр билиш назариясининг долзарб муаммоларини янгича тушуниш ва тушуштиришига ҳаракат қилган. Дарслик фалсафа факультети, фалсафа бўлимлари ва бошқа барча олий ўқув юртлири талабалари, аспирантлар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар, шунингдек, ҳозирги замон фани ва гносеология муаммолари билан қизиқувчиларга мўъжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигинини 2009 йил 26 февралдаги 51-сонли буйруғига асосан нашр этишга рухсат берилди.

ISBN 978-9943-391-11-6

© «Ўзбекистон файласуфлари
миллий жамияти» нашриёти, 2011.
© «Noshir» нашриёти, 2011.

КИРИШ

Мустақилликнинг тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожини учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби фалсафада туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган фалсафа ўзида турли даврларнинг онтологик, гносеологик, ижтимоий-сиёсий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга ижодий муносабат билдиришни шакллантиради. Модомики, шундай экан, бугунги кунда фалсафани янада ривожлантириш, ёш авлодни фалсафий дунёқараш, замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек, “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”¹.

Фалсафий тафаккурнинг гносеологик, ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг дунёқарашини, онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган. Зеро, ҳозирги мураккаб динамик ривожланувчи дунёда ижтимоий янгиланиш, умуминсоний ва глобал муаммоларни яхлит эгаллаш имкониятига эга бўлган янги тафаккурнинг қарор топиши учун фалсафий билишнинг роли ортиб бормоқда. Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Шу маънода, у буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 113-бет.

Учинчи минг йилликда давлат ва жамият қурилишининг ўзгариши умумий дунё ва хусусан, Ўзбекистонда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларга янгича ёндашувнинг моҳиятини қайта кўриб чиқиш заруриятини уйғотди. Бу эса, ҳозирги даврда билиш назарияси предметининг кенгайиши, унинг методологик мазмуни янгиланиши ва бойишини тақозо қилади. Билиш назариясининг асосий мақсади қадимги даврдан ҳозирги кунгача ўзгарган эмас, зеро, жамият тарихининг барча даврларида у инсонни қизиқтирувчи назарий ва амалий масалаларга жавоб беришга ҳаракат қилади.

Тақдим этилаётган китоб гносеология тарихи ҳақидаги умумилмий тасаввурларга эга бўлишнинг ўзига хос манбадир. Унда турли даврларда яшаб ижод этган табиатшунос-олимларнинг билиш назариясига оид фикрлари баён этилган.

Китобда биринчи марта ижтимоий-гуманитар ва табиий илмий билимнинг фарқи ва ўзаро алоқадорлиги, билиш турлари ва билим шакллари, дунёнинг илмий манзараси, илмий тафаккур эволюцияси, тушуниш ва тушунтиришнинг ўзаро алоқадорлиги, ахборот технологияларининг билиш жараёнидаги ўрни каби масалаларнинг таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, талабаларда фалсафий тафаккурни шакллантириш ҳар қандай жамият халқининг дунёқарashi, онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган. Алоҳида эътибор инсон борлигининг феномени ва маънавий ўсиш манбаи билим ва билиш таҳлилига қаратилади. Ретроспектив нуқтан назардан билимнинг ўзига хос хусусиятлари ва шакллари кўрсатилган.

Хуллас, дарслик ёш авлодни замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантиришда илмий манба бўлишига умид қиламиз.

I БОБ. ГНОСЕОЛОГИЯ ТАРИХИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

БИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Билиш назариясининг предмети. Билим ҳар доим амалий инфор­мацион хусусиятга эга бўлган. Агар бирон-бир ғояга эҳтиёж туғилса, у университет лабораториялари ва кафедралардан кўра ишлаб чиқариш, амалиётда тезроқ рўёбга чиқарилган.

«Гносеология» – соф фалсафий категория. Унинг номи юнонча *gnosis* – билим, илм ва *logos* – таълимот, фан сўзларидан келиб чиққан. Сўзма-сўз маъноси – «билиш ҳақидаги таълимот (фан)», «онг ҳақидаги таълимот (фан)». Фалсафий адабиётларда, шу жумладан, фалсафий қомуслар ва луғатларда «гносеология» атамаси «билиш назарияси» деб таржима қилинган. Шу билан бир қаторда, айни шу мазмунни ифодалаш учун фалсафий адабиётларда «эпистемология» сўзи ҳам қўлланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, гносеологияга татбиқан билиш назарияси ва эпистемология номларининг қўлланилишини ўринли деб бўлмайди. Зотан, «*episteme*» сўзи «*pistis*» – эътиқод сўзи билан узвий боғлиқ. Бироқ, биз биладиган (гносио) ва биз ишонадиган (пистио), мавжудлигига эътироз билдирмайдиган нарсалар – фалсафий ва илмий билимларнинг ҳозирги даражасида мазмунан ҳар хил тушунчалардир. Шу боис Фарбий Европа фалсафасида эпистемологиянинг мазмуни икки хил, баъзан эса – уч хил талқин қилинади.

Умуман олганда, ҳозирги замон фалсафасида гносеология билиш жараёнининг фалсафий моҳияти ҳамда умумий муаммоларига эътиборни қаратади. Эпистемология эса, бизнинг муайян нарсалар ҳақидаги билимларимиз ва (ёки) эътиқодларимизнинг ишончлилик даражасини ўрганади.

Демак, эпистемология гносеологиянинг таркибий қисми ёки унинг амалий ифодасидир. Том маънодаги эпистемология ҳозирги кунда илмий, ҳақиқий билимнинг мазмунини, шунингдек, диний эътиқодларнинг гносеологик моҳиятини ўрганиш билан шуғулланади. Бунда эса билиш (онг)нинг моҳияти тўғрисида баҳс юритувчи фалсафий таълимот маъносидаги «гносеология» атамасидан фойдаланилади. Шу билан биз аввал гносеология

муаммолари доирасини аниқлаб олишга ҳаракат қиламиз.

Гносеология ёки билиш назарияси фалсафий билимлар (фалсафа фани) бўлими бўлиб, унда 1) инсоннинг дунёни билиш имконияти; 2) инсоннинг ўзликни англаш жараёни; 3) билишнинг билмасликдан билим сари юксалиши; 4) билимлар табиати ва уларнинг мазкур билимларда ақс этувчи нарсалар билан ўзаро нисбати ўрганилади.

Шундай қилиб, гносеология онг, билиш, билимни ўрганиш билан шуғулланади.

Шахсий ва ижтимоий тажрибада биз онгнинг мавжудлигини аниқ сезамиз, онгнинг ўз-ўзига, бошқа одамларга ва умуман жамиятга таъсири натижаларини физиологик даражада ҳис қиламиз ва кўрамиз. Бироқ, бу жараёнда онгнинг ўзи кўринмайди. Моддий дунё ҳодисаларидан фарқли ўлароқ, онгни кузатиш мумкин эмас. У гўё вақт ва макон чегараларидан ташқарида туради. Гносеологиянинг вазифаси бу кўринмас онгни идрок этиш, унинг моддий нарса ва ҳодисалар дунёси билан ўзаро алоқаларини аниқлаш, уни ўз муҳокама ва тадқиқот предметига айлантиришдан иборат.

Гносеологиянинг асосий муаммоси бизнинг барча билимларимиз тажрибада синалганми? деган «оддий» масалани ечишдан иборат. Бу саволга жавоб излаш ва масаланинг ечимини топишда гносеологияда икки муҳолиф анъана: билимларимиз тажрибада синалганини қайд этувчи эмпиризм ва буни инкор этувчи рационализм тўқнашади.

Рационализм (рационалистлар) инсонда туғма ғоялар, адолат, инсонийлик, уйғунлик ғоялари ва тажрибадан олиниши мумкин бўлмаган бошқа ғоялар мавжудлигидан келиб чиқади. Зотан, тажриба тўла адолат, ялпи инсонийлик мавжуд эмаслигини, бизни қуршаган дунёда уйғунлик устидан хаос ҳукм суришини кўрсатади. Бунда айрим ашаддий рационалистлар (масалан, Платон, Августин ва уларнинг ҳамфикрлари) кўрсатиб ўтганидек, ғоялар инсон ақлига хос туғма ғоялар бўлиб, уларни инсон фақат ўз ақлидан олишини қайд этадилар; бошқа, муътадил рационалистлар (масалан, Лейбниц, Вольф, Баумгартен) эса, ғоялар ақлга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса-да, бироқ улар фақат ақлда тафаккур ва фалсафий мушоҳада юритиш жараёнида туғилишини таъкидлайдилар.

Эмпиризм (эмпиристлар, Френсис Бэкон, Локк, Гоббс, Юм, Фейербах), аксинча, инсон, инсоният шахсий ёки ижтимоий тажрибага эга бўлгунга қадар бирон-бир ғоя мавжуд бўлишини инкор этадилар. Улар барча ғоялар инсон онги замирида ё шахсий тажриба, ё бошқалар тажрибаси, бутун инсоният тажрибасини умумлаштириш орқали туғилишини қайд этадилар ва бу тезисни исботлашга ҳаракат қиладилар. Уларнинг фикрига кўра, тажриба инсон онгида унинг сезгилари ва ўзини қуршаган дунёни идрок этиши орқали акс этади.

Фалсафада идрок этиш — перцепция (лотинча «perception» — идрок этиш) деб аталади. Перцепция ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларни сезгилар орқали идрок этишдир, борлиқни ақл билан англаш, билиш, уларни ғояларда ифодалаш эса аперцепция деб аталади.

Гносеология инсон билимининг чегаралари тўғрисидаги масалани ечишни ҳам ўз ичига олади. Кўпгина эмпириклар (масалан, Давид Юм, Дюбуа Раймонд, агностиклар) ва рационалистлар (масалан, Кант ва унинг ҳамфикрлари) инсон нафақат умумий нарса ва ҳодисаларни, балки муайян, конкрет нарсаларни ҳам билиши мумкин эмас, деган фикрга қўшиладилар. Айрим нарсалар, ҳодисалар ва концепциялар борки, улар перцепциямизнинг чегараларига ҳам, тафаккуримиз, рефлексиямиз (лотинча «reflexes» — орқага қайтиш) доирасига ҳам сиғмайди. Масалан, Кант Коинот ибтидоси ёки ибтидосизлиги, Худонинг борлиги ёки йўқлиги, жоннинг боқийлиги ёки фонийлиги, ахлоқнинг сабабийлиги ёки сабабсизлиги ақлнинг билиш чегараларига сиғмайдиган, оқилона ўрганиб бўлмайдиган трансцендентал (лотинча «transcendentalism» — чегарага сиғмайдиган) масалалардир, деб ҳисоблаган. XX аср позитивистлари, эмпиризм ғояларини ҳимоя қилган йирик олимлар (Морис Шлик, Рудольф Карнап, А.Ж.Айэр) Кантнинг трансцендентал муаммоларини мантиқсиз деб эълон қилдилар.

Гносеология инсон билими ва билишига доир жуда кўп муаммолар билан шуғулланади. У бизнинг билимларимиз қай даражада эътиқод, қай даражада кўр-кўрона ишонч ва қай даражада реал борлиқнинг ҳақиқий инъикоси эканлигини аниқлашга ҳаракат қилади. Сўнгги ўн йилликларда гносеологияда билимлар ўртасидаги фарқ, «нимани биламан», «қандай биламан»,

«шахсий тажрибамдан биламан», «далилга кўра биламан» каби иборалар мазмунининг ўзаро нисбати масалалари муҳокама қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, гносеология борлиқни тўлиқ қамраб олиб, унда бирон-бир тафсилотни назардан қочирмасликка ҳаракат қилади. Демак, гносеология фалсафанинг энг муҳим омилидир.

Гносеологиянинг моҳияти ва мазмуни. Оптимизм. Скептицизм. Агностицизм. Билиш жараёни ривожланиш қонуниятларининг шакллари, ҳақиқатнинг тагига етиш имкониятлари нуқтан назаридан ўрганилади. Унинг ҳар хил моделлари, ёндашувлари мавжуд. Материалистик моделлар замирида дунёнинг инсон онгида акс этиш тамойиллари: Демокритда – образлар (эйдослар), Янги давр файласуфларида – сенсор сигналлари, Берклида – субъектнинг сезгилари ётади. Лейбниц билишни илоҳийлаштирилган ғоянинг инсон туғма тушунчаларига таъсири деб ҳисоблаган. Гегель таклиф қилган моделнинг замирида мутлақ ғояни англаш ётади. Мах, Авенариус ва бошқа субъектив идеалистларда (XIX аср охири – XX аср бошлари) билиш жараёни – бу сезгиларнинг бўш ва тежамли алоқасини амалга оширишдир.

Инсон ақли билиш пиллапоясидан юқорига кўтарилар экан, ҳар бир янги поғонада қайта-қайта қуйидаги саволга жавоб топишга ҳаракат қилади: қандай қилиб билиш мумкин, умуман дунёни билиш мумкинми? Билишнинг чегаралари борми? Фалсафада бу саволларга жавоб берувчи уч асосий йўналишни фарқлаш мумкин: оптимизм, скептицизм ва агностицизм (Кант ва бошқалар). Оптимистлар дунёни билиш мумкинлигини таъкидлайдилар, агностиклар, аксинча, буни рад этадилар (И.Кант – «нарса ўзида»). Скептиклар эса, дунёни билиш мумкинлигини инкор этмайдилар (XVIII асрда Д.Юм), бироқ, билимнинг ҳақиқийлигига шубҳа билдирадилар. Одатда, скептицизм парадигмалар, қадриятлар, ижтимоий тизимлар ва ҳоказолар ўзгараётган даврда (ёки унинг арафасида), илгари ҳақиқий деб ҳисобланган хулосалар фан ва амалиёт олган янги маълумотлар нуқтан назаридан сохта, асоссиз бўлиб чиққан ҳолда равнақ топади. Скептицизм психологиясига хос хусусият шундан иборатки, у дарҳол нафақат эскирган, балки янги, шаклланаётган фикрлар, ғояларни ҳам топтай бошлайди. Бу психология замирида тадқиқотчининг янгиликка ташналиги ва инсон тафаккурининг

кучига бўлган ишонч эмас, балки қачондир қабул қилинган «қулай» тамойилларга таяниш ётади. Скептицизм таълимот сифатида, ҳеч шубҳасиз, зарарлидир, чунки у инсоннинг билиш борасидаги деярли барча имкониятларини камситади.

Билимга чанқоқ бўлган, билишга ҳаракат қилаётган одам оптимист: «Мен бунинг нималигини билмайман, бироқ билишга умид қиламан», дейди. Агностик эса, «Мен бунинг нималигини билмайман ва ҳеч қачон бида олмайман», деб таъкидлайди. Юзаки скептицизм, кўр-кўрона фанатизм каби, дунёқараши тор одамларда кўп учрайди. Ф.Ларошфуко таъбири билан айтганда, калтабин одамлар, одатда, ўз дунёқараши доирасидан четга чиқадиган ҳамма нарсани қоралайди. Бироқ, оқилона даражадаги скептицизм фойдали ва ҳатто зарур. Билиш усули сифатида скептицизм шубҳа шаклида амал қилади, бу эса ҳақиқатнинг тагига етиш сари ташланган қадамдир. Шубҳа эскирган, қотиб қолган ақидаларнинг тагига сув қуюди, уларга пўтур етказди. У — ривожланаётган фаннинг муҳим унсурини. Билимсизлик қайд этади ва инкор қилади, билим — шубҳаланади.

Бироқ, бу уч йўналишни фарқлаш, бизнингча, масалани соддалаштиришдан бошқа нарса эмас. Тўғри, агностиклар дунёни билиш мумкинлигини инкор этадилар, аммо бу кўр-кўрона, ҳеч нарсага асосланмаган инкор этиш эмас. Улар кўрсатаётган кўпгина саволларга чиндан ҳам ҳали жавоб топилмаган. Агностицизмга олиб келувчи асосий муаммо шундан иборатки, нарса ёки ҳодисани билиш жараёнида бу нарса ёки ҳодиса албатта, бизнинг тафаккур ва сезги аъзоларимизда акс этади. Бу нарса ёки ҳодиса бизнинг тафаккур ва сезги аъзоларимизда акс этиш натижасида қандай кўриниш касб этган бўлса, биз улар ҳақида шундай маълумотга эга бўламиз. Нарсалар ва ҳодисалар аслида қандай эканлигини биз билмаймиз ва билишимиз мумкин ҳам эмас. Қаршимизда бош-алоғи йўқ дунё ястаниб ётади, биз эса унга ўз формулаларимиз, моделларимиз ва тушунчаларимиз билан яқинлашиб, чексизликни ўз тасаввурларимиз билан илғаб олишга ҳаракат қиламиз. Тушунчалар, категориялар ва назариялар «тугунлари»ни қай даражада қаттиқ қилиб тугмайлик, дунёни тушуниб етишга шу йўсинда даъвогар бўлишимиз тўғрими? Бундан чиқди, биз ўз билиш усулларимиз билан чегараланган дунёда яшаймиз ва олам ҳақида ҳаққоний бир гап айтишга қодир эмасмиз.

Бироқ, билиш фанининг ривожланиши агностицизмнинг бу амалий ҳулосасини ҳар қадамда рад этади. Масалан, позитивизм асосчиси О.Конт инсоният Қуёшнинг кимёвий таркибини аниқлашга қодир эмас, деб таъкидлаган эди. Бироқ, кейинчалик спектрал анализ ёрдамида Қуёш таркиби аниқланди. XIX аср фанининг баъзи бир намояндалари атомлар амалда мавжуд эмас, улар фақат тафаккур маҳсули, деб ҳисоблар эди. Бироқ, Э.Резерфорд атомлар амалда мавжуд эканлигини исботлаб берди, орадан ярим аср ўтгач, генларнинг кенг кимёвий таркиби аниқланди.

Шунга қарамай, бугунги кунда ҳам агностик ҳулосаларни неопозитивизм, феноменология, экзистенциализм, прагматизм ва ҳоказоларда кузатиш мумкин. Уларнинг агностицизми нафақат гносеологик хусусиятга эга бўлган сабаблар, ички мантиқ билан, балки маълум даражада Д.Юм ва О.Конт фалсафаси бошлаб берган анъана билан ҳам белгиланади. Агностицизм ҳақида сўз борар экан биз беихтиёр И. Кантга мурожаат қиламиз.

Кант агностицизмнинг қисқача мазмуни қуйидагича: биз биладиган нарса (феномен) ва ўз ҳолича мавжуд бўлган нарса (ноумен) мутлақо ҳар хилдир. Биз ҳодисалар моҳиятини қай даражада теран англамайлик, бизнинг билимимиз барибир ўзича мавжуд бўлган нарсалардан фарқ қилади. Шундай қилиб, И. Кант фикрича, бизнинг онгимиз, ҳиссиётимиз, тафаккуримизга боғлиқ бўлмаган нарсалар олами мавжуд. Уни файласуф «нарсa ўзида» сифатида таърифлайди. И.Кантнинг фикрича, билиш жараёни «нарсa ўзида»нинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсири остида ҳис-туйғунинг уйғонишидан бошланади. Ваҳоланки, ҳис-туйғулар, тушунча ва ҳукмлар ўз ҳолича «нарсa ўзида» ҳақида муайян назарий билим беришга қодир эмас. Лекин, бундан ишончли билим йўқ экан, деган ҳулосага келмаслик керак. Математика ва табиатшунослик айнан шундай ишончли билим манбаидир. Аммо, улар қай даражада ишончли бўлмасин, «нарсa ўзида» ҳақидаги ҳақиқий билим бўла олмайди. Кант бизнинг тафаккуримизда шаклланган тушунчалар «нарсa ўзида»ни қай даражада тўғри ёки нотўғри акс эттира олади, деган саволга аниқ жавоб мавжуд эмас, деб таъкидлайди.

Агностицизм Кант билиш назариясининг негизини ташкил этади. Инсон объектни ўз табиатига кўра ҳодиса ва моҳият нуқтаи

назаридан ўрганали. Демак, бу жараён маълум даражада бири-бирига қарама-қарши қўйилади. Ҳодисадан моҳиятга ўтиш зиддиятли жараёндир. Сизги берган илк маълумотлар тўғридан-тўғри тафаккур «лабораторияси»га қабул қилинавермайди. Аммо, Кант фикрига кўра, шундай бир субъект борки, унинг учун билим даражаси мавжуд эмас. Унинг билими доимо тўлиқ ва ҳақиқийдир. Бу субъект — Худо. Гарчи Кант диний эътиқод манфаатларини кўзлаб, билимни чегаралаб қўйган бўлса-да, у айни вақтда ахлоқнинг эътиқоддан мустақил эканлигини таъкидлашга ҳаракат қилади. Ахлоқ динга эмас, балки аксинча, ҳар қандай дин ахлоққа асосланмоғи керак, деган хулосага келади.

Гносеологик релятивизм — борлиқ ҳодисалари ва воқсаларини билиш ўзгарувчанлиги, ўткинчилигини мутлақлаштирувчи агностицизмнинг йўналишларидан биридир. Релятивизм тарафдорлари дунёда ҳамма нарса ўткинчи, ҳақиқат дунёвий даражада ҳам, ҳаттоки илмий даражада ҳам бизнинг олам ҳодисалари ҳақида олган фақат шу пайтдаги билимларимизни ифодалайди, кеча ҳақиқат деб ҳисобланган нарса бугун иштибоҳ, хато сифатида тан олинади: худди дори каби, ҳақиқатнинг ҳам сақланиш муддати бор. Нисбий мушоҳадалар бундан ҳам омонатроқ. Бу ижтимоий ҳаётда, ахлоқ нормалари ва эстетик дидларда айниқса, яққол сезилади. Яқиндагина шак-шубҳасиз деб эътироф этилган нарса энди дўзахдан чиққан бало сифатида инкор этилади. Баҳолар калейдоскоптаги рангли доғлар каби ўзгаради. Бундан гўё билиш жараёни — муваффақиятсизликка учраши тайин бўлган ҳақиқат кетидан «қувиш», деган умумий хулоса чиқарилади. Бизнинг барча билимларимиз гўё ноаниқлик ва ноҳақиқийлик денгизида сузади, у фақат — ва фақат — нисбий, шартли конвенциал (лотинча «conventional» — шартномага мувофиқ) ва субъективдир.

Скептикларга хос бўлган бу ёндашув антик даврдаёқ юзага келган. Дунёда ҳамма нарса шу қадар тез ўзгарадики, унда мутлақо ўзгармас бўлган ҳеч нарса мавжуд эмас, деб ҳисоблаган Кратил таълимоти ашаддий релятивизмга мисол бўлиши мумкин.

Барча билимларимизни фақат нисбий деб ҳисоблаш, моҳият эътибори билан, билишда ўзбошимчалик ҳукм суришини тан олиш билан баробардир. Бу ҳолда билиш нисбатан ўзгармас, ишончли нарсалар мавжуд бўлмаган, ҳақиқат билан иштибоҳ

ўртасида фарқ қолмайдиган, ҳар қандай қоида ва тамойилга ишонч йўқоладиган, бинобарин, ҳаётда ҳеч нарсага амал қилиб бўлмайдиган узлуксиз оқимга айланади. Билиш назариясидаги мутлақ релятивизм — тафаккур «бойлиги»нинг намоён бўлиш шаклларида бири. Унга қуйидаги мушоҳада хос: ҳақиқат албатта мутлақ бўлиши керак, агар ҳақиқат мутлақ бўлмаса, у ҳақиқат эмас. Бу фикр замирида нафақат нисбий, балки мутлақ ҳақиқатга ҳам ишончсизлик ётади. Релятивизм намояндалари одатда, ҳақиқий деб ҳисоблаган қоидалар кейинчалик сохта деб инкор этилган ва аксинча, сохта деб ҳисобланган қоидалар фан ривожланиши жараёнида ҳақиқий деб эътироф этилган ҳоллар фан тарихида кўп эканлигига ишора қиладилар. Илмий билишнинг ҳаракат йўли — амалда тўғри чизиқ эмас, балки кесимларида янглишиш ҳоллари юз бериши мумкин бўлган эгри чизиқдан иборат. Бироқ, бу бизнинг барча билимларимиз сафсата эканлигини исботламайди. Релятивист «билимда нисбийлик унсур мавжуд» деган тўғри қондани «билим доимо нисбийдир», бинобарин, билим керак эмас, деган янглиш қоидага алмаштиради. «Бу энг ёмон фикр: агар мен ҳамма нарсани била олмасам, мен ҳеч иш қилмайман»¹.

Билимнинг асосий турлари. Билим нима? Билим тушунчасига аниқ таъриф бериш қийин, балки ҳатто мумкин ҳам эмас. Гап шундаки, биринчидан, бу тушунча энг умумий тушунчалардан бири ҳисобланади, умумий тушунчаларга эса доим аниқ таъриф бериш қийин. Иккинчидан, билимнинг жуда кўп турлари мавжуд ва уларнинг ҳаммасини ёнма-ён қўйиб бўлмайди. Шуни эътиборга олиб, билим нима эканлигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўраимиз. Одатда, биз ниманидир билишимиз ҳақида гапирганимизда, ўзимиз бу «нимадир» ҳақида анча тўғри тасаввурга эгамиз, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, бизнинг тасаввуримиз хом хаёл ёки фақат ўз шахсий фикримиз эмаслигига ҳам ишончимиз комил бўлади. Ниҳоят, биз бу ишончни мустаҳкамловчи қандайдир далиллар келтиришимиз мумкин. Шундай қилиб, ўз шахсий ҳаётимизда биз амалдаги ҳолатга мос келадиган ва маълум асосларга эга бўлган ишонч, эътиқодни билим деб ҳисоблаймиз.

¹ Толстой Л.Н. Воспоминания. — М.: Прогресс, 1991. — 3-б.

Теран маъно билан суғорилган бу билим талқинининг умумий руҳи гносеологияда ҳам сақланиб қолган. Айни вақтда, гносеология бу талқин замирида мужассам баъзи бир ҳолатларни аниқлайди ва уларга ойдинлик киритади. «S субъект қандайдир P предметни билади» деган стандарт гносеологик талқин қуйидаги уч шартни ўз ичига олади:

(1) **ҳақиқийлик (мувофиқлик) шarti** — «агар P ҳақиқий бўлса, у ҳолда S P ни билади». Биз Чимён Тошкентдан шимолроқда жойлашганлигини биламиз, башarti Чимён чиндан ҳам Тошкентдан шимолроқда жойлашган бўлса. Агар биз Амударё Тинч океанига қуйилади, деб айтсак, бизнинг бу фикримиз билим эмас, балки янглиш фикр, хато бўлади.

(2) **ишончлилик (эътиқод, мақбуллик) шarti** — «агар S P ни билса, у ҳолда S P га ишонади (унинг мавжудлигига эътиқодни комил бўлади). Масалан, агар биз Ўзбекистонда денгиз бор десак, биз унинг амалда мавжудлигига ишонамиз. Одатда, билим шундай ишонч ёки шундай эътиқод ҳисобланади ва уларни ажратиш мумкин эмас. Шундай бир вазиятни тасаввур қилинг: сиз ойна олдида келиб, ташқарида ёмғир ёғаётганини кўрасиз. Сиз: «Ёмғир ёғяпти, лекин мен бунга ишонмайман», дейсиз. Бу иборанинг нотўғрилиги билимимиз бизнинг эътиқодимиз эканлигини кўрсатади.

(3) **асослилик шarti** «S P ни билади, башarti у ўзининг P га бўлган ишончини асослаб бера олса». Бу шарт билимни тўғри чиқадиган тахминлар ёки тасодифан мос келиш ҳолларидан фарқлаш имконини беради. Айтайлик, сиз беш яшар болакайдан: «Куёш системасида нечта сайёра бор?», деб сўрадингиз ва «Тўққизта», деган жавобни эшитдингиз. Сиз бола сайёралар сонини тасодифан тўғри айтди деб ҳисоблайсиз. Агар у ўз жавобини ҳеч бўлмаса бунинг онасидан эшитганини айтиб, асослаб бера олмаса, сиз болакайда бу далил ҳақида ҳақиқий билим мавжуд эмас, деган тўхтамга келасиз.

Шундай қилиб, бу «уч қисмли» талқинга мувофиқ, қуйидаги мухтасар таърифни бериш мумкин: **билим — бу ҳақиқатга мос келадиган ва асосланган ишончдир.**

Бу таъриф анча содда бўлиб, уни билимнинг барча турларига нисбатан татбиқ этиш мумкин. Бу сўзлар замирида муайян муаммо ётади. Масалан, биз Ньютон механикаси ҳақиқатга етарли

даражада мувофиқ эмас ва унинг ўрнини Эйнштейннинг аниқроқ назарияси эгаллади, деб ҳисоблаймиз. Бироқ, бунинг натижасида Ньютон назарияси ўзининг билим хусусиятини йўқотмайди. Эйнштейнга қадар, унинг ҳақиқийлигига кўпчилиكنинг ишончи комил бўлган даврда у билим эдими? Шунга ўхшаш сўзларни ҳозирда фан тарихидан ўрин олган минглаб назариялар шаънига айтиш мумкин. Билимни қандай қилиб асослаш мумкин ва етарли асослар мавжудми? Бу савол ҳам анча мавҳум. Гипотеза, фараз олатда, билим шакли сифатида қаралади, бироқ олимлар ўзлари илгари сураётган гипотеза ёки фаразларнинг тўғрилигига баъзан, ишончи комил бўлмайди.

Балки билимни стандарт тушуниш ҳалдан ташқари тахминий ва нисбийдир? Қисман шундай, бироқ билим — бир таъриф чегараларига сиғдириш жуда қийин бўлган ранг-баранг ҳодиса эканлиги муҳимроқ. Агар «билмоқ» сўзи тилимизда қандай қўлланилишига назар ташласак, билим турлари жуда ранг-баранг эканлигини кўришимиз мумкин. Қўйидаги гапларни кўриб чиқамиз. Мен бу машинани қандай қилиб тузатиш мумкинлигини биламан. Мен гитара чалишни биламан. Мен Пўлатни ўн йилдан бери биламан. Мен Тошкентни яхши биламан. Мен учбурчак бурчакларининг йнғиндиси икки тўғри бурчакка тенг эканлигини биламан. Мен кит сўтэмизувчилар оиласига мансуб эканлигини биламан.

Бу бир қараида ўхшаш гапларда «биламан» сўзи ҳар хил маъноларда келади. Дастлабки икки гапда билиш ниманидир бажара олишни аңглатади. Гносеологияда у «билим-кўникма» деб аталади. Кейинги икки мисолда билиш — бу «билим-танишувлик» демакдир. У инсон ёки қандайдир объектни таниш қобилиятини аңглатади. Сўнги гапларда билим «ниманидир билиш»ни ифодалайди, чунончи: у нарсаларда қандайдир хоссалар, нисбатлар, қонуниятлар ва шу кабиларнинг мавжудлигини тавсифлайди. Билим бу ерда маълум ахборот кўринишида келади, деб айтиш мумкин.

Кўриб турганимиздек, «билим-кўникма» ва «билим-танишувлик» билимнинг стандарт талқинига унча мос келмайди. Умуман олганда, уларга нисбатан ҳақиқийлик ва асосланганлик тушунчаларини татбиқ этиш мумкин эмас. Пўлатни яхши ёки орқаваротдан билиш мумкин, бироқ биз уни «тўғри» ёки

«ишончли» билишимиз мумкинми? Бироқ, бу ерда шунини таъкидлаш лозимки, юқорида зикр этилган билим турлари ўртасидаги четаралар аниқ эмас. Масалан, сизнинг Тошкент ҳақидаги билимингиз сиз шаҳарнинг катталиги, аҳолисининг сони, у Ўзбекистон пойтахти эканлиги ва ҳоказолар ҳақида маълум ахборотга эга эканлигингизни назарда тутадим. Бироқ, бу билим – аввало шаҳар билан танишлик, унда яхши мўлжал ола билиш демак.

Гносеологияда асосий эътибор муайян нарсалар ҳақидаги билимни таҳлил қилишга қаратилади. Zero, фақат шундай билимни асосли ва асоссиз, ишончли ва ишончсиз, ҳақиқий ёки сохта билим сифатида аниқ баҳолаш мумкин. Билимни асослаш усуллари, унинг ишончлилиги, ҳақиқийлигини аниқлаш мезонларини излаш қадимдан билимни фалсафий таҳлил қилишнинг асосий омилли бўлиб келади.

Бироқ, ҳатто билимнинг шу турини фалсафий тушунишда ҳам муаммолар бисёр. Ўттиз йилча муқаддам эпистемологлар шундай мисолларни ўйлаб топдиларки, уларда ишонч, эътиқод билимнинг юқорида зикр этилган учала хусусиятига эга, бироқ, шунга қарамай, улар билим ҳисобланмайдим. Мана, шунга ўхшаш олдий мисоллардан бири.

Масалан, ўқитувчи фалсафадан ёзилган рефератларни текшираётим, талабалардан бири – Валиев ўз ишини компьютерда терганини кўрдим. Ўқитувчи дарсада бу гуруҳда ўқийдиган талабаларнинг қайси бирида уйда компьютер борлигини сўрашга қарор қилади. Валиев ўзида чиндан ҳам яхши компьютер борлигини ва бу компьютерда у ишлашни ўрганганлигини айтди. Қолган талабаларнинг бирортаси ҳам ўзида бундай буюм борлигини айтмади. Шунга асосланиб, ўқитувчи гуруҳда бир талабада компьютер бор экан, деган хулосага келди. Ўқитувчининг бунга ишончи комил ва у ўзининг бу эътиқодига етарли даражада асосланган ва ишончли билим сифатида ёндашади. Бироқ, энди фараз қилайликки, Валиевда компьютер аслида йўқ ва у ёлгон гапириб, ўзи ёқтирадиган бир талаба қизнинг эътиборини ўзига қаратмоқчи бўлган. Аммо, бошқа талаба – Алиевнинг уйда компьютер бор, бироқ у маълум сабабларга кўра буни ошкор этмасликни лозим топган. Натижада, ўқитувчи ўзи дарс берадиган гуруҳда камида бир талабада компьютер бор деб ҳисоблар экан,

у асосланган ва ўз нуқтаи назаридан ҳақиқатга мос келадиган ишонч, эътиқодга эга бўлади. Бироқ, бу эътиқодни билим деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки унинг ҳақиқийлиги замирида фақат тасодифий ҳақиқатга мувофиқлик ётади.

Албатта, бундай мисолларни бор-йўғи тафаккур ўйини деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ, ҳаққоний тасаввурлар сохта фикрлардан келиб чиққан ёки уларга асосланган ҳоллар ҳатто фанда ҳам учрайди.

Аммо, бундай қарши мисолларга йўл қўймаслик учун билимга янада қаттиқроқ талаблар қўйиш, масалан, билим ролига даъвогар эътиқодлар фақат ишончли ва хатосиз деб қараш мумкин бўлган фикрлар ва маълумотларга таянишини талаб қилиш мумкин.

Билим замирида аниқ, ишончли ва хатосиз асослар ётиши лозим, деган тасаввур билиш назариясидаги энг нуфузли ёндашув ҳисобланади. Унга антик файласуфларнинг асарларидаёқ дуч келиш мумкин, энг аниқ кўринишда ва дастуриламал сифатида у Янги даврда машҳур файласуфлар Ф.Бэкон, Р.Декарт ва Ж.Локк томонидан таърифлаб берилган. Бу ёндашувни классик фундаментализм деб номлаш, унинг барча муқобилларини эса, ҳозирча ундан маълум даражада четга чиқиш сифатида тавсифлаш мумкин.

Классик фундаментализмда бизнинг барча тасаввурларимиз икки тоифага: бирон-бир бошқа тасаввурларга асосланадиган ёки улардан келтириб чиқариладиган тасаввурлар ва ҳақиқийлиги бошқа қоидаларнинг ишончлилиги ва ҳақиқийлигига асосланмаган ва улар билан боғлиқ бўлмаган тасаввурларга ажратилади. Сўнгги зикр этилган тасаввурлар замирида уларнинг ўзлари ётади, деб айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам улар билимимизнинг энг сўнгги асоси, пойдевори ҳисобланади.

Эпистемологик фундаментализмнинг икки тури — рационалистик ва эмпиристик фундаментализм мавжуд. Рационалистик фундаментализмнинг энг машҳур намояндаси Декарт бўлиб, у интуиция ёрдамида шу даражада аниқ ва ўз-ўзидан равшан ғояларни аниқлаш мумкинки, уларнинг ишончлилигига шубҳа қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган (у бундай ғоялар жумласига «Худонинг мавжудлиги», «Меннинг мавжудлиги», «бутун қисмдан катта» ва шу кабиларни киритган). Унинг фикрича, шу асосий ғояларга таяниб, дедукция ёрдамида


қолган бутун билим тизимини барпо этиш мумкин. Буни Евклид геометриясида айрим аксиомалардан геометрик шакллар ҳақидаги барча билимлар келиб чиқишига қиёслаш мумкин.

Табий тажриба муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этувчи эмпиристик фундаментализмда асосий элементлар сифатида бевосита сезги тажрибаси маълумотлари олинади. Бу ерда эмпиризмнинг барча билимларимиз бизнинг сезгиларимиз тажрибасидан келиб чиқади, деган бош тамойили ўз ифодасини топади. Фақат далилларни сезги аъзолари ёрдамида бевосита қайд этишни ифодаловчи мулоҳазаларгина аниқ ҳисобланади. Қолган барча мулоҳазалар мададга муҳтож бўлиб, уни фақат сезги тажрибасидан келиб чиққан мулоҳазалардан олиши мумкин. XX асрнинг 20–30-йилларида ҳозирги замон эмпиризмнинг таянчи ҳисобланган Вена тўрагининг раҳбари Морис Шлик (1882–1936) бу ёндашувни қўллаб-қувватлаб, шундай деган эди: «Ҳар қандай ҳолатда, мен дунёнинг қандай манзарасини чицаётганимдан қатъий назар, унинг ҳақиқийлигини мен доим ўз тажрибамда синиб кўраман. Мен ўзимдан бу таянчни тортиб олишни ҳеч кимга ва ҳеч қачон йўл қўймайман: менинг ўз гапларим, кузатишларим доим охириги мезон бўлади. Ва мен: «Нимани кўраётган бўлса, шуни кўряпман!», деб хитоб қиламан»¹.

Хуллас, классик фундаментализм таълимотига кўра, эпистемология бизнинг табиат олами, тарихимиз ва келажагимиз, бошқа одамлар онгининг ҳолатлари ва ҳоказолар ҳақидаги тасавурларимиз ва эътиқодларимиз фақат бизнинг сезги тажрибамиз маълумотлари қай даражада асосли бўлиши мумкинлигини кўрсатиб бериши лозим. Бунга эриша олсак, эпистемология ўз вазифасини бажаради, акс ҳолда биз скептиклар гуруҳига кўшилишимизга тўғри келади.

Билим шакллари. Инсон ўзини қуршаган оламни англаб етади, уни ҳар хил усуллар ёрдамида ўзлаштиради. Бу усуллардан иккита энг муҳимини қайд этиш мумкин. Биринчи — моддий-техникавий усул — тирикчилик воситаларини ишлаб чиқариш, меҳнат, амалиёт. Иккинчи — маънавий (идеал) усул; унинг доирасида субъект ва объектнинг билишга доир муносабатлари улар

¹ Шлик М.//Современная западная философия. М.: ИНТРАН, 2006. 56-б.



Ўртасидаги кўп сонли муносабатларнинг биридир. Ўз навбатида, билиш жараёни ва унда олинадиган билимлар амалиёт ва билишнинг тарихий ривожланиши мобайнида табақаланади ва ўзининг ҳар хил шаклларида мужассамлашади. Билишнинг бу шакллари, гарчи ўзаро боғлиқ бўлса-да, лекин бир-бирига ўхшамайди ва ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Билим шаклларини таснифлаш турли фалсафий йўналишлар учун ҳозиргача мураккаб ва анча баҳсли муаммо бўлиб қолмоқда. Л.Витгенштейннинг билим сўзининг аниқ маъноси мавжуд эмас, деган сўзлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шунга қарамай, билимнинг баъзи бир шаклларини аниқлаб, уларнинг энг муҳим хусусиятларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Билиш, маънавий фаолият шакли сифатида, жамият пайдо бўлган даврдан ва жамият билан бирга маълум ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда. Бу босқичларнинг ҳар бирида билиш жараёни инсоният тарихи мобайнида юзага келган ранг-баранг ва ўзаро боғланган ижтимоий-маданий шаклларда амалга оширилади. Шу боис яхлит ҳодиса сифатидаги билишни бирон-бир шаклга, ҳатто сўзнинг ўз маъносидаги билишни тўлиқ «қопламайдиган» илмий шаклга ҳам боғлаш мумкин эмас. Шунинг учун гносеология умумлаштириш учун фақат бир соҳа — илмий билимдан ва ҳатто юксак даражада ривожланган табиат-шуносликдан материал олиб, ўз хулосаларини чиқара олмайди.

Дастлабки билим. Ҳозирги замон эпистемологиясида у ёки бу билим турларининг бирламчилиги масаласи «инсон табиати» билан бевосита боғланмайди. Кўпинча муайян билим қандай нисбатда бошланғич билим сифатида ва билимнинг ўзаро боғланган асосий турлари сифатида қаралиши мумкинлигини тушунишга ҳаракат қилинади.

Бундай билимлар жумласига одатда, перцептив (сезги тажрибасида кўрилган) билим, кундалик билим (соғлом фикр) ва илмий билим киритилади. Бу ерда уларнинг ўзаро муносабатлари муаммоси туғилади. Билимнинг бу турларидан униси ёки бунисини бирламчи, асосий деб ҳисоблаш мумкинми?

Бу учбурчакка кирувчи билим турлари ҳақидаги қуйидаги тезисларни таърифлаш мумкин:

Сезги тажрибасидан олинган маълумотлар мавжудлик, ўз-

Ўзидан равшанлик маъносида бирламчидир. Улар инсоннинг борлиқ билан дастлабки алоқасини ифодалайди. Шу маънода бундан бирламчироқ билим мавжуд эмас.

Соғлом фикрни билиш концептуал жиҳатдан бирламчидир. Айнан кундалик амалий тажриба объектлари муҳитида бизнинг тилимиз шаклланган, асосий тушунчаларимиз, шу жумладан, фанда кенг қўлланиладиган тушунчалар юзага келган.

Фан объектлари ҳақидаги, айниқса, микроразрлар (электронлар, атомлар ва шу кабилар) тўғрисидаги билимлар онтологик жиҳатдан бирламчидир. Бизнинг фикримизча, бу объектларнинг хулқ-атвори ҳақидаги қонунлар дунёда мавжуд бўлган ва унда юз бераётган нарсалар ва ҳодисаларни, шу жумладан, тошлар, дарахтлар, столлар ва одамлар нима учун оламда мавжудлиги ҳақида энг ишончли ва изчил изоҳ беради.

Кўриб турганимиздек, бунинг натижасида бизнинг учбурчагимизда ўзаро муносабатларнинг шундай бир шакли юзага келдики, унда билим асосий турларининг ҳар бири маълум жиҳатдан зарур ва бирламчи бўлади. Бу билимнинг энг оддий тури — сезги аъзолари орқали идрок этишга ҳам тегишли.

Кундалик амалий билим. Табиат ҳақида, шунингдек, одамларнинг ўзлари, уларнинг яшаш шароити, ижтимоий алоқалари ва ҳоказолар тўғрисида элементар билимлар берувчи кундалик-амалий билимлар билишнинг тарихан энг биринчи шакли ҳисобланади. Билишнинг бу шакли кундалик ҳаёт, одамлар амалий тажрибасидан келиб чиққан. Шу асосда олинган билимлар гарчи мустаҳкам бўлса-да, бироқ тартибсиз, тарқоқ хусусиятга эга бўлади, маълумотлар, қоидалар ва шу кабиларнинг оддий мажмуини ташкил этади. Кундалик билиш соҳаси жуда ранг-баранг. У соғлом фикр, эътиқодлар, белги-аломатлар, шахсий тажрибадан чиқарилган дастлабки хулосалар, уларнинг анъаналар, ривоятлар, ўғитлар ва ҳоказоларда ифодаланган кўринишлари, интуитив ишонч, сезгилар ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Кундалик билим — бу ҳар хил фаолият шакллари — жумладан, ишлаб чиқариш фаолияти, эстетик фаолият, сиёсий фаолият ва ҳоказоларнинг таъсирида шаклланадиган турмуш билан боғлиқ тушунчалар мажмуи авлодлар тўплаган жамоа, коллектив тажрибаси маҳсули ҳисобланади.

Шахсий даражада кундалик билим муайян шахснинг

эмоционал кечинмалари ва ўз ҳаёт тажрибасини англаб етиши билан боғлиқ. Инсон дунёни нафақат илмий ўрганиш, балки ўз ҳаёти, кундалик амалиётида ўзлаштириш жараёнида ҳам тушуниб етади. Бундай ўзлаштиришнинг универсаллигини ҳозирги замон немис файласуфи Гадамер «дунёни синаш» деб номлаган. Кундалик билим замирида одамлар фаолиятининг ранг-баранг шакллари ётади. Бу фаолият турлари урф-одатлар, расм-русумлар, байрамлар, маросимлар, жамоа ҳаракатлари (ўйин, рақс ва ҳ.к.), ахлоқий қоидалар ва тақиқлар билан тартибга солинади. Улар одамларни жамоавий ижтимоий, маданий тажрибага жалб этиш воситалари бўлиб хизмат қилади, одамларнинг табиатга ва бири-бирига муносабатини тартибга солади, янги билимларнинг шаклланишига хизмат қиладиган бошланғич билим сифатида амал қилади.

Ўйин воситасидаги билим нафақат болалар, балки катталар фаолиятининг ҳам муҳим унсури ҳисобланади. Ўйин жараёнида шахс қизгин билиш фаолиятини амалга оширади, билимларнинг катта ҳажмини ўзлаштиради, маданий бойлик — ишга доир ўйинлар, спорт ўйинлари, актёрларнинг ўйинлари ва шу кабиларни қон-қонига сингдиради. Ўйин болаларнинг қизиқувчанлигини қондириш, уларнинг маънавий дунёси ва маълум билимлари, ўзаро тил топиш кўникмалари ва шу кабиларни шакллантиришда муҳим ижтимоий роль ўйнайди.

Ҳозирги вақтда ўйин тушунчасидан математика, иқтисодиёт, кибернетика ва бошқа фанларда кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда мураккаб жараёнлар кечишининг ҳар хил вариантлари, илмий ва амалий муаммоларнинг ечимлари кўриб чиқиладиган махсус ўйин моделлари ва ўйин сценарийлари тобора кўпроқ қабул қилинмоқда. Ҳозирги замон фалсафий ва илмий тафаккурининг бир қанча нуфузли йўналишлари ўйинни мустақил ўрганиш соҳаси сифатида илгари сурмоқдалар. Герменевтика (Гадамер), фалсафий антропология шундай фанлар жумласидан. Масалан, Хайдеггер ўйинни маданият шаклланишининг умумий тамойили, ҳар қандай даврда кишилик жамиятининг негизи деб ҳисоблайди. Гадамер фикрига кўра, ўйин — санъат асарларининг мавжудлик усули, мазкур асарларнинг мавжудлиги эса, ўз навбатида, ҳақиқатни аниқлашнинг муҳим усулидир.

Мифологик билим айниқса, инсоният тарихининг дастлабки

босқичида муҳим роль ўйнаган. Мифологик билимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у борлиқнинг фантастик инъикоси ҳисобланади. Мифология доирасида табиат, коинот ва одамлар, улар мавжудлигининг шарт-шароитлари, алоқа шакллари ва ҳоказолар ҳақидаги муайян билимлар шакланган. Сўнги вақтда (айниқса, структурализм фалсафасида) мифологик тафаккур — бу шунчаки фантазиянинг тийиқсиз ўйини эмас, балки ажодлар тажрибасини қайд этиш ва кейинги авлодларга бериш учун имконият яратадиган дунёни ўзига хос тарзда моделлаштириш эканлиги аниқланди.

Мифологик тафаккурга унинг эмоциялар соҳаси билан узвийлиги, билиш объекти ва субъектини, предмет ва белгини, нарса ва сўзни, ҳодисанинг келиб чиқиши (генезиси) ва моҳиятини аниқ фарқламаслик хос. Унда табиий ва ижтимоий ҳодисаларни, шунингдек, бутун дунёни тушунтириш, уларнинг келиб чиқиши ва яралиши ҳақидаги ҳикояларга боғланган (генетизм).

Айрим ҳозирги тадқиқотчиларнинг фикрича, бизнинг давримизда мифологик билишнинг аҳамияти пасаяётгани йўқ. Масалан, П.Фейерабенд дунё ютуқлари маданиятга асос солгани, рационалистлар эса фақат уни доим яхши томонга ўзгартиришганига ишончи комил.

Миф — ибтидоий одам тафаккурининг табиат ҳодисаларини тушуниш ва тушунтиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Миф нарса ва образ, жисм ва хосса, «асос» ва тамойилларни фарқламайди. Воқеалар ўхшашлиги ёки кетма-кетлигини сабаб ва оқибат боғланиши сифатида талқин қилади. Миф олий даражада универсал воқеалар, чунончи: инсон ўлими ва унинг мангу барҳаётлиги, дунёнинг вужудга келиши, қаҳрамонона қилмишлар, маданият ютуқлари (масалан, оловнинг ўғирланиши ҳақидаги миф) ва шу кабилар ҳақида ҳикоя қилади. Мифнинг мазмуни рамзий тилда ифодаланади, натижада, унинг хулосалари кенг ва кўп маъноли тус касб этади. Кўп сонлилик тамойилини акс эттириш, муайянлик ва антропоморфлик (яъни, инсон хусусиятларини табиат объектларига ўтказиш), образ ва объектни тенглаштириш кабилар мифологик билишнинг ўзига хос хусусиятларидир. Борлиқни англаб етиш усули сифатида миф инсон, жамият, дунёни моделлаштиради, таснифлайди ва талқин қилади.

Шаклан миф муайян воқеани табиатда ёки маълум халқлар тарихида бўлиб ўтганидек, ифодаловчи ривоятдир. Космогоник мифларда Логос ёки Ақл ҳаракатга келтирадиган ва бошқарадиган, иерархик тузилишга эга бўлган ягона ва яхлит космос ҳақидаги тасаввур шаклланган. Шу сабабли космос олий баркамолликка эга деб тасаввур қилинган. Бу тасаввурлар космоснинг ўзгаришларида табиат ҳодисаларининг узлуксиз айланишини ҳосил қилувчи ер, ҳаво ва олов стихиялари подшолиги сифатидаги талқинида муайянлашган.

Мифларда қатъий риоя қилиш лозим бўлган амалий тавсиялар ҳам ифодаланган. Гарчи мифологиянинг амалий тавсиялари исботланмаган, балки қоида сифатида белгиланган бўлса-да, улар одамларнинг жуда кўп авлодлари тажрибасини умумлаштириш маҳсули ҳисобланади.

Миф — маданиятнинг муқаррар унсури. Антик даврда у ҳақиқатнинг поэтик ифодаси сифатида қаралган. Бугунги кунда эса, миф кўпинча одамлар хулқ-атворини манипуляция қилиш учун мўлжалланган онгли алдов ҳисобланади.

Мифология бағрида билишнинг бадий-образли шакли юзага келади ва кейинчалик санъатда ўзининг ёрқин ифодасини топади. Гарчи, у билиш вазифаларини махсус ечмаса-да, аммо анча кучли гносеологик салоҳиятга эга. Шунингдек, масалан, герменевтикада санъат ҳақиқатни аниқлашнинг муҳим усули ҳисобланади. Гарчанд бадий фаолиятни билишга тўлиқ боғлаш мумкин бўлмаса-да, бироқ санъатнинг бадий образлар тизими орқали билиш функцияси унинг энг муҳим функцияларидан биридир. Санъат борлиқни ўзининг ҳар хил турлари (тасвирий санъат, мусиқа, театр ва ҳ.к.)да бадий ўзлаштириш, одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондириш билан бир вақтда дунёни англаб етади, инсон эса уни яратади ва бунда гўзаллик қонунларига ҳам амал қилади. Ҳар қандай санъат асари таркибидан ҳар хил одамлар ва уларнинг феъл-атвори, у ёки бу мамлакатлар ва халқлар, уларнинг урф-одатлари, хулқи, турмуши, сезгилари, фикрлари ва ҳоказолар ҳақидаги муайян билимлар у ёки бу шаклда доим ўрин олади.

Билишнинг мифология билан узвий боғлиқ бўлган қадимги шакллари диний ва фалсафий билишдир.

Диний билим. Диннинг асосий вазифаси — инсон ҳаёти, табиат ва жамият борлигининг мазмунини аниқлашдан иборат. У

инсоният тўплаган тажрибага таяниб, инсон ҳаётининг муҳим кўринишлари. чунончи: оила ва турмушдаги хулқ-атвор, ахлоқий қоидалар, меҳнат, табиат, жамият ва давлатга муносабатни тартибга солиди. Дин универсумнинг пировард мазмунлари ҳақидаги ўз тасаввурини асослаб, дунё ва инсониятнинг бирлигини тушунишга кўмаклашади. У инсон ҳаётини ўзгартиришга қодир бўлган ҳақиқатлар тизимидан иборат. Диний таълимотларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар жамоа тажрибасини ифодалайди ва шу боис нафақат ҳар бир диндор одам, балки динга сиғинмайдиганлар учун ҳам қадрлидир.

Диний таълимотларнинг вазифаси Худо борми, уни қандай қилиб билиш мумкин, умуман, Худони билиш мумкинми, деган саволларга жавоб беришдан иборат. Дин ўз дунёқарашини Муқаддас Китоб матнларида, шунингдек, диний расм-русум ва урф-одатларда ифода этади. Диний расм-русумларнинг бир унсури рамзий аҳамиятга эгадир. Диний рамзлар гоё ва образ мувозанатини ўзида мужассамлаштиради.

Онгнинг ўзига хос шакли сифатида дин эътиқод, ишонч ва билиш механизмлари (ҳаёт тажрибаси)га таянади. Диний эътиқод рефлексия билан қўллаб-қувватланади, шахснинг фожиавий тажрибаси (ўлим хавфи ёки яқинларини йўқотиши)ни англаб етиш орқали юзага келади ёки мустаҳкамланади, бу тажриба шахсни ўз ҳаёти ва тафаккур тарзини тубдан ўзгартиришга даъват этади. Диндорлар фикрича, диний эътиқод диний ваҳий келиши натижасида туғилиши мумкин.

Дин дунё ва инсонни интуитив-мистик йўл билан англашнинг ўзига хос усулларини яратган. Бундай усуллар жумласига ваҳий ва медитацияни киритиш лозим.

Ваҳий тушунчаси диний тасаввурларнинг тадрижий ривожланиши жараёнида шаклланган. Дастлаб у олий кучлар танлаган айрим шахсларнинг трансцендент ҳолатида шу кучлар номидан сўзлаш қобилияти сифатида қаралган (валилар, шаманлар ва ш.к.). Муқаддас Китоб матнларига доимий мурожаат этиш диндорга уларда янги ҳақиқатларни кашф қилиш, ўз ҳаётини солиштириш ва уни қайта тушуниш имконини беради.

Медитация — ўз тафаккурини бир объектга қаратиш, инсон эътиборини чалғитувчи барча бегона омилларни четга чиқариш йўли билан фикр юритиш, нарса, гоё, дунёни идрок этишдир.

Динда медитация шахсий онгнинг Абсолют билан бирикувини англатади. Христианликда медитация инсон шахси ва илоҳий шахснинг муайян оқибати сифатида талқин қилинади. Медитация, одатда, табиий рефлексия жараёнига айланадиган ҳаракатларнинг муайян кетма-кетлиги билан боғлиқ. У айрим психотехник усуллардан фойдаланишни назарда тутди. Бунда диндор мазкур усуллар ёрдамида ўзини бошқариш, ўзликни ёки табиатни англашга кўмаклашувчи ғайритабиий руҳий кучлардан фойдаланаётганига ишончи комил бўлади. Медитациянинг билиш усули сифатидаги самарадорлигини фан тан олади; даволаш учун мўлжалланган психотехника ва аутоген машқ тизимлари диний-мистик ғоялар билан боғлиқ эмас.

Диний билишнинг ўзига хос хусусиятлари шу билан белгиланадики, у одамларнинг ўзини бошқарувчи дунёвий (табиий ва ижтимоий) кучларга муносабатининг бевосита эмоционал шакли билан боғлиқ. Бу кучларнинг хаёлий инъикоси бўлган диний тасаввурлар борлиқ ҳақидаги маълум билимларни ифода этади. Одамлар асрлар ва минг йилликлар мобайнида тўплаган диний ва бошқа билимлар хазинаси сифатида, масалан, Инжил ва Қуръонни қайд этиш мумкин. Бироқ, дин (мифология каби) билимни изчил ва назарий шаклда ифодаламаган. У умумий, яхлит, ўзига тўқ ва исботланган объект сифатида билим ишлаб чиқариш вазифасини ҳеч бажармаган ва бажармайди.

Агар диний билишга дунёга эмоционал муносабатнинг ғайритабиий нарсалар ва ҳодисаларга ишонч билан бирикуви хос бўлса, илмий билишнинг замирида эмоциялар ва эътиқодни ўзига бўйсундирувчи оқилоналик ётади.

Фалсафий билим. Фалсафа, санъат ва дин каби, билиш вазифаларини ечиш билангина кифояланмайди. Унинг бош вазифаси санъат ва дин билан уйғун ҳолда — инсоннинг дунёда маънавий мўлжал олишига кўмаклашишидан иборат. Фалсафий билиш айна шу мақсадга бўйсундирилган. Фалсафа умуман дунё, унинг «биринчи» асослари, ҳодисаларнинг универсал ўзаро алоқаси, борлиқнинг умумий хоссалари ва қонунлари ҳақида умумий тасаввурни шакллантиради. Фалсафа дунёни инсонга боғлаб ўрғанади. Меъёрлар ва идеаллар, илмий билимлар ва санъат ютуқлари, инсоннинг ташвишлари, эҳтиёжлари, ҳаёт мазмунини англаш йўлидаги изланишлари файласуфнинг дунёқарашини,

фалсафий мушоҳада юритиш шаклини белгилайди. Фалсафа жамият онги, жамият маданиятининг назарий ифодаси сифатида амал қилади. У тафаккур тарзи, қадриятлар, идеаллар, фалсафий муаммолар ва уларни кўриб чиқиш хусусиятини белгилайдиган маданият билан узвий боғлиқдир. Фалсафа умуман, дунёга ва маданият субъекти сифатидаги инсонга мурожаат этади. Фалсафий билим донишмандлик сифатида тавсифланади. Донишмандлик — дунёни ва инсоннинг ундаги ўрнини яхлит тушуниш андозаси. Фалсафа барча одамлар учун муҳим бўлган ҳақиқатларнинг тагига етиш учун (илмий ва ноилмий) билимдан фойдаланади. Кант фалсафа инсон ақлининг бошқа билимларга олий қадрият тусини берувчи энг сўнгги мақсадларини англаб етишни тушунишга, бу билимларнинг инсон учун аҳамиятини аниқлашга ёрдам беради деб ҳисоблаган. Фалсафа инсон фаолиятини йўлга солувчи тамойиллар, ёндашувлар, қадриятлар ва идеаллар тизимини, унинг дунёга ва ўз-ўзига муносабатини белгилайди. Дунёнинг инсон билан муштарак ҳолдаги образини яратиб, фалсафа муқаррар тарзда қадриятлар дунёсига мурожаат этади. Этика, эстетика, аксиология — фалсафий билимнинг қадриятлар дунёсини ўрганувчи махсус соҳалардир. Фалсафа санъатда ўзининг ёрқин ва ишонарли ифодасини топиши бежиз эмас. Кўпгина файласуфлар унинг метафораларга бой образли тилидан ўз ғояларини ифодалаш учун фойдаланади.

Дин каби, фалсафий билимнинг ҳам бош мақсади — инсонни кундалик ташвишлар соҳасидан олиб чиқиш, унда юксак идеалларга қизиқиш уйғотиш, унинг ҳаётига чин мазмун бахш этиш, энг замонавий қадриятлар сари йўл очишдир. Бироқ, дин — оммавий онг бўлса, фалсафа — нафақат истеъдод, балки касбий билим ва кўникмаларни ҳам талаб қилувчи элитар онгдир.

Фалсафий билимда икки асос — илмий-техникавий ва назарий-маънавий асосларнинг уйғунлашиши унинг онгининг бетакрор шакли сифатидаги ўзига хос хусусиятини белгилайди. Бу фалсафа тарихида — тарихан вақтда бир-бири билан тасодифий эмас, балки муқаррар тарзда боғланган фалсафий таълимотларнинг ғоявий мазмунини мерос қилиб олиш, ривожлантириш жараёнида айниқса, бўртиб кўринади. Бу таълимотларнинг барчаси — яхлит бир бугуннинг қисмлари, холос. Оқилоналикнинг бошқа соҳаларида (масалан, фанда)ги каби,

фалсафада ҳам янги билим ўзининг аввалги даражасидан воз кечмайди, балки уни ўзининг айрим кўриниши сифатида ўз таркибида қолдиради. Тафаккур тарихида биз тараққиётни, мавҳум (номукаммал, бир ёқлама) билимдан янада аниқроқ (мукаммал, серқирра) билим сари муттасил юксалишини кузатамиз, деб таъкидлаган эди Гегель. Фалсафий таълимотларнинг кетма-кетлиги ҳам ғоя мантиқий таърифларининг кетма-кетлиги билан асосан бир хил, яъни билиш тарихи англаб етилаётган предметнинг объектив мантиқига мос келади.

Бироқ, фалсафий билимнинг маънавий (қадриятлар ва мўлжаллар) қисми юксалиш қонунига ҳам, ҳокимият ва вақтга ҳам бўйсунмайди. У тарихига «юксак», «тубан» мезонлари билан ёндашиш мумкин бўлмаган санъатга яқинроқ. Ньютон таъбири билан айтганда, олимлар ўз ўтмишдошларининг «елкалари»да туради: улар ўз ижоди билан бир умумий ишни давом эттиради, ривожлантиради. Санъаткорлар эса бу сафга кирмайди. Зеро, уларнинг ҳар бири – алоҳида дунё, алоҳида олам (лекин, бу даврлар ва авлодларнинг бадиий тажрибасида ворисийликни истисно этмайди). Буюк санъаткор ўз даврининг буюк ифодачиси бўлиб, айни шу маънода унинг ижоди одамлар учун оламшумул аҳамият касб этади.

Фалсафий билимнинг назарий қисми, яъни, унинг ички мантиқи анча мураккабдир. Бу фалсафий ғоянинг сермаънолилиги, у ривожлантирилиши, ҳар хил, ҳатто қарама-қарши йўналишларда давом эттирилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Масалан, Локк (XVII аср инглиз файласуфи) фалсафасидан унинг издошлари (идеалист Беркли ва француз маърифатчи материалистлари Дидро, Гольбах) бир-бирини мутлақо истисно этувчи хулосалар: Беркли – субъектив-идеалистик, француз мутафаккирлари – эса маърифатчилик билан боғлиқ хулосалар чиқарганлар. Кант ва Гегелнинг фалсафий ғоялари ҳозирги замон тафаккурига асос солди. Бироқ, ҳар бир кантчи ва гегелчининг ўз Канти, ўз Гегели бор, уларнинг ҳар бири ўз ўтмишдошларини ўзича талқин қилади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, бирон-бир йирик файласуф ўз ғояларини битта ягона манбадан олмаган. Кант Лейбниц ва Юмга, Форобий Аристотель ва Платонга таянган ва ҳоказо. Буларнинг барчаси

янги фалсафий билимнинг вужудга келишига асос бўлади. Шаклланган бу янги фалсафий билимда эса ижодий танқид муҳим роль ўйнайди.

Ҳар қандай билим сингари, фалсафий билим ҳам ҳақиқат ва иштибоҳ бирлигидир. Бироқ, гносеологияда бу тушунчалар алоҳида мазмун касб этади. Бу мазмун ижтимоий-тарихий, ижтимоий-маънавий хусусиятга эга бўлиб, у муқаррар тарзда нафақат бизнинг тафаккуримизни, балки унга боғлиқ бўлган, унга асосланган бизнинг ҳаракатларимизни ҳам баҳолашни ўз ичига олади. Бироқ, инсоннинг олий мақсадлари — унинг универсал, жисмоний, ақлий ва маънавий кучларини ривожлантиришга мос келадиган ҳаракат (қилмиш, қарор, ният)гина ҳақиқийдир. Ҳақиқат, чин ҳаёт каби, инсоннинг юқорида зикр этилган кучлари ва ижодий қобилиятини чекламайдиган, торайтирмайдиган, балки уларни кенгайтирадиган ва ривожлантирадиган тамойиллар ва қадриятларга риоя қилиш демакдир. Ўз навбатида, иштибоҳ ҳам оддий субъектив мантиқий хато, янглишиш, адашиш ёки душманларнинг кирдикорлари маҳсули эмас, балки тарих адашувининг муқаррар натижасидир.

Масалан, коммунистларнинг барча йўллар бизнинг асримизга, жамиятни эркинлик, тенглик ва бирдамликка етаклайди, деган умид ва ишончларини хатога йўйиши мумкин, чунки уларнинг биронтаси ҳам ўз тасдиғини топмади. Бироқ, хатолар замирида теран мазмун ётади. Ахлоқий императив (идеал, орзу) борлиқ эмас, бироқ у мазкур борлиқнинг даракчиси. Жамиятда ахлоқий тушунчалар, қадриятларга муносабатнинг ўзгариши, инсоният миллионлаб кишилар ҳаётида оламшумул ўзгаришлар юз бериши арафасида турганлигининг энг аниқ кўрсаткичидир. Зотан, ғоялар йўқ жойдан пайдо бўлмайди, осмондан тушмайди. Илмий билим маънолар, мақсадлар, қадриятлар ва инсоннинг қизиқишларига бефарқ бўлса, фалсафий билим инсоннинг дунёдаги ўрни ва роли ҳақидаги билимдир.

Илмий билим. Билишнинг энг олий шакли фандир. Айрим фан вакиллари фанни таърифлар эканлар, уни муайян тадқиқотлар соҳаси билан боғлайдилар. Илмий билим бошқа билим турларидан ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради.

Илмий билим, маънавий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари каби, пировардида инсон фаолиятини тартибга солиш учун зарур.

Билишнинг ҳар хил турлари бу вазифани турлича бажаради ва мазкур фарқнинг таҳлили илмий билимнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг биринчи ва муҳим шарти ҳисобланади.

Илмий билим борлиқни моддий ва объектив ўрганишга қараб мўлжал олади. Бироқ, бу олимнинг шахсий хусусиятлари, унинг кадриятларини белгилашда, илмий ижодида роль ўйнамайди ва унинг натижаларига таъсир кўрсатмайди, деган маънони англатмайди. Илмий билим нафақат ўрганилаётган объектнинг ўзига хос хусусиятлари, балки ижтимоий-маданий хусусиятга эга бўлган кўп сонли омиллар билан ҳам белгиланади.

Илмий билимнинг тарихий ривожланиши маданиятнинг ўзгариши илмий билимни баён этиш андозалари, фанда борлиққа ёндашиш усуллари ва тафаккур услубларининг ўзгаришига боғлиқ. Бу андозалар, усуллар ва услублар маданият контекстида, унинг ҳар хил ҳодисалари таъсирида шаклланади. Бу таъсирни илмий билимнинг ривожланиш жараёнига ҳар хил ижтимоий-маданий омилларнинг қўшилиши сифатида тавсифлаш мумкин. Бироқ, ҳар қандай билиш жараёнида объектив ва субъектив нарсалар ҳамда ҳодисаларнинг алоқаларини қайд этиш, фанни инсон маънавий фаолиятининг бошқа шаклларига боғлаб ўрганиш зарурлиги фан билан бу шакллар (кундалик билиш, бадиий тафаккур ва ш.к.) ўртасидаги фарқ масаласини кун тартибидан чиқармайди. Илмий билимнинг объективлиги ва моддийлиги бундай фарқнинг биринчи ва энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Илмий билим одамларнинг кундалик билим фаолияти маҳсулларида ўзининг изчиллиги ва асосланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Илмий тадқиқотни кундалик билимга таққослаганда фаннинг яна бир муҳим белгиси — билиш фаолияти методининг ўзига хослиги намоён бўлади. Кундалик билим объектлари инсоннинг кундалик амалиёти жараёнида шаклланади. Бундай объектларни билиш предмети сифатида фарқлаш ва қайд этиш усуллари кундалик тажриба билан муштаракдир. Мазкур усуллар мажмуини субъект одатда, билиш методи сифатида англамайди. Илмий тадқиқотда эса бундай эмас. Бу ерда хоссалари келгусида ўрганилиши лозим бўлган объектнинг ўзини аниқлаш анча мушкул вазифа ҳисобланади. Масалан, қисқа яшайдиган зарралар — резонансларни аниқлаш учун ҳозирги

замон физикаси зарралар тўпламларини тарқатиш бўйича экспериментлар ўтказилади ва сўнгра мураккаб ҳисоб-китобларни амалга оширади. Оддий зарралар из — фотоэмульсияларда ёки Вильсон камерасида треклар қолдиради, резонанслар эса бундай из қолдирмайди. Улар жуда қисқа вақт (10–22 секунд) яшайди ва шу вақт оралиғида атом ўлчамларидан кичикроқ масофани босиб ўтади. Шу сабабли резонанс фотоэмульсия молекулалари (ёки Вильсон камерасидаги газ)нинг ионлашувига сабаб бўлиши ва кўринадиган из қолдириши мумкин эмас. Бироқ, резонанс парчаланганида, бунинг натижасида ҳосил бўлувчи зарралар кўрсатилган турдаги изларни қолдиришга қодир. Фотосуратда улар бир марказдан тарқалаётган нур-чизиқчалар тўплами кўринишида бўлади. Бу нурларнинг хусусиятига қараб, физик олим математик ҳисоб-китоблар ёрдамида резонанснинг мавжудлигини аниқлайди. Шундай қилиб, резонансларнинг айна бир тури билан ишлаш учун тадқиқотчи тегишли объектнинг пайдо бўлиш шартларини билиши лозим. У эксперимент ёрдамида заррани аниқлаш методини аниқ билиши шарт. Методсиз у табиат предметларининг кўп сонли алоқалари ва муносабатлари орасидан ўрганилаётган объектни ажрата олмайди. Объектни қайд этиш учун олим бундай қайд этиш методларини билиши керак. Шу сабабли фанда объектларни ўрганиш, уларнинг хоссалари ва алоқаларини аниқлаш доим объектни ўрганиш методини англаб этиш билан бир вақтда амалга оширилади. Объектлар инсонга доим фаолиятнинг муайян усуллари ва методлари тизими орқали маълум бўлади. Бироқ, фанда бу усуллар аниқ-равшан эмас, кундалик амалиётда кўп қарра такрорланувчи усуллар ҳисобланмайди. Фан «ғайриоддий» объектларни ўрганишга берилиб, кундалик тажрибада кўриладиган нарсалардан қанча кўп узоқлашса, фанга объектларни ўрганиш имконини берадиган алоҳида методлар тизимини яратиш ва ишлаб чиқишга зарурат шу даражада кучлироқ намоён бўлади. Объектлар ҳақидаги билимлар билан бир қаторда фан методлар ҳақидаги билимни ҳам шакллантиради. Иккинчи турдаги билимларни ривожлантириш ва тизимга солишга бўлган эҳтиёж фан ривожланишининг олий босқичларида тадқиқотнинг вазифаси илмий изланишларни йўлга солишдан иборат бўлган алоҳида тармоғи сифатида методология шаклланишига олиб келади.

Ниҳоят, фаннинг объектларни мустақил ўрганишга интилиши илмий фаолият субъекти ўзига хос хусусиятларга эга бўлишини назарда тутлади. Фан билан шуғулланиш ўрганувчи субъектдан алоҳида тайёргарликни талаб қилади. Бундай тайёргарлик жараёнида субъект илмий тадқиқотнинг тарихан шаклланган воситаларини ўзлаштиради, бу воситалардан фойдаланиш усуллари ва методларини ўрганади. Одатдаги билиш учун бундай тайёргарлик керак эмас, аниқроғи, у шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида, маданият билан ошно бўлиши ва турли фаолият соҳалари билан шуғулланишига қараб, ўз-ўзидан амалга ошади. Фан билан шуғулланиш билиш методлари ва воситаларини эгаллаш билан бир қаторда, илмий билишга хос бўлган кадриятлар ва мўлжалларнинг муайян тизимини ўзлаштиришни ҳам назарда тутлади. Бу мўлжаллар олинаётган билимлар бугун қандай амалий самара бераётганидан қатъий назар, янги ва янги объектларни ўрганишга қаратилган илмий изланишни рағбатлантириши лозим. Акс ҳолда фан ўзининг бош вазифаси — инсоннинг моддий дунёни ўзлаштириш имкониятлари чегараларини кенгайтириб, ўз даври амалиёти моддий тузилмалари доирасидан четга чиқишни амалга ошира олмайди.

Табиий ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнини табиий фанлар ўрганади. Ижтимоий объектларнинг ўзгариш жараёнларини ижтимоий фанлар ўрганади. Ҳамонки фаолият жараёнида ҳар хил объектлар — табиат предметлари, инсон (ва унинг онги ҳолатлари), жамиятнинг кичик тизимлари, маданият ҳодисалари сифатида амал қилувчи белгилар кўринишидаги объектлар ва ҳоказолар ўзгариши мумкин экан, уларнинг ҳаммаси илмий тадқиқот предметлари бўлиши мумкин.

Ҳар қандай олим ҳақиқатни фаннинг олий кадрияти сифатида идрок этиб, ҳақиқатни излашни илмий фаолиятнинг асосий мўлжалларидан бири сифатида қабул қилади. Бу мўлжал илмий билишнинг бир қанча идеаллари ва меъёрларида, чунончи: билимни ташкиллаштиришнинг муайян идеаллари (масалан, назариянинг мантиқий изчиллиги ва унинг синовда ўз тасдиғини топганлиги талаби), ҳодисаларни ўрганилаётган объектларнинг муҳим алоқаларини акс эттирувчи қонунлар ва тамойиллардан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қилиш ва ҳоказоларда ўз ифодасини топади.

Билиш фаолиятининг фанга хос бўлган меъёрлари ва мақсадлари, шунингдек, янги объектларни ўзлаштиришни таъминловчи ўзига хос воситалар ва методларнинг мавжудлиги мутахассис – олимларни изчил шакллантиришни тақозо этади. Бу талаб «фаннинг академик тизими» – илмий кадрлар тайёрлашни таъминловчи алоҳида ташкилотлар ва муассасалар пайдо бўлишига олиб келади.

Бундай тайёргарлик жараёнида бўлажак тадқиқотчилар нафақат махсус билимлар, илмий иш усулларини ва балки фаннинг асосий қадриятлари ва мўлжаллари, унинг ахлоқий меъёрлари ва тамойилларини ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Шундай қилиб, илмий билим табиатини аниқлашда фаннинг ўзига хос белгилари тизимини фарқлаш лозим, уларнинг орасида қуйидагилар биринчи ўринда туради: а) объектларнинг ўзгариши қонунларини ўрганишга қараб мўлжал олиш ҳамда бу мўлжални рўёбга чиқарувчи илмий билимнинг моддийлиги ва объективлиги; б) фан ишлаб чиқариш моддий тузилмалари ва кундалик тажриба чегараларидан четга чиқиши ҳамда объектларни уларни ишлаб чиқаришда ўзлаштиришнинг бугунги имкониятларидан қатъий назар ўрганиш. Фанни билиш фаолиятининг бошқа шаклларида фарқлаш имконини берувчи бошқа муҳим хусусиятларни юқорида зикр этилган муҳим белгиларга боғлиқ ва улар билан белгиланувчи хусусиятлар сифатида тавсифлаш мумкин.

Бадий билим. Борлиқни тушуниб етиш рефлексиянинг ўзига хос шакли бўлиб, у санъат борлигининг барча босқичларида – асар ғоясидан бошлаб, унинг одамлар томонидан қабул қилинишигача – ўзига хос тарзда рўёбга чиқади. Бадий ижодни ижодкорнинг фикрлари ва кечинмаларини англаб етиш объекти – бутун дунёга узвий боғлаган ҳолда санъат тилида моддийлаштириш деб таърифлаш мумкин. Шаклан бадий фаолият объектга қараб мўлжал олади, мазмунан эса, у шахс ўзлигининг ифодаси, инсон маънавий ҳаётининг интим томони, ижодкор идеаллари ва дидининг мажмуи ҳисобланади.

Борлиқни бадий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти кўп жиҳатдан санъат тилининг ўзига хослиги билан белгиланади. Унинг таржимони – ижтимоий алоқалар тизимига кирувчи маданиятнинг белгилар тизимларидир. Санъат маданият тилларини бадий тафаккур ва алоқа воситаларига айлантиради.

Бунда санъат тили икки хил маънода: дастлабки, маланий (асарни идрок этишда у айнан тушунилиши мумкин) ва шартли, бадий маънода келади. «Маънолар ўйини» асл борлиқдан чалғитмайди, бироқ, уни мутлақо қутилмаган томондан кўриш имконини беради. Санъатни идрок этишда муттасил кашфиётлар юз беради. Уларнинг орасида энг муҳими қалбимизнинг хилват бурчакларини ёритувчи яшин чақинига ўхшайдиган ўзликни кашф этишдир. Онгнинг қутилмаган кашфиётларга хос бўлган бундай ҳолати психологияда «инсайд» деб аталади. Санъатни идрок этиш ўзликни англаш билан боғлиқ чексиз ва тенгсиз лаззат бахш этади. Санъатни идрок этиш механизми сифатида эмпатия, яъни ўзини образ билан тенглаштириш амал қиладики, бу кучли эмоционал таъсирланишга сабаб бўлиши мумкин. Ижобий ва салбий эмоционал ҳолатларнинг бир-бирига ўтиши билан боғлиқ мураккаб жараён шахсни ўз тажрибасини қайта тушунишга мажбур қилади ва унинг қадриятлар тизимида тўнтариш ясашга қодир.

Шундай қилиб, санъатнинг билишдаги аҳамияти шундан иборатки, у билиш ва ўзликни англашнинг ўзига хос бирлигидир. Санъат — шахсни маънавий бойитиш манбаи. У инсоннинг ижодий имкониятларини фаоллаштиради, унинг маданият дунёси ва умуман, жамиятдаги хулқ-атворни тушуниш қобилиятини ривожлантиради. Санъатни идрок этишда объект ва субъект муштаракдир. Шахс санъат асарининг мазмунига ўзининг дахлдорлигини ҳис қилади ва уни ўзида кашф этади. Шу сабабли санъатни идрок этиш орқали билиш фаоллиги намоён бўлади.

Шахсий билим. Билим шакллари тўғрисида сўз юритар эканмиз, М.Полани томонидан ишлаб чиқилган *шахсий билим* концепциясини четлаб ўтишимиз мумкин эмас. Олим ўз концепциясини тузишда билим — англаш мумкин бўлган нарсаларни фаол ўзлаштириш, алоҳида маҳорат ва алоҳида воситаларни талаб қилувчи ҳаракат, деган тамойилдан келиб чиққан. Модомики, фанни одамлар яратар экан, билиш фаолияти жараёнида олинадиган билимларни (худди шу жараённинг ўзи каби) одамлардан ажратиш мумкин эмас. Демак, одамларни (аниқроғи, ўз қизиқишлари, мақсадлари ва мўлжалларига эга бўлган олимларни) улар яратаётган билимлардан ажратиб ёки бошқа одамлар билан алмаштириб бўлмайди.

Полани фикрига кўра, шахсий билим муқаррар тарзда интеллектуал салоҳиятни талаб қилади. Унда нафақат билиш борлиғи, балки билишга ҳаракат қилаётган шахс, унинг билимга қизиқиши, билимни талқин қилиш ва ундан фойдаланишга нисбатан шахсий ёндашуви, уни ўзига хос тарзда англаб етиши мужассамлашади.

Шахсий билим нафақат қандайдир фикр-мулоҳазалар мажмуи, балки шахснинг кечинмалари ҳамдир. Шахс билимни шунчаки қайд этмайди, балки у билан бирга яшайди.

Билим таснифини ҳар хил асослар (мезонлар)га кўра текшириш мумкин. Шу муносабат билан, масалан, оқилона ва эмоционал, феноменалистик (сифат концепциялари) ва эссенцианалистик (асосан, таҳлилнинг миқдорий воситалари билан қуролланган), эмпирик ва назарий, фундаментал ва амалий, фалсафий ва айрим илмий, табиий илмий ва ижтимоий билимлар фарқланади.

Ижтимоий билим асосан, ўзи ўрганаётган борлиқнинг сифат томонини тавсифлашга қараб мўлжал олади. Бу ерда ҳодисалар ва жараёнлар миқдор ва умумийлик нуқтаи назаридан эмас, балки сифат ва хусусийлик нуқтаи назаридан ўрганилади. Шу сабабли миқдор методларининг улуши бу ерда табиий-математик циклга мансуб фанларга қараганда камроқ. Бироқ, билимнинг математикалашуви, компьютерлашуви жараёнлари бу ерда ҳам тобора кенгроқ тус олиб бормоқда.

«Инсон борлиғи», ижтимоий билим предмети сифатида, ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, унда математик аппаратдан фойдаланиш анча мушкул. Бу соҳага математик методларни татбиқ этишга ижтимоий объектларнинг ўта индивидуаллиги (ва ҳатто бетакрорлиги), субъектив (шу жумладан, соф иррационал) жиҳатлар доимо мавжудлиги, назорат қилиб бўлмайдиган, тасодифий муносабатларнинг кўплиги, маъноларнинг мужмаллиги, номукаммаллиги ва ҳоказолар халақит беради.

Бироқ, бу ижтимоий фанларни математикалаштириш мутлақо мумкин эмаслигидан далолат бермайди. Бу борада тоқ тўпламлар назариясига катта умид боғланмоқда. Тоқ тўпламлар деганда чегаралари аниқ бўлмаган тўпламлар тушунилади, бунда элементларнинг мазкур тўпламга мансублигидан унга мансуб эмаслигига ўтиш кескин эмас, балки аста-секин юз беради.

Ижтимоий фанларда миқдор методларидан фойдаланиш тобора кенг ва самарали тус олиб бормоқда. Уларнинг айримлари (иқтисодиёт, социология)дан миқдор методлари мустаҳкам ўрин олган, айримлари (тарих, санъатшунослик ва бошқалар)га эса улар эҳтиёткорлик билан кириб бормоқда. Масалан, тарих фани доирасида математик методлар тарихни ўрганишнинг асосий воситаси бўлган алоҳида фан — киометрия (сўзма-сўз маъноси — тарихни ўлчаш) юзага келди ва шаклланимоқда. Бироқ, ижтимоий фанларда математик методлар қай даражада кенг қўлланилмасин, улар бу фанлар учун асосий эмас, балки ёрдамчи методлар бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий билимда эмпирик ва назарий унсурларнинг ўзига хос уйғунлиги кузатилади. Ижтимоий билимда эмпирик методларнинг имкониятлари чекланган бўлса-да, улар бу ерда тобора кенгроқ ва ўзига хос тарзда қўлланилмоқда. Булар, аввало, кўриб чиқиладиган ҳодисаларнинг соф объектив хоссаларини эмас, балки уларнинг инсоний кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган сўровлар, анкеталаш, тестлаш, моделда эксперимент ўтказиш ва ҳоказолардир.

Ноилмий билим шакллари. Ноилмий билим тарқоқ, нотизимли билим сифатида тушунилиб, у қонунлар билан изоҳланмайди ва формаллаштирилмайди, мавжуд дунёнинг илмий манзарасига қарама-қарши туради.

Фангача бўлган илм илмий билимнинг прототипи, уни келтириб чиқарувчи базаси омили ва асоси.

Параилмий билим мавжуд стандартларга мос келмаслиқдир. Параилмий («пара» юнонча — ёнида) билим ўзига тарихий феноменлар ҳақидаги таълимотлар ва мулоҳазаларни илмийлик мезонлари нуқтаи назаридан асосли тушунтира олмайдиган билимни ифодалайди.

Ёлғон илм турли ақидалардан онгли равишда фойдаланиш. Баъзи ҳолларда ёлғонни ижодкорнинг патологик психик фаолияти билан боғлаб, уни «демона» деб ҳам атайдилар. Ёлғон билимларнинг алоҳида хусусиятларидан бири шундаки, улар парадигмалар билан мужассамлаштирилмайди, универсаллик ва тизимлиликка риоя қилмайди. Одатда, ёлғон илм зўрма-зўраки ўтказиладиган, буйруққа асосланган хулоса ва мулоҳазаларда (квазиилмда) намойён бўлиб, у орқали ривожланади.

Квазиилмий билим — зўравонлик ва мажбур қилиш методларига асосланиб, ўзига ҳамкор излайди. У одатда, қатъий мафкуравий тартиб жорий қилинган ва уни танқид қилиб бўлмайдиган, тизимлашган фан шароитида шаклланади. Фан тарихида «квазимнинг гуллаб-яшнаган» давлари ўтган асрнинг 50-йилларида геологияда, кибернетикада, генетикада таълимотида акс этади.

Антиилмий билим — ҳақиқат ҳақидаги тасаввурларни онгли бузиш ва утопизмдир. «Анти» сўзи тадқиқотнинг усули ва предмети фанга мутлақо қарши эканлигини англатади. У фанга қандайдир «қарама-қарши» белги асосида ёндашувдир. Антиилмга эҳтиёж бевосита зўрлик асосида ушлаб турилган нисбий ижтимоий беқарорлик даврида зўрайиб, унга «барча касалликларга» даво сифатида қаралади. У маълум даражада асоссиз бўлса-да, бундай шароитда ундан қутулиш мумкин эмас.

Паранормал илм ўзида кундалик ҳодисалар орқасига беркинадиган табиат ва психик кучлар сирлари, муносабатлари ҳақидаги таълимотни мужассамлаштиради. Бу типдаги билимнинг ёрқин намунаси мистицизм ва спиритизмдир. Фан доирасидан чиқувчи ахборотни олиш усулини изоҳлаш учун «паранормал» сўздан ташқари «Ҳиссий идрок» (ёки «параҳиссий», «психофеномен») атамасидан ҳам фойдаланилади. У маълумот (информация)ни олиш ёки таъсир қилиш бевосита жисмоний усулларга мурожаат қилмасдан ҳам амалга оширилиш имкониятини эътироф қилади. Фан ҳозирча бу ҳолда ҳаракат қилувчи механизмларни тушунтира олмайди, айти пайтда бундай феноменларни инкор ҳам қилолмайди.

Ҳозирги кунда экстрасенсор идрок ва психокинез ҳам мавжуд. Экстрасенсор идрок телепатия ва фолбинликка бўлинади. Телепатия икки ёки ундан ортиқ паранормал усул орасидаги маълумот (информация) алмашинувини тақозо қилади. Фолбинлик қандайдир жонсиз нарса (сурат, кийим, мато ва ҳ.к.) орқали маълумот (информация) олишдир. Психокинез фаолиятимиздан ташқарида мавжуд бўлган ташқи тизимларга таъсир қилиш қобилияти, предметлар ўрнини жисмоний таъсирсиз алмаштиришдир. Ҳозирги кунда паранормал тадқиқотлар фан қаторига қўшилиши диққатга сазовордир.

Псевдоилмий билим анъанавий назарияларни тарғиб қилувчи

интеллектуал фаолликда намоён бўлади. Масалан, қадимги астронавтлар, қор одам, Лох-Несс кўлидаги махлуқ кабилар ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир.

Псевдоилм учун сир ва топшимоқларни тан олиш, шунингдек, далилларни моҳирона қайта ишлаш, мавзуларнинг шов-шувлиги характерлидир. Бу соҳадаги фаолиятнинг эътироф этилган шартларига мулоҳаза қилиш орқали изланиш ҳам киради. Бунда айтилган у ёки бу қарашларга турли изоҳ, ишора кабилар жалб қилинади ва воқеа фойдасига хизмат қилади. К.Поппер псевдоилмни жуда юқори баҳолайди, у фанда хатоларга йўл қўйилиши, псевдоилмда эса «тасодифан ҳақиқатга эришиш мумкинлиги»ни тан олади. К.Поппернинг бошқа хулосаси ҳам бор: модомики, қандайдир назария ноилмий бўлса, у унчалик муҳим эмас, дегани эмас. Шаклан псевдоилм-энг аввало, маълум ҳодисалар ҳақидаги тарихий ҳикоядир. Материални ўзига хос типик тарзда берилиши «сценарий орқали тушунтириш» деб аталади. Бошқа фарқли белгиси эса бехатолигидир¹. Псевдоилмий қарашларни тузатишга уринишлар фойдасиз. Чунки, танқидий фактлар тарихий воқеа мазмунига ҳеч қандай таъсир қилмайди.

Девиант илм. Девиант атамаси фаолиятнинг қабул қилинган ва шаклланган стандартларидан чекиниш демакдир. Бунда ҳақиқат қиёслаш, эталон ва намуналарга таяниш билан эмас, балки илмий жамоатчиликнинг аксарият нормалари билан таққослашда намоён бўлади. Девиант билимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у билан одатда, илмий тайёргарлик кўрган, бироқ маълум сабабларга кўра тадқиқотнинг бошқа методи ва объектларини танлаган кишилар шуғулланади. Девиант билим вакиллари одатда, якка ёки кичик гуруҳларда ишлайдилар. Улар фаолиятининг натижалари шу йўналишнинг ўзи каби жуда ҳам кам вақт сақланиб қолади.

Анормал илм эса, билимни эгаллаш усули ёки билимнинг ўзи мавжуд бўлган тарихий даврдаги умумий қабул қилинган фан нормаларига мос келмаслигидир. Анормал билим уч турга бўлинади:

– Биринчи тури – соф ақлнинг шаклланган фан нормаларидан ажралиши натижасида пайдо бўлади. Бу тур кишиларнинг реал ҳаётида кенг татбиқ қилинган ва тарқалган. У ўзининг

¹ Поппер К. Логика и рост научного знания. – М.: 1983. С. 53.

анормаллиги билан у ёки бу вазиятда махсус маълумот ёки билимга эга бўлган кишилар илмий ва кундалик билим нормаларидаги муаммоларни ифодалайди (масалан, ёш бола билан муносабат ва ҳ.к.).

– Иккинчи тури – бир парадигма нормаларининг бошқа парадигма нормалари билан қиёслаганда янги билим пайдо бўлади.

– Учинчи тури – инсон фаолиятининг турли шаклларидаги норма ва идеалларни бирлаштиришда намоён бўлади.

Ноилмий билимга фақат фандаги янглишиш сифатида қаралмайди. Модомики, ноилмий билимнинг турли шакллари бор бўлар экан, демак, улар илгаридан мавжуд бўлган қандайдир эҳтиёжларга жавоб беради.

Замонавий фикрловчи олимларнинг рационализмни чекланганлиги ҳақидаги хулосалари қуйидагича ифодаланган: ноилмий билим шакллари ривожини тақиқлаш, шунингдек, псевдоилмни сунистеъмол қилиш, айти пайтда бошланғич даврида қанчалик шубҳали бўлишидан қатъий назар, улар негизида пайдо бўлган янги ғояларни бутунлай инкор қилиш нотўғридир. Чунки, у ёки бу тарихий воқеа ва ҳодиса ғоялар «инофонди», кутилмаган аналоглар бўлса-да, уларга интеллектуал элита ва олимларнинг жуда катта эҳтиёжи сезилади.

Хулосалар. Ҳозирги кунда анъанавий фан рационализмга ён босиб, инсониятни боши берк кўчага олиб кирди, эндиликда ундан чиқиш йўлини эса фақат ноилмий билим кўрсата олади, деган фикр шаклланган. Ноилмий билимларга иррационал фаолият, яъни афсоналар, урф-одатларга асосланган тажриба киради.

Фан ноилмий билимга нисбатан «кам билиши» мумкин, чунки у эгаллаган билимлар далилларга, гипотезаларга, қатъий текширувларга, тушунтиришларга асосланган бўлмоғи лозим. Бу текширувларга дош бера олмаган билим рад қилиниши ва, ҳаттоки, илмий мақомга эга ҳақиқий информация ҳам фан доирасидан четга чиқиши мумкин.

Баъзида ноилмий билим ҳақиқатни билишнинг бошқача воситаси ҳам деб юритилади. Шунга кўра, ноилмий билимнинг шаклларига кейинги йилларда қизиқиш маълум даражада ортмоқда. Айти пайтда баъзи мамлакатларда муҳандис ва олимлик


касбининг мавқеи бироз пасайгани сари ноилмий билимга хайрихоҳлилик кучаймоқда.


Фаннинг қадрият ва мўлжаллари тадқиқотлар билан шуғулланиш учун ҳар бир олим ўзлаштириши лозим бўлган фан этосининг негизини ташкил этади. Бу юк олимлар ўзларининг кашфиётлари билангина эмас, балки уларнинг фаолияти одамларнинг жуда кўп авлодлари учун новаторлик ҳамда ҳақиқатга хизмат қилиш намунаси бўлганлиги туфайли маданиятда сезиларли из қолдирганлар.

Тажрибавий амалий матилар

Ижтимоий билим, гносеология, эпистемология, билиш назарияси, шахсий билим, фалсафий билим, мифологик билим, диний билим, объект, субъект, билиш, агностицизм, скептицизм.

Кўшимча ва тушунтирувчи матилар:





Муस्ताқил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Гносеологиянинг асосий муаммосини айтинг.
2. Гносеологиянинг эпистемологиядан фарқи нимада?
3. Билишнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Фалсафий билимнинг бошқа билим турларидан фарқи нимада?
5. Илмий билишнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари:

1. «Гносеология» нима?

- А. Билиш ҳақидаги таълимот (фан)
- Б. Онг ҳақидаги таълимот (фан)
- В. Эътиқод ҳақидаги таълимот
- Г. А ва Б жавоб тўғри

2. Гносеология ривожининг йирик вакиллари кимлар?

- А. Кант, Декарт, Ф.Бэкон, Лейбниц
- Б. Мах, Полани, Сукрот
- В. Д.Дидро, Ж.Локк, Д.Юм
- Г. Барча жавоблар тўғри

3. Рационализм эмпиризмдан қандай фарқланади?

- А. Инсон шахсий ёки ижтимоий тажрибага эга бўлгунга қадар бирон-бир гоё мавжуд бўлишини инкор этадилар

Б. Инсонда тугма гојалар мавжудлиги

В. Дунёдаги нарсалар ва ҳодисалар сезгилар орқали идрок этилади

Г. Тугри жавоб йуқ

4. Шахсни маънавий бойитиш манбан—

А. Санъат

Б. Дин

В. Фан

Г. Бадиий билим

5. Эмпиризм тарафдорлари кимлар?

А. Лейбниц, Вольф, Баумгартен

Б. Френсис Бэкон, Локк, Гоббс,

В. Юм, Раймонд, Лейбниц, Вольф

Г. Демокрит, Беркли, Гегель, Мах

6. Фалсафада идрок этиш кандай атама билан аталади?

А. Апперцепция

Б. Фальсификация

В. Перцепция

Г. Верификация

7. Апперцепция нима?

А. Идрок этиш

Б. Орқага қайтиш

В. Ақл билан англаш

Г. А ва В жавоб тугри

8. Эмпиризм гојаларини ҳимоя қилган ХХ аср позитивистлари кимлар?

А. Морис Шлик, Рудольф Карнап, А.Ж.Айэр

Б. Френсис Бэкон, Локк, Гоббс

В. Лейбниц, Вольф, Баумгартен

Г. Кант, Юм, Мах

9. Кантнинг трансцендентал муаммоларини мантиқсиз деб, бу фикрга карши чиққан ХХ асрнинг йирик олимлари кимлар?

А. Френсис Бэкон, Локк, Гоббс

Б. Морис Шлик, Рудольф Карнап, А.Ж.Айэр

В. Демокрит, Беркли, Гегель, Мах

Г. Юм, Раймонд Луллий, Лейбниц, Вольф

10. Трансцендентал бу —

А. Идрок этиш

- Б. Ақл билан англаш
- В. Орқага қайтиш
- Г. Чегарага сиғмайдиган

11. Оптимистлар кимлар?

- А. Дунёни билиш мумкинлигини таъкидловчилар
- Б. Дунёни билиш мумкинлигини рад этувчилар
- В. Дунёни билиш мумкинлигини инкор этмай бироқ, билимнинг ҳақиқийлигига шубҳа билдирувчилар
- Г. Тўғри жавоб йўқ

12. Агностицизмнинг скептицизмдан фарқи нимада?

- А. Дунёни билиш мумкинлигини инкор этмай бироқ, билимнинг ҳақиқийлигига шубҳа билдирувчилар
- Б. Дунёни билиш мумкинлигини таъкидловчилар
- В. Дунёни билиш мумкинлигини рад этувчилар
- Г. Барча жавоблар тўғри

13. И.Кантнинг «нарсa ўзида» деган ғояси қайси йўналишга мансуб?

- А. Оптимизм
- Б. Скептицизм
- В. Агностицизм
- Г. Рационализм

14. Эпистемологик фундаментализмнинг қандай турлари мавжуд?

- А. Классик ва рационалистик
- Б. Рационалистик ва эмпиристик
- В. Фақат классик
- Г. Эмпиристик ва классик

15. Рационалистик фундаментализмнинг энг машҳур намояндаси ким?

- А. Морис Шлик
- Б. И. Кант
- В. Р. Декарт
- Г. Рудольф Карнап

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. – Т.: Университет, 2005.
2. Основы философии / Под ред. Ахмедова М. – Т.: Шарқ, 2003.

3. Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: 2008.
4. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. – Т.: 2000.
5. Границы науки: о возможности альтернативных моделей познания. – М.: 1991.
6. Диалектика познания. – М.: 1998.
7. Современные теории познания. – М.: 1992.
8. Теория познания. В 4-х т. – М.: 1991–1995.
9. Каримов Б.Р. Диалектика объективного и субъективного в методе восхождения от абстрактного к конкретному. – Т.: 1998.
10. Методы научного познания. Под ред. Нысанбаева А.Н. – Алматы, Галыш, 1996.
11. Шарипов М. Категориальные знания и их выводы. – Т.: Университет, 1995.
13. Иззетова Э. Научное знание в свете гуманитарных идеалов. – Карши, 2001.
14. Коган М.С. Системный подход и гуманитарное знание. – СПб, СПбГУ, 1991.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ижтимоий-гуманитар билим муаммо сифатида. Ҳозирги замон фан фалсафаси ва методологиясида бу мавзу айниқса, жамиятни билишнинг янги усулларини топиш йўлида олиб борилаётган изланишлар, таълимнинг ижтимоийлашуви зарурати, шунингдек, илмий-тадқиқот фаолиятига «инсон ўлчови» киритилиши муносабати билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Анъанавий гносеологияда табиий фанлар билим ва билиш фаолиятининг, энг муҳими – билиш назариясининг идеали ҳисобланса, инсон ҳаётининг мазмуни, ахлоқий ва эстетик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган маданият ва маънавият ҳақидаги фанлар тажрибаси гносеология доирасидан четда қолмоқда. У ижтимоий билимга мурожаат этганида билувчи инсон, унинг бошқалар орасидаги борлигини англаб етиш, ижтимоий-гуманитар фанлар гносеологиясига фалсафий, тарихий ва ижтимоий-маданий кўрсаткичларни киритиш усулларини идрок этиш, ҳақиқат категорияси, унинг объективлигини талқин қилиш ва тушунишдан фойдаланувчи янгича ёндашувда қайта англаб етишнинг оқилона шаклларига эҳтиёж туғилади.

XX асрда бу муаммолар устида М.М.Бахтин жиддий мулоҳаза юритган. У билиш фалсафасидаги вазиятни ўзгартириш ва мутлақо янгича ёндашув яратишнинг бир қанча фундаментал дастурларини белгилади. Унинг энг самарали ва илҳомбахш ғояси яхлит субъект – билувчи инсонга нисбатан ишончга асосланган билиш ҳақидаги таълимотни яратишдир. Бахтин бизга ижтимоий фанларнинг фалсафий асослари ҳақидаги мулоҳазаларни қолдирди. «Бу ерда мезон билишнинг аниқлиги эмас, балки теранлигидир. Бу ерда билиш шахсга қараб мўлжал олади. Бу кашфиётлар, билиш ва хабарлар соҳасидир. Ижтимоий фанлар предмети – ифодали ва сўзловчи борлиқдир»¹.

Анъанавий гносеология абстракциялари классик табиатшунослик талабларига мувофиқ субъектни бутунлай эътибордан соқит этиш, «инсон ўлчови» аҳамиятсиз деб эълон қилиш йўли билан яратилган. Бу анъанада релятивизм билан

¹ Бахтин М.М. К философским основам гуманитарных наук // Собр. соч.: В 7 т. Т. 5. – М.: 1996. – С.75

тенглаштирилувчи психологизм ва тарихийликни енгишга «жарроҳлик» усулида — билиш ва унинг натижаларидан инсонни чиқариб ташлаш йўли билан эришилган. Ҳозирги замон гносеологияси замирида инсонни мавҳумлаштириш эмас, балки инсонга билишнинг яхлит субъекти сифатида ишонини ётиши лозим. Бу ҳолда нафақат билишнинг назарий модели, балки умуман, билиш гносеология объектга айланади. Бахтин таъбири билан айтганда, билиш масъулият билан фикрловчи онгнинг қилмишига айланади ва натижа — ҳақиқат билан узвий манфаатдор тушуниш сифатида намоён бўлади. Билимга нисбатан мавҳум-назарий ёндашувда муқаррар тарзда мавҳумлаштирилган яхлит билувчи инсон ҳозирги замон гносеологиясида билиш имкониятининг шартига айланади. Бу билиш, субъект ва ҳақиқатни тушунишда антропологик анъананинг моҳиятини ташкил этади, шу боис ижтимоий фанлар методологиясида ҳам тўла рўёбга чиқарилиши лозим.

Бахтин тарихан ҳақиқий онгнинг янги дунёсини яратади ва унга яхлит инсоннинг ахлоқий ва эстетик қадриятларга асосланган янгича муносабатларини ҳам киритади. «Муаллиф ва эстетик фаолият қаҳрамони» асарида у мавҳум гносеологик субъектни ўзаро боғланган муаллиф ва қаҳрамон билан алмаштиради, субъект гўё иккига — билиш устида рефлексияни амалга оширувчи, у ҳақда «ёзувчи» ва шу тариқа «муаллиф»га айланувчига ва билишнинг «қаҳрамони» сифатида уни яратувчига ажратади. «Назарийлик дунёси»да кўринмайдиган икки шахсдан иборат ягона субъектнинг ички структураси намоён бўлади. У ўзини когнитив муносабат қадриятлар, хусусан, ахлоқий ва эстетик қадриятлар билан бойиган ҳолда намоёниш этади.

Айни вақтда билиш жараёнининг алоҳида структураси ҳам намоён бўлади. Бу ерда «субъект — объект» икки томонлама муносабати камида уч томонлама тус олади: субъект объектга нисбатан қадриятлар тизими ёки коммуникатив муносабатлар тизими орқали ёндашади, ўзи ҳам «Мен ва Биров», «муаллиф ва қаҳрамон» бир бутунлиги тарзида намоён бўлади ва объектга фақат шу нуқтаи назардан қарши туради. Натижада, ижтимоий билимнинг нафақат илмий, балки фалсафий табиати ва ҳатто унинг бадиий онгга яқинлиги аён бўлади. Бахтин «Қилмиш фалсафаси» асарида бу хусусда сўз юритиб, Ницше, Шопенгауэр

яратган дунёнинг ярим фалсафий, ярим бадий концепциялари замирида «муаллифнинг дунёга муносабатининг жонли воқеаси, санъаткорнинг ўз қаҳрамониغا шундай муносабати ётади ва бундай концепцияларни тушуниш учун маълум даражада антропоморф дунё — уларнинг тафаккур объекти керак», деб қайд этган эди.

Билиш фаолиятининг қадриятларга асосланган шаклларини киритиб ва ижтимоий матнларда одатдаги субъектни муаллиф ва қаҳрамон билан алмаштиришни таклиф қилиб, Бахтин ижтимоий билим учун «субъект — объект» гносеологик қарама-қаршиликдаги оппозициясидаги субъектнинг маъноси ва аҳамиятини сезиларли даражада ўзгартирди. Шу боис у объект билан тенг муносабатларга қўйилган субъектнинг ўзи ҳам қандайдир «моддийлик» касб этувчи ва ўзига хос — онглилик, маънони тушуниш ва қадриятлар тизимини йўқотувчи «симметрия» хавфини бартараф этди.

Табиатшунослик ва жамиятшуносликнинг ўхшаш жиҳатлари ва фарқлари. Бу муаммони назарий тушуниш фалсафа тарихида икки асосий йўналиш билан боғлиқ. Биринчи йўналиш мазкур билим турлари ўртасидаги фарқни мутлақлаштирувчи концепцияларда, иккинчи йўналиш — жамиятшунослик, ижтимоий фанларнинг ўзига хослигини инкор этувчи назарияларда намоён бўлган. «Табиат ҳақидаги фанлар» ва «маданият ҳақидаги фанлар» ўртасидаги фарқни ўзича асослаган нуфузли концепциялардан бири неокантчилик концепцияси бўлиб, у XIX аср охири — XX аср бошларида В. Виндельбанд ва Г. Риккерт асарларида илгари сурилган. Уларнинг фикрича, табиий фанлар табиатга хос қонунлар, сабабларни очиб беради, табиий жараёнларни тушунтиради ва уларнинг оқибатларини башорат қилади. Улар такрорланувчи, ўхшаш ва барқарор хоссалар, алоқалар ва муносабатларни аниқлайди, шу сабабли умумлаштириш методи, ҳамда математик аппаратдан ҳам фойдаланиши мумкин. Жамият маданияти, тарихи ҳақидаги фанлар ўзига хос, бетакрор воқеаларни ўрганadi. Файласуфлар қайд этишича, бу ерда қонуниятлар мавжуд эмас, шу сабабли бошқача — индивидуаллаштирувчи, ўз моҳиятига кўра тавсифловчи метод қўлланилади, фанларнинг ўзини эса идиографик ёки тавсифий деб номлаш мумкин. Уларда субъектнинг қадриятларга муносабати, унинг манфаатлари ва

мақсадлари кенг ўрин олади. Табиат ҳақидаги фанлар ва маданият ҳақидаги фанлар ўртасидаги бу методологик фарқ бугунги кунда эътиборга олинади, бироқ шу билан бирга у мутлақлаштирилиши мумкин эмаслиги ва ҳар бир муайян илмий фанга нисбатан аниқлик киритилиши лозимлиги қайд этилади.

Маданият ва жамият ҳақидаги фанларнинг объекти, уларни билиш методлари ва шаклларининг ўзига хослигини инкор этувчи концепциялар хусусан, позитивистик социологияга хосдир. Улар жамиятнинг инсон фаолиятига ва одамларнинг онгли тасаввурларига боғлиқ бўлмаган ҳодиса сифатидаги талқинидан келиб чиқади. Инсон ижтимоий объектлар дунёсидаги тасодифий, номухим ва ўзига хос бўлмаган ҳодиса сифатида қаралади, ижтимоий объектлар табиат ҳодисалари билан ўхшашлик бўйича тадқиқ этилади, билим замирида эса табиий илмий методология мезонлари ётади. Умуман олганда, бу концепцияларда эмпирик кузатиш, миқдорий математик методлар, қадриятлар билан боғлиқ ҳар қандай муаммони ноилмий деб рад этиш устунлик қилади. Бошқача айтганда, инсон фаолиятининг ижодий жиҳатлари, унинг муайян тарихий хусусияти ва ижтимоий-маданий омиллари эътиборга олинмайди. Буларнинг барчаси пировард натижада ижтимоий ва маданий ҳодисалар талқинида ўта мавҳумлик ва нотарихийликка сабаб бўлади.

Сўнги ўн йилликларда табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг ўхшаш жиҳатлари ва фарқлари муаммосининг бошқача талқини кенг тарқалди, янги йўналишда шаклланмоқда. У умумий илмий билишнинг айрим тури ҳисобланувчи, унинг умумий мезонлари ва қонунларига бўйсунувчи маданий-тарихий ва ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни объектив билиш мумкинлигини сўзсиз тан олишга асосланади. Айни вақтда ижтимоий борлиқ ва «инсон дунёси»ни билишда объектив ҳақиқатга эришиш мураккаб жараён бўлиб, айрим алоҳида талаблар ва шартларни бажаришни тақозо этади.

Ижтимоий ва табиий фанлар аввало объектига кўра фарқ қилади. Бу ҳолда жамиятнинг билиш объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятлари масаласи юзага келади. Жамиятнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши одамлар фаолияти маҳсулидир, шу сабабли муайян тирик одамлар хулқ-атвори ва фаолиятини бевосита ўрганиш қонунларини кашф этиш ва

Ўрганишнинг эмпирик базаси ҳисобланади. Одамларнинг ҳақиқий эмпирик тарихи жуда ранг-баранг бўлиб, қонуният, турғунлик ва такрорийликни аниқлаш жуда қийин. Муайян тарих ўта индивидуал бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг ҳақиқий тарихи ўзига хос ва бетакрордир. Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий жараёнлар ва ҳолисаларни «соф кўриниш»да, лаборатория шароитида ўрганиш мумкин эмас, ижтимоий эксперимент имкониятлари чеклангандир.

Жамиятнинг ижтимоий-гуманитар билиш объекти сифатидаги муҳим хусусияти шундаки, унинг мазмуни ва таркибига онгли ва фаол билиш субъекти ўрганилаётган ижтимоий борлиқ ва «инсон дунёси»нинг муҳим элементи сифатида киради. Демак, тадқиқотчи алоҳида борлиқ — инсон онгининг мазмуни, маънолар ва мазмунлар соҳаси билан иш кўради, бу эса табиий фанларда мавжуд бўлмаган махсус методологик усулларни талаб қилади. Айни ҳолда объектни ўрганиш доим субъектнинг ҳаракатларида муҳим аҳамият касб этувчи муайян қадриятлар, мўлжаллар ва манфаатлар нуқтаи назаридан амалга оширилади. Бундан ижтимоий-гуманитар билишнинг нафақат объекти, балки субъектини ҳам кўрсатиш лозим, деган хулоса келиб чиқади. Аслида, ижтимоий билиш ижтимоий жиҳатдан шаклланган ва манфаатдор субъект томонидан амалга оширилади, у мазкур субъектнинг дунёқараши билан белгиланади.

Табиатшуносликда фалсафий, мафкуравий ва бошқа жараёнлар илмий кашфиётларнинг мазмунига эмас, балки улардан келиб чиқувчи назарий фалсафий хулосаларга, шунингдек, билимларнинг амалда қўлланилишига таъсир кўрсатса, ижтимоий фанларда субъектнинг мақсади — билим олиш, унинг ёрдамида у ёки бу ижтимоий муносабатлар ва тузилмаларни нафақат тушунтириш, балки асослаш, мустаҳкамлаш ёки қоралаш, ўзгартиришдир. Бу ерда билимнинг мазмуни билувчи субъект ижтимоий нуқтаи назарининг таркибий қисми ҳисобланади, бинобарин, ижтимоий ғоялар ва назарияларнинг асл мазмунини тушуниш учун уларни нафақат билиш объекти, балки ижтимоий гуруҳларнинг ҳақиқий манфаатлари билан таққослаш, яъни объектни ўрганишнинг қўшимча мезони — субъект-субъект муносабатлари (субъектлараро муносабатлар)ни ҳам киритиш лозим.

Табиатшуносликда билишнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, нисбатан мустақиллиги ва эркинлигини аввало шу билан изоҳлаш мумкинки, бу ҳолда субъект объектни бевосита, у амалда қандай бўлса, шундай акс эттиришга қараб мўлжал олади. Ўз-ўзидан равшанки, билиш объекти амалий фаолиятнинг қайси тарихий ва ижтимоий муайян шаклларида берилган бўлмасин, унинг хоссалари, муносабатлари, функциялари ва бошқа кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади ва субъектга боғлиқ бўлмайди. Бунда, баъзан тадқиқот мақсадларидан қатъий назар объектив натижа берувчи экспериментал фаолият моддий жарасини муҳим роль ўйнайди. «Объектга қараб мўлжал олиш» ва экспериментнинг пировард натижаларига субъект анча кам таъсир кўрсатиши, субъектнинг объект ва у ҳақидаги билим ўртасидаги «воситачилик» хизматидан маълум даражада воз кечиш имконини беради. Бундан ташқари, муайян тадқиқотчи ишнинг натижалари умумий аҳамият касб этиши ҳам субъектдан узоқлашишга имконият яратади. Бу маълумки, натижаларни эълон қилишнинг «шахсиз» усулида, олинган барча маълумотлар ва хулосаларни тадқиқот методлари ва йўналишларига боғламасдан баён этиш имкониятида ўз ифодасини топади. Кўрсатилган омилларнинг барчаси тадқиқотчиларнинг объектив ҳақиқий билим олиш, тадқиқот объекти ва натижаларига ҳолисона ёндашиш касбий-ахлоқий мўлжали билан амалда у ёки бу тарзда мустаҳкамланади.

Субъект объектга қадрият сифатида ёндашиши муқаррар бўлган ижтимоий ва гуманитар билишда бошқача объектив вазият юзага келиши назарда тутилади: объектни нафақат билиш, балки бир вақтнинг ўзида ва ҳатто биринчи навбатда унга баҳо бериш амалга оширилади. Баҳо беришнинг киритилиши объект «ўз ҳолича» субъектни қизиқтирмаслигини англатади; у субъектни фақат мақсадга мос келган ва субъектнинг маънавий ёки моддий эҳтиёжларини қондирган ҳолда қизиқтиради. Қадриятни белгилаш объектни айрим андозалар (идеал, эталон, меъёр) билан таққослаш ва бу андозага мувофиқлик даражасини аниқлаш тарзида амалга оширилади. Андозалар у ёки бу маданиятда шаклланади, «эстафета» (анъана) тарзида авлоддан авлодга ўтади, субъект уни таълим жарасида ва кундалик ҳаётда аниқлайди.

Шундай қилиб, субъект объектга қадрият сифатида

ёндашишдан бошқа мақсадни кўзлайди, табиий фанларда одатда, эътибордан соқит этишга ҳаракат қилинадиган омиллар эса бу ерда объектив зарур хусусият касб этади. Субъект-объект муносабатларининг бу типда билиш иккинчи ўринга тушади, бироқ амалда унинг натижалари баҳо бериш учун асос бўлиб хизмат қилади. Баҳо бериш, мақсадлар ва идеалларни танлаш амалларида субъектнинг хоҳиш-иродаси, танлаш борасидаги фаоллиги, мойилликлари ва мўлжаллари намоён бўлади-ки, улар интуитив, иррационал ва бошқа омилларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Натижада, қадриятларга асосланган муносабат билишга қарама-қарши, умуман, объектив ҳаққоний билишга ёт муносабат сифатида намоён бўлади ва тегишли равишда бундай баҳолар ижтимоий-гуманитар билишга нисбатан татбиқ этилади. Бироқ, субъект-объект муносабати «нейтрал» ва қадриятларга асосланган типларининг бундай фарқланиши мавҳумлаштиригандagina мумкин, ҳақиқий билиш жараёнида эса муносабатларнинг иккала типи ҳам узвий бўлиб, нафақат ижтимоий-гуманитар билишда, балки табиий-илмий билишда ҳам муайян даражада мавжуддир.

Ижтимоий борлиқ объектив жараёнлар ва қонуниятларни ўзида акс эттирган даражада у табиат дунёси билан ўхшаш бўлиб, табиий фанларнинг методларига яқин илмий методлар ёрдамида ўрганилиши мумкин. Бинобарин, билишнинг ҳар қандай турида эмпирик ва назарий даражаларни ва уларга мос методлар ҳамда шаклларни фарқлаш мумкин бўлиб, улар, табиийки, ижтимоий-гуманитар тадқиқотларда фойдаланишда маълум даражада мослаштириш (модификациялаш)ни назарда тутати. Шу сабабли, қуйида ижтимоий-гуманитар билишда умумий илмий методларнинг амал қилиш хусусиятлари тўғрисида эмас, балки асосан билишнинг шу типига хос бўлган методлар тўғрисида сўз юритамиз. Улардан энг муҳимлари матн билан ишлаш методлари ва усуллари бўлиб, уларнинг илмий мазмунини махсус фалсафий-методологик таҳлил билан бойитиш талаб этилади.

Матннинг фалсафий-методологик таҳлили ижтимоий билим негизи. Матн — ҳар қандай ижтимоий фаннинг бирламчи борлиғи ва таянч нуқтаси. У ижтимоий билим ва билиш фаолиятининг барча хусусиятлари — унинг коммуникатив, маънони тушуниш ва қадриятларга асосланган табиатини ўзида мужассамлаштиради.

Матнни таҳлил қилишнинг муҳим шакли — ижтимоий билимнинг қадриятлар билан боғланган фалсафий асосларини, айниқса, матн мазмунида аниқ кўриниб турмаган, яширин омилларни аниқлашдир. Кўзда тутилувчи, яширин мазмун, қадриятлар ва фалсафий тамойиллар, тарихий-маданий ва бошқа омиллар таҳлили жараёнида аниқ таърифланади, тадқиқот, баҳо бериш ва танлашнинг бош объектига айланади.

Эпистемологик тадқиқот учун матнлар билан ишлашнинг яхлитлик ва тарихийлик каби тамойиллари муҳимдир. Яхлитлик матн парчалари, у ёки бу таркибий бирликларини фақат бутун матнга боғлаб ўрганишни назарда тутати. Матннинг ўзи контекст ва тағмаёнога боғлаб ўрганилиши, айрим муаллиф матн унинг бошқа матнлари, шунингдек, айни шу йўналишга мансуб бошқа муаллифларнинг матнлари билан таққосланиши лозим. Бу бир қарашда содда талаблар анча теран маъно касб этади. Яхлит ёндашув матннинг яширин элементларини тахмин қилиш, сўнгра аниқлаш ва ҳисобга олиш имконини беради. Бу даража бошқа муҳимроқ яхлитлик — матннинг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар, умуман, жамият маданияти билан боғлиқлигини англаб етишни назарда тутати.

Бу ҳолда тадқиқот методологияси ўзгаришини кутиш мумкин, чунки рефлексия қадриятлар ва бошқа ҳодисаларнинг яширин асослари ва омилларини аниқлаш гносеологик амали сифатида моҳият эътибори билан бош амаллардан бирига айланади, аниқланган яширин элементлар эса матн, унда ифодаланган билим мазмунининг талқинини бутунлай ўзгартиради. Айни вақтда матн тузилиши ва функциялари ҳақидаги тасаввур ҳам ўзгаради, чунки у маданиятда «яшовчи», шундай яшаш усули белгиларини ўзида мужассамлаштирган ҳодиса сифатида ўзлаштирилади. Ўз-ўзидан равшанки, фан файласуфи матннинг диалог тарзидаги хусусиятини, умуман, унинг коммуникатив табиатини ҳам матннинг белги-аломати сифатида ҳисобга олиши лозим. Бу билишнинг кўпгина шакллари ва методларининг келиб чиқишини, уларнинг диалоглик табиатини намоён этади (масалан, тушуниш, тушунтириш, далиллаш ҳолларида), объектив билим андозалари, уларни формаллаштириш ва умуман, уларнинг меъёрлари мантиқий ва коммуникатив табиатга эга эканлигини тушуниш имконини беради.

Ижтимоий фанларнинг когнитив амалиёти нафақат матннинг қадриятлар билан боғлиқ элементларини ўрганиш, балки шу билан бир вақтда у ўз мазмунидан қатъий назар, давр хусусияти, инсон ҳақиқий ҳолатининг билвосита, бироқ, холис «гувоҳи» ифодачиси сифатида намоён бўлади. Шу тариқа тарихийлик тамойили нафақат матни ўрганиш билан боғланади, балки ўрганиш ва тушунтиришда методологик, эвристик функцияларни ҳам касб этади. Матннинг ижтимоий-маданий талқини нафақат унинг маданият ҳодисаси сифатида мавжудлиги, балки унда ижтимоий борлиқнинг акс этиши муаммосини ҳам қўяди. Бунда матннинг лингвистик ва бадий тавсифи эмас, балки гносеологик тавсифи, билиш шакли сифатидаги матн биринчи ўринга чиқади.

Когнитив фаолиятнинг алоҳида натижаси сифатида, матн бир вақтнинг ўзида борлиқни акс эттиришнинг турли даражалари ва шаклларини синтез қилади. Бу, биринчидан, айрим ҳодисалар мазмунининг тавсифи ва субъект — муаллифнинг уларга муносабати; иккинчидан, поэтика, контекст ва тағмаъно орқали муаллиф фалсафий-эстетик, маданий-тарихий қадриятларининг, улар орқали эса — давр хусусиятининг инъикоси; учинчидан, матнда «икки онг» диалогининг ва тегишли равишда бошқа онг ва ҳатто бошқа маданият томонидан қилинган талқинларининг мавжудлигидир. Бироқ, айти шу жиҳат матннинг семантик маъноларини, унинг очиқлиги ва кўп маънолилигини, муаллиф, ўқувчи маънолари ва «объектив» маъноларни, демак, тушуниш ва талқин қилишнинг герменевтик муаммоларини кун тартибига қўяди. Бу жиҳатларни ёритиш мутахассислар томонидан таклиф қилинувчи матнларга шарҳларнинг мантиқий-гносеологик негизини ташкил этади.

Матнларнинг яширин мазмунини аниқлаш мантиқий изчил хусусият касб этмайди, фаразлар ва тахминларга таянади, аниқланган асослар ҳақиқийлигининг бевосита ва билвосита далилларини талаб қилади. Тарихчилар ва маданиятшунослар бугунги кунда у ёки бу ўзига хос хусусиятлар ҳақидаги билвосита далилларнинг объектив методини амалда кенг қўлламоқдалар. Бирон-бир хўжалик, ишлаб чиқариш ёки савдо муаммоларига бағишланган мавжуд матнларда улар дунёни тушуниш, тафаккур услуби, ўзликни англашнинг турли жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилмоқдалар.

Масалан, XVI аср Италия гуманистик маданиятини Ваноччо Бирингуччонинг олов билан боғлиқ хунармандчилик турларига бағишланган «*De la pyrotechnia*» рисоласига мурожаат этиб ўрганиш мумкин. Тадқиқотчи сўзнинг ўз маъносига инсонпарвар бўлмаган рисола муаллифида инсонпарварларга хос тафаккур услубига дуч келади. Муаллиф бу тафаккур ва маданият услубини бевосита, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган асарларни синчиклаб ўқиш натижасида эмас, балки жамиятдаги маданий муҳит орқали қабул қилган. Бундан гуманистик тафаккур услуби шаҳарликларнинг кенг қатламларига, умуман Уйғониш даври маданиятига хос бўлган, деган хулосага келиш мумкин.¹

Маданий-тарихий матннинг яширин мазмунини аниқлашнинг яна бир хусусияти шундаки, бошқа маданиятга мансуб тадқиқотчи амалда мавжуд, бироқ мазкур маданият бағрида вояга етган одамларга номаълум яширин маъноларни аниқлаши мумкин. Бошқа маданият ва даврдан келувчи бундай саволларнинг қиммати ва ўринлилиги шундаки, уларга объектив жавоб амалда мавжуддир. Бу ҳолда биз ўтмишнинг бадиий асарларида ноаниқ билимнинг амалдаги мавжудлик хусусиятларига дуч келамиз. Матнларнинг бу хусусиятлари объективдир, улар ўқувчи-талқинчилар томонидан яратилмайди, балки у ёки бу маданиятда онгли ёки онгсиз тарзда юзага келади.

Шундай қилиб, матн унинг амалда мавжудлигини ва маданиятда авлоддан-авлодга ўтишини таъминловчи объектив хоссаларга эгадир. Агар матн бошқа маданиятга мансуб бўлса, уни тушуниш ва шарҳлаш вазифалари сезиларли даражада оғирлашади, чунки муаллиф ва талқинчининг ёндашувлари мос тушмаслиги мумкин. Натижада, маданиятлараро тафовутлар, масалан, тиллар, дунё манзаралари, анъаналар, урф-одатлар, хулқ-атвор меъёрлари, расм-русумлар, маиший маданиятда ҳар хилликлар юзага келади. Улар миллий хусусиятлар, фаолият усулларидаги фарқларни ёки этнографик хусусиятга эга тафовутларни акс эттириши мумкин.

Шундай қилиб, инсонийлик руҳи билан суғорилган

¹ Қаранг: Харитонович Д.Э. К проблеме восприятия гуманистической культуры в итальянском обществе XVI в. // Культура Возрождения и общество. — М.: 1996. — 157, — 161 С.

матнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларининг фалсафий-методологик таҳлили ижтимоий-гуманитар билимнинг муҳим вазифаси — билим ортида турувчи субъектни назарий реконструкция қилиш, бундай субъектни яратган маданиятни ижтимоий-тарихий талқин қилишни ечиш йўллари ва усулларини аниқлаш имконини беради.

Фалсафий методология ва адабиётшунослик методологиясининг ривожланишини тавсифловчи тенденцияларда муайян ўхшашлик мавжуд. Адабиётшуносликда бу — тор лингвистик ёндашувдан уни фалсафий-эстетик, дунёқарашга оид ва маданий-тарихий омиллар билан тўлдириш сари ҳаракатланишдир. Билиш назариясида ҳам субъект ва мантиқий-гносеологик таҳлилнинг ўта мавҳумлиги муаммосини ечиш, билишнинг ижтимоий-маданий ва умуман, қадриятлар билан боғлиқ асосларини ҳисобга олиш учун тушунчалар апаратини яратишга нисбатан муайян интилиш мавжуд. Бироқ, бунда юзага келувчи методологик қийинчиликлар маълум маънода қарама-қарши хусусият касб этадики, бу айниқса, мавҳумлаштиришларнинг шаклланиши ва уларнинг танланишида намоён бўлади. Адабиётшунослик мавҳумлаштиришлар даражасини «ошириб юбориш»дан чўчийди, чунки фалсафий таърифларнинг универсаллигидан фарқли ўлароқ унинг тушунчалари ҳодисаларнинг муайян хусусиятларини акс эттиради. Билиш назарияси, ўз навбатида билишнинг ўта мавҳум мантиқий даражасидан узоқлашиши, бироқ, мавҳумлик даражаси ўринсиз пасайишидан эҳтиёт бўлиши лозим, чунки бу ерда умумлаштириш, яъни гносеологик ёндашув имкониятининг бутунлай йўқолиш хавфи яширин ҳолда намоён бўлади. Шундай қилиб, муаммо мавҳум ва ҳиссий-муайян нарсалар, ҳодисалар ва жараёнлар синтезининг шакли, меъёри ва чегарасини топишдан иборатдир.

Табиатшунослик идеалларига кўра яратилувчи фалсафий матнларда мавҳумлаштиришларни нафақат формал-мантиқий воситалар билан, балки ижтимоий-гуманитар фанларда фойдаланилувчи ҳар хил воситалар, чунончи: мажозлар, ўхшатишлар, такрорлар, рамзлар, мўлжал-андозани қўллаш, матн тузилиши, баён этиш услуби ёрдамида эмоционал кайфият яратиш орқали ҳам яратиш мумкинлиги кўпинча эътибордан четда қолади. Бу ва бошқа шунга ўхшаш ижтимоий воситалардан

герменевтикада, феноменологик, экзистенциал матнларда кенг фойдаланилади ва улар билиш фалсафасида ўзлаштирилиши лозим.

Ижтимоий-гуманитар билимда макон, вақт ва хронотоп. Декарт ва Нютон таъсирида шаклланган гносеологияда вақтдан ва тарихдан ташқаридалиқ ҳақиқийликнинг ва релятивизмни енгишнинг шартлари сифатида қабул қилинган. Бугунги кунда, И.Пригожин ва И.Стенгерс фикрига кўра, ўзига хос «концептуал инқилоб» юз бермоқда — «фан ўзи учун вақтни янгидан кашф этмоқда». «Икки маданият»ни қарама-қарши қўйиш замирида асосан, классик фаннинг вақтни эътибордан соқит этувчи ёндашуви ҳамда ижтимоий ва гуманитар фанларнинг вақтга қараб мўлжал олувчи ёндашуви ётади. Вақтнинг роли ва маъноларига нисбатан муносабатнинг ўзгариши гносеология олдида ҳам макон ва замон тушунчаларини билиш ҳақидаги янгича тасаввурлар мажмуида қайта ўзлаштириш вазифасини қўяди.

Табиий-илмий билим идеаллари, мезонлари ва андозаларининг таъсирида вужудга келган одатдаги билиш назариясида вақт амалда мавҳумлаштирилган. Унинг замирида ётувчи дунёнинг нютонча манзараси каби, ўтмиш, ҳозир ва келажакдаги вақтнинг исталган лаҳзаси бошқа ҳар қандай вақт лаҳзасидан фарқ қилмаган. Шу бонс, ҳиссий ва мантиқий билиш, субъект ва объект категориялари, ҳақиқатнинг табиати ва бошқа муаммоларни ўрганиш билиш назариясида вақтни ҳисобга олмасдан амалга оширилган. Бу вақтнинг барча белгилари, хоссалари мавҳумлаштирилишини англлатган. Билишнинг вақтда ўзгариши — тарихийлик билиш назариясидан ташқарида, асосан фан тарихи, фалсафа тарихи ёки антропологияга оид тадқиқотлар доирасида ўрганилган.

Бу ерда яна ижтимоий-гуманитар билишда макон ва вақтни мутлақо янгича ғоя сифатида илгари сурган Бахтин тажрибасига мурожаат этиш мумкин. И.Кант, А.Бергсон ва герменевтика вакиллариининг вақт ҳақидаги ғояларини билган ҳолда, Бахтин макон ва вақт категорияларининг ўз талқинини излайди ва билишда темпораллик ва маконлилик табиатининг ҳозирги талқинини намоён қилади. Бахтин амалдаги онг ва «фикрланувчи барча макон ва вақт муносабатлари»ни ягона марказ — «архитектоник яхлитлик»ка бирлаштиради. Бу ерда одатдаги

гносеологизмнинг байроғига айланган физик кўрсаткичлар ва «субъект-объект»нинг қарама-қарши қўйилиши ўрнига қаршимизда инсон ва дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги бутунлай бошқача тасаввурлар намоён бўлади. Бу ғоялар герменевтикага яқин бўлиб, унинг тажрибаси вақт табиатини билиш назариясида тавсифлаш усулларини тушуниш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда вақт ҳар хил нуқтаи назардан: ҳаётнинг темпораллиги сифатида, муаллиф (матн) ва талқинчи ўртасидаги муваққат масофанинг роли сифатида, «тарихий тафаккур» кўрсаткичи, биографик метод элементи, анъана ва янгиланувчи маънолар, андозаларнинг унсури сифатида англаб стилади. Бахтин «вақтдаги яхлит қаҳрамон»га, «ички инсон» муаммосига мурожаат этар экан, ҳаётнинг темпораллиги муаммосини бевосита таҳлил қилади ва «яшаш – ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида қадриятларга асосланиш демакдир», деган хулосага келади.

Бахтин тарихий поэтикани яратиш жараёнида асос солган муайян дастурлардан бири – бу макон ва вақт категорияларини ижтимоий-гуманитар ёндашувда англаб етиш ва хронотоп тушунчасини муайян вазият учун макон-вақт кўрсаткичларининг аниқ бирлиги сифатида киритган. Бахтин темпорал ва макондаги муносабатларни таҳлил қилиш ва уларни бадий матнлар ва адабиётшунослик матнларига «киритиш»нинг ўзига хос моделини яратиб қолдирдики, у хусусан, когнитив матнларни ўрганиш учун ҳам андоза бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, Бахтин А.А.Уҳтомскийнинг табиий-илмий матнларидан «хронотоп» атамасини олиб, хронотопни вақт ва маконнинг моддий бирлиги, яхлитлиги сифатида талқин қилувчи натуралистик ёндашув билан кифояланмади, балки уни инсонийлик, қадриятларга асосланган маданий-тарихий мазмунлар билан ҳам бойитди. У изчил фалсафада ва ўзи киритган «бадий хронотоп» тушунчасида вақт ва макон талқинининг мувофиқлиги тафовутларини асослашга ҳаракат қилди. Бахтин вақт ва маконга Кант ҳар қандай билишнинг зарурий шакллари деб берган баҳони қабул қилди, бироқ Кантдан фарқли ўлароқ уларни «трансцендентал шакллар» сифатида эмас, балки «ҳақиқий борлиқ шакллари» сифатида тушунди. У мазкур шаклларнинг бадий билиш, «бадий тасаввур

қилиш» жараёнидаги ролини ёритишга ҳаракат қилди. Бахтин ягона атама зарурлигини асослар экан. «бадий хронотоп»да вақт зичланиб, бадий-аниқ кўриниш касб этишини, макон эса фаол тус олиб, вақт, сюжет, тарих ҳаракатига қўшилишини, вақт белгилари маконда намоён бўлиши, макон эса вақт билан ўлчаниши ва англанишини қайд этади¹.

Бахтиннинг тарихий поэтикаси ва хронотоплар бадий аҳамиятининг аниқланиши контекстида *вақт билан, макон ва вақт имкониятлари билан субъектив ўйин* деб белгиланган ҳодиса эътибордан четда қолмаслиги лозим. Бадий, умуман ижтимоий-гуманитар борлиққа хос бўлган бу ҳодиса — «санъаткорнинг қудратли хоҳиш-ироласи» таъсирида вақт ёки хронотопнинг ўзгаришидир. Фан ва соғлом фикр рағбатлантирмайдиган бу тажрибани гносеолог қандай баҳолаши ва тушуниши лозим? Сиртда аниқ кўриниб турган тўғри маъно замирида нима яширин? Вақт билан ўйин — бу фақат бадий асар ёки халқ оғзаки ижоди намунаси учун аҳамиятли бўлган бадий усул-ку? «Субъектив ўйин»га Бахтин алоҳида эътибор бергани ва бунда аниқланган вақт шакллариининг бойлиги бадий усул ортида муҳимроқ хоссалар ва муносабатлар яшириниб ётади, деб тахмин қилишга мажбур этади. «Вақт туйғусининг бир хусусияти» — тарихий инверсияга Бахтин айна шу нуқтаи назаридан ёндашади. Унинг фикрича, бунда «амалда юз бериши мумкин бўлган ёки фақат келажакда юз бериши лозим бўлган воқеа ўтмишда юз бергандек тасвирланади»². Идеал, баркамоллик инсон ва жамиятнинг уйғун ҳолати ҳақидаги тасаввурларга «борлиқ тўнини кийдириш» учун эҳтимол тутилган келажак ўтмишга кўчирилиб, улар худди илгари бўлгандек фикрланади.

Бахтиннинг бадий ва ижтимоий-гуманитар матнлардаги вақт ва макон шакллари ҳақидаги матнлари устида мулоҳазалар ронотоп универсал, фундаментал категорияга айланиши

¹ Қаранг: Бахтин М.М. *Формы времени и хронотопа в романе. Очерки по исторической поэтике* // Литературно-критические статьи. — М.: 1996. — С.121–122.

² Бахтин М.М. *Формы времени и хронотопа в романе. Очерки по исторической поэтике* // Литературно-критические статьи. — М.: 1996. — С.121–122.


мумкинлиги ҳақидаги фикрларга олиб келади. Хронотоп билим ва билиш фаолиятининг муайян макон ва вақт кўрсаткичларини ҳанузгача тўла ўзлаштирмаган ва ҳатто уларни четлаб ўтадиган эпистемологиянинг мутлақо янги асосларидан бирига айланиши мумкин. Бахтин ғоялари ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳозирги эпистемологиясини янгилаш ва янада такомиллаштириш имкониятларига нисбатан ишонч билан қараш имконини ҳам беради. Инсон билимининг ноклассик талқини таклиф қилинган бўлиб, у мавхум субъект-объект муносабати билан чекланмайди, бироқ уни нафақат когнитив, балки қадриятлар билан боғлиқ этик ва эстетик, шунингдек, макон ва вақтга оид, хронотопик муносабатлар ҳам синтезланувчи фундаментал яхлитликнинг бир қисми сифатида ўз ичига олади.

Хулосалар. Билишнинг янги архитектураси марказида тарихан мавжуд, фаол ҳаракат қилувчи, масъулият билан фикр юритувчи инсон туради. Нафақат табиатшунослик идеалларини, балки дунёнинг бадиий талқини ва маданият ҳақидаги фанларнинг бой тажрибасини ҳам ўз ичига олган XXI аср фалсафаси айни шу заминда қурилиши лозим.

Тажрибавий амалий матнлар:

Хронотоп, субъект ва объект муносабатлари, ижтимоий-гуманитар билиш, матн, когнитив амалиёт, адабиётшунослик, лингвистика, макон ва вақт.





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ижтимоий-гуманитар билимнинг ўзига хос хусусияти нимада намоён бўлади?
2. Субъектив ўйин ҳодисасининг моҳияти нимада?
3. Табиатшунослик ва жамиятшуносликнинг ўзига хос хусусиятлари нимада намоён бўлади?
4. Матни ўрганишнинг методологик аҳамиятини кўрсатинг.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари:

1. Яхлит субъект — билувчи инсонга нисбатан ишончга асосланган билиш ҳақидаги таълимот асосчиси ким?
 - А. М.М.Бахтин
 - Б. В.Н.Порус
 - В.Г.Кузнецов
 - Г. А.Степин
2. 19–20 асрларда В.Виндельбанд ва Г.Риккерт ўз асарларида қайси концепцияни илгари суришган?
 - А. Неокантчилик концепцияси
 - Б. Антропоцентризм концепцияси
 - В. Геоцентризм концепцияси
 - Г. Янги метафизика концепциясини
3. Неокантчилик концепцияси қайси фанлар ўртасидаги фарқни асослаган?
 - А. Маданият ва жамият ҳақидаги фанлар
 - Б. Табиат ва жамият ҳақидаги фанлар
 - В. Табиат ва маданият ҳақидаги фанлар
 - Г. Сиёсат ва давлат ҳақидаги фанлар
4. Маданият ва жамият ҳақидаги фанларнинг объекти, уларни билиш методлари ва шакллариининг ўзига хослигини инкор этувчи концепция қайси қарашга хос?

А. Позитивистик

Б. Эвристик

В. Антиномия

Г. Прагматик

5. Ижтимоий ва табиий фанлар нимага кўра фарқ қилади?

А. Қонунларига кўра

Б. Объектига кўра

В. Назариясига кўра

Г. Пайдо бўлишига кўра

6. Ижтимоий билиш ижтимоий жиҳатдан шаклланган ва манфаатдор субъект томонидан амалга оширилиши нима билан белгиланади?

А. Субъектнинг дунёқараши билан

Б. Ижтимоий жараён билан

В. Тарихий жараён билан

Г. Ижтимоий муҳит хусусияти билан

7. Ижтимоий ғоялар ва назариялар асл мазмунини тушуниш учун қандай мезонларни киритиш мақсадга мувофиқ?

А. Субъектлараро муносабатлар

Б. Субъект ва объект муносабатлар

В. Ижтимоий гуруҳ ва субъект муносабатлар

Г. Субъект ва давлат ўртасидаги муносабатлар

8. Ижтимоий билим негизи бу —

А. Матннинг фалсафий-методологик таҳлили

Б. Матннинг тарихий таҳлили

В. Матннинг фалсафий-тарихий таҳлили

Г. Матннинг психо-лингвистик таҳлили

9. Матни таҳлил қилишнинг муҳим шаклларида бири ...

А. Маданий таърифлаш

Б. Матннинг муаллифини аниқлаш

В. Яшириш омилларни аниқлаш

Г. Матн яралгандаги маданий ҳаётни аниқлаш

10. Эпистемологик тадқиқот учун матнлар билан ишлашнинг муҳим тамойили бу —

А. Яхлитлилик

Б. Тарихийлик

В. А ва Б

Г. Субъективлик

11. Матннинг қадриятлар билан боғлиқ элементларини ўрганиш қандай амалиёт билан боғлиқ?

- А. Ижтимоий фанларнинг когнитив амалиёти билан
- Б. Ҳеч қандай амалиётга боғлиқ эмас
- В. Ижтимоий фанларнинг праксиологик хусусияти билан
- Г. Аксиологик тизимларнинг оқилона амалиёти билан

12. Кимларнинг фикрига кўра «фан ўзи учун вақтни янгидан кашф этмоқда»?

- А. Р.Декарт ва И.Ньютон
- Б. И.Пригожин ва И.Стенгерс
- В. Р.Декарт ва И.Стенгерс
- Г. Н.Вернадский ва И.Пригожин

13. Ижтимоий-гуманитар билишда макон ва замонни мутлақо янгича ғоя сифатида илгари сурган олим ким?

- А. М.М.Бахтин
- Б. В.А.Лакторский
- В. В.Г.Кузнецов
- Г. А.Н.Чумаков

14. Онг ва «фикрланувчи барча макон ва вақт муносабатларининг ягона маркази бу —

- А. Архитектоник яхлитлик
- Б. Темпораллик
- В. Маконлилик
- Г. Ўлчовлилик

15. Инсон ва дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги бутунлай бошқача тасаввулар қандай ғояга яқин?

- А. Верификацияга
- Б. Герменевтикага
- В. Демаркацияга
- Г. Фальсификацияга

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. —Т., Университет, 2005.
2. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. —Т.: 2008.
3. Шермухамедова Н. Гносеология. —Т., ЎФМЖ, 2007.
4. Бахтин М.М. Формы времени и хронотопа в романе. Очерки

- по исторической поэтике // Литературно-критические статьи. – М.: 1986.
5. Бахтин М.М. К философским основам гуманитарных наук // Собр. соч.: В 7 т. Т. 5. – М.: 1996.
6. Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. – М.: 1991.
7. Лекторский В.А. Эпистемология классическая и неклассическая. – М., 2001.
8. Микешина Л.А. Философия познания. Полемические главы. – М., 2002.
9. Порус В.Н. Рациональность. Наука. Культура. – М., 2002.
10. Проблемы гуманитарного познания. – Новосибирск, 1986.
11. Уинч П. Идея социальной науки и ее отношение к философии. – М., 1996.
12. Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук. – СПб., 1994.

ГНОСЕОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Энг қадимги тасаввурлар. Билиш ва уни ўрганиш бир марта ва узил-кесил белгилаб қўйилган ўзгармас жараён эмас, балки муайян қонунлар асосида мувофиқ доимий ривожланувчи ҳодисадир. Унинг илдиэлари қадимги фалсафага бориб тақалади. Билим ўз ривожланиш босқичларининг ҳар бирида билиш тарихининг қисқача тавсифи, инсон фаолияти барча шакллариининг, шу жумладан, энг аввало ҳиссий-моддий фаолият (амалиёт)нинг асосий моҳиятидир.

Антик фалсафа, айниқса, қадимги юнон фалсафасида (мил. ав. VI аср – милодий II аср) билим ва фикрнинг ўзаро нисбати, билим ва предметнинг ўзаро мослиги ҳақидаги ҳақиқат ва янглишишлар, билиш методи сифатидаги диалектика ҳақидаги теран ғоялар таърифланган. Масалан, **Гераклит** ҳамма нарса оқиши, ҳамма нарса ўзгариши ва ҳамма нарса ўз қарама-қаршилигига ўтиши, бироқ ҳамма нарса ўз ҳолича эмас, балки борлиқ ва билишга хос бўлган «ягона донишманд» қонунларига бўйсуниб оқиши ҳақидаги ғояни илгари сурган.

Ҳар бир алоҳида предметнинг табиатини билиш учун умумий қонунни татиқ эта олиш лозим. Шу сабабли Гераклит «ҳамма нарсалар ҳақидаги ягона билим»ни кўп билимлиликдан устун қўяди. Тафаккур қобилияти барча одамларга хослигидан келиб чиқиб, у инсон логоси, субъектив логос (яъни билиш) объектив логос билан мос тушиш имкониятига эга, деб ҳисоблайди.

Элейлик Зенон амалдаги ҳаракатни тушунчалар мантиқида ифодалашга ҳаракат қилади, шу муносабат билан у ҳаракатни тафаккурга уриниш чоғида юзага келувчи қарама-қаршилиқлар (апориялар)ни таҳлил қилади. Зеноннинг машҳур апориялари («Дихотомия», «Ахилл», «Камон ўқи» ва «Стадий») ҳозирги замон фани учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Қадимги софистлар – **Протагор**, **Горгий** ва бошқалар гносеология ва диалектик тафаккур тарихида ўчмас из қолдирди. Улар қарама-қаршилиқларга тўла, ҳақиқатга чанқоқ инсон тафаккурини фаол ҳаракатга келтирди. Қадимги софистика нақадар субъектив, «сўз ўйинлари»га тўла бўлмасин, айрим оқилона жиҳатларга ҳам эга эди. Уларнинг қаторига ўз ҳолича тафаккурни онгли тадқиқ этиш; унинг кучи, қарама-

қаршиликлари ва одатдаги хатоларини тушуниш; тафаккурнинг ҳаракатчанлиги ва мослашувчанлигини ривожлантириш, унга диалектик тус беришга интилиш; билишда субъектнинг фаол ролини қайд этиш; билиш жараёнида сўз, тил имкониятларини таҳлил қилишни киритиш мумкин.

Сукрот билишнинг ҳар тасаввурлар, тушунчаларни таққослаш, таърифлаш ва қисмларга ажратиш жараёнида ҳақиқатга эришиш сифатидаги диалектик табиатини биринчи ўринга қўйди. Бунда у билиш ва ахлоқ, метод ва ахлоқийликнинг узвий алоқасини қайд этди. Ҳар хил тушунчалар (яхшилик, донишмандлик, адолат ва ҳ.к.)нинг ахлоқий мазмунини муҳокама қилар экан, Сукрот, Аристотелнинг сўзларига кўра, индуктив далиллардан биринчи бўлиб фойдаланиб, умумий таърифлар бера бошлади.

Фалсафа тарихида Сукротнинг муҳим хизмати шундаки, унинг амалиётида диалог ҳақиқатнинг тагига етишнинг асосий методига айланди. Илк мутафаккирлар ўз таълимотларининг асосий тамойилларини узил-кесил деб илгари сурган бўлсалар, Сукрот мумкин бўлган барча нуқтаи назарларнинг бирортасига ҳам олдиндан кўшилмасдан, уларни танқидий таҳлил қилишга уринди. Сукротнинг антидогматизми, хусусан, у ижобий билимга эгалikka даъволардан воз кечганида ифодалангани; шу туфайли у файласуфни донишмандликдан сабоқ берувчи деб эмас, балки бошқаларда ҳақиқатга интилишни уйғотишга қодир инсон деб ҳисоблаган.

Платон фалсафасининг оқилона мазмунини, мунозарага киришиш санъати ташкил этади. У борлиқ қарама-қаршиликлардан иборат, у ягона ва кўп сонли, абадий ва ўткинчи, ўзгармас ва ўзгарувчан, тургун ва ҳаракатда деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, қарама-қаршилик жонда мулоҳаза юритишга рағбатнинг зарурий шарти, билишнинг муҳим тамойилидир.

Элеатлар ва софистларга эргашиб, Платон фикрни (ишончли бўлмаган, кўпинча субъектив тасаввурларни) ҳақиқий билимдан фарқлаган. Фикрни у фараз ҳамда ишончга ажратган ва предметини маънавий моҳиятлар ташкил этувчи билимдан фарқли ўлароқ, фикрни ҳиссий нарсалар қаторига киритган. Платон гносеологиясида тафаккур фаолиятининг сифат жиҳатидан ҳар хил икки даражаси — тегишли равишда чекли ва чексизга қараб мўлжал олувчи идрок ва ақл ҳақидаги ғоя мавжуд.

Платон донишмандлик сари элтувчи ва файласуфни тарбиялаш учун зарур бўлган санъатлар ва фанлар тизимини белгилашга ҳаракат қилар экан, унинг қаршисига билимларни бериш муаммоси ҳам кўндаланг бўлган. «Давлат» асарида фанлар иерархияси ва билим типлари берилган: дунёнинг ботиний ва зоҳирийга ажратилиши билим ва тасаввур ўртасидаги фарққа мос тушади. Ботиний, ақл билан англаб етилувчи дунёда фақат тафаккур йўли билан англаш мумкин бўлган «ҳамма нарсаининг асоссиз негизи» (ноэсис) ва мулоҳаза юритиш йўли билан ўрганиш мумкин бўлган жабҳа (дианойя) фарқланади. Фанлар иерархиясининг чўққисига дастлабки асосни ўрганиш имконини берувчи математика ва диалектика туради. Тасаввур жабҳаси барча зоҳирий нарсалар – жонли ва жонсиз, табиий мавжуд ва одамлар томонидан яратилган нарсаларни қамраб олади; тасаввурларни билим даражасига кўтариш лозим. Платоннинг билиш назарияси учун билимнинг тўрт типи: ном, таъриф, тасвир ва соф билим айниқса, муҳимдир; 5-босқич – ҳақиқий борлик. Дастлабки уч босқичда бирон-бир барқарор унсур йўқ, бироқ уларнинг бирортасини ҳам рад этиш мумкин эмас; фақат бир босқичдан иккинчи босқичга аста-секин юксалиш, номни таъриф билан ўзаро текшириш ва ҳоказолар ҳақиқий билимга эришиш имконини беради, бироқ уни ёзма тарзда қайд этиш доим бирон-бир жиҳатдан номукамал ва ишончсиз бўлади.

Аристотель ўзи яратган мантиқда билишнинг муҳим органи (қуроли, асбоби)ни кўрган. Унинг мантиқи икки ёқлама хусусиятга эга: у билимни таҳлил қилишга нисбатан формал ёндашувга асос солди, бироқ айни вақтда Аристотель объект билан мос тушувчи янги билимга эришиш йўлларини аниқлашга ҳаракат қилди. У ўз мантиқини фақат формал мантиқ доирасидан четга чиқаришга уринди, мазмунли мантиқ ва диалектика масаласини кун тартибига қўйди. Аристотель мантиқи ва гносеологияси борлик ҳақидаги таълимот, ҳақиқат концепцияси билан узвий боғлиқ, чунки билишнинг мантиқий шакллари ва тамойилларида у борлиқнинг шакллари ва қонунларини кўрган.

Аристотель ақлнинг кучига бўлган ишончини намойиш этиб ва билимнинг объектив ҳақиқийлигини қайд этиб, унга қўйиладиган айрим методологик талабларни, чунончи: ҳодисаларни уларнинг ўзгаришига боғлаб ўрганиш лозимлигини,

ягонанинг иккиланиши нафақат объектив дунё қонуни, балки билиш қонуни ҳам эканлигини, сабабият тамойилини таърифлаб берди.

Аристотель фикрига кўра, барча одамлар табиатан билимга интилади. У яратган билиш назариясининг хусусияти ҳақиқий, ҳиссий идрок этилувчи дунё билан белгиланади. Ўз билиш назариясида Аристотель субъектга боғлиқ бўлмаган объектив борлиқнинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқади. Инсон ташқи дунё предметларининг инъикосини ҳис этишини Аристотель Платон фарқлаган ботиний фикр ва ақлга мувофиқ билимга қарши қўяди. Бу ғояга мувофиқ ҳиссий тажриба билишнинг манбаи ҳисобланади, сезиш эса онга боғлиқ бўлмаган идрок этиш предметини назарда тутаяди.

Шундай қилиб, Аристотелда билишнинг предметини борлиқ ташкил этади. Тажрибанинг асоси — ҳис-туйғулар, хотира ва одатларда. Ҳар қандай билим сезишдан бошланади. Ақл эса айримликда умумийликни кўради. Барча нарсалар ўзгарувчан хусусиятга эга бўлгани туфайли илмий билимни фақат сезги ва идрок ёрдамида олиш мумкин эмас. Нарсанинг моҳиятини ёритувчи тушунчалар ҳақиқий илмий билим шакллари ҳисобланади.

Аристотелнинг хизматларидан бири шундаки, у софистик усуллар — фақат сохта доноликдан дарак берувчи, билишни хато йўлга бошловчи субъективистик, сохта диалектик тафаккур йўллариининг биринчи муфассал таснифини яратди.

Демокрит сезгиларни билишнинг бош асоси деб эътироф этади. У нафақат нарсаларнинг сезгиларга таъсири натижасида юзага келувчи моддий образларини, балки уларнинг ўзидан кўчирилган, инсон танасига ташқи сезги органлари орқали кирувчи нухаларини кўрди. Бу нухалар ҳам моддийдир. Улар нарсалардан ажралади, бўш фазода барча томонларга тарқалади ва бизнинг органларимизга етгач, бадандаги тешикчалар орқали танага киради. Агар тешикчалар ўзи орқали ўтувчи нарсаларнинг образларига шакл ва катталиқ жиҳатидан мос келса, бу образлар сезгида нарсаларнинг ўзига мос тушади. Улар билим негизини ташкил этмайди. Шу боис билиш тўлалигича сезгига боғланиши мумкин эмас. Сезги — билишнинг зарурий манбаи, бироқ билиш учун сезишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шундай нарсалар ва

нарсаларнинг хоссалари мавжудки, ўта кичкиналиги туфайли уларни сезгилар илғай олмайди. Нарсаларнинг бундай хоссалари фақат ақл билан идрок этилади ва бундай билиш ҳам ҳақиқий бўлиши мумкин. Масалан, биз бўшлиқларни ҳам, барча жисмларда мавжуд атомларни ҳам кўрмаймиз, эшитмаймиз ва ҳис қилмаймиз. Бироқ, ақл ёрдамида биз уларнинг амалда мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Демокрит «фикрда мавжуд» нарсаларни амалда мавжуд нарсалардан фарқлайди. У: «Ширинлик, аччиқлик, иссиқлик, совуқлик ва ранглилик фақат фикрдагина мавжуд, амалда эса (фақат) атомлар ва бўшлиқ мавжуддир», деб қайд этади.

Эпикур сенсуализмни ҳимоя қилади ва ривожлантиради. Биз сезган ҳамма нарса ҳақиқийдир, сезгиларимиз бизни ҳеч қачон алдамайди. Хатолар сезги органларига нотўғри баҳо берилиши натижасида юзага келади: сезги органларининг ўзи хулоса чиқармайди ва шу сабабли хато қилиши мумкин эмас. Ҳатто иллюзиялар, галлюцинациялар ҳам сезгиларнинг янглишлигини исботламайди. Демокритдан фарқли ўлароқ, Эпикур ҳиссий идрокни фан учун эмас, балки «фикр» учун мавжуд бўлган иккинчи даражали нарса деб ҳисобламайди. Мантиқий тафаккурнинг асосий фаолияти — сезгилар индукцияси.

Эпикур атомист Демокритнинг асосий қоидаларини қабул қилиб, ўзи эътироф этувчи Демокритнинг барча табиат ҳодисаларининг сабабий зарурати ҳақидаги таълимоти инсон учун эркинлик мумкин эмас, деган хулосаларга олиб бормаслиги кераклигини исботлашга ҳаракат қилади. Зарурат доирасида эркинликка элтувчи йўл кўрсатилиши лозим. Шу фикрга таяниб, Эпикур Демокритнинг атомистик назариясини қайта ишлайди. Демокритда атомнинг бўшлиқдаги ҳаракатига ташқи механик таъсир сабаб бўлса, Эпикур бу ҳаракат атомларнинг ички хоссаси — уларнинг оғирлиги билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Шу тариқа оғирлик шакл, ўрин ва тартиб билан бир қаторда атомнинг муҳим ички хоссасига айланади. Шундан келиб чиқиб, Эпикур атомлар миқдори чексиз, уларнинг шакллари сони эса чеклангандир, чунки атомлар катта оғирликка эга бўлиши мумкин эмас, деб хулоса чиқарган. У атомларнинг ўз-ўзидан ҳаракатланиши ҳақидаги ғояси билан билиш назариясига ўзига хос ҳисса қўшди. Атомнинг оғирлиги жуда содда талқин қилиб,

Эпикур уни инсон эркинлигининг зарурий шартин деб ҳисоблаган.

Қадимги гносеологияга тавсиф беришда унда дунёга нисбатан яхлит ёндашув, соф таҳлилнинг йўқлиги, табиатга метафизик ажратиш хослигини қайд этиш лозим. Табиатга барча томонлари бирлиги, ҳодисаларнинг умумий боғланиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан қаралган. Бироқ, бу ривожланувчи яхлитлик ривожланган назарий тафаккурнинг эмас, балки бевосита кузатиш маҳсули бўлган.

Ўрта аср файласуфлари таълимотида гносеология муаммолари. V асрдан XVI асргача Европада диний мафкура ҳукмронлик қилди. Антик фалсафадан фарқли ўлароқ, ўрта асрларнинг тафаккур услуби теоцентриқ хусусият касб этди, яъни оламнинг негизи космос эмас, балки Худодир, деган қараш шаклланди. Ўрта аср файласуфлари фойдаланган илоҳиёт ғоялари тартибга солувчи функцияни бажарган.

Ўрта аср гносеологияси замирида икки асосий ғоя: ваҳий ғояси ва креационизмнинг яратилиши ғояси ётади. Унга анъанавийлик ҳам, ретроспективлик ҳам хосдир. Ўрта аср мутафаккирлари учун билим қанча эски бўлса, у шунча ҳақиқийроқ ва ишончлироқдир, Муқаддас Китобда ўз аксини топган ҳақиқат энг қадимги ҳақиқатдир, деб ҳисоблаганлар.

Ўрта аср (XIII аср)нинг энг йирик схоластлари Альберт Больштедский, Фома Аквинский, Дунс Скот, Авлиё Августин, Раймонд Луллийдир.

Альберт Больштедский XIII аср ўрталарида илғор фикрли олим бўлган. У табиат ҳақидаги фанларда экспериментал тадқиқотлар ўтказган, фалсафани ҳимоя қилган ва илоҳиётга қарши чиққан. Ўз таълимотида асосан, эски схоластика анъаналарига риоя қилади, Аристотель асарларини ўрганади, шарҳлайди ва улардан фойдаланади, Аристотель илгари сурган ғояларни схоластикага мослаштиришга ҳаракат қилади.

Универсалийлар муаммосининг ривожланишига Альберт Больштедскийнинг Ибн Синодан ўзлаштирган ва ғарб схоластикасига киритган ечими кучли таъсир кўрсатади. Бу ечимга кўра универсалиялар уч кўринишда мавжуддир:

- улар нарсалар пайдо бўлгунга қадар Худонинг нарсаларга қараб ижод қилувчи ғояси тарзида;
- нарсаларда — кўпликда ягона тарзида;

нарсалардан кейин — инсон тафаккурида нарсалар ҳақидаги мавҳум тушунчалар тарзида мавжуд бўлади.

Альберт Больштедскийнинг қарашларида эътиқод ва тафаккур ўртасидаги муносабатларда маълум тараққиёт кўзга ташланади. У айрим диний тамойилларни ақл билан тушуниш ва исботлаш мумкин эмаслигини асослашга ҳаракат қилади. Илоҳнинг уч «қиёфаси», Худонинг ўғил ва муқаддас руҳдаги тажассуми ҳамда ўликлар келажакда тирилиши ҳақидаги тамойиллар шулар жумласидандир.

Фома Аквинский аверроистларга қарши курашди. У яратган таълимотнинг мақсади аверроизмга соф католицизм нуқтаи назаридан зарба бериш, эътиқод ва тафаккур нафақат бир-биридан фарқ қилиши, балки айна вақтда бир-бири билан уйғун бирикишини ҳам кўрсатишдан иборат эди. Тафаккур ҳақиқат сари интилиш жараёнида диний ақидалар билан тўқнашиши мумкин. Аверроистларнинг ҳақиқат икки шаклда намоён бўлиши ҳақидаги таълимотига зид ўлароқ, Аквинский икки тамойил ўртасида мавжуд қарама-қаршилиқлар доим улардан бири янглиш эканлигини кўрсатади, деб қайд этди. Ҳамонки илоҳий ваҳийда янглиш нарса бўлиши мумкин эмас экан, қарама-қаршилиқнинг мавжудлиги эътиқод эмас, балки тафаккур, илоҳиёт эмас, балки фалсафа янглишишини англатади, деган тўхтамга келади. Ф.Аквинский таълимотига кўра, фалсафа ва дин умумий тамойилларга эгадир. Бу тамойиллар тафаккур ва эътиқод қаршисида намоён бўлади.

Йўл танлаш имконияти берилган ҳолларда шунчаки эътиқод қилгандан кўра тушунган маъқулроқдир. Тафаккур ҳақиқатлари («табiiй илоҳиёт»)нинг мавжудлиги шунга асосланади. «Табiiй илоҳиёт» фалсафанинг олий қисмидир.

Файласуф фалсафа ҳақиқатни билиш, ҳар қандай ҳақиқатни эмас, балки барча ҳақиқатлар манбаи, барча нарсалар учун борлиқнинг биринчи асосига мансуб бўлган ҳақиқатни билишдир, бундан мазкур ҳақиқат ҳар қандай ҳақиқат асосидир, чунки борлиқда нарсалар тартиби қандай бўлса, ҳақиқатда ҳам шундайдир, деган хулоса келиб чиқади, деб таъкидлайди.

Худо ҳақида шундай ҳақиқатлар борки, улар инсон ақлининг ҳар қандай қобилиятидан устундир. Масалан, Худо уч қиёфали ва ягона эканлиги ҳақидаги ҳақиқат. Бироқ, шундай ҳақиқатлар

борки, уларни табиий тафаккур ҳам англаб етиши мумкин. Масалан, Худо бор, Худо ягона деган ва бошқа шунга ўхшаш ҳақиқатлар. Худо ҳақидаги бу ҳақиқатларни табиий тафаккур кучига таянувчи файласуфлар ҳам мисоллар билан исботлаб бердилар.

Тафаккур Худо ҳақида билишга қодир бўлган нарсаларни билиш учун кўп нарсани олдиндан билиш керак, чунки деярли бутун фалсафани ўрганиш Худони билишга даъват этади. Шу сабабли фалсафа қисмларидан бири – илоҳий нарсалар тўғрисида сўз юритувчи метафизика сўнгги навбатда ўрганилиши лозим. Шундай қилиб, илоҳий ҳақиқатнинг тагига катта машаққат ва меҳнат билан етиш мумкин. Билимга муҳаббатидан келиб чиқиб, ҳамма ҳам бу меҳнатни ўз зиммасига олавермайди. Бироқ, Худо билимга табиий интилишни одамлар онгига жойлаган. Шу сабабли илоҳий меҳрибонлик тафаккур тадқиқ этишга қодир бўлган нарсаларга ҳам ишониш лозимлигини белгилаган, бундан ҳамма шу йўл билан Худони шубҳа ва хатоларсиз билишга осонгина дахлдор бўлишини кўзлаган.

Фома Аквинский Аристотель таълимотидан фойдаланиб, унга асосланган ҳолда, ўзининг динга тўла бўйсундирилган шакл ва материя ҳақидаги таълимотини ривожлантирди. Унга мувофиқ, материя шаклдан айри ҳолда мавжуд бўла олмайди, бироқ шакл материядан алоҳида мавжуд бўлиши мумкин. Бу моддий нарсалар олий шакл ёки Худосиз мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини, шунингдек, Худо соф маънавий мавжудот эканлигини англатади. Шаклнинг материя билан бирикуви фақат табиий дунёнинг моддий нарсалари учун лозимдир. Моҳият ва мавжудликнинг амалдаги фарқи ҳақидаги таълимот Фома гносеологиясида муҳим аҳамият касб этади. Ибн Синога бориб тақалувчи бу таълимотнинг асосий ғояси – моҳият ва мавжудлик амалда фақат Худода мос тушади. Ва аксинча, Худо яратган барча нарсаларда уларнинг моҳияти (*essentia*) мавжудлиги (*esistentia*)дан фарқ қилади. Бунда мавжудлик моҳиятдан устун туради, борлиқ имкониятга қандай боғлиқ бўлса, мавжудлик ҳам моҳиятга шундай боғлиқдир.

Фома Аквинский бу тушунчаларга таяниб, Худонинг борлиги ҳақидаги исботни ривожлантиради. Буни у Худо ҳақидаги тушунчадан эмас, балки ҳар бир ҳодисанинг ўз сабаби борлигидан келтириб чиқаради (Худо борлигининг космологик исботи).

Сабаблар зинапояси бўйлаб кўтарилиб, биз барча ҳодисалар ва жараёнларнинг бош сабаби — Худонинг муқаррар мавжудлиги ҳақидаги фикрга келамиз, деб таъкидлайди Фома.

Муътадил реализм тарафдори бўлган Фома фикрларимиз ва борлиқ ўртасида аниқ мувофиқлик бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаган. Умумийлик, Фома фикрича, ақлимиз маҳсули, бироқ у борлиқ билан ақлдан ташқарида мавжуд нарса сифатида боғланади. Бундан у умумийлик ўз ҳолича ва — Худо ақлида ҳам мавжуд, деган хулосага келади. Ўз предметига эришиш усулига кўра ақл Фома учун иродага қараганда юксакроқ қобилиятдир. Ирода фақат билишга интилади, ақл эса билимга эга бўлади. Ҳатто ҳаракатларни танлаш эркинлигининг асоси ҳам ақл мулоҳазасидадир. Инсон фаолиятининг мақсади билишдир. Саодатга эришиш иродадан ҳам кўра кўпроқ ақл фаолиятининг натижасидир.

XIII асрнинг учинчи йирик схоласти — **Дунс Скот** (1265—1308)дир. У илоҳиёт ва фалсафанинг нисбати масаласини биринчи ўринга қўйган. Унинг фикрича, Худони фалсафа ёрдамида билиш имконияти чекланган. Инсон ақли борлиқда фақат ўз сезги органлари билан ҳис этган нарсаларни билиши мумкин, шу сабабли, инсон Худо ёки фаришталар каби номоддий субстанциялар ҳақида бирон-бир билимга эга бўлиши мумкин эмас.

Бошқа номиналистлардан фарқли ўлароқ, Дунс Скот умумийлик фақат ақл маҳсули эмас, унинг асоси нарсаларнинг ўзидадир, деб ҳисоблайди. Ягона, индивидуалнинг мавжудлигини тушунтириш учун умумий моҳият ўз ҳолича универсал, ягона эмас деб ҳисоблаш лозим. Барча шакллар аввало Худонинг ақлида мавжуддир. Умумийлик нарсаларда ҳам (уларнинг моҳияти сифатида), нарсалардан кейин ҳам (ақлимиз бу моҳиятлардан олувчи тушунчалар сифатида) мавжуд бўлади.

Мавжудликка нисбатан муносабат масаласи бўйича Дунс Скот Фома Аквинский фикрига қўшилмайди. Фома ва томистлар нарсаларда моҳият ва мавжудлик ўртасидаги фарқ мавжудлик нарсаларда моҳиятдан фарқ қилиши мумкинлигидан далолат беради, деб ҳисоблаганлар.

Дунс Скот фикрига кўра, жон инсон танасининг шаклидир. Уни Худо инсон туғилганида яратади ва унинг ҳаёти мобайнида

жон инсон танаси билан узвийдир. У ягона ва ўлмасдир. Билиш ҳақидаги таълимотда Дунс Скот жоннинг фаоллигини қайд этади. Билим биздан, билинаётган нарсадан чиқувчи маълумотлардан таркиб топади. Билиш жараёнида жон қай даражада фаол бўлмасин, бизнинг билишимиз нарсага ҳам боғлиқ бўлади. Инсон фаолиятига келсак, унинг барча турларини ақл эмас, балки ирода бошқаради, у ақлдан устунроқдир. Худонинг эркин хоши-иродаси эса ҳамма нарсадан устун туради.

Раймонд Луллий. Луллий ҳақиқатнинг икки хил шакли ҳақидаги таълимот рад этилиши лозим, зеро фақат бир ҳақиқат ва унинг тагига етишнинг фақат бир усули мавжуд, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, ҳамма билувчи тамойиллар билишнинг таянч нуқтаси бўлиши лозим. Луллий асосий тамойиллар, тушунчаларнинг уйғунлиги методи мавжуд бўлиб, у уйғунликлар қонунига мувофиқ доим ҳақиқий натижалар беради, деган фаразни илгари сурди. Унинг фикрича, методи топилган ва уйғунликлар қонунлари маълум бўлса, ишончли натижалар муайян машина каби ўз-ўзидан олиниши лозим. Бу ғоя Луллийни айрим вазифаларни мантиқий машиналар ёрдамида ҳал қилувчи мантиқнинг ўтмишдошига айлантирди.

Авлиё Августин нафақат илоҳиёт ва умумий фалсафа, балки ахлоқий ва тарихий фанлар илмий методологияси соҳасида ҳам кўп сонли ғоялар ва оқимлар раҳнамоси эди. Августин фикрига кўра ақл жоннинг кўзлари бўлиб, у ўзи тана ёрдамисиз ҳақиқатни кузатади. Ҳақиқат инсон жонидадир, жон эса ўлмасдир. Инсон ўз ҳаётининг илоҳий мақсадини унутмаслиги керак. У ўз билимларини донишмандликка бўйсундириши лозим, чунки жоннинг паноҳ топиши унинг олий вазифасидир. «Биз кўз билан кўрган ҳамма нарсаларни ақл ёки сезги ва идрок билан илғаймиз. Агар жон ақлдан ажралмаган бўлса, у ўлиши мумкин эмас. Жон ақлдан ажрала олмайди»¹. Августин ақлга жоннинг энг муҳим функцияси сифатида ёндашади.

Августин скептицизмни танқид қилар экан, унга қарши куйидаги эътирозни илгари сурди: ҳақиқатнинг тагига етилган бўлмаса, тахминий билим ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки

¹ История философии. Энциклопедия. – Минск: Книжный дом, 2002. – 77-6.

тахминий билим ҳақиқатга ўхшаш билимдир, ҳақиқатга нима ўхшашини билиш учун эса ҳақиқатнинг ўзини билиш лозим. Уни қаердан топиш мумкин? Августин фикрига кўра, энг ишончли билим — бу инсоннинг ўз борлиги ва онги ҳақидаги билимдир. «Ўзингнинг мавжудлигингни биласанми? Биладан... Тафаккурингни биласанми? Биладан... Демак, сен ўзингнинг мавжудлигингни биласан: яшаётганингни биласан, биладанганингни биласан»¹. Августин фикрича, билиш ички туйғу, сезгилар ва ақлга асосланади. Инсон ақл билан идрок этилувчи билиш предметлари ҳақида оз бўлса ҳам мутлақо ишончли билимга эга бўлади. Ким туйғуларга ишонмаслик керак, деб ўйласа, алашади. Билишнинг меъёри эса ҳақиқатдир. Августин, ўзгармас боқий ҳақиқат барча ҳақиқатлар манбаи, Худодир, деб таъкидлайди. У илгари сурган билишнинг барча амалларида ирода иштирок этади, деган фикр билиш назариясида янгилик бўлди.

XIV асрда фалсафа ва фан учун самарали бўлган номинализм янги поғонага кўтарилди. Унинг йирик арбоби **Уильям Оккам** (тахминан 1300—1350) Худонинг борлиги далил-исботларга таянувчи фалсафанинг эмас, балки диний эътиқод предметидир, деб эълон қилиб, ўз ўтмишдошлари бошлаган Худо мавжудлиги фалсафий далиллариининг танқидини ниҳоясига етказди.

У. Оккам фикрига кўра, фақат ҳиссий, амалий билим (интуиция) бирон-бир нарсанинг мавжудлигини тасдиқлаши мумкин. Билишда ҳиссий интуиция ва тажрибанинг роли ҳақидаги таълимот Оккамда у илгари сурган билиш назариясининг қолган икки муҳим тамойили: тушунтириш содда бўлиши лозимлиги ҳақидаги талаб (тежамлилиқ тамойил — *principium parsimoniae*) ва айрим нарсалар амалда мавжудлиги ҳақидаги тамойил (номинализм) билан боғлиқ. Тежамлилиқ талаби Оккамда субъективистик хусусият касб этмайди, у ўша даврнинг фан учун самарасиз бўлган ва тушунтиришни амалда қийинлаштирган айрим схоластик гипотезаларига қарши қаратилади.

Оккам фикрига кўра, билимнинг вазифаси — амалда мавжуд айрим, хусусий нарсаларни билишдир. Умумийлик фақат билувчи субъект ақлида мавжуддир. Ақлдан ва жондан ташқарида ҳар

¹ История философии. Энциклопедия. — Минск: Книжный дом, 2002. — 77-б.


қандай нарса айрим, хусусийдир. Барча мавжуд нарсалар якка хусусиятга эга бўлса-да, индивидлар фикран синфларга ажратилиши, яъни хиллар ва турларга тақсимланиши мумкин. Нарсаларнинг ўзида умумийлик ҳам, хусусийлик ҳам мавжуд эмас. Улар фақат бизнинг айни бир нарсага ёндашиш усулимизга хосдир. Фикрда умумийга (универсалияга) ўтиш қандай амалга оширилади? Бу ўтишни тушунтириш учун Оккам «интенция» тушунчасини, яъни фикрнинг йўналтирилганлиги, мантиқий ва руҳий амаллар ёки белгилар ҳақидаги тушунчани киритади. Барча умумий тушунчалар (универсалиялар) кўпгина объектларни мантиқан ифодаловчи белгилар (атамалар)дир.

Универсалиялар нарсанинг ўзига хос эмас, улар доим нарсадан кейин мавжуд бўлади (post rem), улар фақат ақлда мавжуддир, бироқ улар объектив аҳамиятдан бутунлай маҳрум эмас. Универсалиялар ҳар қандай нарсаларни эмас, балки ўзича ўхшаш бўлган нарсаларнигина ифодаловчи белгидир. Шу сабабли Оккамнинг номиналиزمи баъзан, «терминизм» («термин» сўзидан) деб аталади. Оккам терминизми унинг тажриба ҳақидаги таълимоти билан боғлиқ. Ҳамонки айрим нарсаларгина амалда мавжуд экан, объектив дунёни билиш тажрибадан бошланади ва сезги йўллари бўйлаб ҳаракатланади.

Хулосалар. Қадимги дунё ва Ўрта асрларда билимнинг бирламчи тури — бу амалда кўрилган ёки «интуитив» билимдир. У айрим нарсаларни билади. Ундан кейин «мавҳум» билим ёки «умумий нарсалар ҳақидаги билим» келади. Гарчи, барча фанлар манбаини айрим нарсалар ҳақидаги билим ташкил этса-да, уларнинг ҳаммаси умумий нарсаларни талқин қилади.

Тажрибавий амалий матнлар:

Қадимги давр билиш назарияси, Гераклит, Платон, Аристотель, Суқрот, ўрта аср гносеологияси. Фома Аквинский, Луллий, Августин, универсалиялар, терминизм, номинализм, реализм.



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Қадимги гносеологиянинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Аристотель гносеологияси қандай аҳамиятга эга?
3. Платон гносеологияси қандай аҳамиятга эга?
4. Билиш назариясининг ривожланишида Аристотелнинг хизмати нимада?
5. Ўрта аср гносеологиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Авлиё Августин билишни қандай тушунади?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари:

1. Ҳамма нарса оқиши, ўзгариши ва ҳамма нарса ўз қарама-қаршилигига ўтиши, бироқ ҳамма нарса ўз ҳолича эмас, балки борлиқ ва билишга хос бўлган «ягона донишмандлик» қонунарига бўйсуниб, ҳаракатланиши ҳақидаги ғояни илгари сурган файласуфни топинг?

- А. Гераклит
- Б. Зенон
- В. Протагор
- Г. Анаксимен

2. «Дихотомия», «Ахилл», «Стадий» каби машҳур апориялар муаллифи ким?

- А. Гераклит
- Б. Зенон

В. Протагор

Г. Парменид

3. Платон фикрича, билишнинг муҳим тамойили бу — ...

А. Қарама-қаршилик

Б. Ишонч ва фараз

В. Тажриба

Г. Шубҳа

4. Платон фикрича, фанлар иерархиясининг чўққисида дастлабки асосни ўрганиш имконини берувчи фанлар қайси фанлар?

А. Математика ва диалектика

Б. Мантиқ ва диалектика

В. Мантиқ ва математика

Г. Диалектика ва метафизика

5. Билимни таҳлил қилишга нисбатан формал ёндашувга асос солган олим ким?

А. Гераклит

Б. Платон

В. Аристотель

Г. Сукрот

6. Аристотель фикрича билишнинг предметини нима ташкил этади?

А. Ҳис-туйғулар ва тажриба

Б. Борлиқ

В. Фикрда мавжуд нарсалар

Г. Тасаввур

7. Сенсуализм тарафдорларининг фикрича, билимнинг манбаи нима?

А. Тажриба

Б. Сезгилар

В. Танқид

Г. Мулоҳаза

8. «Ширинлик, аччиқлик, иссиқлик, совуқлик ва ранглилик фақат фикрдагина мавжуд, амалда эса, атомлар ва бўшлиқ мавжуддир», деб қайд этган олимни топинг.

А. Демокрит

Б. Платон

В. Аристотель

Г. Сукрот

9. Ўрта аср фалсафасида антик фалсафадан фарқли ўлароқ,

...

- А. Тафаккур услуби теоцентрик хусусият касб этди
- Б. Диалектика услуби биринчи ўринга чиқди
- В. А ва Б
- Г. Метафизиканинг ривожини тўхтади

10. Ўрта асрлар фалсафасида оламнинг негизи ... ҳисобланган.

- А. Космос
- Б. Худо
- В. Инсон
- Г. Ер

11. Ўрта асрларда яшаб ижод этган йирик схоластларни аниқлаш.

- А. Больштедский, Фома Аквинский, Дунс Скот
- Б. Раймонд Луллий, Авлиё Августин, Уильям Оккам
- В. А ва Б
- Г. Дунс Скот, Фома Аквинский, Френсис Бэкон

12. Ибн Рушд (Аверроис)га қарши курашган олим ким?

- А. Больштедский
- Б. Фома Аквинский
- В. Уильям Оккам
- Г. Дунс Скот

13. Фома Аквинский фикрича, фалсафанинг олий қисми бу

- А. Табиий илоҳиёт
- Б. Мантиқ
- В. Диалектика
- Г. Метафизика

14. «Интенция» тушунчасини фан ва фалсафага киритган олим ким?

- А. Фома Аквинский
- Б. Уильям Оккам
- В. Дунс Скот
- Г. Давид Юм

15. Уильям Оккам фикрича, универсалиялар — ...

- А. Нарсанинг ўзигагина хос
- Б. Фақат ақлда мавжуд
- В. А ва Б
- Г. Уларни фақат ҳис қилиш мумкин

Адабиётлар

1. Назаров К. Билиш фалсафаси. — Т.: Университет, 2005.
2. Шермухамедова Н. Гносеология. —Т.: ЎФМЖ, 2007.
3. Алексеев П.В., Панин А.В. Теория познания и диалектика. — М., 1991.
4. Асмус. Античная философия. — М.: 1999.
5. Основы философии / Под ред. Ахмедова М. — Т.: Шарк, 2003.
6. Новейший философский энциклопедический словарь. — М.: 2001.
7. Платон. Диалоги. — М.: Наука, 1986.
8. Аристотель. Сочинения: В 4-х т. — М.: Наука, 1976.
9. История философии. Энциклопедия.— Минск: Книжный дом, 2002.
10. Философия: Курс лекций / Под ред. М.Калашникова. — М.: 1999.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА БИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Марказий Осиеда билиш назариясининг ўзига хос хусусиятлари. Марказий Осие – цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири. VIII-IX асрларда Марказий Осие араб халифалиги таркибига кирган. Бу даврда халифалик марказлари – Бағдод ва Дамашқда маданият ва фан равнақ топди.

Халифалар ал-Мансур (754–776), Ҳорун ар-Рашид (786–809), Маъмун (813–833) ҳукмронлиги даврида ҳинд ва юнон адабиётларидан қилинган таржималарга қизиқиш айниқса, кучайди, Аристотель, Гален, Гиппократ, Архимед, Евклид каби юнон файласуфларининг илмий мероси ўрганилди. IX аср бошида Бағдодда «Дорул ҳикмат» – «Билим уйи» ташкил этилди. Бу даргоҳда халифаликнинг турли шаҳарларидан таклиф қилинган олимлар астрономия, тиббиёт, тарих, география, кимё, фалсафа ва бошқа фанларни синчиклаб ўргандилар.

IX асрда бошланган араб истилосига қарши кураш мустақил давлат қуриш ва халифаликка қарамликдан халос бўлиш учун курашга айланди. Натижада, Марказий Осиеда бир неча давлатлар – Тоҳирийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар ва Ғазнавийлар давлатлари пайдо бўлди.

IX аср бошларида дастлаб Сомонийлар давлати вужудга келган бўлса, XIII асрнинг 20-йилларида Хоразмийлар давлати мўғулларнинг узлуксиз ҳужуми остида қолди. Бироқ, кўп асрлик урушларга қарамай, Марказий Осиеда маданият, фан, санъат ва адабиёт ривожланишда давом этди.

Бу даврда ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқа буюк алломалар яшаб ижод қилдилар.

Улар яратган асарлар аҳамиятига кўра ўша даврни Марказий Осие уйғониш даври деб номлаш мумкин. Уйғониш даври фани ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Барча одамларни маърифатли қилишга интилиш, бу йўлда ўтмиш меросидан ва қўшни мамлакатларнинг фан, маданият ютуқларидан фойдаланиш, табиий-фалсафий ва ижтимоий фанларни ривожлантириш;

2. Табиатни ўрганиш, табиий-илмий билимларни оқилоналикка таяниб ривожлантириш, ақлнинг кучига ишониш,

асосий эътиборни ҳақиқатни билишга қаратиш, ҳақиқатни инсон билимининг негизи деб билиш;

3. Инсонга хос табиий, бадиий, маънавий фазилатларни юксалтириш, инсонпарварликни улуглаш, баркамол авлодни тарбиялашда олий маънавий қонунларга риоя қилиш;

4. Универсализм – борлиқ ва ижтимоий ҳаётнинг барча муаммоларига қизиқиш бу давр маданиятининг муҳим жиҳатларидир.

Бу давр маданияти умуминсоний қадриятларнинг ривожланишига хизмат қилган. Савдо-сотиқнинг ривожланиши, иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, халифаликнинг турли вилоятлари ўртасида маданий қадриятлар алмашинуви ва унинг бошқа мамлакатлар билан алоқаларининг кучайиши, табиий ва маданий бойликлар, турли халқларнинг анъаналари, тили ва тарихини ўрганиш, билишнинг энг тўғри йўллари ва усулларини яратиш, билиш жараёнининг бутун аппаратини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Фаннинг оптика, математика, астрономия каби тармоқларининг жадал ривожланиши табиатни чуқур ўрганиш ва тадқиқот методларини кенгайтиришга имконият яратди.

Абу Наср Форобий – «Шарқ Арастуси» юксак унвонига сазовор бўлган ўз даврининг буюк мутафаккирларидан бири. Аристотель ёки Арастуни Шарқда «биринчи муаллим», деб атаган бўлсалар, Форобий «иккинчи муаллим»дир.

Форобийнинг гносеологияси табиатшунослик, математика, муסיқа, тилшунослик ва бошқа фанлар соҳасидаги билимларга асосланади. У табиат инсондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, деб ҳисоблайди. Форобий фикрича, объект субъектга қадар мавжуд бўлган. Сезиладиган нарсалар сезгилардан олдин пайдо бўлганидек, билиш мумкин бўлган нарсалар ҳам билишдан олдин пайдо бўлган¹.

Форобий фикрича, инсон билимларни ташқи дунёдаги ҳодисаларни билиш жараёнида ўзлаштиради. Бу жараён сезиш, идрок этиш, хотира, тасаввур қилиш ва энг муҳими – мантиқий

¹ Қаранг: Фараби. Комментарий к категориям Аристотеля // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. – М.: 1961. – С.191

мулоҳаза юритиш, тафаккур каби усулларни қамраб олади. Бу воситалар ёрдамида инсон фанни ўрганали. Форобий «Фан ва санъатнинг ўзига хос хусусиятлари» асарида табиатни билишнинг узлуксизлигини, билиш — бу билишдан билимга, сабабни билишдан оқибатни билишга, ҳодисани билишдан моҳиятни билишга элтувчи йўл эканлигини қайд этади.

Форобий фикрича, инсон пайдо бўлганидан сўнг аввало «озиклантирувчи куч» пайдо бўлади, унинг ёрдамида озиқланиш жараёни юз беради. Сўнгра сезги органлари пайдо бўлади, улар инсонга сезиш, тасаввур қилиш қобилият ва хотирани беради. Шундан кейингина инсон «орзу кучи» ёрдамида билим ва ҳунарларни ўзлаштиради, фойдали нарсаларни фойдасиз нарсалардан фарқлайди, ўз хулқ-атворини тартибга солади. Форобий инсоннинг барча кучлари маълум сезги органлари билан моддий сабаб орқали боғланади, бу кучларнинг бирортаси ҳам моддий сабабсиз мавжуд бўла олмайди¹, деб ҳисоблайди.

Форобий инсон руҳининг бир танадан бошқа танага ўтишини қатъиян рад этади ва руҳ ҳам, тана каби субстанцияларнинг индивидуал бирлигидан иборат, деб ҳисоблайди. Унинг фикри ноизчил бўлган. Бундай ноизчиллик Аристотелнинг билиш назариясида ҳам кузатилади.

Аристотелга эргашиб, Форобий ҳам айрим нарсалар бирламчи, мавжуд тушунчалар ва ғоялар — иккиламчидир ва улар ақлда муайян нарсаларнинг мавҳумлашиши натижасида пайдо бўлади, деб ҳисоблайди. Форобийнинг бу ғоялари универсалиялар ва умумий тушунчалар ҳақидаги қарашларида янада аниқроқ намоён бўлади. Универсалиялар мавжуд бўлгани учун ҳам умумий тушунчалар мавжуддир, деб ҳисоблайди буюк мутафаккир².

Билиш босқичлари ўртасидаги фарқларни тушуниш Форобийга билиш йўллари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини беради. Билишнинг физиклар фойдаланувчи биринчи йўли сезишдан бошланиши лозим, чунки тана сезгига яқинроқдир. Бу ҳол сезгилар муайян нарсаларни акс эттириши билан изоҳланади. Нрсалар сезги органларида акс этгач, жисми ва

¹ Қаранг: Фараби. Фусус аль-Хикам. Мажему аль-Фараби. — Каир, 1997. — 150—152-б

² Фараби. Китаб аль-Хуруф. — Душанбе: Илм, 1972. — 25-б

унинг юзаси, чизиқлари ва нуқталарини мавҳум ўрганишга ўтиши лозим. Математиклар жисмнинг у ёки бу жиҳатларини теранроқ билиш учун фойдаланувчи билишнинг иккинчи йўли мавҳумлаштиришдан бошланиши даркор. Билишни мавҳум нуқтадан бошлаган ақл муайян жисм бўйлаб ҳаракатлана бошлайди, мавҳум чизиқ, юза, жисмни англайди ва сўнгра муайян жисмни тушуниб етади.

Илмий билим ва фалсафий тафаккурнинг ривожланиши билиш йўлларига бошқача назар ташлаш имконини беради, бироқ Форобий илгари сурган ғоя Гегель фалсафасида ўзининг янада баркамолроқ ифодасини топади. «Бироқ, вазифа билишдан иборат бўлгани туфайли, кузатиш билан таққослаш ҳақидаги масала ундан воз кечиш маъносида ечилгандир. Эндиликда масала фақат билиш доирасида нима биринчи бўлиши ва ундан кейин нималар англаб етилиши лозимлиги ҳақида бўлиши мумкин. Энди табиатга мувофиқ йўл эмас, балки билишга мувофиқ йўл талаб этилади. Билиш фикрнинг муайян мазмунидан кўра мавҳум мазмунини англаб етиши осонроқдир»¹. Бинобарин, билиш масаласи борлиқнинг қайси жиҳати билувчи субъектнинг объекти ҳисобланишидан келиб чиқиб ҳал қилинади.

Форобий ғоялари нафақат Шарқ фанининг, балки Ғарб ижтимоий-фалсафий тафаккурининг ривожиди ҳам муҳим роль ўйнади.

Абу Райҳон Беруний табиат ва унинг объектив қонунлари мавжудлигига шубҳа қилмаган. У табиат муттасил ўзгариш ва ривожланишда бўлади, материя нарсалар шаклини ўзи яратади ва ўзгартиради, жон (тафаккур, маънавий ҳодисалар) тананинг муҳим хоссасидир, деб таъкидлаган.

Маълумки, тажриба ва эксперимент борлиқни билиш усулларида бири ҳисобланади. Беруний шундай деб ёзади: «Мендаги иштибоҳни фақат тажриба ва такрорий синов бартараф этиши мумкин, ... сўзловчиларнинг яқдиллигига қарамай, бунинг ҳақиқийлиги тажрибада ўз тасдиғини топмаган»².

Тадқиқотчилар фикрига кўра, «Берунийни етарли асос билан ўрта аср фанида эмпирик метод яратувчиларидан бири деб

¹ Фараби. Китаб аль-Хуруф. — Душанбе: Илм, 1972. —36-б.

² Абу Рейхан аль-Бируни. Избранные произведения в 6 т. Т. 3. — Б.44.

ҳисоблаш мумкин. У металлар ва минералларнинг хоссалари ва солиштирма оғирлигини аниқлаш бўйича бир қанча тажрибалар ўтказди»¹. Тажрибада олинган билимни мутафаккир айрим меъёрларга мувофиқ ишончли билим, деб талқин қилади. Уларнинг орасида объектларнинг кузатувчанлиги, тажрибаларнинг қайта ўтказилувчанлиги ва кузатишларнинг текширилувчанлигини қайд этиш мумкин.

Бу мулоҳазалар тажриба, билим олиш ва унинг ҳақиқийлигини текшириш методи сифатида, ўрта аср шароитида ҳам анча кенг тарқалган, деб айтиш имконини беради.

Ғоя илгари сурилгани ва ишончли билимнинг олиниши тажриба билан боғланиши, билимнинг ҳақиқийлиги тажрибада синалиши муҳимдир.

Берунийнинг ижодида кузатиш муҳим ўрин эгаллайди. Табиатни илмий ўрганишда кузатиш билишнинг бошқа шакллари билан ўзаро боғланган.

Беруний фикрича, кузатувчи кузатилаётган ҳодисани у юз бераётган жойда идрок этади². Бинобарин, кузатиш у ёки бу ҳодисани унинг муайян кўринишида қайд этади³. Кузатишларнинг эски маълумотлари объектнинг ҳақиқий кўрсаткичини анча бузиб ифодалаш мумкин.

Беруний тадқиқотчи ўтказган тажриба ва унинг натижаси амалда ишончли эканлигини қайд этади. У «Синовдан бошқа устувор дастур, тажрибада текширишдан ўзга муваффақиятга элтадиган дастуриламал йўқ»⁴, деб ёзади.

Беруний астрономик кузатишлар воситасида Ой ва Қуёшнинг тутилиши, уларнинг Ердаги ҳаётга таъсири, иқлим, табиий ва сунъий танланиш, сақланиш, ривожланиш аномалияси каби мураккаб муаммоларни янги илғор метод ва назарий тамойиллар ёрдамида ечишга ҳаракат қилди.

Беруний Шарқда астрономия кузатиш асбобларини яратиш техникасининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихида ҳам

¹ Хайруллаев М. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. — Фергана, 1988. — Б.39.

² Қаранг: Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения, В 6-т. Т. 3. — Т.: 1963. — 57-б.

³ Ўша ерда. — 260-б.

⁴ Ўша ерда. — 340-б.

этакчи ўринлардан бирини эгаллайди. У ўша даврда илмий изланишлар олиб боришда фойдаланилган эски асбобларни такомиллаштириш ва янгиларини яратишга алоҳида эътибор берган. Олимни ўта аниқлиги ва мукамаллиги билан ажралиб турувчи кузатиш асбобларини яратиш имконияти масаласи кизиқтирган.

Шундай қилиб, само жисмларининг ҳолатларини нафақат асбоблар воситасида, балки ўрганилаётган объект хусусиятига мувофиқ амалга оширишни алломанинг улкан хизматларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бундай методологик мўлжал, илмий тадқиқотлар жабҳаси чекланганлигига қарамай, илмий билишнинг янги йўллари ва воситаларини топиш борасидаги изланишларда муҳим роль ўйнади.

Абу Али ибн Сино Ўрта Осиёнинг машҳур қомусий алломаси ва файласуфидир. Ўша даврда у шуғулланмаган фаннинг ўзи бўлмаган. Тиббиёт билан бир қаторда, Ибн Сино фалсафа, хусусан билиш назариясини ҳам фаол тадқиқ этган.

Ибн Сино моддий дунё предметларини сезгилар манбаи, деб ҳисоблаб, уларнинг объектив табиатини ташқи моддий дунё инъикоси сифатида ёритади. Бундан ташқари, у сезгини материянинг хоссаларидан бири, деб эътироф этади. Аллома сезгини материянинг олий шакллари билан боғлайди. Ибн Сино мавжуд нарсаларни таснифлар экан, сезги ҳайвонлар, деб аталувчи жисмларга хослигини қайд этади¹.

Ибн Сино неоплатоникларнинг жон ҳиссий нарсаларни тананинг бирон-бир аъзосисиз идрок этади, деган таълимотини асоссиз деб ҳисоблайди. «Қадимда айрим олимлар (неоплатониклар) жон ҳиссий идрок этилувчи нарсаларни ҳеч қандай органларсиз бевосита сезади, деб фараз қилганлар. Муҳитга келсак, бу — кўриш учун муҳит бўлиб хизмат қилувчи ҳаво, органларга келсак, бу — кўриш органи бўлиб хизмат қилувчи кўздир. Бироқ, улар ҳақиқатдан узоқдир, чунки ҳиссий идрок этиш жоннинг ўзида бу органларсиз юз берганида, мазкур органлар беҳуда яратилган бўлиб чиқар, улардан ҳеч қандай наф бўлмас эди», деб ёзади ва сўзининг давомида неоплатоникларнинг

¹ Қаранг: Ибн Сина. Трактат о разделении существующих вещей. — Т.: Шарк, 1983. — 128-б.

қарашлари асоссиз эканлигини таъкидлаб, ҳақиқат сезгилар тана аъзоларига муҳтожлигидадир, деган хулосага келади¹.

Ибн Сино сезгилар ва сезги органлари ҳақида гапирар экан, у ёки бу сезгининг юзага келиш механизмини илмий тушунтиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳеч қандай жисм ўз ҳолича овозга эга бўлмайди. Овоз икки жисм тўқнашганда ҳаво ва ҳаракатнинг тебраниши натижасида юзага келади. Бу тўлқинлар жуда тез тарқалади. Улар қулоққа етгач, тебранувчи ҳаво эшитиш нервларига тегали ва улар бундан жонни хабардор этади². Бу тавсиф анча содда баён этилган бўлса-да, ҳозирги тасаввурларга мос келади. Шунингдек, Ибн Сино сезгиларни ҳали объектив дунёнинг субъектив образи сифатида идрок этмаганидан далолат беради. Сезгиларни ташқи таъсирнинг организмдаги ҳаракати сифатида тушунтирар экан, Ибн Сино уни механик талқин қилади.

Ибн Сино кўриш ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Кўриш жараёнини тушунтирар экан, у айни вақтда Платоннинг бу борадаги таълимоти асоссиз эканлигини кўрсатади. Ибн Сино ёруғликни кўришнинг асосий воситаси сифатида алоҳида қайд этади³.

Аллома сезгиларни ва туйғуларнинг барча шаклларини ўрганиб, уларнинг физиологик асосларини, яъни мия тузилишида сезги марказларининг жойлашувини тушунтиришга ҳаракат қилди. Мияни акс эттириш фаолиятининг бош аппарати деб талқин қилиб, Ибн Сино ҳиссий билиш шаклини мия билан боғлайди ва уни идрок этиш ва сезиш асоси деб эътироф этди⁴.

Ибн Сино таълимотига кўра, инъикос фақат акс эттирувчи тизимга боғлиқ эмас. Сезиш маркази миянинг олд қисмида, тасаввур қилиш маркази — миянинг ўрта қисмида, эслаб қолиш қобилияти — миянинг орқа қисмида жойлашган. «Китоб ун-нажот» асарида Ибн Сино ҳар бир сезгининг физиологик асосларини тадқиқ этар экан, ҳиссий билиш жараёнида асаблар

¹ Ибн Сина. Книга исцеления. — Т.: Фан, 1967. — 265–266-б.

² Қаранг: Ибн Сина. Канон врачебной науки. Кн. 1. — Т.: Фан, 1996 — 260–261-б.

³ Қаранг: Ибн Сина. Книга спасения. — Т.: Шарк, 1986. — 224-б.

⁴ Қаранг: Ибн Сина. Канон врачебной науки. Кн. 1. — Т.: Фан. — 38-б.

муҳим роль ўйнашини қайд этади. Унинг фикрича, мия асаблар воситасида сезгилар ва ҳаракатларни инсоннинг бошқа аъзоларига узатади. Асаблар мия учун ўтказгичлар бўлиб хизмат қилади¹. Умумий маълум тасаввурга кўра, асаблар бош мияда бошланади ва уларнинг тармоқлари терининг юза томонида тугайди². Кўриб турганимиздек, Ибн Сино ҳиссий билишнинг физик ва физиологик асосларини илмий йўл билан тушунтиришга ҳаракат қилади.

Тасаввурни Ибн Сино Ўрта Осиёнинг бошқа мутафаккирлари каби ички сезгилар қаторига киритади. Ибн Синонинг фалсафий меросини қиёсий ўрганиш табиатни ҳамда тасаввурнинг гносеологик функциясини тушунишда у асосан, ягона ёндашувга таянганини кўрсатади. Ибн Сино тасаввурнинг кучи шундаки, умумий сезгита кирувчи ҳамма нарса бизнинг сезгиларимизгача етиб боради, деб қайд этади³.

Шундай қилиб, Ибн Сино фикрига кўра, тасаввурнинг гносеологик функцияси шундан иборатки, у ташқи нарсаларнинг образларини гавдалантиради, ҳиссий идрок этилувчи нарсалар йўқолганидан кейин ҳам уларни хотирада сақлаб қолади.

Ибн Синонинг фикрича, моҳият уч тарзда намоён бўлади. Биринчи — нарса сезгиларда уларни кузатиш жараёнида акс этади. Бу ерда нарсаларнинг сезги органларида бевосита акс этиши назарда тутилмоқда. Ибн Сино инъикос концепциясини билиш жараёни сифатида қайд этар экан, билиш даражалари тўғрисидаги масалани кўтаради. Маълумки, бу мўлжал Янги давр фалсафасида ишлаб чиқилган ва немис классик фалсафасида ўзининг тадрижий якунини топган.

Иккинчи — объектив борлиқда амалда мавжуд бўлмаган нарсанинг моҳияти англонади⁴. Бу ерда формал аҳамият касб этувчи ва моддий борлиқ билан боғланмайдиган идеаллаштирилган объектлар моҳиятини билиш назарда тутилади. Бу моҳият инсон ақлининг ижодий қобилиятини намоён этади.

¹ Ўша ерда. — 41-б.

² Ўша ерда. — 99-б.

³ Қаранг: Ибн Сина. Данишنامه. — Т.: Фан, 1979. — 264-б.

⁴ Қаранг: Ибн Сина. Избранные философские произведения. — М.: Наука, 1980. — 30-б.

Учинчи — нарса образи муайян шароитларда билувчининг жонида аниқ акс этиши мумкин. Бу тамойилда нарсани сезги билан боғлиқ бўлган алоқалардан мавҳумлаштириш имконини берувчи абстракциянинг кучи қайд этилади. Бунда нарсанинг образи унинг субстрати мавжуд эмаслигига қарамай акс этиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Ибн Сино оқилона билишда абстракция муҳим роль ўйнашини қайд этади. «Билиш нарса образини мавҳумлаштиришнинг айрим ўзаро боғланган босқичларидан иборат жараён бўлиб, унинг натижасида билувчининг онгида предметнинг моҳияти ва хусусиятларини ифодаловчи тушунча вужудга келади. Бундай мавҳумлаштириш босқичлари тўртта»¹⁹.

Ибн Сино «умумий сезги»ни ички сезгилар қаторига киритади. Унинг фикрича, умумий туйғу — бу мианинг олд қисмида жойлашган куч бўлиб, у беш сезгида акс этувчи барча шаклларни ва улар узатувчи кучни мустақил қабул қилади²⁰. Бинобарин, Ибн Сино фикрига кўра, сезги органлари ёрдамида олинган туйғулар умумий сезги воситасида бирлаштирилади ва нарсанинг ҳиссий образи яратилади.

Образ деганда аллома нарсанинг ташқи хусусиятлари ва хоссалари, материянинг акцидентал томонлари йиғиндисини тушунади. Масалан, инсон ва унинг образи ҳақида сўз юритар экан, у шундай деб ёзади: «Унинг образи бу унинг узунлиги, кенглиги, сифати, миқдори ва унинг ҳолати, яъни инсон билан боғлиқ барча нарсалардир»²¹.

Ибн Синонинг юқорида баён этилган ғоялари илмий тафаккур шаклланишининг кейинги даврларида ривожлантирилди ва янги натижалар билан бойитилди.

Шундай қилиб, билиш жараёнининг пировард мақсади объектлар моҳиятини билишдан иборат бўлган мураккаб жараёндир. Урта аср Марказий Осиё мутафаккирлари асосан, билиш билинаётган объектнинг инъикосидир, деган нуқтаи назардан келиб чиқдилар. Бунда инсоннинг сезги органлари бевосита боғловчи бўгин ҳисобланади, яъни сезгилар ёрдамида билинувчи объектив дунё билиш манбаи сифатида амал қилади.

¹⁹ Ибн Сина. Книга спасения. — Т.: Шарк, 1986. — 31-б

²⁰ Қаранг: Ибн Сина. Данишنامه. — Т.: Фан, 1976. — 266-б

²¹ Ўша ерда. — 267-б.

Суфизм гносеологияси. Билиш муаммоси суфизмнинг энг муҳим томонини ташкил этади. Мўътадил суфизм таълимотига кўра гностик (ориф)нинг асосий вазифаси олий мақсадга эришиш — ҳақиқатни билишдан иборат. Бу мақсадга ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўзини ўзи билиш йўли билан эришилади. Ўз моҳиятини билиш жараёнида инсон ўзида илоҳий унсурлар мавжудлигини, Оллоҳни билишнинг бирдан-бир тўғри усули ўзини ўзи билиш, яъни ўзликни англаш эканини тушуна бошлайди.

Бироқ, билишнинг бу даражасига етиш учун одам ўзини бутунлай ўзлигини англашга бахшида этиши лозим. У суфийча турмуш тарзини танлаши, шунингдек, ҳақиқат сари йўл тутган кишиларга қўйиладиган айрим бошқа талабларни бажариши даркор. Мўътадил суфизм вакиллари қаторига Хориси Муҳосибий, Абулқосим Кушайрий, Абу Ҳомид Фаззолий ва бошқалар киради. Улар суфий шариат чизифидан четга чиқмаслиги, унинг барча сўзлари ва ишлари Қуръони карим ақидалари ва Муҳаммад пайғамбар ҳадисларига мувофиқ бўлиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

«Ваҳдати вужуд» (борлиқнинг бирлиги) нуқтаи назарида турувчи суфийлар суфизмнинг ашаддий тарафдорлари ҳисобланади. Улар Ҳақиқат (Оллоҳ) ва табиатни бир деб қарайдилар. Табиат илоҳий эмансипация оқибатидир. Инсон бу эмансипация занжирида охирги бўғинни эгаллайди. Суфийликнинг бу тариқати вакиллари яширин, сирли нарсаларни билишни афзал кўриб, шариат ақидалари ва меъёрларини тан олмаганлар.

Суфизм Оллоҳни табиат билан узвий, деб қарайди. Уни инсонни қуршаган ташқи дунёда мавжуд ҳар бир нарса билан тенглаштиради ва уларда Оллоҳнинг сиймоси, моҳиятини кўриб, табиат, атроф муҳит сари, унинг сирларини очиш томон, бу яширин ҳодисаларнинг ҳар бирида илоҳий ҳақиқат белгиси, моҳиятини топиш ва билиш мақсадида муайян қадам ташлайди.

Суфизмнинг Оллоҳни билиш назариясида билиш усуллари ва воситалари сифатида ваҳий ва илҳом амал қилади. Бу ерда сезгилар ва ақл билиш воситалари сифатида ишламайди. Борлиқнинг бирлиги тарафдорлари саналган суфийларда пантеистик анъаналар устунлик қилувчи таълимотларда Оллоҳни

билиш назарияси билан бир қаторда дунёни билиш назарияси ҳам мавжуд бўлиб, унда билиш объекти сифатида моддий дунёнинг ўзи, билиш воситалари ва усуллари сифатида эса — сезгилар, ақл, кузатиш, таққослаш, сўзнинг тор маъносидаги тажриба амал қилади. Гарчи, улар билишнинг турли шакллари тани олсалар-да, моҳиятлар моҳияти (Оллоҳ)ни билиш даражаси тўғрисида сўз юритилган ҳолларда билиш шакллари аҳамиятини чеклайдилар. Оллоҳни билишга фақат Унинг қарамидан ва нури ёрдамида муваффақ бўлинади.

Мутлақ ҳақиқатнинг тағига етиш йўлидан борувчи одам (ориф) ўз олдига ҳақиқатни билиш вазифасини қўйган фаол индивидга айланади ва узоқ изланишлар, турли мистик босқичлар, мақомлардан ўтиш ва ўзликни англаш натижасида ўзида мутлақ ҳақиқат (Оллоҳ)ни топади ва етук инсонга айланади.

Суфизм таълимотига кўра, ҳақиқатнинг тағига етиш учун одам ўз ички дунёси, қалбини ҳар хил дунёвий қусурлардан фориқ этиши лозим. Бунга эришиш учун у бир қанча маънавий босқичлар ёки суфийлар таъбири билан айтганда, мақомлардан ўтиши даркор.

Билиш ва маънавий саёҳат йўлида одамга унинг тафаккурини йўл кўрсатади. Кўрсатилган босқичларнинг ҳар биридан ўтиш натижасида одам ахлоқий ва маънавий жиҳатдан такомиллашади ва ҳақиқатни билишга яқинлашади. Қуйида энг умумий мақомлардан айримларига қисқача тавсиф бериб ўтамиз. Мақом (арабча «иқом» сўзидан) жой, ўрин, манзил деган маъноларни англатади. Суфийлар учун мақом ҳар бир суфий ҳақиқатнинг тағига етиш, Оллоҳ жамолига эришиш учун босиб ўтиши лозим бўлган босқичлар маъносида келади.

Тавба. Одам бу босқичда баркамолликка эришиш ва Оллоҳга яқинлашишга монелик қилувчи сўзлар ва амаллардан ўзини тийиши лозим. У афсус-надомат чекади, ўз гуноҳлари ва хулқ-атвори учун тавба-тазарру қилади. Ўз хатоларига иқрор бўлади ва ҳаётни бошидан бошлашга ҳаракат қилади. Тавбанинг уч даражаси — тавба инобат, авбат мавжуд. Тавбат барча мусулмонлар манзили, инобат — авлиёлар манзили, авбат эса — пайғамбарлар даражаси ҳисобланади.

Вараъ (мўминлик) — одам ҳеч кимга ёмонлик қилмасликка ҳаракат қилиши лозим. Вараъ уч хил бўлади: биринчиси — беҳуда

гапларни айтишдан ўзини тийиш ва бировларнинг гапига аралашмаслик; иккинчиси — ҳар хил шубҳалардан ўзини олиб қочиш, шубҳали ва тақиқланган ниятлардан четда туриш; учинчиси — ёмон ва ахлоққа зид қилмишлардан ўзини тийиш.

Зухд (таркидунёчилик) — ортиқча дунёвий ашёларга меҳр қўймаслик, камтарона ҳаёт кечиришдан бошланади.

Фақр (камбағаллик) — одам оз нарсага қаноат қилиши ва Муҳаммад пайғамбарнинг камбағаллик — менинг фаҳрим, деган сўзларига амал қилиши лозим. У шариатнинг барча талабларини бажариши — ҳимматли бўлиши ва камбағалларга хайр-садақа қилиши даркор.

Сабр — ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш.

Таваккал (ишониш) — ўзини Оллоҳ иродасига топшириш, фақат у берадиган ризққа умид боғлаш.

Ризо (розилик) — шариатнинг барча қоидаларига ва Оллоҳнинг ўз бандаларига нисбатан барча амалларига рози бўлиш.

Шукр (миннатдорлик) — одам ўз миннатдорлигини тили ва қалби билан изҳор этиши шарт.

Ўзликни англаш жараёнида одам юқорида қайд этилган мақомлардан ташқари шариат (ислом диний қонунлари тўплами), тариқат (суфийларнинг маънавий етуклик йўли) ва ҳақиқат (маънавий баркамолликнинг олий даражаси) босқичларидан ҳам ўтиши талаб этилади.

Шариат босқичида инсон ислом диний қонунларининг барча талабларини бажариши, бошқача айтганда, ислом динининг беш устунига риоя қилиши шарт. Шариат тариқатга йўл кўрсатувчи босқич ҳисобланади.

Тариқат одамнинг Оллоҳни билиш йўлидаги маънавий ҳаётини англади. Ҳақиқатнинг тагига етишнинг суфийлик йўлини танлаган ҳар бир инсон ўзининг шахсий, ўзига хос, бетакрор маънавий дунёсига эга бўлади. Тариқат босқичида ҳақиқатга эришиш йўлини тутган одам ўз қалбини барча ёмон хислатлардан фориг этиши, унинг фикрларида ҳақиқатни билишдан бошқа ҳеч нарса бўлмаслиги керак.

Ҳақиқат суфийлар талқинида шариат доирасидан четга чиқувчи ички мазмунни англади. Суфийлар доим шариатга риоя қилиш лозим деб ҳисоблаганлар ва дин талабларини бажарганлар, бироқ, улар ҳеч қачон динни догматик маънода тушунмаганлар

ва шариатни фақат расм-русумлардан иборат деб ҳисобламаганлар. Илк суфийлар шариат ва ҳақиқат ўртасида жарлик юзага келишига йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар. Кейинги суфийлар, масалан, Абу Бакр аз Закоқ ҳақиқат ҳақидаги фан шариат сари йўлни ойдинлаштиради деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, диний ақидаларни рад этиш ва олам шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга эришганидан кейингина ўзининг «ҳақиқий борлиғи»ни касб этиши, ҳақиқат билан бирикиши ва ўзи ҳам ҳақиқатга айланиши ҳақидаги таълимот суфизм ривожланишининг кейинги босқичлари маҳсули сифатида ваҳдати вужуд (борлиқнинг бирлиги), яъни мистик пантеизм ҳақидаги таълимот асосчилари саналган Боязид Бистомий, Ҳаллож ва бошқаларнинг асарларида илгари сурилган.

Шундан келиб чиқиб, Абу Ҳомид Ғаззолий суфизмни пантеизмдан тозалашга ҳаракат қилди. Бунга у муваффақ бўлди. Ғаззолий фикрига кўра, «ҳар қандай маънавий покланишлардан қатъий назар, инсон ҳеч қачон Худога айлана олмайди». Бу билан у суфизм ва пантеизм ўртасида ўзига хос «хитой девори» ўрнатди.

Ибн Арабий фалсафаси серқатлам бўлиб, уни кўп сонли кичик тизимлардан иборат яхлит тизим сифатида тавсифлаш мумкин. Бундай кичик тизимлардан учтасини қайд этиш мумкин бўлиб, уларни ифодалашда қулайлик яратиш учун философемалар деб аташ таклиф қилинади (бунда философема, деганда тегишли фалсафий кичик тизимнинг қисқача баён этилган асосий мантиқий мазмуни тушунилади): Европа фалсафий анъанасида фойдаланилган тилга жуда яқин бўлган тилда яратилган философема. Уни айни ҳолда рационалистик философема, деб номлаш мумкин (у бирлик, кўплик, сабаб, оқибат, биринчи асос, жисм, макон, замон каби категориялар ва атамалардан фойдаланади); тилини бадиий тил, деб белгилаш мумкин бўлган, бироқ нафақат эстетика жабҳасини, балки онтология ва натурфалсафанинг рационалистик тили билан бир борлиқни тавсифловчи философема (унинг категориялари — муҳаббат, интилиш, эҳтирос, муҳтожлик, гўзаллик ва ш.к.); ниҳоят, «мистик» тилда яратилган философема (категориялари: завқ, ҳол, фано, бақо, жон, рўё ва ҳ.к.).

Ҳар бир философема, бинобарин, муҳокама қилинаётган муаммо уч ечимининг ҳар бири Ибн Арабийда билишнинг алоҳида

усулига таянади. Шу сабабли ечимларнинг ҳар бири бўйича тегишли билиш усулининг қисқача тавсифини келтириш ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

Муаммонинг оқилона-мантиқий ечими; шартлардан ечим сари. Ибн Арабий билишнинг уч турини кўрсатади. Билишнинг бу турлари бир-биридан амалга ошириш усули (билишни олиш технологияси), воситаси (моддий аъзоси — билиш қуроли) ва натижалари (олинган билимнинг мазмуни)га кўра фарқ қилади. Шунга қарамай, уларнинг объекти бир-бири билан ўзаро боғланган борлиқ, инсон ва Худо. Объектнинг бундай хусусияти бизга билишнинг учала турини ҳам фалсафий билишга киритиш имконини беради, унинг бирлиги эса уларни таққослаш учун асос бўлади, объектив мезон вазифасини бажаради.

Билишнинг биринчи усули — оқилона-мантиқий билиш. Унинг воситаси — ақл, амалга ошириш усули — силлогизмлар ёки далиллар орқали чиқарилган хулосалар тарзидаги мантиқий мулоҳазалар. Кўриб турганимиздек, Ибн Арабий Аристотель мантиқи билан таниш: у тўғри силлогизмни тузиш учун зарур шартларни тавсифлайди²², мантиқан тўғри мулоҳаза юритиш учун далиллар ва хулосалар занжири изчил бўлиши, бирон-бир бўғинда узилмаслиги лозимлигини кўрсатади ва ўзи исботлашнинг мантиқий методларини кўп карра қўллайди.

Мантиқий билиш Ибн Арабий учун қимматсиз эмас, у дунёни билишга хизмат қилади²³. «Файласуфнинг барча билими ҳам сохта эмас, у нимададир ҳақ бўлиши мумкин, айниқса, пайғамбар ҳам шу ҳақда сўз юритган бўлса... Сен файласуф динсиз яшайди, деб айтишинг мумкин, бироқ унда диннинг йўқлиги файласуфнинг бутун таълимоти сохта эканлигини исботламайди: буни ақл асослари билан ҳар қандай ақл эгаси англаб етади»²⁴. «Ақл асослари» (аввал ал ақл) — бу кейинчалик Декарт қайд этувчи интуитив жиҳатдан аниқ ва шак-шубҳасиз оқилона ҳақиқатлардир.

Ибн Арабий фикрига кўра, оқилона билим инсон танасини бошқарувчи инсон жонига керак: у жоннинг дунё ҳақидаги билими муқаррар унсуридир²⁵. Оқилона билим (илм)нинг

²² Қаранг: Ибн Араби. Геммы мудрости. — М.-Бейрут, 1980. — 116–117-б.

²³ Қаранг: Ибн Араби. Геммы мудрости. — М.-Бейрут, 1980. — 120–121-б.

²⁴ Ибн Араби. Мекканские откровения. — М.-Бейрут, 1989. — 32-б.

²⁵ Ўша ерда. — 198-б.

қиммати Ибн Арабийда шубҳа уйғотмайди: «Нарсани билиш, ҳеч шубҳасиз, уни билмасликдан маъқулроқдир»²⁶. Силлогизмлар орқали оқилона билиш бизга дунё ҳақида тўғри билим беради: у, масалан, рангли ойна орқали ўтган ёруғлик ойна рангини касб этса-да, ўз ҳолича рангсиз эканлигини, Қуёш кўзга кичкина бўлиб кўринса-да, аслида Ердан бир неча марта катталигини аниқлаш имконини беради. Тўғри силлогизм тузиб, дунёнинг борлиғи замирида сабаб ётишини аниқтаймиз²⁷.

Билишнинг оқилона-мантиқий методидан файласуф бизни қизиқтирувчи муаммони ечиш учун фойдаланади, бироқ унинг учун мантиқий мулоҳазалар занжирида мутлақо боқий илоҳий моҳият тушунчаси «бошланғич нуқта», дунёда бўлиб турган ўткинчи номукамал моҳият категорияси эса — «пировард нуқта» ҳисобланади ёки аксинча, Худолан дунёга ёки дунёдан Худога бундай мантиқий ҳаракат қилиш натижасида муаммонинг рационалистик ечими топилиши лозим: дунёга нисбатан трансцендент илоҳий моҳият айни вақтда унга ичдан хос бўлиши, унинг борлиғи субстанционал асосини ташкил этиши даркор. Бу биз ё дунёни тавсифловчи муҳим категорияларни трансцендент илоҳий моҳият тушунчасидан чиқаришимиз, ё дунёда мавжуд ўткинчи моҳият категориясини асос қилиб олиб, трансцендент илоҳий моҳият борлигини келтириб чиқаришимиз лозимлигини англатади. Шундай қилиб, муаммонинг ечими оқилона-мантиқий методлар ёрдамида топилиши мумкин.

Билишнинг иккинчи усули — муаммони мушоҳада юритиш йўли билан ечиш: ечимдан шартлар сари. Мушоҳада юритишни билиш усули сифатида ўрганар эканмиз, дунё ва илоҳий моҳиятнинг узвий бирлиги ва айни вақтда илоҳий моҳиятнинг трансцендентлиги унинг учун муқаррар ҳолдир, деб айтишимиз мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, бу бирлик айнийлик эмас: бошқача айтганда, бу дунё ва илоҳий моҳиятнинг фарқланган бирлигидир. Ҳар қандай нарса ва ҳодисада мушоҳада юритиш сезилувчи ва идрок этилувчи ташқи — зоҳир жиҳатларни ва сезгиларга ҳам, ақлга ҳам яширин ички (ботин) маънони аниқлаш имконини беради. Бу яширин маъно борлиқнинг биринчи асоси,

²⁶ Ўша ерда. — 20-б.

²⁷ Ибн Араби. Мекканские откровения. — М.: — Бейрут, 1989. — 105-б.

илоҳий моҳиятнинг дунёга ичдан хослигининг негизи ва айни вақтда мушоҳада объекти ҳисобланади. Яширин маънони англаш — нарсаларда, дунёда Худони бевосита кўриш демакдир.

Мушоҳада юритиш жараёнида билиш субъекти ўзининг билиш объектидан онтологик мустақиллигини сақлаган ҳолда, у билан бирикади, уни бутун вужуди билан англаб етади. Бунга билиш субъекти бўлган инсонда ҳам «яширин маъно» мавжудлиги имконият яратади. У ягона ва узвий бўлгани учун билиш объекти билан «ички моҳият» жиҳатидан бирикиш имконияти юзага келади, «ташқи моҳият»да эса субъект ва объектнинг алоҳидалиги сақланиб қолади²⁸.

Мушоҳада юритиш йўли билан олинган билим рационалистик тилдан фарқ қилувчи алоҳида тилда баён этилади. Мушоҳада юритиш, моҳият эътибори билан, бутундан қисм сари ҳаракатдан иборат бўлгани учун бу тилни бадний тил деб аташ мумкин. Бу тилда ёзилган матнда қисмнинг мазмунини англаб етиш учун (ҳар қандай бадний асарда бўлганидек) аввал бутуннинг мазмунини англаб етиш лозим. Ваҳоланки, фан тилида ёзилган матнда қисмларни тушунмасдан бутунни тушуниш мумкин эмас. Ибн Арабий философемаси «бадний» тилда ёзилган бўлиб, мушоҳада юритишга асосланади ва уни биз шу тил номи билан эстетик философема деб атаймиз.

Билишнинг учинчи усули — муаммони мистик йўл билан ечиш: шартлар ва ечим айнийдир. Бу ерда билиш оқилона-мантиқий ва мушоҳада юритиш йўли билан билишдан мутлақо бошқача шартлардан келиб чиқади. Бу билиш субъекти ва объектнинг айнийлик шартидир. Билиш субъекти бу айнийликка эришгач, ўзининг субъектлик моҳиятини йўқотади; субъект ва объект ўртасидаги тафовут йўқолади, билувчи билинувчига айланади, билувчи ҳам, билинувчи ҳам йўқолиб, фақат ягона универсал қолади. Бу ҳолат «фано» ҳолати, субъектив ўзликнинг «ҳалок бўлиш», йўқолиш ҳолати деб аталади.

Мистик билиш жараёнини тавсифлар экан, Ибн Арабий гирдоб (хиро) образидан фойдаланади. «Хиро» сўзи «саросималик» деган маънони ҳам англатади. Бу ўзига хос саросималик, ҳамма нарсада Оллоҳни кўрувчи, Ягонани кўпликда, кўпликни Ягонада,

²⁸ Қаранг: Ибн Араби. Геммы мудрости. — М.: — Бейрут, 1980. — 88-б.

«аниқни яширин, яширинни аниқ, шунингдек, бошқа зиддиятли нарсаларни» кўрувчи суфийнинг саросималигидир. «Бироқ, бу йўқотган ёки тушунмайлиган одамнинг саросималиги эмас»²⁹. Бу саросималик мистик билиш йўлига эндигина кираётган одамни қамраб олади; сўнгра, мистик билиш жараёнида саросимага тушган одам, Ибн Арабий тавсифига кўра, «қутб атрофида айлана ҳаракат қилади ва ундан узоқлашмайди»³⁰. Бу қутб — Худо: гирдоб образининг маъноси шундан иборатки, бу гирдоб ҳаракатининг боши йўқ, аниқроғи, қайд этилган аниқ бир бошланиш жойи мавжуд эмас: исталган нуқтадан, дунёнинг ҳар қандай нарсасидан бошлаш мумкин, бироқ охири бор, бу — қутб, борлиқ гирдобининг маркази: билиш доиралари муқаррар тарзда ягона Худога олиб келади. Гирдоб бутун борлиқни ўз комига тартади. Унинг ичида, марказда туриб биз йўлимиз мўлжалдан фарқ қилмаслигини, йўлни қаерда бошлаган бўлсак, ўша ерда — Худода тугатганимизни кўрамиз³¹.

Биз илоҳий моҳиятнинг дунёга нисбатан трансцендентлиги ва имманентлиги муаммоси ечимининг уч вариантини кўриб чиқдик. Ечимнинг биринчи йўлини қисмдан бутун сари йўл, мантикий мулоҳаза юритишдан бошланувчи йўл деб белгилаш мумкин. Бунда илоҳий моҳият ёки дунё «қисм» деб, муаммонинг изланаётган ечими эса — «бутун» деб олиниши мумкин. Иккинчи йўл бутундан қисм сари ҳаракатдан иборат: биз ечим мавжудлигини фараз қилдик, у қандай билиши лозимлигини («бутун»ни) кўрсатдик ва сўнг уни таҳлил қилдик, трансцендент-имманент муаммо ечилган шароитда илоҳий моҳият ва дунё қандай бўлиши лозимлигини кўришга ҳаракат қилдик. Ниҳоят, ечимнинг учинчи варианты қисмлар ва бутуннинг айнийлигини, мутлақо ва барча йўналишларда айнийликни: қисмларнинг бири-бири билан, уларнинг ҳар бири ва иккаласининг бутун билан айнийлигини қайд этади. Биринчи ҳолда трансцендентлик ва имманентлик муаммосининг ечими топилмади, иккинчи ҳолда у ўз ечимини топиш учун дуализмни қабул қилишни талаб этди, учинчи ҳолда эса у ечилмайди, балки ўз асосини йўқотади.

¹ Ибн Араби. Геммы мудрости. — М. — Бейрут, 1980. — С.140.

² Ибн Араби. Геммы мудрости. — М. — Бейрут, 1980. — С.73.

³ Ўша ерда. — 74-б.

Баҳоуддин Нақшбанд асос солган суфийлик таълимотининг назарий асосларидан бирини Худо, дунё ва инсоннинг ўзаро нисбати муаммоси ташкил этади. Бу бош муаммо талқинида суфийларни икки йўналиш — теистик ва пантеистик йўналишларга ажратиш мумкин. Оллоҳ ҳамма нарсанинг яратувчиси деб эътироф этилган, инсондан ташқарида турган дунё узра юксалган ва билиш мумкин эмас деб эълон қилинган бўлса, суфийлар таълимоти монотеизм шакл-шамойилини касб этган дунё ва Худо тушунчалари тенглаштирилган тақдирда бундай таълимот пантеистик деб ҳисобланган¹.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётнинг мазмунини Ҳақиқат (Оллоҳ)га эришишга интилишда кўрган ва Ҳақиқат (Оллоҳ)га эришиш ташқи нарсалар ҳақидаги билим — шариатга асосланади ва ички нарсалар ҳақидаги билим — тариқат жараёнида юз беради, деб ҳисоблаган. У шариат Қуръони карим ва ҳадисларни билишдан келиб чиқувчи диний қонун-қондалар тўплами эканлигидан келиб чиққан. Тариқат одам Ҳақиқатга эришиш учун қайси босқичлардан ўтиши, Оллоҳни англаш ва у билан бирикиш учун қандай тўсиқларни енгиши лозимлигини белгилайди. Бунда билиш жараёнида шариатдан тариқатга ўтиш дарҳол юз бермайди. Фақат, шариатни ўзлаштириш ва унинг талабларини бажариш орқали Ҳақиқат йўлидан жадалроқ ва самаралироқ бориш мумкин.

Одам билишнинг ҳар бир босқичи (мистик йўл манзиллари)дан олдинма-кетин ўтиб, ўз мақсадига яқинлашади. Суфизм назарияси ва амалиёти онгнинг ташқидан ичкига, очикдан яширинга саёҳатини назарда тутади. Баҳоуддин Нақшбанд тариқат эзотерик (яширин, мистик) фан, у ҳаммага очик эмас, уни фақат ўзини Ҳақиқатга бахшида этган одамлар англаб етиши мумкин, деб ҳисоблаган.

Суфизмда мистик билиш замирида «Ўзини билган одам ўз Оллоҳини биледи» деган тамойил ётади. Ўзини ўзи билиш орқали Оллоҳни билиш мақсадга эришишнинг энг қисқа йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимотнинг асосида «Дил ба ёру, даст ба кор», яъни «Кўнгил ёрда, қўл — ишда», деган шиор ётади.

Хулосалар. Шундай қилиб, кўриб турганимиздек, Шарқда ўз


¹ Қаранг: Шейх Баховуддин Нақшбанд: его значение для религиозного мировоззрения, влияние его учения на этику и политику. — Т.: Маверауннахр, 1997. — 13-б.

тафаккур услуби, билимларни ифодалаш ва ўзлаштиришнинг ўз механизмлари ва шакллари, билим ва ҳақиқатга элтувчи йўлни ёритувчи ўз мўлжаллари мавжуд. Шарқ таълимотлари ва тафаккур услубини Шарқ амалиёти ва тажрибасидан олинган Шарққа хос усуллар ва методлар ёрдамида тушуниш ва ичдан англаб этиш мумкин.

Тажрибавий амалий матнлар:

Шарқ фалсафаси, Абу Наср Форобий гносеологияси, Ибн Сино, Беруний, суфизм, философема, шариат, тариқат, сезги.

Кўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ўрта Осиёда гносеологик тафаккур қандай тарихий шароитларда юзага келган?
2. Абу Наср Форобий яратган билиш назариясининг аҳамияти нимада?
3. Ибн Сино моҳиятни қандай тушунади?
4. Форобий абстракцияларни қандай тушунади?
5. Билиш объекти ва субъектига суфийлар муносабати қандай?
6. Суфийларда билишнинг қандай босқичлари мавжуд?
7. Ибн Арабий философемаларининг ўзига хослиги нимада?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари:

1. IX-XIII асрларда қайси мутафаккирлар Марказий Осиё ҳудудида яшаб ижод этган?
 - А. Ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний
 - Б. Форобий, Ибн Рушд, Фаридиддин Аттор
 - В. Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Беруний

Г. Алишер Навоий, Форобий, Ал-Хоразмий, Ибн Сино.

2. IX-XIII асрларда яшаган мутафаккирларнинг асосий мақсадлари нимага қаратилган?

А. Барча одамларни маърифатли қилишга интилиш, бу йўлда ўтмиш меросидан ва қўшни мамлакатларнинг фан, маданият ютуқларидан фойдаланиш, табиий, фалсафий ва ижтимоий фанларни ривожлантириш

Б. Табиатни ўрганиш, табиий, илмий билимларни, оқилоналикка таяниб ривожлантириш, ақлнинг кучига ишониш, асосий эътиборни ҳақиқатни билишга қаратиш, ҳақиқатни инсон билимининг негизи деб билиш

В. Инсонга хос табиий, бадий, маънавий фазилатларини юксалтириш, инсонпарварликни улуғлаш, баркамол авлодни тарбиялашда олий маънавий қонунларга риоя қилиш

Г. Барча жавоблар тўғри

3. Қайси аллома “Шарқ Арастуси” — “Муаллим ус-соний” деган юксак номга сазовор бўлган?

А. Абу Наср Форобий

Б. Абу Райҳон Беруний

В. Ибн Сино

Г. Али Қушчи

4. Форобий фикрича билимларни ўзлаштириш қандай усул ва воситалар орқали амалга ошади?

А. Сезиш, идрок этиш, хотира, тасаввур қилиш, мантиқий мулоҳаза юритиш, тафаккур

Б. Мантиқий тафаккур, интуиция, эътиқод

В. Сезиш, хотира, тасаввур, ирода, мантиқий мулоҳаза, тажриба

Г. Фикрий эксперимент, сезиш, ҳис қилиш, тасаввур, идрок

5. Форобийнинг билиш ҳақидаги қарашларида «озиқлантирувчи куч» қандай сабабга асосланади?

А. Моддий

Б. Илоҳий

В. Маънавий

Г. Мавҳум

6. Форобий билишнинг қандай шакллари фарқлайди?

А. Ҳиссий ва оқилона

Б. Интуитив ва мантиқий

В. Оқилона ва илоҳий

Г. А ва Б жавоблар тўғри

7. Ушбу сўзлар муаллифи ким «Мендаги иштибоҳни фақат тажриба ва такрорий синов бартараф этиши мумкин, ...сўзловчиларнинг яқдиллигига қарамай, бунинг ҳақиқийлиги тажрибада ўз тасдиғини топмаган»?

А. Беруний

Б. Ибн Сино

В. Форобий

Г. Ибн Рушд

8. Абу Али ибн Сино фикрича моддий дунё предметлари асосан, билишнинг қайси турининг асоси бўла олади?

А. Сезгининг

Б. Тафаккурнинг

В. Интуициянинг

Г. Ўзликни англашнинг

9. Абу Али ибн Сино жон ҳиссий идрок этилувчи нарсаларни ҳеч қандай органларсиз бевосита сезади, деган фикрга қарши чиқиб, қайси файласуфлар оқимини танқид қилади?

А. Неоплатончиларни

Б. Схоластларни

В. Суқрот издошларини

Г. Перипатетикларни

10. Ибн Сино таълимотига кўра, тасаввур қилиш мяннинг қайси қисмида жойлашган?

А. Ўрта

Б. Юқори

В. Олд

Г. Орқа

11. Ибн Синовнинг фикрича, оқилона билишда қандай услуб муҳим ўрин тутади?

А. Абстракция

Б. Мантиқийлик

В. Интуиция

Г. Идеаллаштириш

12. Суфизмда табиат ва Оллоҳ қандай талқин этилади?

А. Оллоҳ ва табиатни узвий деб қарайди

Б. Табиат Оллоҳдан ажралган деб қарайди

В. Оллоҳнинг табиатга бефарқлигини ёқлайди
Г. Табиатни Оллоҳ яратган бўлса-да, табиатдаги ўзгаришлар объектив деб қарайди

13. Суфизмда Оллоҳни билишда қандай усул ва воситалари муҳим ўринга эга?

- А. Ваҳий ва илҳом
- Б. Ваҳий ва сунна
- В. Амал ва эътиқод
- Г. Комиллик ва имон

14. Тавбанинг нечи босқичи бор?

- А. 3
- Б. 2
- В. 7
- Г. 5

15. Ибн Арабий билишнинг неча турини кўрсатади ва улар қайсилар?

- А. Уч — оқилона-мантиқий, мушоҳада юритиш ва мистик йўл
- Б. Икки — интуитив мушоҳада ва илҳом
- В. Беш — сезги, тасаввур, ирода, имон ва эътиқод
- Г. Етти — ваҳий, эътиқод, мантиқий мушоҳада, имон, илҳом, мистик.

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. — Т.: Университет, 2005.
2. Шермухамедова Н. Гносеология. — Т.: ЎФМЖ, 2006.
3. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация / Под ред. О.Файзуллаева. — Т.: 2000.
4. Матвиевская Г.П. Сочинения Аль-Хорезми в средневековой Европе // Общественные науки в Узбекистане. 1983, №7.
5. Волгоградский А.И. Аль-Хорезми и индийская математика // Общественные науки в Узбекистане. 1983, №7.
6. Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения. Т. 3. — Т.: 1966.
7. Ибн-Сина Абу Али. Канон врачебной науки. Книга I, II, III. — Т.: 1993.
8. Петров Б.Б. Ибн Сина — великий среднеазиатский ученый энциклопедист // Ибн-Сина Абу Али. Канон врачебной науки. Книга I. — Т.: 1986.

9. Ибн-Сина. Даниш-намэ. — Душанбе, 1957.
10. 8. Файзуллаев А.Ф. Научное творчество Аль-Хорезми. — Т.: 1983.
11. Гердер И. Идеи о философии истории человечества. — М.: 1977.
12. Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. — Т., 1981.
13. Носиров Р.Н. Вопросы теории познания во взглядах прогрессивных мыслителей Средней Азии. — Т., 1988.
14. Хайруллаев М. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. — Фергана, 1988.

ЯНГИ ДАВРДА БИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Янги даврда фалсафий тафаккурнинг ривожланишига таъсир кўрсатган ижтимоий-маданий омиллар. Янги давр – XVII-XIX асрларни қамраб олувчи катта тарихий босқич. Бу даврда жамиятнинг ижтимоий сиёсий маънавий ҳаётига таъсир қилувчи инқилоблар юз берди. Чунончи:

- Англияда фуқаролар уруши билан бир вақтда ижтимоий-буржуа инқилоби (1640–1688).

- Мануфактура ишлаб чиқаришидан фабрика шароитида машинада ишлаб чиқаришга жадал суръатларда ўтилишида намоён бўлган саноат инқилоби.

- Фанни жамият ҳаётининг мустақил ва муҳим соҳасига айлантирган бир қанча янги географик, астрономик, физик кашфиётларда ўз ифодасини топган илмий инқилоб шулар жумласидандир. Бу муҳим воқеалар фалсафий тафаккурнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

Янги давр Европа фалсафаси классик фалсафа деб аталади. Унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Табиий фанларда мустақкам ўрин олган тажрибага асосланган тадқиқот методлари, табиий жараёнларни математик англаб етиш усуллари фалсафий тафаккурга кучли таъсир кўрсатди. Фалсафа ва фаннинг ўзаро таъсири кучаяди. Шу муносабат билан фалсафий тадқиқотларда билиш назарияси, фан методологияси муаммоларига қизиқиш янада кучайди.

Европа мамлакатларида ижтимоий ҳаётнинг фаоллашуви, феодал-табақавий давлатчилик ва Черковга қарши кураш шароитларида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши илғор фалсафа диний тазйиқ ва назоратдан халос бўлишига, унинг диндан ажратилиши ва дунёвий фанга айланишига имконият яратди. Фалсафий муаммолар мажмуида ижтимоий-сиёсий муаммолар улуши кўпайди, унинг амалий мўлжали кучайди.

Фалсафа мазмуни ва мақомининг ўзгариши фалсафий мулоҳаза юритиш услубининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди, у умумий илмий тадқиқот методларига янада яқинлашди. Фалсафада табиий ва ижтимоий жараёнларни таҳлил қилишга нисбатан эмпирик ва рационалистик ёндашувлар янада фаолроқ

ривожлана бошлади. Галилео Галией (1564–1643), Иоганн Кеплер (1571–1630), Исаак Ньютон (1642–1727) кашфиётлари оламшумул аҳамият касб этди. Бу ўзгаришлар таъсирида фалсафанинг ижтимоий негизи, унинг аудиторияси кенгайди: ундан ижтимоий синфлар ва гуруҳларнинг маънавий қуроли сифатида фойдаланила бошланди. Фалсафий тафаккурнинг ривожланишида қайд этилган ўзгаришлар фақат Европа фалсафасида юз берди.

Янги даврда Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиёда фаол ривожланиш юз бергани йўқ, чунки бу даврда ушбу мамлакатларнинг ижтимоий тузумида консерватив мафкуравий ғоялар, эски анъаналар, диний дунёқараш таъсири сақланиб қолди.

Гарчи Европа мамлакатларида дин Янги даврда бутунлай рад этилган бўлмаса-да, фан ва фалсафа бу ерда анча мустақил эди.

Европа фалсафасида билиш муаммоси марказий ўринни эгаллайди. Эмпиризм гносеологиядаги алоҳида йўналиш бўлиб, унга кўра билим ҳиссий тажрибадан келиб чиқади. Эмпиризм назариясига кўра, нафақат фан, балки бутун ҳаёт амалиёти тажрибага асосланиши лозим. Ашаддий эмпиризм бунда фақат ҳиссий идрокнигина тан олади, мўътадил эмпиризмда эса у муҳим роль ўйнайди. Эмпиризмнинг энг яқин ўтмишдоши – ўрта аср номинализми, ҳозирги издоши эса – позитивизмдир.

Баъзан сенсуализм (лот. сенсус – сезги сўзидан) деб аталувчи эмпиризмнинг бош тамойили: «Ақлда олдин сезгилардан ўтмаган бирон-бир нарса мавжуд эмас» ғоясидир.

Инсоннинг сезги маълумотларини таҳлил қилиш, таққослаш ва умумлаштириш, оқилона тафаккур қобилятини биринчи ўринга қўювчи фалсафий йўналиш – рационализм эмпиризмнинг қарама-қаршисидир. Рационализмнинг бош тамойили: «Ақлда дастлаб сезгилардан ўтмаган ақлнинг ўзидан бошқа бирон-бир нарса мавжуд эмас».

Рационализмнинг ўтмишдошлари – ўрта аср реалистлари, издошлари эса – Маърифатпарварлик даври мутафаккирлари, Гегель ва бошқалар.

Эмпиризмнинг йирик намояндалари – Ф.Бэкон ва Ж.Локкдир.

Френсис Бэкон (1561–1626) янги давр билиш назариясининг биринчи буюк тадқиқотчисидир. У тадқиқотларида тажриба

йўлига кирди ва ҳақиқатнинг тагига етишда кузатиш ва синовларнинг аҳамиятига эътиборни қаратди. У фалсафа аввало амалий хусусият касб этиши лозим, деган фикрни илгари сурди. У инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини фаннинг олий мақсади деб билган, бунга фақат табиат қонунларига бўйсуниб орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблаган. Бэкон «Куч — билимда» деган машҳур шиорни илгари сурди. Табиат хизматчиси ва талқинчиси бўлган инсон табиатни иши ёки фикри билан қамраб олишга қодир бўлган даражадагина тушунади: бундан ортиқ у ҳеч нарсани билмайди ва билиши мумкин ҳам эмас. Сабаблар занжирини ҳеч қандай куч уза олмайди: табиатни фақат унга бўйсуниб йўли билан енгил мумкин. Билиш, тафаккур жараёнини ўрганувчи фанлар қолган барча фанларга калит бўлиб хизмат қилади, чунки улар ақлга кўрсатма берувчи ёки уни хатолар (идоллар)дан сақлайдиган «ақл қуроллари»га эгадир. Кузатиш, таҳлил қилиш, таққослаш ва эксперимент билимга элтувчи йўл ҳисобланади. Олим ўз тадқиқотларида айрим далилларни кузатишдан кенг умумлаштиришлар сари ҳаракатланиши, яъни билишнинг индуктив методини қўллаши лозим. Бэкон ўзининг «Янги органон» асарида фан вазибаларининг янги таққинини ривожлантирди¹. У экспериментал табиатшунослик методологиясига асос солди. Бу методология ёрдамида янги илмий кашфиётлар яратиш мумкин. Бироқ, тажриба онг сохталик шарпаларидан холи бўлган тақдирдагина ишончли билим бериши мумкин. «Уруғ унсури» — бу инсон табиат ҳақида одамлар ҳаёти билан ўхшашлик бўйича хулоса чиқариши билан боғлиқ хатолар.

«Фор унсури» айрим одамларнинг тарбияси, диди ва одатлари билан боғлиқ индивидуал хусусият касб этувчи хатолардан иборат.

Ф.Бэкон бу унсурларнинг барчаси «рад этилиши ва иргитиб ташланиши лозим, ақл улардан бутунлай халос бўлиши, гозаланиши даркор»² деб қайд этади.

Бироқ, бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Бунинг учун ҳар бир фан, ҳар бир назария, ҳар бир назарий хулоса замирида тажрибада кўрилган эмпирик маълумотлар ётиши, индукция методи тадқиқотнинг бирдан-бир тўғри методига айланиши

¹ Қаранг: Бэкон Ф. Новый органон. — М.: Наука, 1992. — 113-б.

² Ўша ерда. — 114-б.

лозим. Индукция (лот. *inductio* — йўқламоқ сўзидан) методи ҳар қандай назарий хулоса замирида тажрибада олинган маълумотлар ётишини талаб қилади.

Бэкон метод сифатидаги индукцияни дедукцияга (лот. *deductio* — хулоса чиқариш сўзидан) қарши кўяди. Дедукцияда фикр юқоридан пастга, умумий мулоҳазалардан муайян далиллар сари ҳаракатланади. Дедукция методи кўпгина хатоларнинг манбаи ҳисобланади. Энг ишончли метод — фикрнинг пастдан юқорига ҳаракатланиши — индукция методи.

Айни вақтда Ф.Бэкон тадқиқотнинг турли методларига баҳо беришда бир ёқламалик тарафдори эмас. У энг самарали илмий билим фақат тажриба ва мулоҳаза, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция маҳсули бўлиши мумкинлигини қайд этади.

Гарчи, бизнинг сезги органларимиздан тарқалувчи ахборот кўзгуга ўшаса-да, бу нотекис кўзгудир. Ақлнинг вазифаси бу ахборотни тартибга солишда табиат ҳақидаги билимларимизга кўзгунинг табиати аралашшига йўл қўймасликдан иборатдир.

«Майдон унсури» — бу дунё ҳақида мулоҳаза юритишда мавжуд тасаввурлар ва фикрлардан уларга танқидий ёндашмасдан фойдаланишдир. «Театр унсури» обрўли шахслар фикрига кўр-кўрона ишониш билан боғлиқ. Бирон-бир обрўли шахсларга таянмаслик Янги давр фанининг бош тамойилларидан биридир.

Нарсаларнинг ҳақиқий алоқасини Бэкон табиий сабабиятни аниқлашда кўради. Унинг фикрича, ҳақиқат икки хил — диний ва дунёвийдир. Бэкон ҳақиқатнинг бу турлари ваколат доирасини аниқ белгилашни талаб қилади. Илоҳиёт Худони талқин қилишга қараб мўлжал олади. Худого эътиқод ваҳий йўли билан эришилади, «дунёвий» ҳақиқатга эса фақат тажриба ва ақл ёрдамида эришиш мумкин. «Фанларнинг буюк тикланиши» асарида Бэкон: «Табиат сирларини теранроқ англаш учун ҳар хил ғорлар ва туйнукларга иккиланмасдан кириш ва бош суқиш лозим, башарти олдимизда бир мақсад — ҳақиқатни билиш турган бўлса»¹, деб ёзади.

Ҳақиқий билим сабабларни билишдир. Тўрт сабаб: материя, шакл, амалдаги ва пировард сабаб ҳам яхши аниқланади. Бироқ, улардан пировард сабаб нафақат бефойда, балки инсон ҳаракати ҳақида сўз юритилмаган ҳолда ҳатто фан учун зарарлидир.

¹ Ф.Бэкон. Великое возрождение науки. — М.: АСТ, 1995. —78-б.

Шаклнинг кашф этилиши ишончсиз деб ҳисобланади. Амалдаги сабаб ва материя эса мазмунсиз ва юзаки нарсалар бўлиб, ҳақиқий ва фаол фанга деярли ҳеч нарса бермайди. Бироқ, юқорида биз шаклларга моҳият устунлигини берувчи инсон ақлининг хатосини қайд этдик ва тузатдик. Зеро, табиатда қонунга мувофиқ айрим соф ҳаракатларни амалга оширувчи ҳақиқий нарсалар мавжуд бўлмаса-да, фанларда айна шу қонун ва уни топиш, кашф этиш ва тушунтириш билимнинг ҳам, фаолиятнинг ҳам асоси бўлиб хизмат қилади. Шакллар номи остида биз айна шу қонун ва унинг бўлимларини назарда тутамиз, шунингдек, бу ном кундалик муомаладан мустаҳкам ўрин олган.

Бэкон ўз билиш назариясининг муҳим фикрларини тушунтирар экан, соф эмпирик олим чумолига ўхшаб, фақат далилларни йиғиши ва улар билан кифояланишини, соф рационалист, назариячи эса, аксинча, далилларга эътибор бермай, ўргимчакка ўхшаб, ўз-ўзидан назарий тўр тўқишини, бироқ ҳақиқий олим асаларига ўхшаб, ҳар хил гуллардан материал йиғиши ва уларни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиши. Ўзгартиришини қайд этади.

Шундай қилиб, Бэкон инсоннинг бу икки табиий қобилияти – тажриба ва ақл баҳамжиҳат иш кўришига ишонч билан қараш лозим, деган тўхтамга келади.

Шунга қарамай, Ф.Бэкон инсоннинг ҳиссий тажрибаси билишнинг бош ва энг муҳим манбаидир, деб ҳисоблаган. Шу сабабли у тарихдан эмпиризм фалсафасининг асосчиси сифатида ўрин олди.

Томас Гоббс (1588–1679) – инглиз файласуфи. Унинг билиш назарияси замирида сенсуализм тамойиллари ётади. Гоббс маънавий субстанциялар мавжуд бўлганида ҳам уларни билиш мумкин бўлмас эди, деб ҳисоблаган. У жисмсиз руҳлар мавжуд бўлиши мумкинлигига ишонмаган. Гоббс мутаассиблик ва хурфотни қаттиқ қоралаган, бироқ Худонинг борлигига ишонган. У Худога олам бошланғич энергиясининг манбаи, бутун борлиқнинг биринчи сабаби деб қараган. Гоббс фикрига кўра, Худо дунёвий жараёнларга аралашмайди.

Гоббс мулоҳаза юритиш қобилияти сезгилар ва хотира каби туғма қобилият, шунингдек, фақат тажрибада орттирилган нарса эмаслигини, у аввало нарсаларнинг номларидан ўринли

фойдаланиш, яхши ва тўғри методни ўзлаштириш натижасида шаклланишини қайд этади. Сизги ва хотира бизга фақат юз берган далил воқеа ҳақида билим беради, фан эса далил воқеаларнинг алоқалари ва боғланишларини билиш демакдир.

Гоббс илмий билим белгилари ҳақида ҳам шундай мулоҳаза юритади. У илмий билимнинг айрим белгилари ишончли ва хатосиз, айримлари эса ишончсиз деб ҳисоблайди. Бирон-бир нарса ҳақидаги билимга эгаликка даъвогар одам уни ўргатишга, яъни ўз даъвосининг тўғрилигини бошқа одамга ақлга мувофиқ тарзда исботлашга қодир бўлса, бундай билим белгилари ишончлидир. Айрим хусусий ҳодисаларгина унинг даъвосига мос бўлиб, кўпгина тасодифлар натижасида шундай бўлиб чиққан ҳолда, бундай билим белгилари ишончсиздир. Ақлга мувофиқлик белгилари доимо ишончлидир, чунки эришилган натижани ўзгартириши мумкин бўлган барча ҳолатларни тажрибада кўриш ва эслаб қолиш мумкин эмас. Шундай қилиб, инсон ақлининг нури — бу ақлга мувофиқ, бироқ, ҳар қандай икки маъноликлардан аниқ тушунчалар билан олдиндан тозаланган сўзлардир. Мулоҳазалар қадам, билимнинг ўсиши — йўл, инсон қавмининг фаровонлиги — мақсаддир.

Ренэ Декарт (1596—1650) тажрибанинг вазифаси фақат ақл маълумотларини амалда текширишдан иборат деб, инсон тафаккурини биринчи ўринга қўйган.

Ренэ Декарт гносеологиясидаги биринчи масала ишончли билим олиш мумкинлиги ва у билан белгиланувчи бундай билимни олиш методи муаммосидир. Бу масалани ечишда Декарт фалсафий скептицизмни енгишига тўғри келди. Билишнинг табиати шундаки, ҳар қандай билимга нисбатан татбиқ этилиши лозим бўлган шубҳаланиш талаби ишончли билимнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Мени ёвуз ва маккор иблис ёки бошқа ёлгончи алдаётган бўлиши мумкинлигини тушунгач, мен ҳамма нарсага шубҳа қила бошлайман, бироқ бунда мен шубҳаланаётганимга, менинг шубҳам, фикрим мавжудлигига шубҳа қила олмайман, деб қайд этади. Фикр ва фикрловчи жонзот борлигининг ишончлилиги орқали Декарт нарсалар борлигининг ишончлилиги сари ҳаракатланади.

Р.Декартнинг илмий қизиқишлари соҳаси Ф.Бэконникидан деярли фарқ қилмайди. Иккала файласуф ҳам аввало гносеология

муаммоларини, билишнинг самарали ва ишончли усулларини тадқиқ этган. Улар билиш жараёнида инсоннинг Худога яқинлашишига эмас, балки инсоннинг амалда мавжуд қобилиятларига умид боғлаган.

Бироқ, улар муаммоларни ечишга ҳар хил ёндашган. Гносеологиянинг асосий муаммоларини ечишга Р.Декарт ёндашувининг ўзига хослиги нимада? У яратган назариянинг асосий тамойилларини мухтасар тарзда қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1) Билиш бир марталик эмас, балки кўп босқичли жараёндир. Бу жараённинг асосий босқичлари сифатида ҳиссий, оқилона, интуитив билишни, шунингдек, дунёни Худо билан бевосита мулоқот қилиш йўли билан билишни, яъни диний фалсафага хос бўлган, маълум сабабларга кўра Р.Декарт рад этишга журъат этмаган усулни ўз ичига олади. Бу усулларнинг барчаси ҳақиқатни билишга ўз ҳиссасини қўшади, бироқ улар бу мураккаб жараёнда ҳар хил роль ўйнайди.

2) Инсон ақли, унинг сезгилар даражасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тартибга солиш қобилияти энг аниқ, муҳим маълумотлар манбаи ҳисобланади. Р.Декарт ўз билиш назариясининг бу асосий ғоясини асослар экан, шундай деб ёзади: «Одамларнинг бундай енгилтаклиги мени даҳшатга солади: улар ўз билимини сезгиларнинг ишончилиги билан асосламоқчи бўлади. Ҳолбуки, сезгилар баъзан, бизни алдашини ҳамма тушунади»¹.

Ақл — билишнинг энг ишончли воситаси. У инсонга дунёдаги энг аниқ мўлжалларни, кундалик ҳаётда мустаҳкам таянчга эгалик туйғусини беради. Мен фикрляпман, демак, мавжудман. Бу машҳур ибора Янги давр фалсафасининг Декарт асос солган кудратли йўналиши — фалсафий рационализм шиорига айланди. Шу сабабли бу йўналиш баъзан картезианчилик, деб ҳам аталади.

3) Декарт ақл имкониятларининг кенглигини эътироф қилиш билан бир вақтда унинг имкониятларини ошириб кўрсатишдан эҳтиёт бўлишга чақиради. Ақл ҳам, сезгилар каби, баъзан ишончли маълумот бермаслиги мумкин. Инсон онгига хос кўп сонли янглишишлар ва хомхаёллар бунинг ёрқин исботидир. Ф.Бэкондан фарқли ўлароқ, Р.Декарт инсон хатоларининг

¹ Декарт Р. Рассуждения о методе. — М.: Наука, 1994. — 115-б.

сабабларига анча теран онтологик изоҳ берди. Унинг фикрича, дуализм инсон хатоларининг манбаидир. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам моддий, ҳам идеал дунёдир. Бу икки дунё бир-биридан шу даражада фарқ қиладики, уларнинг ўртасида тўла мослик йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас.

Шундай қилиб, гносеология соҳасида рационалист бўлган Декарт онтологияда дуалист сифатида амал қилади. Бироқ, Декартнинг рационалиزمи унинг дуализмидан кучлироқдир. Унинг фикрича, ақл дуалистик дунёда ҳам ўзининг чекланган, бироқ, улкан имкониятларини сақлаб қолади. Инсон ҳатто ақл ёрдамида нарсалар моҳиятини англай олмас ва, уларга ўзи учун амалий фойда нуқтаи назаридан баҳо бериши мумкин. Бу йўлдан борар экан, инсон табиат ҳўжайини бўлишга умид қилиши мумкин. Бироқ, бунинг учун Декарт таклиф қилган «ақл амал қилиши учун қоидалар»га қатъий риоя этиш лозим. Бу қоидалар кўйидагилардан иборат:

1) Тафаккур жараёнида биз сезгилар иштирокисиз, далилларсиз интуитив тарзда тан олувчи оддий, «туғма» ҳақиқатлар етакчилик қилиши лозим. Худо, макон, замон ғоялари, «бутун қисмдан катта», «йўқ нарса бор бўлиши мумкин эмас» қабилдаги ойдек равшан қоидалар ана шундай аксиомалар ҳисобланади.

2) Бу ва бошқа оддий «туғма ғоялар» фикрнинг мураккаб хулосалар сари ҳаракатида таянч нуқтасига айланиши лозим. Фикрнинг бундай ҳаракати мантиқда дедукция методи деб аталади. Бу методни Декарт тўғри тафаккурнинг бош шарти деб ҳисоблаган.

3) Бироқ, тафаккур жараёнида бирон-бир мантиқий бўғин тушиб қолмаган ва мулоҳазалар занжирининг узлуксизлиги таъминланган ҳолдагина дедукция методидан фойдаланиш самарали бўлиши мумкин. Декарт изчил фикрлайдиган олимни ўз тўрини биронта ҳам бўғинни ўтказиб юбормасдан пишиқ-пухта тўқийдиган ўргимчакка ўхшатади.

4) Шунингдек, муаммони ўрганиш жараёнида унинг бирон-бир жиҳати эътибордан четда қолмаслиги, у тўла қамраб олиниши лозим.

Шундай қилиб, Декарт билиш жараёнида инсон ақлини биринчи ўринга қўяди. Шу тариқа билиш назарияси соҳасида

диний дунёқарашдан халос бўлиш, диний ақидаларга қарам бўлмаган, мустақил дунёвий фалсафани яратиш йўлида катта қадам ташланди. Бироқ, Декарт фалсафаси ўз диний «қобиғи»ни, диний ақидалар билан алоқани хужакўрсинга бўлса ҳам сақлаб қолди. Хусусан, Декартнинг билиш методида дунёни илоҳий ваҳий орқали англаб етиш усули мавжуд. Бироқ, билиш тизимида у олдингидек муҳим роль ўйнамайди.

Худо билан боғлиқ билиш методлари ролининг торайиши Декартда Худонинг табиатдаги роли ҳам чекланганлиги ҳақидаги тасаввурлар билан боғланади. Декарт учун Худо дунёнинг шахссиз, бироқ ақлли биринчи сабаби ҳисобланади. Бироқ, дунёни яратиб, унинг қонунларини ўрнатгач, Худо, файласуф фикрига кўра, табиатга ўз аралашувисиз мустақил ривожланиш имкониятини берган.

Декартнинг илмий билиш методи аналитик ёки рационалистик деб аталади. Бу дедуктив метод тафаккур жараёнининг аниқлиги ва зиддиятлардан холилигини (буни математика таъминлайди), тафаккур объектини оддий элементар зарраларга ажратиш ва уларни аввал алоҳида-алоҳида, сўнгра — оддий нарсалардан бошлаб, аста-секин энг мураккаб нарсалар томон юқорилаб бориш тартибида ўрганишни талаб қилади. Декарт илгари сурган ҳақиқат мезони билимнинг аниқ-равшанлигидан иборат бўлиб, бу тафаккурнинг аниқ ва изчиллигига кўп жиҳатдан кўмаклашади.

Ривожланиш ғоясини шакллантириш ва бу ғояни табиатни билиш тамойили сифатида қўллашга ҳаракат қилиш, математикага ўзгарувчи катталиқ воситасида диалектикани киритиш, ўз билиш методи қоидаларининг мослашувчанлиги ва уларнинг ахлоқий меъёрлар билан алоқасини кўрсатиш Декарт гносеологиясининг самарали методи ҳисобланади.

Бенедикт Спиноза (1632–1677). Декарт таълимотини нидерланд файласуфи Б.Спиноза ривожлантирди. У Декартнинг уализмига монизм тамойилини қарши қўйди.

Агар Декарт ўз таълимотини «Мен»дан бошлаган бўлса, Спиноза объектив борлиқдан бошлайди. Декарт фалсафаси Спинозанинг фалсафасини яратгани йўқ, балки унинг вужудга келишига кўмаклашди¹. Унинг фикрича ягона субстанциянинг

¹ Қаранг: Гейне Г. К истории религии и философии в Германии. — СПб.: Питер, 1994. — 49–50-б.

ички қонунларидан келиб чиқувчи сабаблар ва оқибатларнинг зарурлиги олам тартибининг бирдан-бир тамойилидир. Кўламлилиқ билан бир қаторда, материя, тошдан тортиб инсон миясига қадар, тафаккурга қодир. Аммо, оқилона даражада инсон тафаккури умуман тафаккурнинг айрим кўриниши, холос. Бу эса гиллозоизмдир. Тафаккур табиатнинг ўзликни англаши сифатида талқин қилинади. Спиноза илгари сурган монизм ғоясининг моҳияти шундадир. Бундан дунёни билиш мумкинлиги тамойили ҳамда ғоялар тартиби ва алоқаси нарсалар тартиби ва алоқаси билан бирдир, деган теран хулоса келиб чиқади. Ғоялар тартиби ва алоқаси ҳам, нарсалар тартиби ва алоқаси ҳам фақат илоҳий моҳият оқибатларидир: боши ва охири йўқ нарсани севиш Худони севиш демакдир. Инсон ўз ҳаёти, хоҳиш-истаклари ва қилмишларини мослаштириш учун оламдаги жараёни билишга ҳаракат қилади. Табиатнинг умумий қонунларига мувофиқ нарсалар доираси қанча кенг бўлса, тафаккур шунча етук бўлади, дунёнинг тўғри англаб етилган умумий шакллари ва қонунлари тафаккур жараёнининг ҳақиқий қоидалари ҳисобланади. Нарсани тушуниш унинг ўзига хослиги ортида универсал элементни кўриш, модусдан субстанция сари ҳаракатланиш демакдир.

Ақл табиатдаги сабаблар ва оқибатларнинг ички уйғунлигини англаб етишга ҳаракат қилади. Ақл бевосита кузатишлар билан кифояланмай тасаввурларнинг бутун мажмуидан келиб чиққан ҳолда бундай уйғунликка эришиш мумкин.

Инглиз файласуфи **Жон Локк** (1632 – 1704) билимнинг ваҳийга бўйсундирилишига қарши чиққан ва эътиқод тажрибада олинган аниқ маълумотлар олдида нуфузлилиқ (авторитет) кучига эга бўлмайти, деб ҳисоблаган.

Локк туғма ғоялар ҳақидаги нуқтаи назарни рад этиб, инсон барча билимларни тажриба, сезгилардан олишини таъкидлайди. Инсоннинг онги туғилганда тоза тахтага ўхшайди. Ҳаёт бу тахтага ўз расмлари – билимларини чизади. Жон Локк Р.Декарт рационализмига қарши чиқар экан, сенсуализмни шундай асослашга ҳаракат қилди. Декартнинг туғма ғоялар ҳақидаги қарашларини танқид қилар экан, Локк ғоялар туғма бўлганида, улар тенг даражада гўдакка ҳам, катта одамга ҳам, телбага ҳам, ақли расо одамга ҳам тушунарли бўлур эди, деб қайд этади. Ақлда илгари сезгиларда мавжуд бўлмаган бирон-бир нарса йўқ – Локк

асосий тезисининг мазмуни ана шундай. Ҳис-туйғулар ташқи нарсаларнинг инсон сезги органларига таъсири натижасида юзага келади¹. Ташқи тажриба шундан иборат. Ички тажриба (рефлексия) эса ақлнинг ўз фаолиятини ва унинг намоён бўлиш усуллари кузатишидир. Бироқ, ички тажрибани рационализм таъсирида талқин қилар экан, Локк ақлга тажрибага боғлиқ бўлмаган қандайдир ғайритабиий спонтан куч хослигини, рефлексия, ташқи тажрибадан ташқари, мавжудлик, вақт, сон ғояларини юзага келтиришини таъкидлайди.

Жон Локк аниқлик жиҳатидан билимнинг уч тури: интуитив, намоёиш бўлувчи ва сезилувчи билимни фарқлайди. Т.Гоббснинг тил ва тафаккур алоқаси ҳақидаги ғояларини ривожлантириб, Локк семиотика тушунчасини белгилар ва уларнинг билишдаги роли ҳақидаги умумий назария сифатида илгари сурди.

Давид Юм (1711—1776) учун ҳақиқий билим фақат мантиқий бўлиши мумкин, тадқиқотнинг далилларга тегишли предметлари эса мантиқий жиҳатдан исботланиши мумкин эмас — улар тажрибадан келтириб чиқарилади. Юм тажрибани сабаблари номаълум ва англаб етилиши мумкин бўлмаган таассуротлар оқими сифатида талқин қилади. Ҳамонки тажрибани мантиқий асослаш мумкин эмас экан, тажрибада олинган билим ҳам ишончли бўлиши мумкин эмас. Масалан, тажрибада биз аввал айрим ҳодиса ҳақида бир таассуротга эга бўламиз, сўнгра бошқа ҳодиса ҳақида ўзгача таассурот туғилади. Бироқ, тажрибада бир ҳодиса бошқа ҳодисадан олдин келишидан уларнинг бири (биринчиси) бошқасининг сабаби эканлигини мантиқан исботлаш мумкин эмас. Зотан, оқибат сабабда мавжуд бўлмайди, деб хулоса чиқаради Юм. Унинг фикрича, оқибат вақтда сабаб кетидан пайдо бўлишини биз фақат кузатиб тураемиз, бироқ, бу соф психологик далил бўлиб, ундан «шундан кейин — демак, шунинг учун» деган хулоса чиқариш мумкин эмас. Ўз ҳолича бу тўғри қоида бўлиб, эътироз уйғотиши мумкин эмас. Бироқ, бундан Юм сабабиятнинг объектив хусусиятини билиш мумкин эмас, деган нотўғри хулоса чиқаради. У объектив сабабиятни рад этган ҳолда, ҳиссий таассуротлар яратган ғоялар (хотира образлари) тарзида субъектив

¹ Қаранг: Локк Дж. Избранные философские произведения. В 2-х т. Т. 1. — М.: АСТ, 1967. — 60-б.

сабабият мавжуд бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Юм бизнинг амалий ишончимиз манбаи бўлиб, назарий билим эмас, балки эътиқод хизмат қилади, деб таъкидлайди. Масалан, биз куёш ҳар куни чиқишига ишонамиз. Бу ишонч мазкур ҳодисанинг такрорланишини кўриш одатидан келиб чиқади.

Готфрид Лейбниц (1646–1716). Янги давр фалсафий тафаккурининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган мутафаккирлар орасида немис файласуфи Г.Лейбниц ҳам бор. У Спиноза таълимотига зид ғояларни илгари сурди.

Лейбниц ўзининг бош мақсадини табиат ҳақидаги фан, яъни фалсафада кўрди. Унинг асосий фалсафий асарлари: «Инсон ақли ҳақида янги тажрибалар» (1704), «Теодицея» (1710), «Монадология» (1714).

Лейбниц гносеологиясининг асосий мазмунини мухтасар тарзда қуйидагича тавсифлаш мумкин:

Демокритдан Спинозагача бўлган кўпгина файласуфларнинг қандайдир ягона асос, субстанция мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлари хатодир. Зотан, бизни қуршаган дунё нарсалари ва ҳодисаларининг аксарияти бирон-бир бирликни намоиш этмайди, балки, аксинча, улардан ҳар бирининг ўзига хослиги, ҳар хиллиги ва бетакрорлигидан далолат беради.

Икки нарсани бир хил деб фараз қилиш айни бир нарсани фараз қилиш демакдир. Бошқача айтганда, мутлақо бир хил нарсалар мавжуд эмас. Шунга асосланиб, Лейбниц «умумий фарқлар» тамойилини таърифлади. Унга биноан, дунё бир-бирига ўхшамайдиган, ҳар хил нарсалардан ташкил топади ва шу сабабли у ягона субстанцияга эга эмас. Шундай қилиб, дунё Спиноза тасаввур қилганидек бир хил (монистик) эмас, балки ранг-барангдир. Унинг негизини битта ягона субстанция эмас, балки сон-саноксиз ҳар хил субстанциялар ташкил этади. Лейбниц уларни монадалар (юнонча монус – «якка» сўзидан), ўз таълимотини эса – монадология деб номлади.

Лейбниц монадалар ва уларнинг хоссаларига кенг тавсиф берди. Уларнинг хоссалари икки хил – манфий ва мусбат бўлади. Биринчидан, монадалар ажралмас, номоддий ва йўқ бўлмасдир. Иккинчидан, монадалар фаол, ўзгарувчан, ўз табиатига кўра маънавийдир. Уларни бутун оламнинг маънавий атомлари деб номлаш мумкин. Дунё Лейбниц тасаввурига кўра, кўп сонли

атомлашган, ҳар хил монадалардан ташкил топган бўлса-да, у ягонадир. Бу ягоналик ягона субстанциядан эмас, балки дунёнинг уйғунлигидан, уни ташкил этувчи барча монадаларнинг бир-бирига мослигидан келиб чиқади. Монадалар дунёси изчил иерархиядан иборат бўлиб, унда ҳар бир монада ўзи учун белгиланган ўринни эгаллайди. Бу иерархияда барча монадалар уч асосий гуруҳга ажратилган.

Биринчи гуруҳ — жонсиз табиат. Бу ўта пассивлиги билан ажралиб турувчи «яланғоч монадалар»дир.

Иккинчи гуруҳ — «жон»га, руҳиятга эга бўлган ҳайвонлар дунёси. Лекин, бу хоссалар ҳали «мужмал», ноаниқ.

Учинчи гуруҳ — дунёни аниқ идрок этувчи, ўзининг фаоллиги, борлиқни билиш қобилиятининг ривожланганлиги билан тавсифланувчи инсон монадалари.

Иерархия дунёлар орасидаги энг яхши дунёнинг яратувчиси бўлган «олий монада», «биринчи монада» ёки Худо билан яқунланади.

Лейбниц Худони талқин қилишга нисбатан ўз ёндашувига кўра Р.Декарт ижодидаги деизм фалсафасига яқин туради. У Худони муайян шахсий хоссаларга эга бўлмаган, табиатдан устун турувчи мавжудот деб ҳисоблайди. Лейбниц фикрига кўра, Худо монадалар дунёсини уларнинг асосий хоссалари билан яратган ва шундан сўнг уларни ўз ҳолига қўйган, уларнинг ҳаракатларига бирон-бир ёрдам кўрсатмаган. Ўз билиш назариясида Лейбниц рационализм ва эмпиризм ютуқларини ўзига хос усулда бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бу унинг далилларни ҳурмат қилиш, сезгиларга ишониш, ақлни нарсаларнинг ўзини билишга қаратиш, ҳамма нарсани табиий тушунтириш лозимлигини асослашга уринишларида айниқса, ёрқин намоён бўлади. Бироқ, билим манбаи ва билиш фаолияти тамойилларини талқин қилишда у рационализм доирасидан бир қадам ҳам четга чиққани йўқ.

Шундай қилиб, Лейбниц ўзига хос плюрализм таълимотини яратиб, XVII аср гносеологик тафаккурининг ривожланишига яқун ясади. Унинг ғоялари нафақат замондошларига, балки кейинги файласуфларнинг кўплаб авлодларига, шу жумладан, Э.Гуссерль ва Л.Уайтхед каби XX аср файласуфларига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Хуллас, XVII аср гносеологиясининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади: фалсафа бу даврда фан методологиясини яратишга бўлган эҳтиёж кучайиши натижасида билиш назарияси муаммоларига қараб мўлжал олди. Бу давр мутафаккирлари фалсафанинг диндан ажралиш жараёнини давом эттирдилар ва дунёнинг биринчи асоси тушунчасини янгича талқин қилиб, пантеизм ва деизм марраларига ўтишни амалга ошириб, онтология муаммоларини ишлаб чиқишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Айни вақтда, XVII аср фалсафаси олдинги инсонпарварлик даври идеалларини билиш жараёнида инсон ақлининг устунлиги ғоясини ҳимоя қилди, инсон, жамият ва давлат моҳиятини реалистик тушунтириш тамойиллари қарор топишига имконият яратди.

Маърифатпарварлар ижодида гносеология масалалари. XVI–XVII аср файласуфлари бошлаган инсон ақлининг ролини ошириш масаласини ҳал этиш учун диний ғояларга қарши кураш XVIII асрда давом этди. Бу аср Маърифатпарварлик даври деган ном билан тарихдан ўрин олди.

Француз маърифатчиларининг биринчи авлоди Шарль Луи Монтескье (1689–1755) ва Франсуа Мари Аруэ Вольтер (1694–1778), иккинчи авлоди эса Жан Жак Руссо (1712–1778), Дени Дидро (1713–1784) ва Поль Анри Гольбах (1723–1789) номлари билан боғлиқ.

Дени Дидро (1713–1784). Д.Дидро раҳбарлигида нашр этилган «Фанлар, санъатлар ва касблар энциклопедияси»да ва мутафаккирларнинг бошқа асарларида баён этилган фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлар тизими замирида ижтимоий тараққиёт, маърифат ва фан имкониятларининг чексизлиги ҳақидаги ғоя ётади. Бу ижтимоий ва маърифий оптимизм фалсафаси эди. Маърифатпарварлик даври маданиятининг бу хусусиятини ижтимоий тараққиёт ғояларининг оташин куйчиси Жан Антуан Никола Кондорсе (1743–1794) айниқса, ёрқин ифодалади. Барча маърифатчилар сингари, унинг учун ҳам ақл тарихни ҳаракатлантирувчи асосий кучдир.

Ақл, фан ва маорифни кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда маърифатчилар динни очикдан-очик ва жуда қаттиқ танқид қилдилар. Энг изчил маърифатчилар ҳар қандай Худо ғоясидан

воз кечиш лозим деган хулосага келдилар. Масалан, П. Гольбах шундай деб ёзади: «Оқилона фикрловчи ҳар бир одам тез орада атеистга айланади, чунки у мулоҳаза юритиш йўли билан илоҳиёт чўпчаклар тўпламидан иборат, дин соғлом фикрнинг барча тамойилларига зид, деган фикрга келади»¹.

Шу фикрни Д. Дидро ҳам ривожлантирди. Хусусан, у дин ва фалсафани маънавий ҳаётнинг бир-бирини инкор этувчи ҳодисалари сифатида тавсифлади: «Агар сиз руҳонийларга эга бўлишни истасангиз, файласуфларга эга бўлишни истай олмайсиз, агар сиз файласуфларга эга бўлишни истасангиз, у ҳолда руҳонийларга эга бўла олмайсиз. Зеро, файласуфлар ўз билимига кўра ақл ва фан дўстларидир, руҳонийлар эса уларнинг душманлари ва жаҳолат ҳомийларидир. Файласуфлар эзгулик уруғини сочсалар, руҳонийлар ёмонлик уруғини сочадилар»².

Шундай қилиб, Маърифатпарварлик даври файласуфлари нафақат тафаккур ва тараққиётни тарғиб қилдилар, улар динни ўзининг асосий душмани деб билдилар.

Маърифатпарварлик даври файласуфлари билиш методлари соҳасида XVII аср эмпиризми ва рационализмининг бир ёқламалигини бартараф этишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг гносеологиясини рационалистик сенсуализм деб белгилаш мумкин. Бу маърифатчилар ақлни ҳамма нарсадан устун қўйиш билан бир вақтда, инсоннинг билиш жараёнида сезги органлари, кузатиш, тажриба ва эксперимент методлари ҳам муҳим роль ўйнашини эътироф этганларини англатади. Улар ақл ва сезгилар қарама-қарши қўйилмаслиги, балки бир-бири билан уйғунлаштирилиши лозим, деб ҳисоблаганлар. Ақл айнан эксперимент, кузатиш йўли билан аналитик иш жараёнида ўз хулосаларини асослаши мумкин.

Маърифатпарварлик даври гносеологиясининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда унинг тарихий роли зиддиятли эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

Маърифатпарварлик даври кўпгина боқий фалсафий муаммоларни узил-кесил ҳал қила олмаган бўлса ҳам ўзининг

¹ Иқтибос қуйидаги китобдан олинди: Таранов П. Философия сорока пяти поколений. — М.: АСТ, 1999. — 391-б.

² Дидро Д. Сочинения. В 2-х т. Т. I. — М.: Прогресс, 1996. — 450-452-б.

тараққиётга, инсон ақли ва фан имкониятларига бўлган чексиз ишончи билан жаҳон фалсафаси ва маданиятининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди.

Немис классик фалсафасида гносеология масалалари. Немис классик гносеологиясининг йирик вакиллари Иммануил Кант, И.Фихте, Ф.Шеллинг, Георг Гегель ва Людвиг Фейербах кабилардир.

Фалсафий тафаккур ривожланишининг бу босқичи даврнинг муайян тарихий шарт-шароитлари билан белгиланади. Бу кучли ижтимоий зиддиятлар, жамият онгида оламшумул ўзгаришлар юз берган давр эди. Кучли инқилобий ҳаракатлардан сўнг уларнинг суръати пасайиб, имкониятларига ишончсизлик кучайди. Ижтимоий онгда консерватив тенденциялар устунлик қила бошлади. Англия ва Францияда монархия ва Черковнинг олдинги мавқеи тикланди. Германияда прусс монархиясининг роли кучайди. Тарихдаги бу зиддиятли воқеалар немис гносеологиясининг асосий хусусиятларини белгилаб берди.

Немис фалсафаси Ф.Бэкон ва Р.Декарт бошлаган инсон ақли имкониятларини ўрганишнинг умумий йўналишини давом эттирди. Бироқ, у ўз вазифасини нафақат инсон ақлини мадҳ этиш, балки унинг чегараларини белгилаш, эътиқод ва ақл, дин ва фанни мурасага келтириш йўллариини ҳам излашда кўрди. Бу немис фалсафаси бажариши лозим бўлган ижтимоий буюртма эди.

Даврнинг оламшумул воқеалари ижтимоий тараққиёт нафақат ақл ва фан ютуқлари, балки ахлоқ, маънавият соҳасида эришилган муваффақиятлар билан ҳам ўлчанишини намойиш этди. Инқилоб ва у билан боғлиқ урушлар даврида юз берган маънавий инқироз немис фалсафасида нафақат билиш имкониятларига, балки инсон маънавий дунёсининг барча томонлари, унинг билиш, диний, ахлоқий ва эстетик қобилиятларининг ўзаро алоқаси муаммосига ҳам эътиборни қаратишни талаб қилди. Умуман олганда, немис файласуфлари ҳақиқат, эътиқод, яхшилик ва гўзаллик ажралмасдир, деган фикрни теран асослашга ҳаракат қилдилар.

Иммануил Кант (1724—1804) немис классик фалсафасининг асосчиси. Унинг фалсафаси тушуниш учун қийин бўлиб, фалсафий билимнинг барча жиҳатларини ўз ичига олувчи кенг тизимни ташкил этса-да, асосий эътибор онтология, гносеология ва ахлоқ масалаларига қаратилади.

Кант билиш назариясининг янги концепцияси: «Соф ақл танқиди» (1781), «Амалий ақл танқиди» (1788), «Мулоҳаза юритиш қобилиятининг танқиди» (1790)да, шунингдек, файласуф ижодининг ўзига хос сарҳисоби саналувчи асар — «Соф ақл чегараларида дин» (1793) каби китобларида баён этилган.

Кант билиш назариясининг асосий қондалари қуйидагилардан иборат. Кант фикрича билиш жараёни уч босқич: 1) сезгилар даражасида билиш, 2) идрок, 3) ақлдан ўтади.

Сезгилар даражасида инсон нарсанинг мавжудлигини билади, идрок ёрдамида уни фикрлайди. Нарсани ҳақиқий билиш айнан шу икки босқични синтез қилишни талаб этади. Идрок даражасидаги билишнинг қуроли — категориялар. Улар идрокка ичдан хос. Ҳодисалар ранг-баранглиги категориялар тизимида акс этади. Категориялар ёрдамида инсон билими тасодифий эмпирик эмас, балки умумий зарур, яъни илмий хусусият касб этади. Илмий билим категориал билимдир. Бироқ, шундан сўнг Кант субъектив идеалист сифатида мулоҳаза юритади: идрок табиат қонунларини очмайди, балки уларни табиат учун белгилайди. Кант фикрига кўра, категориялар бирлиги ва уларнинг билиш (синтез қилиш) қобилияти замирида дунёнинг объектив моддий бирлиги эмас, балки ўзликни англашнинг трансцендентал бирлиги ётади.

Идрок этиш — билишнинг иккинчи босқичи. Идрокнинг кучи унинг синтез қилиш қобилиятида намоён бўлади. Бироқ, бу тўлиқ, чексиз қобилият эмас. Идрок тажриба чегарасидан ташқарига чиқа олмайди. Лекин, идрок ўз чегараларини ўзи билмайди. У доим бу чегаралардан четга чиқади, яъни ҳодисалар дунёсидан ўзидаги нарсалар дунёсига киришга ҳаракат қилади. Аммо, тажриба чегараларини тарк этгач (шу тариқа идрок эмас, балки ақлга айлангач), у ечиб бўлмас зиддиятлар соҳасига тушиб қолади, унинг мулоҳазалари эса муқаррар тарзда хомхаёлга айланади.

Ақл — билиш жараёнининг учинчи, олий босқичи. У ҳиссиёт билан бевосита эмас, балки билвосита — идрок орқали боғланади. Ақл билишнинг олий босқичи бўлса-да, идрокка кўп жиҳатдан ютқазади. У тажрибанинг мустаҳкам заминидан ажралгач, дунёқараш даражасидаги саволларнинг бирортасига ҳам узил-кесил — ҳа ёки йўқ деб жавоб бера олмайди. Дунё вақтда ва маконда бошланадими ёки у чексиз ва боқийми? Инсон жони

боқийми ёки фонийми? Ирода эркинлиги мавжудми ёки дунёда ҳеч қандай эркинлик мавжуд эмас, ҳамма нарса табиий зарурат қонунига кўра юз берадими? Худо борми ёки йўқми? Идрок бундай саволларни бера олмаган бўларди. Ақл эса бундай саволларни беради, бироқ уларга жавоб топа олмайди. Унинг даъволари имконият даражасида эмас. Соф назарий ақл ўз мағлубиятини тан олиши лозим, чунки у ўзидаги нарсаларни била олмайди.

Аммо, нима учун у шунга қарамай билишнинг олий босқичи деб эътироф этилади? Шунинг учун-ки, ақлнинг соф ғоялари (Кант уларни тамойиллар деб номлаган) билишда олий тартибга солиш вазифасини бажаради. Улар идрокка йўл кўрсатади. Ақл ғояларини уфқ чизигига ўхшатиш мумкин: гарчи, бу чизиққа етиб бўлмаса-да, у инсонга маконда мўлжал олиш, кўзланган мақсад сари тўғри ҳаракатланиш имконини беради. Шунга қарамай, Кант билиш назариясида метафизик бўлиб қолди: у ақлнинг зиддиятлилиги (яъни чексизликнинг зиддиятлилиги)ни унинг ожизлиги, нарсалар моҳиятини англашга қодир эмаслик белгиси сифатида талқин қилди. Ҳолбуки, бу амалда, Гегель кейинроқ кўрсатганидек, ақлнинг қудратли кучидан далолат беради.

Соф ақл танқидида Кант, фалсафа ўзидаги нарсалар, яъни дунёнинг олий қадриятлари ҳақидаги эмас, балки фақат билиш чегаралари ҳақидаги фан бўлиши мумкин, деган хулосага келади. Олий моҳиятлар ва олий қадриятлар — бу Худо, руҳ ва эркинлик бўлиб, уларни биз бирон-бир тажрибада кўра олмаймиз, улар ҳақида оқилона фан бўлиши мумкин эмас. Бироқ, уларнинг борлигини исботлашга қодир бўлмаган назарий ақл, бунинг аксини исботлашга ҳам қодир эмас, яъни у Худонинг борлигига, руҳнинг ўлмаслигига ва ирода эркинлигига ишонишни тақиқламайди. Инсонга эътиқод ва ишонмаслик ўртасида йўл танлаш имконияти берилган. У эътиқодни танлаши лозим, чунки виждон овози, ахлоқ овози ундан шуни талаб қилади. Аммо, бу энди назарий ақлдан амалий ақлга, гносеологиядан ахлоққа ўтишдир.

Кант фалсафада ўзига хос тўнтариш ясади ва фалсафани алоҳида фан сифатида тушуниш асосларини яратди. Янги билиш назариясини асослашга ҳаракат қилиб, у XVII-XVIII асрларнинг билишни борлиқдан кўчирилган андоза сифатида талқин қилувчи

эмпирик назарияларини танқид қилди. Кант муаммони бошқа заминга кўчирди ва фалсафада гносеологиянинг билиш жараёнига субъект — объект муносабати сифатида қарайдиган йўналишига асос солди.

Билувчи субъект — бу муайян индивид эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятлари ва билим манбаларининггина ўзида мужассамлаштирувчи қандайдир мавҳум тасаввур. Инсон онгида мавжуд бўлган мазкур қобилиятлар мажмуи унга ўзини қуршаган дунёни сезгилар ва ақлнинг априор шакллари ёрдамида тартибга солишга ёрдам беради. Бу инсон индивидуал, шахсий хусусиятларга эга эмас, деган маънони англатмайди, бироқ улар билиш жараёнида етакчи роль ўйнамаслиги керак.

Субъект қандайдир нарса, предмет ёки ҳодисанинг таъсирини сезгилар даражасида идрок этади. Бу мушоҳада юритишнинг априор шакллари ёрдамида тартибга солинувчи туйғулар ранг-баранглигини юзага келтиради. Бироқ, бу босқичда билим субъектив бўлиб қолади. Шундан сўнг идрок ишга киришади ва мавжуд билимларни тушунчалар шаклига солади, яъни уларда қандайдир умумий жиҳатларни аниқлайди. Шу сабабли пировард натижада идрок ва ақлни бирлаштирган билувчи субъектгина билим деб ҳисоблаш мумкин бўлган birlikни яратади.

Бинобарин, билимнинг турли шаклларига муайян тавсиф бериш мумкин. Масалан, математика ҳиссийликнинг макон ва вақт каби априор (яъни тажрибада кўрилмаган) шаклларига таянади. Бошқача айтганда, билувчи субъект дунёга макон ва вақтда мавжудлик нуқтаи назаридан қарайди. Айни ҳолда макон — ташқи сезгининг априор шакли, вақт эса — ички сезгининг априор шакли. Бундай априорлик математик ҳақиқатларнинг, демак, фан сифатидаги математиканинг ҳам мавжудлик имкониятини белгилайди.

Физика (ва бошқа табиий фанлар) ҳам ўз априорлиги жиҳатидан «соф» бўлган ва тажрибада «ифлосланмаган» бир қанча мушоҳадаларга таянади. Табиатшунослик априор мушоҳадалар ва идрок категорияларининг синтези сифатида амалга оширилади.

Инсон билимлари, фан ва маданият дунёси бизнинг тажрибамиз, туйғуларимиз ва ақлимиз маълумотларига асосланади. Ф.Бэкон ва Р.Декарт фан ва маданиятнинг янада ривожланиш йўллари туйғуларимиз ва мулоҳаза юритиш

қобилиятимизнинг такомиллашуви билан боғлаганида, тўла ҳақ эди. Бироқ, улар бизнинг тажрибага асосланган билимимиз ҳар қанча ривожланмасин ва такомиллашмасин, у ҳеч қачон бизга фақат сезгилар, ақл ва тажрибага асосланиб, дунёни охиригача тушуниш имконини бермаслигини ҳисобга олмаган.

Бу билим бизга табиатан берилган. У бизнинг тажрибамиздан келиб чиқмайдиган макон, вақт, сабабият, чексизлик, Худо каби категорияларда мужассамлашган. Бу инсонга олдиндан берилган тажрибада олинган материалга ишлов бериш асбобларидир. Инсоннинг тажрибада олинган билими доирасидан четга чиқувчи бу трансцендент (лотинча ўтиш, босиб ўтиш сўзидан) категориялар билиш чегараси, имкониятларини биз сезгилар ёки ақл ёрдамида бирон-бир нарсани била бошлашимиздан олдинроқ белгилаб қўяди. Шундай қилиб, бизнинг билимларимиз дунёси икки қисмдан: тажрибада олинган ва тажрибадан олдинги билимдан иборатдир.

Кантнинг билиш назариясидаги буюк кашфиёти шундаки, у билимларимизнинг икки томонламалигини, яъни улар нафақат тажрибада олинган, апостериор манбаларга, балки априор, трансцендент манбаларга ҳам таянишини аниқлади.

И.Кант гносеологиясининг онтологик хусусият касб этувчи яна бир муҳим тамойили унинг трансцендент билиш назариясидан келиб чиқади ва дунёнинг, уни ташкил этувчи барча нарсаларнинг умумий тузилишини тушунтиради. Кант фикрига кўра, инсон онги каби, дунёдаги барча нарсалар ҳам икки томонламадир. Биринчидан, бу қаршимизда нарсанинг энг ёрқин томони сифатида намоён бўлувчи, сезгиларимиз уни шундай идрок этувчи «биз учун нарса» ёки ҳодиса сифатидаги нарса. Иккинчидан, бу биз сезгиларимиз билан идрок этишга қодир бўлмаган «ўзидаги» нарса, нарсанинг бизга «қоронғи», яширин, теран томони ёки “ноумен” сифатидаги нарса.

Айни шу сабабли бизнинг дунё, нарсалар ва инсон ҳақидаги билимимиз ҳеч қачон тўлиқ, мутлақ бўлмайди, балки доим нисбий, нотўлиқ бўлиб қолади. Дунё ва инсон нима, деган саволлар доим боқий, фалсафий масалалар бўлиб қолади. Кант билиш назариясининг асосий тамойиллари ана шулардан иборат.

Шундай қилиб, Кант ўз билиш назариясида билим, фан ва маданиятнинг ролини янада юксакроқ даражага кўтарди. Унинг

билиш назариясидан онг нафақат дунёни пассив акс эттиради, балки инсонга табиатан берилган сезиш ва идрок этишининг априор шакллари ёрдамида уни фаол ўзгартиради, яратади, бунёд этади, деган хулоса келиб чиқади. Кант билиш фаолиятининг хусусиятини дунёни аниқ акс эттирувчи кўзгуга эмас, балки чизган расмлари нафақат дунёнинг ўзини, балки ижодкорнинг табиатини ҳам акс эттирувчи рассомга ўхшатиш лозим.

Айни вақтда, Кант билишнинг муайян чегаралари ҳам мавжудлигини қайд этади. «Мен яратган билиш назарияси инсон ақлини унинг имкониятлари чегараси ҳақида огоҳлантирувчи чегара посбони ёки ақлнинг димоғдорлиги деб аталувчи хавфли касалликка қарши дори бўлиб хизмат қилиши лозим», деб ёзади.¹

Кант таълимотидан инсон билимлари мажмуи билишнинг инсонга берилган априор шакллари ёрдамида нарсаларнинг бирон-бир қисми, томони, жиҳатинигина ўзига хос тарзда акс эттиради, бу нарсалар кўз ўнгимизда доимо намоён бўлади, бироқ ўзининг асл моҳиятини ҳеч қачон кўрсатмайди, «ўзидаги нарса» бўлиб қолади, деган хулоса келиб чиқади.

Кант таълимоти билишнинг ижодий табиатини ёритиб, инсон билимининг тараққиётини, олимлар, ёзувчилар ижодини рағбатлантирди, бироқ шу билан бир вақтда у инсон билимларининг нисбийлиги, у ёки бу ғоялар ёки назарияларни мутлақлаштириш, шунингдек, уларнинг яратувчиларини илоҳийлаштириш хавфли эканлиги ҳақида огоҳлантирди.

Шеллинг Фридрих Вильгельм Йозеф (1775–1854) — немис файласуфи. Бош асари: «Трансцендент идеализм тизими».

«Трансцендент идеализм тизими»нинг гносеологик ва методологик аҳамияти шундаки, бу асар билиш назариясига тарихийлик тамойилларини илк бор изчил кўринишда киритди.

Трансцендент идеализм тизими қуйидаги асосий элементлардан ташкил топади.

1. Назарий фалсафа. У ўзликни англаш учун қарама-қарши йўналишлар (объект, субъект, идеал ва реал фаолият) ўртасида кураш лозим, деган методологик қоидадан бошланади. Шеллинг ўзликни англаш фақат шу кураш жараёнида юз беришини ва

¹ Кант И. Критика чистого разума. Соч. — М.: АГРАФ. 1992. — 159-б.

«Мен» механизми тўлалигича фақат ўзликни англашни ташкил этувчи қарама-қаршиликлардан келтириб чиқарилиши мумкинлигини қайд этади. Бунда у икки ҳолатни: «Мен» эндигина юзага келган ва «Мен» аниқ-равшан кўриниб турувчи ҳолатларни фарқлайди. Бунда биринчи ҳолат «Мен»дан ташқарида, иккинчи ҳолат — «Мен»нинг ичида бўлади. Шу муносабат билан онг қайси ҳолатдан бошланишини аниқлаш ва унга мазкур чегарадан, яъни онгдан ташқарида ётган нарсаларни аралаштирмаслик жуда муҳимдир.

Шеллинг ўз асарида тарихийлик тамойилидан фойдаланиб, ўзликни англаш тарихида уч асосий даврни (босқични): дастлабки сезишдан самарали мушоҳада юритишгача; самарали мушоҳада юритишдан рефлексиягача; рефлексиядан ироданинг мутлақ ҳаракатигача бўлган даврларни фарқлайди. Бунда Шеллинг онг, ўзликни англаш ва жамиятнинг шаклланиш жараёнини одамларнинг амалий фаолияти билан боғлашга ҳаракат қилди.

2. Амалий фалсафа. Унинг бош тушунчаси — «тарих», боғловчи муҳит сифатидаги объектив дунёда юз берувчи ва ақлли жонзотлар сифатидаги одамлар эркинлигининг шарти ҳисобланувчи одамларнинг ўзаро алоқасидир. Бошқача айтганда, бу жаҳон тарихидаги объектив қонуният ҳақидаги муҳим масаланинг қўйилишидир.

3. Табиий мақсадлар фалсафаси. Бу ерда Шеллинг қуйидаги антиномияни таърифлайди: кўр-кўрона кучлар маҳсули бўлган табиат амалда мақсадга мувофиқлик руҳи билан суғорилгандир. Бу антиномиянинг ечимини у субъект ва объектнинг дастлабки айничилигини эътироф этиш йўлида кўради: умуман, табиатда ва унинг айрим маҳсулларида мақсадга мувофиқликка фақат мушоҳада юритиш йўли билан эришиш мумкин. Бу мушоҳадада тушунча ҳақидаги тушунча ва объектнинг ўзи дастлабки тарзда ва узвий боғланади — шунда натижа мақсадга мувофиқ тарзда намоён бўлиши лозим.

4. Санъат фалсафаси — трансцендентал идеализм тизимининг охири бўлими. Унинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

а) санъат — умуман билишнинг олий шакли, чунки фақат у яхлит инсонга олий билимга эришиш имконини беради. Санъат амалий фойдага ҳам, ахлоққа ҳам, фанга (фалсафага) ҳам бўйсунishi мумкин эмас, чунки у ҳамма нарсадан олийроқдир;

б) санъатнинг устунлиги шундаки, унинг асарларида онгли ва онгсиз фаолият айнияти акс этади. «Бизда мужассамлашган бу теран зиддият»ни айнан ва фақат санъат ечишга қодир. Санъат — бу назарий ва амалий нарсалар ўртасидаги қарама-қаршилик баргараф этилиб, онгли ва онгсиз табиат ва эркинликнинг тўла уйғунлигига, идеалга эришилувчи жабҳа;

в) санъат ўз ривожланиш жараёнида спираль ташкил этади: қадимда ундан (аниқроғи поэзиядан) фалсафа ва бошқа фанлар туғилган;

г) санъат — эркинлик ва заруриятнинг юксак бирлиги. Инсоннинг ижодий табиати тўла давра айланиб, санъатда ўзининг яқуний ифодасини топади. Санъат инсонга “олий”ни билиш даражасига етиш имконини беради.

Гегель Георг Вильгельм Фридрих (1770—1831) — немис классик фалсафасининг йирик намояндаси. Энг муҳим асарлари: уч жилддан иборат «Мантиқ фани» (1812—1816), «Фалсафа фанлари энциклопедияси» (1817), «Рух феноменологияси» (1807), «Фалсафа тарихи бўйича маърузалар» (1833—1836), «Эстетика бўйича маърузалар» (1835—1838), «Тарих фалсафаси» (1821).

Гегель фалсафа тарихидан энг катта фалсафий тизим яратувчиси сифатида ўрин олди.

«Рух феноменологияси»да инсон онги шаклланишининг дастлабки кўринишларидан, унинг фан ва илмий методологияни онгли ўзлаштирган, мутлақ билим (фалсафа) вужудга келган пайтгача кўриб чиқилади. Шу тариқа феноменология индивидни одатдаги онгдан фалсафий тафаккур ва мутлақ билим сари юксалтирувчи «билим зинапояси» сифатида намоён бўлади.

Бунда онгнинг бир босқичдан бошқа босқичга ўтиши нарса ва у ҳақдаги билим ўртасидаги, моҳият ва ҳодиса ўртасидаги қарама-қаршилик билан белгиланади. Бинобарин, «Рух феноменологияси»да ғоянинг ҳаракати мавҳумдан муайян сари юксалишдан иборат бўлиб, бунда ҳар бир кейинги босқич олдинги босқичларни ўзида мужассамлаштиради ва уларни янги, юқорироқ даражада акс эттиради.

«Рух феноменологияси»нинг энг муҳим оқилона ғоялари қуйидагилардан иборат.

1. Тарихийлик тамойилини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Тарихийликнинг билиш қонуни (принципи) сифатида зарурлиги Гегелда аввало у яратган фалсафий тизимнинг таянч нуқтаси —

борлиқ ва тафаккурнинг айнийлиги ҳақидаги ғояни исботлаш заруратидан келиб чиқади. Гегель «Рух феноменологияси»да мутлақ ғоянинг «табиий онг»дан борлиқ ва билимнинг тўла айнийлигига эришилувчи «соф тушунча»га қадар ривожланиш жараёнини кўрсатади, шу муносабат билан мазкур ривожланишнинг ҳар қандай натижаси бу натижага олиб келган йўлни тўғри тушунмасдан англаб етилиши мумкин эмас, деган муҳим методологик қондани таърифлайди. Гегель фикрига кўра, қуруқ натижа эмас, балки амалий натижа ўзининг вужудга келиш жараёни, яъни предметнинг бутун тарихи билан бирга «ҳақиқий яхлитлик» ҳисобланади.

2. Гегель одамлар ҳаётида, шу жумладан, улар онгининг шаклланишида меҳнат фаолиятининг муҳим ролини қайд этар экан, инсонни ўз меҳнатининг маҳсули сифатида тушуниб, меҳнатнинг моҳиятини аниқлайди, бироқ унда бу мавҳум-маънавий меҳнатдир. Гегель фикрига кўра, меҳнат фаолияти жараёнида инсон нафақат нарсаларни, балки ўзини ҳам шакллантиради, яратади.

3. Тарихни индивиднинг биргаликдаги фаолияти маҳсули сифатида, уларни яратиш табиатини эса — жамият маҳсули, одамлар ижтимоий-тарихий фаолиятининг натижаси ва жараёни сифатида тушунади.

4. Фалсафани ривожланувчи яхлит билим тизими сифатида тасаввур қилади. Гегель фалсафа фақат оқилона тушунчалар шаклида самарали ривожланиши мумкин, деб ҳисоблайди.

5. Уч босқичлилиқ — «триада» (тезис — антитезис — синтез) ғоясининг шаклланиши, спираль бўйлаб ривожланиш шакли аниқланади.

6. Ижтимоий онг асосий шакллари: фалсафа, дин, санъат, ахлоқнинг ўзаро алоқаси ва субординацияси таҳлил қилинади.

7. Ҳақиқатни жараён деб тушунади. Гегель таъбири билан айтганда, ҳақиқат тайёр ҳолда берилиши ва чўнтакка солиб қўйилиши мумкин бўлган зарб қилинган танга эмас. Гегелда ҳақиқат ўзининг қарама-қаршиси бўлган хато билан узвий боғлиқ.

Рационализм ривожланишининг Р.Декарт бошлаб берган ва И.Кант давом эттирган тарихий йўналиши Гегель фалсафасида ўз чўққисига етди. Гегель фалсафаси — бу ақлга таъзимдир, бироқ, айни вақтда, бу йўналиш мазкур ғоянинг камчиликлари ва заиф жиҳатларини ҳам аниқлаш имконини берди.

Гегель фикрига кўра, ақл ҳар нарсага қодир қудратли кучдир.

Бирок, Кант ҳар томонлама ва тегна талқик этган инсон ақлининг чегаралари муаммоси Гегель эътиборидан четда қолди.

Хулосалар. Фалсафа тарихида Шеллинг, И. Кант, Г.Гегель ва бошқа файласуфлар ижоди жуда муҳим роль ўйнади. Уларнинг фалсафий тизимида идеалистик йўналиш, монизм ҳам, рационализм ва детерминизм, яъни дунёнинг ривожланиш жараёни қонуний белгиланганлиги ҳақидаги тасаввур ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган бўлса-да, фан ва фалсафий фикрнинг кейинги ривожига дастуруламал бўлиб хизмат қилди.

Тажрибавий амалий матилар:

Эмпиризм, рационализм, идоллар, индукция, дедукция, маърифат, трансцендент, ақл, идрок, руҳ феноменологияси, Кант, Гегель, Шеллинг.

Қўшимча ва тушунтирувчи матилар



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ф.Бэкон эмпирик билиш назариясининг мазмуни нимадан иборат?
2. Унинг ақл идоллари ҳақидаги таълимотининг моҳияти нимада?
3. Ф.Бэкон қайси билиш методиини бош метод деб ҳисоблаган?
4. Р.Декарт рационализмнинг мазмуни нимадан иборат?
5. Декарт гносеологик ва онтологик қарашларининг ўзаро алоқаси нимада?
6. Спиноза гносеологиясининг мазмуни қандай?
7. Лейбниц плюрализмнинг моҳияти нимада?
8. Маърифат фалсафасининг тарихий асослари нималардан иборат?
9. Маърифатпарварлик гносеологиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
10. Кант билиш назариясининг маъноси ва тарихий аҳамияти нимадан иборат?
11. «Нарса ўзида» тушунчаси нимани англатади?
12. Мутлақ ғоя нима?
13. Гегелнинг «Руҳ феноменологияси» асари мазмуни нимадан иборат?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари:

1. Янги даврда фалсафий тафаккурнинг ривожланишига таъсир кўрсатган ижтимоий-маданий омиллар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Англияда фуқаролар уруши билан бир вақтда ижтимоий-буржуа инқилоби (1640—1688).

Б. Манудалилура ишлаб чиқаришидан фабрика шароитида машинада ишлаб чиқаришга жадал суръатларда ўтилишида намоён бўлган саноат инқилоби.

В. Фанни жамият ҳаётининг мустақил ва муҳим соҳасига айлантирган бир қанча янги географик, астрономик, физик кашфиётларда ўз ифодасини топган илмий инқилоб.

Г. Барча жавоблар тўғри.

2. Янги давр Европа фалсафаси қандай номланади?

А. Классик фалсафа

- Б. Ноклассик фалсафа
- В. Маърифатчилик фалсафаси
- Г. Антик фалсафа

3. Сенсуализм сўзнинг келиб чиқиши ва маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Лотинча, “сенсус” – сезги
- Б. Юнонча “сенсес” – сезги
- В. Инглизча “сенсис” – сезги
- Г. Французча “сенсузо” – ҳис қилимоқ

4. Янги даврда эмпиризмнинг йирик намояндалари сифатида кимлар эътироф этилади?

- А. Ф.Бэкон ва Ж.Локк
- Б. Р. Бэкон ва Т. Мор
- В. И.Кант ва Гегель
- Г. Шеллинг ва Ф. Бэкон

5. “Фалсафа, аввало, амалий хусусият касб этиши лозим”, деган фикр кимга тегишли?

- А. Ф.Бэкон
- Б. Р. Бэкон
- В. И.Кант
- Г. Шеллинг

6. Қайси методда фикр юқоридан пастга, умумий мулоҳазалардан муайян далиллар сари ҳаракатланади?

- А. Дедукцияда
- Б. Индукцияда
- В. Анализда
- Г. Синтезда

7. Томас Гоббс фикрича қандай билим ишончли билим бўла олади?

- А. Ақлга мувофиқ тарзда исботлаш мумкин бўлган билимлар
- Б. Сезги ва хотира орқали олиш мумкин бўлган барча билимлар
- В. Мантиқий мушоҳада натижасининг объектив оламга мувофиқ келишига замин яратадиган билимлар

Г. А ва В жавоблар тўғри

8. Декартнинг фикрича тажрибанинг асосий вазифаси нима?

- А. Фақат ақл маълумотларини амалда текшириш
- Б. Фақат тасаввур этилган ҳолатни исботлаш
- В. Фақат табиат ва инсон борлиғи уйғунлигини исботлаш
- Г. Фақат табиат ва инсоннинг илоҳийлигини исботлаш

9. Декарт билиш назариясида ҳақиқий билимга эга бўлишнинг воситаси нима?

- А. Шубҳа
- Б. Тажриба
- В. Кузатиш
- Г. Мантиқ

10. Оқилона билишнинг энг самарали методи сифатида Декарт қайси методни ёқлайди?

- А. Дедукцияни
- Б. Индукцияни
- В. Экспериментни
- Г. Анализни

11. Декартнинг дуализмига монизм тамойилини қарши қўйган файласуф ким?

- А. Б.Спиноза
- Б. Ф.Бэкон
- В. Р. Бэкон
- Г. Т.Гоббс

12. Инсон онгини туғилганда тоза тахтага ўхшатган файласуф ким?

- А. Ж.Локк
- Б. Б.Спиноза
- В. Д.Юм
- Г. Р. Бэкон

13. Жон Локк аниқлик жиҳатида билимнинг неча турини фарқлайди ва улар қайсилар?

- А. Уч — интуитив, намоёнин бўлувчи ва сезилувчи билимлар
- Б. Уч — интуитив, мантиққа йўналтирувчи ва ҳис қилтирувчи
- В. Икки — интуитив ва сезилувчи билимлар
- Г. Тўрт — интуитив, мантиқий, ҳиссий ва илоҳий

14. Давид Юм фикрича ҳақиқий билим асосан қандай хусусиятга эга бўлиши лозим?

- А. Мантиқий
- Б. Тажрибавий
- В. Далилланган
- Г. Илоҳий

15. “Инсон ақли ҳақида янги тажрибалар”, “Теодицея”, “Монадология” асарлари муаллифи ким?

- А. Г.Лейбниц
- Б. Ж.Локк
- В. Б.Спиноза
- Г. Д.Юм

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси —Т.: Университет, 2005.
2. Фалсафа асослари. Қ. Назаров таҳрири остида Т.: Шарқ, 2005.
3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. —Т.: 2008.
4. Алексеев П.В., Панин А.В. Теория познания и диалектика. — М.: 1991.
5. Ильин В.В. Теория познания. Введение. Общие проблемы. — М.: 1994.
6. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация / Под ред. О.Файзуллаева. — Т.: 2000.
7. Декарт Р. Рассуждения о методе. — М.: Наука, 1994.
8. Бэкон Ф. Новый Органон. — М.: Наука, 1992.
9. Кант И. Критика чистого разума. — М.: АСТ, 1994.
10. Современная западная философия. — М.: АСТ, 2000.
11. Гегель Ф.В. Феноменология духа. — М.: Наука, 1994.

XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ГНОСЕОЛОГИЯСИ

Ғарб фалсафасида XIX аср охирида бошланган жараёнлар XX асрда унинг янги, ҳозирги ноклассик типни вужудга келиши билан яқунланди.

Ҳозирги ғарб ноклассик фалсафаси муайян яхлитлик, бирликни, ифода этувчи фалсафий тафаккур шаклланишининг ўзига хос босқичидир. Унда айрим асосий йўналишлар – позитивизм, неопозитивизм, структурализм ва ҳоказолар фарқланади.

Сциентистик тенденция фалсафани ижтимоий фанга айлантириш ва дунёқараш масалаларидан халос бўлишга интилиш билан боғлиқ. Уни аввало позитивизмнинг ҳар хил, шу жумладан, социология соҳасидаги шакллари ифода этади.

Уларга фалсафанинг ижтимоий билим учун илмийликнинг ягона андозасини яратишга ҳаракат қилувчи йўналиши – структурализм яқин туради.

Антисциентистик, кўп жиҳатдан иррационалистик тенденцияси Фалсафанинг салбий ижтимоий ва табиий жараёнларга сабаб бўлиб, онг ва билишнинг бошқа ноилмий шаклларини четга чиқариб қўяди, деб ҳисоблайди. Фалсафий мулоҳаза юритишнинг бу типни аввало ҳаёт фалсафаси, экзистенциализм ва герменевтикани ўз ичига олади.

Мавҳум-метафизик тенденция фалсафани борлиқ ва билишнинг теран асосларини аниқловчи «мутлақ фан» сифатида тасаввур қилиш билан боғлиқ. Фалсафа ўз мазмунини ижтимоий фанларнинг далиллари ва қонунларидан қатъий назар кенг ифодамайди, дсб ҳисобланади. Бу тенденцияни диний фалсафанинг турли йўналишлари ифода этади. Бунга феноменология йўналиши ҳам яқин туради.

Энди ҳозирги замон ғарб фалсафасининг билиш назарияси муаммолари таҳлил қилинувчи энг нуфузли йўналишларини кўриб чиқамиз.

Позитивизм фалсафанинг кенг тарқалган йўналишларидан биридир. Унинг муаммолари илмий билимнинг фалсафий таҳлили атрофида жамланади.

Позитивизм сохта билимдан ҳақиқий билимни ажратишга ҳаракат қилувчи ижобий билимнинг фалсафий доктринасини англатади.

Бундай ижобий билимлар айрим фанларни билиш билан тенглаштирилади: позитивизмга дунёқараш муаммоларини ўз ичига олувчи анъанавий фалсафага нисбатан ўта салбий муносабат хосдир.

Позитивизмнинг биринчи тарихий шакли XIX асрнинг 30–40-йилларида вужудга келган ва у илк позитивизм деб аталган. Унга француз файласуфи Огюст Конт асос солган.

Огюст Конт фикрига кўра, фаннинг вазифаси нарсани тушунтириш эмас, балки унга тавсиф беришдир. Фан «нима учун?» деган саволга жавоб беришга қодир эмас, у далилларни қайд этиш ва «қай тарзда?» деган саволгагина жавоб бериш билан kifояланиши лозим. Шу ҳолдагина у ижобий бўлиши мумкин. Контнинг фалсафани ижобий билим тамойилларига мувофиқ тузишга уриниши табиатшунос олимлар давраларида ўз издошларини топди.

Илк позитивизм асосчилари олимларни ҳиссий ҳодисалар жабҳасига чуқур киришга уринишлардан воз кечиш ва уларни тавсифлаш билан kifояланишга чақирдилар. Бу ёндашув ҳиссийлик жабҳаси ортида қандайдир борлиқнинг мавжудлигини назарда тутди.

Илк позитивизмнинг ўзига хос хусусияти шундаки, О.Конт ва унинг бошқа намояндлари фалсафанинг асосий вазифасини муайян фанларнинг амалда мавжуд моддий дунё ҳақидаги маълумотларини умумлаштириш ва тизимга солишдан иборат деб билдилар. Бошқача айтганда, бу босқичда позитивизм ҳали ташқи дунёнинг мавжудлигини тан олувчи материалистик таълимот бўлиб қолди.

Эмпириокритицизм – позитивизмнинг иккинчи тарихий шакли XIX–XX асрлар чегарасида юзага келди. Унинг энг машҳур намояндлари – Э.Мах (1838–1916) ва Р.Авенариус (1843–1896). Илк позитивизмдан фарқли ўлароқ, эмпириокритицизм фалсафага «иккинчи позитивизм»ни синтез қилувчи фан сифатида ёндашади, уни билиш назариясига боғлайди. Эмпириокритицизм «тажриба танқиди» деган маънони англатади ва «тажрибани метафизик табиатни ўзгартирувчи барча қоидалардан тозалаш»ни назарда тутди. Э.Мах фикрига кўра, тажриба амалда «дунё элементлари» ҳисобланувчи сезгилардан иборатдир.

Бинобарин, позитивизм ўзининг маҳизм шаклини касб этган

иккинчи босқичида бутун фалсафий фаолиятни инсон тажрибаси ҳиссий асосининг руҳий-физиологик шакллари таҳлилига боғлади. Махизм фалсафасида дунё «сезгилар мажмуи» тарзида намоён бўлдики, бу материализмдан бутунлай воз кечилиши, инглиз файласуфи Берклининг субъектив идеализми ўзига хос тарзда тикланишини англатар эди.

Иккинчи позитивизм яратувчилари билиш жараёнининг назарий моделини тузишга ҳаракат қилган бўлсалар, неопозитивизм, позитивизмнинг учинчи тарихий шакли сифатида, илмий назарияларнинг ҳақиқатнамолигини, уларнинг нисбий қимматини аниқлаш методларини ўз фалсафий фаолиятининг предметига айлантирди. Бу босқич вакиллари (Карнап, ва бошқалар) позитивизмнинг асосий тамойилларига таяниб, анъанавий фалсафа тушунчалари ноилмийдир, чунки уларни тажрибада текшириш мумкин эмас, деб эълон қилдилар.

Неопозитивистлар у ёки бу илмий хулосалар, концепциялар ва назарияларнинг тўғрилиги, ҳақиқийлигини текшириш методларига асосий эътиборни қаратдилар. Улар ҳозирги илмий билимларнинг ҳақиқийлигини текширишнинг асосий тамойиллари: верификация, фальсификация ва конвенция тамойилларини таърифлаб бердилар.

Верификация (лот. «verus» — ҳақиқий ва «facio» — бажараман) тамойили нуқтан назаридан ҳиссий тажриба далиллари билан тасдиқланувчи илмий қоидаларгина ҳақиқий ҳисобланади. Бошқача айтганда, тажрибада синалиши мумкин бўлган мулоҳазаларгина аҳамият касб этади.

Неопозитивизм метафизик фаразларни аниқлаш ишида верификация тамойили муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган. Бироқ, бу тамойил ўзини оқламади, чунки у фан тузилиши ва динамикасига мос келмасди. Верификация тамойилига қарши қуйидаги эътирозлар мавжуд:

Фанда тажрибада синаш мумкин бўлмаган билимлар ҳанузгача мавжуд. Бироқ, уларни кейинчалик кузатиш ва эксперимент техникаси ривожланганидан сўнг текшириш имконияти пайдо бўлиши мумкин. Масалан, О.Конт осмон jismlарининг кимёвий таркиби ҳақидаги масалани метафизик масала деб ҳисоблаган. У мазкур масаланинг ечимини топиш мумкин эмаслигини қайд этган. Конт вафотидан сўнг орадан икки йил ўтгач, спектрал

анализ пайдо бўлди ва унинг ёрдамида осмон жиёмларининг кимёвий таркиби аниқланди.

Тарихий билим — ўтмиш ҳақидаги, ҳозир мавжуд бўлмаган нарсалар ҳақидаги билим. Верификация тамойили эса мавжуд борлиққа таянишни талаб қилади. Бироқ, ўтмишни ҳам билиш мумкин. Верификация тамойилига кўра эса, барча тарихий мулоҳазалар маъносиздир.

Маъноли мулоҳазалар мажмуини неопозитивизм икки турга — синтетик ва аналитик мулоҳазаларга ажратади. Верификация тамойилининг ўзини мулоҳазаларнинг қайси турига киритиш мумкин? Бу тавтология ҳам, тажрибада синалган (синтетик) мулоҳаза ҳам эмас. Мазкур тамойилнинг келиб чиқиши фалсафий хусусиятга эга, моҳият эътибори билан бу мантиқий позитивизм қабул қила олмайдиган метафизик қондадир.

Фальсификация тамойили илгари сурилган қондаларни тасдиқлашга эмас, балки рад этишга қараб мўлжал олади. У илмийликка даъвогар бўлган қондаларни рад этишга ҳаракат қилишни назарда тутати. Илгари сурилган қонданни рад этиб бўлмаса, уни ҳақиқий ёки ҳеч бўлмаса ўринли деб ҳисоблаш мумкин. Рад этилган қондадан эса воз кечилиши лозим.

Фанни ўрганиш соҳасидаги фалсафий йўналиш сифатида, неопозитивизм 50-йиллар охири — 60-йилларнинг бошларида ўз нуфузини йўқотди, ва шу даврда «Тўртинчи позитивизм» ёки постпозитивизм майдонга чиқди. Унинг энг машҳур намояндалари қаторига К.Поппер, И.Лакатос, Т.Кун, С.Тулмин, П.Фейерабенд, Д.Агащани киритиш мумкин.

Постпозитивизмнинг неопозитивизм билан ғоявий алоқаси шунда ифодалангани-ки, улар асосан, илмий билим таҳлили билан шуғулланган, тилга катта эътибор берган. Бироқ, мантиқий позитивизм асосан, мавжуд илмий билим тузилишини ўрганишга эътиборни қаратган бўлса, постпозитивизмнинг бош муаммосини илмий билим динамикаси ташкил этади. Бу ўзгариш фанни фалсафий ўрганиш масалалари доирасининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди. Постпозитивизмни аввало илмий билимнинг ижтимоий-маданий омиллари, янги назарияларнинг юзага келиши, уларнинг олимлар ҳамжамияти томонидан қабул қилиниши, рақобатлашувчи илмий концепцияларни таққослаш ва танлаш мезони қизиқтиради.

Агар мантиқий позитивизмга эмпирик билимни ишончли ва барқарор билим сифатида ишончсиз ва ўзгарувчан назарий билимга қарши қўйиш хос бўлса, постпозитивизмга эса, аксинча, билимнинг бу икки даражаси бир-бирига ўтиши ҳақидаги қараш хосдир. Зеро постпозитивизм таълимоти назариянинг эмпирияга таъсири кучли эмаслиги, далилларни аниқлаш учун назария талаб этилиши, шу сабабли далиллар назарияга маълум даражада боғлиқ бўлиши ёки ҳатто уларни белгилаши ёритиб берилган.

Постпозитивизм концепциясининг навбатдаги хусусияти — шундаки илмий билимнинг ривожланишини талқин қилишда кумулятивизмдан воз кечилган. Илк позитивизм илгари сурган кумулятивистик ёндашув фаннинг изчил ривожланиши, билимларнинг аста-секин тўпланиб боришини назарда тутди. Постпозитивизм фан ҳақидаги бундай тасаввурдан воз кечади. У фан тарихида инқилобий ўзгаришлар юз бериши муқаррарлигини асослашга ҳаракат қилади. Постпозитивистлар фикрига кўра, инқилоб натижасида фанда илгари эътироф этилган ва асосланган билимлар, нафақат назариялар, балки методлар ва омиллар ҳам қайта кўрилади.

Учинчи ва тўртинчи позитивизм ўртасида фанни сохта фан (метафизика)дан фарқлаш масаласида ҳам жиддий тафовутлар мавжуд. Позитивизм метафизикани фандан чиқариб ташлашни бош вазифаларидан бири деб ҳисоблаган.

Постпозитивизм эса илмий билим ва фалсафа ўртасида қатъий чегара ўтказишдан бош тортади. У фалсафий қоидаларнинг асослилигини ва уларни фанлардан чиқариб ташлаш мумкин эмаслигини тан олади. Фан фалсафасида кенг қўлланилувчи «парадигма» (Т.Кун), «илмий тадқиқот дастури» (И.Лакатос) каби тушунчалар фалсафий (метафизик) унсурлардан иборат. Шунингдек, постпозитивизмнинг айрим намояндалари (П.Фейерабенд) фан, фалсафа ва афсона ўртасида бирон-бир фарқни кўришдан бутунлай бош тортади.

Постпозитивизм фан ташқи (ижтимоий, маданий) омиллар билан белгиланиши ҳақидаги ғояни тан олади. Бу жиҳатдан ҳам постпозитивизм мазкур фалсафий йўналишнинг олдинги шаклларида анча фарқ қилади.

Постпозитивизм вакили **Томас Кун**нинг эпистемологик концепцияси унинг «Илмий инқилоблар структураси» асарида

ифодаланган бўлиб, бу ерда у позитивистик анъаналарни танқид қилади.

Т. Кун фикрига кўра, фан тарихи эпистемологиянинг базиси ва асосий материалига айланиши лозим.

Фан — билимлар тизими эмас, балки аввало илмий ҳамжамиятлар фаолиятидир. Муаммо бундай қўйилганида фалсафа фанининг дастлабки нуқтаи назарлари ва хатти-ҳаракатларида мужассамлашган алоҳида нормативлик ва маънавий-методологик мустақилликка бўлган барча даъволар уз аҳамиятини йўқотади. Улар илмий ҳамжамият фаолиятининг асосий усулига, унинг заминиди шаклланган фан матрицаси ва парадигмасига боғлиқ бўлиб қолади. Т.Куннинг «Илмий инқилоблар структураси» асари таъсирида илмий ҳамжамият тушунчаси фаннинг барча соҳаларидан мустақкам ўрин олди. Фаннинг ўзи гоълар тизимининг ривожланиши сифатида эмас, балки илмий ҳамжамият фаолиятининг маҳсули сифатида тушунила бошланди.

Илмий ҳамжамиятни маълум ихтисосликка ва ўхшаш илмий тайёргарликка эга тадқиқотчилар ташкил этади. Илмий ҳамжамият вакиллари, одатда, ўхшаш касбий кўникмаларга эга ва илмий адабиётларнинг муайян мажмуини ўзлаштирган бўлади. Илмий ҳамжамият бу муайян билим соҳаси мутахассисларининг ҳамжамияти ёки маълум илмий муаммони ўрганувчи тадқиқотчилар гуруҳидир.

Фаннинг ривожланиш жараёнида илмий ҳамжамиятнинг родини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- мазкур ҳамжамият вакиллари фан мақсадларини ва ўз соҳасининг вазифаларини бир хил тушунадилар. Шу тариқа улар у ёки бу фаннинг предмети ва унинг ривожланиши ҳақидаги тасаввурлар тизимини тартибга келтирадилар;

- уларга универсализм хос бўлиб, буни улар ўз тадқиқотларида ва ўз ҳамкасбларининг тадқиқотларига баҳо беришда ҳисобга оладилар, бу ерда улар билимларни асослаш ва исботлашнинг умумий мезонлари ва қоидаларига амал қиладилар;

- илмий ҳамжамият тушунчаси билимларни жамлашнинг коллектив хусусиятини қайд этади. У билишнинг коллектив субъекти номидан иш кўради, билиш фаолияти натижаларига келишиб баҳо беради, ички меъёрлар ва идеаллар тизими — фан этосини яратади ва қувватлайди;

• илмий ҳамжамиятнинг барча аъзолари муайян парадигмага – илмий муаммоларни қўйиш ва ечиш модели (андозаси)га амал қилади. Ёки, Т.Кун таъбири билан айтганда, парадигма тадқиқотчи олимлар гуруҳини бошқаради. Олимларнинг ўзлари кўпроқ парадигма ҳақида эмас, балки назария ёки назариялар тўплами ҳақида сўз юритишни маъқул кўрадилар.

Фан ривожланишининг Кун таклиф қилган модели турли илмий ҳамжамиятлар ўртасидаги рақобат кураши ҳодисалари олдинма-кетин юз беришини назарда тутати. Қабул қилинган парадигма ҳукмронлиги даври, «нормал фан» босқичидан кейин парадигманинг инқироз даври келади ва бу илмий инқилоб атамаси билан ифодаланади. Рақобатлашаётган тарафлардан бирининг ғалабаси фаннинг нормал ривожланиш босқичини тиклайди. Парадигма юзага келишидан олдинги давр далилларнинг тартибсиз тўпланиши билан тавсифланади. Бу даврдан чиқиш илмий амалиёт андозалари, назарий қоидалар, дунёнинг аниқ манзараси белгилангани, назария ва методнинг бирлашувини англатади.

Илмий парадигманинг алмашиши, инқилобий ўзгаришлар босқичига ўтиш фан матрицаси элементлари, тадқиқот техникаси, методлар ва назарий фаразлар тўла ёки қисман ўзгаришини назарда тутати. Эпистемологик қадриятлар мажмуи тўла ўзгаради.

Т. Кун фикрига кўра, илмий оқилоналикнинг умумий мезонлари нисбий хусусият касб этади. Ҳар бир парадигма ўз муаммолари соҳасида яратилган андоза ва мезонларга таянади, шу сабабли улар формал мантиқ андозаларига мувофиқ бўлиши шарт эмас, аммо улар, соғлом фикрга зид келмаслиги лозим. Шу боисдан фанни интеллектуал фаолиятнинг бошқа турларидан фарқлаш имконини берувчи чегара (демаркация) ҳақида гапириш анча қийин. У ҳар сафар янгидан ўрнатилади. Т. Кун фикрига кўра, фан учун ягона ва универсал метод мавжуд эмас, кузатишларнинг универсал баённомалари ҳам йўқ, серқамров метатарихий луғат ҳам бўлиши мумкин эмас. Олимнинг дунёга муносабати унинг муайян парадигмага амал қилиши билан белгиланади, тарихий ва ижтимоий далилларга боғлиқ бўлади.

Т. Кун парадигма концепциясини ҳар томонлама ҳимоя қилади. «Парадигма», деганда у маълум вақт мобайнида илмий ҳамжамиятга муаммоларни қўйиш ва ечиш андозасини берувчи

кенг эътироф этилган илмий ютуқларни тушунади. Парадигма илмий ҳамжамият томонидан қабул қилинган ва илмий анъананинг мавжудлигини таъминловчи эътиқодлар, қадриятлар ва техника воситалари мажмуини англатгани боис, Т.Кун фундаментализм тамойилларини рад этади. Илмий парадигмага боғлиқ бўлмаган омиллар йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Унинг фикрича, кузатишнинг эмпирик жиҳатдан нейтрал тили ҳам бўлиши мумкин эмас. Илмий ҳамжамиятга қўшилган олимлар дунёга қабул қилинган парадигма нуқтаи назаридан қарайдилар. Зеро, далиллар назарияни белгиламайди, балки назария ўзининг англаб етилган тажрибасига кириши мумкин бўлган у ёки бу далилларни танлайди. Кун янги парадигма ривожланишининг дастлабки босқичида унинг тарафдорига айланган одам бу парадигманинг муваффақиятига ишониши лозим, деб ҳисоблаган.

Парадигма структурасига нималар киради?

Биринчидан, символик умумлаштиришлар — қонунлар, таърифлар ва кўп ишлатиладиган атамалар.

Иккинчидан, универсумнинг у ёки бу онтологиясини белгиловчи метафизик мўлжаллар мажмуи.

Учинчидан, айрим вазифаларни ечишнинг умумий қабул қилинган андозалари, схемалари.

Т.Кун парадигмани ўлчаш мумкин эмас, деган тезисни илгари суради. У фаннинг ривожланиш тарихидаги ворисийликни рад этади. Фан динамикасини у узлуксиз эмас, балки узлукли деб билади. Унинг фикрига кўра, илмий ҳамжамиятлар бир-бирини сиқиб чиқаради, олдинги парадигма тўплаган билимдан эса воз кечилади.

Т.Кун парадигма тушунчасини янада аниқроқ экспликация қилишга уриниб, уни кейинчалик олимларнинг муайян фанга мансублигини ҳам, илмий фаолият қоидалари тизимини ҳам ҳисобга олувчи фан матрицаси тушунчасига айлантирди. Фан матрицасининг структурасига назар ташлар эканмиз, унинг парадигма структурасига ўхшашлигини кўришимиз ва матрицанинг қуйидаги элементларини қайд этишимиз мумкин.

Символик умумлаштиришлар: бу ерда илмий гуруҳ аъзолари шак-шубҳасиз ва яқдиллик билан фойдаланувчи иборалар назарда тутилади. Улар формал хусусият касб этади ёки осонгина формаллаштирилади.

Зарур қоидалар (ёки метафизик парадигмалар): мазкур фан доирасида тан олинган қадриятлардир. Аксарият ҳамжамиятларда бирдамлик туйғуси айнан қадриятларнинг бирлиги туфайли юзага келади.

Карл Поппер (1902–1994). Энг муҳим асарлари: «Илмий тадқиқот мантиқи» (1935), «Очиқ жамият ва унинг душманлари» (1945), «Тарихийликнинг қашшоқлиги» (1963), «Объектив билим. Эволюцион ёндашув» (1972), «Реализм ва фан мақсади» (1983).

Поппер фалсафанинг бош мақсади илмий билимнинг ўсишини, айниқса, — илмий космологияни ўрганишдан иборат деб билган. Илмий космология дунёни, шу жумладан, инсонни (ва унинг билимини) бу дунёнинг қисмлари сифатида билишни назарда тутди. Поппер фикрига кўра, фалсафанинг алоҳида методи мавжуд эмас — масалалар аниқ қўйилувчи ва таклиф этилган ечимлар танқидий таҳлил қилнувчи ҳар қандай оқилона мунозара методи мавжуд. У верификация тамойилига зид ўлароқ фальсификация методини (ҳар қандай фикрни рад этиш мумкинлиги тамойилини) таклиф қилди, билимни ташкил этиш назарий ва эмпирик даражаларининг уйғун бирлигини, шунингдек, гипотетик хусусияти ва хато қилиши мумкинлигини (ҳар қандай фаннинг фаллибиллизи принципини) қайд этди. Фальсификация тамойили фан учун муайян аҳамиятга эгадир. Салбий текшириш у ёки бу қоиданинг ҳақиқийлигини исботламаса, уни узил-кесил рад этади. Бироқ, фальсификация тамойили фақат рад этишга қараб мўлжал олади: у билимларни ўстириш жараёнини муваффақиятли амалга ошириш имконини бермайди, агар у ёки бу назарияни рад этувчи маълумотлар топилса, бу назариядан бутунлай воз кечилади.

Назариялар ўртасида ворисийлик мавжуд бўлиб, у Нильс Борнинг мувофиқлик тамойилида ўз ифодасини топган.

Илмий билимни ноилмий билимдан, фанни метафизикадан ажратишни (ёки демаркация муаммосини) Поппер муҳимлик мезонларини яратиш мўлжалларига қарши ўлароқ муҳим аҳамиятга эга деб белгилади.

Илмий билимнинг ўсишини Поппер ижтимоий ўзгаришлар умумий жараёнларининг айрим ҳодисаси сифатида талқин қилади (ва уларнинг доирасида муаммолар ва уларни ечишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб ҳисоблайди). Илмий билиш

тарихи — бу дадил фаразлар ва уларни рад этишлар тарихидир. Поппер таъбири билан айтганда, «фан» деган одам «тараққиёт» дейди ва аксинча (Вена тўғараги вакилларидан фарқли ўлароқ, Поппер нормал фанга ривожланувчи фан сифатида ёндашади ва унинг ўсишини қадрсизлантирувчи методологияни тузишга ҳаракат қилади). Бирдан-бир илмий билимга эришиш, шунингдек, ҳақиқатнинг тагига етишга яқинлашиш, Поппер нуқтаи назаридан, фақат хатолар ва янглишишлар элиминацияси маҳсули сифатида амалга ошиши мумкин: фан яхлитлигининг асоси сифатида олдиндан белгиланган идеал ва илмий тилнинг ҳақиқийлиги эмас, балки борлиқнинг бирлиги амал қилади. Фанлар бу борлиқни англаш жараёнида ўсиб боровчи жараён тарзида бир-бирига яқинлашади. Оқилоналашув даражаси, Поппер фикрига кўра, илмий инқилобларнинг интенсивлиги билан белгиланади.

Поппер таълимоти контекстида фалсафа ва фаннинг ўзаро нисбати йўлидаги энг катта тўсиқ — фалсафий билимнинг ўзига хослигидир. Поппер фикрига кўра фалсафа ва фанни аниқ ажратиш натурфалсафанинг спекулятив тамойиллари ва фан фаразларини фарқлаш учун зарурдир.

Бу контекстда Поппер фан ва фалсафани эмас, балки догматик ва эвристик билимни ажратишни маъқул кўрган.

Имре Лакатос (1922—1974). Британиялик фан файласуфи ва тарихчиси Имре Лакатос ўзининг илк асарларида фаразлар ва рад этишлар мантиқининг ўзига хос вариантини билимнинг ўсиши муаммосининг реконструкцияси сифатида тузишга ҳаракат қилди. XVII-XIX асрлар математикаси унинг таҳлили предметига айланди. Кейинчалик, у ўз фикрига кўра, фанларнинг ривожланиш замирида ётувчи илмий тадқиқот дастурларининг рақобати ғояларини асослашга яқинлашди. «Менинг ёндашувим тадқиқот дастурларидан иборат «расо фан» билан синов ва хатоларнинг сийқаси чиққан андозасидан ташкил топган «норасо фан»ни фарқлашнинг янги мезонини назарда тутди», деб ёзди олим. Лакатос ўз концепциясини асослашда фан тарихини ўрганишга алоҳида эътибор берган.

Лакатос фикрига кўра, илмий дастур илмий билимнинг асосий бирлигидир. У илгари сурган концепция нуқтаи назаридан фаннинг ривожланиши тадқиқот дастурларининг ўзгаришидир.

«Мен фаннинг узлуксизлигига Поппер кўзойнаги орқали қарайман, — деб тан олади у. — Шу сабабли Т.Кун парадигмаларни кўрган жойда мен оқилона тадқиқот дастурларини ҳам кўраман». Тадқиқот дастури узлуксиз ривожланувчи асос, асосий ғоялар ва тамойиллар бирлиги билан боғлиқ назариялар мажмуи ва кетма-кетлиги сифатида тушунилади. Асосий назария кейинги назарияларнинг юзага келишига асос бўлади ва уларнинг ҳар бири олдинги гипотезага қўшимча гипотеза киритиш орқали ривожланади. Лакатос «расо фан» ва «норасо фан»ни фарқлашни бир неча асосларга кўра амалга оширади. «Расо фан» шу билан тавсифланадики, у:

- илгари маълум бўлмаган далилларни башорат қилади;
- янги ёрдамчи назарияларни олдиндан айтиб беради;
- эвристик кучга эга бўлади;
- назарий жиҳатдан мустақил бўлади.

Узлуксиз дастур алоҳида норматив қоидалар билан муҳофаза қилинади.

Тадқиқот дастури таркибига қаттиқ ўзак, фундаментал фаразлар, ижобий эвристика қоидалари (улар тадқиқотларни амалга ошириш йўллари белгилайди) ва салбий эвристика қоидаларини (улар тақиқларни, қайси йўллардан юрмаслик кераклигини кўрсатади) киради. Фундаментал фаразлар ўзига хос хусусият касб этади ва шартли равишда рад этилмаган деб олинади. Қаттиқ ўзак илмий дастурнинг барча назарияларида ўзгаришсиз сақланаётган муайян илмий ва онтологик фаразлар мажмуидан ташкил топади.

«Салбий» эвристика қоидалари тадқиқот дастурининг қаттиқ ўзагини ҳатто у аномалиялар билан тўқнаш келган ҳолда ҳам қайта кўришни ман этади. Илмий тадқиқот дастури маълум даражада догматик хусусият касб этади. Бир марта қабул қилинган назариянинг догматик тўғрилиги ўз ижобий аҳамиятига эгадир. Усиз олимлар назариядан унинг имкониятлари, кучи ва аҳамиятини англашдан олдинроқ воз кечган бўлар эди. Шу тариқа у муайян назариянинг кучи ва афзалликларини яхшироқ тушунишга кўмаклашади. Унинг изларига Куннинг «нормал фан» даври тавсифидаёқ дуч келиш мумкин.

Назариянинг «қаттиқ ўзаги» яхшироқ сақланиши учун кўшимча гипотезаларнинг «сақлагич камари» ташкил этилади.

Бу гипотезалар аномалияларга мослашиб, ўз шакл-шамонилини ўзгартириши мумкин. Бу билан Лакатос аномал вазиятларга тушувчи ёки қарши мисоллар билан тўқнаш келувчи назарияларга баҳо беришда фальсификационизмга ҳаддан ташқари берилишнинг олдини олишга ҳаракат қилган.

У ёки бу тадқиқот дастурини методологик таҳлил қилиш техникаси бир қанча босқичлардан иборат:

- тадқиқот дастурининг оқилона реконструкциясини илгари суриш;

- уни ҳақиқий назария билан таққослаш;

- уни тарихийлик ва оқилоналикнинг мавжуд эмаслиги учун танқид қилиш.

Узлуксиз ўсиш талаби Лакатос оқилона реконструкциясининг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Тадқиқот дастури илмий билимнинг ривожланишида континуаллик жиҳатларига урғу бериши лозим.

Умуман олганда, олимнинг концепцияси мантиқий-норматив хусусият касб этади. Илмий тадқиқот дастури илмий билим ривожланиш йўллариининг кўп сонлилиги ва ранг-баранглигини чеклар, фан тарихи турли назарияларнинг юзага келиши, ривожланиши ва рақобати тарзида намоён бўларди. Айни вақтда, тадқиқот дастурлари, асосий назариялар ҳамда илмий билимнинг ўзгариши ва ривожланиши ранг-баранг шакллари, механизмнинг амалда мураккаблиги таклиф этилган модель билан уйғунлаша олмас эди.

Пол Фейерабенд. Америкалик файласуф ва методолог олим Пол Карл Фейерабенд 1924 йилда туғилган.

Фейерабенднинг концепциясида Витгенштейн ижоди сўнгги даврининг таъсири, таниқидий рационализмга мойиллик ва ҳатто «илмий материализм» тамойилларига дуч келиш мумкин. Бу олим янги муаммоларни табиий-илмий дунёқараш ва методология нуқтаи назаридан тушунишга ҳаракат қилганлигидан далолат беради.

Фейерабенд XX асрнинг 70-йиллар охирида фан фалсафасида шаклланган ва «фан файласуфлари»нинг асарларида ифодаланган «антагонистик ғоялар», оқибатлар ва натижалар тўғрисида сўз юритади. Фан нима, у қай тарзда иш кўради, унинг натижалари қандай, деган саволларни бериб, мутафаккир уларга жавобан фан

фаолиятини бошқарувчи алоҳида илмий метод, яъни қоидалар мажмуи мавжудлигини қайд этади.

Фан ва кумулятивизмнинг мавжуд гипотетик-дедуктив моделига файласуф назарий реализм ғоясини қарши қўяди. Табиатшуносликни тавсифлаш амалиётини умумлаштириш асосида юзага келган кумулятивизм билим ўсишининг содда талқини, яъни ҳақиқий қоидаларнинг жамланган йиғиндисига янги фикрлар аста-секин қўшилишини назарда тутлади. Унда хатолар фақат билимнинг ўзгариши, эски билимдан воз кечилиши ва қабул қилинган билимнинг рад этилишига йўл қўйилмайдиган субъектив жараён сифатида талқин қилинади. Эмпирик кумулятивизм билимнинг ўсишини унинг эмпирик мазмуни бойиши билан тенглаштиради. Рационалистик кумулятивизм билим ривожланишининг шундай бир усулини назарда тутадикки, унда ҳар бир кейинги элемент мавжуд мавжум тамойиллар ва назарий хулосалар тизимига киритилади.

Фейерабенд илгари сурган назарий реализм ғояси билимнинг актуал ўсишига ўзаро мос тушмайдиган (ягона мантиқий асос билан дедуктив боғланмаган ва ҳар хил тушунчалар ва методлардан фойдаланувчи) назарияларнинг кўпайиши (пролиферацияси) натижасида амалга оширилишини қайд этади. Тажриба доим назарий асосланган тажрибадир, у ёки бу назариянинг қабул қилиниши эса идрок этиш тизимини белгилайди.

Методолог асослаб берган пролиферация (назарияларнинг кўпайиши) тамойили қабул қилинган нуқтаи назарлар ҳатто старли даражада тасдиқланган ва кенг эътироф этилган бўлса ҳам уларга мос тушмайдиган назарияларни яратишга рухсат беради. Фан ривожланишининг турли босқичларига ёки айни бир босқичига мансуб бўлган муқобил назариялар ва концепцияларнинг ўзаро мос келмаслиги ва уларни бир-бирига ўтказиш мумкин эмаслиги ҳақидаги тезисни илгари суриш йўли билан Фейерабенд пролиферация тамойилининг талабларини янада кучайтиради.

Назарий методологик имморализм позицияси билимнинг тенг ҳуқуқли типлари тўплами фан ва шахснинг ривожланишидан далолат берувчи борлиқдир, деган ғояга таянади. Фейерабенд фикрига кўра, муқобиллар ўртасидаги кураш даврлари энг самарали даврлардир. Муқобил концепцияларнинг куртаклари

олимнинг турли фалсафий ва методологик нуқтаи назарларида яшириндир.

Назариялар плюралиزمи гоёсини Фейерабенд анъаналар плюрализмигача кенгайтиради. Шу муносабат билан фан илмий элита мафкуриси сифатида ўз ўрнидан маҳрум этилиши ва мифология, дин билан тенглаштирилиши лозим. Бундай ўта антисциентистик ёндашув танқидий рационализмга қарши қаратилган ва фалсафа хусусиятини янгича баҳолайди.

Фейерабенд фикрига кўра, олимлар фаолиятида ҳақиқат эмас, балки индивидуал қобилиятларнинг ривожланиши, билиш ва унинг чин оқилоналиги эмас, балки чекланмаган, мутлақо эркин хулқ-атвор муҳимдир. Унинг кўпгина гоёлари академик фалсафа вакиллари лол қолдирган.

Фейерабенд концепциялари баъзан, анархистик эпистемология деб аталади. Бу қисман шу билан изоҳланади-ки, Фейерабенд ягона универсал методнинг мавжудлигини мутлақо ўринли рад этади. Бундан ташқари, олимлар «ҳамма нарсa мумкин» деган тамойилга амал қилишларига унинг ишончи комил. Бир методга қатъий риоя этиш ва унинг барча талабларини бажариш, Фейерабенд фикрига кўра, талқинот амалиётига ҳам, билишнинг ижодий табиатига ҳам мос келмайди.

Шу сабабли фаннинг обрўси ҳаётнинг бошқа ҳар қандай шакли обрўсидан ортиқ эмас.

Бироқ, плюралистик методологиядан фойдаланиш нимани англатади? Фейерабенд фикрига кўра, олим гоёларни тажриба билан эмас, балки бошқа гоёлар билан солиштириши ва беллашувда мағлуб бўлган концепциялардан воз кечмасдан, уларни яхшилашга ҳаракат қилиши лозим. Шундай иш кўриш йўли билан у “Борлиқ” китобида баён этилган инсон ва космос концепциясини сақлаб қолади ва улардан эволюция назариясида ва бошқа янги концепцияларда муваффақиятга эришиш учун фойдаланади. Унинг «Методологик мажбурлашга қарши билишнинг анархистик назарияси очерки» (1970) релятивизмга ўйилган машҳур ҳайкалдир.

Бу асар матнининг асосий мазмунини ифодаловчи тезислар қуйидагилардан иборат:

• назарий анархизм унинг қонун ва тартибга таянувчи муқобилларидан инсонийроқ ва прогрессивроқдир;

• «ҳамма нарса мумкин» тамойили тараққиётга тўсқинлик қилмайдиган бирдан-бир тамойилдир;

• яхши тасдиқланган назарияларга зид гипотезалардан фойдаланиш, индукцияга қарши иш кўриб фанни ривожлантириш мумкин;

• мувофиқлик шарти оқилона эмас, чунки у яхшироқ эмас, балки эскироқ назарияни сақлаб қолади, бир андозалилик индивиднинг эркин ривожланишини хавф остида қолдиради;

• қанча эски ва абсурд бўлмасин, бизнинг билимимизни яхшилашга қодир бўлмаган ғоя мавжуд эмас;

• ва ниҳоят, методологнинг энг кучли фикрларидан бири: фан мавжуд бўлса, ақл универсал бўлиши мумкин эмас ва нооқилоналикни бартараф этиш мумкин эмас. Фаннинг бу ўзига хос хусусияти анархистик эпистемологияни талаб қилади¹.

Илмий изланиш асослари муаммосини Фейерабенд ўзига хос тарзда талқин қилади. У янги методологик парадигмада нарсага теран назар ташлаш ва олимни амалда нима чеклашини тушуниш муҳимдир.

Фейерабенд фикрига кўра, агар олим «хоҳлаган ишингни қил» деган тамойилга амал қилса, унинг далиллари диалектик хусусият касб этади, яъни андозаларнинг қайд этилган тўпламига эмас, балки ўзгарувчи оқилоналикка таянади. Бошқа томондан, агар олимдан илмий метод нима, деб сўралса, у аниқ жавоб бера олмаса керак. Олимлар ўз тадқиқотлари жараёнида айнан нима қилаётганларини камдан-кам ҳолда биладилар.

Фейерабенд методологиясида барча гносеологик амаллар ва оқилоналикнинг плюралистик ўзгаришига қараб мўлжал олингани бежиз эмас. У фан фалсафасининг мазкур босқичига хос бўлган эпистемологик тадқиқотларда билиш имкониятларининг очиклиги ва унинг демократиялашувига интилишни акс эттиради.

Майкл Полани (1891—1976) яратган яширин шахсий билим концепцияси ўзига хослиги ва олдинги босқичнинг норматив-рационалистик муаммоларига номувофиқлиги билан ажралиб туради.

¹ *Қараг:* Фейерабенд П. Очерк анархистской теории познания. — М.: АСТ, 1996. — Б.156.

М. Полани эпистемологиясида антропологик мўлжаллар анча кучлидир. Унинг асосий тезислари:

- Фанни маҳоратли одамлар яратади;
- Билиш фаолияти санъатини дарсликдан ўрганиш мумкин эмас. У фақат бевосита маҳорат билан ўтади;
- Фанни яратувчи одамлар бошқалар билан алмаштирилиши ва ўзлари яратган билимдан ажратилиши мумкин эмас;
- Илмий билиш фаолиятида фанга, унинг қимматига бўлган ички ишонч кечинмалари шахсий тажрибаси мотивлари, шунингдек, олимнинг манфаатдорлиги, шахсий масъулияти ўта муҳим аҳамият касб этади.

М. Полани учун шахсий билим — бу билувчининг интеллектуал жонбозлиги, фидокорлигидир. У номукаммалликдан далолат берса-да, бироқ билимнинг зарурий элементи ҳисобланади. У бизнинг дунё манзарамиздан инсон имкониятларини чиқариб ташлашга бўлган ҳар қандай уриниш муқаррар тарзда мантиқсизликка олиб келишини қайд этади. Ҳақиқатни аниқлаш бизнинг формал белгилаш мумкин бўлмаган айрим хусусий, имплицит асосларимиз ва мезонларимизга боғлиқ бўлиб қолишига олимнинг ишончи комил. Сўзларда ифодаланган ҳақиқат мақомий тегишли тарзда чекланиши ҳам муқаррардир.

Полани эътиқоднинг билиш жараёнидаги улкан ролга янгича баҳо беради. У эътиқод обрўсизланиши натижасида ҳозирги одам динга эътиқод қилиш билан боғлиқ вазиятларнинг чекланган сонидан бирон-бир фикрларни ишонч билан қабул қилиш қобилиятини йўқотганини, эътиқод ҳодисаси умумийликни билиш имконини бермайдиган субъектив рўё мақомини олганини қайд этади. Муаллиф фикрига кўра, биз бугун эътиқод билим манбаи ҳисобланишини яна тан олишимиз лозим. Жамиятдаги ўзаро ишонч тизими замирида эътиқод ётади. Очиқ ва яширин муроса, интеллектуал эҳтирослилик, маданий ворисийлик — буларнинг барчаси эътиқод билан узвий боғлиқ турткиларни назарда тутаяди. Ақл эътиқодга ўзининг муҳим асоси сифатида таянади, бироқ ҳар сафар унга шубҳа билдиришга қодир. Аксиомалар, қондалар ва тамойиллар тўпламларининг пайдо бўлиши ва мавжудлиги ҳам бизнинг дунё билиш мумкин бўлган стук ва уйғун бирлик эканлигига бўлган ишончимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Билиш маҳоратини тавсифлаш ва тил воситалари билан ифодалаш мумкин эмаслиги муаллиф учун ойдек равшандир. Бу тезис фаннинг бир хиллаштирилган тилини яратиш вазифасига, ҳеч шубҳасиз, зиддир. Мутафаккир фикрига кўра, илмий мақолалар ва дарсликларнинг матнларида ифодаланган илмий билим онг диққат марказида турувчи билимларнинг бир қисми, холос. Уларнинг иккинчи қисми билиш жараёнига доимо йўлдош бўлган четдаги (ёки яширин) билим ярмида жамлангандир. Бу билимни «сезиларни тусмоллаб англаш» билан ўхшашлик бўйича ва қўлда мавжуд асбоб ёрдамида талқин қилиш мумкин. Шусиз фаолият жараёни изчил амалга ошириши мумкин эмас. Билиш асбоб ёки мўлжал сифатида фойдаланилувчи айрим нарсаларни тартибга солиш ва уларни сунъий назарий ёки амалий натижада расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Бу ҳолда бизнинг онгимиз бош «онг нуқтаси»га, биз пировард натижада эришадиган яхлитликка нисбатан «периферик» ҳисобланади.

Талқинчилар М.Полани таклиф қилган шахсий билим концепциясида тафаккур ва нутқнинг уч асосий соҳаси ёки уч вариантини фарқлайдилар.

Биринчиси сўздаги ифодаси ўзига тўқ бўлмаган яширин билим соҳаси билан тавсифланади. Бу соҳани ифодалаб бўлмайдиган билим соҳаси деб номлаш мумкин. У кечинмаларга ва ҳаёт таассуротларига асосланган билимларни қамраб олади. Бу теран шахсий билимларни ифодалаш ва ижтимоийлаштириш жуда қийин. Санъат доим бу вазифани ўз воситалари билан ечишга ҳаракат қилган. Ҳамдардлик ҳаракатида дунёга ва ҳаётга ҳаёт драмаси қаҳрамонининг кўзлари билан қараш кўникмаси акс этган.

Иккинчиси – нутқ воситалари билан анча яхши ифодаланувчи билим соҳаси. Бу ерда тафаккур элементи яхши тушунарли нутқ билан узатилиши мумкин бўлган ахборот тарзида мавжуддир, шу боис бу соҳада сукут сақловчи билим ўзи ифодаланган матн билан мос тушади.

Тушуниш мушкул бўлган учинчи соҳада тафаккурнинг новербал мазмуни ва нутқ воситалари ўртасида фикрнинг мазмунини концентуаллаштиришга халақит берувчи номувофиқлик мавжуд. Бу яширин билим ва формал билим бири-бирига боғлиқ бўлмаган соҳадир.

Шахсий, яширин билим ҳажмига объект билан танишиш

механизми ҳам киради. Бу механизмнинг амал қилиши натижасида объект ҳаёт фаолияти жараёнига қўшилади, у билан муомала қилиш кўникмалари ва маҳорати шаклланади.

Шундай қилиб, объект билан танишиш у ҳақдаги дастлабки билим сифатида, инсоннинг шахсий билимига айланади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, кўникмалар фаолият тарзига кўра ўхшаш бўлса-да, амалда ҳар хил ва ўзига хосдир. Бировнинг кўникмаси вазифаси шахсий билимнинг ўз қатламини юзага келтиради.

М.Полани концепциясининг янгилиги шундаки, унда илмий қоидалар маъноси яширин билимнинг, ўз тарап асосларида инструментал хусусият касб этувчи «билим»нинг мавҳум контекстига боғлиқ бўлади. У инсоннинг бугун моддий тузилиши билан белгиланади ва артикуляция қилинмай қолган инструментал билим билан узвийдир. Полани маъно эълон қилинувчи мулоҳазада мужассамлашган шахсий иншонч билан ҳам узвий эканлигини қайд этади.

М.Полани илмий билим ўсишининг билиш фаолиятининг амалдаги шахсий-когнитив механизмлари ҳисобга олинувчи янги моделини ўйлаш лозим, деган хулосага келди.

Стивен Тульмин (1922–1997) бутунлай бошқача методологик мўлжал — эволюцион эпистемология асосчиси. Мазкур йўналишнинг умумий маъноси шундан иборатки, у билишни жонли табиат эволюциясининг лаҳзаси сифатида ўрганади ва билиш механизмларини эволюция нуқтаи назаридан ёритади. Эволюцион эпистемология соф эволюция ва билиш жараёни биологиясининг ўхшашлиги ғоясига асосланган ва инсоннинг билиш аппарати бу биологик эволюция жараёнида ривожланган мослашув механизмидир, деган тасаввурга таянган. Эволюцион эпистемологлар фикрига кўра, айти шу сабабли билиш механизми эволюцион тип бўйича ривожланади ва тегишли равишда ҳозирги замон эволюция назариясига мувофиқ тушунилиши мумкин.

Эволюцион эпистемология инсоннинг биологик эволюция маҳсули сифатидаги талқинидан келиб чиқувчи билиш назариясидир.

Шундай қилиб, эволюцион эпистемологиянинг асосий назарий манбаси сифатида органик эволюция концепцияси амал қилади. Эволюцион эпистемологиянинг икки хил маъносини фарқлаш лозим:

• билиш воситалари, шакллари ва методларининг (билиш органларининг) ривожланишини эволюцион схема ёрдамида тушунтиришга уриниш;

• билим мазмунини (ахборотнинг пайдо бўлишини) эволюцион тушунтиришга ҳаракат қилиш. Бу ерда ўзгарувчанлик, танлаш ва мустаҳкамлаш тушунчалари маълум аҳамият касб этади.

Эволюцион эпистемологиянинг биринчи маъносида дунёни аниқ акс эттириш имкониятини таъминловчи билиш органлари, когнитив структуралар ва билиш қобилиятларининг эволюцияси масалаларига урғу берилади. Тульмин бизнинг билиш аппаратимиз эволюция маҳсулидир, деган фикрни илгари суради. Тирик организмларнинг нерв системаси ва идрок этиш органлари миллионлаб йиллар мобайнида борлиқни мумкин қадар аниқ акс эттиришни таъминлайдиган тарзда ўзгариб борган.

Агар организм бундай мосламалар билан таъминланмаганида, унинг мавжудлиги ва ривожланиши мумкин бўлмас эди. Перцептуал тизимда ўзи яшайдиган муҳит шароитларига мос равишда қониқарли ҳаракат қилиш имконини берувчи организмларгина яшаб қолади ва насл қолдиради. Билишнинг субъектив структуралари борлиққа мос тушади, чунки айнан шундай ҳолат яшаб қолиш имкониятини таъминлайди.

Эволюцион эпистемологиянинг иккинчи маъноси фалсафа фанининг бевосита предметида, чунки унда ўз хусусиятига кўра эволюцион бўлган илмий билимнинг ўсиши моделига урғу берилади.

Бу ерда фалсафа фани концепцияларидан бири сифатидаги эволюцион эпистемология тўғрисида сўз юритилади. У эволюция динамикасининг мантиқий талқинига мос тушувчи илмий билим динамикасини кўрсатади. Мазкур йўналиш ҳам фаннинг эволюцион назарияси деб аталади.

Структурализм ва постструктурализм. Позитивизм билан структурализм узвий боғлиқ. Структурализм (лог. structura — тузилиш, жойлашиш, тартиб) — ғарб фалсафасининг янги йўналишларидан бири.

Структурализм, умумий фалсафий-эпистемологик тасаввурлар, методологик мўлжаллар ва ўзига хос таҳлил бирлаштирувчи айрим фанлар (лингвистика, адабиётшунослик,

этнография, тарих, эстетика, санъатшунослик, психология, социология, фалсафа)даги йўналишлар мажмуи сифатида. XX аср бошидан 40-йилларгача шаклланди.

Структурализмнинг кўпгина ғоялари юзага келишига туртки берган мутафаккирлар қаторига В.Гумбольдт (инсон онги дунёсини моделлаштиришда тилнинг динамик роли), Ч.Пирс (семиотика асосчиси), Э.Кассирер (инсон ҳуқ-атвори ва онгининг шаклланишида тил, мифология ва санъат символлик тизимларининг роли)ни киритиш мумкин.

Структурализмнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг тарафдорлари инсон ҳиссий идрок этиши мумкин бўлган барча ҳодисаларга «феноменлар», яъни ички, теран ва шу сабабли «ноаниқ» структураларнинг сиртда намоён бўлиши (манifestация) сифатида қараганлар ва уларни ёритишни ўз вазифаси деб ҳисоблаганлар.

Бу вазифани ҳал қилишда структурализм пафоси ижтимоий фанларга аниқ фанлар мақомини беришга қаратилди.

Структура тушунчаси структурализмнинг бош тушунчаси ҳисобланади. Структура деганда турли ички ва ташқи ўзгаришларда ҳар хил, кўп вариантли тушунчалар мажмуи ёки, структуралистлар таъбири билан айтганда, ҳар қандай диахроник ривожланувчи тизимнинг синхрон қайд этилиши тушунилади. Структурализмда кўпинча модель сифатида белгиланувчи ҳар қандай структура уч зарурий шарт: элементлар мустақил бутунга яхлит бўйсуниши; трансформация — бир кичик структура бошқа кичик структурага юзага келиш қоидаларига мувофиқ тартибли ўтиши; ўзини ўзи тартибга солиш — мазкур тизими доирасида қоидаларнинг ички тартибга солинишини қаноатлантириши лозим. Шундай қилиб, структура нафақат объектнинг барқарор скелети тарзида, балки риоя қилиш бир объектдан иккинчи, учинчи ва ҳоказо объектларни олиш имконини берувчи қоидалар мажмуи сифатида амал қилади.

Бунда айрим объектлар тўпламининг ягона структуравий қонуниятларини аниқлашга бу объектларнинг фарқларини эътибордан соқит этиш ҳисобига эмас, балки ягона мавҳум инвариантнинг муайян вариантлари сифатида қайд этилган бир-бирига ўтишлар динамикаси ва механикасини таҳлил қилиш йўли билан эришилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, структуралистлар фойдаланувчи асосий тушунчалар улардан талқиқотчилик мақсадларида

фойдаланилган махсус фанлар доирасида ишлаб чиқилган. Шу сабабли асосий категориялар ва гоёлар бу йўналишнинг бош шакллари билан мақсадга мувофиқдир.

Постструктуралистлар (Деррида, Делез, М.Фуко ва ҳ.к.) структурани ва билимдаги барча ноструктуравий нарсаларни уларнинг генезиси ва тарихий ривожланиши нуқтаи назаридан англаб етишга ҳаракат қилдилар.

Кўрсатилган ёндашувларнинг иккаласи ҳам ижтимоий билим хусусиятлари ва методларини, унинг фаолияти умумий механизмларини, табиий илмий билимдан фарқларини, у ёки бу ижтимоий-маданий шакллар (тил, санъат, адабиёт, мода ва ҳ.к.) юзага келишини билишда синхрон ва диахрон нарсаларнинг бирлигини ўрганган.

Структуралистлар бундай ҳодисаларни ўрганишда структура тарихдан объективроқ, муҳимроқ ва бирламчиरोқ деб ҳисоблаган бўлсалар, постструктуралистлар бунга зид хулосани илгарини сурганлар. Улар ўз фалсафий қарашларида агностицизм (нотарихийлиги)ни енгиш, инсон ва жамиятни тил структуралари ёрдамида объектив билишга уринишда юзага келувчи жумбоқларни аниқлаш ва ўрганишга ҳаракат қилдилар.

Постструктурализмда ҳамма нарса тенг ҳуқуқли, бир хилда муҳим ва қимматлидир. Бу ерда диалектик оппозиция тамойилига кўра тузилган одатдаги категориялар аппарати: моҳият – ҳодиса, шакл – мазмун, сабаб – оқибат ва ҳоказолар ўз маъносини йўқотади. Ҳодиса – моҳиятни аниқлаш эмас, у ўзига тўқ ва фақат ўзини, ҳаёт ранг-баранглиги қирраларидан бирини ифода этади. Ҳаётнинг ранг-баранглиги эса фақат бирортаси ҳам имтиёзли ҳолатда бўлиши мумкин бўлмаган билиш субъектлари позицияларининг кўп сонлилиги билан англаб етилади.

Постструктурализм ўзига азалдан хос бўлган омилларнинг табиий давоми ҳисобланиб, назарий ҳаракат сифатида структурализм танқиди тарзида тўрт асосий йўналишда ривожланади:

- структуравийлик муаммоси;
- белгилilik муаммоси;
- коммуникативлик муаммоси;
- субъектнинг яхлитлиги муаммоси.

Айни вақтда, постструктурализм намояндалари объективлик, метод ва илмийлик аҳамиятга эга эмас ва билиш жараёнининг

изланувчи мақсадлари сифатида амал қилмайди, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, билиш жараёни субъект, истак, тасаввур ва билишда муҳим роль ўйнавчи бошқа шахсий фазилатларсиз амалга ошириши мумкин эмас. Шу сабабли постструктуралистик субъект — бу билим эгаси ва билим ҳимоячиси эмас, балки вазифаси қандай йўл билан бўлмасин борлиққа киришдан иборат бўлган афсунгар, санъаткор, бола, инқилобчи ва шу қабилардир.

Хулосалар. XX аср Ғарб фалсафасининг ўзига хос хусусияти, унда билим ўсишга таъсир қилувчи асосий омиллар турлича талқин қилинишида намоён бўлади. Бу даврда инсоннинг билувчанлик қобилияти улуғланади.

Тажрибавий амалий матилар:

Позитивизм, неопозитивизм, постпозитивизм, структурализм, постструктурализм, эволюцион эпистемология, шахсий билим, илмий инқилоб, очиқ билим, яширин билим, эмоционал анархизм.

Қўшимча ва тушунтирувчи матилар



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Позитивизм ривожланишининг асосий босқичларини ва улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
2. Постпозитивизмнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари нималардан иборат?
3. Структурализмнинг постструктурализмдан фарқи нимада?
4. Эволюцион эпистемологиянинг аҳамияти нимада?
5. Шахсий билимнинг қандай турлари мавжуд?
6. Тадқиқот дастурининг хусусиятлари нималарда ифодаланади?
7. Илмий билишда парадигмалар қандай роль ўйнайди?
8. К.Поппер билим ўсишининг ўзига хос хусусиятларига қандай тавсиф берган?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. XIX аср охири ва XX аср бошидаги Фарб фалсафаси қандай ном билан даврийлаштирилади?

- А. Ноклассик давр
- Б. Постноклассик давр
- В. Модернистик давр
- Г. Постмодерн давр

2. Ноклассик даврда Фарб фалсафасида қандай янги оқим ва йўналишлар вужудга келди?

- А. Позитивизм, неопозитивизм, структурализм, прагматизм, экзистенциализм
- Б. Феноменология, оккультизм, марксизм, номинализм
- В. Схоластика, неопозитивизм, структурализм, прагматизм, экзистенциализм

Г. А ва Б жавоблар тўғри

3. Сциентистик тенденциянинг моҳияти нима?

- А. Фан натижалари фақат ижобий характерга эга
- Б. Фан натижалари антигуманистик характерга эга
- В. Фан ва фалсафа ҳеч қачон ўзаро мувофиқ бўла олмайди
- Г. Фан инсон тақдирини ўзгартириш хусусиятига эга.

4. Ҳаёт фалсафаси, экзистенциализм ва герменевтика вакиллари қарашларида фан натижаларига нисбатан қайси ёндашув кучлироқ?

- А. Антисциентистик
- Б. Сциентистик

В. Гуманистик

Г. Антигуманистик

5. Позитивизмнинг асосчиси ким?:

А. О.Конт

Б. Р.Карнап

В. Г.Спенсер

Г. Р. Бульман

6. Қайси фалсафий таълимот сохта билимдан ҳақиқий билимни ажратишга ҳаракат қилувчи ижобий билимнинг фалсафий доктринасини илгари сурди?

А. Позитивизм

Б. Экзистенциализм

В. Прагматизм

Г. Феноменология

7. Позитивизмнинг иккинчи тарихий шакли қандай номланади?

А. Эмпириокритицизм

Б. Постпозитивизм

В. Неопозитивизм

Г. Мантиқий позитивизм

8. Позитивизмнинг учинчи тарихий шакли қандай номланади?

А. Неопозитивизм

Б. Постпозитивизм

В. Эмпириокритицизм

Г. Мантиқий позитивизм

9. Позитивизмнинг тўртинчи тарихий шакли қандай номланади?

А. Постпозитивизм

Б. Неопозитивизм

В. Эмпириокритицизм

Г. Мантиқий позитивизм

10. Постпозитивизм ва неопозитивизм ўзаро боғлиқлиги нимада кўзга ташланади?

А. Уларнинг иккиси ҳам илмий билим таҳлили билан шуғулланган, тилга катта эътибор берган

Б. Уларнинг иккиси ҳам илмий билимларнинг тараққиётлар тўқнашувига таъсирини ўрганган

В. Уларнинг иккиси ҳам фан мантиғи ва тафаккур услубини таҳлил қилган

Г. Улар ўртасида мутлақо боғлиқлик йўқ

11. XX асрда фалсафий-эпистемологик тасаввурлар, методологик мўлжаллар ва ўзига хос таҳлил бирлаштирувчи айрим фанлар (лингвистика, адабиётшунослик, этнография, тарих, эстетика, санъатшунослик, психология, социология, фалсафа)даги йўналишларни бирлаштирган фалсафий таълимотни аниқланг.

- А. Структурализм
- Б. Постпозитивизм
- В. Семиотика
- Г. Феноменология

12. Инсоннинг биологик эволюция маҳсули сифатидаги талқин этувчи фалсафий таълимот бу — ...

- А. Эволюцион эпистемология
- Б. Феноменология
- В. Структурализм
- Г. Герменевтика

13. «Илмий инқилоблар структураси» асари муаллифи ким?

- А. Томас Кун
- Б. Стивен Тульмин
- В. Мишель Фуко
- Г. Юрген Хабермас

14. И.Лакатос илгари сурган «Расо фан»нинг асосий хусусиятларини аниқланг?

- А. Илгари маълум бўлмаган далилларни башорат қилади
- Б. Янги ёрдамчи назарияларни олдиндан айтиб беради
- В. Эвристик кучга эга бўлади ва назарий жиҳатдан мустақил бўлади
- Г. Барча жавоблар тўғри

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси —Т.: Университет, 2005.
2. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири остида. —Т.: Шарқ, 2005.
3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. —Т.: Университет, 2005.
4. Кун Т. Структура научных революций. — М.: 1975.
5. Лакатос И. Фальсификация и методология научно-исследовательских программ. — М.: 1995.
6. Поппер К. Логика и рост научного знания. — М.: 1993.

7. Поппер К. Открытое общество и его враги. В 2-х т. — М.: 1992.
8. Постмодернизм и культура. — М.: 1991.
9. Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. — М.: 1986.
10. Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук. — СПб.: 1994.
11. Фуко М. Воля к истине: по ту сторону знания, власти и сексуальности. Работы разных лет. — М.: 1996.
12. Фуко М. История безумия в классическую эпоху. — СПб.: 1997.
13. Полани М. Личностное знание. — М.: 1985.
14. Рикер Поль. Герменевтика. Этика. Политика. — М.: 1995.
15. Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. — М.: 1991.

II БОБ. БИЛИШ НАЗАРИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

БИЛИШ НАЗАРИЯСИ ФАЛСАФИЙ ФАН СИФАТИДА

Билиш назарияси фалсафий фан сифатида. Билиш назарияси борлиқ ва билиш ривожланишининг умумий қонунлари ҳақидаги таълимот. У мантиқ (унинг ҳар хил кўринишлари) ва методология билан узвий боғлиқ. Билишнинг субъекти, «ўзаги» инсон бўлганлиги туфайли, у фалсафий антропология, ахлоқ, шунингдек, маданиятшунослик, социология ва инсон ҳақидаги бошқа фанларнинг маълумотларидан кенг фойдаланади.

Билувчи субъект шахсини ўрганишда билиш назарияси психология, физиология, нейро-физиология, тиббиёт маълумотларига таянади. Математика, кибернетика, табиий ва ижтимоий фанлар, тарих, фан фалсафаси ва бошқа фанлар умумий хулосалар чиқариш учун кўп ва ранг-баранг материал беради.

Билиш назариясига таяниш биричидан, билиш жараёни доим маълум ижтимоий-маданий контекстда юз бериши, иккинчидан, бугунги кунда гносеологиянинг ижтимоийлашуви омили кучайиб бораётганлиги учун зарур.

Гносеология ўз муаммоларини ўрганиш, ўз концептуал мазмунини яратишда юқорида зикр этилган манбаларга таяниши лозим. Бироқ, бунда уларнинг бирортасини ҳам камситиш ёки мутлақлаштириш ярамайди. Масалан, билиш назариясини фақат математик (Декарт) ёки табиий-илмий билим (мантикий позитивизм) таҳлили асосида тузиш бир ёқлама, демак, янглиш иш кўриш демакдир.

Билиш назарияси билимлар (ва уларнинг назарий образи) доим жамият эҳтиёжлари (айниқса, моддий ишлаб чиқариш ва амалиёт талаблари) билан белгиланиши, шу сабабли ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан ҳар хил босқичларининг ҳар бирида ўзига хос шакл-шамойилга эга бўлиши лозимлигини кўрсатади. Айни вақтда, улар ўз мазмунига кўра бу босқичларнинг ҳар бири ўзида янги жиҳатларни мужассамлаштириши лозим. Масалан, XX аср охирида гносеологик тасаввурларнинг ривожланиши, ахборот жамияти шароитида юз бермоқда ва

хусусан, «постноклассик» фан маълумотларига таяниш билан белгиланади. Бу босқичга тадқиқот объектларининг ўзгариши, синергетика ҳоялари ва методларининг кенг тарқалиши, методологик плюрализм, билиш объекти ва субъекти ўртасидаги тафовутнинг бартараф этилиши, объектив дунё ва инсон дунёсининг бирикиши, барча фанларга вақтнинг татбиқ этилиши ва ҳ.к.лар хос.

Гносеология предметини ўрганишда таянадиган методларга аввало, фалсафий методлар, чунончи: диалектика, феноменология, герменевтика шунингдек, умумий илмий методология — тизимли, таркибий-функционал ва бошқа ёндашувлар; умумий мантиқий методлар: анализ, синтез, идеаллаштириш, индукция, дедукция, аналогия; айрим фанларга хос бўлган ва билиш назариясида унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган эмпирик ва назарий воситалар ва усуллари қабилар киради. Юқорида зикр этилган методлар гносеологик тадқиқотларда алоҳида-алоҳида эмас, балки ўзаро бирлик ва муштаракликда қўлланилиши лозим.

Ҳозирги вақтда билиш назарияси предметининг кенгайиши билан бирга унинг методологияси таркиби янгиланиб ва бойиб бормоқда: гносеологик таҳлил ва далиллаш ижтимоий фанларнинг билиш ва онг ҳақидаги натижалари ва методлари, ижтимоий фанларни муайян тарзда қайта тушунишни ўз ичига қамраб олади.

Билишда субъект ва объектининг ўзаро алоқаси. Билиш дунёнинг объект ва субъектга бўлинишини назарда тутади.

Фалсафада бу тушунчалар жонли мавжудот бўлган инсонни билиш жараёнига олиб кирадиган ва бу жараёнга салбий таъсир кўрсатадиган субъективликдан узоқлашиш учун ишлаб чиқилган. Билимнинг объективлиги, ҳақиқатнинг субъектдан мустақиллигини эълон қилинганда намоён бўлади. Схоластика табиатшуносликнинг ривожланишига тўсқинлик қилган шароитда илмий билиш субъектларининг ўткинчи манфаатлари кўпинча объективликка халақит берган, шу боис бу тушунчаларнинг аниқ фарқланиши ўринли бўлган. Файласуфларни субъектнинг объектга таъсири муаммолари, англаб етилаётган объектга субъективликнинг таъсири йўллари ва хусусияти масалалари тобора кўпроқ қизиқтира бошлаган ҳозирги кунда ҳам бу муаммо ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Субъект — бу билиш фаоллигининг манбаи. Субъект деганда одатда, индивид тушунилади. Бироқ, бу унча тўғри эмас. Субъект — бу, албатта, аввало билиш қобилиятига эга бўлган индивид. Субъект — бу микрогуруҳ, ижтимоий гуруҳ синф, жамият ҳамдир. Тафаккур жараёни амалга ошадиган бош мия пўстлоғида тафаккур муайян инсоннинг ҳаракатлари, унинг кечинмалари, ҳис-туйғуларига қаратилиши мумкин: бу ҳолда онг ўзининг алоҳида жиҳати — ўзликни англаш сифатида амал қилади, тафаккур (индивид доирасида) нимага қаратилган бўлса, шу объект бўлади.

Субъект негизи бутун ижтимоий яхлитликни ташкил этувчи мураккаб иерархиядан иборат. Пировард натижада, билим ва донишмандликнинг олий яратувчиси — бутун инсоният. Унинг тарихий ривожланишида унча йирик бўлмаган бирликлар ажратилади, бу бирликлар сифатида айрим халқлар амал қилади. Ҳар бир халқ ўз маданиятида қайд этиладиган меъёрлар, ғоялар ва қадриятларни яратиб, асрдан асрга билиш фаолиятининг алоҳида субъекти сифатида ўтиб келади. У табиат ҳодисалари, ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг шифобахш хоссалари, турли халқларнинг ҳуқуқлари ва урф-одатлари ҳақида маълумотлар тўплайди. Жамиятда махсус вазифаси ва машғулоти ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган билимлар яратишдан иборат бўлган индивидларнинг тарихий гуруҳлари ажратилади. Хусусан, субъекти олимлар ҳамжамияти бўлган илмий билимлар шундай билимлар жумласидан. Бу ҳамжамиятда қобилияти, истеъдоди ва билими билан билиш соҳасида юксак натижаларга эришадиган айрим индивидлар алоҳида ўрин тутати.

Бу одамларнинг исмлари тарихда илмий ғоялар эволюциясидаги буюк босқичлар рамзи сифатида сақланиб қолади.

Билишнинг ҳақиқий субъекти ҳеч қачон фақат гносеологик хусусиятга эга бўлмайди: у ўз майллари, қизиқишлари, феъл-атвори, миждо, ақл ёки ақлсизлик, қобилият ёки қобилиятсизлик даражасига эга бўлган, иродали ёки иродаси бўш тирик шахс. Бироқ, кўпинча билиш субъекти деганда интеллектуал фаолликнинг қандайдир шахсиз мантиқий бўлаги тушунилади.

Субъектнинг билиш фаолияти фақат муайян тарихий контекстда аниқ тушунчаларда намоён бўлиши мумкин. Илмий билиш нафақат субъектнинг объектга нисбатан, балки ўзига, ўз

фаолиятига нисбатан ҳам онгли муносабатини, яъни тадқиқотчилик фаолияти шартлари, усуллари, меъёрлари ва методларини билиши, анъаналарни ҳисобга олиши ва ҳоказоларни назарда тутати.

Борлиқнинг муайян парчаси изланаётган тафаккур диққат марказидан ўрин олгач, билиш объектини ташкил этади, субъект билан «субъект – объект» муносабатларига киришиб, маълум маънода субъектнинг «мулки»га айланади. Бинобарин, субъектнинг онгига боғлиқ бўлмаган ўзича борлиқ ва субъект билан юқорида зикр этилган муносабатга киришган борлиқ мавжуд. У гўё субъектни ўзини билишга даъват этади. Бир сўз билан айтганда, субъект билан муносабатга киришган объект оддий борлиқ эмас, балки у ёки бу даражада англаб етилган, яъни онг – ўзининг билишга интилишида ижтимоий белгиланган онг далилига айланган борлиқдир, шу маънода билиш объекти энди ижтимоий далилга айланади.

Объект – бу субъектнинг билиш фаолияти қаратилган нарса ёки ҳодиса. Асбоб ҳам (ўрганилаётган ва таъмирланаётганида), бошқа индивид ҳам, индивид билан боғлиқ нарса ва ҳодисалар ҳам объект бўлиши мумкин. «Объект» тушунчасини объектив борлиқ билан аралаштирмаслик керак. Масалан, ҳайвонларнинг ҳужайраларидаги хромосомалар улар цитология ва генетикада ўрганиш «объекти»га айланишидан олдин ҳам объектив мавжуд бўлган, бироқ кашф этилганидан кейингина ўрганиш «объектлари»га айланган.

Бу тушунчалар нафақат билиш фаолияти, балки амалий ва баҳолаш фаолияти билан ҳам боғлиқ.

Билиш фаолиятида субъект объектсиз, объект эса – субъектсиз мавжуд бўлмайди. Масалан, ген жонли нарсалар таркибида мавжуд бўлган ҳолда, нафақат антик даврда, балки Ж.Б. Ламарк ва Ч. Дарвин учун ҳам илмий тафаккур объекти бўлмаган. Олимлар бу кўзга кўринмас биологик борлиқни маълум вақтгача ўз билиш фаолиятининг объекти сифатида аниқлай олмаганлар. Бунга нисбатан яқинда, дунёнинг умумий илмий манзарасида жиддий ўзгаришлар юз берганидан сўнг муваффақ бўлинди. Ёки, айтилик, илмий тафаккур, техника ютуқлари ва ижтимоий шарт-шароитлар атиги бир неча ўн йилликлар муқаддам Космоснинг олис кенгликларини тадқиқот объектига айлантириш имконини берди.

Ҳозирги замон гносеологиясида билиш объекти ва предметини фарқлаш одат тусини олган. Билиш объекти деганда борлиқнинг ўрганилаётган амалда мавжуд бўлаклари тушунилади. Билиш предмети — бу изланаётган фикрнинг диққат марказидан ўрин олган муайян жиҳатлар. Масалан, инсон жуда кўп фанлар — биология, тиббиёт, психология, социология, фалсафа ва ҳоказоларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Бироқ, уларнинг ҳар бири инсонни ўрганишга ўз нуқтаи назаридан ёндашади: масалан, психология инсоннинг руҳияти, ички олами, хулқ-атворини, тиббиёт — инсоннинг касалликлари ва уларни даволаш усулларини ўрганади ва ҳ.к. Бинобарин, тадқиқот предметига тадқиқотчининг муҳим мўлжали киради, яъни у тадқиқот вазифаси нуқтаи назаридан шаклланади.

Маълумки, инсон тарих яратувчиси, субъекти ҳисобланади, ўз тарихий мавжудлигининг зарур шарт-шароитлари ва асосларини ўзи яратади. Ижтимоий-тарихий билиш объекти одамлар томонидан нафақат ўрганилади, балки яратилади ҳам, демак, объектга айланишдан олдин у яратилиши, шакллантирилиши лозим.

Шундай қилиб, ижтимоий билишда инсон ўз фаолиятининг маҳсули, амалий фаол жонзот бўлган ўзи билан ҳам иш кўради. Билиш субъекти бўлган инсон шу тариқа унинг объектига ҳам айланади. Шу маънода ижтимоий билиш инсоннинг ижтимоий ўзликни англаш жараёнидир. Бунда инсон тарихий ривожланиш жараёнида яратиладиган ўзининг ижтимоий моҳиятини ўзи учун кашф этади ва ўрганади.

Шу сабабли ижтимоий билишда субъект ва объектнинг ўзаро алоқаси мураккаблашади, бу ерда объект бир вақтнинг ўзида тарихий ижод субъекти ҳамдир.

Ижтимоий билишда ҳамма нарса ва ҳодисалар инсон соҳасида айланади: билиш объекти — одамларнинг ўзи ва улар фаолиятининг натижалари, билиш субъекти ҳам инсондир. Билиш жараёни шоҳидларнинг гувоҳликлари, ҳужжатлар, сўровлар, сўровномаларсиз, одамлар яратган меҳнат қуроллари ва маданий ёдгорликларисиз бўлиши мумкин эмас.

Буларнинг барчаси ижтимоий билишга маълум даражада ўз таъсирини ўтказди ва унинг ўзига хос хусусиятларини шакллантиради. Айни шу сабабли ижтимоий билишда олимнинг

гражданлик позицияси, унинг маънавий қиёфаси, ҳақиқат идеаларига содиқлиги жуда муҳимдир.

Билиш фаолият тури сифатида. Инсоннинг ўзини қуршаган дунёни тушуниб етиши муҳим фалсафий муаммолардан биридир. Моҳият эътибори билан, дунёни билиш мумкинми, деган масала дунёнинг инсон онгида аниқ ва тўлиқ акс этиш, инсоннинг бу дунёда онгли ва эркин мўлжал олиш ва фаолият олиб бориш имконияти тўғрисидаги масаладир.

Инсоннинг ўзини қуршаган дунёда мўлжал олиш функциясини билим бажаради. Билим — инсон онг ёрдамида оладиган дунё ҳақидаги маълумотларнинг энг олий даражасидир. Билим образлар ва белгилар шаклида мавжуд бўлади ва ундан одамлар амалий фаолиятининг идеал режаси сифатида фойдаланади. Билимсиз (оддий, илмий, бадиий ва бошқа билимларсиз) дунёнинг манзарасини шакллантириш мумкин эмас. Ф.Бэкон шу муносабат билан билим кучдир деб таъкидлаган эди. Билимни Гегель таъбири билан айтганда фақатгина субъектив тасаввур, эркин мулоҳаза, тасаввур маҳсули бўлган фикрдан фарқлай билиш лозим. Инсоннинг дунёни билишга интилишининг моҳияти у аниқ ёки ноаниқ билимларни фаол ва изчил излаши ва уларни олишидан иборат. Фалсафанинг билиш муаммолари кўриб чиқиладиган бўлими гносеология ёки билиш назарияси деб аталади. Инсоннинг дунёни билиш жараёнини бошқа фанлар — мантиқ, психология, социология ҳам ўз нуқтаи назаридан ўрганadi.

Билиш ва билим тўғрисида сўз юритганда ўрта асрлардаги каби билим ва эътиқодни қарама-қарши қўйиш ярамайди. Эътиқод — моддий ва маънавий дунё нарсалари, жараёнлари ва ҳодисаларини далил-исботсиз билиш демак. «Мен Худонинг борлигига ишонаман»; «мен яқинда баҳор келишига ишонаман»; «мен ўз ишимнинг муваффақиятига ишонаман» ва ҳ.к. ва ш.к. Эътиқод — бу инсоннинг ишончи. Билим бизга аниқ-равшан кўриниб турадиган нарсаларни кашф этиш имконини берса, эътиқод, ишонч инсонга ҳозирча кўринмайдиган сирли нарсаларни аниқлашга ёрдам беради. Шу тариқа эътиқод билиш жараёнида фаол иштирок этади ва унинг муҳим унсури ҳисобланади. Бироқ, шу билан бир вақтда, замирида ақлнинг сўқирлиги, мутаассиблик ва инсоннинг кучсизлиги ётувчи сохта

Эътиқод ҳам мавжудлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, инсон куч-қудратининг рамзи саналган оқилона эътиқод мавжуд бўлиб, у одамзотнинг эмоционал ва интеллектуал фаоллигига имконият яратади, билиш йўлида изланишга рағбатлантиради. Барча олимларнинг илмий фаолияти замирида инсон тафаккурига қаттиқ ишонч ётади, акс ҳолда улар ўз кашфиётларини ярата олмайдилар. Шу маънода оқилона эътиқод гўё зулматдаги нур, ҳақиқат ва тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Оқилона эътиқод билим йўлини машъал каби ёритади, ижодга имконият яратади, бу йўлда инсонга ишонч ва куч бахш этади. Эътиқоднинг йўқлиги эса, аксинча, скептицизм, бўшлиқда мавжудлик ва билишнинг самарасизлиги туйғусини уйғотади. Шундай қилиб, фикр, эътиқод ва билим ҳақиқат сари юксалишнинг зарур босқичлари, инсон маънавий тажрибасининг муҳим шакллари ҳисобланади.

Хўш, билишнинг ўзи нима? Унинг моҳияти нимада?

Аввало, билиш — инсон акс эттириш фаолиятининг алоҳида тури. У «инсон — меҳнат воситалари — табиат» тизими доирасида инсоннинг нарсалар моҳияти, масалан, магнетизм табиати, ҳаёт мазмуни ва ҳоказолар яшириниб ётган дунёнинг «қобиғи»ни очишга йўналади. У дунёнинг сирларини очади.

Билиш — инсон қўлга киритадиган ахборотнинг энг олий даражаси. Бу ахборотни у билиш муаммолари ва вазифаларини қўйиш ва ечиш йўли билан, изчил англаб этади. Ахборот миянинг мавҳумлаштирувчи фаолияти ёрдамида белги шаклини ($2 + 2 = 4$) касб этадики, бу унга ишлов бериш, сақлаш ва кейинчалик ундан фойдаланиш учун қулайдир.

Билиш инсон изчил ва ижодий фаолиятининг ижтимоий жараёни бўлиб, унда ташқи дунёнинг идеал образлари юзага келади ва билиш мақсади бўлган билим шаклланади.

Билиш жараёни тарих фалсафасида маълум вақт мобайнида (масалан, XVIII аср фалсафий материализмида) инсоннинг сезги аъзоларига табиатнинг механик таъсири сифатида қаралган. Инсон пассив мавжудот ва табиат уни ўз мақомига йўрғалатади, деб ҳисобланган. «Биз қўғирчоқлармиз ва тақдир бизни ипларимиздан тортиб ўйнатади», деб ёзган эди В.Гюго. Бироқ, амалда билиш доим анча фаол хусусиятга эга бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бу одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари,

уларнинг умумий мақсадларга эришиш йўлидаги ҳамкорлиги ва бошқа омиллар билан белгиланади. Бошқача айтганда, билиш ижтимоий табиат, жиҳат ва хусусиятларга эга. Бунга, жумладан, немис классик фалсафасида субъектнинг фаоллиги концепциясида (И.Фихте ва бошқалар) алоҳида эътибор қаратилган.

Билишнинг ижтимоий табиати, агар бу ҳақда атрофлича сўз юритадиган бўлсак, яна қуйидагиларни ҳам аниқлатади. Билиш доим ижтимоий муносабатлар ва маданий дунёсининг фаол таъсири остида юз беради. Биз фақат ўзимиз яшаётган давр шарт-шароитларида ва бу шарт-шароитлар берадиган имконият даражасида билишимиз мумкин. Бу шарт-шароитлар жамиятнинг муҳим эҳтиёжлари кўринишида ижтимоий буюртмани юзага келтиради. Улар субъектни шакллантиради ва билиш жараёнига муайян даражада таъсир кўрсатади — уни жадаллаштиради ёки секинлаштиради. Масалан, ўрта асрларда дунё ва инсонни билишга дин ва черков катта таъсир кўрсатган. XX асрда эса билишга бошқа омиллар, чунончи: космосни кенг миқёсда ўзлаштириш, экология, озиқ-овқат муаммоларини ечиш ва ҳоказолар кучли таъсир кўрсатмоқда.

Билиш интеллектуал манбага таянишни талаб қилади. Интеллектуал манба инсониятнинг жами билимлари, билиш методлари, тушунчалар аппарати, мавжуд илмий далиллар ва бошқа билимларни ўзида мужассамлаштиради. Ишни ҳар сафар бўш жойда, «нолдан» бошламаслик учун билишда эришилган ютуқларга таяниш жуда муҳим. И.Ньютон бу ҳақда сўз юритган экан, у гигантлар елкасида тургани учунгина фанда ҳаммадан узоқни кўрганини қайд этган эди.

Билиш жараёнини муомала воситаси сифатидаги тил эрдамидагина амалга ошириш мумкин. У бутун жамиятнинг самоа бойлиги, инсоният маданиятининг муҳим унсури ҳисобланади. Фан учун эса тил, аввало, ахборотни жамғариш ва сақлаш воситаси, дунё ҳақидаги билимлар ва маълумотларнинг улкан омборидир.

Ижтимоий муносабатлар субъект билиш объектига ўз манфаатларидан келиб чиқиб ёндашишини белгилайди. Шундан ижтимоий ҳаётнинг айнан бир ҳодисалари ва муаммоларини ҳар хил, баъзан, ҳатто бир-бирига тескари идрок этиш ва талқин

қилиш ҳоллари юз беради. Масалан, тарихда инсониятнинг келажакдаги ривожланиш йўли ва шакли ҳар хил тасаввур қилингани маълум. Ҳозирги сиёсий ҳаётда айнан, бир ҳодисалар (хусусий мулк институти, бозорнинг шаклланиши ва бошқалар) айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан ижобий баҳоланса, бошқа ижтимоий гуруҳлар томонидан салбий баҳоланади. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳодисаларни билишда мафкура, яъни муайян ижтимоий ҳодисаларни ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ва табақалар нуқтан назаридан баҳолаш мавжудлигидан далолат беради.

Билишга инсоннинг сезгилари, унинг эҳтирослари дунёси кучли таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан К.Гельвеций: «...эҳтирослар бўлмаса, буюк артистлар ҳам, буюк саркардалар ҳам, буюк министрлар ҳам, буюк шоирлар ҳам, буюк файласуфлар ҳам бўлмас эди»¹, деб ёзган эди. Эҳтирослар тадқиқотчига кучгайрат беради ва билиш жараёнини олға суради. Инсон эҳтиросларисиз ҳақиқатни излаши мумкин эмас.

Билиш доимо қандайдир янги, илгари номаълум бўлган нарсани яратишга йўналган ижоддир. Ижоднинг бош мезони (кўрсаткичи) — олинган натижаларнинг янгилиги ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги. У жуда катта ақлий ва жисмоний ҳаракат («ижод машаққатлари» деб бежиз айтмайдилар), баъзан, фуқаролик жасорати ва ҳатто жонбозликни талаб қилади.

Шундай қилиб, инсоннинг билиши ривожланиб борувчи, фаол жараёндир. Бу аввало, жамиятда янги эҳтиёжларнинг туғилиши, тегишли равишда амалиётнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан белгиланади. Айни шу сабабли билиш «мангу ҳаракат, қарама-қаршилиқларнинг юзага келиши ва уларнинг ечилиши жараёни», деб қаралиши лозим. Билиш жараёнининг ички мантиғи (изчиллиги) қандай?

Билиш — ташқи, юзада ётган хоссалар ва муносабатларни илғашдан ички, нисбатан барқарор алоқаларни аниқлашга ўтиш демак. Пировардида, бу жараённинг моҳияти («сири») билимда намоён бўлади. Билиш жараёни ҳаракатининг мантиқи асосан, оддий кузатишдан мавҳум тафаккур (мушоҳада юритиш)га, ҳодисадан унинг моҳиятини англаб етишга юксалишдан иборат.

¹ История философии: Энциклопедия. — Минск: Книжный дом, 2002. — 310-б.

Г. Гегель билишни ҳақиқат яшириниб ётган чуқурликка тушувчи зинапояга ўхшатгани бежиз эмас. Билиш тавсифлашдан сабабларни аниқлаш ва тушунтириш сари ҳаракатланади.

Билишдаги қарама-қаршиликлар. Билиш жараёни маълум қарама-қаршиликлардан ҳам холи эмас. Улар билишнинг мураккаб муаммоларга тўла хусусиятини ақс эттиради. Билиш жараёнида мавжуд қарама-қаршиликларнинг айримларини айтиб ўтамиз.

Субъект ва объект (яъни, инсон ва ташқи дунё) ўртасидаги қарама-қаршилик мангу ва мутлақо табиийдир. У инсоннинг дунёни амалда ўзгартириш эҳтиёжи билан бу дунё ҳақидаги билимларнинг камлиги (ёки умуман мавжуд эмаслиги) ўртасидаги номувофиқликни ифодалайди. Аслида билиш жараёни доим айни шу номувофиқликдан бошланади.

Баъзан, билишга сезги аъзолари маълумотлари билан ташқи дунёнинг фикр ва тушунчалардаги инъикоси ўртасидаги қарама-қаршилик ҳосдир. Маълумки, Қуёшнинг чиқишини фақат Қуёш ҳаракатсиз Ер атрофида айланишини тахмин қилиб, сезги аъзолари ёрдамида тушунтириш мумкин. Бироқ, бу ҳолисани илмий мушоҳада ёрдамида, иккала осмон жисмининг ҳаракатчанлигини исботлаш йўли билан ҳам тушунтириш мумкин. Бу қарама-қаршилик тахминларимизнинг мантиқий далиллар ва мулоҳазалар тизими ёрдамида тажрибада синаш йўли билан ечилади.

Шаклланган назария билан олинган янги илмий далиллар ва экспериментал маълумотлар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам билиш учун табиий бир ҳолдир. Бунда мазкур далиллар ёрдамида назарияга аниқлик киритиш ёки, аксинча, уни эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган деб топиш талаб этилади.

Билиш жараёнида фандаги оқимлар, мактаблар ва айрим назариялар ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келади. Бундай қарама-қаршилик фалсафада ҳам, масалан, «Демокрит йўналиши» ва «Платон йўналиши» ўртасида мавжуд.


Инсоннинг ташқи дунёни тўлиқроқ ва аниқроқ билишга интилиши билан бунинг учун субъектив ва объектив чегаралар (инсон қобилиятининг чекланганлиги, фан ва техника ривожланиш даражасининг старли эмаслиги ва бошқалар) мавжудлиги ўртасидаги номувофиқлик одатдаги ҳол ҳисобланади.

Хулосалар. Фаол ва ривожланувчи жараён бўлган инсон билиши учун қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги табиий бир ҳолдир. Уларнинг умумий негизини амалиёт, ижтимоий ҳаёт ташкил этади. Қарама-қаршиликлар амалиёт жараёнида янги методлар ва далилларни излаш, билиш субъектининг интеллектуал қобилиятини такомиллаштириш йўли билан ечилади.

Тажрибавий амалий матнлар:

Билиш тарихи, билиш субъекти ва объекти, билиш фаолияти, билишнинг ижтимоий табиати, билишдаги қарама-қаршиликлар.

Кўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Билишнинг моҳияти нимада?
2. Билиш жараёнида қарама-қаршилик мавжудми?
3. Билишда субъектнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
4. Билишда объект қандай ўзига хос хусусиятларга эга?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Билиш назариясига таъриф беринг.

А. Инсон тафаккурини ислоҳ қилиш ҳақидаги таълимот

Б. Борлиқ ва билиш ривожланишининг умумий қонунлари ҳақидаги таълимот

- В. Дунё манзарасини ўрганувчи таълимот
 Г. Инсон ҳаёти мазмунини ўрганувчи таълимот
- 2. Билиш назарияси қайси фанлар билан узвий боғлиқ?**
 А. Мантиқ ва методология
 Б. Фалсафа ва математика
 В. Психология ва кибернетика
 Г. Мантиқ ва математика
- 3. Гносеология предметини ўрганишда асосан қайси методларга таянилади?**
 А. Фалсафий методлар
 Б. Умумий мантиқий методлар
 В. Эмпирик методлар
 Г. Барча жавоблар тўғри
- 4. Умуммантиқий методларга қайсилар кирди?**
 А. Диалектика, феноменология, герменевтика
 Б. Гносеологик таҳлил ва далиллаш
 В. Анализ, синтез, идеаллаштириш, индукция, дедукция, аналогия
 Г. Мавхумлаштириш, кузатиш, таққослаш
- 5. Фалсафий методлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**
 А. Диалектика, синергетика, герменевтика
 Б. Гносеологик таҳлил ва далиллаш
 В. Анализ, синтез, идеаллаштириш, индукция, дедукция, аналогия.
 Г. Мавхумлаштириш, кузатиш, таққослаш
- 6. Билимга қайси жавобда тўғри таъриф берилган?**
 А. Билим — инсоннинг онг ёрдамида оладиган дунё ҳақидаги маълумотларининг энг олий даражаси
 Б. Билим — инсоннинг тафаккур қилиш борасида юзага келадиган маълумотлар тўплами
 В. Билим — инсоннинг оммавий ахборот воситалари орқали оладиган маълумотлар тўплами
 Г. Билим — воқеликнинг тафаккурдаги инъикоси
- 7. Билим қандай шаклларда мавжуд бўлади?**
 А. Схемалар ва чизмалар шаклида
 Б. Образлар ва белгилар шаклида
 В. Рақамлар ва кодлар шаклида.
 Г. Рангли тасвир ва образлар шаклида

8. «Билим кучдир» деган фикр қайси мутафаккир томонидан айтилган?

- А. Ф. Бэкон
- Б. Гегель
- В. Аристотель
- Г. Кант

9. Фалсафанинг билиш муаммолари кўриб чиқиладиган бўлими нима деб номланади?

- А. Социология
- Б. Феноменология
- В. Гносеология
- Г. Герменевтика

10. Ҳақиқат сари юксалишнинг зарур босқичлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг.

- А. Ихлос ва тафаккур
- Б. Фикр, эътиқод ва билим
- В. Фикр ва мулоҳаза
- Г. Ирода ва тасаввур

11. «Биз кўғирчоқлармиз ва тақдир бизнинг илларимиздан тортиб ўйнатади», деган фикрни қайси олим ёзган?

- А. В. Гюго
- Б. Ф.Бэкон
- В. Гегель
- Г. Кант

12. Ижоднинг бош мезони (кўрсаткичи) нимадан иборат?

А. Илмий тадқиқотнинг ўрганилганлик даражасининг мавжудлигидир

Б. Олинган натижаларнинг янгилиги ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлигидир

В. Тадқиқот натижасининг инсоният учун фойдалилигидир

Г. Олимнинг фаолияти аниқ самарасининг илгари такрорланмаганлигидир

13. Билишни ҳақиқат яшириниб ётган чуқурликка тушувчи зинапояга ўхшатган олим ким?

- А. Гегель
- Б. Аристотель
- В. Ф.Бэкон
- Г. К.Юнг

14. Диннинг асосий вазифаси нималардан иборат?

- А. Билиш ва ўзликни англашдан иборат
- Б. Инсон ҳаёти, табиат ва жамият борлигининг мазмунини аниқлашдан иборат
- В. Инсоннинг дунёда маънавий мўлжал олишига кўмаклашишдан иборат
- Г. Тўғри жавоб йўқ

15. «Шахсий билим» концепцияси ким томонидан ишлаб чиқилган?

- А. М.Полани
- Б. М.Бахтин
- В. Ф.Ницше
- Г. Г.Риккерт

Адабиётлар

- 1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси -Т.: Университет, 2005.
- 2. Вернадский В.И. Научная мысль как планетарное явление. – М.: Наука, 1991.
- 3. Билецкий И.П. Наука и действительность. – Харьков, 1999.
- 4. Библер В.С. От наукоучения к логике культуры. – М.: 1991.
- 5. Ильин В.В. Теория познания. Введение. Общие проблемы. – М.: 1994.
- 6. Коршунов Л.М., Мантатов В.В. Диалектика социального познания. – М.: 1988.
- 7. Мягкова Л.И., Храленко Н.И. Методология научного познания. – СПб.: 1994.
- 8. Швырев В.С. Теоретическое и эмпирическое в научном познании. – М.: 1978.
- 9. Бабаев Б.Д. Диалектика теоретического и эмпирического в научном познании. – Т.: 1992.

ҲИССИЙ, ЭМПИРИК, НАЗАРИЙ, МАНТИҚИЙ ВА ИНТУИТИВ БИЛИШ ДАРАЖАЛАРИ

Ҳиссий даражадаги билимнинг шакллари. Сизги аъзолари орқали олинган билим — ҳиссий билимлардир. Сизги аъзолари ёки нарсаларнинг хоссаларини сизги аъзолари сезиш ва идрок этиши натижасида олинган билим ҳиссий билимдир. Масалан, инсон учаётган самолётни кўради ва бунинг нималигини билади.

Сизги ва идрок. Билиш фаолиятида сизги — нарсалар айрим хоссаларининг сизги аъзолари орқали ҳис қилинган оддий образи, инъикоси, нухаси ёки ўзига хос сурати дастлабки сизги образи ҳисобланади. Масалан, апельсинда биз тўқ сариқ ранг, ўзига хос ҳид, таъми сезамиз. Сизгилар инсондан ташқаридаги муҳитда юз бераётган ва унинг сизги аъзоларига таъсир кўрсатаётган жараёнлар таъсирида юзага келади. Овоз ва ёруғлик тўлқинлари, механик босим, кимёвий таъсир ва ҳоказолар ташқи таъсирлантирувчилар ҳисобланади.

Форобий билишнинг икки шакли — ҳиссий ва оқилона билишни фарқлайди. Инсонни ташқи дунё билан боғловчи сезгилар ролига эътиборни қаратар экан, Форобий уларни беш турга ажратади. У сезгиларни билимнинг асосий манбаи деб ҳисоблаб, сезгилар фақат нарсанинг инъикоси, нарсанинг ўзига мос тушган ҳолда ҳақиқий бўлиши мумкин¹ деб қайд этади. Форобийнинг билишда ва умуман, ҳиссий идрок этишда сезгиларнинг роли ҳақидаги қарашлари Аристотелнинг «сезмайдиган одам ҳеч нарсани билмайди ва тушунмайди», деган фикрига жуда ўхшаш.

Инсоннинг ҳайвондан фарқи шундаки, у ақл ва сезгилар ёрдамида билимларни ўзлаштиришга қодир. «Ақл кучи» борлиқ нарсаларининг фикрий инъикосини ўзида гавдалантиради. Дунёвий ҳодисаларнинг моҳияти ва сабабларини билган ақл осмон жисмлари ва уларнинг шаклларини билишга ҳаракат қилади. Шу охири босқичда инсонга таъсир кўрсатувчи коинот ақл билан бирикади ва боқийлик хусусиятини касб этади.

Ақл дунёнинг яралиш босқичлари сифатида инсон ва биринчи сабаб ўртасида боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилади, биринчи

¹ Қаранг: Фараби. Китаб аль-Хуруф. — Душанбе: Илм, 1972. — 23-б.

сабаб эса, ўз навбатида, ақлга бевосита таъсир кўрсатади. Ҳаракатланувчи ақл жон билан руҳ орқали боғланади, жон инсон танасидан ўрин олади, шундай қилиб, подунёвий ҳаёт жиҳатлари инсонга ўтади ва пировардида инсон моҳияти, билимлари — унинг ақли боқийлик хусусиятини касб этади.

Фаробий фикрича, сезгилар тартибга эга бўлганидек, ақлнинг ҳам ўз тегишли тартиби мавжуддир¹. Биринчи метод табиий фанлар (физика)га, иккинчиси — математикага мос тушади. Иккала методдан ҳам фақат фанда нарса ва ҳодисанинг у ёки бу жиҳатини теранроқ тушуниш мақсадида фойдаланилади.

Сезгилар дунёнинг сифат жиҳатидан ранг-баранглигининг объектив хусусиятини акс эттиради ва унинг таъсирида юзага келади. Сезгилар ҳодисаларнинг миқдор кўрсаткичлари ҳақида ҳам анча бой ахборот беради. Сезгилар бир хил оҳангдаги овозлар ўртасидаги фарқни уларнинг кучига қараб, ранг тусларини, температурадаги ўзгаришларни, нарсалар ва жараёнлардаги бошқа фарқларни анча аниқ акс эттиради. Сезиш қобилиятининг йўқолиши муқаррар тарзда онгнинг йўқолишига олиб келади.

Сезишнинг кўриш, эшитиш, тебраниш, пайпаслаш, об-ҳаво, оғриқ, мувозанат ва тезлашишни ҳис этиш, ҳид, таъм билиш каби умумий органик турлари фарқланади. Сезгиларнинг ҳар бир шакли ўзининг айрим кўриниши орқали материя ҳаракатининг мазкур шакли ва тури, масалан, электромагнит, овозли тебранишлар, кимёвий таъсирлар ва ҳоказоларнинг умумий хоссаларини акс эттиради.

Ҳар қандай предмет жуда кўп ҳар хил жиҳатлар ва хоссаларга эгадир. Масалан, қанд бўлагини олайлик: у қаттиқ, оқ, ширин, маълум шакл, ҳажм ва вазнга эга. Бу хоссаларнинг барчаси бир предметда мужассамлашган. Биз бу хоссаларни алоҳида-алоҳида эмас, балки яхлит ҳолда — қанд бўлаги сифатида идрок этамиз ва гушунамиз. Бинобарин, яхлит образни идрок этишнинг объектив тегизини предметнинг турли жиҳатлари ва хоссалари бирлиги ва айни вақтда уларнинг кўп сонлилиги ташкил этади.

Сезги аъзоларига бевосита таъсир кўрсатувчи предметлар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи яхлит образни идрок этиш деб аталади. Инсоннинг идрок этиши

¹ Фаробий. Китоб аль-Хуруф. — Душанбе: Илм, 1972. — 24-б.

нарсалар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини тушуниш ва англаб етишни ўз ичига олади. Бунда инсон ўзининг ҳар бир янги таассуротини мавжуд билимлар тизимига киритади. Сезиш ва идрок этиш инсон ташқи дунёга амалий таъсир кўрсатиши жараёнида, меҳнатда, сезги аъзолари фаол ишлаши натижасида амалга ошади ва ривожланади; масалан, ҳаракатсиз кўз нарсалар рангини фарқлашга қодир эмас.

Организмнинг макроскопик, яхлит нарсалар ва жараёнлар оламида мўлжал олишга бўлган эҳтиёжи бизнинг сезги аъзоларимизни шундай ташкил қилганки, биз нарсаларни яхлит ҳолда идрок этамиз. Акс ҳолда ҳамма нарса ҳаракатланаётган зарралар, молекулалар пардасига айланган ва биз нарсаларларнинг чегараларини кўрмаган бўлур эдик. Кўриш аъзоси организм ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган борлиқдаги ёруғлик ҳодисаларини мумкин қадар яхшироқ акс эттириш йўналишида ривожланган. Шу сабабли кўз табиатда мавжуд ёруғлик таъсирида ёруғликни қабул қилиш, кулоқ – овоз тебранишларини фарқлаш учун мослашган ва ҳ.к. Сезги аъзоларининг ўзига хослиги, «физиологик» идеалистлар фикридан фарқли, ташқи дунёни тўғри билишга нафақат монелик қилмайди, балки, аксинча, нарсаларнинг объектив хоссалари аниқроқ ва тўлиқроқ акс этишини таъминлайди.

Сезги – объектив дунёнинг субъектив образи, деган тамойил сифатларни бирламчи ва иккиламчига механик тарзда ажратишга қарши йўналган. Бу нуқтаи назардан бирламчи сифатлар (шакл, ҳажм ва ҳ.к.) нарсаларнинг объектив мавжуд хусусиятларини ҳисобланади, иккиламчи сифатлар (ранг, овоз ва ҳ.к.) соф субъектив хусусият касб этади. Айни бир сезгига нарсаларнинг ҳар хил хоссалари мос келиши мумкин: оқ ранг сезгиси кўриш доирасидаги тўлқинлар барча узунликларининг электромагнит хоссалари қоришмасини ҳам, кўшимча ранглар ҳар қандай жуфтлиги (қизил ва кўк-яшил, сариқ ва сафсар) қоришмасини ҳам акс эттиради. Бундан оқ ранг тўлқин ёки нарса юзасининг объектив хоссаси сифатида қаралиши мумкин эмас, деган янглиш хулоса чиқарилади. Қора ранг тўлқин хоссаси эмас: унинг шарти – кўриш доирасида нурланишнинг йўқлиги. Тўлқин йўқ нарса ҳақида ахборот бера олмайди. Бундан қуйидаги сохта хулоса келиб чиқади: ранг, ҳил – бу нарсаларнинг хоссалари

эмас, балки бизнинг сезгиларимиздир (Э.Мах); «ранг» сўзи билан руҳий кечинмаларнинг муайян тоифаси белгиланади (В.Оствальд). Дунё эса овозсиз, бўёқлар ва ҳидлардан холи. Унда иссиқ ҳам, совуқ ҳам мавжуд эмас. Буларнинг ҳаммаси — фақат бизнинг сезгиларимиз.

Бу ерда масаланинг икки томонини: сезгилар манбаси нималиги ва уларнинг психофизиологик механизми қандайлигини фарқлаш лозим.

Образнинг сифат жиҳатидан аниқлиги предметнинг сифат жиҳатидан аниқлигини акс эттиради. Жисмнинг тебраниши ёки аини шу электромагнит нурларни тарқатиши жисм тузилиши, унинг ҳарорати ва бошқа хоссаларига боғлиқ бўлади. Масалан, ҳар бир металл оловни ўз рангига бўяйди: ҳар бир модда у ёнаётган газга айланганида ўз рангини касб этади. Қор кўзимизга оқ бўлиб кўрингани учун оқ эмас, балки у амалда оқ бўлгани учун ҳам биз уни шундай кўрамыз. Механицистлар ва субъективистларнинг нарса унга қараётганимиздагина рангга ва уни ҳидлаётганимиздагина ҳидга эга бўлади, деган фикрига кўшилиб бўлмайди. Кўз ўзининг ранг сезадиган аппарати билан ўзи идрок этувчи ранг мавжуд бўлгани туфайли юзага келган ва мавжуд.

Хотира, тасаввур, хаёл. Гарчи сезиш ва идрок этиш инсоннинг барча билимлари манбаи саналса-да, ҳиссий билиш улар билангина кифояланмайди. У ёки бу предмет инсоннинг сезги аъзоларига маълум вақт мобайнида таъсир кўрсатади. Сўнгра бу таъсир барҳам топади. Бироқ, предметнинг образи изсиз йўқолмайди. У хотирада гавдаланади ва сақланиб қолади. Бинобарин, бирон-бир нарса ҳақида у йўқолганидан кейин ҳам фикр юритиш мумкин, чунки у ҳақда муайян тасаввур қолади. Юмиқ кўзлар билан ҳам биз нималарнидир тасаввур қиламыз.

Шундай қилиб, биз ҳақиқатга элтувчи йўл нақадар оғир эканлигини кўрамыз: у амалда жоннинг барча кучлари — хотира, прода, тасаввур, интуиция ва ақлнинг бор кучини ишга солишни назарда тутлади. Масалан, хотирани олайлик. Билиш ҳақида хотирасиз фикр юритиш мумкинми? Албатта, йўқ: хотирасиз жон — балиқсиз тўр деган гап. Бу ажойиб ҳодисасиз билишни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Сезиш ва идрок этиш жараёнлари ўзидан кейин мияда «из» қолдиради. Бу изларнинг моҳияти инсонга аини лаҳзада таъсир

кўрсатмаётган нарсаларнинг образларини гавдалантириш қобилиятидан иборат.

Хотира ўтмиш ва ҳозирги замонни бирлаштиради, уларнинг бир-бирига ўтишини таъминлайди. “Товушлар ва сўзлар сони кўпайгандан кейин, одамга унинг хотираси ёрдамга келади... Ёзув ҳам хотира билан бирга инсон имкониятларини оширади”¹. Агар образлар мияда унга предмет таъсир кўрсатган пайтда пайдо бўлиб, бу таъсир тўхтаганидан кейин дарҳол ғойиб бўлганида, инсон нарсаларни ҳар сафар мутлақо нотаниш нарсалар сифатида қабул қилган. У мазкур нарсаларни танимаган, демак, уларни англамаган бўлар эди. Бирор нарсани англаш учун ақлнинг ишлаши — ҳозирги ҳолатни олдинги ҳолат билан таққослаши талаб этилади. Ташқи таъсирларнинг идрок этилиши ва уларнинг вақтда сақланиши натижасида хотирада тасаввурлар уйғонади.

Тасаввурлар — бу бир пайтлар инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган алоқалар бўйича гавдаланадиган нарсаларнинг образларидир.

Сезиш ва идрок этиш онг фикр гавдаланишининг бошланиши ҳисобланади. Хотира олинган ахборотни қайд этади ва сақлайди. Тасаввурда эса онг илк бор ўзининг бевосита манбаидан ажралади ва нисбатан мустақил субъектив ҳодиса сифатида мавжуд бўла бошлайди. Инсон нисбатан янги образларни эркин яратишга қодир. Тасаввур — бу идрок этиш ва назарий тафаккур ўртасидаги боғловчи бўғин.

Хаёл инсоннинг муҳим хоссаси. Хаёл тафаккур оқимида етишмаётган кўргазмалилик ўрнини тўлдиради. Хаёл кучи тажрибада (онгда) мавжуд образларни нафақат қайта чақиради, балки уларни бир-бири билан боғлайди ва шу тариқа уларни умумий тасаввурлар даражасига кўтаради. Образларни қайта гавдалантириш хаёл кучи билан эркин ва бевосита кузатиш ёрдамсиз амалга оширилади. Тасаввурлар пайдо бўлишининг бу шакли бундай эркин фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлмаган, бироқ амалда кузатишга муҳтож бўлган ва образлар беихтиёр пайдо бўлишига йўл қўядиган оддий эслашдан шу билан фарқ қилади.

¹ Қаранг: С.М.Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан.— Т.: Минҳож, 2003. — 74-б.

Эмпирик билим ва унинг шакллари. Эмпирик билим мавжуд нарсанинг бевосита эмас, балки билвосита инъикоси бўлиши мумкин. Масалан, олим ўзи кўрмаётган тегишли объектнинг ҳолати ҳақида унга ахборот бераётган асбоб кўрсаткичи ёки электрокардиограмманинг электр чизигини кўради. Бошқача айтганда, билишнинг эмпирик даражаси ҳар хил асбоблардан фойдаланиш билан боғлиқ; у кузатиш, кузатилаётган нарса ёки ҳодисани тавсифлаш, баённомалар юритиш, ҳужжатлардан фойдаланишни назарда тутади, масалан, тарихчи архивлар ва бошқа манбалар билан ишлайди. Хуллас, бу оддий сезги даражасида билишга қараганда билишнинг юқорироқ даражасидир.

Эмпирик билимлар назарий билим негизини ташкил этувчи илмий далиллар мажмуидир. Эмпирик билим икки кузатиш ва эксперимент методлари ёрдамида шаклланади.

Кузатиш — билиш объектнинг муҳим хоссалари ва муносабатларини аниқлаш мақсадида атайлаб амалга ошириладиган изчил идрок этишидир. Кузатиш мақсадини белгилаш, унинг усулларини аниқлаш, ўрганилаётган объект хулқ-атворини назорат қилишнинг режасини тузиш, асбоблардан фойдаланиш кабилар кузатишнинг муҳим хусусиятларидир. Кузатишларнинг натижалари бизга борлиқ ҳақида илмий далиллар кўринишида дастлабки ахборотни беради.

Кузатиш бевосита ёки билвосита, масалан, микроскоп ёрдамида бўлиши мумкин. Ҳозирда электрон микроскоп ёрдамида молекулаларни визуал кузатиш мумкин. Кузатиш — бу фаолиятнинг муайян объектларга қаратилган, мақсадлар ва вазифаларни таърифлашни назарда тутадиган фаол шакли. Бирон-бир нарсани билишни хоҳлаган ҳар қандай одам ўз кўзларини кузатувчанликка ўргатиши лозим.

Зеҳнли, ижодкор ва теран ақл нарса ва ҳодисаларнинг кўпчилик эътибор бермайдиган муҳим жиҳатларини кўриш ва сезиш қобилияти билан ажралиб туради. Бу қобилият фан ва санъатдаги новаторлик омилдир. Кузатиш махсус тайёргарликни талаб қилади. Кузатишларни тайёрлашда кузатиш вазифалари, у жавоб бериши лозим бўлган талабларни аниқлаш, кузатиш режаси ва усулларини олдиндан ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади. Кузатиш табиатнинг ўзида мавжуд нарсалар ва ҳодисаларни қайд

этади. Бироқ, инсон кузатувчи роли билан кифоялана олмайди. У экспериментлар ўтказиш орқали фаол синовчига айланади. Мияда тасаввур қилинган модель устида ўтказиладиган фикрий эксперимент билишнинг алоҳида шаклини ташкил этади. Унга ҳаёл ва тафаккурнинг узвий алоқаси хосдир.

Эксперимент — бу шундай тадқиқот методикаси, унинг ёрдамида объект ё сунъий тарзда яратилади, ё тадқиқот мақсадларига мос келадиган маълум шарт-шароитларда ўрганилади. Экспериментда тадқиқотчи илмий тадқиқотни ўтказиш шарт-шароитларига фаол аралашади. У жараёни исталган босқичда тўхтатиши мумкин бўлиб, бу объектни янада муфассалроқ ўрганиш имконини беради. Тадқиқотчи ўрганилаётган объектни бошқа объектлар билан ҳар хил тарзда боғлаши ёки у илгари кузатилмаган шарт-шароитларни яратиши ва шу тариқа фанга маълум бўлмаган янги хоссаларни аниқлаши мумкин.

Эксперимент ўрганилаётган ҳодисани сунъий тарзда гавдалантириш ва назарий ёки эмпирик билим натижаларини амалда синаш имконини беради.

Эксперимент доим, айниқса, ҳозирги замон фанида баъзан, жуда мураккаб техника воситалари, яъни асбоблардан фойдаланиш билан боғлиқ. Асбоб — бу инсоннинг сезги аъзолари билиши мумкин бўлмаган ҳодисалар ва хоссалар ҳақида ахборот олиш учун мўлжалланган, керакли хоссаларга эга бўлган мослама ёки мосламалар тизимидир. Асбоблар бизнинг сезги аъзоларимизни кучайтириши, объект хоссаларининг фаоллик даражасини ўлчаши ёки уларда ўрганилаётган объект қолдирган изларни аниқлаши мумкин.

Тадқиқот мақсадларига кўра ўрганиш эксперименти, янги нарса ёки ҳодисани кашф этиш ҳамда янги хоссаларни аниқловчи ва уларни намоёниш этувчи текширув эксперименти (гипотезаларнинг тўғрилигини аниқлаш), объектлар ёки уларнинг хоссаларини аниқлашга қаратилган сифат эксперименти ва ўрганилаётган объектнинг хоссаларини ўлчаш билан боғлиқ миқдор эксперименти фарқланади. Ўрганиш объектига кўра табиий ва ижтимоий эксперимент, амалга ошириш усулларига кўра эса — табиий ва сунъий, модели ва бевосита амалий ва тафаккур воситасида амалга ошириладиган экспериментлар фарқланади. Шунингдек, илмий ва ишлаб чиқариш эксперименти

ҳам мавжуд. Ишлаб чиқариш эксперименти саноат ва дала шароитидаги экспериментларни ўз ичига олади. Моделли эксперимент алоҳида аҳамиятга эга. Физик ва математик моделлаштириш фарқланади. Физик модель ўрганилаётган объектнинг номаълум хоссаларини назарда тутати (самолётлар, хоссаларини гавдалантиришни назарда тутати (самолётлар, космик кемалар ёки нейронларнинг моделлари ва ш.к.). Математик модель ҳар хил объектларнинг умумий, функционал боғлиқлигини тавсифловчи формал (математик) ўхшашлиги асосида тузилади-ки, бу ҳам амалда мавжуд объектларнинг номаълум хоссаларини аниқлаш имконини беради.

Экспериментнинг асосий методи – ўрганилаётган объект мавжуд бўлган одатдаги шарт-шароитларни ўзгартириш. У ўрганилаётган объект хоссалари билан шарт-шароитлар ўртасидаги сабабий боғланиш, шунингдек, шарт-шароитларнинг ўзгариши муносабати билан бу хоссаларнинг ўзгариш хусусиятини аниқлаш имконини беради. Шу билан бир вақтда, бу метод предметларнинг табиий шароитда намоён бўлмайдиган янги хоссаларини аниқлаш учун имконият яратади, масалан, сунъий иқлим лабораторияларида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига температура, ёруғлик, намлик ва шу кабиларнинг таъсирини у ёки бу даражада тўғри аниқлаш мумкин. Ҳамонки, шарт-шароитлар ўзгариши билан предметнинг муайян хоссалари ўзгарар (баъзан, яна юзага келар), бошқа хоссаларида эса сезиларли ўзгаришлар юз бермаслиги мумкин. Экспериментга шарт-шароитларни назорат қилиш, жараёнларнинг кўрсаткичларини ўлчаш имкониятининг мавжудлиги ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш хосдир. Инсон тажриба ўтказиш чоғида янглишиши мумкин. Асбоблар бу камчиликдан холи. Микроскоп, телескоп, рентген аппарати, радио, телевидение, телефон, сейсмограф ва шу кабилар ёрдамида инсон ўзининг идрок этиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди ва теранлаштирди. Фан, айниқса, табиатшуносликда эришилган ютуқлар эксперимент ўтказиш методлари ва воситаларининг такомиллашуви билан узвий боғлиқ. Сўнгги йилларда олимлар, масалан, илмий ижод жараёнига бевосита киритилган компьютерлардан фойдаланиш имкониятига эга бўдилар.

Экспериментни кўп такрорлаш ва шу йўл билан хулосаларни

кузатувларнинг кўпроқ сонига таянган ҳолда асослаш мумкин. Эксперимент ўтказиш учун дастлабки билимлар керак, И.П.Павлов қайд этганидек, далилларни ривожлантириш предмет ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш лозим. Бу умумий тасаввурлар, фаразлар, гипотезалар олдинги кузатишлар, экспериментлар ва инсониятнинг барча тажрибасидан олинади. Улар экспериментга йўл кўрсатади. Аниқ англолмаган мақсадсиз, кўр-кўрона амалга ошириладиган кузатиш, эксперимент самара бериши мумкин эмас. Каллада ғоя бўлмаса, ҳеч қандай далилни кўролмайсан, деган эди И.П.Павлов.

Кузатиш ва эксперимент ўтказиш жараёнининг натижаси тавсифлаш ёки баён этиш йўли билан ифодаланади. У умумий қабул қилинган атамалар ёрдамида тузилган, графиклар, расмлар, фото ва кинотасвирлар илова қилинган, математик, кимёвий формулалар киритилган ҳисобот кўринишида ифодаланиши ҳам мумкин. Тавсифга қўйиладиган асосий илмий талаб — кузатиш ва эксперимент маълумотларини тўғри ва аниқ акс эттиришдир. Тавсиф тўлиқ ёки нотўлиқ бўлиши мумкин, бироқ у доим материални маълум даражада тизимга солишни, яъни уни гуруҳлаш ва умумлаштиришни назарда тутади: соф тавсиф илмий ижод доирасидагина қолади.

Билиш эмпирик методларининг муҳим унсури — таққослаш, яъни ўрганилаётган объектларнинг кузатиш ёки экспериментда аниқланаётган хоссалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашдир. Ўлчаш — таққослашнинг айрим кўриниши. Кузатиш ва эксперимент натижалари ўлчаш йўли билан ифодаланган тақдирдагина илмий аҳамиятга эга бўлади. Ўлчаш — объект хоссаларининг ривожланиш даражасини тавсифловчи катталикини аниқлаш жараёни. У ўлчаш бирлиги сифатида қабул қилинган бошқа катталик билан таққослаш шаклида амалга оширилади.

Илмий далил. Илмий далил эмпирик билишнинг натижаси ҳисобланади. Далил (ёки далиллар)ни аниқлаш илмий тадқиқотнинг зарур шартидир. Далил — билимининг тасдиқланган бойлигига айланган моддий ёки маънавий дунё ҳодисаси, бирон-бир ҳодиса, хосса ёки муносабатни қайд этишдир. А.Эйнштейн сўзлари билан айтганда, фан далиллардан бошланиши ва бошланиш билан тугалланиш ўртасида қандай назарий тузилмалар бўлишидан тузилишидан қатъий назар, далиллар билан

яқунланиши лозим. Далил тушунчаси ҳар хил маъно-мазмунга эга. «Далил» атамасининг кўп сонли таърифлари орасида қўйидагиларни қайд этиш мумкин. Биринчидан, борлиқ ҳодисаси, асос қилиб олиш мумкин бўлган воқеа, ҳодиса, ҳолат сифатидаги далил. Бу инсон томонидан англандан ёки англанданлигидан қатъий назар мавжуд бўлган ҳаёт далилларидир.

Иккинчидан, «далил» тушунчаси борлиқнинг англаб етилган воқеалари ва ҳодисаларини белгилаш учун қўлланилади. Инсон билиш имкониятларининг серқирраллиги шунда намоён бўладики, борлиқнинг айна бир далили билишнинг оддий ва илмий даражаларида, санъат, публицистика ёки юридик амалиётда англаб етилиши мумкин. Шу сабабли, турли усуллар билан аниқланадиган ҳар хил далилларнинг ишончлилиқ даражаси ҳам ҳар хил бўлади. Кўпинча, илмий далил билан борлиқ воқеаси ўхшаш бўлиб кўринади ва бу айрим файласуфлар ва олимларга далил ҳақиқатини мутлақ ҳақиқат сифатида тавсифлаш имконини беради. Бундай тасаввур билишнинг ҳақиқий манзарасига мос келмайди, уни догмага айлантиради ва соддалаштиради.

Далиллар мураккаб тузилишга эга. Улар борлиқ ҳақидаги ахборот, далил талқини, уни олиш ва тавсифлаш усулини ўз ичига олади.

Далилнинг муҳим томони — борлиқ ёки унинг айрим хоссалари ҳақида тасаввурнинг шаклланишига имконият яратувчи борлиқ тўғрисидаги ахборот. Далилнинг борлиққа мувофиқлиги уни ҳақиқий деб тавсифлаш имконини беради. Шу сабабли далиллар фаннинг эмпирик асоси, назарияни тасдиқлаш ёки инкор этишнинг муҳим усули ҳисобланади. Далил ёрдамида борлиқ ҳолисона, назарияга боғланмаган ҳолда англаб етилади. Далиллар эски назария доирасига сиғмайдиган, унга зид бўлган ҳодисаларни кашф этиш имконини беради.

Талқин қилиш далилнинг муҳим унсури бўлиб, у ҳар хил шаклларда амалга оширилади. Илмий далил назария билан билвосита боғлиқ. Назария ёрдамида эмпирик тадқиқотнинг вазифалари аниқланади ва унинг натижалари талқин қилинади. Талқин қилиш далил таркибидан уни шакллантиришнинг назарий-методологик шарти, далилдан келиб чиқадиган назарий хулоса, унинг илмий изоҳи ёки ҳар хил мафкуравий, илмий ёки

фалсафий нуқтаи назарлардан амалга ошириладиган баҳолаш сифатида ўрин олади.

Далилнинг моддий-техник ёки методик томони, яъни уни олиш усули ҳам бор. Далилнинг ишончлилиги кўп жиҳатдан у қайси усулда, қандай воситалар ёрдамида олинганлиги билан белгиланади. Масалан, сайловолди кампанияларида номзодлар рейтинги, уларнинг муваффақият қозониш имкониятларини кўрсатувчи социологик тадқиқотларнинг натижаларидан кўп фойдаланилади. Кўпинча, уларнинг натижалари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади, баъзан бир-бирига мутлақо зид бўлади. Тўғридан-тўғри хатога йўл қўйиш имконияти истисно этилса, бундай фарқларнинг сабаби методикаларнинг ҳар хиллиги билан изоҳланиши мумкин.

Фаннинг кўп асрлик тарихи нафақат кашфиётлар тарихи, балки далилларни назарий мавҳумлаштириш, умумлаштириш ёки тизимга солишнинг муҳим омиллиги ҳисобланган фан тилининг ривожланиш тарихи ҳамдир. Шу сабабли ҳар қандай далил белгиланадиган жиҳати, яъни у тавсифланган фан тилига эга бўлади. Графиклар, схемалар, илмий белгилар ва атамалар — фан тилининг муҳим атрибутлари. Агар илмий кашфиётни одатдаги атамаларда тавсифлашнинг иложи бўлмаса, уни идрок этиш жараёни баъзан, узоқ йилларга чўзилади.

Илмий билимнинг ривожланишига қараб табиий тил унда ифодаланаётган нарсалар мазмунига семантик жиҳатдан мувофиқ эмаслиги бўртиб кўрина бошлади. Табиий тил ибораларининг сермаънолилиги, гаплар мантиқий тузилишининг ноаниқлиги, тил белгиларининг маънолари контекст таъсирида ўзгарувчанлиги, психологик ассоциациялар — буларнинг барчаси илмий билишда зарур бўлган маънонинг аниқлиги ва равшанлигига эришишга монелик қиларди. Натижада, табиий тилни сунъий тарзда формаллаштирилган тил билан алмаштиришга эҳтиёж туғилди. Унинг кашф этилиши фаннинг билиш воситаларини жуда бойитди, унга янги ва янги мураккаб вазибаларни ечиш имконини берди. Шуни таъкидлаш лозимки, илмий далиллар ҳам, гипотезалар, назариялар, илмий муаммолар ҳам фанда яратилган сунъий тилларга таянади.

Илмий далил назарий тизимга киради ва икки муҳим хосса: ишончлилик ва бир вариантликка эга бўлади. Илмий далилнинг

ишончлилиги шундай намоён бўладики, уни тадқиқотчилар томонидан турли даврларда ўтказиладиган янги экспериментлар ёрдамида олиш ва ифодалаш мумкин. Илмий далилнинг бир вариантлилиги шундан иборатки, у ўзининг ишончлилигини талқинларининг ранг-баранглигидан қатъий назар сақлаб қолади.

Фан далиллари умумлаштирилиши натижасида улар назария учун асос бўлиб хизмат қилади. Далилларни умумлаштиришнинг оддий шакллари — уларни таҳлил, синтез қилиш, тишларга ажратиш, бирламчи тушунтириш схемаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар асосида амалга ошириладиган тизимга солиш ва таснифлашдир. Маълумки, жуда кўп илмий кашфиётлар олимларнинг далилларни тизимга солиш ва таснифлаш борасидаги фидокорона меҳнати натижасида юзага келган (масалан, Ч.Дарвин яратган турларнинг табiiй танланиш йўли билан пайдо бўлиши назарияси, Д.И.Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системаси).

Далиллар уларни талқин қилувчи назария, уларни таснифлаш методи мавжуд бўлган, улар бошқа далилларга боғлаб англаб етилган ҳолдагина илмий аҳамият касб этади. Фақат ўзаро боғланган ва яхлит кўринишда далиллар назарий умумлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Алоҳида ва тасодифан, ҳаётдан ажратиб олинган далиллар бирон-бир нарса ёки ҳодисани асослашга қодир эмас. Нотўғри танлаб олинган далиллардан ҳар қандай назарияни тузиш мумкин, бироқ у ҳеч қандай илмий аҳамиятга эга бўлмайди.

Назарий билим ва унинг шакллари. Илмий далиллар назарияга нисбатан ҳам икки хил вазифани бажаради: мавжуд назарияга нисбатан илмий далил ё уни мустаҳкамлайди (верификация қилади), ё у билан туқнашади ва унинг асоссизлигини кўрсатади (фальсификация қилади). Бироқ, бошқа томондан, назария эмпирик тадқиқот даражасида олинган илмий далиллар йиғиндисини шунчаки умумлаштиришгина эмас. Унинг ўзи янги илмий далиллар олиш манбаига айланади. Шундай қилиб, эмпирик ва назарий билим яхлит ҳодиса — илмий билим икки томонининг бирлиги ҳисобланади. Бу томонларнинг муайян илмий билиш жараёнидаги ўзаро алоқаси ва ҳаракати, уларнинг ўзаро нисбати назарий билимга хос бўлган шаклларнинг изчил қатори юзага келишини белгилаб беради. Назарий билимнинг

асосий шакллари: илмий муаммо, гипотеза, назария, тамойиллар, қонунлар, категориялар, парадигмалардир.

Илмий муаммо. Ҳар қандай илмий билиш муаммодан бошланади. Умуман олганда, инсон билимининг ривожланиш жараёнини айрим муаммоларни қўйишдан уларни ечишга ўтиш, сўнгра янги муаммоларни қўйиш сифатида тавсифлаш мумкин. Бироқ, муаммонинг ҳақиқий ўрни қандай? Илмий муаммолар нима учун юзага келади? Муаммонинг масаладан фарқи нимада? Илмий муаммолар доираси қандай?

Муаммо — билишнинг ривожланиш жараёнида объектив тарзда юзага келадиган, ечимини топиш муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган масала ёки масалалар мажмуидир. Шунингдек, муаммо, ҳал қилишни талаб этувчи назарий ёки амалий масала; фанда — бирон-бир ҳодисалар, объектлар, жараёнларни тушунтиришда қарама-қарши ёндашувлар кўринишида амал қилувчи ва уни ечиш учун мувофиқ назарияни талаб этувчи зиддиятли ҳолатдир.

Муаммони тўғри қўйиш уни муваффақиятли ечишнинг муҳим шартидир. Тўғри қўйилмаган муаммо ёки сохта муаммо ҳақиқий муаммоларни ечишдан чалғитади.

Муаммони қўйиш — илмий билиш жараёнининг дастлабки босқичи. Муаммони қўйишда, аввало, айрим ҳолатни масала сифатида англаб етиш, қолаверса, муаммонинг мазмунини аниқ тушуниш, маълум ва номаълум нарсаларни ажратган ҳолда уни таърифлаш лозим.

Илмий муаммолар предметга ёки процедурага доир бўлади. Предметга доир муаммоларда ўрганилаётган объектлар, процедурага доир муаммоларда эса — билим олиш ва уни баҳолаш усуллари акс этади. Ўз навбатида, предметга доир муаммоларнинг эмпирик ва концептуал, процедурага доир муаммоларнинг методологик ва баҳолаш билан боғлиқ турлари фарқланади. Эмпирик муаммоларни ечиш учун материални соф назарий таҳлил қилиш билан бир қаторда, предметлар билан маълум амалларни бажариш лозим, ваҳоланки, концептуал муаммолар борлиққа бевосита мурожаат этишни талаб қилмайди. Предметга доир муаммолардан фарқли ўлароқ, процедурага доир муаммолар доим концептуал хусусиятга эга бўлади; процедурага доир муаммолар ўртасидаги фарқ шунда кўринади-ки, методологик

муаммолар нисбий мушоҳада кўринишида ечимга эга бўлиши мумкин эмас, баҳолаш билан боғлиқ муаммолар эса фанга мезон вазифасини бажарувчи кўрсаткичлар ва мўлжалларни олиб киради.

Эмпирик муаммо аввало маълумотларни излашни назарда тутати; эмпирик муаммоларга кузатиш, эксперимент, ўлчаш каби илмий методлар ёрдамида жавоб топиш мумкин. Бундан ташқари, ечимини топиш учун асбоблар ясаш, реактивлар тайёрлаш ва ҳоказолар керак бўлган муаммо ҳам эмпирик ҳисобланади.

Концептуал муаммолар илгари олинган кўп сонли маълумотлар билан боғлиқ бўлиб, уларни тартибга солиш ва талқин қилиш, оқибатларни келтириб чиқариш ва гипотезаларни шакллантириш, мантиқий изчиллик талабларига мувофиқ қарама-қаршиликларни бартараф этишни назарда тутати.

Методологик муаммолар асосан, тадқиқотни режалаштириш билан боғлиқ; уларни ечиш йўли билан айрим келишувлар тузилади, муаммони ечиш, кузатиш ва экспериментлар ўтказиш тартиби аниқланади, мўлжалланаётган концептуал процедуралар белгиланади ва ҳ.к.

Баҳолаш билан боғлиқ муаммолар эмпирик маълумотлар, гипотезалар, назариялар ва шу кабиларни баҳолаш, ҳатто муаммонинг ўзи қай даражада тўғри тузилган ва таърифланганлигини баҳолашни назарда тутати. Муаммо тўғри кўйилган деб ҳисобланиши учун:

1) ўрганилаётган муаммонинг таркибига киритиш мумкин бўлган муайян илмий билим (маълумотлар, назария, методика) мавжуд бўлиши;

2) муаммо шаклан тўғри тузилган бўлиши;

3) муаммо ўринли бўлиши, яъни унинг асослари сохта бўлмаслиги;

4) муаммо муайян даражада чегараланган бўлиши;

5) ечимнинг мавжудлик шарти ва унинг ягоналиги кўрсатилган бўлиши;

6) мақбул ечим белгилари ҳамда ечимнинг мақбуллигини текшириш усуллари ҳақидаги шартлар қабул қилиниши лозим.

Шундай қилиб, пировард натижада барча илмий муаммолар ҳам ўз ечимини топавермайди: айрим муаммолар улар кўйилганидан кейин узоқ вақт мобайнида ечилмай қолаверади

(масалан, Фрем теоремаси бир неча юз йиллар мобайнида ечилмай келган), айрим муаммолар ўз ечимини топмайди (масалан, айлана квадратураси, бурчак трисекцияси ва кубнинг иккиланмаси ҳақидаги масалалар), баъзи бир муаммолар эса олимларнинг алмашаётган авлодлари диққат марказидан бутунлай йўқолади.

Илмий муаммо бошқа муаммолардан қуйидаги белгилари билан ажралиб туради:

– У олимни доим ҳақиқий билим олишга йўналтиради.

– Янги билим олишга қараб мўлжал олади. Олим онгли равишда янгилик сари интилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, «дунёнинг биринчи материяси нима?», «объект нима?», «ҳаракат нима?», «ақл нима?» қабилдаги оламшумул муаммолар айрим фанларнинг чегараларинигина белгилаши мумкин, бироқ илмий тадқиқотнинг дастлабки босқичи ҳисобланмайди.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳар қандай муаммо ҳам илмий бўлавермайди. Илмий муаммолар қолган турдаги муаммолардан шуниси билан ажралиб туради-ки, улар илмий асослар негизида қўйилади ва асосан, илмий билимни кенгайтириш мақсадида илмий методлар ёрдамида ўрганилади.

Теран, самарали ечимини топадиган муаммоларни яратишнинг умумий методи мавжуд эмас. Шунга қарамай, фан тарихи кўпгина ҳолларда теран илмий ва самарали муаммолар қуйидаги тўрт мўлжални рўёбга чиқариш пайтида юзага келганлигидан далолат беради:

1) илгари қўйилган муаммоларнинг таклиф қилинаётган ечимларига, ҳатто бу ечимлар бир қарашда шак-шубҳасиз бўлиб кўринса ҳам, танқидий ёндашиш лозим; ҳар қандай ҳолатда ҳам айрим камчиликларни топиш ёки ҳеч бўлмаса топилган ечимни умумлаштириш айрим ҳолатга татбиқан муайянлаштириш мумкин;

2) янги ҳолатларга нисбатан маълум ечимларни татбиқ этиш, уларнинг яроқли ёки яроқсизлигини баҳолаш лозим: агар муаммонинг ечими ўз кучини сақлаб қолса, бунинг натижасида нафақат ечимлар, балки муаммолар ҳам умумлаштирилади, агар ечим яроқсиз бўлса, муаммоларнинг янги мажмуи юзага келади;

3) маълум муаммоларни янги соҳаларга кўчириш ёки унга яна бир кўрсаткич киритиш йўли билан уларни умумлаштиришга ҳаракат қилиш лозим;

4) муаммонинг мавжудлигини билимнинг бошқа соҳаларидаги билимлар билан боғлаш, муаммоларни комплекс ўрганишга ҳаракат қилиш керак.

Умуман олганда, муаммоларни танлаш ижодий хусусиятга эга бўлиб, бу ерда методикадан ҳам кўра кўпроқ интуиция ва тажриба иш беради.

Илмий муаммо, дидактик тизим каби, билимлар ва фаолият усулларини ижодий ўзлаштириш қонуниятларига асосланади, у билиш ва амалий фаолият жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг самарали воситаларидан биридир.

Илмий муаммо билимларнинг изчиллиги, уларнинг фундаменталлиги ва ихтисослашувини уйғунлаштириш, турдош фанлар методларидан фойдаланиш, билимларни илмий умумлаштириш ва тизимга солиш кўникмаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўрганилаётган масалаларни танқидий таҳлил қилишни ўз ичига олади. У билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга даъват этади, янги муаммоларни мустақил қўйиш, уларнинг ечимларини излаш ва топишга қизиқишни кучайтиради. Айни вақтда, илмий муаммо зарур интеллектуал кескинликни вужудга келтиради, билиш жараёнидаги қийинчиликларни енгиш, ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантиради.

Бош вазифа — у ёки бу мавзуга мос келадиган муаммоларни топиш, фарқлаш ва аниқ таърифлаш. Пухта ишлаб чиқилган ва тўғри таърифланган муаммо илмий ҳамда ижодий жиҳатдан диққатга сазовор бўлиши мумкин.

Илмий муаммо соф информатив хусусиятини йўқотади, тайёр билим беришдан иборат бўлмай қолади ва янги билим излаш, ҳақиқий ижодий билиш жараёнига айланади. Инсонга зарур билимлар ҳажми жадал суръатларда ошиб бораётган ҳозирги шароитда далилларнинг маълум йиғиндисини ўзлаштиришга қараб мўлжал олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўз билимларини мустақил тўлдириш, илмий ва сиёсий ахборотларнинг жўшқин оқимида мўлжал олиш кўникмасини шакллантириш муҳимдир. Бу тамойиллардан ҳозирги даврда инсон эга бўлган билимларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки унинг билимлари ижодий қобилияти ва ғоявий эътиқоди билан уйғунликда ҳар томонлама етук шахснинг бош мезонидир, деган хулоса келиб чиқади.

Муаммоли вазият ва унинг аҳамияти. Мавжуд фаолият стратегиялари ва ўтмиш тажрибаси инсонга юзага келган қийинчиликни бартараф этиш имконини бермайдиган, мутлақо янги стратегияни яратиш талаб этиладиган вазият одатда, муаммоли вазият деб аталади. Муаммоли вазият аниқланган далилларни мавжуд билим доирасида тушунтириш мумкин эмаслигини ифодаловчи вазиятдир. Илмий кашфиёт сари йўл муаммоли вазиятни аниқлашдан бошланади, уни таърифлашдан ўтади ва бу вазиятнинг ечимини топиш билан яқунланади.

Муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши ҳар хил омиллар билан белгиланади. Аввало, у далилни асосланган хусусиятга эга бўлган мавжуд назарий билим ёрдамида тавсифлаш мумкин бўлмаган ҳолда юзага келади. Бу ерда муаммоли вазият кўп жиҳатдан бизга ҳали аниқ бўлмаган объектив мавжуд ҳодисалар таъсирида юзага келади. Бироқ, муаммоли вазият баъзан, мавжуд назарий дастурни ривожлантириш ва кенгайтириш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Муаммоли вазият шаклан субъектив, бироқ мазмунига кўра объективдир. Амалда у тадқиқотчи олдида кузатишлар ва экспериментларнинг эмпирик билимлар — далиллар ва қонунлар шаклида ифодаланувчи янги натижалари билан ўз тасдиғини топган назарий билимларнинг бирикуви кўринишида юзага келади. Кўпинча, муаммоли вазият жамиятнинг амалий ёки назарий манфаатлари нуқтаи назаридан ўзини намоён этади. Уни моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиш жараёни, шу жумладан, фан назарияси ва амалиётининг ривожланиши, унга давлат ва жамиятнинг муносабати, давлат ва жамиятнинг уни ечишдан манфаатдорлиги тайёрлайди. Муаммоли вазиятнинг аниқланиши ва ҳал қилинишига ижтимоий-тарихий муҳит сезиларли таъсир кўрсатади. У илмий кашфиётга имконият яратиши, бироқ унинг олинишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин.

Муаммоли вазиятда олимнинг ўзига хос хусусиятлари, чунончи: унинг касбий тайёргарлик даражаси, муаммода мўлжал ола билиши, қотиб қолган эскича қарашлардан узоқлаша олиши, зеҳнининг ўткирлиги ва ҳоказолар айниқса, ёрқин намоён бўлади.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишда шахсий-психологик тусдаги масалаларни ҳам ўрганишга тўғри келади, чунки бу

вазиятни олим ўз бошидан кечиради ва унда олимнинг интуицияси, тафаккур услуби ва ҳоказолар намоён бўлади.

Муаммоли вазиятнинг пировард негизи амалиёт ҳисобланади. Бизнинг объект ҳақидаги билимларимиз етарли эмаслиги аён бўлиб, «салбий» натижалар олинади, амалиёт янги муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунда фан нисбатан мустақилликка, ўз ривожланишининг ички мантиқига, ўз ички қарама-қаршиликларига эга эканлиги, бу омиллар ҳам муаммоли вазиятларни юзага келтиришини унутмаслик лозим.

Гипотеза — янги далилларнинг моҳиятини тушунтирувчи қонун мавжудлиги ҳақидаги асосли тахминдир. Гипотеза олимлар томонидан илмий муаммонинг қўйилишига сабаб бўлган илмий далилларни тахминий тушунтириш мақсадида илгари сурилади. Гипотеза текшириладиган бўлиши лозим, у эмпирик текшириш имконини берувчи оқибатларга олиб келади. Агар бундай текширишнинг иложи бўлмаса, гипотеза илмий жиҳатдан асоссиз ҳисобланади.

Гипотеза формал-мантиқий қарама-қаршиликлардан холи ва ички изчилликка эга бўлиши лозим. Гипотезани баҳолаш мезонларидан бири — унинг мумкин қадар кўпроқ илмий далилдан келиб чиқадиган оқибатларни тушунтириш қобилияти. Бироқ, илмий муаммони қўйиш билан боғлиқ далилларни тушунтирувчи гипотезани илмий жиҳатдан асосли деб бўлмайди.

Гипотеза илгари маълум бўлмаган нарсалар ва ҳодисаларни, эмпирик тадқиқот жараёнида ҳали аниқланмаган янги илмий далилларнинг пайдо бўлишини башорат қилади. Гипотеза мумкин қадар содда бўлиши лозим. У оз сонли асослар билан кўп сонли ҳодисаларни тушунтиради. Унда илмий далилларни ва гипотезанинг ўзидан келиб чиқадиган оқибатларни тушунтириш зарурати билан боғлиқ бўлмаган ортиқча фаразлар бўлмаслиги керак. Гипотеза қай даражада асосли бўлмасин, у назарияга айланмайди. Шу сабабли илмий билишнинг навбатдаги босқичи — гипотезанинг ҳақиқийлигини асослаш серқирра жараён бўлиб, мазкур гипотезадан келиб чиқадиган оқибатларнинг мумкин қадар кўпроги ўз тасдиғини топиши лозимлигини назарда тутати. Шу мақсадда кузатиш ва экспериментлар ўтказилади, олинган янги далиллар гипотезадан келиб чиқадиган оқибатлар билан таққосланади. Эмпирик даражада қанча кўп оқибатлар ўз

тасдиғини топган бўлса, уларнинг бошқа гипотезадан келиб чиқиш эҳтимоли шунча кам бўлади. Гипотезанинг энг ишонарли тасдиғи — эмпирик тадқиқот жараёнида гипотезада башорат қилинган оқибатларни тасдиқловчи янги илмий далилларнинг аниқланишидир. Шундай қилиб, ҳар томонлама текширилган ва амалда ўз тасдиғини топган гипотеза назарияга айланади.

Назария — ҳодисаларнинг муайян туркуми, бу туркумдаги ҳодисаларнинг моҳияти ва уларга нисбатан амал қиладиган борлиқ қонунлари ҳақидаги билимларнинг мантиқий асосланган ва амалиёт синовидан ўтган тизимидир. У ўрганилаётган ҳодисаларнинг мазмунини ёритувчи табиат ва жамият умумий қонунларининг кашф этилиши натижасида шаклланади. Гипотеза борлиқнинг муайян бўлагини тушунтириш ёки талқин қилишга қаратилган ғоялар мажмуини ўз ичига олади. Назария таркибига унинг асослари сифатида мавжуд бўлган ва юзага келишини белгилаган барча элементлар киради. Дастлабки назарий негиз, яъни жамулжам ҳолда тадқиқот объекти ҳақида умумий тасаввурни, объектнинг идеал моделини ташкил этувчи кўп сонли тамойиллар, аксиомалар, қонунлар назариянинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Назарий модель айни вақтда асосий назарий тамойиллар тизимига таянувчи келгуси тадқиқотлар дастури ҳамдир.

Назария тушунтириш, башорат қилиш, амалда синаш ва синтез қилиш каби муҳим функцияларни бажаради. Назария илмий далиллар тизимини тартибга солади, уларни ўз таркибига киритади ва ўзини ташкил этувчи қонунлар ва тамойиллардан оқибатлар сифатида янги далилларни яратади. Пухта ишлаб чиқилган назария фанга маълум бўлмаган ҳодисалар ва хоссаларни башорат қилиш имкониятига эга бўлади. Назария одамлар амалий фаолиятининг негизи бўлиб хизмат қиладди, уларга табиий ва ижтимоий ҳодисалар дунёсида йўл кўрсатади. Назарияда илмий ғоялар, яъни унда акс эттирилган объектлар туркуми доирасида амал қилувчи фундаментал қонуниятлар ҳақидаги билимлар марказий ўринни эгаллайди. Илмий ғоя мазкур назарияни ташкил этувчи қонунлар, тамойиллар ва тушунчаларни мантиқан изчил яхлит тизимга бирлаштиради.

Назария бошқа назарияларга кириш ва шу йўл билан уларни қайта қуриш қобилиятига эга. У ҳар хил назарияларнинг

бирлашиши ва дунёнинг илмий манзараси ўзагини ташкил этувчи тизимга айланишини рағбатлантиради. Назария бутун бир даврнинг тафаккур услубини белгилашга қодир бўлган янги ғояларга замин яратади. Ўз шаклланиш жараёнида назария мавжуд тамойиллар, категориялар ва қонунлар тизимига таянади ва янги тамойиллар, категориялар ва қонунларни кашф этади.

Тамойиллар деганда, асосий назарий билим, илмий далилларни тушунтиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилувчи раҳбар ғоялар тушунилади. Тамойиллар сифатида, жумладан, исботлаб бўлмайдиган ва исбот талаб қилмайдиган аксиомалар, постулатлар амал қилиши мумкин.

Категориялар – борлиқнинг энг муҳим томонлари, хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчалардир. Фан категорияларига ҳам шундай таъриф бериш мумкин. Бироқ, умумий хусусиятга эга бўлган фалсафий категориялардан фарқли ўлароқ, фан категориялари бутун борлиқнинг эмас, балки борлиқнинг муайян парчаси хоссаларини акс эттиради.

Фан қонунлари ҳодисалар ўртасидаги зарур, муҳим, барқарор, такрорланувчи муносабатларни ёритади. Бу ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланиши қонунлари бўлиши мумкин. Табиат, жамият ва инсон тафаккури қонунларини билиш – фаннинг муҳим вазифаси. У ўрганилаётган ҳодисаларнинг тушунчалар ва категорияларда қайд этиладиган умумий ва муҳим томонларини ёритишдан уларнинг барқарор, такрорланувчи, муҳим ва зарур алоқаларини аниқлашга қадар бўлган йўлни босиб ўтади. Фан қонунлари ва категориялари тизими унинг парадигмасини ташкил этади.

Парадигма – фан тарихининг муайян даврида унинг ривожланишини белгиловчи барқарор тамойиллар, умумий меъёрлар, қонунлар, назариялар ва методлар мажмуи. У бутун илмий ҳамжамият томонидан фаннинг мазкур даражасида юзага келувчи вазифаларни кўйиш ва ечиш усулларини белгилайдиган андоза сифатида тан олинади. Парадигма тадқиқотчилик фаолияти, илмий экспериментларнинг натижаларини талқин қилишга йўл кўрсатади, янги далиллар ва назарияларнинг башорат қилинишини таъминлайди. У ўзига мос келмайдиган концепцияларни инкор этади ва тадқиқотчилик вазифаларини ечиш учун андоза бўлиб хизмат қилади. Парадигма тушунчаси

билиш назариясига америкалик файласуф Т.Кун томонидан киритилган. Унинг фикрича, «нормал фан»га тегишли илмий парадигмага таянган ҳолда муайян вазифаларни ечиш хосдир. Фан ривожланишидаги нормал даврлар инқилоблар билан алмашади. Улар эски парадигма доирасига сиғмайдиган ҳодисаларнинг кашф этилиши билан боғлиқ. Натижада, фанда инқироз даври бошланади ва у эски парадигма ўз аҳамиятини йўқотиши ва янги парадигманинг юзага келиши билан яқунланади. Янги парадигманинг қарор топиши фанда инқилоб ясалишига сабаб бўлади.

Тафаккур ва унинг моҳияти. Инсон ҳамиша нималар ҳақидадир ўйлайди. Ҳисиз ҳолат ҳам, психологлар фикрига кўра, амалда ҳеч бўлмаса ҳеч нарса ҳақида ўйламасликни ўйлаш ҳолатидир. Билишнинг диалектик йўли сезги аъзолари орқали билиш, далилларни аниқлашдан мантиқий тафаккур сари олиб боради. Тафаккур — бу инсоннинг нарсалар муҳим хоссалари ва муносабатларини изчил, билвосита ва умумий акс эттиришидир. Ижодий тафаккурлаш амалиёт, фан, техникада янги натижалар олишга қаратилади. Тафаккурлаш — муаммолар қўйиш ва уларни ечишга қаратилган фаол жараён. Тиришқоқлик — фикрлаётган одамнинг муҳим белгиси. Сезгидан фикрга ўтиш замирида билиш объектининг ички ва ташқи моҳиятнинг ифодаси, айрим ва умумийга бўлиниши ётади. Зотан, илмий ва фалсафий билим фақат сезги ва тасаввурлардан иборат эмас: сезги идроки нақадар гўзал бўлмасин, мазмунан қашшоқдир — у нарсанинг моҳиятини ёритмайди.

Нарсалардаги умумийлик — аввало, муҳим хоссалар ва муносабатлар мажмуидир. Маълумки, улар айрим предмет каби аниқ кўриниб турмайди, уларни бевосита идрок этиш мумкин эмас. Нарса, ҳодисаларнинг ташқи томони асосан амалда кузатиш, эмпирик билиш йўли билан, нарсаларнинг моҳияти, умумий жиҳатлари эса — тушунчалар, мантиқий фикрлаш ёрдамида аниқланади. Фикрлашда, тушунчаларда нарсалар билан бевосита алоқа мавжуд бўлмайди. Биз идрок этишга қодир бўлмаган нарсаларни ҳам тушунишимиз мумкин.

Махсус тузилишга эга бўлган оз сонли сезги аъзоларимиз шунинг учун ҳам билишнинг мутлақ чегараларини ўрнатмайдики, уларга назарий тафаккур фаолияти қўшилади. Инсон фикри

ҳодисаларнинг ташқи қобидан ўтиб, объектнинг ичига киради. Сизги даражасида аниқланган маълумотлар ва эмпирик тажрибадан келиб чиқиб, тафаккур сезги аъзоларининг кўрсатмаларини мазкур индивид миёсида мавжуд барча билимлар, бундан ташқари, инсониятнинг умумий тажрибаси, билимларига, улар мазкур одамнинг бойлигига айланган даражада фаол солиштириши ва ҳодисалар орқали янада теранроқ моҳиятни англаб, амалий ва назарий муаммоларни ечиши мумкин.

Мантиқий тафаккур — тафаккур қоидалари, қонунлари ва тамойилларига мувофиқ бир ҳақиқатдан бошқа, янада теранроқ ҳақиқатга интилишдир. Тафаккур қоидалари, қонунлари фан сифатидаги мантиқнинг мазмунини ташкил этади. Бу қоидалар ва қонунлар тафаккурга ичдан хосдир. Мантиқий қонунлар — нарсаларнинг объектив муносабатларини амалиёт асосида умумлаштириш. Демак, инсон тафаккурининг баркамоллик даражаси, унинг мазмуни объектив борлиқ мазмунига қай даражада мувофиқлиги билан белгиланади. Бизнинг ақлимиз амалий ҳаракатлар мантиқи ва маънавий маданият тизимида акс этган нарсалар мантиқига бўйсунди. Тафаккур жараёни амалда нафақат айрим шахс миёсида, балки бугун маданият тарихи шаклланади. Асосий қоидалар тўғри бўлган ҳолда фикрнинг мантиқийлиги унинг тафаккурда, тушунчалар ҳаракатида акс этишида намоён бўлади. Инсон теран фикр юритишида, мантиқ қонунларига бўйсунди, унинг бирон-бир тамойилини бузмайди.

Ҳозирги замон фани ва техникаси қаршисида кўндаланг бўлган муаммоларнинг мураккаблиги мантиқни фаол ривожлантириш, тафаккурнинг мантиқий аппаратини, айниқса, кибернетика техникасининг жуда ўсган талаблари билан мувофиқ ҳолатга келтиришни талаб қилди. Бу муҳим эҳтиёж мантиқда янги йўналишлар — кўп маъноли, эҳтимол тутилган ва бошқа мантиқий фанларнинг пайдо бўлишини белгилаб берди, формал мантиқни математика билан яқинлаштирди ва математик мантиқ юзага келишига сабаб бўлди.

Объектив борлиқ жараёнларининг алоқаси, уларнинг ривожланиши ўзига хос «нарсалар мантиғи», объектив мантиқни ташкил этади. Бу мантиқ бизнинг тафаккуримизда тушунчалар алоқаси кўринишида акс этади — бу субъект мантиғи тафаккур мантиғи. Фикрларимизнинг мантиқийлиги шу билан

белгиланади-ки, биз нарсаларни улар амалда қандай боғланган бўлса, шундай боғлаймиз. Ҳамонки, борлиқ диалектика қонунларига бўйсунар экан, инсон тафаккурининг мантиғи ҳам шу қонунларга бўйсунishi лозим.

Тафаккур ва борлиқнинг бирлиги. Тафаккур билан борлиқ ўртасида бирлик мавжуд. Тафаккур уларнинг бирлиги замирида мантиқий шакллар ва тафаккур қонунларини шакллантирувчи ижтимоий амалиёт ётади. Дунё ривожланишининг объектив умумий қонуниятларидан мантиқий қонуниятларнинг фарқи шундаки, инсон мантиқий қонуниятларни онгли равишда қўллаши мумкин, табиатда эса дунёнинг ривожланиш қонуниятлари ўзига онгсиз тарзда йўл очади.

Инсон ўзини қуршаган дунё ҳақидаги барча билимларни пировард натижада сезги аъзолари орқали олади. Бироқ, улар айрим сохта ғоялар, масалан, Ернинг ясси тузилиши, Куёш Ер атрофида айланиши каби ғоялар манбан ҳамдир. Бу кўпинча сезги аъзоларининг маълумотларига ишончсизлик уйғотган, рационалистлар бу аъзоларнинг билишдаги ролини камситиши ва билишда асосий ролни тафаккур ўйнашини қайд этишга сабаб бўлади. Бироқ, эмпириклар бу фикрга эътироз билдириб, билишда хатоларга кўпроқ тафаккур йўл қўйганини қайд этадилар. Уларнинг фикрича, ҳайвон табиат йўлларида четга чиқа олмайди: унинг мотивлари замирида сезги аъзолари орқали идрок этиладиган нарсалар ётади. Ҳайвонлар ҳеч нарсани ўйлаб топмайди ва шунинг учун ҳам улар ақлсизлик ҳолатига тушмайди. Инсон эса ҳар хил хомхаёллар қурбони бўлади.

Сезги даражасида билишнинг ролини мутлақлаштирадиган ва мавҳум назарий тафаккурга ишонмайдиган эмпиризм илмий билишнинг ривожланишига монелик қилади. Мутахассислар қайд этишича, қадимги математиклар, файласуфлар, пифагорчилар, математикага иррационал, баъзан — каср сонларининг киритилишига қарши чиққанлар, ўз фикрларини бу сонларнинг ноаниқлиги билан исботлашга ҳаракат қилганлар. Бундай фикрлар юнонларни алгебрани фан сифатида инкор этишга мажбур қилган, бу эса математиканинг аналитик методлари Уйғониш даврига қадар замондан орқала қолишининг сабабларидан бири бўлган. Қадимги мутафаккирлар сезгида бўлмаган нарса тафаккурда ҳам бўлмайди деб қайд этган. Тафаккур жараёни

моделлар, схемалар, табиий, сунъий тил ва ҳоказолар кўринишидаги сезги унсурларига таянмай иш кўра олмайди.

Тафаккурнинг асосий шакллари. Тафаккур жараёнининг оқилона мазмуни тарихий ривожланиш жараёнида яратилган мантиқий шакллар қобигига ўралади. Тафаккур ўзининг асосий шакллари — тушунчалар, мулоҳазалар ва хулосалар кўринишида юзага келган, ривожланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Тушунча — нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хосса ва алоқалари акс этувчи фикр. Тушунча — тафаккур, тушуниш фаолиятининг маҳсули. Улар нафақат нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий жиҳатларини акс эттиради, балки уларни бир-биридан ажратади, улар ўртасида мавжуд фарқларга қараб, уларни гуруҳлайди, таснифлайди. Бундан ташқари, биз бирор нарса ҳақида тушунчага эга эканлигимизни таъкидлар эканмиз, бунда мазкур объектнинг моҳиятини тушунишимизни назарда тутамиз. Масалан, «инсон» тушунчаси нафақат муҳим умумий, яъни барча одамларга хос бўлган жиҳатни, балки ҳар қандай одамнинг бошқа ҳар қандай нарсалардан фарқини ҳам акс эттиради, мазкур одамнинг моҳиятини тушуниш эса, умуман, инсоннинг моҳияти, яъни инсон ҳақидаги тушунчанинг мазмунини билишни назарда тутати: «Инсон — ақл, сўзлашиш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган биоижтимоий мавжудот».

Сезги, идрок ва тасаввурлардан фарқли ўлароқ, тушунчалар кўргазмалилик ёки ҳиссийликдан холидир. Идрок дарахтларни, тушунча — умуман, дарахтни акс эттиради. Тушунчанинг мазмунини кўпинча, аниқ образ кўринишида тасаввур қилиш мумкин эмас. Инсон, масалан, яхши одамни тасаввур қилиши мумкин, бироқ у яхшилик, ёмонлик, гўзаллик, қонун, ёруглик тезлиги, сабаб, қиймат каби тушунчалар ва жараёнларни сезги образи кўринишида тасаввур қила олмайди. Ҳар қандай фаннинг барча тушунчалари ҳақида шу фикрни айтиш мумкин. Уларнинг объектив таърифи кўргазмалилик чегараларидан ташқарида билвосита аниқланади.

Тушунча муҳим жиҳатлар ва хоссаларни аниқлайди ва уларни ўзида мужассамлаштиради: тушунча моҳиятнинг фикрда ифодаланган образидир. Шунинг учун ҳам оз сонли тушунчалар сон-саноксиз нарсалар — хоссалар ва муносабатларни қамраб олади. Тушунчалар турли даврларда мазмунан ҳар хил бўлган.

Улар айна бир инсон ривожланишининг турли даражаларида ҳар хилдир.

Ҳақиқий илмий тафаккур маданияти бирон-бир тушунчани аниқ таърифсиз қолдирмасликни ўзи учун қоида деб билади. Буюк мутафаккир Суқрот тушунчаларни мантиқий жиҳатдан аниқ таърифлаш ҳақиқий билимнинг бош шартидир, деган эди.

Тушунчалар инсон онгида маълум боғланишда, мулоҳазалар кўринишида юзага келади ва мавжуд бўлади. Тафаккур – бирор нарса ҳақида ҳукм чиқариш, нарсанинг турли томонлари ўртасидаги ёки нарсалар ўртасидаги муайян алоқалар ва муносабатларни аниқлаш демакдир.

Мулоҳаза – фикрнинг шундай бир шаклики, унда тушунчаларни боғлаш йўли билан бирор нарса ҳақидаги бирон-бир фикр тасдиқланади (ёки рад этилади). Масалан, «Терак – ўсимлик» деган шундай бир мулоҳаза-ки, унда терак ҳақида унинг ўсимлик эканлиги хусусида фикр билдирилади. Тасдиқлаш ёки рад этиш, сохталик ёки ҳақиқийлик, шунингдек, эҳтимол тутилган нарсалар бор жойда биз мулоҳазаларга дуч келамиз.

Агар бизнинг онгимизда фақат тасаввурлар, ўз ҳолича тушунчалар мавжуд бўлган ва улар бир-бири билан мантиқан боғланмаганида, тафаккур жараёни ҳам бўлмас эди. Маълумки, сўзнинг ҳаёти фақат нутқда, гапдагина ҳақиқийдир. Худди шунингдек, тушунчалар ҳам фақат контекстида «яшайди». Айрим тушунча сунъий «препарат», масалан, организмдан ажратиб олинган ҳужайра билан баробар. Тафаккур – бирор нарса ҳақида хулоса чиқариш демак. Бунда биз мулоҳаза кўринишида ифодалай олмайдиган тушунча биз учун мантиқий маънога эга бўлмайди.

Мулоҳаза (ёки мулоҳазалар) – кенг маънода ифодаланган тушунча, тушунчанинг ўзи эса – торайтирилган мулоҳаза (ёки мулоҳазалар), деб айтиш мумкин. Нима юксакроқ – тушунчами ёки мулоҳаза, деган масала атрофидаги баҳслар схоластик, шунинг учун ҳам бесамардир.

Фикрнинг бевосита, моддийлаштирилган ифодаси бўлган гап мулоҳазани ифодалашнинг оғзаки шаклидир. Ҳар қандай мулоҳаза субъектнинг предикат, яъни тавсифланаётган нарса ёки ҳодиса билан бирикувидир. Шу сабабли мулоҳазаларнинг мантиқда кўрилмайдиган турлари субъект, предикат ва улар ўртасидаги алоқанинг эҳтимол тутилган модификациялари билан боғлиқ. Биз:

«Олов куйдиради», деймиз. Бу — мантиқан субъект предикат билан боғланган ҳукм. Оловни ҳам, куйишни ҳам сезиш мумкин, бироқ улар ўртасидаги алоқани фикримиз англайди.

Субъектнинг ўзгаришига қараб ҳукмлар, масалан, шахсиз бўлиши мумкин: «Тонг отяпти», «Кайфият йўқ». Якка, айрим ва умумий ҳукмлар фарқланади: «Ньютон тортилиш қонунини кашф этган», «Айрим одамлар ёвуз ниятли бўлади», «Суяк — фаол тўқималардан бири». Ҳукмлар тасдиқловчи ва инкор этувчи бўлади: «Тананг кучни ўсимлик шарбатларидан олади», «Сайёралар юлдузлар эмас».

Инсон у ёки бу мулоҳазага бирон-бир далилни бевосита кузатиш орқали ёки билвосита йўл билан — хулоса чиқариш ёрдамида келиши мумкин.

Тафаккур фақат мулоҳаза юритиш эмас. Тафаккур жараёнида амалда тушунчалар ва мулоҳазалар алоҳида ўрин тутмайди. Улар ақлнинг янада мураккаброқ ҳаракатлари занжири — мушоҳаданинг бўғинлари ҳисобланади.

Хулоса — мушоҳаданинг нисбатан тугалланган бирлиги. Мушоҳада юритиш жараёнида мавжуд мулоҳазалардан янги мулоҳаза — хулоса чиқарилади. Хулоса чиқариш тафаккурнинг шундай бир амали-ки, унда айрим фикрларни таққослаш йўли билан янги мулоҳаза яратилади.

Инсон нарсаларнинг, хоссалари ва муносабатларини теран билиш орқали вақти-вақти билан ҳозирги замон чегараларидан ўтиб, сирли келажакка назар ташлаши, ҳали маълум бўлмаган нарсаларни олдиндан кўриши, юз бериши эҳтимол тутилган ва муқаррар бўлган воқеаларни башорат қилиши мумкин.

Башорат қилиш «мураккаб нарсани оддий нарсага айлантириш»нинг олий даражасини ташкил этади. Илмий билим тараққиёти илмий башорат кучининг ўсиши ва мазкур ҳодиса чегараларининг кенгайиши билан боғлиқ. Башорат қилиш жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш имконини беради. Илмий билиш нафақат келажакни башорат қилиш, балки бу келажакни онгли равишда шакллантириш учун имконият яратади. Ҳар қандай фаннинг ҳаёт мазмунини шундай тавсифлаш мумкин: башорат қилиш учун билиш, иш кўриш учун башорат қилиш керак. Масалан, Д.И.Менделеев юз йил кейин кашф этилган кимёвий элементларнинг мавжудлигини башорат қилган эди.

Ҳиссий, эмпирик ва рационал билиш бирлиги. Кўп сонли маълумотлар сезги аъзолари орқали ва оқилона билиш нафақат бир-бири билан боғлиқ, балки бир-бирини тақозо этишидан далолат беради. Инсон руҳияти бир-бирини белгилашнинг кўп сонли занжирларига эга бўлган мураккаб тизимидир. Шу сабабли, сезгининг мазмуни нафақат ташқи таъсирлантирувчи куч, балки тафаккур, хотира, хаёлнинг ҳолати билан ҳам белгиланади. Сезиш ва тафаккур мумкин бўлган нарсалар ўзаро муштаракдир.

Айтайлик, бизни — сариқ, юмалоқ ва ширин «олма»нинг руҳий образи қизиқтиради. Бу ерда уч тушунча: ранг тушунчаси, геометрик шакл тушунчаси ва таъм тушунчаси аниқ-равшан кўриниб турибди. Ранг тушунчаси ҳар хил ранглارни қамраб олади, бироқ айна ҳолда уларнинг орасида фақат сариқ ранг мавжуд. Таъм тушунчаси айна ҳолда «ширин» тушунчаси билан ифодаланган. Олманинг руҳий образи кўп сонли тушунчалар ва уларнинг сезги даражасида аниқлаш мумкин бўлган кўрсаткичларининг кесишуви сифатида амал қилади.

Агар тушунчаларни чизиқлар, сезги шакллари — нуқталар билан ифодаласак, ҳар қандай объектнинг руҳий образи чизиқлар ва нуқталарнинг кесишиш маркази сифатида амал қилади.

Билишнинг сезиш ва тафаккур шакллари кесишиш нуқтасида яхлит бир бутун нарсани ҳосил қилади. «Бу олма»нинг яхлит руҳий образи сифатида «олма» тушунчаси билан олма ҳақидаги тасаввурнинг синтези амал қилади. Олма тушунчаси айнан, «шу» олманинг яхлит руҳий образи эмас. Олма ҳақидаги тасаввур олма образини яратмайди. Фақат биргаликда, бир-бири билан чаতিшган ҳолда олма тушунчаси ва олма ҳақидаги тасаввур «бу олма»нинг яхлит руҳий образини яратади.

Сезги аъзолари орқали ва оқилона билишнинг бирлигини ифодалаш учун алоҳида атама керак. Антик фалсафа ва адабиётда қўлланилган «эйдос» атамаси, бизнингча, сезги аъзолари орқали ва оқилона билишнинг бирлигини ифодалаш учун энг қулай ва аниқ атамасидир. Эйдос «кўриниш, образ» деган маънони англатади. Антик фалсафада эйдос, деганда кўпинча тафаккур ва кўриш мумкин бўлган нарсалар тушуниладиган. «Эйдос» атамаси одатда, сезги аъзолари орқали ва ақл билан билиш мумкин бўлган нарсалар тўғрисида сўз юритилган ҳолларда қўлланилади.

Билиш нафақат сезиш ва англаш мумкин бўлган нарсалар,

балки эйдослардан ҳам иборат. Ҳодисанинг энг яхлит рухий образи эйдосдир.

Билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини фарқлаш мезонлари. Назарий ва эмпирик нарсалар ва ҳодисалар муаммоси хусусида жуда кўп методологик адабиётлар мавжуд. Билишнинг бу даражалари XX асрнинг 30-йилларида позитивизм таълимотида фан тилини таҳлил қилиш натижасида эмпирик ва назарий атамалар маъносидаги фарқлар аниқланган. Бу фарқ тадқиқот воситаларига ҳам тааллуқли. Бироқ, бундан ташқари, тадқиқот предметининг хусусияти ва уни ўрганиш методларининг ҳар хиллигини эътиборга олиб, илмий билишнинг икки даражасини ҳам фарқлаш мумкин.

Бу фарқларни муфассалроқ кўриб чиқамиз. Назарий ва эмпирик тадқиқот воситаларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади. *Эмпирик тадқиқот* замирида тадқиқотчининг ўрганилаётган объект билан амалда бевосита алоқа қилиши ётади. У кузатишларни амалга ошириш ва эксперимент ўтказишни назарда тутаяди. Шу сабабли эмпирик тадқиқот амалда кузатиш ва эксперимент кузатишда асбоблар, мосламалар ва бошқа воситаларни ўз ичига олади.

Назарий ўрганишда тадқиқотчи объектлар билан амалда бевосита алоқа қилмайди. Бу даражада объект фақат билвосита, амалда эмас, балки тафаккур йўли билан амалга ошириладиган экспериментда ўрганилиши мумкин.

Экспериментлар ва кузатишларни ташкил этиш билан боғлиқ воситалардан ташқари, эмпирик тадқиқотда тушунчалар аппаратидан ҳам фойдаланилади. Тушунчалар бу ерда кўпинча фаннинг эмпирик тили деб аталадиган алоҳида тил сифатида амал қилади. Бу тил анча мураккаб тузилишга эга бўлиб, унда эмпирик атамалар ва назарий тил атамалари ўзаро таъсирга киришади.

Эмпирик атамалар эмпирик объектлар деб номлаш мумкин бўлган алоҳида абстракцияларни англатади. Уларни борлиқ объектларидан фарқлаш лозим. Эмпирик объектлар — бу амалда нарсалар хоссалари ва муносабатларининг айрим тўпламига эга бўлган абстракциялардир. Борлиқ объектлари эмпирик билишда аниқ қайд этилган ва чекланган белгилар тўпламига эга бўлган идеал объектлар образида намоён бўлади.

Назарий билишга келсак, унда бошқа тадқиқот воситалари

қўлланилади. Бу ерда ўрганилаётган объект билан моддий, амалий ўзаро таъсирга киришиш воситалари мавжуд эмас. Бироқ, назарий тадқиқот тили ҳам эмпирик тавсифлар тилидан фарқ қилади. Унинг негизи сифатида назарий идеал объектларни англатувчи назарий атамалар амал қилади. Улар шунингдек, идеаллаштирилган объектлар, мавҳум объектлар ёки назарий конструктлар деб ҳам аталади. Улар борлиқнинг мантиқий реконструкциялари ҳисобланадиган алоҳида абстракциялардир. Бирорга ҳам назария бундай объектлар ёрдамисиз яратилмайди.

Билишнинг эмпирик ва назарий турлари нафақат тадқиқот фаолиятининг воситалари, балки методларига кўра ҳам фарқ қилади. Эмпирик даражада асосий методлар сифатида амалда эксперимент ўтказиш ва кузатишдан фойдаланилади. Бу ерда ўрганилаётган ҳодисаларни объектив тавсифлашга қаратилган эмпирик тавсифлаш методлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Назарий даражада билишга келсак, бу ерда алоҳида методлар, чунончи: идеаллаштириш (идеаллаштирилган объектни яратиш методи); идеаллаштирилган объектлар билан назарий эксперимент ўтказиш; назарияни яратишнинг алоҳида методлари (мавҳумдан муайянга юксалиш, аксиоматик ва гипотетик-дедуктив методлар); мантиқий ва тарихий ўрганиш методлари ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Методлар ва воситаларнинг бу ўзига хос хусусиятлари эмпирик ва назарий ўрганиш предметининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Бу даражаларнинг ҳар бирида тадқиқотчи айна бир объектив борлиқ билан иш кўриши мумкин, бироқ у мазкур борлиқни ҳар хил нуқтаи назардан ўрганади, шу сабабли унинг билимлардаги ифодаси ҳар хил кўринишга эга бўлади.

Шундай қилиб, эмпирик ва назарий билимлар бир-биридан предмети, тадқиқот воситалари ва методларига кўра фарқ қилади. Бироқ, уларнинг ҳар бирини фарқлаш ва алоҳида кўриб чиқиш абстракциядан иборат. Амалда билимнинг бу икки қатлами доимо ўзаро алоқа қилади.

Интуиция — ҳақиқатни мантиқий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб етиш қобилиятидир. У доим инсон ақли ва жони биргаликда амалга оширган катта иш маҳсули ҳисобланади. Шу маънода фақат истъодли, меҳнаткаш ва тиришқоқ одамларгина интуитив билишга қодир.

Интуиция муаммоси фалсафа ва табиатшунослик тарихида ҳар хил, баъзан бир-бирини истисно этувчи ёндашувлар, нуқтан назарлар ва тасаввурлар билан тавсифланади. Антик фалсафадаёқ бу муаммо атрофида кескин баҳслар бўлган. Иония фалсафаси намояндалари интуицияга бевосита билим, сезги аъзолари орқали билиш шакли деб қараган бўлсалар, элей мактаби вакиллари, шунингдек, Левкипп ва Демокрит бевосита билим ва сезги аъзолари орқали билишни рад этганлар, сезгиларни сохта деб эълон қилганлар. Сукрот талқинида интуиция «даймоний» ёки «предмет ғоясига эгалик»дир. Платон ҳам ҳиссий билишни ҳақиқат эмас деб ҳисоблаган.

Янги даврда Декарт, Спиноза, Лейбниц интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимотни яратди. Декарт интуиция деганда сезгиларнинг омонат гувоҳлиги ва тартибсиз хаёлнинг алдамчи мулоҳазасига бўлган ишончни эмас, балки теран ва зеҳнли ақлни тушунади. Спиноза интуицияни нарсаларнинг моҳиятини қамраб олувчи энг ишончли билиш деб ҳисоблайди. Сенсуалистлар сезги даражасидаги интуицияни тарғиб қилади, сезги аъзолари орқали, бевосита билишни биринчи ўринга қўяди. Ж.Локк фикрига кўра, ақл – сезги аъзолари фаолиятининг ҳақиқий натижаларини узлуксиз қайд этувчи кўзгу, холос. Билишнинг бу томонини рад этиб бўлмайди: ақл шу томонга ўз эътиборини қаратгани заҳоти у, худди қуёшнинг ёрқин нурлари каби, ўзини бевосита идрок этишга мажбур қилади. Иккиланиш, шубҳаланиш, ўрганишга ҳеч қандай ўрин қолмайди: ақл шу заҳоти унинг ёрқин нурлари билан тўлади, исботлаш ёки ўрганишга муҳтож бўлмайди, бироқ ҳақиқатни фақат унга ўз эътибори қаратилганлиги туфайли идрок этади.

Муаммони ўрганишга немис классик фалсафаси муҳим ҳисса қўшди. Кант интеллектуал интуиция қобилиятини инкор этиб, соф аперцепция ғоясини илгари суради. Бироқ, кейинчалик Фихте Кантнинг соф аперцепцияси амалда интеллектуал интуициянинг ўзи эканлигини, у Декарт, Спиноза ва Лейбницнинг амалда мавжуд нарсаларни билиш қобилияти сифатида қаралган интеллектуал интуициясидан Кантда интуиция фаолиятни билишга қаратилганлиги билан фарқ қилишини кўрсатди. Фихтенинг ўзи интеллектуал интуицияни амалда мавжуд нарсаларни эмас, балки мутлақ нарсалар фаолиятини билиш

сифатида тушунади. Шеллинг Кант-Фихте йўналишини ривожлантириб, уларнинг таълимотини ўзининг трансцендентал идеализми — «субстанцияни билиш учун» ўз натурфалсафаси билан тўлдиради, эстетик тасаввурни биринчи ўринга қўяди. Ўтмиш рационалистларидан фарқли ўлароқ, у интуициянинг сабабларини идрок эмас, балки ақл фаолиятдан қидиради.

Гегель ўз ўтмишдошларининг интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимотларига танқидий ёндашиб, билиш мантиғи, назарияси сифатида диалектикани ишлаб чиқади. У фалсафани тафаккур фанига айлантиради, унинг соф тафаккурга асосланган мантиқий оқилона тизимини яратади, шу сабабли унинг таълимотида интеллектуал интуиция ўрнини диалектика эгаллайди.

XX аср бошида ҳар хил мактаблар: Гуссерлнинг феноменологик интуиция (редукция), Бергсоннинг интуитивизм, Фрейднинг онг ости интуицияси ва бошқа йўналишлар юзага келди. Бу мактаблар интуицияни билишнинг инстинкт, онг ости ҳодисаси, диний эътиқод ва ҳоказоларни ўзида уйғунлаштирган иррационал ҳаракати сифатида тушунади. Бу йўналишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар дунёни илмий билишда ақлнинг, тушунчалар воситасида тафаккурнинг ролини камситади. Тафаккур ўрнига предметни кераксиз рационалистик мулоҳазаларсиз «асл ҳолича» қамраб олиш имконини берувчи интуиция қўйилади.

Бугунги кунда иррационализм гоёларини экзистенциализм, неопозитивизм ва ҳозирги замон фалсафасининг айрим бошқа йўналишлари ривожлантирмоқда. Масалан, экзистенциалист Хайдеггер фикрига кўра, «экзистенция»ни мантиқий тушуниш мумкин эмас. Ясперсда эътиқод, интуитив тарзда қараладиган мистик «ваҳий» биринчи ўринга қўйилади. Марсель «абстракциялар руҳи»га қарши аёвсиз курашни тарғиб қилади. Инглизлар Росс, Мур, Ричард моддий нарсаларни билишнинг сезги ва ақл даражаларини четлаб ўтиб, қандайдир мистик интуиция ёрдамида, бевосита билиш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, ўтмишда файласуфлар интуиция деганда инсоннинг ҳақиқий борлиқни билиш қобилиятини тушунган, уларнинг айримлари (Спиноза) интуицияга ақлнинг олий кўриниши сифатида ёндашган бўлсалар, ҳозирги интуитивистлар

ақлнинг, тафаккурнинг ролини камситадилар ёки инкор этадилар, алогизм ва мистик иррационализмни тарғиб қиладилар.

Мантиқ сифатида тушуниладиган диалектика интуициянинг шаклланиши ва унинг натижаларига танқидий ёндашилишига имконият яратади. Гарчи, интуиция дедуктив назариянинг муҳим бўғинларини кўрсатиб берса-да, у бизни уларни исботлаш заруриятидан халос этмайди. Бевосита, кутилмаган ва англаб етилмаган билим сифатида интуиция қуруқ жойда эмас, балки вазифаларни ечиш, ечимни «интуитив» топишни белгилайдиган муайян асослар мавжуд бўлган ҳолда юзага келади. Бироқ, интуиция натижаларини билимнинг тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлган соҳаларида текшириш лозим. Масалан, математика ва физикада олинган натижаларни фақат тажриба ўтказиш йўли билан текшириш мумкин.

Инсон руҳияти ҳиссий, оқилона ва эйдетик билимнинг янги шакллари яратиш узлуксиз жараёни сифатида амал қилади. Инглиз олими Г. Уоллес маънавий ижод жараёнларининг тайёргарлик, етилиш, англаш ва текшириш қуйидаги босқичларини қайд этган. Ижоднинг муҳим босқичи — янгиликни интуитив англаш, тушуниб етиш. Интуиция — кутилмаганда бевосита олинган билим.


Хулосалар. Инсон билимининг жадал суръатларда ривожланиши ижод қилишни ўрганиш вазифасини қўяди. Ижодий фаолият ҳамда таълим методларини ўрганиш ҳақидаги фан эвристика деб аталади. Илмий давралардаги суҳбатлар, фикрлар алмашинуви, мунозаралар, муаммоли вазиятлар таҳлили — шахснинг маънавий, ижодий қобилияти ривожланишига кўмаклашади. Интуиция ва ижодни формал мантиқ воситалари ёрдамида тавсифлаш мумкин эмас, бироқ эвристик методлар орқали субъектнинг истеъдоди, хотираси, зеҳни, тасаввурини сафарбар этишни талаб қилувчи янгилик устида изланишлар олиб борилади. Индуктив тафаккур — ҳодисаларнинг бир қисмини ўрганиш орқали олинган билимни ҳодисаларнинг бутун туркумига нисбатан татбиқ этиш эвристик усул ҳисобланади. Ўхшашлик бўйича тафаккур ҳам эвристик мушоҳада юритишнинг ҳақиқатга эришишни кафолатламайдиган, бироқ оддий фараз ҳам ҳисобланмайдиган усулидир. Математик моделлаштириш ҳам эвристик усул ҳисобланади. Фаннинг барча тамойиллари эвристик

мазмунга эга. Масалан, физикада мувофиқлик принциpidан фойдаланилади: эски ва янги назария ўртасида мувофиқлик бўлиши керак, янги назариянинг математик аппарати маълум даражада эски назарияга мос келиши лозим. Фалсафа эвристик хусусиятга эга, шу сабабли юксак чўққиларни эгаллаш интуиция ва ижодни англаб етишнинг таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади.

Тажрибавий амалий матнлар:

Сезги ва идрок, хотира, хаёл, тасаввур, эмпирик билим, кузатиш, эксперимент, илмий далил, назарий билим, муаммо, илмий муаммо, муаммони вазият, гипотеза, назария, категория, парадигма, тафаккур, мантиқий тафаккур, тушунча, мулоҳаза, ҳулоса, интуиция.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар:



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Сезги аъзолари орқали билишнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

2. Сизги даражасида билиш эмпирик ва оқилона билишдан нима билан фарқ қилади?
3. Эмпирик билимнинг қандай шакллари бор?
4. Оқилона билим шаклларини айтинг.
5. Сизги даражасида ва оқилона билишнинг бирлиги мавжудми?
6. Эмпирик ва назарий билишни фарқлаш мезонларини кўрсатинг.
7. Интуиция нима?

Реферат мавзулари

1. Билиш даражаларининг ўзаро алоқадорлиги
2. Ҳиссий ва эмпирик билимнинг фарқи ва алоқадорлиги
3. Далилларнинг илмий билишдаги роли
4. Муаммо ва муаммоли вазият билиш назарий билиш шакли

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари:

1. Сизги аъзолари орқали олинган билим қандай билим ҳисобланади?
 - А. Ҳиссий
 - Б. Ақлий
 - В. Трансцендентал
 - Г. Иррационал
2. Билиш жараёнини, инсон онгини ўтмиш ва келажак билан боғловчи, эгалланган билимларни сақловчи ҳодиса нима дейилади?
 - А. Хотира
 - Б. Тасаввур
 - В. Хаёл
 - Г. Идрок
3. Қачонлардир инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган алоқалар бўйича гаўдаланадиган нарсаларнинг образлари бу — ...
 - А. Тасаввур
 - Б. Хотира
 - В. Хаёл
 - Г. Идрок
4. Эмпирик билим қайси методлар ёрдамида шаклланади?
 - А. Кузатиш ва эксперимент

- Б. Мавхумлаштириш ва кузатиш
- В. Анкета ва сўровнома
- Г. Эксперимент ва баённома
- 5. Илмий далилнинг икки муҳим хоссаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 - А. Ишончлилиқ ва бир вариантлилиқ
 - Б. Ишончлилиқ ва инвариантлилиқ
 - В. Ишботланганлиқ ва бетакрорлиқ
 - Г. Тасдиқланганлиқ ва бир вариантлилиқ

Адабиётлар

1. Назаров. Қ. Билиш фалсафаси – Т.: Университет , 2005.
2. Шермухамедова Н. Синергетика ва эвристика \\ Фалсафа ва фан методологияси – Т.: Университет, 2005.
3. Библер В.С. От наукоучения к логике культуры. – М.: 1991.
4. Ильин В.В. Теория познания. Эпистемология. – М.: 1994.
5. Мягкова Л.И., Храленко Н.И. Методология научного познания. – СПб.: 1994.
6. Бабасв Б.Д. Диалектика теоретического и эмпирического в научном познании. – Т.: 1992.
7. Камилова С. Научная проблема в структуре научного знания. – Т.: 1984.
8. Рассел Б. Интуиция и научное творчество. – М.: Наука, 1999.
9. Олюшина М.В. Интуиция и дискурс: Историческая типология и современное состояние: диссертация ... кандидата философских наук: 09.00.01. Санкт-Петербург, 2003.
10. Маслова И.В. Понимание как осознание границ мыслимого: автореферат дис. ... кандидата философских наук: 09.00.01 / Маслова Инна Викторовна; [Место защиты: С.-Петерб. гос. ун-т]. Санкт-Петербург, 2007.

ИЛМИЙ БИЛИШДА ҲАҚИҚАТ МУАММОСИ

Ҳақиқат — билиш назариясининг бош категорияси. У борлиқнинг билишдаги идеал ифодаси, чунки ҳақиқат ондан, билаётган субъектдан ташқарида ва ундан қатъий назар мавжуддир. Ҳақиқат — билимларнинг объектив борлиққа мувофиқ бўлган мазмуни. У билиш жараёни, билиш инъикосининг натижасидир. Ҳақиқат илмий назарияда мужассамлашган англаб етилган тасдиқловчи мулоҳазалар кўринишида ўз ифодасини топади. Ҳар қандай илмий назария ривожлантирилиши, баъзан бошқа, янада ҳақиқийроқ назария билан алмаштирилиши лозим. Шу маънода ҳақиқат — билиш ривожланишининг якуни ва айни вақтда, омилидир.

Фалсафа тарихида ҳақиқат (билимларнинг ҳақиқийлиги) муаммоси қадимги даврлардаёқ таърифланган. “Авесто”да ҳақиқат олий шарофатдир, дейилади. Дарҳақиқат, инсоният доимо ҳақиқатга интилган. Зеро, ҳақиқат адолатга, шарофатга элтадиган буюк қудрат. Аристотель фикрича ҳақиқат — мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир.

Платон ҳақиқатни ғоялар дунёсига мос келувчи ғайритабiiий мустақил идеал моҳият сифатида тушунган, инсон билими жоннинг шу ғоялар дунёси билан муштараклиги даражасидагина ҳақиқийдир, деб ҳисоблаган.

Фома Аквинский ҳақиқат ёлгон нарсаларда эмас, балки ақлда мавжуд бўлади, ҳар бир нарса ўзи боғлиқ бўлган ақлга муносабати даражасидагина ҳақиқий деб номланиши мумкин, деб қайд этган.

Беруний фикрича ҳақиқат — билимнинг воқеликка мувофиқлигидир. Форобий фикрича ҳақиқатни билиш ақлнинг камолотига боғлиқ. Бу ақл инсон қалбидадир, унинг камолотига эса фаол ақлга қўшилиш орқати эришилади. Фаол ақлда борлиқнинг энг олий даражаси бўлган Биринчи сабабдан бошлаб то охирги ҳақиқатнинг барча сура шакллари мавжуд. Шунингдек, Форобий ва унинг издошлари фикрича, ҳақиқат бир нечта бўлиши мумкин эмас, ҳақиқат битта, шу боис фалсафа ҳам бир нечта бўлиши мумкин эмас. Форобий ҳақиқатнинг ўзгармаслигига ишонган ва фалсафани ҳақиқатнинг бирдан бир ифодаси деб ҳисоблаган¹.

¹ Қаранг: С.М. Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. —Т.: Минҳож, 2003. — 126-б.

Нақшбандий ҳақиқат — бу Оллоҳни англашдир, деб ҳисоблаган. Ҳақиқат суфийлар талқинида шариат доирасидан четга чиқувчи ички мазмунни англатади. Илк суфийлар шариат ва ҳақиқат ўртасида жарлик юзага келишига йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар. Кейинги суфийлар, масалан, Абу Бакр аз Закок ҳақиқат ҳақидаги фан шариат сари йўлни ойдинлаштиради, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, диний ақидаларни рад этиш ва одам шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга эришганидан кейингина ўзининг «ҳақиқий борлиги»ни касб этиши, ҳақиқат билан бирикиши ва ўзи ҳам ҳақиқатга айланиши ҳақидаги таълимот суфизм ривожланишининг кейинги босқичлари маҳсули сифатида ваҳдати вужуд (борлиқнинг бирлиги), яъни мистик пантеизм ҳақидаги таълимот асосчилари саналган Боязид Бистомий, Ҳаллож ва бошқаларнинг асарларида илгари сурилган.

Гегелда ҳақиқатни тушуниш унинг фалсафаси асосий тамойили билан боғлиқ. Бу тамойилга биноан ғоя ўзининг тўлиқ ва муайян кўринишида «ўзида ва ўзи учун борлиққа эга бўлган ҳақиқат»дир. Гегель фикрича ҳақиқат ўзининг мавҳум кўринишида муайян мазмуннинг ўзига мувофиқлигини англатади. Ҳамонки, бу мазмуннинг тўлиқлигига мутлақ ғоянинг ўз-ўзидан ҳаракати натижасида эришилار экан, Гегель ўзининг ҳақиқатни тайёр ҳолда берилиши ва шу ҳолда чўнтакка солиб қўйиш мумкин бўлган зарб этилган танга сифатида эмас, балки соф тафаккур соҳасида билимларнинг диалектик шаклланиш жараёни сифатида тушуниш лозимлиги ҳақидаги машҳур тезисини таърифлайди: «...ҳамма гап ҳақиқий нарсани субстанция сифатида эмас, балки шунингдек, субъект сифатида», яъни тафаккур фаолияти сифатида ҳам тушуниш ва ифодалашда¹.

Ҳақиқатни объектив-идеалистик тушунишнинг ўзига хос хусусияти унга дунёнинг онгда акс этиш жараёнига боғламасдан қараш ва уни инсоннинг объект ҳақидаги билими хоссаси сифатида эмас, балки эмпирик борлиққа қўшимча тарзда объективлашган қандайдир вақтдан ташқаридаги ғоянинг хоссалари сифатида талқин қилишда намоён бўлади.

Ҳақиқатни субъектив идеалистик тушуниш эса инсон билимининг хоссалари ва таркиби билан боғланади, бироқ мазкур

¹ Қаранг: Гегель. Феноменология духа. — М.: Наука, 1994. — 196-б.

билим унда ташқи, мустақил дунёнинг акс этишига боғланмайди, чунки, бундай дунёнинг мавжудлиги инкор этилади. Ҳақиқат «тафаккурнинг тежамкорлиги»(1) сифатида (Мах), фойдаланиш натижаларга эришиш имконини берувчи жараён, тафаккуримиз образидаги қулайлик сифатида (Жеймс), инсон тажрибасининг мафкуравий таърифни ташкил этувчи шакли сифатида (Богданов) талқин қилинади.

Идеализм фалсафаси ҳал қила олмаган ҳақиқатни тушуниб этишдаги қийинчиликлар шунга олиб келдики, файласуфлар инсонга ҳақиқатни ваҳий воситасида очувчи таълимотни илгари сурдилар. Бу йўналиш интуитивизм деган ном олди. Унга Шопенгауэр асос солди. У ақл ва илмий билишнинг устуворлигини рад этди, фанни интуициядан кейинги ўринга қўйди. Илмий изланиш интуицияга асосланади, демак, унга боғлиқ бўлади ва бўйсунди. Шопенгауэрнинг қарашларини Бергсон ривожлантирди. У интуитив билимнинг устунлигини ҳимоя қилар экан, кумурсқаларнинг инстинктив хулқ-атворида ишора қилади, яъни инстинкт – интуициянинг бир тури, деган гояни илгари суради. Унинг фикрича, кумурсқалар ҳақиқатни дарҳол – туғилгани заҳоти англаб етади. Буни ақл тушунишга қодир эмас. Ақл фақат муносабатларни билиш билан шуғулланади. Нарсаларнинг моҳиятини фақат инстинкт тушунишга қодир. Инсон техникаси қай даражада қудратли бўлмасин, у кумурсқа осонгина бажарадиган ишни уддалай олмайди. Бергсон ақлга ишонмаслик ва кўпроқ интуицияга таянишни маслаҳат беради. Гарчи инсон интуицияси кумурсқаларнинг интуицияси даражасида кучли бўлмаса-да, ҳар қалай, унинг ақлидан кучлироқдир, чунки ақл «ҳаётни органик ушуниш билан тавсифланади». Бергсон интуицияга ақлга қарама-қарши турувчи инстинкт нуқтаи назаридан ёндашди.

Ҳозирги замон билиш назариясида ҳақиқий билим ва унинг шакллари ҳақида турли фикрлар мавжуд.

Объектив ҳақиқат – билимларимизнинг инсон инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни. Бизнинг билимларимизда доим ё муайян одамга, ё муайян ижтимоий гуруҳга боғлиқ бўлган унсур мавжуд бўлади. Бинобарин, ўз билимларимизда субъектив унсурларга боғлиқ бўлмаган ва шу сабабли объектив ҳисобланадиган мазмунни қайд этишимиз лозим. Объектив

ҳақиқат ривожланиб, икки шакл: нисбий ва мутлақ ҳақиқат шаклларида амал қилади.

Мутлақ ҳақиқат — предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукамал билишдир. Олам замон ва маконда чексизлиги туфайли бундай билимга амалда эришиш мумкин эмас. Ҳақиқат тушунчасини мутлақ ҳақиқат тушунчаси билан тенглаштириб, биз унга эришиб бўлмаслиги, демак, умуман билиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирамиз. Бироқ, фаннинг ҳақиқий тарихи бунинг тескарисидан далолат беради: фан ривожланади, чунки у нисбий ва мутлақ билимнинг бирлиги сифатида тушуниладиган ҳақиқатни билишга қодир. Бошқача айтганда, объектив ҳақиқат тўла ва мукамал кўринишдаги мутлақ ҳақиқатдир. Айрим ҳолларда, агар ҳақиқат вақт ўтиши билан ўзгармаса, яъни вақт шарт-шароитларига боғлиқ бўлмаса, у боқий ҳақиқат деб аталади.

Нисбий ҳақиқат — борлиқни асосан тўғри аке эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим. Нисбий ҳақиқат тўғри, бироқ нотўлиқ, тахминий, вақт ва жойнинг маълум тарихий шарт-шароитлари билан чекланган ҳақиқатдир.

Нисбий ва мутлақ ҳақиқат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Нисбий ҳақиқатлар билиш тараққиёти жараёнида ривожланиб, ўз чегараси бўлган мутлақ ҳақиқатга яқинлашади.

Бироқ, билишнинг тарихий ривожланиш жараёни нафақат нисбий ҳақиқатларнинг мутлақ ҳақиқатга айланиш жараёни, балки айрим мутлақ ҳақиқатларнинг юзага келиш жараёни ҳамдир. Бу фикрни физикада атом ва унинг тузилиши ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши мисолида кўриш мумкин. Юз йил муқаддам физиклар ва кимёгарлар атомлар амалда мавжуд ва ажралмас шарчалар кўринишида, деб тахмин қилар эдилар. Бу тасаввур замирида мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд эди. Бундан: «Кимёвий элементларнинг атомлари амалда мавжуд», деган хулоса келиб чиқади. Физика ва кимёнинг кейинги ривожланиши мутлақ ҳақиқатнинг бу элементини бекор қилмади. Лекин, бу тасаввурларда хатолар мавжудлиги (таранглик, ажралмаслик ва ҳ.к.) аниқланди.

XIX аср охирида электронлар кашф этилиши натижасида атом тузилишининг янги манзараси яратилди. Томсон мусбат зарралар ва манфий зарядли электронлардан ташкил топган атом моделини

яратди. Атомнинг бу нисбатан ҳақиқий манзарасида мутлақ ҳақиқатнинг янги унсурлари пайдо бўлди: дарҳақиқат атом мусбат зарядли зарралардан иборат.

Атом ҳақидаги тасаввур ривожланишининг учинчи босқичи Резерфорд-Бор модели билан боғлиқ. Бу моделда атом ядро ва унинг атрофида айланувчи электронлардан ташкил топади. Умуман олганда, аввалги моделлардан аниқроқ бўлган бу моделда мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд. Ҳозирги вақтда атом тузилиши ҳақидаги тасаввурлар замирида квант механикаси ва атом ядросини ўрганиш натижалари ётади. Ҳозирда электронларнинг атом ядроси атрофидаги ҳаракатини зичлиги нотекис бўлган булут ҳаракатига ўхшатиш мумкинлиги, чунки электронлар корпускуляр ва тўлқин хоссаларига эга эканлиги, ядро эса протонлар ва нейтронлардан иборат система ҳисобланиши ва ҳоказолар маълум. Ҳозирги замон физикасида атом манзараси Бор назариясидагига қараганда тўлиқроқ ва аниқроқ, унда мутлақ ҳақиқат унсурлари кўпроқ. Бироқ, атомнинг ҳозирги манзараси келажакда ўзгариши, унга аниқлик киритилиши, унда янги ҳақиқат ва хатолар аниқланиши шубҳасиз. Ҳақиқатда нисбий ва мутлақ жиҳатлар узвий, ўзаро боғланган: бир томондан, нисбий ҳақиқатда доим мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд бўлса, бошқа томондан, инсон билимларининг ривожланиши жараёнида нисбий ҳақиқатлардан мутлақ ҳақиқат юзага келади.

Нисбий ва мутлақ ҳақиқат диалектикаси бизнинг билимимиз атрофимиздаги оламни ҳар томонлама ва аниқ қамраб олишга интилиб, қарама-қаршиликларни ечиб, объектив борлиқни янада теранроқ ва мукамалроқ акс эттиришини кўрсатади.

Ҳақиқатнинг корреспондент, когерент ва прагматик концепциялари мавжуд. Уларнинг ҳар бири фанда ривожланиш жараёнида катта қийинчиликларга дуч келади.

Ҳақиқатнинг корреспондент концепцияси назариянинг тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлишини талаб қилади. Бу талаб фанда қабул қилинади, у тақлиф қилинаётган — гипотеза фан соҳасига тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Когерент (назарий) концепция экспериментга мувофиқ бўлиши, унга зид келмаслиги, унинг натижаларини башорат қилиш имконини бериши лозим. Масалан, неопозитивистлар

экспериментни назария тўғри эканлигининг мукамал тавсифи деб ҳисоблаганлар. Назария экспериментда текширилади, верификация қилинади: у ё мазкур синовдан муваффақият билан ўтади, ё ўтмайди; у ё тўғри, ё нотўғри. К.Поппер бу фикрда камчилик топди: ҳамонки, назариялар эртами, кечми инкор этилар, фальсификация қилинар экан, уларнинг экспериментга аввалги мувофиқликлари амалда ҳақиқий синов ҳисобланмайди. Попперга эътироз билдириш мумкин: агар назария экспериментда олинган айрим маълумотлар билан зиддиятга киришган бўлса, бу назариядан мазкур маълумотларни шарҳлаш учун фойдаланиш мумкин эмас, бироқ у бошқа экспериментал маълумотлар учун ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Фанда янги назария эскисини доим ҳам истисно этавермайди. Физикада баъзи бир физик ҳодисаларни талқин қилиш учун Ньютон механикасидан ҳозиргача фойдаланилади. Ваҳоланки, у энг янги физик назариялар билан рад этилган. Ньютон механикаси нисбийлик назарияси ва квант физикасининг айрим, нисбатан содда кўриниши сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Назариянинг экспериментга номувофиқлигини оддий воситалар ёрдамида, хусусан эски назарияни такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш мумкин. Бундай ҳолларда иш илмий инқилобгача етиб бормайди. Лакатос фикрига кўра, назариянинг энг муҳим қоидалари муҳимлик иккинчи даражали қоидалардан ташкил топган ҳимоя қобиғи билан ўралган бўлиб, у экспериментал маълумотларнинг дастлабки «зарбалари»ни ўзига қабул қилади. Назариянинг ўзаги унинг ҳимоя қатламидан ўтилганидан кейингина бузилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, экспериментда назариянинг у ёки бу айрим қоидаси эмас, балки умуман назария синовдан ўтади ёки рад этилади. Ҳар қандай муайян қоида умуман назария маҳсулидир. Шу сабабли эксперимент бутун назарияга нисбатан татбиқ этилади.

Ҳақиқатнинг прагматик концепциясида амалиёт мезони кўпинча тўғридан-тўғри эксперимент тушунчаси билан боғланади. Бироқ, илмий амалиёт фақат экспериментдан иборат эмас, у фан қўлланиладиган бутун майдонни, унинг инсон учун ҳаётий аҳамиятини қамраб олади. Шуни ҳисобга олганда, инсоннинг бутун ҳаёти, унинг фандан амалда фойдаланиладиган барча

жабҳалари фаннинг ҳақиқийлигини синаш майдонига айланган, десак, муболага бўлмайди.

Фаннинг сертармоқ, мураккаб хусусияти уни талқин қилишга жиддий талаблар қўяди. Фаннинг кучи нимада? У қандай идеалларга эга? Фандан «Ҳодисалар қандай юз беради?» ёки «Улар нима учун айнан шундай юз беради?» деган саволга жавоб беришни талаб қилишнинг ўзи кифоями? Фан санъат, динга, инсон ҳаётининг бошқа соҳаларига зид эмасми? Фан инсониятни пировард натижада ҳалокатга олиб келмайдими? — деган саволлар фаннинг ҳақиқатни билиш жараёнида шакллангандир.

Исботлаш ва рад этиш. Фаннинг у ёки бу қондасининг ҳақиқийлиги ёки сохталиги, аниқ-равшан кўриниб турмайди. Фақат энг содда мулоҳазалар ўзининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун сезги гидрокидангина фойдаланишни талаб қилади: кўрсатиш мумкин бўлган нарсани исботлашнинг ҳожати йўқ.

Фаннинг аксарият қондалари сезги аъзолари орқали билиш даражасида ва бошқа ҳақиқатлардан алоҳида эмас, балки мантиқий тафаккур даражасида, бошқа ҳақиқатларга боғланган ҳолда, яъни исботлаш йўли билан ҳақиқий деб қабул қилинади. Исботлаш — илмий тафаккурнинг муҳим воситаси.

Ҳар қандай исботда тезис, исботлаш учун асослар (далиллар) ва исботлаш усули мавжуд. Ҳақиқийлиги ёки сохталиги исботлаш йўли билан аниқланаётган қонда тезис деб аталади. Тезиснинг сохталигини аниқлаш рад этиш деб аталади. Исботлашда фойдаланилаётган ва исботланаётган тезиснинг ҳақиқийлигини кўрсатаётган барча қондалар асослар ёки далиллар деб аталади. Асослар ва далиллар ишончли далиллар ҳақидаги қондалар, таърифлар, аксиомалар ва илгари исботланган қондалардан ташкил топади.

Қонданинг ҳақиқийлигини исботлаш у яхши текширилган далиллар ҳақидаги қондалардан бевосита келиб чиқишини кўрсатиш демакдир. Бироқ, ҳаёт шу даражада мураккабки, амалда жуда кўп, ҳатто ақлга мутлақо зид қондаларни тасдиқлаш учун ҳам айрим далиллар тўплаш мумкин. Бунда айни шу қондаларни рад этувчи далиллар ҳам мавжудлиги бир-биридан ва атроф муҳитдан ажратиб олинган айрим далиллар ўзича ҳеч нарсани исботламаслигидан далолат беради. Далиллар ҳақидаги фикрлар ўзаро боғлиқ ҳолда қаралган тақдирдагина исботлаш учун асос

бўлиш мумкин. Искотлаш учун асослар жумласига мазкур фан асосий тушунчаларининг таърифлари киради. Бу мазкур фаннинг барча тушунчалари таърифланиши лозим, деган маънони англамайди. Таърифлаш — номаълумни маълумга, мураккабни соддага боғлаш демак.

Искотланаётган тезис таянадиган искотлаш учун асослар қаторига фаннинг асосий тушунчалари таърифлари ва аксиомалардан ташқари тезисни асослаш учун зарур бўлган фаннинг илгари искотланган қондалари ҳам киради. Фан ўз қондаларининг далил-искотларини қанча кўп ривожлангирса, ҳар бир янги қондани искотлаш учун олдинги асослар сони шунча кўпаяди.

В.Ф.Асмус фикрига кўра, асослар ва улардан чиқарилган хулосаларнинг алоқаси, агар у искотланаётган тезиснинг ҳақиқийлиги тан олинишига олиб келган бўлса, искотлаш усули деб аталади. Фаннинг айна бир қондасини искотлаш ҳар хил, масалан, дедукция, индукцияга, аналогиядан фойдаланишга, моделлаштиришга асосланган бўлиши мумкин.

Эмоциялар, ирода, ишонч, идеал. Илгари сезгилар ҳодисаларнинг муҳим жиҳатларига нисбатан нейтрал деб қаралар эди. Одатда, бу нейтраллик мавжуд бўлмайди. Бу ҳолда сезгилар субъектга юз бераётган воқеанинг шахсий маъносини тушуниш имконини берувчи кечинмалар сифатида амал қилади. Ҳодисалар ва ҳолатлар аҳамиятини бевосита ҳис этиш эмоциялар, деб аталади. Ижобий эмоциялар — лаззатланиш, қувонч, ҳайрат, муҳаббат ва ш.к. Салбий эмоциялар — қўрқув, ҳайинқиш, нафрат, қайғу ва ш.к. Инсоннинг эмоциялар дунёси жуда мураккаб бўлиб, уни психология атрофлича ўрганади. Фалсафий жиҳатдан эмоциялар дунёсини экзистенциализм кўпроқ ўрганган бўлиб, бу ерда экзистенциал деганда кўпинча вазиятли эмоциялар (кучли руҳий ҳаяжонланиш, эҳтирослар) эмас, балки инсон борлигининг барқарор структуралари тушунилади. Инсон эмоцияларига унинг бутун ҳаёт тажрибаси кучли таъсир кўрсатади. Баъзан, бир сўз билан ифодаланган қисқача хабар инсон ўлимига сабаб бўлган ҳоллар маълум.

Ирода инсон руҳиятининг ҳар хил шакллари орасида — субъектнинг ўз фаолиятини ўзи тартибга солиши муҳим аҳамиятга эга. Кант ва Фихте учун ирода ахлоқий тамойилларни рўёбга

чиқариш манбаи, инсон амалий фаолиятининг негизи ҳисобланади. Шопенгауэр ва Ницше учун ирода — борлиқнинг иррационал импульси. Бу ерда ирода руҳият доирасидан бутунлай чиқарилади.

Ишонч инсоннинг қадриятлари ва мўлжаллари дунёсида бирон-бир нарса ёки ҳодисани ҳақиқий деб қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ишончга шубҳа замин ҳозирлайди, у бир қанча руҳий ҳолатлар натижасида ишончга айланади. Илоҳиётчилардан фарқли ўлароқ, файласуфлар шубҳа ва ишончнинг ўзаро нисбатига кўпроқ эътибор берадилар. Диний эътиқод одатда, ваҳийнинг бевосита маҳсули сифатида исботланга муҳтож эмас, деб қаралади. Швейцариялик тараққийпарвар илоҳиётчи Карл Барт эътиқоднинг исботи унинг ўзида деб ҳисоблаган. Файласуф Карл Ясперс учун фалсафий эътиқод — фалсафий мушоҳада юритиш натижасидир.

Идеал — пировард келажакнинг муайян образи эмас, балки қайта кўрилиши мумкин бўлган ҳар хил назарий ва бошқа тасаввурларнинг келажакка қаратилган мажмуи. Идеал доим ҳам пировард мақсаднинг устунлигига боғланмайди. Муайян пировард мақсаднинг устунлиги, айниқса, агар у олис келажакда бўлса, утопияга олиб келади. Айрим утопистлар эркинликнинг устунлигини тан олади, бошқа утопистлар бу ўринга адолатни қўяди, утопистларнинг учинчи тоифаси фақат ижтимоий мулкни тан олади, тўртинчи тоифаси эса, аксинча, хусусий мулкни ҳамма нарсадан устун қўяди. Хуллас, идеал яратиш, агар унга етарли даражада масъулият билан ёндашилмаса, утопияга олиб келади. Айни вақтда, идеал яратиш — инсон ютуқларининг муҳим негизи. Агар инсоният идеал яратиш билан шугулланмаганида, ўзининг ҳозирги тараққиётига эриша олмаган бўлар эди. Бироқ, идеал яратиш жараёни оқилона кечиши учун ривожланган, замонга ҳамоҳанг фалсафа бўлиши лозим. Тўғри фалсафий мўлжаллар утопизмдан сақлайди. Асосан, XX асрда шаклланган ноклассик фалсафа идеаллар билан жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилади.

Билиш натижаларини баҳолаш. Эришилган натижани баҳолаш — билишнинг зарур унсуридир. Баҳолаш йўли билан инсон олинган билимнинг ҳақиқийлиги ёки сохталиги, ундан амалий фаолиятда фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслиги аниқланади. У олинган билим кейинги билиш жараёнида иштирок

етиши ёки иштирок этмаслигини белгилайди, унинг инсонга ва шахснинг маънавий фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятларини аниқлайди. Шу сабабли баҳолаш учун асос сифатида нафақат гносеологик, балки амалий, мафкуравий ва ахлоқий мезонлар амал қилади.

Олим ўз фаолиятида нафақат ўзининг методлари ва илмий натижаларини баҳолайди, балки уларга илмий жамоатчилик, ҳокимият, дин намояндаларининг муносабатига қараб мўлжал олади. Умуман олганда, ҳар қандай билиш ҳақиқатни излашдир. Бу инсон ақлининг азалий вазифасидир. Билимларимизнинг ҳақиқийлиги муаммоси билиш фаолиятининг ҳар қандай турларида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли билимнинг ҳақиқийлиги унинг муҳим асоси ҳисобланади. Ҳақиқат — билишнинг мутлақ қадрияти.

Билишнинг маънавий қадриятлари. Ҳар қандай илмий тадқиқотда маънавий қадриятлар ва меъёрлар мавжуддир. Илмий метод негизини объективлик ва оқилоналик каби анъанавий маънавий қадриятлар ташкил этиши лозим. Объективлик олим тадқиқот меъёрларини танлашга нисбатан виждонан ёндашиши, шахсий манфаатдорликни сиқиб чиқариши, ҳақиқатни гуруҳ манфаатларидан устун қўйишини назарда тутати.

Айрим илмий концепциялар эскиришига қараб, ўзига хос «тимсол» белгиларини касб этади. Эскирган концепциялардан воз кечиш кўпинча уларни яратувчиларнинг қаршилигини бартараф этиш билан боғлиқ. Олим баъзан, фанда инқилобга йўл очувчи янги ғояларни афзал кўришга ўзида куч топа олмай, эскича ёндашувлар асири бўлиб қолиши мумкин.

Билим ва ҳақиқат амалда айний тушунчалардир. Билиш — нарсаларнинг ҳақиқий ҳолатига мос келувчи ишончли ахборотга эга бўлиш демак. Ҳақиқий билимга эришиш мумкинми? Қандай билимни ҳақиқий деб ҳисоблаш мумкин? Билим ҳақиқийлигининг объектив ва мутлақ мезонлари мавжудми? Бу саволларга жавоблар фан ва фалсафанинг ривожланишига доимо йўлдош бўлган. Масалан, Аристотель ҳақиқатни борлиқ билан тенглаштирган. Унинг фикрича, ўзгармас нарсаларгина ҳақиқийдир, ҳақиқат борлиқнинг олий шаклидир.

Скептицизм вакиллари, аксинча, билимнинг предметга мувофиқлиги масаласи баҳсли бўлиб, уни исботлаш мумкин эмас,

чунки, билишни чалғитувчи ёки унга монелик қилувчи омилар мавжуд, деб ҳисоблаганлар. Билимнинг номувофиқлиги сабаблари билиш объектнинг таркибида бўлиши мумкин. Дунё шу даражада чексизки, инсон ўз тафаккури билан уни қамраб олишга қодир эмас. Ҳақиқий билимга эришишга билувчи субъектнинг хоссалари ҳам монелик қилиши мумкин. Инсон сезги аъзоларининг алдамчилиги ва ишончсизлиги антик даврдаёқ қайд этилган эди. Кейинчалик Юм, Беркли ва унинг издошлари инсоннинг сезгилар дунёсини мутлақо субъектив деб кўрсатдилар ва шу йўл билан инсоннинг сезги аъзоларига ишончсизлик билдирдилар.

Билишнинг тараққиёти жараёнида олимлар билимлар ҳақиқийлигининг ишончли мезонларини топиш йўлида ҳам изланишлар олиб бордилар. Ҳақиқатнинг мутлақ мезонлари мавжудми? Бу мезонларни билимнинг барча турларига нисбатан татбиқ этиш мумкинми ёки у фақат илмий билимга нисбатан амал қиладими? Фалсафада билимнинг барча турларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин бўлган мезонлар, шунингдек, фақат илмий билим талабларига жавоб берадиган мезонлар яратилган. Улар орасида қуйидагилар қайд этилган: умумий аҳамиятга моликлик мезони (қўпчилик қабул қиладиган нарса ҳақиқийдир); гоёнинг фойдалилиги, амалий самарадорлиги ва ишга яроқлилиги, унинг у ёки бу мақсадга эришиш учун фойдалилиги мезони (прагматизм). Одамлар ишонадиган нарсалар, олимлар ўртасидаги шартли келишувга мос келадиган нарсалар ва ҳодисалар (конвенционализм), мавжуд назарияга мувофиқлик мезони талабларига жавоб берувчи нарсалар ва ҳодисалар ҳақиқий деб аталган.

Верификация тамойили. Бу тамойилга биноан дунё ҳақидаги ҳар қандай фикрнинг ҳақиқийлиги пировард натижада, уни сезги аъзолари орқали олинган маълумотларга таққослаш йўли билан аниқланиши лозим. Шу нуқтаи назардан парапсихологиянинг «энергия», «прана», «биомайдон» каби тушунчалари мантиққа эга эмас, чунки верификацияланмайди. Бу принципни эълон қилган позитивистик фалсафа гўёки билишда аҳамиятга эга бўлмаган фалсафий тушунчаларни илмий муомаладан чиқаришга ҳаракат қилган. Бироқ, мазкур принцип изчил қўлланилган ҳолда сезги аъзолари орқали олинган маълумотлар билан тасдиқланмайдиган кўпгина назарий қоидаларни ҳам илмий муомаладан чиқариш керак бўлади.

Карл Поппер назарий тизимларнинг фальсификацияланиш мезонини таклиф қилди. Бу мезонга кўра амалда синаш ва рад этиш мумкин бўлган назариялар илмий ҳисобланади. Поппер верификация билан фальсификация ўртасида номутаносибликнинг мавжудлигини мезон сифатида қараган: агар верификация қилиш учун оқибатларнинг чексиз сони тасдиқланиши лозим бўлса, фальсификация қилиш учун битта қарши мисолнинг мавжудлиги кифоя. Амалда фальсификацияланиш талаби инсон билими натижаларига нисбатан танқидийлик талабининг муайянлаштирилишидир. Критицизм фан руҳини энг оқилона кўринишда ифодалайди.

Ёлгон. Ёлгон ҳақиқатнинг қарама-қаршиси. Ёлгон одатда, нотўғрилиги аён бўлган тасаввурларни била туриб, ҳақиқат даражасига кўтариш сифатида тушунилади.

Ёлгон кундалик ва ижтимоий ҳаётда кенг тарқалган бўлиб, одамлар ўзаро алоқа қилувчи ҳамма жойда учрайди; у индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг «учрашуви» юз берадиган ҳар қандай инсоний муносабатлар функциясидир. Гап ёлгон мавжуд ёки мавжуд эмаслигида эмас (оддий ҳаёт тажрибаси унинг мавжудлигидан далолат беради), балки ҳар бир муайян ҳолда унинг улуши қанчалигидадир.

Беруний фикрича, "Шундай кишилар бўлади-ки, уларнинг табиатига ёлгон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гўё унга шу вазифа юклатилгандек бўлади ва ёлгон хабар тарқатмасдан туролмайди... Баъзан киши ёлгон хабар тарқатувчига тақлид қилиб, билмасдан ёлгон хабар тарқатади. Бу хабарчилар биринчи марта атайлаб ёлгон хабар тарқатган киши билан энг кейин ёлгон хабарни эшитувчи оралигида воситачи бўладилар. Ёлгончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради, зулм, ёлгон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкларини ҳийла билан босиб олиш, ўғирлик, дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишилар яхши қилиб кўрсатадилар."¹ Беруний инсонни ростгўйлик қолиб, ёлгончилик йўлидан юрмаслиги, бошқаларга яхшилик қилиш, яхшилик қилиш имконияти бўлмаса, яхши тилаклар изҳор қилишга чорлайди. Ростгўйлик, одиллик

¹ Беруний А. Ҳиндистон. — Т.: Фан, 1966 — 25-6.

Беруний фикрича юксак маънавият, гўзал одоб — ахлоқ белгисидир.

Инсоннинг индивидуал ривожланиш жараёнида ёлгон, болада жазодан қутулиб қолишга ҳаракат қилиш, катталар ўрниги ва шу кабилар орқали шаклланади. Кейинчалик, бунга жамият кучлироқ таъсир кўрсатади. Инсонни бу томонга итарувчи омиллар мажмуи орасида эҳтирослар, шу жумладан, муҳаббат тобора кенгроқ ўрин эгаллай бошлайди. Муҳаббат «сон-саноқсиз ёлгонни вужудга келтиради. Ошиқ одам ўзининг нарҳини ошириш учун ёлгон сўзлайди, ўз рақибининг обрўсини тушириш учун, рашик ўтини ёқиш учун... совиб бораётган муҳаббат оташини қайта ўт олириш учун алдайди, ниҳоят, муҳаббат йўқолган ҳолда ёлгон гапирди»¹. Ёлгон такаббурлик, иродасизлик, муваффақиятга интилиш, пулга, ҳокимиятга ўчлик ва ҳоказолар заминиде юзага келади.

Ёлгон индивидлар учун ижобий маънода ҳам муҳимдир (бу жиҳатдан ўлаётган одам тўшаги олдида ёлгон гапириш ҳоллари диққатга сазовор). Лекин, ёлгон кўпинча ўзгалар ҳисобидан ва уларнинг манфаатларига зид равишда қандайдир афзалликларни кўлга киритиш билан боғлиқ. Ёлгонни яшаш услубига айлантирган одамлар ҳам бор.

Шунга қарамай, ҳалол, вижлонли одамлар кўпроқ. Уларни ёлгончилардан қандай фарқлаш мумкин? Чинакам самимият икки асосий белги: «аччиқ ҳақиқат билан бировга озор етказишга ва ўз хатоларини очиқ-ойдин тан олишга қодирлик» билан ажралиб туради. «Хайрихоҳ бўлган ҳолда, ёлгон гапирмай сизга озор етказиши мумкин бўлган одамни, сиз хоҳлаган ва кутган жавобни бериш ўрнига, сизни хафа қилишдан чўчимай, ҳақиқатни юзингизга айтган одамни самимий, деб ҳисоблаш мумкин. Лекин, самимий одамни унинг ўз хатоларини тан олиш жасоратига кўра фарқлаш мумкин, яъни ростгўй одам ўзининг номақбул қилмишига ҳеч қандай ваз-қорсонларсиз иқрор бўлади, деб айтиш мумкин. Ёлгонга бундай иқрор бўлишни афзал кўриш — ростгўйликнинг шак-шубҳасиз мезонидир»².

Янглишиш. Ҳақиқат ёйилиши ва теранлашувининг барча босқичларида унинг доимий ва зарурий ҳамроҳи янглишишдир.

¹ Милитан В. Психология лжи. -М.: АСТ,1993. — 39-б.

² Милитан В. Психология лжи. -М.: АСТ,1993. — 39-б.

Ҳақиқат нима ва уни янглишишлардан (Бэкон таъбири билан айтганда, «тафаккур бутлари»дан) қандай қилиб халос этиш мумкин, деган саволлар одамларни (фақат фан соҳасидагина эмас) доим қизиқтириб келган. Ҳақиқат ва янглишиш категориялари билиш назариясидаги ягона билиш жараёнининг икки қарама-қарши, лекин, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки томонини ифодаловчи асосий категориялардир. Бу томонларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни қуйида кўриб чиқамиз.

Янглишиш — ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим. Билимнинг нотўғри шакли бўлган янглишишнинг бош манбаи ижтимоий-тарихий амалиёт ва билишнинг чекланганлиги, норасолиги ёки заифлигидир. Янглишиш ўз моҳиятига кўра борлиқнинг айрим жиҳатларини билиш натижаларининг мутлақлаштирилиши натижаси сифатида юзага келувчи борлиқнинг нотўғри инъикосидир. Масалан, «назарий астрология», гарчи унда ҳақиқатнинг айрим унсурлари мавжуд бўлса-да, умуман олганда, янглишиш ҳисобланади. Худди шунингдек, илмий астрономияда ҳам янглишишлар мавжуд, лекин умуман олганда, бу кузатишлар жараёнида ўз тасдиғини топган ҳақиқий билим тизимидир.

Янглишишлар ҳақиқатнинг тағига етишни қийинлаштиради, бироқ улар муқаррардир, билишнинг ҳақиқат сари ҳаракатининг зарурий унсури, мазкур жараённинг мумкин бўлган шаклларида биридир. Масалан, моддалар ҳақидаги фан — кимёнинг шаклланиши «улкан янглишиш» — алкимё шаклида юз берган.

Янглишишлар ўз шаклларига кўра ранг-барангдир. Илмий ва ноилмий, эмпирик ва назарий, диний ва фалсафий янглишишларни фарқлаш лозим. Хусусан, фалсафий янглишишлар орасида эмпиризм, рационализм, софистика, эклектика, догматизм ва релятивизм мавжуд.

Янглишишни ёлғондан — ҳақиқатни ғаразли мақсадларда атайлаб бузиб кўрсатиш ва бу билан боғлиқ бўлган сохта билим бериш, дезинформациядан фарқлаш лозим. Янглишиш билим хусусияти бўлса, хато — индивиднинг инсон фаолияти муайян жабҳасидаги нотўғри ҳаракатлари натижасидир: ҳисоблашдаги, сиёсатдаги, турмушдаги хатолар ва ҳ.к. Мантиқий хатолар — (формал ёки диалектик) мантиқ принциплари ва қоидаларини

бузиш ва предметни, ишларнинг асл ҳолатини билмаслик билан белгиланувчи ҳақиқий хатолар фарқланади.


Хулосалар. Ҳақиқат билишнинг мезонидир. Инсон амалий фаолияти ҳақиқатни аниқлашга йўналтирилган. Бироқ, ҳақиқат ёлғон билан ёнма-ён туради. Ёлғон инсон ҳаётининг таркибий қисми сифатида амал қилади.


Амалиёт ва билишнинг ривожланиши у ёки бу янглишишлар эртами, кечми бартараф этилиши: ё саҳнадан тушиши (масалан, «абадий двигателъ» ҳақидаги таълимот каби), ё ҳақиқий билимга айланиши (алкимёнинг кимёга айланиши)ни кўрсатади. Янглишишларни юзага келтирган ижтимоий шароитларни ўзгартириш ва такомиллаштириш, ижтимоий-тарихий амалиётнинг етуклиги, билимнинг ривожланиши ва теранлашуви янглишишларни бартараф этишнинг муҳим омилларидир. Бу эса борлиққа нисбатан апологетик (ҳимояловчи-оқловчи) ёндашувни эмас, балки конструктив-танқидий ёндашувни, «синовлар ва хатолар» методини амалга оширишни (Поппер) тақозо этади.

Тажрибавий амалий матилар:

Ҳақиқат, объектив ҳақиқат, мутлақ ҳақиқат, нисбий ҳақиқат, ҳақиқатнинг прагматик концепцияси, исботлаш, рад этиш, эмоциялар, идеал, ирода, ишонч, шубҳа, билиш натижаларини баҳолаш, билишнинг маънавий қадриятлари, верификация тамойили, ёлғон, янглишиш.

Қўшимча ва тушунтирувчи матилар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ҳақиқат нима? Фалсафада ҳақиқатнинг қандай концепциялари мавжуд?
2. Мутлақ ва нисбий ҳақиқатнинг ўзаро нисбати ҳақида гапириб беринг.
3. Ҳақиқатнинг қандай мезонлари бор?
4. Ёлғон, дезинформация, янглишиш нима?
5. Ҳақиқатни аниқлашда эмоциялар қандай роль ўйнайди?

Реферат мавзулари

1. Фалсафа тарихида ҳақиқат масаласи.
2. Объектив ва мутлақ ҳақиқатнинг бирлиги.
3. Ҳақиқатни билишда ёлғоннинг роли.
4. Гегель ижодида ҳақиқат масаласи.

Билим ва қўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Ҳақиқат тушунчасига қайси жавобда тўғри таъриф берилган?
 - А. Билиш назариясининг бош категорияси
 - Б. Борлиқнинг билишдаги идеал ифодаси ва билиш жараёни, билиш инъикосининг натижасидир
 - В. Билимларнинг объектив борлиққа мувофиқ бўлган мазмуни ва билиш ривожланишининг якуни, айтиш вақтда омилидир
 - Г. Барча жавоблар тўғри
2. Аристотель ҳақиқатга қандай таъриф беради?
 - А. Ҳақиқат — мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир

Б. Ҳақиқат — гоғлар дунёсига мос келувчи гайритабии мустақил идеал моҳият

В. Ҳақиқат ёлгон нарсаларда эмас, балки ақлда мавжуд бўлади

Г. Ҳақиқат — Оллоҳни билишдир

3. Ҳақиқатни фойдали натижаларга эришиш имконини берувчи жараён, тафаккур образидаги қулайлик сифатида таърифлаган мутафаккир ким?

А. У.Жеймс

Б. Ч.Пирс

В. К.Поппер

Г. Р.Карнап

4. Билимларнинг инсон фаолиятига боғлиқ бўлмаган мазмуни ҳақиқатнинг қандай тури хусусиятини белгилайди?

А. Объектив ҳақиқат

Б. Мутлақ ҳақиқат

В. Нисбий ҳақиқат

Г. Субъектив ҳақиқат

5. Объектив ҳақиқат ривожланадими, агар ривожланса қандай шаклда?

А. Ривожланади, нисбий ва мутлақ ҳақиқат шаклида

Б. Ривожланади, корреспондент ва когерент ҳақиқат шаклида

В. Ривожланади, фақат субъектив ҳақиқат шаклида

Г. Ривожланмайди, у статик ҳолатда мавжуд

6. Предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукамал билиш бу —

...

А. Мутлақ ҳақиқатдир

Б. Нисбий ҳақиқатдир

В. Корреспондент ҳақиқатдир

Г. Когерент ҳақиқатдир

7. Ҳақиқатни аниқлашда назариянинг тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлишини талаб қилувчи концепцияни аниқланг?

А. Корреспондент концепция

Б. Когерент концепция

В. Прагматик концепция

Г. Объектив концепция

8. Борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча

- мос эмаслиги билан ажралиб турадиган ҳақиқат турини аниқланг?
- А. Нисбий ҳақиқат
 - Б. Мутлақ ҳақиқат
 - В. Корреспондент ҳақиқат
 - Г. Когерент ҳақиқат
9. Ҳақиқатнинг нечта концепцияси мавжуд?
- А. 3
 - Б. 2
 - В. 5
 - Г. Ҳақиқатнинг фақат битта концепцияси бўлади
10. Ҳақиқатнинг қайси концепциясига мувофиқ билиш объекти экспериментга мувофиқ бўлиши, унга зид келмаслиги, унинг натижаларини баъшорат қилиш имконини бериши лозим?
- А. Когерент концепцияга мувофиқ
 - Б. Корреспондент концепцияга мувофиқ
 - В. Прагматик концепция
 - Г. Тўғри жавоб йўқ
11. Ҳақиқатнинг қайси концепциясида амалиёт мезони кўпинча тўғридан-тўғри эксперимент тушунчаси билан боғланади?
- А. Прагматик концепция
 - Б. Корреспондент концепцияга мувофиқ
 - В. Когерент концепцияга мувофиқ
 - Г. Тўғри жавоб йўқ
12. Ҳақиқийлиги ёки сохталигини исботлаш йўли билан аниқланаётган қондага нима дейилади?
- А. Тезис
 - Б. Антитезис
 - В. Исбот
 - Г. Раддия
13. Фанда қайта кўрилиши мумкин бўлган ҳар хил назарий ва бошқа тасаввурларнинг келажакка қаратилган мажмуига нима дейилади?
- А. Идеал
 - Б. Ирода
 - В. Ишонч
 - Г. Тасаввур
14. Ижобий эмоциялар тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.
- А. Лаззатланиш, қувонч, ҳайрат, муҳаббат

- Б. Изтироб, қувонч, ғам, муҳаббат
В. Қўркув, ҳайиқиш, нафрат, қайғу
Г. Эмоцияларнинг ижобий ёки салбийи бўлмайди, улар инсон борлигининг мавжуд нейтрал ҳолатлари

15. Қайси тамойилга кўра дунё ҳақидаги ҳар қандай фикрнинг ҳақиқийлиги пировард натижада уни сезги аъзолари орқали олинган маълумотларга таққослаш йўли билан аниқланиши лозим?

- А. Верификацияланиш тамойилига кўра
Б. Фальсификациялаш тамойилига кўра
В. Мавҳумлаштириш тамойилига кўра
Г. Барча жавоблар тўғри

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси –Т.: Университет, 2005.
2. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005.
3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: Университет, 2005.
4. Бригг Г.Х. Логико-философские исследования. –М.: 1986.
5. Ильин В.В. Теория познания. Эпистемология. –М.: 1994.
6. Кочергин А.Н. Методы и формы научного познания. –М.: 1990.
7. Никифоров А. Философия науки. История и методология. –М.: 1998.
8. Свинов В.И. Заблуждение, ложь, дезинформация // Философские науки. 1982. №1.
9. Поппер К. Ложь и истина научного знания. –М.: Знание, 1993.
10. Тищенко А.В. Истина в историческом познании: диссертация ... кандидата философских наук: 09.00.11. Йошкар-Ола, 2005.
11. Бережной Сергей Борисович. Категории «бытие», «ничто», «истина» как предмет сравнительного анализа: Мартин Хайдеггер и буддийская онтология: автореферат дис. ... кандидата философских наук: 09.00.01 / Моск. гос. ун-т им. М.В. Ломоносова. Москва, 2007.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ БИРЛИГИ

Амалиёт. Билишнинг негизини амалиёт ташкил этади. Бу инсоннинг бутун билиш жараёни сезгилардан бошлаб илмий мавҳумликларга қадар ижтимоий-амалий фаолият асосида ривожланиши, унинг эҳтиёжлари ва муваффақиятлари билан белгиланиши ва йўлга солинишини англатади.

Амалиёт мазмуни ва шаклларига кўра, моддий неъматлар яратиш; ижтимоий-сиёсий фаолият; илмий-амалий фаолият каби турлардан иборат.

Шунингдек, амалиёт одамлар ижтимоий-тарихий фаолиятининг ранг-баранг шаклларини қамраб олади.

Ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари доим билиш ривожланишининг негизи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амал қилади. Ер майдонларини ўлчаш, вақтни ҳисоблаш, савдода ҳисобкитобларни амалга ошириш зарурати математик билимларнинг ривожланишига йўл очди. Бинолар, ариқлар, тўғонлар, кемалар, машиналар ва ҳоказоларни қуриш эҳтиёжлари механиканинг ривожланишига олиб келди.

Ижтимоий амалиёт билишнинг негизи ҳисобланиши ҳақида сўз юритганда илмий билиш жараёнининг нисбатан мустақил эканини унутмаслик керак. Зеро, амалиёт билан белгиланган мураккаб билвосита хусусиятга эга. Билишнинг ҳар бир босқичида илмий тафаккурнинг олдинги ривожланиш жараёнида юзага келган муаммолар ечилади. Шу сабабли, фаннинг у ёки бу ютуқларини, у ёки бу тарихий даврнинг амалий тажрибаси ва эҳтиёжларига боғлашга уриниш хато бўлур эди.

Инсон тафаккури доимо олдинги авлодлардан олинган билимлар мажмуи ва фаннинг олдинги ривожланиш жараёнида қўйилган муаммолар билан иш кўради. Фан бу муаммоларни ечиб, амалиётдан ўзиши ва унга онгли равишда йўл кўрсатиши мумкин ва лозим.

Амалиёт — одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш фаолиятидир. Билишга нисбатан амалиёт уч хил вазифани бажаради. Биринчидан, у билишнинг манбаи, ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади, билишга умумлаштириш ва назарий ўрганиш учун зарур материал беради. Шу тариқа амалиёт билишни озиқлантиради, у реал ҳаётдан узоқлашишга йўл

қўймайди. Иккинчидан, амалиёт билимларни татбиқ этиш соҳасидир. Шу маънода у билишнинг мақсадидир. Учинчидан, амалиёт билиш натижаларининг ҳақиқийлигини текшириш мезони. Билишнинг амалиёт синовидан ўтган натижаларигина амалда объектив аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, амалиёт — барча босқичларда билишнинг шаклланиш ва ривожланиш негизи, билим манбаи, билиш жараёни натижаларининг ҳақиқийлиги мезонидир. Тажриба тушунчаси ҳар хил маънога эга: тажриба (эмпирия) мавҳум фикр юритишга қарши қўйилади ва шу маънода у кузатиш ва эксперимент тушунча ҳисобланади. Ҳаёт тажрибаси, машина ҳайдаш, маърузалар ўқиш ва шу кабилар маъносига билим ва кўникмалар даражасига ҳам тажриба, деб аталади.

Ўз-ўзидан равшанки, инсон борлиқни ёлғиз ўзи тушуниб етмайди: ҳақиқатни билиш тажрибага асосланади, деганда, илдилари ўтмишга, асрларнинг йиғма ва жамланиб борадиган тажрибасига бориб тақалувчи ворисий ахборот назарда тутилади. Индивидуал тажриба, агар у мавжуд бўлган тақдирда ҳам, ҳақиқатни англаш учун мутлақо етарли бўлмайди.

Илмий тадқиқот предметини танлашга, билимнинг ривожланиш йўналиши ва суръатларига, унинг ютуқларидан фойдаланиш хусусиятига жуда кўп ижтимоий омиллар, чунончи: моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари; ижтимоий-сиёсий ҳаёт; жамиятнинг иқтисодий тизими; ҳукмрон дунёқараш хусусияти; ижтимоий онгнинг турли шакллари; ишлаб чиқариш, техника, маънавий маданият, маорифнинг ривожланиш даражаси, шунингдек, илмий билишнинг ички мантиғи таъсир кўрсатади. Бу омиллар орасида моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари биринчи ўринда туради. Улар билиш олдига муайян тадқиқот вазифаларини қўядилар. Ишлаб чиқариш илмий билиш натижаларининг асосий фойдаланувчиси ва билиш техника воситалари — асбоблар, мосламаларни етказиб берувчи ҳисобланади. Илмий ижоддаги муваффақият нафақат олимнинг истеъдоди, зеҳнининг ўткирлиги билан, балки керакли техник жиҳозларнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Айнан техниканинг ривожланиши фанни экспериментал ва мантиқий ўрганишнинг қудратли воситалари билан таъминлади. Масалан, электромагнит ва атом ўрганиш жараёнлари жамият ишлаб чиқариш ривожланишининг фандаги

бу ҳодисаларни билиш учун зарур воситалар билан таъминланганлик, юксак даражага етганидан кейингина тадқиқот предметига айланди.

Илмий ижод натижалари фақат моддий ишлаб чиқариш, техникадагина ўзининг амалий ифодасини топмайди. Илмий билимнинг ҳар бир соҳаси тегишли қонуниятларни ёритиш, муайян ҳодисани тушунтириш йўли билан дунёнинг ягона манзарасини яратиш, дунёқарашни шакллантиришда иштирок этади. Э.Шредингер таъбири билан айтганда, фан биз ким ва нима учун дунёга келганмиз, деган саволга ҳам жавоб бериши лозим. Бу ҳам метафизик, ҳам амалий мазмун касб этади.

Амалиёт нафақат жамият учун зарур бўлган ҳодисаларни аниқлайди, балки, инсонни қуршаган нарсалар ва ҳодисаларни ўзгартиради, уларнинг шу пайтгача инсонга маълум бўлмаган ва шу сабабли ўрганилмаган томонларини аниқлайди. Нафақат дунёвий жисмлар, балки биз ўзгартирмайдиган осмон жисмлари ҳам онгимиз ва идрокимиз қаршисинда саф тортади ва дунёда мўлжал олиш воситалари сифатида ҳаётимизга кириб келишига қараб англаб етилади.

Илмий билиш тарихи бирон-бир кашфиёт амалда қўлланилиши натижасида илмий билишнинг тегишли соҳаси жадал суръатларда ривожлана бошлашини, техниканинг ривожланиши фанда инқилоб ясашини кўрсатади.

Нафақат табиат ҳақидаги фан, балки жамият ҳақидаги фanning ривожланиши замирида ҳам амалиёт ётади.

Амалиёт фалсафаси. Инсон — фаол мавжудот. Юнонча «практикос» сўзи фаол, деган маънони англатади. Шунингдек, амалиёт инсоннинг фаолиятидир.

Инсон фаолияти сифатида амал қиладиган ҳамма нарса амалиётдир. Тил, маданият ва унинг кўп сонли таркибий қисмлари амалиёт турларидир. Кўпинча амалиёт, деганда моддий амалиёт, яъни воситаси ва маҳсули сифатида предметли моддий дунё амал қиладиган фаолият тушунилади. Бироқ, моддий амалиёт ҳам амалиёт турларидан бири, холос.

Антик жамиятда жисмоний меҳнатни бажариш қуллар вазифаси ҳисобланган. Ҳатто санъатга ҳам паст назар билан қаралган. Доно одамнинг мушоҳада қилиши фаолиятнинг энг олий шакли сифатида тан олинган. Борлиққа нисбатан бундай

ёндашув амалиёт муаммосини инсон ақли соҳасига кўчирган. Амалиёт ҳақидаги таълимот (праксиология) ахлоқ, яхши хулқ ҳақидаги таълимот сифатида амал қилади. Ахлоқни ўрганиш антик фалсафага ҳам, қадимги ҳинд фалсафасига ҳам хос. Амалиётни ахлоқий тушуниш анъанаси бутун жаҳон фалсафаси орқали ўтади. Қадимги манбалардан бири “Авесто”да амалиёт инсон молдий ва маънавий ҳаётини яхшилашга интилишида намоён бўлади. Жумладан, меҳнат қилиб, бойлик яратиб, ташландиқ жойларга ишлов бериб, суғориб обод қилган, сут, гўшт, дон етиштириб, фаровонликни таъминлаган деҳқонлар, чорвадорлар, боғбонлар, овчилар, хунармандлар улуғланган. Асарда “Кимки ҳам чап қўли ва ҳам ўнг қўли билан ерга ишлов берса, у ерга фойда келтиради”, деб таъкидланади.

Христианликда меҳнатга Худо инсонга юборган лаънат сифатида қаралган. Фаолиятнинг асосий шакли Худога хизмат қилиш, яъни сифиниш, ибодат қилиш ва шу кабилар билан боғланган.

Марказий Осиё мутафаккири Беруний фикрича инсон амалий фаолиятининг бирон бир соҳаси уларнинг ўзаро таъсирсиз амалга ошмайди.

Янги даврда схоластикага қарши курашда фалсафанинг амалиётга қаратилганлиги инглиз файласуфлари (Бэкон, Гоббс, Локк) томонидан қайд этилди. Ҳаётга татбиқ этиладиган фалсафани яратишга уриниш ақлнинг қудратига асосланади. Дарҳақиқат, янги давр фалсафасида тафаккурга фаолиятнинг ҳақиқий шакли сифатида қаралади.

Кант ақл даражалари тушунчасини муомалага киритди: назарий ақл нарсалар дунёси ҳақида мушоҳада юритади; фақат амалий ақл объектларни кузатиш чегараларидан ўтади ва шунинг учун ҳам у назарий ақлдан устун туради. Амалий ақл хоҳиш-ирода сифатида, амалиёт эса — ахлоқий-одилонга фаолият сифатида амал қилади. Кант амалиётни мақсад, эркинлик, хоҳиш-ирода, ахлоқ категориялари орқали тавсифлайди. Гегель амалиётни субъектив ёндашувдан халос этиш йўлида дадил қадам ташлаган. У ўз эътиборини восита категориясига қаратади. Гегель фикрига кўра, восита мақсаддан «мавжуд борлиқнинг умумийлиги» билан устун туради. Субъектив нарсалар яқка, восита эса умумийдир. Гегель учун меҳнат инсоннинг ўз-ўзини

яратишидир, бироқ у инсон, ишлаб чиқариш воситалари эмас, балки мутлақ руҳ мантиқини рўёбга чиқаради. Мутлақ руҳ яхлит ҳолда назария ва амалиётда ўзининг мавҳум кўринишларида намоён бўлади. Амалиёт назарий билишдан устун туради, чунки у нафақат умумийлик, балки мавжудлик фазилатига ҳам эгадир. Гегелнинг объективнинг субъективдан, амалийнинг назарийдан, воситанинг мақсаддан устунлигига италян файласуфи ва сиёсий арбоби Грамши амалиёт фалсафаси деб номлаган марксизм яқин туради.

XX аср Фарб фалсафасининг кўпгина йўналишлари учун амалиёт ўз эркинлигини дойиҳа ва танлаш имкониятида рўёбга чиқарадиган (Сартр) хоҳиш-иродали (прагматизм), оқилона (неопозитивизм) мавжудот сифатида тушуниладиган индивиднинг фаолиятидир. Гуссерль фалсафасида амалиёт инсон фаоллигининг барча шакллариини ўзида мужассамлаштиради, бироқ фалсафий таҳлил улардан соф билим, назарияни ажратиб олади. Айни шу билим таҳлил предметиға айланади. Хайдеггер учун инсоннинг «дунёда борлиги» нарсалар билан муомала қилиш демакдир. Ижтимоий-амалий соҳа ҳақиқий борлиққа эга эмас, унда инсоният инқирозининг манбалари мавжуд.

Шундай қилиб, амалиёт турли фалсафий йўналишларда ҳар хил талқин қилинади. Амалиёт категорияси кенг ва тор маънода ё инсоннинг ҳар қандай фаолияти, ё унинг фақат моддий фаолияти сифатида тушунилади.

Амалиётнинг таркибий қисмлари 1) мақсад; 2) мақсадга мувофиқ фаолият; 3) амалиёт воситалари; 4) амалий ҳаракат объекти; 5) ҳаракат натижаси кабилар.

Мақсад субъектга ёки одамлар гуруҳига хос. Мақсад — эришиш мўлжалланган келажакнинг субъектив образи. Пировард мақсад муқаррар тарзда муайян предметларға боғланади, деб ўйлаш ярамайди. Инсоннинг чегара билмас интилиши билан тавсифланадиган идеал ҳам мақсад бўлиши мумкин. Мақсад ҳақидаги фалсафий таълимот телеология деб аталади. Амалиёт ўз мақсадларини кўзловчи одамнинг фаолиятидир. Шу сабабли у мақсадга мувофиқ фаолият ҳисобланади.

Бу фаолиятнинг ўзи мақсад тимсоли сифатида амал қилади. Бу ерда субъект муқаррар тарзда ғайри ниятни эмас, балки кучни тан оладиган табиат билан тўқнашади. Инсон табиатга табиий

куч сифатида қарши туради. Табиатда инсон ўз мақсадини рўёбга чиқаради. Мақсадга эришиш учун ишга солинадиган ҳамма нарса амалиёт воситаси деб аталади. Бу нафақат машиналар, меҳнат қуроллари, балки одамларнинг билимлари ва ҳаёт тажрибаси ҳамдир. Ҳаракат қаратилган нарса амалиёт объекти деб аталади.

Фаолият маҳсулотда тўхтайдди. Мақсад рўёбга чиқади. Рўёбга чиққан мақсад мақсад эмас. Имконият борлиққа айланади; амалий ҳаракат бажарилади. Амалий ҳаракатлар эстафетаси инсон амалиёти, унинг фаол ҳаётини ташкил этади.

Амалиёт натижасига эришиш босқичида субъект ўз ҳаракатларининг самарадорлигини, уларга йўлдош бўлган эмоционал ва оқилона жиҳатларни баҳолаш имкониятига эга бўлади. Амалиёт ҳақиқат мезонига айланади. Амалиёт ҳақиқатнинг бирдан-бир мезони эмас, бироқ у ҳақиқатни баҳолашнинг бош мезонларидан бири сифатида таъ олинади. Инсон ўз тафаккурининг ҳақиқийлигини, унинг бутун қудратини амалиётда исботлаб бериши лозим. Амалиёт таркибида ҳар хил аҳамиятга эга бўлган нисбатан мустақил жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар фалсафий таълимотлар мазмунида ўз аксини топади. Кантчилар амалиётни таҳлил қилишда субъектнинг фаоллигидан келиб чиқадилар. Марксчилар амалиёт воситаларини биринчи ўринга қўяди. Ваҳоланки, амалиёт яхлит ҳодиса бўлиб, бу ерда ҳамма нарса ўзаро боғлангандир. Амалиётни таркибий қисмларга ажратиш ва улар ўртасида субординация ўрнатиш доим ҳам ўринли бўлавермайди.

Дунёдаги барча нарсалар ва ҳодисалар каби амалиёт ҳам у ёки бу даражада ривожланган шаклларда мавжуд бўлади. Нафақат ижтимоий ишлаб чиқариш, балки инсоннинг ҳар қандай фаолияти амалиёт ҳисобланади. Масалан, индивидуал тафаккур жараёни ҳам амалиётдир. Амалиётда нафақат ишчи ва муҳандис, балки сиёсатчи, олим, хуллас, ҳар бир одам иштирок этади. Агар табиий жараёнлар инсон фаолияти соҳаси билан боғлиқ бўлмаса, улар амалиёт соҳасига кирмайди. Назария ва амалиёт ўртасидаги тафовутни бартараф этиш лозимлиги тўғрисида кўп сўз юритилади, демак, назария амалиётга зид бўлиши мумкин. Бошқа бир ёндашувга кўра, яхши назариядан амалийроқ нарса йўқ. Назария ва амалиёт ўртасидаги сохта тафовутни бартараф этиш эмас, балки амалиётни ривожлантириш, унинг самарадорлигини

ошириш муҳим вазифадир. Самарали иш кўрадиган субъект, жамият яхши амалиётчидир.

Амалиёт шаклларига келсак, улар инсон фаолиятининг таркибига мувофиқ анча кўп. Масалан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаёт амалиёти, санъат ва фан амалиёти, тил амалиёти ва ҳоказолар бор. Фалсафа амалиётга категориялар, яъни амалиётнинг барча шаклларига хос бўлган умумий жиҳатлар нуқтаи назаридан ёндашади.

Амалиёт мавзуси маънавият муаммолари билан узвий боғлиқ. Инсон нима учун ҳаракат қилади? Кантнинг машхур саволи қуйидагича янграйди: «Инсоннинг мақсади нима?».

Платон учун амалиёт маънавий жиҳатдан ижобий ва боз устига ажойиб фаолият. Стоиклар инсоннинг эркин хоҳиш-иродаси яхши ишларда мужассамлашади, деб ҳисоблаганлар.

Диний таълимотларга кўра инсон фаолияти Худонинг унга берган инъомидир. Худо ўзида олний фазилатни ифода этади. Худо инсонни яхшилик сари етаклайди, бироқ бу йўлдан бориш учун нафс балосини енгиш лозим.

Янги давр фалсафасига кўра амалий фаолият инсоннинг тирикчилигини енгиллаштириш ва яхши мақсадларга, айниқса, одамлар ўртасида муросаи мадорага эришишга қаратилиши керак.

Кант бу фикрни ривожлантиради: у яхши мақсадларга интилишни эмас, балки асосий ахлоқий қонунни амалга оширишни энг катта ютуқ деб ҳисоблайди. Мақсад муаммоси мавжуд нарсалар соҳасида эмас, балки бўлиши керак бўлган нарсалар соҳасида ечилади. Шу муносабат билан кўп сонли аксиологик (қадриятлар билан боғлиқ) муаммолар юзага келади.

Марксизмда амалиётнинг тарихий вазифаси яхшилик ва ёмонлик диалектикасини рўёбга чиқаришдан иборат деб тушунилади. Марксистлар таклиф қилган дунёни қайта қуриш дастури уларнинг фикрича ижтимоий-ахлоқий хусусиятга эга бўлган коммунистик идеалларга эришишга қаратилган.

Гуссерль муҳим маънавий қадриятларга риоя этган ҳолдагина амалиёт ўзининг ҳақиқий мақсадларига эришади, деб ҳисоблайди.

Демак, фалсафада амалиётга яхши мақсадларга эришиш сифатида ёндашиш анъанаси мавжуд. Файласуфлар асосан, амалиётни тор практицизм, ҳамма нарсадан бевосита моддий наф кўриш йўсинида тушунишга мойил эмаслар. Файласуфларнинг

қизиқиши умумий аҳамиятга молик қадриятларни рўёбга чиқаришга қаратилган. «Мақсад воситаларни оқтайди» деган тезисни Кант ҳам, Гегель ҳам танқид тиғи остига олган. Яхшиликка қаратилмаган воситалардан фойдаланиш муқаррар тарзда ёмон мақсадларга эришилишига сабаб бўлади.

Хулосалар. Фалсафада амалиёт, деганда инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзини қуршаган дунёни ёки унинг айрим қисмларини ўзгартиришга қаратилган фаолият тушунилади. Амалиётнинг асосий шакли меҳнат бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида инсон табиат билан тўқнашади. Шунингдек, бошқарув амалиёти, сиёсий, ижтимоий амалиёт ва амалиётнинг бошқа шакллари фарқланади. Хўш, амалиётнинг билиш билан алоқаси қандай?

Биринчидан, амалиёт билишнинг сарчашмаси, негизи, уни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Амалиётнинг муайян эҳтиёжлари инсониятнинг билишга бўлган эҳтиёжлари ва вазифалари, умуман фаолият тури сифатидаги билишнинг ўзи юзага келишига сабаб бўлган. Масалан, Қадимги Мисрда зироатчилик геометрия ва математика пайдо бўлишини рағбатлантирган, кемачилик ва савдо иши эса астрономия ва бошқа фанларнинг ривожланишига туртки берган. Амалиёт жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги муаммолар (масалан, кинотни ўзлаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва б.)га дуч келиб, билишнинг янги тармоқлари ривожланишини рағбатлантиради. Масалан, XX асрда космик тиббиёт, кристаллография, генетика ва бошқа фанлар вужудга келди.

Иккинчидан, амалиёт ўзининг муҳим эҳтиёжлари билан бирга билишнинг мақсади ҳамдир. Инсон билимлари улардан ўз кундалик турмушида фойдаланиш учун мўлжаллангандир. Бироқ, улар буюмлар ва товарлар, меҳнат қуроллари яратиладиган саноатда биринчи даражали аҳамиятга эга. Масалан, Д.И.Менделеев жадвали ва унда ифодаланган маълумотларсиз ҳозирги кимё саноатини тасаввур қилиш мумкин эмас. Кундалик ҳаётдан мустақкам ўрин олган телевидение ва радио физика ва бошқа фанларда эришилган ютуқлар маҳсулидир. Агар билимларга амалиётда ҳожат бўлмаса, улар ўз ижтимоий аҳамиятини йўқотиши мумкин. Бинобарин, амалиёт билимлар изчил қўлланиладиган улкан соҳадир.

Учинчидан, амалиёт инсон билимлари ва тасаввурларининг ҳақиқийлиги мезони (кўрсаткичи)дир. У илмий гипотезалар ва назарияларнинг (масалан, Қуёш системасининг бошқа сайёраларида ҳаёт борлиги ҳақидаги фаразнинг) аниқлигини текширишнинг муҳим усули ҳисобланади. Бироқ, бунда мазкур мезон ўзининг номукамаллиги туфайли универсал (умумий) эмаслигини эътиборга олиш лозим. Зотан, дунё ҳақидаги ғоялар ва тахминларнинг барчасини ҳам амалда синаш мумкин эмас. Шу сабабли фан билимларнинг ҳақиқийлигини асослаш учун, масалан, мантиқий исботлаш каби усуллардан фойдаланади.


Шундай қилиб, амалиёт ҳар қандай билиш жараёнининг негизи, таянч нуқтаси ва тадрижий яқуни ҳисобланади.

Тажрибавий амалий матнлар:

Амалиёт, билиш, тажриба, эксперимент, билиш негизи, ҳақиқат мезони, амалиёт мақсади, амалиёт шакллари.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Билиш жараёнида амалиёт қандай роль ўйнайди?
2. Амалиётда ижтимоий омилларнинг роли.
3. Амалиётнинг қандай шакллари бор?
4. Билиш ва амалиётнинг ўзаро нисбати қандай?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. “Одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш фаолияти – бу ...

- A. Амалиёт
- Б. Тажриба
- В. Ҳақиқат
- Г. Ҳаракат

2. Билишга нисбатан амалиёт неча хил вазифани бажаради?

- A. 3
- Б. 2
- В. 4
- Г. 5

3. Қуйидаги фикр муаллифини топинг: “Фан биз ким ва нима учун дунёга келганмиз, деган саволга ҳам жавоб бериши лозим”.

- A. Шредингер
- Б. Шеллинг
- В. Шопенгауэр
- Г. Штейнмайер

4. Юнонча «практикос» сўзининг маъноси нима?

- A. Фаол
- Б. Тажриба
- В. Ҳаракат
- Г. Фаолият

5. Амалиёт ҳақидаги таълимот қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Праксиология
- Б. Аксиология
- В. Геронтология
- Г. Танатология

6. Қайси дин дастлаб, меҳнатга Худо инсонга юборган лаънат сифатида қараган?

- А. Христианлик
- Б. Ислом
- В. Буддизм
- Г. Иудаизм

7. Янги даврда схоластикага қарши курашда фалсафанинг амалиётга қаратилганлиги қайси инглиз файласуфлари томонидан қайд этилди?

- А. Бэкон, Гоббс, Локк
- Б. Бэкон, Лютер, Локк
- В. Гоббс, Руссо, Монтескье
- Г. Руссо, Локк, Спиноза

8. Амалиёт фалсафасини ўрганишда қайси файласуф ақл даражалари тушунчасини муомалага киритди?

- А. Кант
- Б. Гегель
- В. Шеллинг
- Г. Хайдеггер

9. Гегель амалиётни таҳлил қилишда қайси категорияга ўз эътиборини қаратади?

- А. Восита категориясига
- Б. Сабаб категориясига
- В. Мақсад категориясига
- Г. Натижа категориясига

10. Ушбу фикрлар кимга тегишли: “Амалий ақл хоҳиш-ирода сифатида, амалиёт эса – ахлоқий-одилонга фаолият сифатида амал қилади”?

- А. Кант
- Б. Гегель
- В. Шеллинг
- Г. Хайдеггер

11. Қайси мутафаккир фалсафасида амалиёт инсон фаолиятининг барча шакллариини ўзида муҷассамлаштиради?

- А. Гуссерль
- Б. Гегель
- В. Шеллинг
- Г. Хайдеггер

12. Амалиётнинг таркибий қисмлари қайси жавобда тўлиқ ва тўғри кўрсатилган?

- А. Мақсад, мақсадга мувофиқ фаолият
- Б. Амалиёт воситалари,
- В. Амалий ҳаракат объекти ва ҳаракат натижаси
- Г. Барча жавоблар тўғри

13. Қайси жавобда амалиётнинг мақсадига тўғри таъриф берилган?

- А. Мақсад – эришиш мўлжалланган келажакнинг субъектив образи
- Б. Мақсад – субъектга ёки одамлар гуруҳи истаклари
- В. Мақсад – муқаррар тарзда муайян предметларга боғланувчи фаолият
- Г. Мақсад – субъект фаолиятининг натижасини белгиловчи образ

14. Мақсад ҳақидаги фалсафий таълимот нима деб аталди?

- А. Телеология
- Б. Праксиология
- В. Феноменология
- Г. Аксиология

15. Амалиётнинг асосий шакли бу – ...

- А. Меҳнат
- Б. Билим
- В. Эътиқод
- Г. Кўникма

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. –Т.: Университет, 2005.
2. Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. – Т.: Университет, 2005.
3. Творческая природа научного познания. – М.: 1984.
4. Фармак И.П. Воображение в структуре познания. – М.: 1994.
5. Степин В.С. Становление научной теории. – Минск, 1976.
6. Рузавин И.Н. Теоретическое знание. Проблемы генезиса и различия форм. – Ростов-на-Дону, 1989.

БИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Метод, методология ва методика тушунчалари. Фалсафа ва ҳар бир файласуфнинг ижодида метод ва методология муаммоси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Фан тарихида ном қолдирган олим ва файласуфларнинг илмий меросини кўп жиҳатдан уларнинг қайси услубларга таянганига қараб баҳолаш ҳам мумкин.

Метод (юнон. *methods* — усул) кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади. Методология тушунчаси икки асосий мазмунга эга — фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизими (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳ.к.); тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси.

Фан методологияси унинг структураси, тараққиёти, илмий талқиқот воситалари ва усуллари, унинг натижаларини асослаш йўллари, билимни тажрибага татбиқ қилиш механизмлари ва шакллари урганadi. Шунингдек, методология методлар йиғиндиси ва фаолият тури ҳақидаги таълимотдир.

Метод муаммоси доимо фалсафий ва илмий оламнинг диққат марказида бўлган. Айниқса, ҳозирги даврда методологиядан турли йўналиш ва оқимлар, жумладан, фан, фалсафа, феноменология, структурализм ва постструктурализм, постпозитивизм ва шу кабиларда кенг кўламда фойдаланилмоқда. Ижтимоий методология ҳозирги замон герменевтикасида мавзуларни таҳлил қилиш назарияси ва фалсафий концепцияларни ўрганишда қўлланилмоқда.

Метод у ёки бу шаклда маълум қоида, тартиб, усул, ҳаракат ва билим мезонларининг йиғиндиси ҳамдир. У тамойиллар, талаблар тизими бўлиб, субъектни аниқ вазифани бажаришга, фаолиятнинг шу соҳасида маълум натижаларга эришиш сари йўналтиради. У ҳақиқатни излашда вақт, кучни тежайди, мақсадга энг яқин ва осон йўл билан етишишга ёрдам беради.

Методнинг асосий вазифаси фаолиятнинг билиш ва бошқа шаклларини бошқаришдан иборат. Бироқ:

— биринчидан, метод ва методологик муаммоларнинг ролини инкор қилиш ёки тўғри баҳоламаслик («методологик негативизм»);

— иккинчидан, методнинг аҳамиятини бўрттириш, мутлақлаштириш, уни барча масалаларнинг калити, илмий

янгиликларни яратишнинг энг қулай воситаси (методологик эйфория), деб тушуниш нотўғридир.

Ҳар қандай метод маълум назария асосида яратилади ва тадқиқотнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Ҳар бир методнинг самарадорлиги унинг чуқур мазмун ва моҳиятга эгаллиги, назариянинг фундаменталлиги билан асосланади. Ўз навбатида, метод мазмуни кенгайиб боради, яъни билимнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, тажрибага татбиқ этилиши билан методнинг кўлами ҳам ўзгаради.

Илмий билишда нафақат илмий натижа (билимлар мажмуи) ва предметнинг моҳиятини англаш, балки унга элтувчи йўл, яъни метод ҳам ҳақиқий бўлмоғи лозим. Шунга кўра, предмет ва методни бир-биридан айри ҳолда тушуниш мумкин эмас. Ҳар қандай метод у ёки бу даражада реал ҳаётний жараёнларда шаклланади ва яна унга қайтади. Метод ҳар қандай тадқиқот бошланишида тўла ҳолда намоён бўлмаса-да, маълум даражада предметнинг сифат ўзгариши билан ҳар сафар янгидан шаклланади.

Метод билиш предмети ва ҳаракатни сунъий равишда боғламайди, балки уларнинг хусусиятлари ўзгариши билан янгиланиб боради. Илмий тадқиқот предметга дахлдор далил ва бошқа белгиларни жиддий билишни талаб қилади. У маълум материалнинг ҳаракати, унинг хусусиятлари, ривожланиш шакллари ва шу кабиларда намоён бўлади. Демак, методнинг ҳақиқийлиги, энг аввало, тадқиқот (объект) предметининг мазмуни билан боғлиқ.

Метод субъектдан ташқарида мавжуд жараён эмас, балки у билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача қилиб айтган-да, «инсон умум методологиянинг марказидир» (Фейербах). Иккинчидан, ҳар қандай метод у ёки бу даражада бошқарув қуроли вазифасини бажаради.

Метод субъект ва объективликнинг мураккаб диалектикаси асосида ривожланади, бунда охиригиси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода, ҳар қандай метод, энг аввало, объектив, мазмунли ва конкрет бўлса-да, айна пайтда, у субъектив ҳамдир. Бироқ, у фақат мавжуд қоидалар тизими эмас, балки объектив илмийликнинг давоми сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги даврда методология фақат илмий билиш соҳаси билан

чекланиши мумкин эмаслиги аён бўлди ва у албатта, билиш чегарасидан чиқиши ва ўз соҳасида амалиётда ҳам қўлланиши зарур. Бунда билиш ва амалиётнинг узвий алоқадорлигига эътибор қаратмоқ керак.

Метод методикада конкретлашади. Методика далилий материалларни йиғиш ва саралаш воситаси, аниқ фаолият туридир. У методологик тамойиллардан фарқ қилса-да, уларга асосланади.

Методларни танлаш ва турли методик тадқиқот фаолиятида қўллаш ўрганилаётган ҳодиса табиати ва қўйилган вазифалар билан характерланади.

Методлар хилма-хиллигига қараб, турли мезонлар асосида таснифланади. Энг аввало, маънавий, ғоявий (шунингдек, илмий) ва моддий, амалий фаолият методларини ажратмоқ лозим.

Фан методларининг гуруҳларга бўлиниши бир нечта асосларга эга. Билиш жараёнида унинг роли ва ўрни нуқтаи назаридан: формал, эмпирик, назарий, тадқиқот, изоҳлаш, шунингдек, бошқа методларга ажратиш мумкин. Ўз навбатида, билишнинг сифат ва сон, билвосита ва бевосита оригинал ҳамда фаолиятли методлари ҳам мавжуд.

Фалсафа методларининг асослари бевосита амалий фаолият билан боғлиқ. Фан тарихида методлар янги назарияларни яратиш жараёнида шаклланади. Янгилик яратиш санъати, Ф.Бэкон фикрича, янгиликлар жараёнида камол топади. Дастлабки тадқиқот тажрибада шаклланади экан, метод тадқиқотнинг бошланғич нуқтаси, амалиёт билан назарияни боғловчи восита сифатида намоён бўлади. Метод ва назариянинг узвий алоқаси илмий қонунларнинг методологик ролида ўз аксини топади. Ҳар қандай фанга оид қонун инсонни воқелиқдаги нарса ва ҳодисаларни шу фанга мансуб соҳага мос фикрлашга ундайди. Масалан, энергиянинг сақланиш қонуни бир вақтнинг ўзида методологик тамойил бўлиб, у олий нерв фаолиятининг рефлекторлик назарияси, ҳайвонлар ва инсон ахлоқини тадқиқ қилишнинг методларидан бири ҳамдир.

Илмий тадқиқот жараёни тарихан ишлаб чиқилган методлар асосида амалга оширилади. Ҳеч ким ҳеч қачон ҳақиқатни йўқдан бор қила олган эмас. Албатта, олим изланишлар, хатолар

қуршовида ҳаракат қилади. Баъзи ҳолларда бир нарсани излаш жараёнида бутунлай бошқа нарса яратилади.

Фанда, кўп ҳолларда танланган метод тадқиқотнинг тақдирини ҳал қилади. Айнан, бир далилий материални турли методлар асосида ўрганиш зиддиятли хулосаларга олиб келиши мумкин. Илмий билишдаги тўғри методни характерлар экан, Ф.Бэкон уни йўловчининг йўлини ёритувчи чироқ билан қиёслайди. Нотўғри йўлдан бора туриб, у ёки бу масалани ҳал қилишда муваффақиятга эришишга умид қилиш мумкин эмас. Зеро, нафақат натижа, балки унга элтувчи йўл ҳам тўғри бўлмоғи лозим.

Метод ўз-ўзидан тадқиқотнинг муваффақиятли бўлишини таъминлай олмайди, чунки нафақат яхши метод, балки уни қўллаш маҳорати ҳам муҳимдир. Илмий билиш жараёнида турли методлардан фойдаланилади. Умумий даражасига кўра, улар кенг ёки тор кўламда қўлланилади. Ҳар қандай фан ўз предметини ўрганишда у ёки бу объектнинг моҳиятидан келиб чиқувчи турли хусусий методлардан фойдаланади. Масалан, ижтимоий жараёнларни ўрганиш методи оламнинг ижтимоий шакли, унинг қонуниятлари, моҳиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

Турли конкрет вазифаларни ҳал қилишнинг зарурий шартларидан бири универсал хусусиятга эга бўлган умумий фалсафий методларга мурожаат қилишдир. Бу методлар ҳақиқатни англашда умумий йўлни кўрсатади. Мазкур методларга фалсафанинг қонун ва категориялари, кузатиш ва тажриба, таққослаш, анализ, синтез, индукция, дедукция ва шу кабилар тааллуқли. Агар махсус методлар объектнинг қонуниятларини ўрганишнинг хусусий усуллари сифатида намоён бўлса, фалсафий методлар шу объектларда намоён бўладиган, алоҳида хусусиятлардаги ҳаракат, тараққиётнинг энг умумий қонуниятларини ўрганadi. Айнан шу ўринда тажриба ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар бир метод объектнинг алоҳида томонини билишга имконият яратади. Методлар умумийлик даражаси ва амал қилиш доирасига кўра бир неча гуруҳга бўлинади. Улар қуйидагилар:

Фалсафа методлари. Энг қадимги кенг тарқалган методлардан бири диалектика бўлса, иккинчиси метафизикадир. Бироқ, фалсафа методлари булар билан чекланмайди. Бугунги кунда унинг софистика, эклектика, аналитик (ҳозирги замон аналитик

фалсафаси), интуитив, феноменологик, синергетик, герменевтик (тушуниш) ва бошқа турлари ҳам мавжуд. Эндиликда турли методларни бирлаштириш жараёни ҳам рўй бермоқда (масалан, Гадамер герменевтикани рационал диалектика билан бирлаштиришга ҳаракат қилади).

Диалектика (юнон. *dialektika* — баҳс, суҳбат) табиат, жамият ва билиш тараққиёти қонуниятлари ҳамда уларнинг асосида шаклланадиган умумий тафаккур услуби ва амалий фаолият ҳақидаги таълимотдир. У юнон тилида баҳс ва суҳбатлашиш санъати, деган маънони англатади. Антик дунё файласуфлари уни ҳақиқатга эришиш йўли ва усули сифатида талқин этганлар. Ҳозирги даврга келиб диалектика оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда, тараққиёт ва ривожланишда, деб тушунишдир. Унга кўра, оламда ўз ўрнига ва жойига, яшаш вақти ва ҳаракат йўналишига эга бўлган барча нарсалар ва воқеалар бир-бирлари билан боғлиқ ва алоқадор тарзда, бир-бирларини тақозо этадиган, доимий ва такрорланиб турадиган боғланишлар орқали намоён булади.

Масалан, инсоният тарихида бу усулга асосан ёндашилганида, у узлуксиз тарзда рўй берадиган авлодлар ўрин алмашуви, бирининг ўрнига иккинчиси келиши, муайян қадриятларни мерос қолдириши ва янгиликнинг эскиликни инкор қилишидан иборат доимий ва такрорланиб турадиган жараёндир. Башариятнинг муайян даврида эса, шу замоннинг ижтимоий манзарасини белгилайдиган турли уруғ ёки қабилалар, давлат, миллат ва халқлар, оқим ва йуналишлар, ғоя ва мафкураларнинг хилма-хил шаклларини кўриш, уларнинг бир-бири билан узвий алоқадорликда намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Тараққиёт жараёнида авлодлар, даврлар, сиёсий тузумлар, умуман, ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ўз-ўзидан автоматик тарзда содир бўлиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди. Балки, уларнинг барчаси инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларнинг ҳосиласи, ижтимоий жараёнларнинг натижаси, бирор сабабнинг оқибати сифатида намоён бўлади. Бир давр иккинчисининг ўрнига, бир авлод олдингисидан кейин, бир воқеа бошқасининг ортидан содир бўлиб туради. Ана шу абадий ва азалий узлуксизлик, доимий алоқадорлик, вақтнинг орқага қайтмаслиги ва воқеаларнинг кетма-кетлиги тарзидаги боғланишлар,

ривожланиш ва тараққиёт, оламнинг ранг-баранглиги ва уйғунлиги диалектиканинг асосий тамойилларини ташкил қилади.

Фалсафада мазкур тамойилларга асосланган тафаккурни — диалектик тафаккур, ана шундай дунёқарашни — диалектик дунёқараш, ёндашувни — диалектик ёндашув, методни — диалектик метод деб аташ анъанага айланган. Шу билан бирга, у ёки бу олимнинг ушбу тамойилларга асосланадиган дунёқарашни, фалсафий таълимотлари ҳам бор. Масалан, Демокрит ва Гераклит диалектикаси, Кант ёки Гегель диалектикаси дейилганда ана шундай ҳол назарда тутилади.

Фалсафа тарихида диалектика тўғрисида хилма-хил қарашлар бўлган. Антик давр диалектикаси содда ва стихияли бўлиб, асосан, ҳаётий тажрибага асосланган. Уша даврда «Диалектика» сўзини биринчи бўлиб, Суқрот (мил.ав. 469—399 й.) ўз фалсафий фаолиятида қўллаган. Суқрот диалектикани майевтика (ҳарфларни яратиш санъати) билан таққослаган. Зотан, мулоҳаза қилиш шундай диалектик усулдирки, унинг натижасида рақиб нутқидаги ички зиддиятлар очилади ёки фикрлаш жараёнида янги ихтилофли фикр-мулоҳазалар пайдо бўлади. Суқрот бошқаларни ҳақиқатни излашга даъват этар экан, ўз онаси доя Фенаретни ишини давом эттираяпман, деб изоҳлайди.

«Диалектика» сўзи пайдо бўлишига қадар антик фалсафада мазмунига кўра диалектик бўлган назариялар шакллана бошлаган эди. Ўтмишда мутафаккирлар ўз замонида дунёнинг ягона бирлиги сокинлик, бу бир бутунлик ичида доимий узлуксиз ўзгаришлар, яратиш жараёни содир бўлувчи коинот ҳақидаги фикрларни илгари сурганлар. Улар коинот ўзгарувчанлик ва барқарорликнинг зиддияти сифатида тасаввур қилганлар. Борлиқнинг умумий ўзгарувчанлиги бир нарсанинг иккинчи нарсага — ернинг сувга, сувнинг ҳавога, ҳавонинг оловга, оловнинг эфирга айланиши ва қайта такрорланиши билан характерланади, деб ҳисоблаганлар.

Масалан, Гераклит (мил.ав. 540—483 й.) умумий ўзгарувчанликнинг универсаллигини шундай изоҳлайди: «Ариқда оқаётган муайян сувга икки марта тушиб бўлмайди, чунки янги ва янги сувлар оқиб келаверади. Ўзгарувчанликнинг манбаи курашдир». Ўзгарувчанлик антик диалектик назарияда янгини яратмасдан бир-бирини такрорловчи жараён сифатида мавҳум

тушуниланган. Айнан шундан бири иккинчисини тақозо қилувчи дунёнинг ягона бирлиги сифатида чексиз коинот образи яратилган. Шунга кўра, Гераклит зиддиятларнинг айнийлигини яхшилик ва ёмонликнинг бир хил эканлигини таъкидлайди. Бу мутафаккир ижодининг қонуний натижаси бўлиб, у реалликнинг назарий моделини яратади. Гераклит зиддиятлар ҳақида гапирмайди, бу тушунча фанга Аристотель томонидан киритилган, Аристотель (Арасту) (мил.ав. 384—322 й.) Афлотун таълимотини танқидий ўрганар экан, ўзгарувчанлик муаммосини тараққиёт омили сифатида таҳлил қилади. Унинг диалектикасига хос алоҳида хусусиятлар, аввало, тараққиётни моддийлик, ҳаракатда, формал ва сабабий боғланишдалигини тан олишда, янги босқични бошқалари билан боғлиқ эмас, деб тушунишда яққол кўринади. Иккинчидан, Аристотель зиддиятлар билан боғлиқ бўлган муаммолар доирасини яратади. Зиддиятларнинг мутлақ мос келишини инкор қилар экан, мутлақо мос келмаслигини ҳам инкор қилади, бироқ уларнинг қандайдир ҳолатида мавжудлигини тан олади. Учинчидан, Аристотель формал мантиққа асос солар экан, унинг онтологияда намоён бўлиши ва у эса, ўз навбатида, мазмунан прогрессив, шаклан мукамал фалсафий методни яратиш зарурлигига олиб келади, деб ҳисоблайди. Тўртинчидан, Аристотель ўша даврдаёқ, бу асосий фалсафий методнинг йўналишини белгилаб беради.

Диалектик метод янги даврда, хусусан, немис фалсафасида, айниқса, Кант, Фихте, Шеллинг ва Гегель томонидан янада чуқурроқ таҳлил қилинган.

Янги даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу даврга келиб тараққиётга янгича муносабат шаклланди. Диалектик метод предметларда эмас, балки муносабатларда ўз аксини топа бошлади. Бу чексизлик ҳақидаги ғояни қайта ишлаш билан боғлиқ эди. Чексизлик ғоясининг янгича талқини парадоксал назария шаклида намоён бўлди. Бу Кантнинг планетар системаларнинг туманликдан пайдо бўлганлиги ҳақидаги гипотезани яратиши билан боғлиқ. Билиш назариясида Кант икки мулоҳазанинг зиддиятлилиги антиномиясини очиб ташлар экан, бунда ҳар иккаласини етарли асосга эга, деб ҳисоблайди. Масалан: 1. Дунё вақтда бошланғич нуқтага эга ва замонда чеклидир. 2. Дунё вақтда бошланғич нуқтага эга эмас ва замонда чексиздир.

Кант зиддиятларга эскича, яъни инсон ақлининг иллюзияси сифатида қарайди. У бу зиддиятларни янги назария яратиш жараёнида кашф қилади, бироқ ундан қутилиш йўлини кўрсата олмайди. Уларга ақлнинг хатоси сифатида қараш керакми? Ҳиссий идрок қилишда хатога йўл қўйилар экан, ақлнинг хатолигидан шубҳаланиш тўғримики? — деган саволларга жавоб излаган Кант ақлдаги зиддиятларни бартараф қилиш йўлини топадики, айнан шу йўл позитив диалектиканинг асоси бўлади. Бунда инсон ақли ўзгарувчанлигининг тарихийлиги тан олинади, ақлнинг хатоси эса, тарихий асосга эга бўлиб, у тараққиётнинг чексизлиги, билиш жараёнини тўғри тушуниш қобилиятига эга эмас. Кант диалектика методидан янгича фойдаланиш имкониятини кўрсатди, тараққиёт муаммосини янгича қўйиш ва ҳал қилиш заруриятини эътироф этди. Тараққиётнинг янги назариясини Кант субъект ақлининг диалектик характери билан боғлади ва субъектив диалектикани асослаб берди.

Диалектика тараққиётнинг кейинги имкониятлари Гегель фалсафасида ўз ифодасини топди.

Гегель диалектикани фалсафа тараққиётининг умумий назарияси сифатида асослаб берган. Маълумки, ўрта аср рационалиزمи тажрибанинг аҳамиятини ва назариянинг эмпирик пайдо бўлишини тан олиши билан характерланар эди. Гегель фикрлари бошқача характерга эга. У фалсафа ўз хусусиятларини асословчи методга эга бўлмас экан, фан бўла олмайди, деб ҳисоблайди.

Гегель диалектик методни мукаммаллаштириш мумкинлигини ва у ягона ҳақиқий методлигини таъкидлайди. Фалсафа методи табиат ва руҳ тараққиётини ифодаловчи фикр ҳаракатига адекват бўлиши лозим. Гегель ўз методида шундай адекватликка эришилганлигига ишонади. Гегель диалектикасини тушуниш учун даставвал, гегелча диалектиканинг резонанс, салбий, позитив диалектика каби шаклларини таҳлил қилиш лозим.

Резонанс (субъектив) диалектика — субъект тафаккури бўлиб, у предметдаги зиддиятларни ифодалайди, бироқ мавжуд зиддиятлардан илгарилаб кетади. Субъект фақат бунини изоҳлаш билан кифояланади, холос.

Салбий (объектив) диалектика резонанс диалектикадан баъзи устуворликка эга, чунки у бошланишидан анча илгарироқ ҳаракат

қилади. «У томон», «Бу томон» каби изоҳлашлар мутлақ бутунликни инкор қилади. Салбий диалектика мустақкам нарсаларни синдиришга интилади. Унинг кучи айнан шундадир. Ожизлиги эса, уларнинг ўзидаги чекланганликни изоҳлар экан, жудаям кам мақсадга эришилади. Унинг натижаси ноль, салбий, тасдиқлаш унда ҳали намоён бўлган эмас.

Диалектиканинг резонанс ва салбий шаклидан фарқ қилувчи юқорироқ шакли ички (имманент) диалектикадир. Бу нафақат резонанс ва инкор қилувчи, балки яратувчи диалектикадир. Чунки, у предметнинг имманент ҳаракат бирлигидаги тараққиёт мантиғи сифатида намоён бўлади. Шунга биноан, фан предметни имманент ўрганади. Предметни имманент ўрганмоқ нима? Бу мазмунни соф тушунчада исботламоқ, яъни предметнинг моҳиятини исботламоқдир. Гегель фикрича, диалектик зиддиятлар — руҳнинг зиддияти. Пировард натижада мазкур зиддиятлар реал борликдаги зиддиятларни акс эттирувчи субъект тафаккуридаги зиддиятлар бўлиб, Гегель уни ғоянинг ўз-ўзини намоён қилишидаги зиддиятлар сифатида акс эттиради. Гегель фикрича, диалектика мутлақликдан бошланади ва у билан тугайди. Диалектик нуқтаи-назардан фақат мутлақлик реал бўлиши мумкин. Шунинг учун, Гегель диалектикаси мутлақ ақл фаолиятининг назарияси, мантиғи ва методи сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, идеалистик диалектика бўлгани сингари, материалистик диалектика ҳам бор. У моддийликнинг яшаш тамойиллари, категориялар ва қонунларининг ягона, бир бутун тизимини ифодалайди.

Умуман олганда, диалектик методга кўра, агар объектив оламда доимий ривожланиш, пайдо бўлиш ва йўқолиш, ҳодисаларнинг ўзаро бир-бирига ўтиши бўлар экан, унда тушунча, категория ва тафаккурнинг мавжуд шакллари, ҳаракатчан, ўзаро боғлиқликда, зиддиятлар бирлигида бўлиб, ривожланувчи реал ҳақиқатни тўғри акс эттириши керак. Шунинг учун диалектиканинг асосий тамойили тарихийлик бўлиб, у предметнинг доимий ривожланишда, ўзгаришда ва ҳаракатдалигини ифодалайди.

Бизни ўраб турган олам ягона бир бутунлик, аниқ тизим бўлиб, бир-бири билан узвий боғлиқ предметлар хилма-хиллиги ягоналикда, бир-бири билан ўзаро таъсир ва ўзаро узвий боғлиқликда намоён бўлади. Шунга мос равишда диалектиканинг

яна бир тамойилига кўра, ҳар қандай нарсани фақат ундаги ички ва ташқи томонлар мужассамлигини тадқиқ қилгандагина, тўғри тушуниш мумкин. Диалектиканинг объективлик, тарихийлик, қарама-қаршилиқ, муайянлик (конкретлик), ҳар томонламалилик, детерминизм ва бошқа тамойиллари ҳам мавжуд.

Объективлик тамойили — воқеликни унинг реал қонуниятлари ва умумий шаклларида эътироф этишга асосланган фалсафий, диалектик тамойилдир. Мазкур тамойилнинг асосий мазмунини кўйидаги талаблар шаклида ифода этиш мумкин:

а) унинг бутун ҳажми ва ривожланишида ҳиссий-предмет фаолияти (амалиёт)дан келиб чиқиш;

б) билиш субъекти ва ҳаракатнинг фаол ролини англаб этиш ҳамда рўёбга чиқариш;

в) фактларнинг йиғиндисидан келиб чиқиш ва нарсалар мантиғини тушунчалар мантиғида ифода қилиш;

г) предметнинг барча шаклий ўзгаришлари негизли сифатида унинг ички бирлиги (субстанцияси)ни аниқлаш;

д) мазкур предметга мувофиқ бўлган методлар тизимини тўғри танлаш ва уни онгли равишда, изчил амалга ошириш;

е) предметни тегишли ижтимоий-маданий нуқтаи назардан, маълум дунёқарашлар доирасида кўриб чиқиш;

ж) барча жараёнлар ва ҳодисаларга конструктив-танқидий ёндашиш ҳамда мазкур предметнинг мантиғига қараб иш тутиш.

Ҳар томонламалилик тамойили — воқеликнинг барча ҳодисалари ўртасидаги умумий алоқани ифода этувчи билиш ва бошқа фаолият шаклларидаги фалсафий, диалектик тамойили. У кўйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

а) тадқиқот предметини ажратиш ва унинг чегараларини белгилаш;

б) уни яхлит, «кўп жиҳатли» кўриб чиқиш;

в) предметнинг ҳар бир томонини соф шаклда ўрганиш;

г) кенг ва чуқур жараён — билишни унинг интенсив ҳамда экстенсив томонлари бирлигида амалга ошириш;

д) предметнинг моҳиятини, бош жиҳатини, унинг субстанционал хоссасини ажратиш.

Ҳар томонламалилик, муайянлик ва тизимлилик тамойиллари умумиллий тамойил билан узвий боғлиқ.

Муайянлик (конкретлик) тамойили (лотинча *concretus* —

қуюлган)—нарсани ёки ўзаро боғланган нарсалар тизимини ўзининг барча томон ва алоқалари мажмуида ифода этувчи фалсафий категория. У муайян ҳиссий тарзда (эмпирик босқичда) ёки муайян фикрий тарзда (назарий босқичда) акс эттирилади. Мазкур категория негизида муайянлик диалектик тамойили юзага келади. У бир қанча талабларни ўз ичига олади:

а) айнаи ҳодисани унинг субстанционал белгисидан (бош, муҳим жиҳатидан) «ажратиш» ва уни диалектик тарзда қисмларга ажратилган бутун ҳодиса сифатида акс эттириш;

б) умумийнинг хусусийда, моҳиятнинг ҳодисаларда, қонуннинг қонун модификацияларида акс этишини кузатиш;

в) жой, вақтнинг турли-туман шартларини ҳамда мазкур предметнинг борлигини ўзгартирувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш;

г) умумий ва хусусийнинг махсус механизмини аниқлаш;

д) мазкур предметни у қайси тизимнинг унсури бўлса, ўша тизим таркибида кўриб чиқиш.

Тарихийлик тамойили — ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак сингари ҳолатлар (вақт босқичлари)нинг яхлит узлуксиз бирлиги шаклида вақт ўқи бўйлаб йўналган воқеликнинг ўз-ўзини ривожлантиришини методологик тарзда ифода этувчи фалсафий тамойил.

Мазкур тамойил қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

а) тадқиқот предметининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

б) ўтмишни тиклаш—генезисни, унинг вужудга келишини ҳамда тарихий ҳаракатининг асосий босқичларини кўриб чиқиш;

в) келажакни башорат қилиш, предметнинг бундан буён ривожланиши тенденцияларини прогноз қилиш.

Қарама-қаршилик тамойили — нарса ва ҳодисаларнинг реал қарама-қаршиликлари негизини ташкил этувчи тамойил. У қуйидаги асосий талабларни ўз ичига олади:

а) предметдаги қарама-қаршиликларни аниқлаш;

б) мазкур қарама-қаршиликнинг томонларидан бирини ҳар томонлама таҳлил қилиш;

в) бошқа қарама-қаршиликни тадқиқ қилиш;

г) қарама-қаршиликларнинг ҳар бири ҳақидаги билимга асосан предметга қарама-қаршиликлар бирлиги (синтези) деб қараш;

д) предметнинг бошқа қарама-қаршиликлари тизимида

қарама-қаршиликнинг ўрнини аниқлаш;

е) мазкур қарама-қаршиликнинг ривожланиш босқичларини кузатиш;

ж) қарама-қаршиликни жараён сифатида бартараф этиш механизмини таҳлил қилиш.

Реал қарама-қаршиликларни акс эттирувчи тафаккурдаги қарама-қаршиликни фикрнинг чалкашлиги ва ноизчиллигини ифода этувчи ҳамда формал мантиқ қонунлари билан таққиқланган «мантиқий» қарама-қаршиликлардан фарқлаш лозим.

Диалектика тамойиллари нотўғри амалга оширилган ҳамда қўлланилган тақдирда уларнинг кўп сонли талаблари бажарилмаслиги, бинобарин, ҳақиқат йўлидан чалғиш ва янглишишлар содир бўлиши мумкин. Обьективизм ва субъективизм, бирёқламатиқ ёки предметнинг тасодифан ажратиб олинган жиҳатларини субъектив бирлаштириш, унинг моҳиятига зид иш тутиш ёки уни иккинчи даражали, номуҳим жиҳатларга алмаштириш, жой, вақт ва бошқа белгиланган шартларни эътиборга олмасдан предметга абстракт ёндашиш, уни нотанқидий кўриб чиқиш, ўтмишни модернизация ёки архаизация қилиш, предметнинг вужудга келиш шартларини унинг ўзи билан айнийлаштириш (аралаштириш), қарама-қаршиликни бартараф этишни унинг жиҳатларини «муътадиллаштириш», деб тушуниш шулар жумласидандир.

«Метафизика» (юнон.— физикадан кейин) — диалектика каби универсал методдир. Бу сўз илмий муомалага мил. ав. I асрда Аристотелнинг шогирди, унинг шеърлари шарҳловчиси Родосский томонидан киритилди. Мутафаккир асарларини бир тизимга солар экан, у борлиқ ва билиш ҳақидаги умумий масалаларни физикадан сўнг «биринчи фалсафа»нинг (моҳият, сабаб ва бошқа) иккинчи фалсафадан фарқли хусусий-илмий илимларни ўрганадиган қисми сифатида талқин қилган.

Кўп ҳолларда, диалектикага қарама-қарши деб талқин этиладиган метафизика оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг муайян вақт давомида нисбатан ўзгармасдан, алоҳида турган ҳолатига диққатни кўпроқ қаратадиган усулдир. Бу усул қўлланиганида оламнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг алоҳида қисми ёки ҳолатига асосий эътибор берилади. Воқеа, ҳодиса ва жараёнларни доимий ўзгариш

ҳолатида ўрганиш ниҳоятла кийин бўлганлигидан, нафақат файласуфлар, балки барча фан мутахассислари унинг нисбатан тинч ва ўзгармай турган ҳолатини ўрганадилар, тадқиқ этадилар.

Аслини олганда, олам гарчанд диалектик ўзгариш ва ҳаракатда бўлса-да, бу жараён доим ҳам ниҳоятда тез содир бўлавермайди. Биз эса дунёдаги нарса, ҳодиса ва одамларга шунчалик метафизик тарзда ўрганиб қолганмизки, гўё кечадан бугуннинг фарқи йўқдек, кеча кўрган кишига бугун дуч келганимизда унда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмагандай туюлади. Шу маънода, ҳаётда кўп ҳолларда метафизик усулда фикр юритамиз, нималаргадир ана шундай муносабатда бўламиз. Аслида эса, улар ҳам азалий ўзгаришлар жараёнига тушган нарса ва кишилар эканлигини жуда камдан-кам ҳолларда ўйлаб кўрамиз. Худди шундай, бизнинг умримиз ҳам кечадан эртага қараб оқиб турадиган диалектик жараёндир. Биз ҳам ана шундай ўзгариб борамиз, аммо кўп ҳолларда бунга унчалик кўп эътибор берилавермайди. Шу тариқа мактабни тугатиб қўйганимизни, улғайганимизни, болаликнинг ортда қолганини гўёки билмай қоламиз...

Алоҳида таъкидлаш лозимки, метафизик усулнинг ҳаётда, илмий изланишлар ва фалсафий тадқиқотларда ҳам ўз ўрни бор. Бизда ҳалигача метафизиканинг тушунчалари, категориялари, тамойиллари ва илмий моҳияти изоҳланган ёхуд тадқиқ этилган асарлар, тадқиқотлар йўқ. Қолаверса, уни диалектика билан бутунлай қарши қилиб қўйиш ва бу фарқни мутлақ зиддият даражасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Айнан ана шундай ёндашув собиқ иттифоқда диалектикани мутлақлаштиришга, метафизикани эса қуруқ ва ўлик таълимот сифатида қарашга, унинг имкониятларидан фойдаланилмаслигига сабаб бўлди.

Ҳозирги замон фанида метафизика уч асосий маънога эга:

Фалсафа умумий ҳодисалар ҳақидаги фандир. Бу таълимотнинг асосчиси Аристотель бўлиб, у «нарсанинг биринчи тури» ҳақидаги таълимотдир. Бу маънода, «метафизика» тушунчасини XX асрнинг йирик немис файласуфи М. Хайдеггер ҳам ўрганади. Унингча, бу категория билишнинг объекти ва субъектини бир вақтда ифодаловчи тушунчадир.

Махсус фалсафий фан онтология, умуман, борлиқ ҳақидаги таълимот бўлиб, назария билиш мантиғи ва унинг хусусий

кўринишларидан мустаснодир. Шу маънода, бу тушунча Фарб фалсафасида ўтмишда ҳам (Декарт, Лейбниц, Спиноза ва ҳ.к.), ҳозирда ҳам кенг қўлланилади.

У билиш (тафаккур) ва ҳаракатни фалсафий тушуниш маъносида диалектикага қарама-қарши қўйилади. Бунда шу маънодаги тушунча, яъни антидиалектика ҳақида сўз боради. Унинг энг асосий хусусиятларидан бири бир томонламалик, билиш жараёнининг фақат бир қисмини мутлақлаштиришдир.

Фалсафа тарихида метафизика (диалектика каби) ҳеч қачон ўзгармасдан қолмаган. У турли тарихий шаклларда намоён бўлган.

Эски метафизика XVII—XIX аср фалсафаси ва фанида айниқса, камол топди (метафизик материализм, натурфалсафа, фалсафа тарихи ва ҳ.к.). Метафизиканинг бу шаклига хос хусусият умумий ўзаро алоқадорлик ва тараққиётни инкор қилиш, оламга бир бутун тизимли ёндашувнинг йўқлиги, тафаккурнинг иккиланувчанлиги, умумий дунёвий алоқадорликнинг тутаганлигига ишонишдир.

Эски метафизик тафаккур услуби шаклланишининг объектив асослари бутуннинг алоҳида элементлари хусусийликни, алоҳида томонлар (фикран) нима учун бир бутунликдан айри ҳолда бўлиши ва бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишини тушунтириш заруриятидир. Бу усул кундалик турмушда, ақл даражасида, предмет тараққиётидаги алоқа муносабатларда зарур ва тўғридир. Шунинг учун метафизиканинг бу шакли предметлардаги барқарорликни, улардаги ўзгаришларни тизимли ўрганиш, тараққиётнинг манбалари ва механизмларини аниқлаш билан боғлиқ.

XIX—XX асрларда эски метафизикадаги кескин курашда тараққиёт ғоясининг янги далиллар билан мустаҳкамланиши икки муҳим натижага олиб келди: диалектик тафаккурнинг янги услублари пайдо бўлди; XX асрда эски метафизиканинг илмий далилларини инкор қилувчи янги метафизика шаклланди.

Янги метафизика эски метафизикадан фарқли ўлароқ, нарсаларнинг умумий алоқадорлигини ва улар тараққиётини инкор қилмайди. Бу фандаги ва жамиятдаги буюк кашфиётлар даврида абсурддир. Антидиалектика янги шаклининг асосий хусусияти — тараққиётни изоҳлашнинг турли вариантлари ва йўллари излашдан иборат.

Буни қуйидаги йўналишларда тушуниш мумкин:

а) энг умумий, абадий ўсиш, ўзгариш ёки аксинча кичрайиш (текис эволюционизм) тарзида;

б) худди сифат ўзгаришлари каби сакрашлар занжири (катастрофизм) шаклида;

в) такрорлаш сифатида қатъий линияли йўналишга эга бўлган доимий жараён (туғри чизиқли ривожланиш) ҳолатида;

г) ҳеч қандай янгиликларсиз айлана доирасидаги абадий ҳаракат кўринишида;

д) моҳиятидан зиддият келиб чиқувчи ҳаракат сифатида;

е) прогресс сифатида, яъни оддийдан мураккабга, пастдан юқорига интилиш тарзида. Тараққиётнинг ўзаро алоқадорлик ва таъсирнинг бошқа аралаш изоҳлари ҳам бўлиши мумкин.

Метафизиканинг турлари ҳар хил асослар, мезонлар билан фарқланиши мумкин. Билишнинг метафизик методи — бюрократизм, консерватизм, волюнтаризм ва ҳ.к. амалий фаолиятнинг бошқа бир томонлама ҳаракатлари тарзида намоён бўлиши ҳам мумкин.

Билимнинг метафизик усуллари турлича бўлиб, идеализм, сенсуализм, рационализм, эмпиризм, догматизм, релятивизм ва бошқа шаклларда намоён бўлиб, билимнинг алоҳида шакллари натижаларини мутлақлаштириш жараёнида вужудга келади.

Софистика. Софистика фалсафий методлар жумласига кириб, қадимги Юнонистонда мил. ав. V ва IV асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-сиёсий ҳаётда хусусий бир йўналиш сифатида пайдо бўлган. Софистика намояндалари Протагор, Горгий, Гиппий, Антифонт ва бошқалардир. Софистиканинг пайдо бўлиши антик Юнонистонда иқтисодий тараққиётга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ. Бу оила уруғ анъаналаридаги турғунликни бартараф қилиш, янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга эҳтиёж даври эди. Софистиканинг инқирози милоддан аввал IV аср ўрталарида бошланди. Милоднинг II асрида классик юнон софистларининг ғоя ва услубларини қайта ишлашга интилувчи янги оқим пайдо бўлди.

Софистика мавжуд назария ва маълумотларни сақлашга интилади. У янги фикр эски фикрнинг бир қисми эканлигини асослашга ёки мантиқ қонунини тузиб, мавжуд билимлар тизимини барча зиддиятлардан тозалашга ҳаракат қилади. Бу

методдан семантик ва мантиқий қонунларда исталган нарсани исботлаш учун фойдаланилади. Кўпгина дарслик ва қўлланмаларда бу ибора юнон тилидаги «sopism» сўзи асосида, яъни атайлаб хилма-хил маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли, аммо ҳақиқатга тўғри келмайдиган, кўчма маъно-мазмунга эришиш усули, деб таъкидланади. Бу усул қўлланилганда фикрнинг мазмуни кўчма маънода баён қилинади, яъни «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит», деганга ўхшаш ҳолат назарда тутилади. У нафақат, қадимги Юнонистон, балки ўрта асрларда Европада ҳам кенг тарқалган. Агар бу усул ёлгон хулосаларга олиб келса, нега ўз даврининг кўпгина доно кишилари ундан фойдаланганлар, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, инсоният тарихида ҳурфикрлилик ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатни тўғри ифодалашнинг иложи қолмаган замонлар кўп бўлган. Бундай ҳолни инквизиция ҳукмрон бўлган ўрта асрлар Европасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Ўша даврда ҳам кўпгина зиёлиларнинг ана шу усулга суянмасдан иложи йўқ эди. Умуман олганда, фалсафада “дўппи тор келиб қолган” ана шундай замонларда фикрни Гулханийнинг машҳур “Зарбулмасал” асари каби ифодалаш ҳоллари учраб туради. Буни ўрта асрлар Европасига нисбатан олсак, унда Сервантеснинг “Дон Кихот” асари нима сабабдан шундай ёзилганлиги, унинг бош қаҳрамони эса нима учун шамол тегирмонларига қарши жанг қилганлиги ва бу лавҳалар замирида қандай ботиний мазмун яширингани аниқ бўлади.

Софизм — қарама-қарши фикрлар асосида ихтиёрий танланган фойдали мулоҳаза бўлиб, унинг ёрдамида ҳар қандай нарса ёки фикрни исботлай олиш мумкин. Масалан, Аристотелнинг ёзишича, бир афиналик аёл ўғлига, жамоа ишларига аралашма, чунки агар тўғри гапирсанг, сени одамлар; ёлгон сўзласанг — Худолар ёмон кўради, деган экан. Софизмга кўра афиналик аёлга шундай рад жавоби бериш мумкин: сен жамоа ишларида иштирок қилишинг керак, чунки тўғри сўзли бўласан ва бунинг учун сени Худолар ҳам, одамлар ҳам яхши кўради.

Софистика мавжуд билимлар тизимидан зиддиятларни сиқиб чиқаради, бу билан эски ва янги билимларни мурасага келтиради. Софистика инсон билими доирасида чексиз релятивизмни

улуглайди. Предмет ҳақида ҳар нарса дейиш мумкин. Қандай мақсад кўзланмасин, сўзлар ифодасида ҳеч қандай чегара йўқ (масалан, асал — ширин; асал — аччиқ; кўрғон — айланасимон, кўрғон — тўртбурчак ва ҳ.к.) шунга кўра софист — моҳир уста, сўзамол донишманд маъноларини англатади.

Софистикага фақат салбий муносабатда бўлиш ноўриндир. У олатда, янги ғоя, назария ва турмуш шароитининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Софистика билиш тизимидаги мантиқий зиддиятларни аниқлаш, эски билим тизимини қайта қуришда зарурий элемент сифатида намоён бўлади. Софизм муайян, яхлит хусусиятга эга, чунки ҳодисага таъсирчан бўлиб, эски нарса хавф остига олинади. Шунинг учун ҳар қандай софизм ўзига хосдир.

Софистика қадимги Европа тафаккур услубининг асоси бўлиб хизмат қилди. Аммо софистикани танқид қилиш орқали антик давр фалсафаси дунёнинг янгича концепциясига эришди. Бу концепция фикр ва борлиқ айниёлигига асосланади. У Аристотель фалсафасида ўзининг ниҳоясига етди ва насронийликда мустаҳкамланди. Шу маънода, софистика инсоният тафаккурининг умумий тараққиётида ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Эклектика. Эклектика (يونون. *eklego* — танлайман) — қарама-қарши концепциялардан принципсиз ўзлаштирилган турли жинсли, ўзаро мос келмайдиган элементларни бир таълимотда механик бирлаштириш; контекстан юлиб олинган фактлар, таърифлар, иқтибослар ва шу кабилардан муайян бир ёқлама мақсадда фойдаланиш ва уларни бузиб талқин қилишдир. Эклектика — бу, таъбир жонз бўлса, «қоришма», шу боис у ривожланиш назарияси ҳам, билиш назарияси ҳам, метод ҳам, дунёқараш ҳам ҳисобланмайди. Эклектиканинг хавфлилиги шундаки, унга баъзан диалектика ниқоби кийдирилади. Эклектика ҳеч қандай билим фаолияти билан боғланмаган, бир-бирига зид далилларга асосланади ва оламни бузиб ёлғон акс эттиради. У билим тизими ривождаги йўналиш, у ҳеч қандай ягона назарий асосга эга эмас ва баъзида объектни ўрганишнинг зиддиятли жиҳатларини характерловчи билим элементларидир.

Методологик усул сифатида эклектика биринчи марта қадимги юнон фалсафасида пайдо бўлди ва иқтибосларга асосланган ўрта аср схоластик баҳсларида, янги давр XV—VIII асрлар фалсафий баҳсларида кенг фойдаланилди. У ҳозирги даврда ҳам реклама ва

ташвиқотда, оммавий коммуникация тизимида қўлланилиб, инсон психикасидаги анъаналар, кўникмалар, интилишларни бўрттиради. Бундай усулнинг бемаънилигини Суқрот ва Аристотелдан бошлаб, ҳозирги давр мутафаккирларигача танқид қиладилар. Аммо, бу ундан фойдаланилмасликни англамайди. Эклектика олам, нарса ва ҳодисаларнинг бир бутунлигини, умумий асосларини парчалаб ташлаш услубига таянади.

Синергетика. XX аср 60-йилларининг охирида немис файласуфи Ганс Хакен синергетика тушунчасини илмий муомалага киритди. Синергетика билим соҳаси сифатида шаклланишида *Борис Белоусов* ва *Андрей Жаботинский* каби олимлар ўтказган экспериментлар айниқса, муҳим роль ўйнади. Уларга таяниб, *Илья Пригожин* бошчилигидаги «бельгия мактаби» кимёвий жараёнлар синергетикасининг термодинамиканинг номутаносиблиги ғояларига асосланган биринчи ночизиқ моделини яратди.

Ҳозирги замон фанида синергетика методи кенг қўлланилмоқда. Синергетика сўзи юнонча (юнон. *synergein* – умумий, мувофиқ тарзда ҳаракат қилувчи), ўзаро таъсир каби маъноларни англатади. Герман Хакеннинг фикрича, синергетика кўп қисмлардан иборат бўлган, ўзаро мураккаб алоқадорликдаги компонентлар тизимини ўрганади. Бу сўзни Хакен ҳамкорликдаги ҳаракат билиб, бутуннинг тизим сифатида акс этувчи қисмларининг келишилган фаолияти маъносида талқин қилади. Хакен синергетикаси ворисийликка асосланган. Унинг давоми бўлган *И.Шеррингтон*нинг синергетик услуги, *С.Улам*нинг синергияси, *И.Забусский*нинг синергетик йўналишлари ана шулар жумласидандир.

И.Шеррингтон синергетик ёки интегротив тафаккурни мускуллар ҳаракатининг бошқарувида (орқа мия) асаб системасидаги келишилган таъсирни изоҳлаш усулидир, деб тушунади. *С.Улам* эса, ЭҲМнинг биринчи авлоди вакилларида бири бўлиб, у синергиянинг, яъни машина ва унинг оператори орасидаги узлуксиз ҳамкорликнинг фойдалилиги, аҳамиятининг ҳозирги замондаги таъсирига эътиборни қаратади.

И.Забусский 60-йилнинг ўрталарида чизиқсизлик масалаларини ҳал қилишда аналитик жиҳатдан чекланганлик бир ёкламаликка йўл очганлигини таъкидлайди. Чизиқсиз математика

ва физика масалаларида синергетика усулининг татбиқ этилишини одатдаги математика ҳисоблаш машинасининг фаолиятини таҳлил қилиш билан қиёслайди.

Ҳозирги даврда И. Пригожиннинг синергетика тўғрисидаги фикрлари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Юқоридаги барча ҳолатларда узлуксиз ҳаракат ҳақида сўз боради.

Синергетика орқали содда тизимлардан мураккабларини яратувчи ўлик табиатдаги ўз-ўзидан ҳаракатнинг тамоёйли шаклланади. Синергетика билан физикада эволюцион йўналиш пайдо бўлди ва фан ижодкорликдан янгилик яратиш тушунчаси томон ривожланди. Синергетика макроскопик даражаларга тасодифийликни фанга киритди ва бу билан механика методларини макроскопик даражага, яъни микродунё масалаларига татбиқ қилди. Синергетика нисбийлик назариясидаги энергия ва нарсанинг ўзаро бир-бирига ўтишини тасдиқлайди ва нарсаларнинг пайдо бўлишини ўзига хос тарзда изоҳлайди. У биз яшаётган макросистемалар қандай пайдо бўлганлиги масаласини ҳал этишга ҳаракат қилади.

Синергетика назариясида энергия кристалл сифатида қотиб қолади ва кинетикликдан потенциалликка айлана бошлайди, деб талқин қилинади. Бунга кўра, нарса қотиб қолган энергиядир. Энергия фаолиятнинг ишлаб чиқариш қобилиятини характерловчи тушунча, лекин ҳозирда энергия нафақат механик фаолият, балки янги структураларни яратувчисини сифатида ҳам ўрганилмоқда.

Синергетика табиатдаги эволюция ниманинг ҳисобига содир бўлиши мумкинлигини асослайди. Барча янги структуралар яратилаётган жойда энергиянинг кучли тўлқини ва муҳит билан алмашинув зарур (эволюция ҳаёт каби) метаболизмни талаб қилади. Агар осмон жисмлари эволюциясида биз ишлаб чиқаришнинг натижасини кузатсак, синергетика табиатни яратиш жараёнини ўрганади. Синергетика нисбийлик назариясининг хулосаларини тасдиқлайди: энергия оламнинг янада юқорироқ даражаларини яратади. Синергетикада бифуркация, флукутация, тартибсизлик, диссипация, ғалати аттракторлар, чизиқсизлик сингари тушунчалар машҳур. Улардан тизимлар барча турларининг, жумладан олд организмик, организмик, ижтимоий, этник,

маънавий ва бошқа тизимларнинг хулқ-атворини тушунтириш учун фойдаланилади.

Бифуркация — мувозанатдан узоқ шароитларда иккиланиш нуқталарининг мавжудлигини ҳамда ривожланиш давомининг ҳар хиллигини назарда тутати. Уларнинг фаолияти натижаларини олдиндан башорат қилиш қийин. И. Пригожиннинг фикрига кўра, бифуркация жараёнлари тизимнинг мураккаблашувидан далолат беради. Н. Моисеевнинг фикрича, «ижтимоий тизимнинг ҳар бир ҳолати бифуркация ҳолатидир».

Флуктуациялар умумий ҳолда таъсирлантиришни англатади. Уларнинг икки катта туркуми: ташқи муҳит яратадиган флуктуациялар ва тизимнинг ўзида вужудга келадиган флуктуациялар фарқланади. Баъзан, флуктуациялар жуда кучайиб, тизимни тўла эгаллаб олиши ва моҳият эътибори билан унинг мавжудлик тартибини ўзгартириб юбориши мумкин. Улар тизимни унга хос бўлган «тартиб тури»дан олиб чиқади, аммо хаосга олиб чиқадими ёки йўқми¹ — бу масаланинг бошқа томони. Мутаносиб термодинамика тизим энтропияси (яъни хаос, тартибсизлик)нинг кўпайиши томонгагина эволюцияни тан олса, синергетика флуктуациялар, яъни тизим ўзининг қандайдир ўртача ҳолатидан оғиши орқали тартибнинг вужудга келиши механизми ғоясини илк бор илгари суради. Флуктуациялар номутаносиблик ҳисобига кучайиб боради, олдинги структурага путур етказиши ва янги структура пайдо бўлишига олиб келади. Шу тариқа тартибсизликдан тартиб вужудга келади.

Диссипатив тизим таъсирлар тарқаладиган тизим ҳисобланади. Умуман олганда, бу флуктуациялар тўла қамраб олган тизим хулқ-атворининг хусусиятидир. Ҳар хил таъсирларга ўта таъсирчанлик ва бунинг натижасида ҳаддан ташқари номувозийлик — диссипатив тизимнинг асосий хоссасидир. Аттрактор — ўпламларни ўзига тортувчи, элементлар интиладиган арказларни ҳосил қилувчи тузилмадир. Масалан, бир ерга юмон тўпланганида, ўз йўналишида ҳаракатланаётган одам унга эътибор бермасдан ўтиб кета олмайди. Унинг траекторияси оломон томонга бурилади. Кундалик ҳаётда бу қизиқувчанлик,

¹ Н.Моисеев. Современный рационализм. М.: 1995. — 48-б.

деб аталади. Ўз-ўзини ташкил этиш назариясида мазкур жараён «тўпланиш нуқтасига силжиш», деб номланади. Аттракторлар ўз атрофига стохастик элементларни тўплайди, шу тариқа муҳитни тузилмаларга ажратади ва тартиб ўрнатиш иштирокчисига айланади. Дунёнинг постноклассик манзарасида тартиблилик ва тузилмаларга ажратилганлик тартибсизлик ва стохастиклик сингари воқеликнинг объектив, универсал хусусиятлари, деб эътироф этилган. Улар ривожланишнинг барча структуравий даражаларида намоён бўлади. Номувозий тизимларнинг номунтазам хулқ-атвори муаммоси синергетиканинг диққат марказида туради. Синергетика – структурогенезнинг энг умумий қонуниятларини аниқлашни ўз предметига айлантирган ўз-ўзини ташкил этиш назариясидир.

Синергетика – объекти физик, кимёвий, биологик, экологик ва бошқача табиатга эга бўлган очиқ тизимлардаги ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнлари бўлган тармоқлараро тадқиқотлар йўналиши. Термодинамик мутаносибликдан узоқ бўлган бундай тизимларда ташқи муҳитдан келувчи энергия ва модда оқими ҳисобига номутаносиблик яратилади ва қувватланади. Бунинг натижасида элементлар ва кичик тизимлар ўзаро таъсирга киришади ва бу уларнинг ўзаро мувофиқ хулқ-атвориغا, янги барқарор тузилмалар яратилишига ва ўз-ўзини ташкил этишга олиб келади. Илгари сурилган ўз-ўзини ташкил этиш концепцияси материянинг ўз-ўзидан ҳаракатланиш ва ўз-ўзидан ривожланиш принципига табиий-илмий аниқлик киритди. Материяга ташқи куч билан ҳаракатга келтирилувчи қотиб қолган масса сифатида ёндашадиган классик механикадан фарқли ўлароқ, синергетика муайян шароитларда ноорганик табиатга эга бўлган тизимлар ҳам ўзини ўзи ташкил этишга қодир эканлигини намоён этади.

Ўзини ўзи ташкил этувчи жараёнларга диалектик зиддиятлар: беқарорлик ва барқарорлик, тартибсизлик ва тартиб хос. Ўзини ўзи ташкил этишнинг умумий тамойиллари амал қилишига қараб синергетиканинг ночизиқ хусусиятга эга бўлган, сифат ўзгаришларини ҳам ҳисобга оладиган янада мукамалроқ моделлари яратилиши мумкин. Синергетика реал структуралар ва системалар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ривожланиш жараёнларининг динамик хусусияти ҳақидаги тасаввурга аниқлик

киритади, материя эволюциясининг ҳар бир босқичида ўзини ўзи ташкил этувчи тизимларнинг тартиблилиги ва иерархиявий мураккаблик даражаси ортисини акс эттиради. Унинг натижалари жонли ва жонсиз материя ўртасидаги алоқаларни аниқлаш, шунингдек, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши жараёнларини ёритиш учун улкан аҳамиятга эга.

Синергетика гуманитар фанлар методологияси, хусусан, фалсафа сари янада кенгроқ йўл очмоқда. Фалсафага номуносиблик, беқарорлик, бифуркация, фазавий ўтишлар, ночизиқлик, кичик таъсирлар, аттракторлар каби экзотик тушунчалар кириб келмоқда. Синергетика дунёнинг вужудга келиш асосларидаги зарурий (қонуний, белгиланган) ва тасодифий омиллар, жиҳатлар ҳақидаги тасаввурни бутунлай ўзгартирувчи янгича дунёқараш сифатида намоён бўлишга ҳаракат қилаётир. Жонсиз материянинг ҳамда жамият ҳаёт фаолиятининг иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, ҳарбий ва бошқа соҳаларидаги тарихий жараёнларнинг сабаблари ва ривожланиш шакллари янгича тавсифланмоқда. Тасодифнинг биологик ва ижтимоий эволюциянинг мустақил омили сифатидаги янгича талқини шаклланмоқда, ўзини ўзи ташкил этиш жараёнларида тасодифнинг роли тан олинмоқда. Синергетик дунёқараш асосчиларидан бири Илья Пригожин шундай деб ёзади: «Динамика оқилона моделининг муқаррар оқибати сифатида идрок этилган детерминизм ҳозирги вақтда айрим ҳоллардагина намоён бўлувчи хосса билан боғланади». Шундай қилиб, бу ерда гап ижтимоий фанлар парадигмасининг ўзгариши ҳақида, детерминизмнинг аввалги талқинидан воз кечиш ва уни тан олиш ҳақида, фалсафада эса яна материалистик диалектикани қайта англаб етиш ҳақида боради.

Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, ижтимоий фанлар методологиясида янги парадигма шу жумладан, диалектикани синергетиканинг айрим методи сифатида (фақат муайян соҳаларда) ўз ичига олади ёки умуман, уни воқеликка нисбатан бутунлай янгича ёндашувлар билан алмаштиради. Гап шундаки, синергетика онтология ва гносеология муаммоларини диалектикага (айниқса, унинг материалистик модификациясига) қараганда бошқача йўл билан ечади. Агар материалистик

модификация тарафдорлари учун диалектика ҳам, билиш назарияси ҳам, мантиқ ҳам, бир универсум ҳам диалектика қонунларига мувофиқ мавжуд бўлса, синергетик дунёқараш учун бу тамойиллар исботсиз ҳисобланади, онтология ва гносеологиянинг диалектик бирлиги ҳам ҳали кузатилганича йўқ.

Синергетика кўп сонли мифлар, стереотипларни чиппақка чиқарди. Биринчидан, мураккаб тузилишга эга бўлган ижтимоий-табiiй тизимларга ривожланиш йўллари кўрсатиш мумкин эмаслиги аниқланди. Иккинчидан, синергетика ҳар қандай мураккаб тизим ривожланишнинг бир эмас, балки бир нечта, ўз табиатига мос келувчи йўлларига эга эканлигидан далолат беради. Учинчидан, синергетика хаос структураларнинг ўзини ўзи уюштириш ва ўзини ўзи йўлга солиш, ортиқча унсурлардан халос бўлиш, нисбатан содда структуралар — эволюция аттракторлари билан боғланиш механизми сифатида амал қилиши мумкин.

Хуллас, синергетика — оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуидир. Бу таълимотни диалектика асосида шаклланган ва уни тўлдирадиган илмий қарашлар мажмуаси, дейдиганлар ҳам бор. Уларга қарши ўлароқ, диалектика энди керак эмас, уни синергетика билан алмаштириш лозим, деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас.

Шундай қилиб, ривожланиш муаммоси фалсафанинг бош муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу муаммони англаб етиш инсонга ўзини қуршаган дунёни ва ўзининг ундаги ўрнини теранроқ тушуниш имконини беради. Инсониятнинг мавжудлик тарихи мобайнида теран ақл эгалари ривожланиш жараёнининг кўп сонли концепцияларини яратганлар. Диалектика айниқса, пухта ишлаб чиқилган концепция ҳисобланади. Диалектика билан бир қаторда ривожланишнинг бошқа концепциялари ҳам мавжуд. Ривожланиш ҳақидаги таълимот — фалсафада бош таълимотлардан биридир. Бу ҳол шу билан белгиланади-ки, мазкур таълимотда умумий алоқаларнинг мазмуни, дунёда юз бераётган ўзгаришларнинг умумий қонуниятлари, ривожланиш жараёнларининг манбалари, механизмлари ва йўналиши, борлиқнинг бошқа универсал алоқалари теран ва ҳар томонлама

ёритилади. Буларнинг барчаси дунёқарашни ва фикрлашнинг диалектик методини шакллантириш асоси ҳисобланади.

Умумилмий тадқиқот методлари фалсафа билан махсус фанларнинг фундаментал назарий-методологик қоидалари ўртасида ўзига хос «оралиқ методология» бўлиб хизмат қилади. Умумилмий тушунчалар қаторига кўпинча «ахборот», «модель», «тузилма», «функция», «тизим», «элемент», «оқилоналик», «эҳтимоллик» сингари тушунчалар киритилади.

Биринчидан, бир қанча хусусий фанлар ҳамда фалсафий категорияларнинг алоҳида хосса, белги ва тушунчалари умумилмий тушунчаларнинг мазмунига «сингдириб» юборилганлиги, иккинчидан, (фалсафий категориялардан фарқли ўлароқ) математик назария ва символик мантиқ воситалари билан уларни формаллаштириш, уларга аниқлик киритиш мумкинлиги умумилмий тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Агар фалсафий категориялар умумийликнинг мумкин бўлган энг юқори даражаси — муайян умумий даражани ўзида мужассамлаштирган бўлса, умумилмий тушунчаларга кўпроқ умумий абстракт (бир хил) даража хос-ки, бу уларни абстракт-формал воситалар ёрдамида ифода этиш имконини беради. Фалсафанинг асосий масаласини (тўла ҳажмда) ечишда «иштирок этиш» шарти муайян «тафаккур шаклини яратиш»нинг «фалсафийлиги», «диалектиклиги» даражасини аниқлашнинг муҳим мезонидир.

Умумилмий тушунча ва концепциялар асосида билишнинг тегишли методлари, тамойиллари таърифланади, улар эса, ўз навбатида, фалсафанинг махсус илмий билим ва унинг методлари билан оқилона ўзаро алоқасини таъминлайди. Умумилмий тамойиллар, ёндашувлар қаторига тизимли ва структуравий-функционал, кибернетик, эҳтимолий ёндашувлар, моделлаштириш, формализация ҳамда бошқалар киради.

Умумилмий тушунчаларнинг муҳим роли шундан иборатки, улар ўзининг «оралиқ хусусияти» билан фалсафий ва алоҳида илмий билимнинг (шунингдек, тегишли методларнинг) ўзаро ўтишини таъминлайди. Гап шундаки, биринчи билим иккинчи билимга соф юзаки тарзда, бевосита ўтмайди. Шунинг учун ҳам махсус илмий мазмунни дарҳол фалсафий тушунчалар тилида ифодалашга уринишлар, қоида тариқасида, ноконструктив ва самарасиз бўлади.

Хусусий илмий тадқиқот методлари — материя ҳаракатининг асосий шаклига мос бўлган муайян фанда қўлланиладиган билиш усуллари, тамойиллари, тадқиқот усуллари ва тартиб-таомиллари мажмуи. Механика, физика, кимё, биология ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг методлари шулар жумласидандир.

Хусусий фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари моддий ифодасини топган билиш воситалари: микрофизикада зарраларни тезлатгичлар, тиббиётда аъзолар фаолиятини қайд этувчи турли ўлчагичлар ва шу кабилар ҳозирги замон методологик тадқиқотининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Фан методлари — маълум фан тармоғига кирувчи ёки фанлар туташган жойда вужудга келган муайян фан соҳасида қўлланиладиган усуллар тизими. Ҳар бир фундаментал фан, моҳият-эътибори билан, ўз предметига ва ўзига хос тадқиқот усулларига эга бўлган соҳалар мажмуидир.

Фанлараро тадқиқот методлари — асосан, фан соҳалари туташган жойда амал қиладиган (методологиянинг турли даражаси элементларини бирлаштириш натижасида юзага келган) бир қанча синтетик ва интегратив усуллар мажмуи. Мазкур методлар комплекс илмий дастурларни амалга оширишда кенг қўлланилади.

Методологияга фақат методларни эмас, балки тадқиқотни таъминловчи бошқа воситаларни ҳам ўрганиш хос. Тамойил, қоида ва кўрсатмалар, шунингдек, категория ҳамда тушунчалар мана шундай воситалар жумласига киради. Номувозий, беқарор дунё шароитларида воқеликни методологик ўзлаштиришнинг ўзига хос воситаларини ажратиш фан ривожланишининг «постноклассик», деб номланган ҳозирги босқичида анча долзарб аҳамият касб этмоқда.

Эмпирик тадқиқот методлари. Кузатиш — нарса ва ҳодисаларни изчил пассив кузатиш. Асосан, сезги аъзоларининг маълумотларига таянади. Кузатиш жараёнида биз билиш объектининг нафақат ташқи томонлари ҳақида, балки, пировард мақсад сифатида унинг муҳим хосса ва муносабатлари ҳақида ҳам билим оламиз. Кузатиш бевосита ёки турли асбоблар ва бошқа техник ускуналар ёрдамида билвосита амалга оширилиши мумкин. Фан ривожланиши билан кузатиш тобора мураккаблашиб, унинг воситалари кўпайиб бормоқда. Илмий кузатишга қўйиладиган асосий талаблар: мақсад (кузатиш

объекти)нинг аниқлиги; қайта кузатиш орқали ёки бошқа методлар (масалан, эксперимент) ёрдамида назорат қилиш мумкинлиги. Кузатиш натижаларини талқин қилиш, асбобларнинг кўрсаткичларини ўқиш ва шу кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий-гуманитар фанларда кузатиш натижалари кўп жиҳатдан кузатувчининг шахсига, унинг ҳаётий қарашларига ва бошқа субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Мазкур фанларда оддий (одатдаги) кузатиш (фактлар ва ҳодисалар четдан туриб қайд этилади) ва иштирокчиликка асосланган (ичдан туриб) кузатиш (бунда тадқиқотчи маълум ижтимоий муҳитга қўшилади, унга мослашади ва ҳодисаларни «ичдан» таҳлил қилади) фарқланади. Психологияда кузатишнинг ўз-ўзини кузатиш (интроспекция) ва эмпатия (бошқа одамларнинг руҳий кечинмаларига кириб бориш, уларнинг ички дунёси—сезгилари, фикрлари, хоҳиш-истакларини тушунишга интилиш ва ҳ.к.) фарқланади.

Эксперимент — ўрганилаётган жараёнга фаол ва изчил аралаштириш, экспериментнинг мақсадларига мувофиқ махсус яратилган ҳамда назорат остига олинган шароитларда тадқиқ қилинаётган объектни тегишли тарзда ўзгартириш ёки уни акс эттириш. Эксперимент жараёнида ўрганилаётган объект унинг моҳиятини бузиб кўрсатиши мумкин бўлган ножўя таъсирлардан ажратилади ва «соф шакл»да ифода этилади. Экспериментнинг асосий хусусиятлари:

а) тадқиқот объектига (кузатишдагига қараганда) янада фаолроқ муносабат, шу жумладан, уни ўзгартириш ва қайта тузиш;

б) объектнинг хулқ-атворини назорат қилиш ва натижаларни текшириш имкониятининг мавжудлиги;

в) тадқиқотчининг хоҳишига кўра, ўрганилаётган объектни бир неча марта акс эттириш мумкинлиги;

г) ҳодисаларнинг табиий шароитларда кузатилмайдиган оссаларини топиш имкониятининг мавжудлиги.

Экспериментларнинг турлари. Вазифаларига қараб тадқиқот (қидириш), текшириш (назорат) ва акс эттириш экспериментлари фарқланади. Объектларнинг хусусиятига қараб физик, кимёвий, биологик, ижтимоий ва ҳ.к. экспериментлар фарқланади. Сифат ва сон экспериментлари ҳам мавжуд. Фикрий эксперимент—

идеаллаштирилган объектлар ҳақида фикр юритиш муолажалари тизими ҳозирги замон фанида кенг тарқалган.

Таққослаш — объектлар (ёки айти бир объектнинг ривожланиш босқичлари)нинг ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини, яъни уларнинг айтийлиги ва тафовутларини аниқловчи билиш операцияси. У фақат туркум ҳосил қилувчи турдош предметлар мажмуидагина маъно касб этади. Предметларни туркумда таққослаш айти тадқиқот учун муҳим белгиларга қараб амалга оширилади. Бунда битта белгига қараб таққосланаётган предметларни бошқа белгига қараб таққослаш бўлмаслиги ҳам мумкин. Таққослаш мантиқий усул—аналогиянинг (қуйида қаранг) негизи ҳисобланади ва қиёсий—тарихий методнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Унинг мақсади—айти бир ҳодиса ёки биргаликда мавжуд ҳар хил ҳодисалар ривожланишининг турли босқичлари (даврлари, даражалари)ни билишда умумий ва хусусий ҳолатларни аниқлаш.

Тавсифлаш — тажриба (кузатиш ёки эксперимент) натижаларини фанда қабул қилинган маълум белгилаш тизимлари ёрдамида қайд этишдан иборат билиш операцияси.

Ўлчаш — қабул қилинган ўлчов бирликларида ўлчанаётган катталиқнинг сон миқдорини топиш мақсадида маълум воситалар ёрдамида бажарилувчи амаллар мажмуи.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, эмпирик тадқиқот методлари ҳеч қачон «кўр—кўрона» амалга оширилмайди, балки ҳар доим назарий жиҳатдан белгиланган, маълум концептуал гоьлар билан йўналтирилган бўлади.

Назарий билиш методлари. Формаллаштириш — маълум мазмунни муайян шакл-белгилар ҳолига келтириш. Бу ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно этиш мақсадида фикрни аниқ ифодалашга хизмат қилади. Формаллаштиришда объектлар ҳақидаги мулоҳазалар белгилар (формула) соҳасига ўтказилади-ки, бу сунъий тиллар (математика, мантиқ, кимё тили ва ш.к.)ни яратиш билан боғлиқ.

Махсус шакл-белгилардан фойдаланиш оддий, табиий тилнинг кўп маънолилигини бартараф этиш имконини беради. Формаллаштирилган фикрларда турли белги қатъий маънони билдиради. Формаллаштириш алгоритмлаштириш ва ҳисоблаш мосламаларини дастурлаштириш жараёнларига, бу билан эса

билимнинг нафақат илмий-техникавий, балки бошқа шакларини ҳам компьютерлаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Формаллаштириш жараёнининг энг муҳим хусусияти шундаки, сунъий тилларнинг формулалари устида амалларни бажариш, улардан янги формула ва нисбатларни келтириб чиқариш мумкин. Айтилган фикр мантиқий хулосага асосланади. Амалиётда турли тимсолларга таяниб хулосалар чиқарилади. Бу тимсоллар аксиомаларни ифодалайди. Формаллаштириш кенг маънода мантиқий хулоса чиқариш ҳақидаги таълимотдир. Мантиқий хулоса натижани изоҳлаб тушунтириб беради. Хулоса чиқариш тимсоллар тизими ва унга асосланиш демакдир. Аммо, XX асрда ижод қилган австриялик мантиқчи ва математик К. Гедель мазмун назариясида ҳар доим аниқланмаган, формаллаштирилмаган қолдиқ қолишини кўрсатади. Тобора чуқурлашиб бораётган билим мазмунини формаллаштириш ҳеч қачон мутлақ тўлиқликка эришмайди, чунки билиш предмети ва у ҳақидаги билимларнинг ривожланиши (ўзгариши) ҳеч қачон тўхтамайди. Бу формаллаштиришнинг ички имкониятлари чекланганлигидан далолат беради. Зотан, ҳар қандай фикрни ҳисоблаш билан алмаштириш имконини берувчи умумий методнинг йўқлиги исботланган. Геделнинг теоремалари илмий фикрни ва, умуман, илмий билимни тўлиқ формаллаштириш мумкин эмаслигини мукамал исботлаб берган.

Аксиоматик метод — илмий назария тузиш усули. Бунда унинг асосига айрим дастлабки қоидалар—аксиомалар қўйилади ва назариянинг қолган барча ғоялари мана шу аксиомалардан соф мантиқий йўл билан исботлаш орқали келтириб чиқарилади. Аксиомалардан теоремаларни (умуман, бир формуладан бошқа формулаларни) келтириб чиқариш учун махсус қоидалар таърифланади. Бинобарин, аксиоматик методда исботлаш—ҳар бири ё аксиома бўлган, ё олдинги формулалардан маълум қоидага биноан келтириб чиқариладиган формулаларнинг маълум кетма-кетлиги. Аксиоматик метод—олинган илмий билимни тизимга солиш усулларида бири. Унинг амалда қўлланиши чекланган, чунки уни фақат аксиомалаштирилган мазмун назариясининг ривожланиш даражаси жуда катта бўлган ҳолдагина қўллаш мумкин. Машҳур француз физиги Луи де Бройлнинг таъбири билан айтганда, «аксиоматик метод таснифлаш ёки таълим

беришнинг яхши методи бўлиши мумкин, аммо, у кашф этиш методи бўла олмайди».

Гипотетик-дедуктив метод—бир-бири билан дедуктив боғлиқ бўлган гипотезалар тизимини яратишни назарда тутати. Мазкур гипотезалардан пировард натижада эмпирик фактлар тўғрисида хулосалар чиқарилади. Ушбу метод гипотезалардан ва ҳақиқий маъноси маълум бўлмаган бошқа фаразлардан хулосалар чиқаришга (дедукцияга) асосланади. Бинобарин, мазкур метод ёрдамида чиқарилган хулоса муқаррар тарзда эҳтимолий хусусиятга эга бўлади.

Гипотетик-дедуктив методнинг умумий тузилиши:

— назарий тушунтиришни тақозо этувчи материал билан танишиш ва мавжуд назариялар, қонунлар ёрдамида назарий тушунтиришга ҳаракат қилиш. Агар бунинг иложи бўлмаса:

— турли-туман мантиқий усуллар ёрдамида мазкур ҳодисаларнинг сабаб ва қонуниятлари тўғрисида фараз (гипотеза, тахмин)лар қилиш;

— фаразларнинг асослилиги ва жиддийлигига баҳо бериш ва уларнинг орасидан ҳақиқатга энг яқинини танлаб олиш;

— гипотезадан оқибатларни (одатда, дедукция йўли билан) келтириб чиқариш ва унинг мазмунига аниқлик киритиш;

— гипотезадан келтириб чиқарилган оқибатларни тажрибада текшириш. Бу ерда гипотеза ё тажрибада исботланади, ё инкор этилади. Аммо, айрим оқибатларнинг исботланганлиги гипотезанинг ҳақиқийлигини (ёки сохталлигини) кафолатламайди. Текширув натижаларига кўра, энг яхши гипотеза назарияга айланади.

Математик гипотезани гипотетик-дедуктив методнинг тури деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда илгари маълум бўлган ва текширилган ҳолатларнинг такомиллаштирилган кўринишларини ифода этувчи маълум тенгламалар гипотеза вазифасини бажаради. Илгари маълум бўлган ва текширилган ҳолатлар ўзгартирилиб, янги ҳодисаларга тааллуқли бўлган гипотезани ифодаловчи янги тенглама тузилади. Гипотетик-дедуктив метод (аксиоматик метод сингари) кашф этиш методидан ҳам кўра кўпроқ илмий билимни тузиш ва асослаш методи ҳисобланади, чунки у янги гипотезага қандай йўл билан келиш мумкинлигини кўрсатади.

Мавҳумликдан конкретликка юксалиш — назарий тадқиқот ва

баён этиш методи. Илмий фикрнинг дастлабки мавҳумликдан билишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш изчил босқичлари орқали натижага—тадқиқ қилинаётган предметни назарияда яхлит акс эттиришга томон ҳаракатидан иборат. Муайян ҳиссийликдан мавҳумликка юксалиш, тафаккурда предметнинг алоҳида жиҳатларини ажратиш ва уларни тегишли мавҳум таърифларда «мустаҳкамлаш» мазкур методнинг шартларидир. Билишнинг муайян ҳиссийликдан мавҳумга томон ҳаракати хусусийдан умумийга томон ҳаракат демакдир. Бу ерда таҳлил ва индукция сингари мантиқий усуллар етакчилик қилади. Мавҳумдан муайян ҳиссийликка юксалиш—айрим умумий мавҳумликлардан уларнинг ягоналигига, муайян умумийга томон ҳаракат жараёнидир. Бу ерда синтез ва дедукция усуллари етакчилик қилади. Билишнинг бундай ҳаракати формал, техник жараён эмас, балки предметнинг ривожланишидаги қарама-қаршилиқни, ички қарама-қаршилиқларга мувофиқ унинг бир даражадан бошқа даражага ўтишини акс эттирувчи диалектик зиддиятли ҳаракатдир.

Умумий мантиқий методлар. **Анализ** — объектни амалда ёки фикран таркибий қисмларга ажратиш; **синтез** — қисмлардан бутунни, худди шундай тарзда, қайта бирлаштириш. Синтез натижасида мутлақо янги объект ҳосил бўлади.

Анализ (таҳлил қилиш фаолияти) жараёнида фикр мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга қараб, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Анализ қилишнинг мақсади қисмларни, мураккаб бутуннинг унсурлари сифатида билиш ва улар ўртасидаги алоқа ва қонуниятларни аниқлашдан иборатдир. Бироқ, анализ моҳиятни ажратиб қарашга олиб келадик, мавҳум ҳолда қолаётган бирлик, хилма-хилликдаги бирлик сифатида ҳали очилмаган бўлади. Синтез, аксинча, анализ воситаси билан ажратилган қисмлар, хоссалар, муносабатларни ягона бир бутунга бирлаштириш жараёнидан иборат. Синтез бирликдан тафовутга ва хилма-хилликка қараб йўналтирилган ўлиб, умумийлик ва айримликни, бирлик ва хилма-хилликни муайян жонли бутунга бирлаштиради. Анализ ва синтез чамбарчас боғлиқ ҳолда амал қилади.

Мавҳумлаштириш — ўрганилаётган ҳодисанинг бир қанча хоссалари ва нисбатларидан фикран узоқлашиш, айни пайтда тадқиқотчини қизиқтирган хоссаларни (энг аввало, муҳим,

умумий хоссаларни) ажратиш жараёни. Мазкур жараён натижасида ҳар хил «мавҳум предметлар» олинади. Бунда «мавҳум предметлар» деганда алоҳида тушунчалар ва категориялар («ривожланиш», «қарама-қаршилик», «фикрлаш» ва б.) ҳамда уларнинг тизимлари тушунилади. Математика, мантиқ, диалектика ва фалсафа энг ривожланган тизимлардир.

Кўриб чиқиладиган хоссаларнинг қай бири муҳим, қайсиниси иккинчи даражали эканлигини аниқлаш мавҳумлаштиришнинг бош масаласидир. Мазкур масала ҳар бир муайян ҳолатда, энг аввало, ўрганиладиган предметнинг табиатига, шунингдек, тадқиқотнинг муайян вазифаларига қараб ҳал қилинади.

Умумлаштириш — предметнинг умумий хосса ва белгиларини аниқлаш жараёни бўлиб, мавҳумлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Бунда ҳар қандай умумий (абстракт-умумий) ёки муҳим (муайян умумий, қонун) белгилар ажратилиши мумкин.

Идеаллаштириш — воқеликнинг тажрибада принципиал амалга ошириб бўлмайдиган, лекин реал оламда уларнинг тимсоли бўлган объектларнинг тушунчаларини фикран шакллантиришни ифодаладиган («нуқта», «идеал газ», «мутлақо қора жисм» ва ш.к.) тушунча.

Идеаллаштирилган объектлар, пировард натижада, объектив ашёлар, реал жараён ва ҳодисаларнинг инъикоси сифатида майдонга келади. Идеаллаштириш ёрдамида шаклланган тушунчалардан кейинчалик, реал объектнинг инъикоси сифатида изланишлар олиб боришда, мулоҳазалар юритишда, реал жараёнларнинг мавҳум схемаларини тузишда фойдаланиш мумкин.

Идеаллаштириш илмий ёки ғайриилмий, реал ёхуд мавҳум бўлади. Илмий, реал идеаллаштиришни мавҳум идеаллаштиришдан фарқладиган белги шундан иборатки, унда ҳосил этилган идеаллаштириш объектлари, шахслар муайян шароитларда идеаллаштирилган, яъни реал объектлар атамаларини ишлатиб, талқин этиш мумкин.

Индукция — айримлик (тажриба, факт)дан умумийга (уларни умумлаштириб, хулоса чиқаришга) фикран ҳаракат қилиш;

Дедукция — билиш жараёнининг умумийдан айримликка юксалиши. Индукция ва дедукция ўзаро боғланади ҳамда бир-бирини тўлдиради. Тажриба ҳамиша чексиз ва номукамал

бўлганлиги учун индуктив хулосалар доим муаммоли (эҳтимолий) хусусиятга эгадир. Индуктив умумлаштиришларга, одатда, тажрибада билинган ҳақиқатлар (эмпирик қонунлар), деб қаралади.

Индуктив умумлаштириш турларидан оммавий индукция, тўлиқсиз индукция, тўлиқ индукция, илмий индукция ва математик индукция ажратилади. Мантиқда сабабий алоқаларни аниқлашнинг индуктив методлари—индукция қонунлари (Бэкон-Милл индуктив тадқиқот қоидалари) фарқланади. Ягона ўхшашлик, ягона тафовут, ўхшашлик ва тафовут, боғлиқ ўзгаришлар методлари ва қолдиқлар методи шулар жумласидандир.

Дедукциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, тадқиқотчи дедукция воситасида бир синф, бир жинс, бир гуруҳ нарса ёки ҳодиса тўғрисидаги умумий билимлардан уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида билимларни ҳосил қилади. Инсоннинг билиш тажрибасидан шу нарса маълумки, агар бирон хусусият бир тоифа ёки бир жинсдаги ҳамма нарса ёки ҳодисаларга хос бўлса, бу хусусият шу тоифа ёки жинсга оид ҳар бир нарса ёки ҳодисага ҳам хос бўлади.

Аналогия (мослик, ўхшашлик) — ўхшаш бўлмаган объектларнинг айрим жиҳатлари, хоссалари ва муносабатларидаги ўхшашликларни аниқлаш. Аниқланган ўхшашлик асосида тегишли аналогия бўйича хулоса чиқарилади. Унинг умумий схемаси: В объект a, b, c, d белгиларга эга; С объект b, c, d белгиларга эга; бинобарин, С объект a белгига эга бўлиши мумкин. Аналогия ҳақиқий эмас, балки эҳтимолий билим беради. Аналогия бўйича хулоса чиқаришда муайян объект («модел»)ни кўриб чиқиш натижасида олинган билим бошқа нисбатан кам ўрганилган объектга кўчирилади.

Моделлаштириш—борлиқни билвосита ўрганиш усули. Бирон объектнинг хусусиятларини уларни ўрганиш учун махсус тузилган бошқа объектда қайта ҳосил қилишдир. Моделлаштириш асосида тадқиқ қилинаётган объект билан унинг модели ўртасидаги ўхшашлик, мувофиқлик ётади. Мазкур усул илмий тадқиқот жараёнини энгиллаштиради, объектнинг ўрнини бевосита тадқиқ этиш мумкин бўлмаган, қиммат бўлган, жуда узоқ вақт талаб қиладиган ҳолатларда моделга эҳтиёж пайдо бўлади.

Моделлаштириш шакллари хилма-хил бўлиб, фойдаланилаётган моделларга ва моделлаштириш қўлланаётган соҳага боғлиқ. Моделларнинг хусусиятига қараб моддий (предметли) моделлаштириш ва идеал моделлаштириш фарқланади. Моддий моделлар табиий объектлар ҳисобланади. Улар ўз фаолиятида табиий қонунлар—физика, механика қонунларига бўйсунди. Идеал моделлар тегишли белгилар шаклида ифодаланади.

Муайян объектни моддий (предметли) моделлаштиришда уни ўрганиш оригинал билан бир хил физик табиатга эга бўлган маълум моделни тадқиқ қилиш билан алмаштирилади (самолёт, кема ва космик аппаратларнинг моделлари).

Идеал (белгили) моделлаштиришда моделлар графиклар, чизмалар, формулалар, тенгламалар системалари, табиий ва сунъий тил гаплари (тимсоллар) шаклида бўлади. Ҳозирги вақтда математик моделлаштириш (компьютерда моделлаштириш) кенг тарқалган.

Системали ёндашув—фанда турли объектларни системалар сифатида тадқиқ этишни назарда тутадиган методологик тамойил (талаб)лар мажмуи. Мазкур талабларга қуйидагилар кириди:

а) ҳар бир элементнинг тизимдаги ўрни ва функцияларига боғлиқлигини аниқлаш, бунда бутуннинг хоссалари унинг таркибий қисмлари хоссаларининг йиғиндисига боғлиқ бўлмаслигини эътиборга олиш;

б) тизимнинг хулқ-атвори унинг алоҳида таркибий қисмлари хусусиятлари ҳамда унинг тузилиши хоссаларига қай даражада боғлиқлигини таҳлил қилиш;

в) тизим билан муҳитнинг ўзаро алоқалари механизмни тадқиқ қилиш;

г) мазкур тизимга хос бўлган даражалиликнинг хусусиятини ўрганиш;

д) тизимни ҳар томонлама, кўп жиҳатли тавсифлашни таъминлаш;

е) тизимга динамик ривожланаётган яхлитлик деб қараш.

Системали ёндашув ўз-ўзидан ривожланувчи мураккаб объектларни (кўпдаражали, иерархик, ўз-ўзини ташкил этувчи биологик, психологик, социал ва ҳ.к. системаларни) тадқиқ этишда кенг қўлланилади. Системали ёндашувнинг муҳим

хусусияти шундаки, фақат тадқиқот объектигина эмас, балки тадқиқот жараёнининг ўзи ҳам мураккаб система сифатида намоён бўлади. Унинг асосий вазифаси объект турли моделларини яхлит қилиб бирлаштиришдир.

«Ўз-ўзини ташкил этиш» тушунчаси системали ёндашувнинг муҳим тушунчасидир. Мазкур тушунча таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар қатъий эмас, балки эҳтимоллий хусусиятга эга бўлган мураккаб, очиқ, ўз-ўзини ривожлантирувчи тизим (тирик ҳужайра, организм, биологик популяция, одамлар жамоаси ва ш.к.)ни яратиш, ривожлантириш ёки такомиллаштириш жараёнини тавсифлайди.

Ҳозирги замон фанида ўз-ўзини ташкил этувчи тизимлар ўз-ўзини ташкил этиш умумиллий назарияси—синергетиканинг тадқиқот предметини ташкил қилади.

Структуравий-функционал (структуравий) метод яхлит тизимларда уларнинг структурасини, структуранинг таркибий қисмлари ўртасидаги барқарор муносабатлар ва ўзаро алоқаларни ҳамда уларнинг бир-бирига нисбатан роллари (функциялари)ни ажратиш асосига қурилади.

Структура—тизимнинг тузилиши ва ички шакли, мазкур тизимнинг таркибий қисмлари ўртасидаги барқарор ўзаро алоқаларнинг бирлигини ифодаловчи фалсафий тушунча. Функция эса мазкур тизим ҳар бир таркибий қисмининг «вазифаси» деб тушунилади (маълум биологик аъзо функциялари, давлат функциялари, назариянинг функциялари ва ҳ.к.).

Структуравий-функционал (структуравий) методнинг (унга баъзан, системали ёндашувнинг тури деб ҳам қаралади) асосий талаб (жараён)лари:

- а) тизимли объектнинг тузилиши, (структураси)ни ўрганиш;
- б) унинг таркибий қисмларини ва функционал хусусиятларини тадқиқ қилиш;
- в) мазкур таркибий қисмларнинг функцияларидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;
- г) бутун тизимли объектнинг ривожланиши (тарихи)ни кўриб чиқиш;
- д) барқарор фаолият кўрсатаётган объектнинг барча таркибий қисмларига шу барқарорликни сақлашга хизмат қилаётган тизим сифатида қараш.

Эҳтимолий-статистик методлар барқарор такрорийлик билан тавсифланадиган кўплаб тасодифий омилларнинг таъсирини эътиборга олишга асосланади. Бу кўплаб тасодифларнинг умумий таъсири орқали ўзига йўл очадиган зарурат (қонун)ни очиш имконини беради. Мазкур методлар кўпинча тасодифлар ҳақидаги фан деб аталадиган эҳтимоллик назариясига таянади.

Эҳтимоллик—ҳақиқатга даъвогарлик қилувчи ва бунга етарли асоси бўлмаган илмий ҳаётий тушунча. Эҳтимолликнинг диапазони—нолдан (мумкин эмасликдан) биргача (воқеликкача). Мазкур методлар динамик ва статистик қонунларни фарқлашга асосланади. Бунда улар мазкур қонунлардан келиб чиқадиган башоратларнинг хусусиятига таянади. Динамик қонунларда башоратлар аниқ белгиланган бир маъноли хусусиятга эга бўлади (масалан, классик механикада).

Статистик қонунларда башоратлар ҳақиқий эмас, балки эҳтимолий хусусиятга эга бўлади. Бу хусусият кўплаб тасодифий омилларнинг таъсири билан белгиланади. Илмий билиш тарихи кўрсатганидек, биз зарурат ва тасодиф билан боғлиқ барча муаммоларнинг аҳамиятига энди-энди муносиб баҳо бера бошляпмиз.

Эҳтимолий-статистик методлар тасодифий хусусиятга эга бўлган айрим ҳодисаларни эмас, балки оммавий ҳодисаларни ўрганиш (квант механикаси, статистик физика, синергетика, социология ва бошқа фанлар)да кенг қўлланилади. Бугунги кунда фанга эҳтимолий фикр юритиш тарзи кириб келаётганлиги тўғрисида кўп гапирилмоқда.

Хуллас, умумилмий методларнинг муҳим роли шундан иборатки, ўзининг «оралиқ хусусияти»га кўра, улар фалсафий ва алоҳида илмий билим (шунингдек, тегишли метод)ларнинг ўзаро алоқасида воситачилик қилади. Мазкур методлар барча фанларда қўлланилганлиги учун ҳам улар умумилмий методлар деб аталади. Аммо, уларни фанларда қўллашда ҳар бир фан ёки фан соҳасининг хусусиятлари, табиий, ижтимоий ва маънавий ҳодисаларни билиш хусусиятлари эътиборга олинади.

Ижтимоий-гуманитар фанларда фалсафий ва умумилмий воситалар, метод ва амаллардан ташқари, мазкур фанларнинг предмети билан боғлиқ махсус воситалар, метод ва амаллардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг жумласига қуйидагилар қиради:

Этнометодология ичдан туриб кузатишнинг турларидан бири бўлиб, у ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни тавсифлаш ҳамда кузатиш натижаларини уларни тушуниш гоёлари билан тўлдиришни назарда тутаети. Мазкур ёндашув ҳозирда этнография, ижтимоий антропология, социология ва маданиятшуносликда кенг қўлланилмоқда.

Ижтимоий экспериментлар ижтимоий ташкил этиш ва жамиятни бошқаришни оқилоналаштиришнинг янги шакллари амалга татбиқ этишга кўмаклашади. Ижтимоий эксперимент объекти одамларнинг маълум гуруҳи экспериментнинг бевосита иштирокчиларидан бири бўлиб, уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашишга тўғри келади, тадқиқотчи эса ўзи ўрганаётган вазиятга бевосита қўшилади.

Психологияда муайян руҳий фаолият қандай шаклланишини аниқлаш учун тажриба ўтказилаётган шахс турли экспериментал шароитларга қўйилади ва унга маълум масалаларни ҳал қилиш таклиф этилади. Бунда мураккаб руҳий жараёнларни шакллантириш ва уларнинг тузилишини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш мумкин. Мазкур ёндашув педагогик психологияда шакллантирувчи эксперимент, деб номланади.

Ижтимоий экспериментлар тадқиқотчидан ахлоқий ва юридик норма ва тамойилларга қатъий риоя этишни талаб қилади. Бу ерда (тиббиётда бўлгани сингари) «зиён етказма!» тамойили муҳим аҳамиятга эга. «Инсоннинг интим дунёсига кириш қуроли бўлиб хизмат қилиш» — ижтимоий экспериментларнинг асосий хусусиятидир.

1. **Идеографик метод**—алоҳида тарихий далиллар ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш.
2. **Диалог** («савол-жавоб методи»).
3. **Тушуниш ва оқилон (интенционал) тушунтириш** (бу ҳақда ушбу бобнинг кейинги мавзусида батафсил сўз юритилади).
4. **Ҳужжатларни таҳлил қилиш**—сон ва сифат жиҳатидан таҳлил қилиш (контент-анализ).
5. **Сўровлар ўтказиш**—«юзма-юз» сўров (интервью) ёки сиртдан (сўровнома ёрдамида, почта, телефон орқали ва ш.к.) сўров ўтказиш. Оммавий ва махсус сўровлар фарқланади. Махсус сўровларда профессионал экспертлар ахборот олишнинг бош манбаи ҳисобланади.

6. Проектив методлар (психологияга хос)—инсоннинг продуктив фаолияти натижаларига қараб, унинг шахсий хусусиятларини билвосита ўрганиш усули.

7. Тестлаш (психология ва педагогикада)—стандартлаштирилган топшириқлар бўлиб, уларни бажариш натижалари айрим шахсий хусусиятлар (билим, кўникма, хотира, зеҳн ва ш.к.)ни ўлчаш имконини беради. Тестларнинг икки асосий гуруҳи фарқланади—интеллект тестлари (машҳур К. Коэффициенти) ва эришилган (касбда, спортда ва ҳ.к.) натижалар тестлари. Тестлар билан ишлашда ахлоқий жиҳат муҳим аҳамият касб этади. Зотан, лаёқатсиз ёки фирром тадқиқотчининг қўлида тестлар жиддий зарар келтириши мумкин.

8. Биографик ва автобиографик методлар.

9. Социометрия методи—ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда математика воситаларидан фойдаланиш. Ундан кўпинча «кичик гуруҳлар»ни ва улардаги шахслараро муносабатларни ўрганишда фойдаланилади.

10. Ўйин методлари—бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда қўлланилади. Имитацион ўйинлар (ишбилармонлик ўйинлари) ва очиқ ўйинлар (айниқса, ностандарт), вазиятларни таҳлил қилишда фарқланади. Ўйин методлари орасида психодрама ва социодрама алоҳида ўрин тутди. Уларда иштирокчилар тегишинча индивидуал ва гуруҳий вазиятларни кўриб чиқадилар.

Шундай қилиб, илмий билишда турли даражаларда, фаолият соҳаларида ва йўналишларда турли-туман методларнинг мураккаб, динамик ва мувофиқлаштирилган тизими фаолият кўрсатади. Мазкур методлар ҳар доим тадқиқотнинг муайян шартлари ва предметдан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ҳозирги замон методологияси. «Куматоид», «case studies», «абдукция» тушунчалари анъанавий методологик тушунчалар руҳида тарбияланган одамга эриш туюлиши мумкин. Аммо, айнан улар методологиянинг ҳозирги ривожланиш босқичининг ўзига хос хусусияти илмий муомалага мутлақо янги тушунчаларни киритиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Мазкур тушунчаларнинг аксарияти муайян (хусусий) фанлар соҳаси билан боғлиқ. Бундай тушунчалар қаторига ҳозирда анча машҳур бўлган бифуркация, «флуктуация», «диссипация», «аттрактор» тушунчаларини, шунингдек, «куматоид» (юнонча—тўлқин) деган

инновацион тушунчани киритиш мумкин.

Куматоид — сузаётган объектни англатади ва объектларнинг тизимли хусусиятини акс эттиради. У вужудга келиши, ҳосил бўлиши, шунингдек, йўқолиши, парчаланиши мумкин. У ўзининг барча элементларини бирваракай эмас, балки ўзига хос «ҳиссий-ўта ҳиссий» тарзда намоён этади. Масалан, тизимли объект—ўзбек халқини маълум вақт, макон бўлагиди ифода этиш ва маҳаллийлаштириш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, объектни яхлит ифода этиш учун ўзбек халқининг барча вакиллари йиғиш мумкин эмас. Шу билан бирга, мазкур объект сохта эмас, реалдир. Уни кузатиш, ўрганиш мумкин. У бутун цивилизацияон-тарихий жараённинг йўналишини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Яна бир мисол — талабалар гуруҳи. У дам пайдо бўладиган, дам кўздан йўқоладиган сузувчи объект сифатида ўзаро алоқаларнинг деярли барча тизимларида намоён бўлади. Масалан, ўқув машғулоти тугаганидан кейин гуруҳ яхлит объект сифатида мавжуд бўлмайди, аммо институциявий белгиланган маълум вазиятлар (гуруҳ рақами, талабалар сони, гуруҳ тузилиши, умумий хусусиятлари)да у объект сифатида намоён бўлади ва ўз-ўзини идентификация қилади. Бундан ташқари, мазкур куматоид гуруҳ аъзолари ўртасидаги дўстлик, рақобат ва бошқа муносабатлар билан ҳам қўллаб-қувватланади.

Куматоиднинг ўзига хос хусусияти шундаки, у вақт ва маконда маҳаллийлашишга бефарқ бўлибгина қолмай, субстрат—ўзини ташкил этувчи материалга ҳам қаттиқ боғланмаган. У тизимли хусусиятларга эга эмас. Бинобарин, мазкур хусусиятлар унинг таркибий қисмларига мавжуд ёки мавжуд эмаслигига, айниқса, уларнинг ривожланиш йўналиши ёхуд хулқ-атвор тарзига боғлиқ. Куматоидни моддий тарзда мустаҳкамланган маълум бир хусусият ёки бундай хусусиятлар тўплами билан аниқ идентификация қилиш мумкин эмас. Бутун ижтимоий ҳаёт сузувчи объектлар—куматоидлар билан тўлиб-тошган.

«Case studies» типига мансуб, яъни вазиятли тадқиқотлар ўтказиш ҳозирги замон методологиясидаги муҳим янгиликдир. Мазкур тадқиқотларни ўтказишда фанлараро тадқиқотлар ўтказиш методологиясига таянилади, аммо индивидуал субъектларни, маҳаллий гуруҳий дунёқарашлар ва вазиятларни ўрганиш назарда

тутилади. «Case studies» атамаси прецедентнинг, яъни кузатиш остида бўлган ва тушунтиришнинг мавжуд қонунлари доирасига сиғмайдиган индивидуаллаштирилган объектнинг мавжудлигини акс эттиради. Вазиятли тадқиқот методологияси неокантиантлар Баден мактабининг идиографик методи билан боғлиқ.

Вазиятли тадқиқотларнинг икки типи: матн ва майдондаги тадқиқотлар фарқланади. Уларнинг иккаласида ҳам маҳаллий детерминация биринчи даражали аҳамиятга эга. Маҳаллий детерминация «ички ижтимоийлик» тушунчаси билан муайянлашади ва айни гуруҳ ёки вазиятга хос бўлган фаолият, мулоқот шакллари таъсирида шаклланадиган билимнинг ноаниқ шартларининг туташ тизими деб, алоҳида сўзлар ва ҳаракатларнинг маъно-мазмунини белгилайдиган ижтимоий-маданий контекст деб тушунилади. Вазиятли тадқиқотларнинг устунлиги шундаки, уларда билим тизимининг мазмуни шартларнинг пировард тўплами, ҳаётий вазиятларнинг муайян ва алоҳида шакллари нуқтаи назаридан очиб берилади.

Ҳозирги замон методологияси ўз анъанавий методларининг универсаллиги чекланганлигини тушунади. Масалан, гипотетик-дедуктив метод ишни тайёр гипотезалардан бошлаб, «далилларни энг яхши тушунтириш» босқичидан сакраб ўтганлиги учун танқид қилинади.

Абдукция – фикр юритиш орқали эмпирик фактлардан уларни тушунтирувчи гипотезага юксалишни назарда тутаяди. Бундай фикр юритиш турмушда ва амалиётда кўп учрайди. Ҳар бир инсон тушунтириш йўллариини излашда беихтиёр абдукцияга мурожаат этади. Масалан, врач касаллик аломатларига қараб, унинг сабабини, детектив эса жиноят изларига қараб жиноятчини қидиради. Худди шунингдек, олим ҳам содир бўлаётган ҳодисани тушунтиришда абдукция методидан фойдаланади. Мазкур атама индукция ва дедукция сингари машҳур, кенг эътироф этилган бўлмаса ҳам, у янги ҳамда самарали методологик стратегияни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

Эвристика. Эвристика юнонча *heurisko*—топаман, кашф этаман, деган сўздан келиб чиққан. «Эвристика» атамасининг қўлланилиши қадимги юнон олими александриялик Папп (милоддан аввалги III аср) номи билан боғланади. Бу нуқтаи назардан эвристика математика масалаларини ечишни ўрганишни

истаганларга мўлжалланган қоидаларнинг махсус тўплами сифатида намоён бўлади. «Маҳорат сирлари» ҳамниша қатъий сир тутилган ва тавсифланмаган. Эвристикани кашфиётлар тўғрисидаги фан сифатида тавсифлаш барча замонларда ҳам жуда мураккаб вазифа ҳисобланган. Г. Лейбницнинг «Кашфиёт санъати» ғояси амалга ошмади. Б. Спиноза тўғри метод оқилона танлашни таъминлаши, номаълумни билиш қоидаларига эга бўлиши, фойдасиз имкониятларни четлатиш тартибини белгилаши лозимлигини қайд этган бўлса-да, буни асословчи назарияни яратмади.

Муайян илмий билимдан ҳайдаладиган барча иккиламчи, ноаниқ методологик қоидалар эвристика соҳасини тўлдиради. Шунинг учун ҳам эвристика баъзан, қайғуриш, илҳомланиш, инсайт билан боғланади. Методологик тафаккурнинг изчил тизимида эвристикага кўпинча старли даражада англаб бўлмайдиган, аммо излаш ва топиш салоҳияти катта бўлган соҳа деб қаралади. Формал мантиқий методлар эвристик методларга қарама-қарши қўйилади. Барча мумкин бўлган ҳолларда эвристикадан билим мазмунини кенгайтириш, илгари маълум бўлмаган янгиликни яратиш кутилади.

Кўпинча «эвристика» тушунчасини тафаккурга боғлаб, «эвристик тафаккур» тарзида қўлланилади. Айтиш мумкинки, бундай ҳолларнинг барчасида тафаккурнинг яратувчи функцияси тўғрисида сўз юритилади. Фарб фалсафасида эвристик тафаккурни тушунтиришга ҳаракат қилувчи назарияларнинг уч туркуми фарқланади: «тинч оқар сув» ёки ўртача ҳисобга келтирилган меҳнат назарияси; блицкриг ёки инсайт назарияси; яхши қопқон ёки оқилона методологик қоида назарияси.

Эвристика методологиянинг бўлими сифатида ҳали расман эътироф этилгани йўқ. Аммо, ўз-ўзидан аёнки, илмий билимнинг ҳар бир соҳасида у энг тез, самарали ва ўзига хос ечим топишнинг стратегияси ҳисобланади, эвристик усул ва қоидалар ноанъанавий йўлларни излаш, улардан фойдаланишга туртки беради. Эвристика фанлараро хусусиятга эгаллиги мазкур соҳанинг ўзига хос белгисидир. Аммо, эвристик хусусият фан ичидаги билимда ҳам мавжуд. Эвристик сезги илмий изланишнинг деярли ҳар бир қадамига ҳамроҳ бўлади. Редукция методларини ўзлаштириш, гуманитар ва техника фанларининг усулларини бирлаштириш,

муайян илмий ишловларни амалга татбиқ этишни танлаш, ҳал қилувчи экспериментнинг ўзи маълум даражада эвристик фаразларга асосланади. Эвристика илмий ва ноилмий билим, оқилоналик ва нооқилоналик ўртасида боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилади. У хулқ-атвор тактикасини танлашга ва ривожланиш жараёнида тўғри йўл топишга кўмаклашади. Илмий таваккал мезони сифатида эвристиклик илмий билимни ривожлантиришнинг таркибий қисми сифатида ҳамиша олқишланган, дунёнинг постноклассик манзарасида эса назариянинг эвристиклик хусусияти билим бериш жараёнини ўзгартириш, уни ижодий, муаммоли, ўйин тарзида ўтказиш имконини берадиган илмий билим мезони даражасига кўтарилди.

Эвристика сирларига яқинлашишга бўлган энг сўнгги уринишлардан А.Ф. Осборннинг «мияга хужуми»ни қайд этиш мумкин. Унда кашфиётчиликнинг ўриндошлик, ўтказиш, бирлаштириш ва ажратиш билан боғлиқ анъанавий усуллари билан бир қаторда, хаёлни рағбатлантирувчи усуллар: тигиз муддатлар тизими, муаммони танқидсиз вазиятда эркин муҳокама қилиш, тортишувлик муҳитини яратиш, шунингдек, ҳазил тахминлар қилиш қайд этилади. Аммо, эвристика йўналишининг вакили Д. Пойя илгари сурган ижоднинг (ёки муаммоларни самарали ҳал қилишнинг) муқаррар тарзда амал қиладиган қоидаларини ишлаб чиқиш амалга ошириб бўлмайдиган вазифа, деган ғояси янада анъанавийроқ ҳисобланади.

Эвристика ўзига хос методология, яъни ижодий фаолият методларининг мажмуи сифатида маълум талаблар кўяди:

— у оддий танлаш усулларига эмас, балки муаммони ҳал қилиш вақтини қисқартириш имконини берадиган усулларга таянади;

— қўлланилувчи усуллар анъанавий қабул қилинган ва эскирган усуллардан жиддий фарқ қилиши мумкин;

— усуллардан фойдаланишга тадқиқот кўрсаткичларига қўйиладиган ташқи чеклашлар қаршилиқ кўрсатади;

— изланиш моделлари жиддий даражада индивидуаллаштирилган бўлиб, билиш субъектининг руҳий ва мотивацион фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Хулосалар. Методология маълум бир, ҳатто, «энг муҳим метод»га ҳам боғлиқ бўлмайди. «Олим ҳеч қачон фақат битта таълимотга таяниб қолмаслиги, ҳеч қачон ўз тафаккур

методларини фақат битта фалсафа билан чеклаб қўймаслиги керак»¹. Методология алоҳида методларнинг оддий йиғиндиси, уларнинг «механик бирлиги» ҳам эмас. Методология – турли даражадаги усул ва тамойилларнинг фаолият соҳалари, йўналишлари, эвристик имкониятлар, мазмунлар, тузилмалар ва ҳоказоларнинг мураккаб, яхлит ҳамда мувофиқлаштирилган тизими.


Тажрибавий амалий матнлар:


Метод, методология, объектив мазмун, операционал ва праксеологик, зарурлик, диалектик, метафизик муайянлик, тарихийлик, қарама-қаршилик, умуммиллий ёндашув, синергетика.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



¹ Гейзенберг В. Физика и философия. Часть и целое.—М., 1989. — 85-6.





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Илмий методнинг уч жиҳатлилигини асосланг.
2. Илмий методнинг ўзига хос белгилари нималарда намоён бўлади?
3. Илмий билишнинг барча методларини умумийлиги ва қўлланиш даражасига қараб, гуруҳларга бўлинганлигини тушунтиринг.
4. Диалектик методологиянинг илмий билишдаги ўрни ва аҳамияти.
5. Синергетиканинг умумилмий метод сифатидаги ролини кўрсатинг.

Мавзу юзасидан тест саволлари:

1. Метод сўзининг келиб чиқиши ва маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 - А. Юнонча, methods – “усул”
 - Б. Юнонча, method – “йўл”
 - В. Лотинча, methods – “усул”
 - Б. Инглизча, method – “йўл”
2. Ушбу фикрлар муаллифини топинг: “Ибсон умум методологиянинг марказидир”.
 - А. Фейербах
 - Б. Кант
 - В. Гегель

Г. Шпенглер

3. Методлар таснифи қайси жавобда тўғри берилган?

А. Маънавий, ғоявий, моддий ва амалий

Б. Маънавий, ғоявий, моддий

В. Ғоявий, маънавий, моддий

Г. Маънавий, ғоявий, ижтимоий

4. Қайси файласуф методни йўловчининг йўлини ёритувчи чироққа қиёслайди?

А. Ф.Бэкон

Б. Д.Юм

В. Дж. Беркли

Г. Б.Спиноза

5. Фалсафий методлар тўғри келтирилган жавобни топинг.

А. Диалектика, метафизика, софистика, синергетика,

Б. Индукция, дедукция, аналогия, синтез

В. Софистика, эклектика, аналитика

Г. Метафизика, таққослаш, идеаллаштириш, қиёслаш

6. Диалектикага кўра, борлик

А. Оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда, тараққиёт ва ривожланишда

Б. Оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, бироқ, улар фақат ички потенсиалига қараб тараққиёт ва ривожланишда

В. Оламдаги нарса ва ҳодисалар ўзгармас, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқ табиатга хос эмас

Г. А ва Б жавоблар тўғри

7. Предметдаги зиддиятларни ифодалаб, бироқ мавжуд зиддиятлардан илгарилаб борувчи диалектика нима деб аталади?

А. Резонанс ёки субъектив

Б. Статик ёки барқарор

В. Салбий ёки объектив

Г. Динамик ёки ҳаракатдаги

8. Нарса ва ҳодисаларнинг реал қарама-қаршиликлари негизини ташкил этувчи тамойил бу – ...

А. Қарама-қаршилиқ тамойили

Б. Обьективлик тамойили

В. Мувофиқлик тамойили

Г. Субьективлик тамойили

9. Ҳозирги замон фанида метафизика нечта асосий маънога эга?

- А. 3
- Б. 2
- В. 4
- Г. 5

10. Қуйида келтирилган қайси фалсафий метод қарама-қарши фикрлар асосида ихтиёрый танланган фойдали мулоҳаза бўлиб, унинг ёрдамида ҳар қандай нарса ёки фикрни исботлай олиш мумкин?

- А. Софистика
- Б. Диалектика
- В. Метафизика
- Г. Эклектика

11. Синергетика сўзининг маъноси қайси жавобда тўғри келтирилган?

- А. Келишув, ҳамкорлик, ўзаро таъсир
- Б. Сабабий боғлиқлик, ўзаро алоқа
- В. Келишув, муҳокама
- Г. Ўзаро таъсир, бирдамлик, умумийлик

12. Материя ҳаракатининг асосий шаклига мос бўлган муайян фанда қўлланиладиган билиш усуллари, тамойиллари, тадқиқот усуллари ва тартиб-таомиллари мажмун бу — ...

- А. Хусусий илмий методлар
- Б. Фан методлари
- В. Фалсафий методлар
- Г. Умумантиқий методлар

13. Эмпирик тадқиқот методлари тўғри келтирилган жавобни белгиланг.

- А. Кузатиш, эксперимент, таққослаш, тавсифлаш, ўлчаш
- Б. Формаллаштириш, кузатиш, ўлчаш, идеаллаштириш
- В. Кузатиш, эксперимент, таққослаш, мавҳумлаштириш, ўлчаш
- Г. Кузатиш, идеаллаштириш, эксперимент, таққослаш, тавсифлаш

14. Умумий мантиқий методлар тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- А. Анализ, синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш
- Б. Идеаллаштириш, индукция, дедукция

В. Аналогия, моделлаштириш

Г. Барча жавоблар тўғри

15. Яхлит тизимларда уларнинг структурасини, структуранинг таркибий қисмлари ўргасидаги барқарор муносабатлар ва ўзаро алоқаларни ҳамда уларнинг бир-бирига нисбатан функцияларини ажратиш асосига қуриладиган метод бу — ...

А. Структуравий-функционал (структуравий) метод

Б. Синергетик метод

В. Системали-структуравий метод

Г. Тўғри жавоб берилмаган

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси —Т.: Университет, 2005.

2. Фалсафа асослари. Қ. Назаров таҳрири остида. Т.: Шарқ, 2005.

3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. —Т.: Университет, 2005.

4. Ильин В.В. Теория познания. Введение. Общие проблемы. — М.: 1994.

5. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация / Под ред. О.Файзуллаева. — Т.: 2000.

ТУШУНИШ ВА ТУШУНТИРИШ

Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро муносабати. Тушуниш ва унинг билиш (ва тушунтириш) билан ўзаро нисбати муаммоси кўпдан бери муҳокама қилинади. У бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва кўп жиҳатдан баҳслидир. Масалан, Дильтей тушунишни матн муаллифининг маънавий дунёсига кириш сифатида тавсифлаган бўлса, Хайдеггер учун тушуниш инсоннинг борлиққа ўзига хос муносабати, инсоннинг дунёда мавжуд бўлиш усулидир. Гадамер фикрига кўра, ўтмиш маданиятини тушуниш талқин қилувчининг ўзини тушуниши билан узвийдир. Шу сабабли тушуниш предметини муаллиф матнга жойлаган маъно эмас, балки мазкур матн орқали англаб етилиши лозим бўлган моддий мазмун («инсинг моҳияти») ташкил этади. Бунда, Гадамер фикрига кўра, ҳар қандай тушуниш тил муаммосидир: унга «тил медиуми»да эришилади (ёки эришилмайди) ва исботлашни тақозо этмайди.

Ҳозирги адабиётларда тушуниш турлари ва даражаларининг ҳар хил таснифлари мавжуд. Масалан, Г.И.Рузавин тушунишнинг уч асосий турини фарқлайди:

А) Диалогда тил воситасида алоқа қилиш жараёнида юзага келадиган тушуниш. Тушуниш ё тушунмаслик натижаси бу ерда суҳбатдошлар ўз сўзларига қандай маъно юклашига боғлиқ.

Б) Бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш билан боғлиқ тушуниш. Бу ерда ўзга тилда ифодаланган маънони она тили сўзлари ва гаплари ёрдамида ифода этиш ва сақлаш назарда тутилади.

В) Матнларни, бадий адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек, одамларнинг турли вазиятлардаги қилмишлари ва ҳаракатларини талқин қилиш билан боғлиқ тушуниш. Бу ерда маънони интуитив тушунишнинг ўзи етарли бўлмайди. Бу тушунишнинг биринчи даражаси. Тушунишнинг иккинчи даражаси тадқиқотнинг бошқа, хусусан: мантикий-методологик, аксиологик восита ва методларини жалб қилишни тақозо этади¹.

Герменевтик доира тамоийили тушунишнинг муҳим жиҳати

¹ Қаранг: Рузавин Г.И. Методология научного исследования. – М.: Прогресс, 1999. – 214–215-б.

ҳисобланади. У тушунишнинг циклик хусусиятини акс эттиради. Мазкур тамойил тушуниш ва тушунтиришни боғлайди: ниманидир тушуниш учун уни тушунтириш керак ва аксинча. Мазкур ўзаро алоқа бутун билан қисмнинг доираси сифатида ифода этилади: бутунни тушуниш учун унинг алоҳида қисмларини тушуниш керак, алоҳида қисмларни тушуниш учун эса бутуннинг маъноси ҳақида тасаввурга эга бўлиш лозим. Масалан, сўз — гапнинг қисми, гап — матннинг қисми, матн — маданият унсури ва ш.к.

Герменевтик доира — «олмахон ғилдираги» эмас, зеро, унда тафаккур қисмлардан аввалги бутунга эмас, балки ўз қисмларининг билими билан бойиган бутунга, яъни бошқа бутунга қайтади. Герменевтик доира диалектик хусусиятга эга: унда тўлиқ ва чуқур тушунишдан янада тўлиқроқ ва чуқурроқ тушунишга томон ҳаракат содир бўлади, мазкур ҳаракат жараёнида тушунишнинг янада кенг уфқлари намоён бўлади.

Тушунишни ҳозирги даврга боғлаш керакми?

Мазкур масала юзасидан икки асосий қараш мавжуд:

А) Керак эмас. Мазкур қарашга кўра, матнни мувофиқ тарзда тушуниш унга муаллиф юклаган маънони очиб беришни назарда тутати. Яъни, автор юклаган маънони ҳеч қандай қўшимча ва ўзгартиришларсиз, мумкин қадар соф шаклда аниқлаш лозим. Лекин, амалда бундай бўлмайди, зеро, ҳар бир давр матнга (масалан, санъат асарларига) ўз мезонлари билан ёндашади.

Б) Тушуниш жараёни муқаррар равишда тушунишга ҳаракат қилинаётган нарсага қўшимча маъно юклаш билан боғлиқ. Бинобарин, матнни муаллиф қандай тушунган бўлса, шундай тушунишнинг ўзи етарли эмас. Демак, тушуниш ижодий жараён ва у муаллиф юклаган маънони айнан акс эттиришигина эмас, балки унга танқидий баҳо бериш, ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш, маънони ҳозирги воқеликнинг мазмуни билан бойитишни назарда тутати.

Тушуниш жараёни инсоннинг ўзини қуршаган оламни билиш жараёни билан узвий боғлиқ, аммо бунда инсон фақат билиш фаолияти билангина чекланмайди. Тушуниш муаммолари билиш назарияси масалаларини четга сиқиб чиқара олмайди, улар кенг ижтимоий-маданий нуқтаи назардан билиш ва предметли-амалий фаолиятнинг диалектик бирлиги асосида таҳлилдан ўтказилиши лозим.

Тавсифлаш, тушунтириш ва талқин қилиш билан бир қаторда, тушуниш, илмий билим фаолиятининг асосий муолажаларига киради. Тушунишни талқин қилишга нисбатан кўп сонли ёндашувлар мазкур жараён уни бошқа интеллектуал жараёнлар ва гносеологик операциялардан ажратадиган ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам тушунишни билишга ўхшатиш («тушуниш – тушунчаларни мантиқда ифода этиш демак») ёки уни тушунтириш муолажаси билан (гарчи, улар ўзаро боғлиқ бўлсада) аралаштириш мумкин эмас. Аммо, тушуниш жараёни кўпинча англаб етиш, яъни инсон учун маълум маънога эга бўлган нарсаларни аниқлаш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам «тушуниш маънолардаги реал ҳаракат, мазкур маъноларга амалда эгалик қилиш сифатида ҳар қандай билиш фаолиятининг ажралмас қисмидир»¹, деган фикрга қўшилиш лозим.

Маъно. Биз ўз суҳбатдошимизга ёки китобхонга маълум қилинган ахборотни у тўғри ёки нотўғри тушунгани ҳақида сўз юритар эканмиз, «маъно» тушунчасидан фойдаланамиз. Маънога нафақат сўз, гап, матн ва шу кабилар, балки атрофимизда юз бераётган воқеалар ҳам эга бўлиши мумкин.

Тушуниш инсон фаолиятининг маъноларини тушуниш ва маъно ҳосил қилиш тарзида келиши мумкин. Тушуниш бошқа одамнинг «маънолар олами»га кириб бориш, унинг фикрлари ва ўй-кечинмаларини тушуниб етиш ва уларни талқин қилиш билан боғлиқ. Тушуниш – маънони қидириш демак, зеро, фақат маъноли нарсанигина тушуниш мумкин. Мазкур жараён ўзаро алоқа, мулоқот ва диалог шароитларида содир бўлади. Тушунишни ўз-ўзини тушунишдан ажратиш мумкин эмас. У тил стихиясида содир бўлади.

«Маъно» тушунчаси тушуниш муаммосини ҳал қилишда ўта муҳим аҳамият касб этади. Маъно – тилдаги иборалар (сўзлар, гаплар ва ш.к.) мазмунининг синонимигина эмас. Маъно – мураккаб, кўп қиррали ҳодиса. М.Хайдеггернинг фикрича, маъно деганда, биринчидан, ҳар қандай қилмиш, хулқ-атвор, амал «нимага» ва «нима учун» содир этилганини назарда тутиш керак. Иккинчидан, маъно йўналишга эга, яъни у ниманингдир пировард мақсади (ҳаёт мазмуни, тарих мазмуни ва ҳ.к.).

¹ Загадка человеческого понимания. – М.: Луч, 1991. – 17-б.

Маъно ҳосил қилиш жараёнлари масаласига келсак, улар объектив тарзда анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар ва рамзлар соҳасида содир бўлади ва тилда ифода этилади. Гадамернинг таъбири билан айтганда, у бизда, бизнинг ҳозирги дунёмизда зоҳир. Маданий мероснинг узлуксизлигини таъминловчи анъана қамровли маъно универсумига реаллик бахш этади.

Маъно ҳосил бўлишининг ички сабабларидан ташқари, ташқи сабаблари — ўзига хос маданиятларнинг ўзаро алоқаси ва мулоқоти, уларнинг маъно фондларини амалий ва маънавий таққослаш ва бошқалар мавжуд. Шу сабабли тушуниш — бу доим инсон фаолияти маъноларига қўшилишдир; у тушунилаётган матннинг моддий белгиланганлиги ва талқинчи ўртасидаги ўзаро алоқа шакли сифатида амал қилади. Бундай ўзаро алоқа натижасида янги маънолар шаклланади.

Ҳозирги замон француз герменевтикасининг вакили Поль Рикернинг фикрича, тушуниш ҳеч қачон билишдан ажралмайди, балки «маънони ўзлаштириш фаолиятининг босқичи» ҳисобланади. Тушуниш — фикр юритиш орқали символда яширин маънони аниқлаш демак. Бунда Рикер қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади: а) герменевтика — изчил талқин қилиш жараёни; б) талқинларнинг хилма-хиллиги герменевтиканинг моҳиятини ташкил этади; в) тушуниш — бир онг томонидан узатиладиган, иккинчи онг эса уни ташқи ифодалар орқали қабул қилиб оладиган белгилар маъносини тушуниб етиш жараёни; г) айтиб бер матн бир нечта маънога эга ва бу маънолар бир-бирига қўшилиб, қатлам ҳосил қилади.

Тушунишнинг иштирокисиз муомалани давом эттириш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш, англанилган хатти-ҳаракатни амалга ошириш ва таъсир ўтказишнинг имкони йўқ. Тушуниш кенг кўламдаги фанлар (психология, филология, философия, социология, тарих) томонидан тадқиқ этилади. Тушуниш муаммоси билан махсус шуғулланадиган герменевтика фани мавжуд.

Тушунишнинг ўзига хос алоҳида хусусияти шундан иборатки, инсон ўзи таҳлил қилаётган нарса ва ҳодисаларнинг ички мураккаб алоқалари, боғланишларини аниқ сезади. Олдин механик равишда ўзлаштирилган, ҳатто маъноси англанилмаган

маълумотлар, сабабий боғлиқликлар тушуниш туфайли мантиқан муайян тартибга, бир хил мантиқий тизимга келтирилиши мумкин. Масалан, математик назарияни далиллаш, формулаларни, табиатшунослик билимларини тушуниш худди шу тарика кечади.

Инсон ҳодисаларнинг моҳиятини ва ўзаро боғлиқликларини мантиқий воситаларсиз аниқ ҳис қила олади. Бунда ҳодиса индивиднинг мақсади билан уйғунлашиб кетади, унинг мақсадга мувофиқ акс этишини таъминлайди, жумладан, бошқа кишининг хулқини, унинг фикри ва ҳаракат мотивини тушуна олади. Ижтимоий маданият, тарихий воқеалар, обидалар, ёзма ёдгорликлар моҳиятини индивид худди шу аснода тушуниб етади. Ҳайвонлар табиати, ҳодисалар тўғрисидаги таассуротлар билан ҳозиргисининг ўзаро ўхшашлигини тез тушуниш имконини беради.

Матнни «маънавий маданиятнинг моддийлаштирилган ифодаси» деб тушунишдан келиб чиқиб, матнларда объективлашган субъектив маъноларни предметлаштириш, «улар орқали одамларнинг овозларини эшитиш» ва улар ёрдамида ўтган замонлар, бошқа маданиятларнинг «руҳи»га кириб бориш ижтимоий-гуманитар билимнинг муҳим методологик муаммосидир.

Шундай қилиб, тушуниш — муайян ҳодисанинг маъносини, унинг дунёдаги ўрнини, яхлит бир бутун тизимдаги функцияларини тушуниб етиш демак. У борлиқнинг маъноларини теран англаб етишга кўмаклашади. Тушуниш жараёни содир бўлиши учун қуйидагилар зарур: ҳар қандай табиатли матнда ифодаланган предмет; унда маънонинг мавжудлиги; мазкур маъно тўғрисидаги дастлабки тасаввур; матнни талқин қилиш, яъни матннинг мазмунини тушуниш; талқин қилувчида ўз-ўзини тушунишнинг мавжудлиги, мулоқот, алоқа; «тил стихияси»; диалог юритиш қобилияти; ўз фикрини билдиришга интилиш, бошқача фикрлайдиган одамга сўз бериш, унинг айтганларини ҳазм қила олиш; айни бир матн (унга муаллиф юклаган маънодан ташқари) бир нечта маънога эга бўлишини назарда тутиш; матннинг предмет мазмунини ҳозирги даврнинг маданий тафаккури тажрибаси билан боғлаш.

Маданият — тайёр нарсалар ёки қадриятлар тўплами эмас,

балки уларни ўзлаштириш, улардан фойдаланиш, инсоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти жараёнларида иштирок этиш билан боғлиқ фаол жараён. Ўз навбатида, ижтимоий-маданий воқеликни билиш мазкур тайёр маҳсулотлар дунёсини бевосита акс эттиришдан ҳам кўра, кўпроқ уларнинг орқасида турган нарсаларни, яъни инсон маънолари ва мазмунлари дунёсини акс эттиришни назарда тутати.

Ижтимоий билиш матнли хусусиятга эга бўлгани туфайли ижтимоий фанларда семиотика муаммоси алоҳида ўрин эгаллайди. **Семиотика** (юнон. белги, аломат) — белгилар ва белгили тизимларнинг хоссаларини ўрганувчи фан. Белги хабарлар (ахборот, билим)ни ифодалаш, сақлаш ва қайта ишлаш воситаси сифатида амал қилувчи моддий предмет (ҳодиса, воқеа)дир. Тил белгилари (муайян белгилар тизимига кирувчи белгилар) ва тилга оид бўлмаган белгилар, уларнинг орасида эса — нусхалар, аломатлар, символлар фарқланади. Табиий ва сунъий тилларнинг белгилари тафовут этилади. Белгили тизимларга табиий тиллар (сўзлашув тиллари), илмий назарияларнинг гаплар тизими, сунъий тиллар, автоматлар учун дастурлар ва алгоритмлар, табиат ва жамиятдаги сигналлар тизимлари мисол бўлиши мумкин.

Белгили тизимлар сифатида тасвирий санъат, театр, кино ва музика «тиллари», шунингдек, кибернетика нуқтаи назаридан таҳлил қилинувчи ҳар қандай мураккаб бошқарув тизимлари: машиналар, дастгоҳлар, асбоблар ва уларнинг схемалари, жонли организмлар ва уларнинг айрим кичик системалари (масалан, марказий нерв системаси), ишлаб чиқариш ва ижтимоий бирлашмалар ва умуман, жамият қаралиши мумкин. Белги инсон онгида ифода ёки символ тарзида акс этади. Маданият дунёси «фикциялар дунёси» эмас, балки символик шакллар дунёсидир.

Символ (юнон. — рамз, шартли белги) — бу: 1) фанда (мантик, математика ва б.) белги; 2) санъатда — илоҳий образнинг уни англаш, ифодалаш ёки муайян бадиий образ нуқтаи назаридан тавсифи. Аллегориядан фарқли ўлароқ, символнинг маъноси унинг образи структураси билан узвий бўлиб, ўз мазмунининг чексиз кўп маънолилиги билан ажралиб туради.

Символ — моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмуни. Символнинг моҳиятини формал мантиқ доирасида аниқ таърифлаш мумкин эмас. У идрок

этувчи субъектнинг қизғин фаолиятига мўлжалланган сермаъно тизимдир. Символик фаолият инсон онгига хосдир. Немис файласуфи – неокантчи Кассирер фикрига кўра, «инсон символик ҳайвондир»; тил, миф, дин, фан «символик шакллар» бўлиб, уларнинг воситасида инсон ўзини қуршаган муҳитни тартибга солади. Символнинг маъноси фақат одамлар мулоқоти доирасида амалда мавжуд бўлади. У қанча сермаъно бўлса, шунча бой мазмун касб этади. Символ структурасининг ўзи айрим ҳодиса орқали дунёнинг яхлит образини тавсифлашга қаратилгандир.

Шундай қилиб, гуманитар билиш шундай ўзига хос хусусиятга эгаки, субъектив дунёни унинг матнлар, белгилар ва символлар, хуллас, тил тарзида амал қилувчи ташқи объектив омилларини таҳлил қилиш орқалигина аниқ билиш мумкин. Тил онг ва маданиятнинг бевосита борлиғи бўлиб, ижтимоий фанлар фақат ундан келиб чиқиши мумкин. «Матн», «белги», «маъно», «символ», «тил» ва «нутқ» каби тушунчаларсиз ижтимоий-гуманитар билим тўғрисида ҳатто сўз юритиш ҳам мумкин эмас.

Бироқ, бунда ижтимоий-маданий ҳодисаларни тўла формаллаштириш, шунингдек, буни формал белгили тизимларнинг қатъий доирасига сиғдириш мумкин эмаслигини эътиборга олиш лозим. Бу ҳолда символ формал белгидан бойроқ ва теранроқдир, чунки икки (ва кўп) маънолилик, номуайянлик, ноаниқлик ва ҳатто сирлиликка йўл қўяди.

Диалог (суҳбат, сўзлашув) ижтимоий билишда муҳим роль ўйнайди. Маълумки, диалог қадим замонлардаёқ муаммоларни диалектика ёрдамида баён этиш учун фойдаланилувчи адабий шакл сифатида машҳур бўлган (Сукрот ва Платон уни олий шакл даражасига кўтарган). Диалог ҳақида сўз юритганда Николай Кузанский асарларини, Галилейнинг «Дунёнинг икки бош тизими – Птолемей ва Коперник тизимлари ҳақида диалог» асарини, диалог мазмунни яратиш усули ҳисобланувчи Уйғониш даврининг гуманистик маданиятини ва Гадамернинг «савол-жавоб методи»ни эсга олмаслик мумкин эмас.

Юнончадан таржимада диалог икки ёки бир неча шахс ўртасидаги суҳбат, улар ўртасидаги ёзма тарзда қайд этилиши мумкин бўлган оғзаки мулоқот шакли, деган маънони англатади. Диалог мураккаб, ранг-баранг мазмунга бой ва тушуниш билан узвий боғлиқ ўзаро алоқа шаклидир. Диалогда инсоннинг икки

табий интилиши: айтиш ва ўзини эшитишларига эришиш, шунингдек, тушуниш ва тушунилишга интилишлар рўёбга чиқади. Ўз-ўзидан равшанки, буни амалга ошириш усули фалсафани амалга ошириш усулига ўхшашдир. Шу сабабли бу усулни излаш фалсафага, аниқроғи унинг асослари, яъни антик фалсафага мурожаат этишни назарда тутади.

Антик даврда нафақат боқий фалсафий масалалар қўйилган фалсафа, балки бу масалаларни ечиш усули ҳам яратилди. Бу усул диалогдир. Диалог муаммосининг ўзи ҳам «боқий масалалар»дан бири сифатида намоён бўлади. Бутун фалсафий ва илмий тафаккур тарихи мобайнида бу масалага мурожаат этиш ўзининг турғунлиги билан ажралиб туради.

Тушуниш жараёни доим диалог кўринишини касб этади, чунки тушуниш мулоқот (кўпинча билвосита мулоқот) билан узвий боғлиқ бўлиб, «субъектлар учрашуви»ни назарда тутади. Тушуниш — бу доим шахслар, матнлар, фикрлар, маданиятлар ва ҳоказолар диалогидир. Сўнгги йилларда ижодий тафаккур ва тушуниш асоси сифатидаги диалог муаммоларига қизиқиш сезиларли даражада кучайди. Бу бежиз эмас. Зеро диалогик муносабат, Бахтин таъбири билан айтганда, инсон нутқини ва инсон ҳаётининг барча муносабатлари ва кўринишларини, умуман, маъно ва мазмун касб этувчи ҳамма нарсаларни қамраб олувчи универсал ҳодисадир.

Субъектларнинг бир-бирини билиши ва ўзаро тил топиши айнан диалогда амалга ошади. Бу жараёнда икки субъектив дунёнинг ҳар бири ўз теран маъноларини намоён этади. Ижтимоий фанларда диалог мантиқи кўп жиҳатдан эксперимент ўрнини босади, десак, муболаға бўлмайди. Давримизнинг кўпгина муаммоларини ечишда диалог муҳим роль ўйнайди. Бу далил ижтимоий тафаккур соҳасида ҳам ўз аксини топади. Бу ерда унинг аҳамияти шундаки, икки одам учрашиб, ўзаро фикр алмашар экан, икки дунё, икки дунёқараш бир-бирининг қаршисида намоён бўлади ва уларнинг бирортаси ҳам шак-шубҳасиз ҳақиқий ҳисобланмайди. Ҳар ким бу дунё ҳақида ўз сўзини айтиш ҳуқуқига эгадир.

Сўнгги даврда ҳар хил сабабларга кўра сўзлаш, баҳслашиш, оғзаки тарзда мунозара қилиш «санъати» яна биринчи ўринга чиқмоқда. Натижада, риторикага қизиқиш тикланмоқда, янги

оғзаки нутқ маданиятини шакллантириш зарурати юзага келмоқда. Анъанавий риторика нутқ орқали мулоқот қилиш модели сифатида қаерда, қачон, нимани ва қандай сўзлаш лозимлигини белгиловчи анча изчил тизим (нотиклик санъати назарияси)дир. Риторика соҳасидаги ҳозирги тадқиқотлар бундай тор талқин доирасига сиғмайди ва самарали мулоқот шартлари, шакллари, қоидалари ва принциплари назариясини ташкил этади.

Бугунги кунда диалог мантиқини тузиш йўли фундаментал хусусият касб этади. Диалог мантиқини тузиш деганда оқилона диалогнинг ҳар хил моделлари назарда тутилади. Бу моделлар оқилона бўлмаган диалогларни (ва ижтимоий оғзаки мулоқотнинг бошқа усуллари ва шакллари), уларнинг иштирокчилари хулқ-атворини ҳам ўрганиш ва мулоқот жараёнларининг норматив кодексларини шакллантириш имконини беради.

Ижтимоий-гуманитар билишда диалогнинг муҳим ролини қайд этар эканмиз, бошқача ёндашувлар билан асосли мунозарада ҳақиқий диалог ўз нуқтаи назарининг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришда катта масъулият ва ўта фаолликни назарда тутишини аниқ тасаввур қилишимиз лозим. Табиийки, диалог тамойиллардан воз кечиш, онгнинг бўш қўйилишини англатмайди. У бошқа муҳим мўлжаллар ва шартларга эътибор беришни, бошқа иллюзияларнинг асосларини уларга қўшилмай қабул қилиш қобилиятини назарда тутати. Монологизм эса ҳар қандай муаммо унинг ўз асосий шартларига мувофиқ амалда ечилиши мумкин деб ҳисоблайди.

Тушунтириш. Тушуниш билан бир қаторда, билиш муҳим таркибий қисми — тушунтириш ҳам мавжуд. Тушунтиришнинг бош мақсади — ўрганилаётган предметнинг моҳиятини, ривожланиш сабаблари, шартлари ва манбаларини, ҳаракат механизмларини аниқлашдан иборат. Тушунтириш одатда, тавсифлаш билан чамбарчас боғлиқ ва илмий башоратнинг негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам тушунтириш деганда умумий тарзда муайян далил ёки ҳодисани умумлаштиришни тушуниш мумкин. Тушунтириш объектнинг моҳиятини очиб бериш билан бирга, тушунтиришни асослашда фойдаланилган билимларга аниқлик киритиш ва уларни ривожлантиришга ҳам қўмаклашади. Хуллас, тушунтириш вазифаларини ҳал қилиш

илмий билим ва унинг концептуал аппарати ривожланишининг муҳим стимулидир.

Тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели(схема) тушунтирилаётган ҳодисани маълум қонунга боғлайди. Мазкур моделда тушунтириш ҳодисани қонунлардан келтириб чиқаришни назарда тутаети. Бунда мунтазам ва зарур муносабатларнинг нафақат сабабий, балки функционал, структуравий ва бошқа турларига ҳам қонунлар деб қаралади. Тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели фандаги реал тушунтириш жараёнини эмас, балки пировард натижанигина тавсифлайди.

Оқилона тушунтириш модели гуманитар, ижтимоий фанлар соҳасида қўлланилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, маълум тарихий шахснинг қилмишини тушунтиришда тадқиқотчи мазкур субъектнинг айни қилмишига нима туртки берганлигини аниқлаш ва ушбу мотивлар нуқтаи назаридан қилмиш оқилона бўлганлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Телеологик ёки интенционал тушунтириш анча катта соҳани қамраб олади. У ҳаракатнинг оқилоналигини эмас, балки **ҳаракат** қилаётган шахс кўзлаган мақсадни, тарихий ҳодисалар иштирокчиларининг ниятини кўрсатиб беради. Машҳур файласуф ва мантиқчи Г.Х. фон Вригтнинг фикрига кўра, телеологик тушунтириш «инсон ҳақидаги фан методологиясида узоқ давр етишмаган ва қонун орқали тушунтириш моделининг ҳақиқий муқобили бўлиб хизмат қиладиган тушунтириш моделидир»¹.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, биринчидан, дедуктив-номологик модел (схема)га баъзан, тушунтиришнинг бирдан-бир илмий шакли деб қаралади. Ваҳоланки, бу нотўғри (айниқса, гуманитар фанларга татбиқан). Иккинчидан, айрим шахсларнинг хулқ-атворини тушунтиришда мазкур моделни қўллаш мумкин эмас — бу ерда рационал ва интенционал схемалар амал қилади.

Ижтимоий билишда бу иккала схема дедуктив-номологик тушунтиришга нисбатан устун туради. Дедуктив-номологик тушунтириш гуманитар фанларда ҳам қўлланилади, аммо бу ерда у табиатшуносликдаги сингари муҳим ўринни эгалламайди.

Умуман, илмий билиш масаласига келсак, унда табиат ва

¹ Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования. — М.: Наука, 1986. — 64-б.

ижтимоий ҳаётни янада теран тушуниб етиш учун тушунтиришнинг ҳар хил турларини (бир-бирига қарши қўймасдан) уйғунликда қўллаш керак.

Тушунтириш ва тушунишнинг ўзаро нисбати. Тушуниш ва тушунтириш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Аммо, тушуниш тушунтиришни, яъни ўрганилаётган ҳодисани қонунга ва сабабга боғлашни назарда тутмаслигини унутмаслик керак. Бундан ташқари, тушунишни тушунтиришга қарама-қарши қўйиш, шунингдек, инсон билиш фаолиятининг ҳар қандай соҳасида фаолият кўрсатувчи ва бир-бирини тўлдирувчи бу икки тадқиқот жараёнларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Уларни бир-биридан фарқлаб, М.М.Бахтин шундай деб ёзган эди: «Тушунтиришда фақат бир онг, бир субъект, тушунишда эса — икки онг, икки субъект қатнашади. Объектга нисбатан диалогик муносабат бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам тушунтириш диалогик жиҳатларга эга эмас (формал-риторик жиҳатдан ташқари). Тушуниш ҳар доим маълум даражада диалогик хусусиятга эга»¹.

Тушуниш ва тушунтириш (талқин қилиш)нинг ўзаро нисбати тўғрисида сўз юритар экан, Вригт мазкур тушунчаларни фарқлаган маъқул деб кўрсатади. Бу фарқни у қуйидагиларда кўради: «Бу нима?» деган саволга жавоб бериш талқин қилишнинг натижасидир. Айтайлик, намойиш нима учун содир бўлди ёки инқилобга нима «туртки» берди, деган саволларга жавоб берар эканмиз, биз содир бўлаётган ҳодисаларни нисбатан тор маънода тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Бундан ташқари, бу икки жараён ўзаро боғлиқ ва маълум тарзда бир-бирига таянади. Бир даражада тушунтириш кўпинча далилларни янада юқори даражада талқин қилишга замин ҳозирлайди»².

Аммо, ижтимоий билишда, авваламбор, унинг предмети хусусияти билан белгиланувчи тушуниш методикалари, табиатшуносликда эса — тушунтириш методикалари устун қўйилади.

¹ Бахтин М.М. Автор и герой. К философским основам гуманитарных наук. — СПб.: Питер, 2000. — 306-б.

² Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования. — М.: Наука, 1986. — 164-б.

Хуллас, тушунтириш — инсоннинг ҳамкорлик фаолиятида билиш жараёнлари объектига кирган нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини фикр узатиш, ўзаро таъсир ўтказиш, таъсирланиш, мулоқот, тақлид ёрдами билан ойдинлаштириш, хотирадаги билимлар ва ижтимоий тажрибалар билан уларни уйғунлаштирган ҳолда тушуниш сари етакловчи ақлий фаолиятидир. Тушунтириш ҳамкорлик фаолиятида (фикрни изоҳловчи — фикрни қабул қилувчи иштирокида) индивидуал, триалогик, полилогик шаклларда амалга оширилади. Ўзининг муддати, кўлами, узатиш воситалари, вербал ва невербал нутқ турлари устуворлиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Хулосалар. Биринчидан, ҳар қандай матн — уни ҳар хил тушуниш ва талқин қилишлар манбаи. Муаллифнинг матнни тушуниши — мана шундай тушунишларнинг биридир. Асар бир пайтнинг ўзида бир нечта маънога эга бўлади. Унинг рамзийлиги ҳам ана шундадир. Зотан, рамз образ эмас, балки маънолар тўпламидир. Шунинг учун ҳам матнни тушуниш унга асар (матн, санъат асари ва ш.к.) муаллифи, шунингдек, талқин қилувчи жойлаган маънолар билангина чекланиши мумкин эмас. М.М. Бахтин таъбири билан айтганда, тушуниш яхшироқ бўлиши мумкин ва лозим, у матнни тўлдирди, фаол ижодий хусусият касб этади. Аммо, матнни тушуниш, уни талқин қилишнинг муайян тарихий шароитларига боғлиқлиги уни соф психологик ва субъектив жараёнга айлантормайди.

Иккинчидан, сермаънолилик бирдан ва дарҳол намоён бўлмайди, чунки маънолар яширин, потенциал мавжуд бўлиши ва фақат келгуси даврларда ривожланиш учун қулай шароитларда ўзини намоён этиши мумкин.

Учинчидан, тарихий ривожланиш жараёнида матннинг маъноси ўзгаради. Ҳар бир давр — айниқса, буюк асарларда — янги ниманидир кашф этади. Янгича тушуниш эски маънони бекор қилади, унга қайта баҳо беради.

Тўртинчидан, матнни тушуниш — тайёр натижа эмас, балки диалектик жараён, турли маданий дунёлар диалоги, «ўзининг — ўзганинг» (Бахтин) маънолари тўқнашуви натижаси, матнлар, шахслар ва маданиятлар диалоги.

Бешинчидан, ўзга маданиятга оид матнни тушуниш — ҳозирги маданиятимизда туғилаётган саволларга жавоблар топиш демак.

Маданият – тайёр нарсалар ёки қадриятлар тўплами эмас, балки уларни ўзлаштириш, улардан фойдаланиш, инсоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти жараёнларида иштирок этиш билан боғлиқ фаол жараён. Ўз навбатида, ижтимоий-маданий воқеликни билиш мазкур тайёр маҳсулотлар дунёсини бевосита акс эттиришдан ҳам кўра, кўпроқ уларнинг орқасида турган нарсаларни, яъни инсон маънолари ва мазмунлари дунёсини акс эттиришни назарда тутати.

Тажрибавий амалий матнлар:

Тушуниш, билиш, символ, диалог, маъно, тушунтириш, тушунтиришнинг вазифаси, герменевтика, герменевтик доира, экзегетика.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Тушунтиришнинг герменевтик талқини

Тушунтириш – ўрганилаётган предметнинг моҳиятини, ривожланиш сабаблари ва манбаларини, ҳаракат механизмларини аниқлашдир

Тушунтириш объектнинг очиб бериш билан бирга, тушунтиришни асослашда фойдаланилган билимларга аниқлик киритиш ва уларни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади

Тушунтиришнинг герменевтик талқини

Тушунтириш – ўрганилаётган предметнинг моҳиятини, ривожланиш сабаблари ва манбаларини, ҳаракат механизмларини аниқлашдир

Тушунтириш объектнинг очиб бериш билан бирга, тушунтиришни асослашда фойдаланилган билимларга аниқлик киритиш ва уларни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади

Герменевтика –
изчил талқин
қилиш жараёни

**П.Рикер
герменевтиканинг
моҳияти ҳақида**

Талқинларнинг
хилма-хиллиги
герменевтика-
нинг моҳиятини
ташқил этади

Айни бир матн бир нечта маънога эга ва бу маънолар бир-бирига қўшилиб, қатлам ҳосил қилади

Тушуниш – бир онг томонидан узатиладиган, иккинчи онг эса уни ташқи инфодалар орқали қабул қилиб оладиган, белгилар маъносини тушуниб етиш жараёни

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Тушунишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Тушуниш ва тушунтиришнинг ўзаро алоқаси мавжудми?
3. Тушуниш нима?
4. Тушуниш ва тушунтиришнинг ўзаро нисбати қандай?
5. Тушунтиришнинг дедуктив номонологик моделининг моҳияти нимада?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Қуйидагилардан қайси бири тушуниш ва тушунтириш масалаларини ўрганувчи фалсафий таълимот саналади?
 - А. Герменевтика
 - Б. Софистика
 - В. Синергетика
 - Г. Феноменология
2. Фалсафий герменевтиканинг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар қайси қаторда тўғри келтирилган?
 - А. Шлейермахер, Хайдеггер, Гуссерль, Гадамер
 - Б. Кант, Хайдеггер, Сартр, Камю
 - В. Гегель, Гуссерль, Шопенгауэр, Шеллинг
 - Г. Дильтей, Ницше, Фейербах, Гадамер
3. Дильтей фикрича, тушуниш бу – ...
 - А. Матн муаллифининг маънавий дунёсига кириш
 - Б. Инсоннинг борлиққа ўзига хос муносабати
 - В. Инсоннинг дунёда мавжуд бўлиш усулидир
 - Г. Икки мазмунли уфқларнинг қўшилиши
4. Гадамер фикрича, тушуниш бу – ...
 - А. Икки мазмунли уфқларнинг қўшилиши
 - Б. Инсоннинг борлиққа ўзига хос муносабати
 - В. Инсоннинг дунёда мавжуд бўлиш усулидир
 - Г. Матн муаллифининг маънавий дунёсига кириш
5. Герменевтиканинг “олтин қондаси” сифатида эътироф этилувчи тартиб нима?
 - А. Герменевтик доира
 - Б. Тушуниш
 - В. Тушунтириш
 - Г. Б ва В жавоблар тўғри

6. Матннинг кўпмаънолилиги — ...

А. Тушуниш объекти қимматини оширади

Б. Тушунишни қийинлаштиради

В. Тушунувчини чалғитади

Г. Матн қимматини пасайтиради.

7. Герменевтикада матн сифатида — ...

А. Ҳар қандай ёзув, белги, имо-ишора, ҳаракат, символ ва бошқалар тушунилади

Б. Фақат ёзувли объектлар тушунилади

В. Фақат бадиий ижод асарлари тушунилади

Г. Ижтимоий ҳаётнинг барча ҳаракатлари тушунилади

8. Семиотика қандай фан?

А. Белгилар ва белгили тизимларнинг хоссаларини ўрганувчи фан

Б. Тарихий матнларни ўрганувчи фан

В. Символлар назарияси ҳақидаги фан

Г. Тушуниш ва тушунтиришни ўрганувчи фан

9. Моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмуни бу — ...

А. Символ

Б. Рамз

В. Ҳаракат

Г. Матн

10. Тушунтиришнинг қайси услубида тушунтирилаётган ҳодиса маълум қонунга боғланади?

А. Дедуктив-номологик моделда

Б. Интенционал моделда

В. Телеологик моделда

Г. Дедуктив моделда

11. Гуманитар, ижтимоий фанлар соҳасида тушунтиришнинг қайси услуби кўпроқ қўлланилади?

А. Оқилона тушунтириш усулида

Б. Дедуктив-номологик моделда

В. Интенционал моделда

Г. Телеологик моделда

12. Г.Х. фон Вригтнинг ушбу таърифи тушунтиришнинг қайси модели ҳақида: «Инсон ҳақидаги фан методологиясида узоқ давр етишмаган ва қонун орқали тушунтириш моделининг ҳақиқий

муқобили бўлиб хизмат қиладиган тушунтириш моделидир?»

- А. Телеологик модель
- Б. Оқилона тушунтириш усулида
- В. Дедуктив-номологик моделда
- Г. Интенционал моделда

13. Фалсафий герменевтиканинг асосий мазмуни ёритилган “Ҳақиқат ва метод” асари муаллифи ким?

- А. Гадамер
- Б. Хайдеггер
- В. Гуссерль
- Г. Дильтей

14. Қуйидаги тезис муаллифини топинг: “Герменевтика – тушунини санъатидир”.

- А. Гадамер
- Б. Хайдеггер
- В. Гуссерль
- Г. Дильтей

15. Бадий ижод герменевтикаси ривожига салмоқли ҳисса кўшган рус файласуфи ким?

- А. М.М.Бахтин
- Б. В.Н. Кузнецов
- В. Ф. Штейнмайер
- Г. А.Н.Чумаков

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. — Т.: Университет, 2005.
2. Брудный А.А. Пространство постижений. — Бишкек, 1998.
3. Метлов В. Основание научного знания как проблема философии и методологии науки. — М.: 1987.
4. Швырев В.С. Анализ научного познания. — М.: 1988.
5. Тулмин С. Человеческое понимание. — М.: 1984.
6. Познание в социальном контексте. — М.: 1994.
7. Брудный А.А. Наука понимать. — Бишкек, 1996.
8. Гусев С.С., Тульчинский Г.Л. Проблема понимания в философии. — М.: 1985.

ИЛМИЙ БИЛИШДА АХБОРОТНИНГ РОЛИ

Ахборот. Сўнгги йилларда «ахборот», «инвариантлик», «нормуайянклик» каби умумилмий тушунчалар фалсафий таҳлил предметиға айланди. Билимнинг у ёки бу тармоқларида юзага келган ва илмий билишнинг мантиқий-методологик воситалари даражасига кўтарилган бу тушунчалар нафақат объектлар ва жараёнларни кўришнинг умумий усуллари, балки ривожланаётган билимни таҳлил қилиш шакллари ҳамдир.

Энг умумий маънода ахборот нарса ва ҳодисалар ҳақидаги ҳар қандай маълумотни англатади, бироқ, ҳозиргача ахборотнинг умум қабул қилинган таърифи йўқ.

Ахборотнинг энг содда классик таърифи бу — маълумот беришдир. Н.Винер фикрича, “Ахборот — ташқи оламга кўникиш жараёнида ундан олинган мазмунни ифодалашдир”¹. Бу ерда ахборот ташқи оламни акс эттириш (гносеологик жиҳат) ва адаптация (унга кўникиш) деб ифодаланади. Л.Попов “Ахборот коммуникация ва алоқа жараёнидаги ноаниқликнинг бартараф қилиниши”² деб ҳисоблайди. Бу таърифда асосан, ахборотнинг фалсафий-психологик (коммуникация, алоқа) томонига эътибор қаратилади.

Шунингдек, Р.Эшби “Ахборот — структураларнинг меъёри, янгилик, оригиналлик”³, С.Моль эса, “Ахборот — танлаш эҳтимоллиги”⁴ деб таъриф беради. Л.Г.Свитич “Ахборот тушунчаси кўп маънога эга, лекин умумий фалсафий, метолингвистик маънода потенциал, кенг ёритилган реал моҳиятларнинг мажмуи”⁵ деб тушунади.

«Ахборот», «маълумотлар», «билим» тушунчалари кўпинча, бир-бирига ўхшатилади. Бу қисман, шу билан изоҳланадики, бир

¹ Винер Н. Кибернетика и общество. —М: Наука, 1991. — 620-б.

² Попов Л. Информациология и информационная политика. —М.: Луч, 1999. — 27-б.

³ Эшби Р. Массовая информация: стратегия и тактика потребления. — М.: Дело, 1993. —469-б.

⁴ Моль С. Информационное воздействие в современном мире. —М.: Крымский мост. — 484-б.

⁵ Свитич Л.П. Социальная информатиология. —М.: Алгоритм, 2000. — 250-б.

даражада ахборот сифатида амал қилувчи далиллар бошқа даражада маълумотлар сифатида амал қилиши мумкин. Масалан, радио ёки телевидение мухбири интервью жараёнида маълум ахборот олади. Бу ахборот жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази учун маълумот бўлиб хизмат қилади. Мазкур марказ томонидан эълон қилинган ахборотдан, ўз навбатида, юқори идора таҳлил учун маълумот сифатида фойдаланиши мумкин.

Маълумотлар муайян хулоса чиқариш ёки қарор қабул қилишга хизмат қилади. Улар сақланиши, узатилиши ва берилиши мумкин, ammo ахборот сифатида амал қилиши мумкин эмас. «Маълумотлар» тушунчаси ўзаро боғлиқ бўлмаган далиллар мажмуини акс эттиради. Маълумотларни таҳлил қилиш, алоқаларини аниқлаш, энг муҳим далилларни ажратиш ва уларни синтез қилиш йўли билан ахборотга айлантириш мумкин. Шу боис, ахборот маълумотларга қараганда кўпроқ қимматга эга бўлади. Ахборот бу оқилона фойдаланиш учун муайян шаклга солинган маълумотлардир. Ўз навбатида, ахборот блокларини тегишли тарзда ишлов бериш йўли билан яхлит билим корпусига айлантириш мумкин.

Аmmo, ҳар қандай ахборот ҳам билим бўла олмайди. Хўш, ахборот ва билимнинг ўзаро нисбати қандай? Кўпинча, бу тушунчалар бир-бирига ўхшатилади, Фалсафа қомусий луғатида билим «Кишиларнинг табиат ва жамияти ҳодисалари ҳақида хосил қилган маълумотлари»¹, деб тавсифланади. Бизнингча, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Аmmo, билим ва ахборотнинг ўзаро нисбати муаммосининг бир хил ечими мавжуд эмас.

Умуман олганда, ахборот тушунчаси билим тушунчасидан кенгроқ. Масалан, сўқмоқда ётган синган дарахт шохи ахборот беради — йўловчининг ҳаракат йўналишини кўрсатади, ammo йўл ҳақида — унинг оғирлиги, узунлиги, рельефи, сўқмоқдан ўтиш учун қулай кун вақти ёки йил мавсуми ва ҳоказолар тўғрисида билим беради. Билим — билиш фаолиятининг натижаси, мазкур фаолият ёрдамида олинган борлиқ ҳақидаги тушунчалар тизими. Бинобарин, ҳар қандай билим ҳам ахборот беравермайди. Фақат маълум даражада ўзгартирилган, тилда (овозлар, имо-ишоралар, расмлар ва б.) қайд этилган ва ифодаланган ахборотга билим деб қараш мумкин. Билим, ижтимоий ва табиий борлиқнинг белги

¹ Фалсафа қомусий луғат. — Т., Шарқ. 2004. — 40-б.

шаклидаги идеал инъикоси сифатида, ахборотдан фарқли ўлароқ, шахсий инсоний ҳодиса ҳисобланади, у субъектив шаклда мавжуд бўлади. Ахборот нафақат субъектив шаклда (билим шаклида), балки объектив шаклда ҳам мавжуддир. У ўзининг бевосита яратувчисидан ажратилган ва бошқа моддий ташувчиларда мустақкамланган. Ахборот доим алоқа тармоқлари орқали билим бериш хусусиятига эга, билим эса доим ўз яратувчисининг шахси билан боғлиқ.

Бошқа томондан, агар биз ахборотни фақат формаллаштирилган билим деб, билимни эса онгнинг мавжудлиги шакли деб тушунадиган бўлсак, билим тушунчаси ахборот тушунчасидан кенгроқ. Бирор-бир символ ёки символлар гуруҳи ўзининг фақат физик хусусиятига қўра билим бўла олмайди. Улар билимга айланиши учун маълум маънога эга бўлиши ва фаолият учун асос бўлиб хизмат қилиши, маълум прагматик муносабатларга киришиши лозим. Билим жараён ёки нарса эмас, балки субъект билан объект ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида тизимидир. Билим инсоннинг борлиққа нисбатан амалий муносабатда бўлиши жараёнида юзага келган, инсон фаолиятининг зарур шarti ҳисобланган борлиқнинг ҳиссий ва мантикий шакллардаги инъикосидир. Билим таркибида доим ахборот мавжуд, лекин бу «инсоний» ахборот ўз хусусиятларига эга. Билим — инсон онгининг таркибий қисми. Онг, билимдан ташқари, ҳиссиёт, кайфият, сезги, ирода ва ҳоказоларга ҳам эга. Билим, онгнинг таркибий қисми сифатида, улар билан чамбарчас боғлиқ. Ахборот коммуникатив жараёнга қўшилиб, билим муайян шахснинг бойлигига айланишига имконият яратади. Билим — субъект онгининг мазмуни, билиш фаолиятининг натижаси, амалда мавжуд предметларга боғланган билиш образлари мажмуи. Муайян субъект билимининг мазмуни ҳеч қачон идрок этилган ахборот мазмуни билангина чекланмайди. Идрок этиш, билимнинг алоҳида тури сифатида олинган ахборотни англаб етиш, тушуниш, талқин қилишни назарда тутати.

Илмий билимлар ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ бўлган демократик жамият шароитида билимнинг янги шаклларини излаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммо асосан, билимни семиотика воситалари ёрдамида содаллаштириш йўли билан шаклан ўзгартириш билан боғлиқ.

Билимнинг информативлиги билиш фаолиятининг барча соҳалари, коммуникатив жараёнларда муҳим аҳамиятга эга. Бунда «кундалик амалиёт, ишлаб чиқариш фаолияти, одамлар ўртасидаги муносабатларда алоқа техникаси маъносидаги ахборот миқдори эмас, балки аввало ахборотнинг мазмуни ёки бошқача айтганда информативлик муҳимдир. Зотан, ахборот миқдори қанча кўп бўлмасин, агар у идрок этилмаса, тушуниб етилмаса, ундан заррача наф бўлмайди»¹.

Билимнинг информативлиги борлиқ қонунларини аниқ акс эттирувчи ва инсонга унинг амалий-ўзгартириш ва билиш фаолиятида хизмат қилувчи тушунчалар, мулоҳазалар, концепциялар, назариялар ва билимнинг бошқа шаклларида ифодаланган муҳим ахборот мажмуидир.

Информативликнинг мазмунини қуйидагилар тавсифлайди: 1) ёритилаётган масалаларнинг муаммолилиги; 2) ўрганилаётган объектнинг хоссалари, алоқалари ва муносабатларини аниқ акс эттирувчи билимнинг муҳимлиги ва ўзига хослиги; 3) ахборотнинг янгилиги, агар у амалда ижтимоий аҳамиятга эга ва ўзлаштирилганидан сўнг фойдаланувчининг муносабатини ўзгартириши мумкин бўлса; 4) ахборотдан фаолият жараёнида фойдаланаётган субъект мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги; 5) билимнинг тушунтирувчи, башорат қилувчи ва уюштирувчи кучи; 6) билим мазмуни мантиқий-гносеологик ўзагининг хусусияти сифатидаги билимнинг инвариантлиги; 7) билимнинг номуайянлик даражаси.

Илмий билимнинг информативлиги фаннинг ҳозирги даврдаги ривожланиш қонуниятлари, аввало унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи билишдаги интеграция жараёнлари билан белгиланади. Фан интеграциялашувининг муҳим унсурларидан бири бўлган илмий ахборот интеграцияси илмий ахборотнинг бир-бирига, фаннинг бир тармоғидан бошқа тармоғига ўтишида намоён бўлади. Ҳозирги замон фанининг мантиқий-гносеологик асосларидан бири бўлган интеграция илмий билимнинг информативлик даражаси ва асосий инфор­мацион имкониятларини ўзгартиради. Бу билимнинг бир даражасидан бошқа даражасига, нарсалар ва ҳодисалар мазмунини янада теранроқ акс эттирувчи билимга ўтиш билан боғлиқ.

¹ Бирюков Б.В. Кибернетика и методология науки. — М.: Наука, 1994. — 315-б.

Хуллас, ахборот ва билим ўзаро нисбатининг бир хил таърифи мавжуд эмас. Фақат шу нарса аниқки, улар ўртасида чуқур диалектик алоқа мавжуд. Бу алоқа шу қадар чуқур-ки, баъзан ахборот ва билим тушунчалари кундалик амалиётимизда, айниқса, ҳозирги кунда информацион портлаш, деб ном олган инсон билимининг жадал ўсиши тўғрисида сўз юритилган ҳолларда бир-бирига ўхшатилади.

Дарҳақиқат, инсоният илгари ҳеч қачон ҳозиргидек, жадал суръатларда ахборот тўпламаган. Бу айниқса, илмий билимларнинг ўсишига хосдир. Агар милод бошидан илмий билимларнинг икки барабар ўсиши учун 1750 йил талаб этилган бўлса, иккинчи шундай ўсиш 1900 йилда, учинчи ўсиш эса 1950 йилда, яъни атиги 50 йил ичида содир бўлди. Бу ярим аср мобайнида ахборот ҳажми 8—10 барабар кўпайди. Агар XIX асрда илмий ахборот ҳажми ҳар 50 йилда икки барабар кўпайган бўлса, ҳозирда ҳар 20 ойда икки барабар кўпаймоқда.

Ахборот ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий тараққиётнинг муҳим ресурсидир; ундан фойдаланиш кўламлари, анъанавий ресурслардан фойдаланиш (энергия, хом ашё ва ҳ.к.) кўламларига тенг. Ахборотга сарф қилинган маблағ макроиқтисодий аҳамиятга эга. Ахборотнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти кундан кунга ортмоқда. Ахборот билан ишлаш усуллари ўзгармоқда, янги ахборот технологияларини қўллаш соҳалари кенгаймоқда.

Ахборот ўз субъекти ва объекти (манбаи) ўртасидаги ўзаро алоқа жараёнининг маҳсули (натижаси) сифатида вужудга келади. Акс эттиришнинг узатилган, инвариант қисми сифатидаги ахборот концепцияси танлаш жараёнини амалга оширишга қодир бўлган ўзини ўзи бошқарувчи тизимлар фаолиятини тавсифлаши мумкин. Ахборот мураккаб таркибли тизимларда акс эттирилган ранг-барангликнинг бошқарувга хизмат кўрсатувчи муҳим қисми, коммуникация воситаси сифатида намоён бўлади. У бир қанча хоссаларни ўзида мужассамлаштиради — нафақат акс эттириш, бошқариш, балки алоқа воситаси сифатида ҳам амал қилади. Бу ерда ахборотнинг коммуникатив жиҳати биринчи ўринга чиқади.

Ахборот — объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бўлиб, ўзини сақлаш, қайта ишлаш ва таъсир натижалари (излари)дан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий тизимларда

намоён бўлади. Ахборот бу тизимларнинг фаолият жараёнида ўз мазмунига эга. Об'ективлик, моддийлаштириш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги — ахборотнинг муҳим хусусиятларидир. «Ахборотни ўрганиш ахборот-бошқарув жараёнини таҳлил қилиш билан узвий боғлиқ, чунки ахборот унда функционал хосса сифатида мавжуддир»¹.

Информатизация нисбатан янги атама бўлиб, бизга илгари ҳам таниш бўлган “автоматизация”, “компьютеризация”, “электронизация” каби тушунчалар билан бирга ишлатилмоқда.

Бир қатор муаллифлар фикрича “Информатизация ўзига учта бир-бирига боғлиқ жараёни мужассамлаштиради”²: медиатизация — ахборотни йиғиш, сақлаш ва тарқатиш воситаларини такомиллаштириш жараёни; компьютеризация — ахборотни излаш, қайта ишлаш воситаларини такомиллаштириш жараёни; интеллектуализация — ахборотни яратиш ва идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш жараёни, яъни жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш. Бу уч жараён, айниқса, улар жамиятга жадал суръатлар билан киритилган ижтимоий тизимни радикал ўзгаришига олиб келади.

Информатика (французча information — ахборот ва automatique — автоматика) — ахборот олиш, сақлаш, унга ишлов бериш ва тақдим этиш жараёнларини тадқиқ қилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ахборот техникаси ва технологиясини яратиш, амалга жорий этиш, улардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи фан-техника фаолияти соҳасидир. Информатика табиат ва жамиятдаги ахборот жараёнларининг қонуниятлари тўғрисидаги фундаментал фанга айланмоқда. Унинг муаммолар доираси тинимсиз кенгайиб бормоқда. Информатика ахборот жараёнларини автоматлаштириш методларини ҳисоблаш

¹ Тураев Б. Информационное свойство пространства и времени // Естествознание и философия. III международный семинар. — Санкт-Петербург: 1992. — 64-б.

² Под. ред. Иноземцева В.Л. Новая постиндустриальная волна на Западе. — М. Академия, 1999, С —640. Иванова М.: Институт развития информационного общества. — М. Владос, 2002. —840-б.; Каныгин Ю.М., Маркашев В.Е. Информатизация: социальный аспект // Вестник ВОИВТ, 1990, №2 3-б.; Барулин В.С. Социальная философия. Учебник, Изд.2-е, - М.: ФАИР. Пресс, 1999, —560-б.

ва алоқа воситалари ёрдамида ўрганувчи техник фан деган қараш ортга чекинмоқда.

Информатика техник воситалари ахборот технологиясининг негизини ташкил этади. Информатика воситалари ривожланишининг тарихий босқичларини қўйидагича таснифлаш мумкин: информатика табиий воситалари (инсоний — имо-ишора, рақс, нутқ; табиий — олов, белги); информатика механик воситалари (ўрта асрлар телеграфи, матбаачилик, ҳисоблаш мосламалари, арифмометр); информатика электр воситалари (телеграф, телефон, кино); информатика электрон воситалари (телевизор, компьютер, принтер).

Технология деганда И. Кудашев, кенг фалсафий маънода, билимлар ҳолати ва ижтимоий самарадорлик билан белгиланган жамият томонидан қўйилган мақсадларга эришиш усулларини тушунади¹. Одатда, технология деганда оқилона ишлашнинг инструментал усули тушунилади. Моддий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, технология ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш усуллари ва воситалари, сунъий объектлар яратишга йўналтирилган табиий жараёнларни бошқариш тўғрисидаги билимлар мажмуидир. Янги технологияларнинг устунлиги шундаки, улар меҳнат предметидан маълум маҳсулот яратиш жараёнида бу предметнинг тузилишини ўзгартиради. Технология бутун ишлаб чиқариш жараёнини тубдан қайта қуришнинг фундаментал негизига айланди.

Информатика соҳасидаги тараққиёт ҳозирги жамиятнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётини тубдан қайта қуриш, уни демократлаштириш, структуравий профессионал ўзгаришларни амалга ошириш, бошқарувни такомиллаштириш билан боғлиқлиги бежиз эмас.

Ҳозир информатика усуллари ва воситалари инсоннинг бутун тафаккурига катта таъсир кўрсатмоқда — назарий-информацион ёндашув ва компьютерлар одамлар турмушига кириб бормоқда. Информатика назария, объектив борлиққа янгича назар ва техника воситалари мажмуи сифатида илмий билишга, илмий тадқиқотларни ташкил этишга ва уларнинг натижаларини амалга

¹ Кудашев В.И. Иррациональное сознание информационной эпохи // Вестник РФО. — М.: 2001, №3. — 95–98-б.

тадқиқ қилишга жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Қадимдан мерос қолган илмий тафаккурнинг эски оқилона усули, мавҳум ўзгармоқда. Мураккаб назарияларни бевосита текшириш ҳамда бундай текширув натижаларини сон кўринишида ифодалаш имконияти пайдо бўлмоқда, уларни турли фанларда тадқиқ қилишга нисбатан миқдорий ёндашув доираси кенгайиб бормоқда. Фан жуда улкан ахборот тўпламига катта тезликда ишлов бериш имкониятига эга бўлди. Дунё миқёсидаги ахборот тизимлари, чунончи, Интернет орқали илмий фаолиятнинг байналмилаллашуви содир бўлмоқда. Шахсий компьютерлар илмий фаолиятнинг чекланганлигини бартараф этишга имконият яратмоқда. Билимларга қатъий мантиқий ишлов бериш учун уларни формализация қилиш усуллари фанга жорий этилмоқда.

Айни вақтда, информатика тадқиқ қилинаётган объектларни дисплей экранда схемалар, графиклар, жадваллар шаклида акс эттириб, уларни ҳиссий идрок этиш соҳасини кенгайтирмоқда. Мазкур образларни информатика мавҳум қарашлар билан боғламоқдаки, бу мавҳумлик муайян юксалишнинг ўзига хос шаклидир.

Механика, информатика соҳаларидаги ҳамда техниканинг айрим тармоқлари (микропроцессорли техника, машиналар ва агрегатларнинг ҳаракатини компьютерда бошқариш)даги билимлар негизида ҳозир жадал ривожланаётган янги техник фан — мехатроника вужудга келди. Бу фан номининг ўзи «механика» ва «электроника» атамаларини ўзида мужассамлаштирган. Бу фаннинг «гибрид» хусусиятидан далолат беради. Дарҳақиқат, мехатроника компьютерда бошқариладиган машиналар ва тизимлар яратиш ва улардан фойдаланишга йўналтирилган механика, информатика ва электроника воситалари ва тамойиллари мажмуидир.

Компьютерлар илмий ходимларни оғир меҳнатдан халос этиб, илмий ижод учун қўшимча имконият, ижодий тафаккур эркинлигининг ошиши учун шарт-шароит яратмоқда. Компьютерлар олимга жуда катта ахборот тўпламидан фойдаланиш имконини беради, тизимли тадқиқ қилиш ва илмий моделлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Информатика фалсафий билимнинг ўзига хос соҳаси —

техника фалсафасининг жадал ривожланишини белгилаб берди. Техника фалсафасида кучайиб бораётган техника, унинг ривожланиш қонунлари ҳақидаги билимни техниканинг ижтимоий функцияларини тушуниш, уни амалда қўллаш оқибатлари билан бирлаштиришга уриниш, техника фалсафасидан техносифияга — техника фалсафасининг ривожланишидаги сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш масаласини кўтариш имконини беради.

Фалсафа, информатика, кибернетика, синергетика, социология ва иқтисодиёт туташган жойда илмий билимнинг интеграл соҳаси — ижтимоий ривожланишнинг ахборот назарияси шаклланади. Бу назария доирасида ахборот иқтисодиёти марказий ўринни эгаллайди. Ахборот иқтисодиёти нуқтан назаридан, иқтисодий тизимларнинг ташкил топиши ва ривожланиши қонунлари информатика қонунлари билан белгиланади. Ахборот жамиятида инсоннинг янги роли ва ўрнини тадқиқ қилиш ахборот иқтисодиётининг асосий вазифасидир.

Информатика янги илмий йўналишлар ва янги фанларни вужудга келтирибгина қолмасдан, балки илмий билим анъанавий соҳаларининг таркиби ва тузилишига катта таъсир ҳам кўрсатади. Чунончи, математикада унинг ҳисоблаш математикаси, чизиқли дастурлаштириш каби янги тармоқлари вужудга келди. Математик билимнинг шу пайтгача амалда қўлланмаган тармоқлари, масалан, ўйинлар назарияси қўллана бошланди. Илмий-тадқиқот лабораторияларида нафақат ўлчаш амалларини тез бажариш ва тадқиқотчига тегишли ахборот беришга, балки олинган ахборотга қараб эксперимент жараёнини бошқаришга ҳам қодир бўлган ўлчаш-ҳисоблаш комплексларидан фойдаланила бошланди. Компьютерлардан фойдаланиш фанда математикадан фойдаланиш соҳасини кенгайтирди, бошқа фанларнинг математикалашувига олиб келди ва ҳатто биоматематика сингари янги фанларни ҳамда чуқур вакуумни, космосни, мега ва микродунёнинг мураккаб ҳодисалари ва жараёнларини тадқиқ қилишга йўналтирилган фанларни вужудга келтирди.

Илмий билимларни ўқув билимларига айлантириш жараёнида информатика катта роль ўйнайди. Информатика ҳар хил таълим дастурлари тузиш, назорат масалаларининг назорат счимлари алгоритмларини ишлаб чиқиш, расми, графикли, диаграммали,

жадвалли, формулалари ва чиройли сарлавҳали матнлар тузиш, лаборатория топшириқларини ишлаб чиқиш, ўрганилаётган материалнинг ўзлаштирилиши устидан назорат қилиш орқали фаннинг энг янги ютуқлари таълим жараёнига нисбатан тез кириб келишига имконият яратлади.

Фаннинг интеграциялашуви информативликнинг муҳим хусусиятларидан бири — билимнинг тушунтирувчи ва башорат қилувчи кучини оширади. Илмий билишга информативликни инвариантлик орқали таҳлил қилиш хос. Информативлик инвариантлик маъносидан кўп жиҳатдан концептуал тизимларнинг тушунтирувчи кучи ёрдамида ифодаланади.

Илмий ахборот коммуникатив жараёнга қўшилиб, билиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш воситасига айланади. Бу билимнинг информативлигига нисбатан гносеологик ва социологик ёндашувларнинг бирлиги билан белгиланади.

Шундай қилиб, билимнинг информативлигини ўрганиш илмий фаолиятга нисбатан мантиқий-гносеологик, социологик ва психологик ёндашувларнинг бирлигини назарда тутди. Билимнинг информативлиги объектив ва субъектив нарсалар ва ҳодисаларнинг фалсафий бирлигидир. Информативлик билим объектив мазмунининг хусусияти бўлгани ҳолда, айна вақтда фойдаланувчиларнинг ахборотга муносабати сифатида ҳам намоён бўлади. Бу муносабат муайян шахснинг маънавий дунёси, билиш фаолиятини амалга оширишнинг психологик хусусиятлари билан белгиланади. Фойдаланувчи ижтимоий-коммуникатив жараёнига қўшилган ахборотни унинг объектив мазмуни ва ижтимоий аҳамияти, объектив ижтимоий-иқтисодий қонуниятлар нуқтаи назаридан қабул қилиши ва тушуниши лозим.

Билимнинг информативлиги илмий фаолиятни ўзгартириш, билиш, ижтимоий-коммуникатив ва психологик жиҳатларини қайд этишни тақозо қилади. Социологик ёндашув шуни кўрсатади-ки, билимнинг информативлик даражасини, моддий ишлаб чиқаришнинг ўсиши, моддий-ўзгартириш фаолияти асосий вазифалари комплекс, интегратив хусусиятининг кучайиши ҳам, илмий коммуникацияларнинг ривожланиши ҳам оширади. Билимнинг янги унсурлари вужудга келишида ижтимоий-коммуникатив жараёнга қўшилган, ўзлаштирилган ижтимоий муҳим унсурлар фаол иштирок этади.

Ҳозирда нафақат назарий, техник ва амалий информатика, балки ижтимоий информатика ҳам фарқланади. «Ижтимоий информатика жамиятни ахборотлаштириш жараёнларини, унинг ижтимоий оқибатларини ўрганиш билан шуғулланади»¹.

Ижтимоий информатика ахборот жамиятини шакллантиришнинг илмий негизидир. У илмий тадқиқотларнинг тўрт асосий йўналишини ўз ичига олади: «жамиятнинг ахборот ресурсларини ҳамда жамиятнинг уларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш; жамиятнинг информацион салоҳиятини тадқиқ қилиш; ахборот жамиятининг ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш; ахборот жамиятидаги янги имкониятларни ва шахс муаммоларини тадқиқ қилиш» шулар жумласидандир. Зеро, информатика фан сифатида ахборот технологиясининг назарий негизидир.

Ахборот инқилоби. Инсон фаолияти унга нисбатан ташқи уч омил – модда, энергия ва ахборотга асосланади. «Техник тараққиётда уч асосий унсур: билим, энергия ва материал иштирок этади, – деб қайд этади Ж. Томсон. – Кишилиқ жамияти табиат устидан қай даражада ҳукмронлик қилиши мана шу уч унсурга боғлиқ. Улар орасида билим асосий унсур эканлиги шубҳасиз; билимсиз қолган икки унсур бефойдадир»². Техник тараққиётда ахборот шаклидаги билимни узатиш ва қабул қилиш техник воситалари доим муҳим роль ўйнайди.

Жамият, унинг маданияти, техник ва илмий тараққиётнинг ривожланишига қараб, ахборот техник воситалари ҳам ўзгариб боради. Одатда, тил, ёзув, матбаачилиқ ва замонавий технологияларнинг кашф этилиши билан боғлиқ ахборот инқилоблари қайд этилади. Бундай инқилоблар сифат жиҳатидан ҳар хил жамиятлар пайдо бўлишига олиб келган. Бу фикр ижтимоий ривожланишнинг бошқа сабабларини инкор этувчи технократик детерминизм ҳисобланади. Аммо, ахборотнинг йўқлиги кишилиқ жамиятининг ривожланишини маълум даражада чеклайди. Шу боис, Д.С. Робертсоннинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин: «Янги цивилизацияга ўтилишига олиб

¹ Шермухамедова Н.А. Социально – философские аспекты формирования стиля научного мышления и его методологическое значение. Дисс. на соис. учен. степ. док. филос. наук., – Т.: 2002. –178-б.

² Томсон Дж. Предвидимое будущее. – М.: 1978. –40–41-б.

келган ҳар бир информацион портлаш одамларнинг турмуш тарзи, маданияти ва ҳ.к.ни тубдан ўзгартирган. Янги даражадаги цивилизацияга ўтишга олиб келувчи ҳозирги информацион портлаш олдинги барча портлашлардан кучли ва салмоқлироқдир»¹.

Ижтимоий тараққиётнинг дастлабки босқичларида одамлар ахборот узатиш табиий воситаларидан фойдаланганлар ва кейинчалик, уларни яратганлар. Тошлар, чирмовуқлардан ясалган тугунлар, гулханлар, овозлар ва имо-ишоралар шулар жумласидан. Жамият ривожланишининг кейинги, цивилизацион босқичида ахборот технологияси сунъий ташқи хогира — ёзувнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ёзув инсоннинг биологик эволюциядан ижтимоий эволюцияга ўтишида катта роль ўйнади, унинг борлиқни билиш ижтимоий хусусияти даражасини анча оширди. Ахборот техникасининг ривожланишидаги кейинги босқич ахборот узатиш техник воситалари (телефон, телеграф, радио)нинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Аммо, инсоннинг акс эттирувчи тизим сифатидаги психофизиологик имкониятлари аста-секин бошқариладиган жараёнларнинг мураккаблиги билан тўқнашди ва бу мутлақо янги ахборот воситаси — компьютерлар пайдо бўлишига олиб келди.

Компьютерлар пайдо бўлиши билан ахборот воситаларининг ривожланишида янги босқич бошланди. Инсон техник воситалар ёрдамида ўз организмнинг психофизиологик чекланганлигини енгишга ҳаракат қилиб, ахборот техникасига ақлий меҳнат, ахборотга ишлов бериш ва ҳатто айрим мавҳум фикрлаш функцияларини юкламоқда.

Замонавий ахборот техник воситаларининг пайдо бўлиши фан-техника тараққиётининг илғор ютуқлари — электрон саноат, алоқа техник воситалари, аудиовизуал техникага асосланади. Информатика фан ва ишлаб чиқаришнинг янги муносабатларини ўзида мужассамлаштирди.

Компьютерлар ривожланиши ҳозиргача беш авлодни ўз ичига олади. 1937 йилда америкалик физик Ж. Атанасовда диссертация устида ишлаш жараёнида ҳисоблаш амалларини автоматлаштириш гоёси туғилади ва у ўз аспиранти К. Берри билан ҳамкорликда

¹ Робертсон Д.С. Информационная технология. — М.: Прогресс, 1998. — 24-б.

компьютер моделини яратди. Бу моделни улар 1942 йилгача такомиллаштирадидлар. Айни шу вақтда бу йўналишда АҚШда А. Феллис ва Россияда С.А. Лебедев ҳам иш олиб борди. Сал кейинроқ электрон лампаларда ишлайдиган компьютерлар — АҚШда ЭНИАК ва Англияда КОЛОС компьютерлари яратилди. 1946 йилда Ж. Фон Нейман компьютерлар ясашга оид бир қанча янги ғоялар таклиф қилди¹. Мана шу ғоялар негизида ҳозиргача мавжуд компьютерлар архитектураси яратилди.

1949 йилда Буюк Британияда конструктор М. Уилкс Ж. Фон Нейман ғояларини ЭДАК машинасида техник жиҳатдан гавдалантириб, сақланадиган дастурли биринчи компьютерни яратди. Сал кейинроқ, 1951 йилда Россияда МЭВМ компютери яратилди. Сақланадиган дастурли лампали компьютерларни серияли ишлаб чиқаришга ўтилиши билан биринчи авлод компьютерлари даври бошланди.

Лампали диодларнинг ярим ўтказгичли диодлар билан, лампали триодларнинг транзисторли триодлар билан алмаштирилиши, ферритли ўзақларда тезкор хотирани ва магнитли дискларда узоқ муддатли хотиранинг яратилиши, алгоритмик тилларнинг пайдо бўлиши иккинчи авлод компьютерларига хос. Учинчи даврнинг бошланиши интеграл схемалардаги ИБМ—360 компьютерларининг ишлаб чиқиши билан боғлиқ. Кейинчалик, мос келадиган периферияли қурилмалар компьютерлар, кичик интеграл схемалардаги мини-компьютерлар яратилди. Ҳозир катта интеграл схемалардаги тўртинчи авлод компьютерларидан фойдаланилмоқда. Микропроцессорлар яратилмоқда, улар микрокомпьютерлар яратиш имконини бермоқда. Микропроцессорларнинг яратилиши ахборот техникасида шу қадар катта силжиш содир бўлишига олиб келдики, ҳозирда микропроцессор инқилоби тўғрисида қўп сўз юритилмоқда. Шахсий компьютерлар пайдо бўлди ва улар ялпи компьютерлашишга асос солди.

80-йиллар бошидан бешинчи авлод компьютерлари устида иш бошланди. Бундай компьютерлар ўта катта интеграл схемалар ва сифат жиҳатидан янги архитектура асосида қурилади: Фон Нейман

¹ Раҳмонқулова С.И. Шахсий компьютерларда ишлаш. — Т.: Университет, 1996. — 86-б.

структураси ўзак шаклида сақланади, унинг атрофида янги блоklar жойлаштирилади. Мазкур блоklar, хусусан, фойдаланувчи билан компьютер ўртасида табиий тилга яқин тилда алоқа боғланишини таъминлайди. Маълум фан соҳасига оид билимлар базаси структурада муҳим ўрин эгаллайди. Сунъий интеллект ғояси негизида ишлаб чиқилган моделлар ва воситалардан кенг фойдаланилади. Аммо, сунъий интеллект тизимини ишлаб чиқиш бешинчи авлод компьютерлари вазифасидир.

Бешинчи авлод компьютерлари устида иш 1978 йилда Японияда, амалда эса — 1982 йилдан бошланди. Бу иш 10 йилга мўлжалланган эди. Тегишли лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг мақсади — компьютер тизимлари ёрдамида кейинги ўн йилликда юзага келиши мумкин бўлган жамиятнинг муҳим эҳтиёжларини қондириш, чунончи, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқаро ҳамкорликда Япониянинг янада кенгроқ иштирок этишини таъминлаш, энергия ва фойдали қазилмаларга бўлган талабни қондириш, ёшларнинг маълумот даражасини ошириш ва ҳ.к. Лойиҳа машинада таржима қилиш, инсон-компьютер диалог, мантиқий дастурлаштириш, машинада лойиҳалаш дастурларини ҳам ўз ичига олди. Инсон учун энг табиий интерфейсни яратиш, машина билан табиий тилда алоқа қилишга эришиш бош вазифа қилиб қўйилди.

1982 йилда ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун Япониянинг 8 фирмаси Токиода янги авлод компьютерлари институтини ташкил қилди. Ишга «фан самурайлари» — фаол ва ижодий фикрлайдиган ёш олимлар жалб этилди. Улар ҳукумат органлари қўмагида компьютер ва эксперт тизимларини техник ва дастурий таъминлаш воситаларини яратиш устида иш бошладилар. Супержамғаргичлар, эксперт тизимлари, билим банклари ва 16 мегабайтли чип яратилди. Бироқ, мазкур дастурнинг кўпгина бандларини амалга оширишда олимлар катта қийинчиликларга дуч келдилар ва улар бажарилмай қолди. Аммо, лойиҳа устида ишлаш жараёнида интеллектуал компьютер яратиш имконияти синовдан ўтказилди. 1991 йилда Японияда «Ахборотга ишлов бериш янги технологияси» янги ўн йиллик дастурининг турли жиҳатлари муҳокама қилинди. Бу дастур олтинчи авлод компьютерлари лойиҳаси деб баҳоланди.

Японияда амалга оширилган янги авлод компьютерлари

яратиш бўйича миллий лойиҳалар бошқа мамлакатларда ҳам шундай ишлар амалга оширилишига туртки берди. Чунончи, 1984 йилда АҚШда 10 йилга мўлжалланган «Стратегик компьютер ташаббуси» дастури қабул қилинди. 2001 йилгача суперкомпьютер имкониятларига эга бўлган интеллектуал компьютер яратилиши ҳақида эълон қилинди. Францияда 1983 йилдан бешинчи авлод компьютерлари яратишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича олти лойиҳа устида иш бошланди. Шунга ўхшаш дастурларни Германия ва Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ҳам ишлаб чиқди. 1985 йилдан Россияда ҳам Фанлар академиялари ҳамкорлиги доирасида 11 лойиҳа устида иш бошланди, лекин 1987 йилда улар тўхтатилди ва компьютер ишлаб чиқариш ҳажмлари Россияда АҚШдаги даражанинг 1% гача камайди. Ҳозирги кунда компьютер саноатида, илғор технологияларнинг бошқа турларида бўлгани сингари, жаҳонда, айниқса, АҚШ ва Япония ўртасида кескин рақобат кетмоқда.

Компьютер техникасининг ривожланиш истиқболлари ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд. Айрим мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда компьютерлар сифати ва миқдорида ақл бовар қилмас ўсиш содир бўлади. Бошқаларнинг тахминига кўра эса, кремнийли технология ўз аҳамиятини йўқотиши натижасида, бунинг батамом тескараси бўлади. Аммо, ҳозирда ярим ўтказгичли бошқа материаллар ҳам синовдан ўтказилмоқда, истиқболда компьютерлар конструкциясига нисбатан «нейронли-тармоқли» ёндашув, оптик элементлар, молекуляр биология негизида компьютерлар яратиш назарда тутилмоқда. Ҳар доимгидек, бир табиий тамойилнинг эскириши янги табиий тамойиллар, материаллар, энергияга ўтилишига олиб келади.

Дастурий таъминлаш воситалари ишлаб чиқиш йирик тармоққа, дастурчи касби — оммавий касбга айланди. Чунончи, АҚШда ҳозир дастурлаштириш саноати йилига 30% га ўсмоқда. Жаҳон дастурий маҳсуллар ишлаб чиқариш саноатининг 70% га яқини АҚШга тегишли эканлиги бежиз эмас. Дастурий хизматлар кўрсатувчи фирмаларнинг умумий миқдори АҚШда 4000 дан, Буюк Британияда — 3000 дан, Японияда эса — 2500 дан ошиб кетган¹.

¹ Қаранг: Арипов М. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. — Т.: Университет, 2001. — 306-б.

Ҳозирги замон ахборот технологияси илғор номеханик технологиялар орасида муҳим ўрин эгаллайди. У жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатади. Бу жараён жамиятни ахборотлаштиришни индустриал саноат ўрнига келаётган техноген цивилизацияни ривожлантириш босқичига айлантиради.

Сўнги йилларда олимларнинг умумий сони ҳам кўпайди. Агар 1910 йилда дунё бўйича 15 минг нафар илмий ходим фаолият кўрсатган бўлса, 1962 йилда уларнинг сони 2 млн.дан ошиб кетди. Олимлар сонининг кўпайиши билан бир вақтда илмий асарлар миқдорининг ўсиши ҳам қайд этилмоқда: 1665 йилда ер юзида биринчи илмий журнал пайдо бўлди, 1865 йилга келиб 1000 номда илмий журналлар нашр этила бошланди, 1965 йилга келиб эса бундай журналлар миқдори 100 мингдан ошиб кетди (уларда йилига 5 млн.дан ортиқ мақола эълон қилинади).

Информацион портлаш техник тараққиёт суръатининг тезлашишига, кашфиётлар миқдори кескин ўсишига туртки берди. Сўнги 10 йилда олдинги 2000 йилдагига қараганда кўпроқ кашфиётлар пайдо бўлди. Янги маҳсулларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш даври изчил қисқариб бормоқда: буғ машинасини ўзлаштириш даври — 100 йил, паровозни ўзлаштириш даври — 34 йил, дизелни ўзлаштириш даври — 19 йил, реактив двигателни ўзлаштириш даври — 14 йил, турбореактив двигателни ўзлаштириш даври — 10 йил, автомобиль двигателини ўзлаштириш даври — 7 йил, транзисторларни ўзлаштириш даври — 5 йил, лазерни ўзлаштириш даври эса — атиги 2 ойни ташкил қилади. Бунда ҳар бир янги кашфиёт ва кўпайиб бораётган билимлар ҳажми бир ёки бир нечта янги кашфиётларга туртки бермоқда.

Информацион портлаш ахборот инқирозини келтириб чиқарди, яъни ўсиб бораётган ахборот ҳажми билан уни идрок этишнинг чекланган имкониятлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келди. Тўғри, информацион портлаш одамларни маълум даражада шошириб қўйди. Аммо, одамлар муаммони юзага келтиргач, қоида тариқасида, унинг ечимини ҳам топадилар. Информатика янги воситаларини ишлаб чиқиш фаннинг илғор ютуқларидан фойдаланишга асосланади ва, ўз навбатида, илмий билимнинг янги соҳалари шаклланиши ва ривожланишига туртки беради.

Инсоният ҳамда инсон фаолияти турли соҳаларининг

глобаллашувида Интернет катта роль ўйнайди. Интернет — жаҳон ахборот тизими ёки бир-бири билан узлуксиз боғланган тармоқлар бирлашмасидир. Мазкур тармоққа уланган ҳар қандай компьютер бошқа компьютер билан бир лаҳзада боғланиши мумкин. Мазкур жаҳон ахборот тизими ўзига хос кибернетик муҳитни, идеал борлиқни, ўз тушунчалари, қадриятлари, фикрлаш тарзи ва тилига эга кибернетик маданиятни вужудга келтиради. Интернет тармоғига уланган компьютерлар миқдори 1969 йилги 4 компьютердан 1994 йилда 3,2 миллион компьютерга етди. Ҳозирги кунда Интернет бутун дунёни қамраб олган, жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакатида 15 миллионга яқин абонентга эга бўлган глобал компьютер тармоғидир. Тармоқ ҳар ойда 7—10% га ўсиб бормоқда. Бугун Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 700000 нафардан ошиб кетди. “UZ” миллий тармоқида эса 3000 дан ортиқ сайт рўйхатдан ўтган. 2004 йил якунларига кўра ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасида кўрсатилган хизматлар миқдори 300 млрд. сўмни ташкил қилади¹. Компаниялар билан уларнинг ҳамкорлари ёки мижозлари ўртасидаги ташқи муносабатларда ҳам, компанияларнинг ички тузилишида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Тижорат фаолиятини олиб боришнинг янги йўналишлари пайдо бўлибгина қолмасдан, мавжуд йўналишлар ҳам тубдан ўзгарди. Бундай ўзгаришлар ҳар қандай давлатда вужудга келган «гибрид» фаолият соҳалари устидан назорат қилувчи тегишли тузилмаларни ташкил этишни тақозо этади. Ҳозирги пайтда 28 йўналиш бўйича дунёнинг 180 мамлакатига чиқадиган тўғридан-тўғри алоқа каналлари ташкил қилинган. Рақамли халқаро телефон каналлари улуши 84, 7 фоизни ташкил қилади.²

Нанотехнологиялар. Нано (юнонча «нанос» сўздан олинган ва митти) физиканинг ўлчов бирликларидан бўлиб, миллиарддан бирни ифодалайди. Масалан, 1 нанометр метрнинг миллиарддан бир улуши. Инсон соч толаси ўртача 100 000 нанометрга тенг. Атомлар ва улар орасидаги масофа ҳам нанометрларда ўлчанади.

¹ Ғофуров Б., Хидиров К. Интернет ва миллат манфаати / Халқ сўзи, 2005. 13 май.

² Замоновий рақамли ахборот телекоммуникация ва компьютер технологияларини жорий этиш вазифалари// Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Масъул муҳаррир Назаров Қ.Т.: Академия, 2005. — 59-б.

Нанотехнология атамасини биринчи бўлиб, 1974 йилда япон олими Норио Танигучи алоҳида атомларни бошқариб, янги объект ва материаллар тузиш жараёнини изоҳлаш учун ишлатган. Илк нанотехнологиялар Швейцариянинг ИВМ лабораторияларида ихтиро қилинган. 1982 йилда сканирловчи зондли микроскопни яратган Герд Биннинг ва Генри Рорерлар 1986 йилда ушбу кашфиёт учун Нобель мукофотини олганлар. Нанонайчаларнинг қалинлиги соч толасидан ўн минг марта кичик, аммо мустаҳкамлиги пўлатдан ўн марта катта. Келажакда бир метр узунликдаги нанонайчалар синтез қилинишига эришилса, саноат ва техникада катта ўзгариш рўй бериши мумкин. Чунки, юзлаб килограмм юкни кўтарадиган соч толасидек ингичка материал жуда кўп соҳаларда фойда бериши кўзда тутилмоқда. Экспертлар фикрича учинчи минг йиллик нанофан ва нанотехнологиялар асри бўлади. Яқин 40–50 йил ичида наномаҳсулот ва нанотехнологияга бўлган бизнес иқтисод энг ривожланган тармоққа айланади. Нанобнотехнологиялар воситасида тиббий хизмат ривожланади ва инсон соғлиғини сақлашда янги имконият пайдо бўлади, жумладан, инсон томир ва тўқималарида ҳаракатланиб, касалланган ҳужайрани топиб, ўлдирадиган наножарроҳларни яратиш кўзда тутилмоқда. Барча алоқа тармоқларини бирлаштирувчи глобализация янги алоқа тизимини ўрнатиш имкони туғилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1975 йилда Тошкент давлат техника университетини тамомлаган Анвар Зоҳидов, 2001 йилда Техас университетига Нанотехнологиялар институтига асос солишда иштирок қилди. Ҳозирда ушбу институтнинг директор ўринбосари ва “Nanosience” халқаро журнали муҳаррири лавозимида ишламоқда.

Ахборот технологияси – бу ахборотни танлаш, жамғариш, таҳлил қилиш ва фойдаланувчига етказиб беришга йўналтирилган ҳисоблаш техникаси, электр алоқа, информатика имкониятларининг уйғунлигидир.

Ишлаб чиқариш жараёни замирида ётувчи ҳар қандай технологияни таърифлашда ишлов бериш предмети, усул ва методларини, ишлаб чиқариш қуролларини, ишлаб чиқариш усулларининг тавсифини ажратиш мумкин. Технология жараён сифатида тартибга солинган ва ташкил этилган бўлади. Аммо,

анъанавий технологиялар моддий-энергетик омилларга таянса, ахборот технологияси ахборотга асосланади. Ахборот технологиясининг негизини моддий эмас, балки идеал омиллар ташкил этади. Ахборот технологияси ахборотнинг айланиши ва унга ишлов бериш жараёнлари мажмуи, шунингдек, бу жараёнларни тавсифлаш, деб таърифланади. Ахборот, маълумотларга ишлов бериш ва айланиш объектлари ҳисобланади. Ахборотга ишлов бериш жараёнларининг технологик маршрутлари ва сценарийларини тавсифлашнинг таркибий қисмларини яратиш мумкин. Шу боис, ахборот технологияси тушунчаси икки хил — назарий ва амалий нуқтаи назардан талқин қилинади. “Назарий нуқтаи назардан ахборот технологияси илмий-техник фан бўлиб, унинг доирасида ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муаммолари тадқиқ қилинади. Амалий нуқтаи назардан ахборот технологияси ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнлари мажмуи, муайян соҳага боғлиқ бўлган ва замонавий техник-иқтисодий воситаларда амалга оширилган мана шу жараёнларнинг тавсифидир¹.

Ҳозирги замон ахборот технологияси ўтмишнинг телеграф, телефон, радио, телевидение сингари техник ютуқларидан фойдаланади. Илмий-техник тажрибадан келиб чиқиб, ахборотни машина ўқийдиган ташувчиларда жамғариш воситалари яратилди. Бундай воситалар вақт ва маконда бирон-бир чеклашларсиз ахборотни Ер куррасининг исталган нуқтасига етказишни таъминлайди. Ниҳоят, белгиланган алгоритмлар бўйича компьютерлар ёрдамида ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилди.

Информацион вазият бугун ахборот жараёни майдонини ифода этади. Шу сабабли ахборотнинг ўзи эмас, балки у амалда ўз аксини топган фаолият ёки хулқ-атворни бошқариш тизимидаги алоқалар, функциялар ва механизмлар ўрганиш предметини ташкил этади.

Интегратив жараёнлар назарий тизимларнинг теранлик

¹ Мамфорд Л. Миф машины. Техника и развитие человечества. —М.: Логос, 2001. — 58-б.

даражасини ошириб, назария ва эмпирик маълумотларнинг қўлланиш доирасини кенгайтиради. Назария мазмунининг янада теранлашуви информативлик даражасининг ошишига, тушунчалар ҳақидаги ахборотнинг интегратив жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Шундай қилиб, фаннинг интеграциялашуви тушунчалар тизимларининг информативлигини уларнинг ўзаро алоқаси асосида рўёбга чиқариш механизми ҳисобланади.

Ижтимоий ахборот. Ижтимоий ахборот табиатини тушунтиришда ахборот жараёни турларидан бири — ижтимоий-коммуникатив жараён муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий ахборот — билимнинг шундай бир қисмики, у маълум моддий жисмларда қайд этилган ва белгилар тизимида ифодаланган ҳолда ижтимоий-коммуникатив, субъектлараро жараёнга қўшилиб, идрок этилади ва олимнинг билим даражасини ўзгартиради, шунингдек, унинг ўзи ҳам ўзгартирилиб, ундан фаолиятнинг турли жабҳаларида фойдаланилади. Шу маънода билим тушунчаси олимнинг билим жараёнини гносеологик томондан, ахборот тушунчаси эса, асосан, коммуникатив томондан тавсифлайди, деб айтиш мумкин.

Олим фаолиятининг ўзига хос томони ахборотни талқин қилиш имкониятидан етарли фойдалана олишида. Бироқ, билиш фаолиятининг гносеологик (акс эттириш) ва коммуникатив жиҳатларининг фарқланиши (тегишли равишда билим ва ахборотнинг фарқланиши) уларнинг муштараклигини тушуниш билан тўлдирилиши лозим. «Ахборот коммуникатив жараёнга қўшилиб, билим муайян олимнинг қадриятлари жабҳасида ривожланишига кўмаклашади»¹.

Ижтимоий ахборотни ўзлаштириш учун уни англаб етиш ва талқин қилиш лозим. Билиш жараёни икки фаолият тури — интериоризация ва экстериоризацияга асосланади. Ахборот-билиш нуқтаи назаридан интериоризация олимнинг ижтимоий-коммуникатив жараёнларда моддийлашган ижтимоий (шу жумладан, илмий) ахборотни англаб етиш, уни ижодий ўзгартириш борасидаги фаолияти, экстериоризация эса, янги ахборот яратиш борасидаги фаолиятдир. Шу сабабли олим билиш

¹ Шульман Е.А. Социальное реагирование на информацию. — Т.: Узбекистан, 1993. — 80-б.

фаолиятида гносеологик, ижтимоий-коммуникатив ва психологик жиҳатлар муштаракдир. Табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги мавжуд ахборотни ўзлаштириш жараёнида олимларда англаб етилмаган объектлар ва жараёнларни билишга эҳтиёж туғилади. У субъектлараро коммуникатив жараёнга қўшилиб, билиш эҳтиёжи объектига айланади ва ижтимоий мероснинг функционал-генетик таркибига «ўрнашиб», яна интериоризацияни келтириб чиқаради.

Олимнинг фаолият жараёнида билим тил, ҳужжат, техника ва бошқа тизимлар кўринишида моддийлашади (объективлашади) ва ривожланиб, ижтимоий ахборотдан кенг фойдаланиш мумкин бўлган яхлит изчил амалиётда мужассамлашади. Фаолият воситалари сифатида нафақат моддий воситалар (меҳнат қуроллари, асбоблар ва ҳ.к.), балки объективлашган билим, ахборотнинг техник ва операцион-методик унсурлари, бевосита ва тескари алоқа йўллари, ахборот танлашни белгиловчи «мезонлар тизими»дан ҳам фойдаланилади.

Билимни ривожлантириш индивидуал ва ижтимоий шаклларининг ўзаро алоқаси, олим фаолиятининг коммуникатив жиҳатини акс эттиради. Ижтимоий ахборот фаолият предмети, воситаси ва маҳсули сифатида амал қилади. Ижтимоий ахборот ижтимоий-коммуникатив жараён билан узвий боғлиқ, чунки билиш маҳсули (натижаси) ва билиш жараёни муштаракдир. Ижтимоий ахборот ахборот оқимларида моддий омиллар (сўз, матн ва ҳ.к.) ёрдамида рўёбга чиқарилади. Статик кўринишда ижтимоий ахборот ижтимоий маъно касб этмайди. Ижтимоий ахборотнинг муҳим белгиларидан бири унинг олимларнинг ўзини қуршаган дунё ҳақидаги билим даражасини ўзгартириш қобилиятидир. Ижтимоий ахборот инсон онгида акс этган оддий билим эмас, балки бизнинг онгимизда ўзгаришлар ясайдиган, руҳиятимиз даражасида фаол амал қиладиган, ўзлигимиздан мустақкам ўрин оладиган билимдир.

Илмий ахборот — ижтимоий ахборотнинг билиш фаолиятида фойдаланиладиган алоҳида тури.

Илмий ахборот — илмий билиш жараёнида олинган тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, назариялар ва гипотезалар тизимида қайд этилган, табиий ёки сунъий белгилар тизими ёрдамида ифодаланган, объектив борлиқни олимнинг маънавий

фаолияти натижалари орқали аниқ акс эттирадиган ва ижтимоий-тарихий амалиётда фойдаланиладиган ижтимоий аҳамиятга молик ва мантиқий жиҳатдан (шаклан) умумийлаштирилган ахборотдир.

Олимнинг илмий билиш фаолияти ўзини қуршаган дунё ҳақида янги билим олишга қаратилади. Билимнинг янгилик даражасини текшириш учун уни айрим шахс эмас, балки бутун жамият ривожланишининг муайян тарихий босқичида шаклланган билим билан солиштириш лозим, чунки бир шахс учун ҳисобланган ахборот бошқа шахс учун доим ҳам янги бўлавермайди.

Шу сабабли илмийлик талабига жавоб берувчи, яратилган пайтгача илгари аниқланган илмий билимлар рўйхатида бўлмаган билимнинг у ёки бу бирлиги «янги» деб ҳисобланади. Шу муносабат билан моддий ва маънавий дунё фаолияти ва ривожланиш қонуниятлари ҳақида жамиятга илгари маълум бўлмаган ахборот ифодаланган билим янги деб ҳисобланишини қайд этиш айниқса, муҳимдир. Айни вақтда, ижтимоий муҳим билимларнинг янгилик даражасини берилаётган ахборотнинг нафақат мазмуни, балки шакли нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш лозимлигини ҳисобга олиш керак. Илмий билимлар ҳажмининг ўсиши натижасида фанда амал қилаётган билимнинг янги шакллари излаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммо асосан, билимни семантик соддалаштириш орқали шаклан ўзгартириш билан боғлиқ.

Объектив ҳодисалар ва жараёнларни акс эттирувчи илмий ахборот уларга хос бўлган муайянликни ҳам, номуайянликни ҳам қайд этиши лозим. Ахборотнинг бундай хоссалари бирлиги А.Д.Урсул томонидан асосланган: «Илмий ахборотнинг номуайянлигини, айниқса, келажакни акс эттириш билан боғлиқ ноаниқликни ҳисобга олиши, келажакни башорат қилиш методларини ўрганувчи шаклланаётган илмий йўналишларни илмий-техник прогноз қилишнинг «аксиомалари»дан биридир»¹. Илмий билимнинг турли соҳаларида илмий тафаккур услубининг шаклланишига семантик ахборотнинг номуайянлиги ҳақидаги ғоялар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Билишнинг ривожланиши

¹ Урсул А.Д. Диалектика определенности и неопределенности. — Кишинев, 1996. — 61-б.

нотўлиқ ва номуайян ахборотдан тўлиқроқ ва муайянроқ ахборотга ўтишни тақозо этади. Олимга керак бўлган билим мавжуд билимнинг номуайянлигини камайтириши, ундан кўпроқ ахборот бериши лозим.

Илмий ахборот ҳажми ижтимоий ахборот ҳажмидан анча кўп, уларнинг мазмуни эса ранг-барангдир. Илмий ахборотда эмоциялар, кечинмалар, дунёни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ индивидуал-руҳий унсурлар намоён бўлиши мумкин. Илмий ахборот комплекс тузилма сифатида мураккаб бўлиб, олим илмий фаолиятининг кўпгина томонлари билан белгиланади.

Ахборот техникаси оғир ва баъзан, мазмунсиз жисмоний меҳнатдан инсонни озод қилади. Ақлий меҳнатнинг аҳамияти ва салмоғи ошиб боради. Меҳнат, инсон эҳтиёжларини қондириш учун табиий ва ижтимоий кучларни ўзгартириш жараёни сифатида, инсоннинг меҳнат предмети билан билвосита алоқаси кучайиши билан тавсифланади. Агар илгари меҳнат қуроллари инсон табиий жисмоний аъзоларининг давоми ҳисобланган ва уларни кучайтиришга хизмат қилган бўлса, энди ахборот қурилмалари инсон ақлининг ишини давом эттиради ва кучайтиради. Малакасиз меҳнатнинг жуда кўп шакллари ўрнини малакали меҳнат эгаллайди. Ахборот технологиясининг ривожланиши меҳнаткашлар маълумот ва малака даражасининг ўсишига, ишлаб чиқаришда юқори малакали мутахассислар миқдорининг кўпайишига ва паст малакали касблар сонининг камайишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигига меҳнатнинг оғирлашиши натижасида эмас, балки бу ишнинг оқилона бажарилиши натижасида эришилади. Меҳнат жараёни ижодий фаолият турига, инсоннинг ўз қобилятини намоён этиш воситасига айланади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ўрнини инсонни интеллектуал ўстириш эгаллайди, инсон қобилятини ривожлантириш ҳаётий фаолиятнинг асосий шаклига айланади, меҳнатнинг инсонпарварлашуви содир бўлади.

Ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш ва автоматлаштириш ишчилар ва хизматчиларга турли талаблар қўйиб, уларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнидан олиб чиқади ва мазкур жараён билан бир қаторда турувчи субъектларга айлантиради. Инсон шахсининг ўзига хосликларини намоён этиш учун шарт-шароит ва ижтимоий

эркинликни ривожлантириш учун имконият яратилади. Бир касбий фаолиятдан бошқа касбий фаолиятга ўтиш учун қўшимча имкониятлар пайдо бўлади. Меҳнат ижтимоий ёки шахсий заруриятга қараб, ўзгарувчи хусусият касб этади-ки, бу стандартлаштирилган оммавий ишлаб чиқаришдан мослашувчан, яъни кўп ўзгарувчи, истеъмолчиларнинг оммавий эҳтиёжларига йўналтирилган ишлаб чиқаришга ўтишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ахборот техникаси илгари олинган ахборотни излашни енгиллаштиради ва янги илмий муаммоларни қўйиш мақсадида олинган натижаларга қатъий баҳо бериш учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, компьютерлар тадқиқот натижаларини олдиндан тахмин қилиши ва ҳатто, бундай натижага эришиш йўллари ва воситаларини белгилаши, яъни тадқиқотнинг идеал режасини тузиши мумкин. Хуллас, илмий фаолиятнинг барча босқичларида ахборот техникаси тадқиқотчига яқиндан ёрдам беради.

Ҳозирги замон фанининг ривожланиши, хусусан, илмий тадқиқот усуллари ва воситалари муттасил мураккаблашиб боришида намоён бўладики, бу ахборот техникасини қўллашни тақозо этади. Бундай ҳолат илмий тадқиқотнинг барча даражалари — эмпирик даражасига ҳам, назарий даражасига ҳам хос. Эмпирик тадқиқот босқичида информатика илмий экспериментни ҳунармандчилик кўрнинишидаги фаолиятдан катта-катта ахборот тўпламларини автоматлаштирилган йўсинда олиш ва уларга ишлов беришга йўналтирилган замонавий илмий таҳлилнинг алоҳида турига айлантириш учун имконият яратади. Назарий тадқиқот босқичида ахборот техникаси ҳар хил илмий гипотезаларни текшириш воситаси бўлиб хизмат қилади, тартибга келтирилмаган маълумотлар йиғиндиларини илмий-назарий қоидаларга айлантиришга ёрдам беради.

Ахборотлашган жамият концепцияси (муаллифлари — Е. Масуда, Д. Мартин, Г. Молитор ва б.) ҳозирги замон фанида муҳим ўрин эгаллайди. У индустриал ва постиндустриал жамият концепцияси ўрнини эгаллаган бўлиб, информатика ва ахборот технологияси жамиятнинг ижтимоий тузилишини, ишлаб чиқариш кучларини ўзгартириш, яхлит ахборот саноатини вужудга келтириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Айрим ривожланган мамлакатларда ахборотлашган жамиятини қуриш давлат дастурлари қабул қилинган. Бундай дастур, масалан, Японияда

қабул қилинган. Уни япон олими Е. Масуда ўзининг «Ахборотдан дунё миқёсида фойдаланишнинг янги даври» ва «Ахборотлашган жамият — постиндустриал жамият» асарларида баён этган. Дунёда ахборотлашган жамият ривожланишининг назарий асосларини XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларнинг бошида ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги янги концепцияларда ижтимоий тараққиётнинг асосий омили ишлаб чиқариш ва ахборотлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланади. З.Бжежинский, Д.Белл, Э.Тоффлер¹ жамият тараққиётини “босқичлар алмашинуви” сифатида ўрганар эканлар, ахборотлашган постиндустриал жамият тараққиётини, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа иқтисодий хизмат соҳаларидан кейин келувчи “тўртинчи” иқтисод ахборотлашган секторининг устуворлиги билан боғлайдилар. Улар индустриал жамиятнинг асоси — капитал ва меҳнат ўз ўрнини ахборотлашган жамиятда ахборот ва билимга боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Бошқа баъзи назариётчилардан фарқли ўлароқ, бу олимлар инқилобни ижтимоий-сиёсий ҳаракат натижаси сифатида эмас, балки жамиятнинг синфий тузилишини ижтимоий нодифференциал “ахборотлашган жамоа” билан алмаштирувчи “ахборотли портлаш”да кўрадилар².

Э.Тоффлер келажакни “ахборотлашган редукционизм” асосида таҳлил қилади: индустриализмдан янги постиндустриал цивилизацияга ўтиш компьютер инқилоби асосида ахборот технологияларининг ҳукмронлиги билан амалга оширилади. Бу ишлаб чиқариш услуги инновациялари турмуш тарзи ва маданият билан бошқарилади ва ҳозирги замон глобал муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қилади.

“Учинчи тўлқин” асарида Э.Тоффлер “постиндустриал жамият”га ўтиш манзарасини ёритади, яъни “тўлқинлар — бу тарих тўлқинлари бўлиб, уни инсоният ўз тараққиёти жараёнида

¹ Бжежинский З. Великая шахматная доска. — М.: Международные отношения, 1998. — 254-б.; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. — М.: Академия, 1999. — 95-б.; Тоффлер Э. Шок будущего. — М.: АСТ, 2001, — 560-б., Тоффлер Э. Третья волна -М., АСТ, 1999, С-784.

² Қаранг: Баталов Э. О книге Э.Тоффлера “Третья волна”. — М.: 1998. — 85-б.

ўтиб, цивилизацияни яратади¹. Бир-биридан кейин келувчи бу тўлқинлар уч ҳаракатдан иборат тарих драмасини кўрсатувчи фанни яратади: уч цивилизация тўлқини; индустриал жамиятгача бўлган (аграр) цивилизация, индустриал (саноат) цивилизация, жамият инфратузилмасини ва кишилар турмуш тарзини ўзгартирувчи ахборот технологиялар асосида постиндустриал (компьютер — ахборотлашган) цивилизациядир². Бунда Э.Тоффлер бугунги кун учун радикал, янги бўлган ва келгуси авлод турмушини тубдан ўзгартирадиган ахборотлашган жамият элементларини баён этади.

Г.Маклуэн “Ахборотлашган жамиятни электрон (аудиовизуал) коммуникация ғалабаси шароитида шахснинг интеллектуал қобилияти ва ижодий характерини оширувчи индивид даври”³ деб таъриф беради. У электрон инқилоб ҳаётни ўзгартиради деб ҳисоблайди.

А.Турен фикрича, ахборотлашган жамият тушунчаси ҳақида сўз борганида, асосий эътиборни иқтисодий муносабатларга қаратиш зарур. У телекоммуникатив — ахборот инқилоби жараёнида инвестициянинг бошқариш сиёсатидаги ўзгаришларга алоҳида таъсирини таъкидлайди. У ахборотлашган жамиятда бошқарувни ахборот ва коммуникацияларнинг мураккаб тизимини қўллаш қобилиятини кўради, постиндустриал жамият иқтисодий тизим элементларининг жамиятнинг ўзидаги ҳаракатларга тегишли эканлигини тан олади. Бу ҳаракатлар доим ҳам онгли ирода шаклида амалга ошмайди, шунинг учун бу жамиятни у дастурлашган жамият деб атайти.

А.И.Ракидов «Ахборотлашган жамият ижтимоий тузилмаларда кескин ўзгаришлар содир бўлиб, унинг оқибатида ахборотлашган фаолият ва хизматни ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг барча соҳаларида автоматлаштириш ва роботлаштириш жараёни жадал суръатлар билан шаклланади»⁴, деб таъкидлайди. Бинобарин ахборотлашган жамият қанча муҳокама қилинса-да, лекин ҳали у мукамалликдан йироқ. Бу назариянинг тарафдорлари

¹ Тоффлер Э. Третья волна. — М.: АСТ, 1999. —398-б.

² Тоффлер Э. Третья волна. — М.: АСТ, 1999. —396-б.

³ Маклуэн Г. Коммуникационная революция. — М.: Наука, 2000. —75-б.

⁴ Ракидов А.И. Философия компьютерной революции. — М.: 1991. — 217-б.

цивилизациянинг янги ҳолатини унинг алоҳида белгиларини таҳлил қилган ҳолда аниқлашга интиладилар, бунда асосий эътибор жамиятга ижтимоий бир бутунлик сифатида белгиланмайдиган ҳодисаларга қаратилади.

Ахборот жамиятининг ишчилари машинага тобе бўлмайди. Улар ишга эркин, оқилона ёндашади, муайян маҳорат ва билимга эга бўлади. Меҳнатни автоматлаштириш даврида информатика инсонни турғун, катта меҳнат сарфини талаб этувчи, оғир жисмоний ва ақлий меҳнатдан халос этади, унинг тафаккурини кучайтиради. Информатика меҳнатнинг жуда кўп турлари самарадорлигини кескин ошириш имконини беради, инсонни янги ҳодисалар доирасига, янги билим соҳаларига олиб киради. Инсон меҳнати тобора интеллектуал мазмун касб этиб боради. Меҳнатнинг интеллектуаллашуви ахборотлашган жамиятдаги меҳнатнинг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Меҳнатнинг интеллектуаллашуви унинг «илмийлашиши»да ўз аксини топади. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган билимлар таркибида илмий билимлар салмоғи ошиб боради. Меҳнат жараёнида илмий билимлардан фойдаланилиши, меҳнатнинг интеллектуаллашуви, ишчининг бевосита технологик жараёндан эркинлиги даражасининг ортиши шахс ўз ижодий қобилиятини намоён этишига имконият яратади ва унинг меҳнатига ижодий мазмун бахш этади. Меҳнат шароити яхшиланади. Ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш ва автоматлаштиришнинг ривожланишига қараб, ишчининг ижоди ҳам такомиллашиб боради. Қайта тузиш қийин бўлган дастурлар ёрдамида бошқариладиган роботлар фаолият кўрсатган даврда инсон ўз иш жойидан эркин бўлмаган ва унинг ижодий ёндашуви чекланган эди. Адаптив бошқарувли роботлар иш тизимларини тез тузатиш имконини берди ва ишчилар ўз ижодий салоҳиятини намоён этиш учун бўш вақтга эга бўлди. Интеллектуал функцияларни техник бошқариш воситаларига эга роботларнинг яратилиши ходимларнинг янги технологиялар ва техника воситаларини такомиллаштириш ва кашф этиш бўйича ижодий қобилиятларини намоён этиши, ишлаб чиқариш жараёнини оқилонлаштириш учун шарт-шароит яратади.

Маълумки, янги технология ва техникани ўзлаштириш ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита боғлиқ. Улар одамлар ижод

қилиши ва ташаббус кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиши лозим. Ахборот технологияси ёрдамида илмий билимлар формаллаштирилади ва айни вақтда маълумотларни ифодалашнинг кўргазмали шакллари (схемалар, графиклар)дан фойдаланилади..

Ахборотни киритиш, унга ишлов бериш, уни сақлаш ва бериш учун фанда автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари — мантиқий, математик, лингвистик ва техник воситаларнинг ўзаро боғлиқ мажмуидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда автоматлаштирилган ахборот— қидирув тизимига қўйиладиган талаблар ё тадқиқот объекти томонидан, ё мазкур фан соҳасининг назарий негизи ва ахборот-техника воситалари ёрдамида шаклланади. Бундай тизимлар математик усуллар ва алгоритмлар мажмуи шаклида математик таъминлаш воситаларига эга бўлади. Мазкур воситалар экспериментларнинг натижаларига ишлов беради, қарорлар қабул қилиш усуллари ва алгоритмларини белгилайди. Ўта мураккаб ҳодисалар ва жараёнларни тадқиқ қилишга фаннинг ўтиши, қисқа муддатда аниқ натижаларга эришиш талабининг қўйилиши фанда экспериментлар ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов беришни автоматлаштиришни тақозо этади.

Комплекс муаммоларнинг ечимини топиш учун ахборот воситаларини кенг жалб қилган ҳолда билишнинг бошқа воситалари яратилади, умумий қонуниятларни ифодаловчи янги даражадаги кенгроқ ва чуқурроқ умумлаштириш амалга оширилади. Бунда алоҳида, умумилмий тушунчалар туркуми: система, структура, элемент, бошқарув, моделдан фойдаланилади. Бу туркумга информатика тушунчалари: алгоритм, маълумотлар банки, ахборот ва бошқалар қўшилади. Пировард натижада, турли фанларнинг тушунчаларини ўзаро таққослаш ва умумий илмий тилни ишлаб чиқиш имконини берувчи концептуал схема яратилади. Алоҳида билим шакли — комплекс билим юзага келади. Комплекс билим ҳажми тадқиқотда иштирок этаётган фанларнинг билим ҳажмидан кўпроқ бўлади ва тадқиқ қилинаётган объект моҳиятини билимнинг бошқа даражасида акс эттиради.

Шу нарса диққатга сазоворки, информатика фанларнинг ўзаро алоқасида, умумий илмий тилни ишлаб чиқишда иштирок этибгина қолмасдан, балки илмий билимнинг мустақил соҳаси сифатида бошқа фанлар билан ўзаро таъсирга киришиб, илмий

билимнинг янги соҳалари — ахборот психологияси, мехатроника, ахборот иқтисодиёти, ижтимоий информатика ва бошқаларни вужудга келтиради.


Ҳозир ахборот (компьютер) психологияси мустақил фан соҳаси сифатида фаол ривожланмоқда. У шиддат билан такомиллашиб бораётган ахборот техникаси, ахборот оқимларининг кўпайиши ва мураккаблашишидан инсоннинг кўрқиши, компьютер билан мулоқотни одамлар билан мулоқотдан устун қўйиши, компьютерда ишлашда одамларнинг толиқиши («киберкасаллик») сабабларини таҳлил қилишни назарда тутади.

Хулосалар. Жамиятни ахборотлаштириш — фуқаролар, давлат органлари, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш, уларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш негизида қулай шарт-шароит яратиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёндир. Ахборотлаштириш, медиалаштириш, компьютерлаштириш ва интеллектуаллаштиришни ўз ичига олади. Фанда ахборотлаштиришга нисбатан икки хил ёндашув: технократияга ва инсонпарварликка асосланган ёндашувлар мавжуд.

Тажрибавий амалий матнлар:

Ахборот, инвариантлик, билим, ижтимоий ахборот, информативлик, ахборот механизми, илмий ахборот, информатика.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ижтимоий ахборотнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
2. Илмий ахборотнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
3. Информацион вазият қандай аҳамиятга эга?
4. Жамиятнинг ривожланишида информатика қандай роль ўйнайди?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. ... — объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бўлиб, ўзини сақлаш, қайта ишлаш ва таъсир натижалари (излари)дан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий тизимларда намоён бўлади.

- A. Ахборот
- B. Билим
- B. Илм
- Г. Кўникма

2. Ахборотнинг муҳим хусусиятлари тўғри келтирилган жавобни белгиланг.

A. Обьективлик, моддийлаштириш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги

- B. Моддийлаштириш, сақлаш, узатиш
- B. Обьективлик, моддийлаштириш, сақлаш
- Г. Узатиш, обьективлик, сақлаш

3. Ахборот олувчи, уни ўзгартирувчи ва ундан фойдаланувчи бу — ...

- A. Ахборот субъекти
- B. Ахборот сақловчи
- B. Ахборот узатувчи
- Г. Ахборотни ўзлаштирувчи

4. Ахборотнинг эвристик мазмунини ўрганишда информацион вазиятнинг қуйидаги қайси унсурлари муҳим ўрин тутади?

- A. Ахборот субъекти
- B. Ахборот объекти
- B. Эҳтиёжлар
- Г. Барча жавоблар тўғри

5. Информативликнинг мазмуни тўлиқроқ келтирилган жавобни аниқланг.

А. Ёритилаётган масалаларнинг муаммолилиги, ўрганилаётган объектнинг хоссалари, алоқалари ва муносабатларини аниқ акс эттирувчи билимнинг муҳимлиги ва ўзига хослиги, ахборотнинг янгилиги, агар у амалда ижтимоий аҳамиятга эга ва ўзлаштирилганидан сўнг фойдаланувчининг муносабатини ўзгартириши мумкин бўлса

Б. Ахборотдан фаолият жараёнида фойдаланаётган субъект мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги, билимнинг тушунтирувчи, башорат қилувчи ва уюштирувчи кучи

В. Билим мазмуни мантиқий-гноссологик ўзагининг хусусияти сифатидаги билимнинг инвариантлиги, билимнинг номуайяنлик даражаси

Г. Барча жавоблар тўғри

6. Илмий билимнинг информативлиги фаннинг ҳозирги даврдаги ривожланиш қонуниятлари, унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи қайси жараён билан белгиланади?

А. Интеграция

Б. Дифференциация

В. Сепаративлик

Г. Глобаллашув

7. Фаннинг интеграциялашуви информативликнинг қайси хусусиятга эга бўлишини таъминлайди?

А. Билимнинг тушунтирувчи ва башорат қилувчи кучини оширади

Б. Фан чўққилари имкониятларини кенгайтиради

В. Билимнинг динийлик ва дунёвийлик чегараларини яқинлаштиради

Г. Фанда янги кашфиётлар яратилиши учун замин яратади

8. Илмий билишда информативликни қандай услуб орқали таҳлил қилиш қулай ва самарали?

А. Инвариантлик

Б. Хусусийлик

В. Умумлаштирувчи

Г. Таққословчи

9. Маълум моддий жисмларда қайд этилган ва белгилар тизимида ифодаланган ҳолда ижтимоий-коммуникатив, субъектлараро жараёнга кўшилиб, идрок этилувчи ва олимнинг билим даражасини ўзгартирувчи, шунингдек, унинг ўзи ҳам

ўзгартирилиб, ундан фаолиятнинг турли жабҳаларида фойдаланиш мумкин бўлган ахборот турини аниқланг.

- А. Ижтимоий ахборот
- Б. Илмий ахборот
- В. Сиёсий ахборот
- Г. Оммавий ахборот

10. Ахборотни билишнинг неча тури мавжуд ва улар қайси жавобда тўғри берилган?

- А. Икки, интериоризация ва экстериоризация
- Б. Икки, интроверт ва экстровеерт
- В. Икки, индуктив ва дедуктив
- Г. Фақат битта тури мавжуд

11. Илмий билиш жараёнида олинган, тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, назариялар ва гипотезалар тизимида қайд этилган, табиий ёки сунъий белгилар тизими ёрдамида ифодаланган, объектив борлиқни олимнинг маънавий фаолияти натижалари орқали аниқ акс эттирадиган ва ижтимоий-тарихий амалиётда фойдаланиладиган ижтимоий аҳамиятга молик ва маптикаий жиҳатдан (шаклан) умумийлаштирилган ахборот бу — ...

- А. Илмий ахборот
- Б. Ижтимоий ахборот
- В. Тарихий ахборот
- Г. Оммавий ахборот

12. Ушбу фикрлар муаллифи ким: «Илмий ахборотнинг ноумайялигини, айниқса, келажакни акс эттириш билан боғлиқ ноаниқликни ҳисобга олиши келажакни башорат қилиш методларини ўрганувчи шаклланаётган илмий йўналишларни илмий-техник прогноз қилишнинг «аксиомалари»дан биридир»?

- А. А.Д.Урсул
- Б. И. Пригожин
- В. Д.Белл
- Г. Б.Тураев

13. Информатика сўзининг келиб чиқиши ва маъноси тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- А. Французча information — ахборот ва automatique — автоматика
- Б. Инглизча information — ахборот ва automatique — автоматика
- В. Лотинча information — ахборот ва automatique — автоматика

Г. Юнонча information – ахборот ва automatique – автоматика

14. Ахборотлашган жамият концепцияси асосчилари қайси қаторда тўғри берилган?

А. Е. Масуда, Д. Мартин, Г. Молитор

Б. Е. Масуда, С. Хантингтон, Г. Молитор

В. И. Пригожин, Д. Мартин, Г. Молитор

Г. А. Тойнби, Д. Мартин, Г. Молитор

15. «Ахборотдан дунё миқёсида фойдаланишнинг янги даври» ва «Ахборотлашган жамият – постиндустриал жамият» асарлари муаллифи ким?

А. Е. Масуда

Б. С. Хантингтон

В. И. Пригожин

Г. А. Тойнби

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси –Т.: Университет, 2005.

2. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири остида. Т.: Шарқ, 2005.

3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: Университет, 2005.

4. Афанасьев В.Г. Социальная информация и управление обществом. – М.: 1975.

5. Тураев Б.О. Информационное свойство пространства и времени // Естествознание и время. СПб., 1992.

6. Шульман Е.А. Социальное реагирование на информацию. – Т.: 1993.

7. Карпинская Р.С. Мироззрение в контексте научно-исследовательской деятельности. – М.: 1991.

8. Коган В. Человек в потоке информации. – Новосибирск, 1991.

III БОБ. БИЛИШ НАЗАРИЯСИНING ИЛМИЙ ВА ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ АСОСЛАРИ

ДУНЁНИНГ ИЛМИЙ МАНЗАРАСИ

Дунёнинг илмий манзараси хусусиятлари ва асосий элементлари. Ҳар қандай дунё манзарасининг куйидаги асосий элементларини қайд этиш мумкин:

1. Макон ва вақт ҳақидаги тасаввурлар, масалан, дунёда макон ва вақт чекли ёки чексизми, дунёда вақт ҳамма учун бир хилми ёки бир хил эмасми, вақтнинг боши борми ёки йўқми ва ҳ.к.

2. Дунёда маконни тўлдирган ва дунё вақтида мавжуд бўлган объектлар ҳақидаги тасаввурлар. Одатда, дунёнинг ҳар бир манзарасида жуда кўп ҳар хил ва ранг-баранг объектлар мавжудлиги назарда тутилади, улар кўп сонли тоифалар ва турларга, масалан, жонли ва жонсизга, жонлилар — одамлар, ҳайвонлар, ўсимликларга ва ҳоказоларга ажратилиши мумкин. Шундай қилиб, турли объектлар бир-бири билан ҳар хил муносабатларга киришади, муайян бир системага уюшган бўлади. Дунёнинг манзараси шу объектлар системасини тавсифлаши лозим.

3. Дунёнинг элементлари ва қисмлари бўйсунувчи асосий қонунлар ва қоидалар тавсифи. Масалан, дунёнинг илмий манзарасида бундай қонунлар қаторига Ньютоннинг моддий жисмлар учун мўлжалланган уч қонуни, электр жараёнлари учун Ом қонуни ва ҳоказолар киради. Буддизмда карма қонуни, яъни инсоннинг ўзи содир этган дунёдаги мувозанатни бузувчи қилмишлар учун жавобгарлиги дунёнинг асосий қонунларидан бири ҳисобланади.

4. Дунё жараёнлари мақсади ва мазмунининг тавсифи, «дунё нима учун мавжуд?», «ҳамма жараёнлар нима учун юз беради?» деган саволларга жавобдир. Масалан, дунёнинг христианликдаги манзараси дунёнинг Худо билан бирикиши, бутун мавжудот учун олий ҳузур-ҳаловат ва гармонияга эришилишини дунёнинг мақсади сифатида қайд этилади. Дунёнинг илмий манзарасида дунёнинг мақсади ҳақидаги масала мантиқсиз деб ҳисобланади, дунё мақсадга эга эмас, бироқ бу жавоб ҳам оламнинг мақсади ҳақидаги масаланинг салбий бўлса-да, лекин муайян ечими сифатида қаралади.

5. Ниҳоят, дунёнинг ҳар қандай манзараси инсоннинг дунёдаги ўрни ва роли ҳақидаги саволга жавоб бериши лозим. Биз — одамлармиз, дунёдаги ўз ўрнимизни англаш биз учун муҳим масала ҳисобланади, чунки бизнинг айрим мақсадларимиз ва турмуш тарзимиз шу масаланинг ечимига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳар бир тарихий даврда шу даврнинг энг ривожланган мамлакатларида одатда, дунёнинг бирон-бир манзараси ҳукм суради. Шу нуқтаи назардан дунёнинг қуйидаги уч энг йирик манзараси тўғрисида сўз юритиш мумкин: 1) кишилиқ жамияти ривожланишининг дастлабки босқичларида ҳукм сурган дунёнинг мифологик манзараси; 2) Ўрта асрларда Европа маданиятида етакчи ўринни эгаллаган дунёнинг диний манзараси; 3) Уйғониш давридан бошлаб аста-секин дунёнинг диний манзараси ўрнини эгаллаган ва дунёнинг аксарият мамлакатларида ҳозиргача ҳукм сураётган дунёнинг илмий манзараси. Дунёнинг бу уч манзарасининг энг муҳим жиҳатларини ҳар қандай дунё манзарасининг юқорида қайд этилган беш асосий элементи нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Дунёнинг мифологик манзараси. Дунёнинг бу манзарасида макон ва вақт бир пайтнинг ўзида чекли ва чексиздир. Масалан, макон бу ерда умумий чексиз макондан ва айни вақтда катта маконга ўхшаш кўп сонли чекли кичик маконлардан иборат. Вақт ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин — умумий чексиз вақт даврий бўлиб, ўзини катта вақтга ўхшаш кичик вақтлар сифатидаги ўз циклларида такрорлайди. Умуман олганда, дунёнинг мифологик манзарасида катта олам доирасида дунёларнинг чексиз ранг-баранглиги юзага келади ва ҳар бир дунё ўз макони ва вақтига эга бўлади. Одамлар яшайдиган дунё бор, бироқ у мавжуд бирдан-бир дунё эмас. У «барча томондан» бошқа дунёлар билан қуршалган. Бу дунёларнинг ўз аҳолиси, ўз қонун-қоидалари, ўз мақсадлари бор. Бу дунёларнинг ҳаммаси одамлар дунёси билан у ёки бу даражада боғланган. Бошқа дунёларнинг кўпгина кучлари ва моҳиятлари одамлар яшайдиган дунёга киради ва инсонга фаол таъсир кўрсатиши, хусусан, унга ёрдам ёки халақит бериши мумкин. Шу сабабли инсон ўзи яшайдиган дунёда ўз мақсадларига эришиш учун бошқа дунёлар ҳақида мумкин қадар кўпроқ билиши ва шу дунёлардан келган кучларга таъсир кўрсатиш, улар билан

тил топишни билиши керак. Бир вақтнинг ўзида ҳам одамлар дунёсида, ҳам ундан ташқарида — бир дунёдан бошқа дунёга ўтиш ва ҳар бир дунёга четдан назар ташлаш имконини берувчи умумий дунёда яшаши лозим. Шу сабабли инсон, дунёнинг мифологик манзарасидаги ҳар қандай объект каби, икки томонга эга бўлган асосдир. Ўзининг бир томони («танаси») билан инсон ўзининг кичик дунёсида, бошқа томони («жони») билан у барча дунёлар ўртасида яшайди. Дунёнинг мифологик манзарасида барча объектлар жонли бўлади, шу боис бу ерда ҳатто тошлар билан ҳам эҳтиёт бўлиб муомала қилиш талаб этилади, акс ҳолда уларнинг ғазабига дучор бўлиш мумкин. Барча дунёлар ва уларда мавжуд моҳиятлар турли дунёларда амалда бўлган ҳар хил қонун-қоидаларга бўйсунди. Масалан, дарёдан ўтиш учун аввал ундан рухсат сўраш керак, овчи отган тош нишонга тегиши учун аввал тош билан келишиш ёки уни ўз хоҳиш-иродасига бўйсундириш лозим, акс ҳолда тош ҳеч қачон нишонга тегмайди. Дарё, тош, тоғ, булут — буларнинг ҳаммаси жонли мавжудотлар ёки уларнинг кўринишлари ва уларнинг барчасига жонли мавжудотлар сифатида ёндашиш: сўраш, таҳдид қилиш, жалб этиш, хизмат қилиш керак. Инсонга таъсир ўтказиш учун бу одам нимадан кўрқиши ва нимани яхши кўришини, у нимага сажда қилиши ва нимани ёмон кўришини билиш лозим, шунда унга яхши кўрган нарсасини таклиф қилиш ёки кўрқадиган нарсаси билан чўчитиш орқали бу одамга таъсир ўтказишга ҳаракат қилиш мумкин. Айни шу ҳаракатлар ҳар қандай дунёда яшайдиган барча тирик жонзотларга нисбатан ҳам ўринлидир. Ҳатто одамлар ва бошқа моҳиятларни бошқарувчи қонунлар ҳам тирик мавжудотларнинг алоҳида тури бўлиб, улар билан ҳам ё тил топиш, ё улар устидан ғалаба қозонишга ҳаракат қилиш мумкин. Бутун дунё — ранг-баранг мавжудотлар ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қиладиган катта жанг ва кураш майдонидир. Уларнинг барчаси дунёнинг буюк Қонуни (Қисмат)га бўйсунди, бироқ бу Қонуннинг ўзи кўп сонли кичик қонун-тақдирларга бўлинади, яъни ҳар бир мавжудотнинг ўз қонуни — тақдири бўлади. Қонун-тақдир ҳар кимни муайян йўлга бошлайди ва ҳар ким ўз Қисматига бўйсунди. Бу ҳол токи мавжудот ўз тақдирдан юксалгунга ёки уни енггунга қадар давом этади. Мифологияда дунёнинг мазмуни ўз Қисматини енгидан иборат бўлиб, бу ерда икки йўл бор. Бир йўл жуда узоқ ва

кўпчилик учун мўлжалланган бўлиб, бу ўз тақдирига тўла бўйсуниб ва унинг барча талабларини бажариш орқали уни енгиш йўли. Бошқа йўл қисқа бўлиб, ундан камдан-кам одам бориши мумкин — бу ўз тақдирини енгиб, янги, олийроқ тақдирга сазовор бўладиган ва шу заҳоти у билан ҳам жангга киришадиган қаҳрамон йўлидир.

Дунёнинг диний манзараси. Худоларга дунёнинг мифологик манзарасидаёқ дуч келиш мумкин — улар бу ерда ўз дунёларида яшайдиган ва бошқа дунёларни бошқарадиган айрим олий мавжудотлар сифатида қаралади. Бу худолар орасида бирон-бир энг катта ва энг қудратли худо, масалан, антик мифологияда Зевс мавжуд бўлиши мумкин, бироқ ҳатто шу худо ҳам фақат ўзига тенг худолар орасида биринчидир. Уни исталган пайтда тахтдан «ағдариш»га ҳаракат қилиш ва олий ҳокимиятни бошқа худо эгаллаши мумкин. Масалан, ўша Зевс бир пайтлар ўз отаси — худо Хроносни тахтдан ағдарган, бироқ Зевснинг ўзи ҳам кимдир унинг ҳокимиятини эгаллашга ҳаракат қилмаслиги учун сергак бўлишига тўғри келган. Шу сабабли, ҳатто энг катта худо мавжуд бўлса ҳам, дунёнинг мифологик манзарасида юқорида доим дунёни бошқаришга кўп сонли номзодлар мавжуд бўлади. Ҳатто энг катта худолар ҳам Қисмат ҳукми остида бўлсалар-да, Қисматнинг ўзи ҳам нималардандир шу худоларга бўйсунди. Дунёнинг диний манзараси мифологик манзарадан асосан, дунёни олий мавжудот, ҳеч ким бузишга қодир бўлмаган мутлақ ҳокимиятга эга, бош ҳарф билан ёзиладиган Худо бошқаради деган тасаввур билан фарқ қилади. Худо боқий ва шак-шубҳасиздир, у ҳамма нарсани — макон ва вақт, материя, барча тирик жонзотларни яратган. Худо барча яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ва ҳамма нарсага қодир, У дунёни яхши ишлар учун яратган, бироқ У дунёга эркинлик ҳам берган, яхшилиққа ҳар ким зўрлик остида эмас, балки ўз ихтиёрига кўра келишига имконият яратган. Аммо, эркинлик хатоларга, ёмонликка олиб келиши ҳам мумкин. Бунда ёмонликнинг юз бериш эҳтимоли эркинлик учун тўланадиган ҳақ сифатида қаралади. Шу сабабли, Худо эркинликка эришиш йўлида ёмонликка ҳам изн беради.

Худо материяни, сон-саноксиз жонсиз моддалар ва тирик мавжудотларни яратади. Инсон дунёнинг марказида туради —

инсондан тубанроқ мавжудотлар — ҳайвонлар, ўсимликлар бор, айни вақтда инсондан юксакроқ мавжудотлар, фаришталар ҳам бор. Бироқ, барча мавжудотлар орасида Худонинг табиатини энг тўлиқ акс эттирадиган жонзот инсондир. Вақти келиб одамзот дунёда яратилган барча мавжудотлардан юксакроққа кўтарилиши мумкин. Дунёда мавжуд барча қонунлар пировард натижада, Худо хоҳиш-иродасининг ифодасидир. Ёмонлик — бу хоҳиш-иродани бузиш ва айни вақтда уни бажаришдир, чунки ҳеч ким ва ҳеч нарса Худонинг хоҳиш-иродасига қарши бориши мумкин эмас. Дунёда олий қонун — муҳаббат қонуни мавжуд. Дунёда ҳамма нарсани муҳаббат ҳаракатга келтиради, ҳатто нафрат замирида ҳам муҳаббатга ташналик ётади. Дунёнинг диний манзарасида дунёнинг мақсад ва мазмуни — ҳамманинг ҳаммага нисбатан умумий муҳаббатига эришиш, бироқ бунга эркинлик ҳамда ёмонлик имконияти орқали ўтиш назарда тутилади. Худо муҳаббат ва яхшиликка мажбурлов йўли билан эришишни хоҳламайди, У Илоҳий муҳаббатни ҳаётнинг бирдан-бир тўғри қонуни сифатида ўзи англаб етиши учун дунёга эркинлик берган. Дунё буни англаб етгунга қадар мақсаддан кўп сонли четга чиқишлар юз бериши мумкин. Инсон ҳаётининг мазмуни — Худонинг хоҳиш-иродасини эркин қабул қилиш, ўзидаги муҳаббат билан муштарак бўлмаган кўр-кўрона эркинликни енгиш, эркинлик билан Худонинг муҳаббатини ўзида бирлаштиришдан иборат.

Дунёнинг диний манзараси одамларнинг диний тажрибасини умумлаштириш ва синтез қилиш натижасида юзага келадиган табиатнинг умумий хоссалари ва қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларнинг яхлит тизимини ташкил этади.

Дунёнинг диний манзараси ўзича борлиқ ва мавжудликни, яъни яратилгани туфайли борлиққа эга бўлган дунёни фарқлашдан келиб чиқади. Бу фарқ мазкур ёндашувни тушуниш учун муҳимдир. Гап шундаки, борлиқнинг диний концепцияси икки ёқлама, яъни дуал хусусиятга эга, чунки у Худо билан айний бўлган мутлақ, ғайритабиий борлиқни борлиққа эга бўлган табиий нарсаларнинг ранг-баранг дунёсига қарши қўяди. Моҳият эътибори билан, бу манзара бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган икки онтология: яратилмаган борлиқ онтологияси ва яратилган борлиқ онтологиясини назарда тутаяди. Мутлақ борлиқни оқилона йўл билан тушуниш мумкин эмас. Дунёни ўзига тўқ нарса

сифатида идрок этувчи одам ақлнинг имкониятларига Дунёнинг алоҳида диний манзарасидан келиб чиқиб, уни уч жаҳон дини: буддизм, христианлик ва исломга татбиқан кўриб чиқамиз.

Дунёнинг буддавийлик диний манзараси шаклланишига борлиқнинг чексиз айланма оқими ғояси кучли таъсир кўрсатди. Буддизм мутафаккирлари бу жараён ўлимдан ўлимга, қийноқдан қийноққа, синовдан синовга солинувчи инсон учун чексиз даражада уқубатлидир деб ҳисоблаганлар.

Ҳаётнинг азоб-уқубатларга тўлалиги ҳақидаги фикрдан қаттиқ таъсирланган Будда ўзгариш концепциясини таърифлайди. Ҳаёт вужудга келиш, шаклланиш ва йўқ бўлишлар қаторидан иборатдир. Дунё ўлишлар ва туғилишларнинг муттасил янгиланувчи айланма ҳаракатидир. Ҳамма нарсалар ўзгаради. Илоҳий нарсалар орасида ҳам, дунёвий нарсалар орасида ҳам ўзгармас нарса мавжуд эмаслигига Будда тарафдорларининг ишончи комил. Будда учун олов бошсиз ва адоқсиз шаклланишнинг чексиз оқими рамзидир. Дунё — юз берувчи ва йўқолувчи ўткинчи карма билан боғланган воқеалар оқими. Фақат ҳаракат мавжуд; арбоблар мавжуд эмас, қилмиш мавжуд; шаклланишдан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас.

Ўзгармас субстрат мавжуд бўлмаган ҳолда дунёнинг узлуксиз мавжудлигини тушунтириш учун Будда сабабият қонунини эълон қилади ва уни узлуксизликнинг асосига айлантиради. Мавжуд ҳамма нарсалар сабаблар ва шартлардан юзага келади ва барча жиҳатлардан ўзгармас ҳисобланади. Сабабли нарсаларнинг ҳаммаси ҳалок бўлиши лозим. Дунёга келувчи ва уюшувчи нарсаларнинг барчасида йўқ бўлиш туғма зарурати мужассамдир. Ҳар қандай субстанция чекланган бўлиб, унинг мавжудлиги ўзгаришларнинг ўзгармас кетма-кетлигидан иборатдир. Бу ўзгаришларнинг ҳар бири олдинги шартлар билан белгиланади. Ўтган лаҳзалар оқимга тортилади. Сабабий эволюцияга ҳаракатларнинг механик кетма-кетлиги сифатида қаралиши мумкин эмас. Бу ўтмиш ҳозирни белгиловчи ягона ҳолатдир.

Буддизм сабабиятга — ўтмиш ҳозирнинг тақдирини белгилашига қаттиқ ишонади. Ҳатто руҳсиз оламнинг оддий механизмида ҳам у боқий коинот қонунини кўради. Бу режасиз улкан лабиринтдир. Коинот тартибининг ғилдираги яратувчисиз,

маълум асоссиз ҳаракатланади ва сабаблар ва оқибатларнинг боғланиши натижасида абадий мавжуд бўлади.

Дунёнинг бундай манзараси буддизм олдига муҳим савол қўяди: бу узлуксиз ҳаракатни қандай қилиб четлаб ўтиш мумкин? Буддизм бу дунё ва ҳаракатни ким яратган, деган саволни муҳим эмас деб ҳисоблайди ва унга жавоб беришдан бўйин товлайди. Унинг тарафдорлари нарсалар ўзгаришини, дунёда борлиқ йўқлиги, фақат шаклланиш мавжудлигини тан оладилар. Нрсалар борлигига Будданинг бефарқлиги шу билан изоҳланади.

Инсон нарсаларга ҳаддан ташқари кучли боғлангани учун ҳам азоб чекади. Инсон нарсалардан бутунлай узоқланиши, азоб-уқубатларга гирифтор қилувчи ўткинчилик ва ўзгарувчанликка ўрин бўлмаган ҳолатни излаши лозим. Инсон тўла осойишталик ва хотиржамликка фақат нирвана ҳолатида эришиши мумкин. Нирвана сўзи «нирва» — пуфлаш, ўчирish (оловни) феълидан келиб чиққан бўлиб, сифат тариқасида келганда «ғойиб бўлган», «ўлган», «барҳам топган» деган маънони, от бўлиб келганда «ғойиб бўлиш», «интиҳо», «мавжудликнинг тугаши», «лаззат», «абадий осойишталик» ва ниҳоят, қайта туғилишнинг муқаррарлигидан қутулиш деган маънони англатади. Нирванага эришиш осмонга етишдан юқорироқдир, бу мислсиз осойишталик ҳолатидир. Нирвана сабабсиздир, бироқ нирванага эришишнинг саккиз ўлчовли йўли бор. Нирванага соф ақли, ҳиссий лаззатланишлардан озод одам эришади. Шундай қилиб, буддизмда кармани, шакл-шамойилнинг ўзгариш қонунини енгишнинг ўзига хос ахлоқий-космик вертикали шаклланади. Инсоннинг эркин руҳий фаоллиги ижодий асос ҳисобланади. Фаол шахс эътиборга лойиқ бирдан-бир борлиқ сифатида талқин қилинади.

Буддизмда, бир томондан, худолар ҳам карма оқимида ҳаракатланади, бошқа томондан эса — одамларга худо ҳалоскор сифатида керак эмас, деган хулоса чиқарилади. Буддизмда Худо ва дунё дуализми мавжуд эмас.

Ўзининг ривожланиш жараёнида буддизм олий маънавий асосни тан олади. Нирвана Будда билан тенглаштирилади. Будда ахлоқий идеал рамзидан унинг шахсий тажассумига, диний эмоциялар объектига айланади. Нирвананинг космик жиҳати билан бир вақтда Будданинг космик концепцияси юзага келади. Буддага сифиниш эътиқод қилувчи ҳаётининг оила-никоҳ

муносабатларидан бошлаб умумий давлат байрамларигача бўлган барча томонларини қамраб олади.

Ўзи таклиф қилган паноҳ топиш йўлининг универсаллиги билан буддизм диний тасаввурларнинг сезиларли даражада демократиялашувига сабаб бўлди. Буддизмда яхши фазилатлилик шартлари ташқи нарсаларга боғлиқ эмас. Инсоннинг кимлиги — бой ёки деҳқонлиги аҳамиятсиз. Ҳамма баркамолдир. Фақат ҳалол, тўғри ҳаётгина муҳимдир. Буддизм вужудга келгани заҳоти барча одамлар қайси табақага мансублигидан қатъий назар тенг эканлигини эълон қилиб, табақавий тузум мухолифига айланди. Бироқ, шахснинг мутлақ эркинлиги буддизмнинг энг муҳим тамойили ҳисоблангани боис, у инсоннинг дунё билан барча алоқаларига, шу жумладан, ижтимоий-сиёсий алоқаларига ҳам ёмонлик деб қараб, амалда мавжудлик тизгинларидан халос бўлишни талаб қилмайди. Дунёвий нарсалардан бутунлай узоқлашиш идеали Будданинг энг мутаассиб издошларини ижтимоий тартибларни такомиллаштиришдан воз кечишга олиб келади.

Христиан илоҳиёти ўзининг трансцендентал Худо ҳақидаги таълимоти билан дунёнинг шундай бир диний манзарасини яратади-ки, унда теоцентризм ўз ифодасини топади. Худонинг нотабиий ва шахсий хусусияти у ирода ва қудрат каби категориялар ёрдамида қаралишини назарда тутаяди. Бундан христиан креационизмининг дунё зарурат тақозосига кўра эмас, балки Худонинг эркин иродасига кўра яратилган, деган муҳим қоидаси келиб чиқади. Яралиш Худо табиатининг эмас, балки иродасининг амалидир. Шунга кўра у табиатдан ажралади ва унинг сабабий омилларидан узоқлашади. Худо дунёни нима учун яратган, деб сўраш мантиқсиздир. Худонинг эркин иродаси Унинг ақли, иродаси ва яхши нияти билан мувофиқлашади. Шулардан келиб чиқиб Худо дунёни яратади.

Дунё яратилгунга қадар Худодан бошқа ҳеч нарса бўлмаган. Бинобарин, у дунёни «йўқлик»дан яратган. Бироқ, «йўқлик» қандайдир ижобий нарса эмас, у соф йўқликдир. Яратилган нарсаларда нимаики «мавжуд» бўлса, ҳаммаси Худодандир. Етишмаган, «йўқ» бўлган барча нарсалар «йўқлик»дир. Дунёда шакл, гўзаллик ва бирликнинг сабаби Яратгувчидир. Шаклнинг беқарорлиги, бирлик ва гўзалликнинг нотўлиқлиги Худодан

айрилганликдандир. Яратилган барча моддий ва маънавий нарсаларга «ўткинчилик» муҳри босилган.

Худо дунёни яратган экан, нафақат қурилишнинг умумий тамойилларини, балки ҳар бир айрим нарсанинг тақдирини олдиндан биледи ва белгилайди. Яратиш учун мўлжалланган нарсанинг илоҳий ғояси унинг тўла индивидуал тушунчаси бўлиб, унда нарсанинг ўтмиши ва келажаги ҳозирда берилгандир. Илоҳий ниятда барча ғоялар мутлақо муштаракдир. Яратилувчи нарсалар учун ғоялар уларни яратиш андозалари, уларнинг борлиғи асослари ва сабаблари сифатида амал қилади.

Яратилган олам тартиби уни яратган ҳикматнинг тартибини акс эттиради: нарсалар тартиби ғоялар тартибининг инъикосидир. Тартиб туфайли дунё ўз ўринлари бўйлаб тақсимланган ва ҳар хил нисбий қимматга эга бўлган мавжудотларнинг тартибга солинган иерархиясига айланади. Яратилган нарса Худога қанча яқин бўлса, у шунча кўпроқ қиммат касб этади. «Зеро қандайдир тарзда мавжуд бўлган, бироқ уни яратган Худо учун бўлмаган нарсалар қаторида жонли жонсиздан юқорироқ. Тирик мавжудотлар орасида эса сезувчилар сезмайдиганлардан устун туради, худди, ҳайвонлар ўсимликлардан устун турганидек. Сезувчилар орасида эса ақллилар ақлсизлардан устун туради, худди одамлар табиат тартибига кўра бошқа жонзотлардан устун турганидек»,¹ деб ёзади Августин.

Шундай қилиб, илоҳий тартиб дунёси христианликда Худо яратган жонзотларнинг юксалиб борувчи зинапоясидан иборатдир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, креационизм христиан илоҳиётчиларини дунёда тартиб, уйғунлик ва гўзалликни кўришга даъват этган. Бироқ, инсонга дунёда кўп нарсалар ақлга номувофиқ бўлиб кўринади. Дунёда тартибсизлик ва ёмонликнинг мавжудлиги учун Худони қандай оқлаш мумкин? Бу муаммо соф назарий хусусият касб этмаган. Тақводор христианлар дунёвий ва илоҳий дунё ўртасида тубсиз жарликни ҳис этганлар. Шу боис Худони оқлаш масалаларига христианлик кўп эътибор беради. У

¹ История философии. Энциклопедия. — Минск: Книжный дом, 2002. — 55-б.

Худони оқлашнинг икки йўлини таклиф қилади. Биринчи йўл — метафизик теодицея. Гарчи, дунёни баркамол Яратувчи яратган бўлса-да, у хусусан инсонни эркин қилиб яратган; ёмонлик жонзотнинг шу эркинлигидан келиб чиқади. Ёмонлик ва нуқсон Худодан эмас, балки жонзотдандир. Иккинчи йўл — эстетик теодицея дунё ва инсонни, дунёнинг баркамоллиги ва инсон идрокининг номукамаллигини қарама-қарши қўйишга асосланади. Илоҳиётчи олимлар фикрига кўра, инсон дунёда яхлитликни қамраб олишга қодир эмаслиги туфайли тартибсизлик ва ёмонликни кўради. Ранг-баранг бўёқларга бой суратнинг бир қисмига назар ташлаб, унинг гўзаллиги ва маъноси ҳақида ҳукм чиқариш мумкин бўлмаганидек, айрим воқеалар ва тасодифларга баҳо бериб дунёни тушуниш мумкин эмас. Ҳатто ёмонлик бўлиб туюлган нарса ҳам амалда умумий тартибга, яъни инсоннинг фойдасига хизмат қилади.

Эстетик теодицея табиий тартиб ғоясига олиб келади, ўзига хос ва ғайриоддий воқеалар тизими нуқтаи назаридан табиий хусусият касб этади. Худо яратган нарсаларнинг бирортаси ҳам табиатга зид эмас, чунки унинг учун табиат У яратган нарсадир. Фақат мавжудлигини ҳамма оддий ва табиий деб эътироф этувчи дунё ва инсоннинг яратилишини чин мўъжиза деб ҳисоблаш мумкин.

Дунёнинг христианча диний манзарасида табиатда юз берувчи барча нарсаларнинг табиийлиги илоҳий ғояларнинг азалий мувофиқлиги билан изоҳланади. Яратилган табиат ўз қонунларини Худодан олади. Шу маънода табиат қонунларининг бузилиши илоҳий ҳукмнинг бузилишини англатади.

Шундай қилиб, Худо дунёни узлуксиз бошқаради, деган қоида дунёнинг христианча диний манзарасининг универсал тамойили ҳисобланади. Космологияга нисбатан татбиқ этилган ҳолда бу тамойил дунёнинг уйғунлиги ва унда юз бераётган воқеаларнинг англаб етилганлиги ғоясига олиб келади. Инсон ҳаёти илоҳ билан мувофиқликдагина, инсоният тарихи эса — илоҳий паноҳ белгиси остидагина маъно касб этади. Шу тариқа монотеизм (яккахудолик)нинг кўриниши, ислом пайдо бўлди.

Ислом динида дунёнинг манзараси. Ислом дини маданий-тарихий ривожланишда кейинчалик, аввалги «диалектик» асосларга қайтиб, аристотелизмга ҳам, суфизмга ҳам эришди.

Ислом динининг ўзига хослиги тўғрисида сўз юритишдан олдин уни христианлик билан боғловчи жиҳатларга тўхталиб ўтиш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Ислом кўп жиҳатдан христиан динининг монотеизм ёки яккахудолик ғояси араблар онгида қайта ишланиши натижасида юзага келган. У ягона трансцендент Худо — Оллоҳга эътиқод қилади. Оллоҳ дунё ва инсонни яратди, одамларга ваҳий юборди, дунёни тасарруф этади ва унга қиёмат сари йўл кўрсатади. Қиёматда тириклар ҳам, тирилганлар ҳам ўз қилмишлари учун жавоб беради. Ислом ва христианлик ўртасидаги фарқ — бу мазкур дин асосчиларининг сўзлари ва қилмишларидаги фарқлардир. Христианлик асосчиси муваффақиятга эришмади ва «бандага хос ўлим» билан ҳалок бўлди. Бу ўлим унинг асосий қилмиши бўлди. Бу ерда аниқ, ташқи муваффақият қанча кам бўлса, дин асосчиси қилмиши — ўлим устидан ғалаба, инсоният гуноҳларини ювиш, ўзига эътиқод қилувчиларга боқий ҳаёт ҳадя этишнинг миқёси шунча кенг бўлиши лозим. Дин асосчиси шахсининг миқёси ҳам ўз шогирдлари онгида кенгайиб боради. Бундай қилмиш содир этган одам эмас. У — Худо.

Муҳаммад пайғамбар образи ва унинг қилмишлари Исо Масиҳ ва унинг қилмишларидан анча фарқ қилади. Муҳаммад пайғамбар орқали Оллоҳ таоло гапиради. Бироқ, айни вақтда у оддий ҳаёт кечирган «нормал одам». Муҳаммад пайғамбар эришган муваффақият унинг айтганлари Оллоҳ сўзлари эканлиги, Оллоҳнинг ўзи унга йўл кўрсатганлигининг далилидир. Муҳаммад пайғамбарнинг нутқи Исо Масиҳ нутқидан фарқ қилади. У фақат «ваҳий»ни ифодаловчи, гавдаланган Худо эмас, балки «Худонинг воситаси», пайғамбардир.

Асосчилар шахси ҳаётининг ҳар хиллиги, уларнинг вазифаси ҳар хил англаниши улар яратган динлардаги фарқларнинг асосий элементларидир. Дин асосчиларининг Худо билан муносабатлари ва уларнинг вазифаси ҳар хил англаниши Худо ҳақидаги тасаввурдаги фарқларни ҳам белгилайди. Христианликда ҳам, исломда ҳам Худо бир ва ягонадир. Бироқ, христианликнинг монотеизми чорчўпга миҳланган одам — Худо эканлигига ишонч билан уйғунлашади ва бу Муқаддас учлик (троица) ҳақидаги таълимотда ўз аксини топади. Бу ерда монотеизмда, Худо ва унинг банда билан муносабатларида инсон ақли англай олмайдиган,

унга зид бўлган ва фақат эътиқод предметини ташкил этиши мумкин бўлган жумбоқ намоён бўлади. Ислом монотеизми — христианликдаги жумбоқлардан холи бўлган «соф» яккахудолик. Қуръони каримда Оллоҳнинг ягоналиги аниқ қайд этилган. Оллоҳга тенг жонзотларнинг мавжудлигини тан олиш исломга қарши энг катта жиноятдир.

Худо ҳақидаги ҳар хил тасаввурлар инсонга нисбатан ҳар хил қарашлар билан узвий боғлиқ. Христианликда инсонни «Худо ўзига ўхшатиб яратган», бироқ Одам атонинг дастлабки гуноҳи инсон табиатини «бузган», натижада, Худо уни ювиш учун қурбонлик келтиришга мажбур бўлган. Исломда инсон ҳақида бошқача қарашлар амал қилади. У инсонни Худо ўзига ўхшатиб яратган, деб ҳисобламайди, бироқ у одамни «бузуқ» деб ҳам билмайди. Инсон «бузуқ» эмас, балки заифдир. Шу сабабли у гуноҳлар учун тавба қилишга эмас, балки Худонинг ёрдами ва йўлбошчилигига муҳтождир. Оллоҳ Қуръони карим орқали унга тўғри йўл кўрсатади.

Инсон ҳақидаги тасаввурларнинг ҳар хил тизимлари ахлоқий қадриятларнинг ҳам ҳар хиллигини назарда тутати. Христианликда эътиқод инсонга қаттиқ меҳр қўйиб, унинг учун чорчўпда азоб-уқубатларга дош берган Худога муҳаббат билан узвий боғлиқ. Ислом ҳам эътиқодни назарда тутати, бироқ бу бошқача эътиқод. «Ислом» сўзининг ўзи бўйсунуш, итоат этиш, деган маънони англатади. Бироқ, бу оддий бўйсунуш, итоат этиш эмас, балки ўзини Оллоҳ иродасига топширишдир. Бу ерда эътиқод чорчўпга михланган Худо жумбоғига ишониш эмас, балки Оллоҳнинг пайғамбар орқали Қуръонда берилган кўрсатмаларига бўйсунушдир. Бу кўрсатмалар одамлар учун аниқ ва тушунарлидир. Улар оз сонли ва оғир бўлмаган (шу сабабли қатъий бажарилиши лозим бўлган) ибодат қоидалари ва никоҳ, ажрашиш, мерос, жиноят учун жазо масалаларига доир ҳуқуқий меъёрларга тегишлидир. Диний талабларнинг соддалиги исломнинг илоҳий белгиланганлик ҳақидаги фундаментал ғоясидан келиб чиқади. Оллоҳ ўз режаларига мувофиқ иш кўради ва ҳамма нарсани, ҳатто энг аҳамиятсиз воқеаларни ҳам белгилайди. Илоҳий қисматнинг муқаррарлиги, инсоннинг бирон-бир амали ўз-ўзидан юз бермаслиги қуйидаги мисол билан кўрсатилади. Инсон қалам билан ёзаётган экан, бу асло унинг

амали эмас, зеро амалда Оллоҳ бир вақтнинг ўзида тўрт амал: 1) қалам билан ёзиш истаги; 2) қалам билан ёзиш қобилияти; 3) қўл ҳаракати; 4) қалам ҳаракатини яратади. Бу амаллар бир-бири билан боғлиқ эмас ва уларнинг ҳар бири замирида Оллоҳнинг чексиз иродаси ётади.

Ислом динининг хусусияти дунёнинг диний модели мусулмонларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олишини назарда тутаяди. Бу тизим христианлик тизимидан мустаҳкамроқдир. У янги, нодиний цивилизацияга ўтиш учун замин яратмагани айтилиши билан изоҳланади.

Дунёнинг фалсафий манзараси. Фалсафа дунёқараш шакли сифатида оламни инсон ва дунёнинг ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан ўрганади. Дунёқараш объекти – бутун дунё, бироқ унинг предмети – табиат дунёси ва инсон дунёсининг ёки, антик фалсафа таъбири билан айтганда, макрокосмос ва микрокосмоснинг ўзаро муносабатидир. Бундан унинг муаммолари доираси келиб чиқаяди. Инсоннинг дунёдаги ўрни қандай? Умуман, дунёнинг ўзи нима? Инсон ҳаётининг мазмуни нимадан иборат? Вақт, макон ва ҳаракат нима?

Бу муаммолар дунёқарашнинг фалсафий шаклини ҳам қизиқтиради. Бу ҳолда фалсафанинг диндан фарқи нимада?

Бу ерда биз аввало шуни қайд этишимиз мумкинки, фалсафа дунёни ўзлаштиришнинг назарий усуллари қаторига киради. Назарий усул объектдан онгли равишда «узоқлашади». Дунёга назарий муносабат субъекти – дунёни тушунчалар ёрдамида англашга ҳаракат қилаётган инсон. Фалсафа дунёни фикрда, сўзда гавдалантиради. Фалсафанинг ҳар қандай шакли бундай имкониятга эга. Бинобарин, дунё ҳақидаги фалсафий тасаввур замирида билим ётади. Айтилиши вақтда, фалсафа бу билим инсон дунёсига ташланган бир назар эканлигини тушунади. Шу сабабли у дунё ҳақидаги билим билан бир қаторда инсоннинг дунёга муносабатини ҳам шакллантиради.

Борлиқ тушунчаси дунё фалсафий манзарасининг бош тамойили сифатида амал қилади. Айтилиши шу тушунча ёрдамида инсон ўзининг дунёдаги ўрнини англаб етишга ҳаракат қилади.

Борлиқни фалсафий тушунишдан кўп сонли нарсалар, жараёнлар, ҳолатлар, структуралар, тизимларнинг барча шакллари ўз ичига олган яхлит бир бутун дунё ҳақидаги

тасаввур келиб чиқади. Борлиқ шаклларининг ранг-баранглиги бу шаклларни бирлаштирувчи нарса борми, бутун чексиз ранг-баранг дунёнинг бирлиги тўғрисида сўз юритиш мумкинми, деган саволни ўртага ташлашни назарда тутати.

Бундай бирлик ҳақидаги ғоя барча мавжуд нарсаларнинг умумий негизи тўғрисидаги тасаввурнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу тасаввурни белгилаш учун фалсафада субстанция категорияси қабул қилинган. Бу категория ўзини намоён этувчи нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва жараёнларнинг ички бирлигини қайд этади. Шундай қилиб, субстанция нафақат умумий изчил тамойил, балки фаоллик функцияси сифатида ҳам тушунилади.

Дунёнинг бирлигини битта субстанциядан келиб чиқиб, тушунтирувчи фалсафий таълимотлар монизм деб аталади. Бироқ, субстанция ҳар хил тушунилиши: ё унда инсон онгидан қатъий назар мавжуд бўлган ҳақиқий дунё негизини кўриш, ё уни онгни яратган дунё билан тенглаштириш, яъни субстанцияда материя ёки руҳни кўриш мумкин. Бунга мос равишда материалистик ва идеалистик монизмни фарқлаш лозим.

Монизмга икки субстанциянинг муштараклиги ғоясидан келиб чиқадиган дунёнинг дуалистик талқини қарши туради. Биринчи субстанция моддий борлиқ соҳасини, иккинчи субстанция — руҳий соҳани бирлаштиради.

Субстанциянинг фаоллиги ҳақидаги фалсафий ғоядан дунёнинг атрибутлилиги муаммоси келиб чиқади. Атрибут тушунчаси объектнинг зарур, ажралмас, муҳим хоссасини қайд этади. Айрим фалсафий тизимларда ҳаракат материянинг муҳим атрибути ҳисобланса, айрим тизимларда — макон ва вақтнинг кўламлилиги ёки тафаккур ва ҳоказолар шу вазифани бажаради. Барча ҳолларда ҳаракат муаммосини ечишга тўғри келади. Бунда ҳаракат деганда ҳар қандай ўзгариш тушунилади. Элементар зарраларнинг бир-бирига ўтиши, моддий дунёнинг кенгайиши, организм ҳужайраларида моддалар алмашинуви, тафаккур жараёни — буларнинг барчаси ҳаракатдир. Дунё ҳаракатсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, ҳаракат дунё каби мутлақ ва абадийдир.

Ҳаракат турларининг ранг-баранглиги макон ва вақт каби умумий шакллар орқали яхлитлик касб этади. Маконда системалар, макросистемалар ва мегасистемани ташкил этувчи

структура элементлари ва структураларнинг синхрон ўзаро алоқаси қайд этилади. Вақтда системанинг диахрон ўзгариши, ривожланиши ва бузилиши қайд этилади.

Макон ва вақт — борлиқнинг умумий шакллари, унинг муҳим атрибутлари. Дунёда макон ва вақт хоссаларига эга бўлмаган моддий тизимлар мавжуд эмас. Макон барча моддий тизимлардаги элементларнинг кўламлилиги, структураллилиги, мавжудлиги ва ўзаро алоқасини тавсифлайди. Вақт — материя борлигининг материя мавжудлигининг давомийлиги, моддий тизимлар ўзгариши ва ривожланишида ҳолатлар алмашувининг кетма-кетлигини ифодаловчи шаклдир.

Макон ва вақтнинг умумий хоссаларига қўйидагилар киради: объективлик, ҳаракатланувчи тизимларга боғлиқлик, узлуклилик ва узлуксизлик, чексизлик (вақтнинг чексизлиги) ва чеклилик (маконнинг чекланганлиги).

Макон ва вақт умумий хоссалар билан бир қаторда, айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Масалан, маконга кўламлилик, уч ўлчовлилик хос. Бундан ташқари, моддий тизимлар макони симметрия ва асимметрия, ташқи шакл ва ўлчамлар, жойлашган ўрни, модда ва майдоннинг тақсимланиши, уларни бошқа тизимлардан ажратувчи чегара билан тавсифланади. Бу хоссаларнинг барчаси объектлар структураси ва ташқи алоқалари, уларнинг ҳаракат тезлиги, ташқи майдонлар билан ўзаро алоқаси хусусиятига боғлиқ бўлади. Ҳар бир моддий тизимнинг майдони мутлақо берк эмас, у узлуксиз бошқа тизим майдонига ўтади. Бундан амалда маконнинг кўп алоқалилиги, миқдор ва сифат жиҳатларидан туганмаслиги келиб чиқади.

Вақтнинг хоссаларига давомлилик, системалар ҳаракати, шунингдек, макон билан узлуксиз боғланганлик киради. Давомлилик бирин-кетин юзага келувчи вақт лаҳзаси ёки брелигидан ташкил топади. Улар жамулжам ҳолда объектнинг мавжудлик даврини ташкил этади. Вақтнинг ўзига хос кўламлилиги сифатида амал қилувчи давомлилик материя ва ҳаракатнинг умумий сақланиши билан белгиланади. Ҳар бир объектнинг мавжудлик вақти чекли ва узлуклидир, чунки у мавжудликнинг боши ва интиҳосига эга. Бироқ, объектни ташкил этувчи моддий субстанция йўқдан бор бўлмайди ва йўқ бўлиб кетмайди, балки фақат ўз борлигининг шаклини ўзгартиради.

Материя ва ҳаракатнинг умумий сақланувчанлиги уларнинг мавжудлик вақти узлуксиз бўлишини таъминлайди ва бу узлуксизлик мутлақ хусусият касб этади, узлуклилик эса нисбий бўлади.

Макон ва вақт хусусиятлари намоён бўлиш шаклларининг ранг-баранглиги, дунёнинг мутлақ ранг-баранглиги, унинг сифат жиҳатидан чексизлиги фақат нисбий ҳолатларнинг чекланмаган миқдорида рўёбга чиқиши мумкин ва ўз навбатида, нисбий ҳолатлар ва дунё тизимларининг чекланмаган миқдоригина дунёнинг мутлақ чексизлиги ва ранг-баранглигини ифодалашга қодир, деган хулосага олиб келади.

Дунёнинг илмий манзараси. Энг муҳим назариялар, гипотезалар ва далилларни ўз ичига олувчи табиат тўғрисидаги билимларнинг кенг доираси дунёнинг илмий манзараси билан боғлиқ. Дунёнинг илмий манзарасининг тузилиши марказий назарий ўзакни, фундаментал фаразларни ҳамда мунтазам тўлдириб бориладиган алоҳида назарий моделларни таклиф қилади. Марказий назарий ўзак нисбатан барқарор бўлиб, ўз мавжудлигини анча узоқ муддат сақлаб қолади. У барча илмий назарияларда ўзгаришсиз сақланиб қоладиган муайян илмий ва онтологик қисмлар мажмуидир. Жисмоний реаллик тўғрисида сўз юритилганида, дунёнинг ҳар қандай манзарасининг энг барқарор унсурларига энергиянинг сақланиши ва энтропиянинг доимий ўсиб бориши тамойиллари, универсумнинг асосий хоссалари: макон, вақт, модда, майдон ва ҳаракатни тавсифловчи фундаментал қисмлар киритилади.

Фундаментал фаразлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, шартли равишда рад этиб бўлмас, деб қабул қилинади. Уларнинг жумласига ўзаро таъсир ва тизимга уюшиш усуллари, универсум ривожланишининг генезиси ва қонуниятлари тўғрисидаги назарий қоидалар ва қарашлар тўплами киради. Дунёнинг шаклланган манзараси муқобил мисоллар ёки аномалиялар билан тўқнаш келганида марказий назарий ўзакни ва фундаментал фаразларни сақлаб қолиш учун бир қанча кўшимча алоҳида илмий моделлар ва гипотезалар тузилади. Зотан, улар аномалияларга мослашиб, ўз шаклини ўзгартириши мумкин.

Дунёнинг илмий манзараси шунчаки алоҳида билимлар йиғиндиси ёки тўплами эмас, балки уларни ўзаро мувофиқлаштириш ва янги яхлитликка, яъни тизимга уюштириш

натижасидир. Дунёнинг илмий манзарасининг хусусиятларидан бири — тизимлилик ана шу билан боғлиқ. Дунёнинг илмий манзарасининг маълумотлар тўплами сифатидаги вазифаси билимларни бирлаштиришни таъминлашдан иборат. Бундан унинг бирлаштирувчи функцияси келиб чиқади.

Дунёнинг илмий манзараси парадигма хусусиятига эга, чунки у универсумни ўзлаштириш қоидалари ва тамойиллари тизимини белгилайди. «Ақлга мувофиқ» янги гипотезаларни фаразли хусусиятини маълум даражада чеклаб, дунёнинг илмий манзараси тафаккурнинг ҳаракатини йўлга солади. Унинг мазмуни дунёни кўриш усулини белгилаб беради, чунки илмий тадқиқотнинг ижтимоий-маданий, ахлоқий, методологик ва мантиқий нормаларининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам тадқиқотнинг умумназарий манзарасини яратувчи ва илмий изланишнинг мўлжалларини мувофиқлаштирувчи дунё илмий манзарасининг норматив, шунингдек, психологик функциялари ҳақида сўз юритиш мумкин.

Дунёнинг классик манзараси дунёнинг ҳозирги илмий манзарасининг эволюцияси дунёнинг классик илмий манзарасидан дунёнинг ноклассик ва постноклассик манзарасига ҳаракат қилишни назарда тутди. Европа фани ўз ривожланишини Галилей ва Ньютон ютуқларига асосланган ва анча узоқ вақт — ўтган асрнинг охирларигача ҳукм сурган дунёнинг классик илмий манзарасини қабул қилишдан бошлади. Дунёнинг классик манзараси ҳақиқий билимга эга бўлишга даъвогар, унга қатъий бир хил прогрессив йўналишга эга чизикли ривожланишнинг график образи хос. Ҳозирги кун келажакни қандай белгиласа, ўтмиш ҳам ҳозирги кунни шундай белгилайди. Дунёнинг барча ҳолатларини — ўтмишдан то олис келажаккача — ҳисоблаб чиқиш ва башорат қилиш мумкин.

Дунёнинг классик илмий манзараси объектларни улар қатъий юкланган координатлар тизимида ўз ҳолича қандай мавжуд бўлса, шундай тавсифлайди. Унда «онтос»га қатъий риоя этилди. Билиш субъектига ёки ҳаракатга келтирувчи омиллар ва шовқинларга тегишли бўлган барча нарсаларни элиминация қилиш талаби асосий шартга айланди.

Сабаб ва оқибатнинг қатъий бир хил боғлиқлигини тушунтирувчи эталон даражасига кўтарилди. У илмий

оқилоналикнинг ҳақиқий назария тузишни кафолатловчи қандайдир умумий қоида ёки бирдан-бир тўғри усулни топишга бўлган даъволарини мустаҳкамлади. Ньютоннинг олами мазкур моделнинг табиий илмий негизига айланди. Аҳамиятсиз атомлар ҳодисалар субстанция жиҳатидан дахлсиз бўлган макон ва вақт бирлигига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади.

Дунёнинг ноклассик илмий манзараси классик механика қонунларининг универсаллиги ҳақида баҳс юритувчи термодинамиканинг дастлабки назариялари таъсирида вужудга келди. Термодинамиканинг ривожланиши билан суюқликлар ва газларга соф механик тизимлар деб қараш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди. Термодинамикада тасодифий жараёнлар ташқи ва иккинчи даражали эмас, балки тизимга боғлиқ деган қараш шаклланди. Ноклассик тафаккур тарзига ўтиш XIX-XX асрлар чегарасида табиатшуносликда содир бўлган инқилоб даврида, шу жумладан, нисбийлик назарияси таъсирида амалга оширилди.

Дунёнинг ноклассик илмий манзарасининг график модели ривожланишнинг бош йўналишини қамраб олган синусоид образига таянади. Унда чизиқли жараёнга таққослаганда аниқловчининг нисбатан мослашувчан схемаси юзага келади ва янги омил — тасодифнинг роли эътиборга олинади. Тизимнинг ривожланиши изчил тушунилади, аммо унинг ҳолати вақтнинг ҳар бир даврида аниқланмаган. Тахминан ўзгаришлар эҳтимоллик ва катта сонлар қонунига биноан амалга оширилади. Ўзгариш қанча катта бўлса, унинг эҳтимоллиги шунча кам бўлади, зеро, ҳар сафар реал ҳодиса бош йўналиш — «ўртача катталиқ қонуни»га яқинлашади. Индивидлар даражасида аниқланмаганлик бутун тизим даражасида аниқланганлик билан уйғунлашади. Тарихий йўл худди шу йўналишда вақт ва макон бирлигига кириб келади, аммо индивид ўз фаолиятининг траекториясини танлашда ҳар хил йўл тутиши мумкин. Аниқлашнинг янги шакли назарияга «статистик қонуният» номи билан киради. Ноклассик онг ҳар доим воқеликка кирганлик ҳолати билан тўқнаш келади. У ижтимоий ҳолатларга ўзининг боғлиқлигини ҳис этади ва айни пайтда имкониятлар мажмуини шакллантиришда иштирок этишга умид қилади.

Дунёнинг постноклассик манзараси образи — дарахтсимон сертармоқ графика — И.Пригожиннинг Бельгия мактаби

ютуқларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Унда аввалбошдан ва вақтнинг исталган даврида келажак номаълум бўлиб қолади. Ривожланиш бир неча йўналишнинг биридан бориши мумкин бўлиб, бу кўпинча, бирон-бир аҳамиятсиз омил билан белгиланади. Тизим ўзини қайта қуриб, янги ташкилот даражаси вужудга келиши учун оз миқдорда энергия билан таъсир кўрсатиш kifоя.

Дунёнинг ҳозирги замон постноклассик манзарасида ижтимоий тузилмаларни таҳлилдан ўтказиш очиқ чизиқсиз тизимларни тадқиқ қилишни назарда тутди. Мазкур чизиқсиз тизимларда дастлабки шартлар, уларнинг ичидаги индивидлар, маҳаллий ўзгаришлар ва тасодифий омиллар катта роль ўйнайди. Постноклассик фан объектларни ўрганувчи фаолият устидан рефлексия майдонини кенгайтиради. У объект ҳақида олинаётган билимларнинг тафсилотлари билан нафақат фаолият воситалари ва амалларининг хусусиятлари ўртасидаги, балки унинг қадриятлари ва мақсадлари ўртасидаги нисбатни ҳам ҳисобга олади.

Бинобарин, қадриятлар ва мақсадларнинг қўшилиши постноклассиканинг янги императивига айланади. Постноклассик методологияда бифуркация, флуктуация, тартибсизлик, диссипация, ғалати аттракторлар, чизиқсизлик сингари тушунчалар жуда машҳур. Улардан ижтимоий, этник, маънавий ва бошқа тизимларнинг хулқ-атворини тушунтириш учун фойдаланилади.

Дунёнинг постноклассик манзарасида тартиблилик ва тузилмаларга ажратилганлик тартибсизлик ва стохастиклик сингари воқеликнинг объектив, универсал хусусиятлари деб эътироф этилган. Улар ривожланишнинг барча структуравий даражаларида намоён бўлади. Номувозий тизимларнинг номунтазам хулқ-атвори муаммоси синергетиканинг диққат марказида туради.

Синергетика – спонтан структурогенезнинг энг умумий қонуниятларини аниқлашни ўз предметига айлантирган ўз-ўзини ташкил этиш назарияси. У дунёнинг ҳозирги замон манзарасининг янги устуворликларини: номувозий беқарор дунё концепциясини, ривожланишнинг номаълумлиги ва кўпмуқобиллиги ҳодисасини, хаосдан тартибнинг вужудга

келиши ғоясини ўз ичига олади. Тартиб ва хаос тушунчаларини англаб етишга, йўналтирилган тартибсизлик назариясини яратишга уринишлар хаосни таснифлаш ва типларга ажратишга таянади. Типологиянинг содда, мураккаб, аниқланган, тор йўлакли, кенг миқёсли, жўшқин ва бошқа турлари фарқланади. Хаоснинг энг оддий тури — «кичик ўлчамли хаос» — фан ва техникада учрайди ва аниқланган тизимлар ёрдамида тавсифланади. У вақтда мураккаб, аммо маконда жуда содда хулқ-атвори билан ажралиб туради. «Кўп ўлчамли» хаосда чизиқсиз муҳитларнинг номунтазам хулқ-атвори кузатилади. Турбулент режимда вақт ва макон кўрсаткичлари мураккаб бўлади, уларни мувофиқлаштиришнинг иложи бўлмайди.

«Аниқланган хаос» деганда чизиқсиз тизимларнинг стохастик манбаларсиз, мунтазам дастлабки ва энг сўнгги шартларга эга тенгламалар билан тавсифланувчи хулқ-атвори тушунилади.

Барқарорликнинг йўқолиши ва хаосга ўтишнинг бир қанча сабаблари ва ҳолатларини аниқлаш мумкин: булар шовқинлар, ташқи таъсирлар, таъсирлантирувчи омиллар. Тартибсизлик манбаи баъзан, эркинлик даражаларининг хилма-хиллиги билан боғлиқ бўлади. Бу мутлақо тасодифий кетма-кетликларнинг амалга оширилишига олиб келиши мумкин. Тартибсизликни белгиловчи ҳолатларга ҳаракатнинг мутлақо беқарорлиги киради. Бунда иккита яқин ҳолат ташқи таъсирлар стохастикасидан таъсирланиб, ривожланишнинг турли траекторияларини ҳосил қилиши мумкин. Тадқиқотларнинг ҳозирги даражаси хаотизация жараёнларига доир анъанавий қарашларга муҳим қўшимчалар киритиш имконини беради.

Дунёнинг постноклассик манзарасидан хаос деструкция манбаи сифатида эмас, балки моддий ўзаро таъсирларнинг дастлабки беқарорлиги ҳосиласи бўлган ҳолат сифатида ўрин олди. Мазкур ҳолат спонтан структурогенезнинг сабаби бўлиши мумкин. Сўнгги назарий ишловлар нуқтаи назаридан, хаос шунчаки шаклсиз масса тарзида эмас, балки ўта мураккаб уюшган кетма-кетлик тарзида намоён бўлади. Унинг мантиғи жиддий қизиқиш уйғотади. Олимлар йўналтирилган тартибсизлик назариясини ишлаб чиқишга яқинлашдилар. Улар хаосни нодаврий тарзда такрорланиб турадиган, беқарор траекторияларга эга бўлган, вақт ва макон кўрсаткичларининг корреляциясига

тасодифий тақсимланиш хос бўлган номунтазам ҳаракат деб таърифладилар.

Тартиб ва хаос тушунчаларини ижтимоийлаштириш тартибсиз тузилмаларга нисбатан салбий муносабатга ҳамда тартибли тузилмаларнинг тўлиқ қабул қилинишига олиб келади. Бунда ҳозирги замон фалсафасининг иккиёқлама (антропологик-дезантропологик) ёндашуви намоён бўлади. Илмий-назарий онг ҳозирги замон синергетик парадигмасидаги тартибсизлик жараёнларининг ўрни ва аҳамиятини ижодий тушунишга ҳаракат қилмоқда. Ижтимоий амалиёт тартибсизлик ва ноаниқликка қарши ҳужум қилиб, уларга ўта салбий баҳо бермоқда, методологик таҳлил доирасидан чиқариб юборишга интилмоқда. Бу «тўла тартиб» ўрнатишни ва уни «қаттиқ зарурият»дан келиб чиқиб, қўллаб-қувватлашни истаётган рационалистик утопиялар ва мустабид тузумлар тантанасида намоён бўлмоқда.

Ваҳоланки, ривожланишнинг тартибсизлигини «ўзбошимчалик» ва «хаос» деструктив атамаларида талқин қилиш, хаосни материянинг тартибли хусусиятлари билан бир қаторда эътироф этувчи ҳозирги замон табиатшунослик ва фалсафий-методологик таҳлил ишловлари билангина эмас, балки Гесиоддан бошлаб хаосга ҳамма нарсанинг асоси деб қарайдиган қадимги тарихий-фалсафий анъана билан ҳам тўқнашади. Қадимги дунёни тушуниш тарзига биноан, хаос шакл ҳосил қилувчи кучга эга бўлиб, «оғиз», «ҳалқум», материянинг дастлабки шаклсиз ҳолати ва дунёнинг бирламчи салоҳиятини англатади, у очилиб, ўзидан жонли мавжудотларни чиқаради.

Орадан қарийб йигирма аср ўтгач, дунёни бундай тушуниш олимларнинг хулосаларида ўз аксини топди. Ж. Глейк «Хаос: янги фаннинг яратилиши» асарида жўшқин (динамик) хаоснинг кашф этилиши, моҳият эътибори билан, янги ҳаракат турларининг кашф этилиши билан баробар эканлигини, ўз аҳамиятига кўра физикада материянинг янги элементлари — элементар зарралар, кварклар ва глюонларнинг кашф этилишига тенг туришини қайд этиб ўтди. Хаос тўғрисидаги фан — ҳолатлар тўғрисидаги эмас, балки жараёнлар тўғрисидаги, борлиқ тўғрисидаги эмас, балки шаклланиш тўғрисидаги фандир.

Дунёнинг ҳозирги замон илмий манзарасида оқилоналикка онг ва тафаккурнинг олий ҳамда қонунийлик талабларига энг

мувофиқ типи, маданиятнинг барча соҳалари учун намуна деб қаралади. У мақсадга мувофиқлик билан тенглаштирилади. Оқилоналикнинг кашф этилиши тўғрисида сўз юритилганида, тафаккурнинг идеал объектлар билан ишлаш қобилияти, сўзнинг дунёни ақлга мувофиқ тарзда ва тушунарли қилиб акс эттириш қобилияти назарда тутилади. Бу маънода оқилоналикнинг кашф этилиши қадимиятга бориб тақалади. Инсоннинг дунёда ўз ўрнини топишининг оқилона усули идеал маънодаги фаолият билан боғлиқ, шунинг учун ҳам оқилоналик реал объектларнинг фақат хаёлда мавжуд бўлган идеал объектларга айланишининг махсус тартиб-таомиллари учун жавобгардир. Аммо, идеал объектларни тузиш фаолияти хаёлнинг чексиз парвозига имкон берса, илмий оқилоналик, яъни фан эътироф этувчи идеал объектларни тафаккурда тузиш хаёлнинг мазкур эркинлигини чеклайди. Унга амалда қўллаш учун яроқли билимлар керак, бинобарин, у фақат одамларнинг ҳаёти ва фаолиятида бевосита ёки билвосита, долзарб ёки потенциал тарзда амалий аҳамиятга эга бўлган идеал объектлар ва тартибни эътироф этади.

Бир томондан, илмий оқилоналикни фан ва табиатшуносликнинг ривожланиш тарихи, билиш тизимларининг такомиллаштирилиши ва методология билан боғлайдилар. Бунда оқилоналик мантиқий-методологик стандартлар билан «қопланади». Бошқа томондан, оқилоналик ақлга мувофиқлик, ҳақиқийлик билан тенглаштирилади. Бу ерда ҳам ҳақиқий билимнинг мезонлари, асослари ва далилларини аниқлаш, билиш тилини такомиллаштириш муаммолари биринчи ўринга чиқади.

Оқилоналикни ягона универсал маънода тушуниш мумкин эмас. Ҳозирги замон методологлари оқилоналикнинг ҳар хил турлари: «очиқ», «ёпиқ», «универсал», «махсус», «юмшоқ» турлари, «ўта оқилоналик» ва бошқаларни, шунингдек, ижтимоий, коммуникатив ва институциявий оқилоналикнинг хусусиятларини қайд этиб, «оқилоналик» тушунчаси кўп маъноли тушунча эканлигини эътироф этдилар.

Оқилоналик деганда дунёни концептуал-дискурсив тушуниш усуллари, илмий тадқиқот ва фаолият нормалари ва усуллари мажмуи тушунилади. Ўз-ўзидан аёнки, бу оқилоналик билан фан методологиясини тенглаштириш имконини беради. Н.Моисеевнинг фикрига кўра, реаллик (аниқроғи — инсоннинг

Ўзини қуршаган муҳитни идрок этиши) оқилона схемаларни вужудга келтирган. Улар ўз навбатида методларни яратган, методологияни шакллантирган. Методология эса дунё — Олам (универсум)нинг манзарасини оқилона тарзда чизиш имконини берувчи воситага айланган.

Агар дунёнинг классик манзараси нуқтаи назаридан оқилоналикнинг предметлилиги, деганда авваламбор объектнинг предметлилиги тушунилса, ноклассик оқилоналикнинг предметлилиги, деганда инсоннинг ўзи фаолият кўрсатаётган реалликка пластик, муносабати тушунилади. Биринчи ҳолда биз Борлиқнинг предметлилигига, иккинчи ҳолда эса — Шаклланишнинг предметлилигига дуч келамиз. Вазифа — уларни бирлаштиришдан иборат.

Оқилоналикнинг постноклассик қиёфасида оқилоналик тушунчаси «фаннинг оқилоналиги» тушунчасидан анча кенг, чунки у нафақат мантиқий-методологик стандартларни, балки инсоннинг оқилона, изчил ҳаракатлари ва хулқ-атворини таҳлилдан ўтказишни ҳам ўз ичига олади. Фан фалсафасида юзага келган плюрализм ғояси оқилоналикни алоҳида парадигмаларнинг технологияларига сингдириб юборди. П.Гайденконинг таъбири билан айтганда, бир тафаккур ўрнида оқилоналикнинг кўплаб турлари вужудга келади. Бир қанча муаллифларнинг фикрига кўра, оқилоналик ривожланишининг постноклассик босқичи билим нафақат билиш воситалари, балки фаолиятнинг қадрият ва мақсадлари билан ҳам ўзаро нисбатлашганлиги билан тавсифланади.

Оқилоналикнинг янги постноклассик типи янги тушунчалар: чизиқсизлик, қайтмаслик, номувозийлик, тартибсизлик ва бошқа тушунчалардан фаол фойдаланади. «Оқилоналик» тушунчасининг янги, кенгайтирилган ҳажмига интуиция, ноаниқлик, эвристика ҳамда классик рационализм учун анъанавий бўлмаган бошқа прагматик хусусиятлар, масалан, фойда, қулайлик, самарадорлик киритилган. Янги оқилоналикда объект соҳаси унга «сунъий интеллект», «виртуал воқелик», «киборг-муносабатлар» сингаритизимлар киритилиши ҳисобига кенгайди. Объект соҳасининг тубдан кенгайиши унинг тубдан «инсонийлашиши» билан мувозий тарзда кечади. Инсон дунёнинг манзарасига унинг фаол иштирокчиси сифатидагина эмас, балки тизим ҳосил қилувчи

тамойил сифатида ҳам киради. Бу инсоннинг тафаккури объектнинг предметли мазмуни билан қўшилиб кетишини билдиради. Шунинг учун ҳам постноклассик оқилоналик — субъективлик ва объективликнинг бирлиги сифатида тушунилади. У ижтимоий–маданий мазмун ҳам касб этади. Субъект ва объект тушунчаларининг элементлари фақат бир-бири ва бутун тизим билан боғлиқликда маънога эга бўладиган тизимни ҳосил қилади. Мазкур тизимда қадимият давридаёқ илгари сурилган инсон ва дунёнинг маънавий бирлиги ғоясини кўриш мумкин.

Оқилоналик ғояси рефлексиз назорат ва объективлаштирувчи моделлаштириш тарзида «ёпиқ оқилоналик» режимда шаклланган изчил мўлжаллар асосида айниқса, кўп рўёбга чиқарилади. Шунинг учун ҳам баъзан, оқилоналик муваффақиятли мақсадга мувофиқ ёки изчил фаолият билан боғлиқ деб кўрсатилади.

Тадқиқотчилар «ёпиқ» оқилоналикка танқидий ёндашадилар. Алоҳида парадигмаларнинг «ёпиқ» оқилоналик режимда фаолият кўрсатувчи асосларни мутлақлаштириш ва догмалаштириш ҳозирги онгда оқилоналик ғоясини унинг маънавий мезонларидан, инсон ва дунё муносабатларини уйғунлаштириш билан боғлиқ истиқболлардан маҳрум этади. Аммо, «ёпиқ» оқилоналикда оқилона бўлган нарсалар «очиқ» оқилоналикда ўзининг бу хусусиятини йўқотади. Масалан, ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимлари экологик муаммолар нуқтаи назаридан доим ҳам оқилона бўлавермайди. Ёки фан нуқтаи назаридан оқилона бўлмаган фаолият бошқа нуқтаи назардан, масалан, илмий даража олиш нуқтаи назаридан оқилона бўлиши мумкин.

Очиқ оқилоналикнинг эвристик ғояси фаннинг тадрижий ривожланишини, таҳлил аппарати, ҳақиқатни излаш жараёнини тушунтириш ва асослаш усуллари муттасил такомиллашиб борганлигини акс эттиради. Шу билан бирга, ҳозирги фанлар дунёнинг илмий манзарасини яратишда жиддий ютуқларга эришганига қарамай, учинчи минг йилликда фан гравитация, ҳаётнинг вужудга келиши, онгнинг пайдо бўлишини мувофиқ тарзда тушунтиришга, майдоннинг ягона назариясини яратишга ва бугунги кунда тан олинаётган парапсихологик ёки биоэнергетик-ахборот ўзаро таъсирларини қониқарли тарзда асослашга муваффақ бўлмоқда.

Дунёнинг фалсафий, диний ва илмий манзараларининг ўзаро нисбати. Дунёнинг фалсафий, диний ва илмий манзаралари масаласи ўта баҳсли масалалардан биридир.

Дунёнинг манзараси — дунёни, шу жумладан, унда яшаётган инсонни яхлит кўриш усули. Дунёнинг манзарасини аниқлаш зарурати дунё ҳақида синтетик, яхлит тасаввур ҳосил қилиш, фалсафа, фан ва диннинг табақаланиши оқибатларини бартараф этишга уриниш билан боғлиқ. Шу нуқтан назардан фалсафа олами, фан олами ва дин олами дунёнинг фалсафий, илмий ва диний манзаралари сифатида амал қилади. Умумий ҳолда улар дунёнинг яхлит манзарасини ташкил этади. Фалсафа, фан ва дин ўртасидаги муносабатлар доим анча кескин бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Асрлар оша давом этиб келаётган баҳслар инсон фалсафани ҳам, фанни ҳам, динни ҳам ўзлаштиришидан далолат беради. Улардан ҳар бирининг асоссизлигини исботлашга уринишлар кўп бўлган. Бироқ, бу уринишларнинг бирортаси ҳам пировардида, кўзланган мақсадга эришмаган. Ҳозирги даврда фан, ҳеч шубҳасиз, етакчилик қилади. Жамият фансиз иш кўра олмайди. Бироқ, шунга қарамай, инсон дин ва фалсафасиз ҳам яшай олмайди. Фан билан бир қаторда фалсафанинг зарурлиги, биринчидан, унинг ўзи ҳам илмий эканлиги; иккинчидан, у борлиқнинг муҳим масалаларига эътибор бериши; учинчидан, оқилона (илмий) ва мистик (диний) муқобилларнинг номуайянлигига барҳам беришга уриниш билан изоҳланади.

Фалсафа билан бир қаторда диннинг зарурлигини унинг намояндалари ва билимдонлари шу билан изоҳлашга ҳаракат қилади-ки, фаннинг энг сўнгги дарвозаси ортида инсон Илоҳий эътиқод билан юзма-юз келади (М.Бубер). Таниқли немис илоҳиётчиси Г.Кюнг фикрига кўра, диннинг келажаги бор. У ўз фикрини асослаш учун кагга адабий материални умумлаштирувчи олти далил келтиради. Биринчидан, адолатсизликларга тўла ҳозирги дунё одамларни бошқа дунёни қўмсашга мажбур қилмоқда. Иккинчидан, турмуш қийинчиликлари қўяётган ахлоқий масалалар ўз-ўзидан диний масалаларга айланмоқда. Учунчидан, секуляризация (черков таъсиридан халос бўлиш) қараёнлари қай даражада ўринли бўлмасин, атеизм мафкураси яқинда этилади. Тўртинчидан, дин борлиқнинг мутлақ мазмунига нисбатан муносабатнинг ижтимоий ривожланишини аниқлатади.

Бешинчидан, борлиқнинг бу мазмуни Худо сифатида тушунилади. Олтинчидан, борлиқнинг асосий мазмуни Худода эмас, балки бошқа нарсада — миллатчилик шароитида миллатда, миллий-социализм шароитида халқда, ирқчилик шароитида ирқда, партиявий тоталитаризм шароитида партиядда, сциентизм шароитида фанда кўрилган ҳолда сохта дин аниқ-равшан кўзга ташланади (П.Тиллих фикрига кўра). Бу далилларни келтиргач, Кюнг диққатга сазовор хулоса чиқаради: келтирилган далиллар Худо чиндан ҳам мавжудлигини исботламайди.

Бу ерда Худо ҳақидаги масалани ва Худонинг ўзини бир-биридан ажратиш лозим. Диндор одам Худо ҳақидаги масаланинг Худонинг борлигини тасдиқлаш билан ўз ечимини топади. Аммо, бу масалага нисбатан бошқа бир ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра диний мавзуларга эътибор Худога эътиқод билан боғланмайди ёки Худонинг борлиги узил-кесил исботланмаганлиги кўрсатилади. Яъни, курашчан атеизм дин масалаларига бефарқ, оддий атеизм, диннинг ўринлилигини, шунингдек, унинг ижобий томонларини тан олувчи атеизмни бир-бирига тенглаштириш мумкин. Инсоннинг динга муносабати узил-кесил «ҳа» ёки «йўқ» сўзлари билан ифодаланмайди. Бу инсоннинг фалсафа ва фанга муносабатига ҳам хос. Масалан, инглиз файласуфи Б.Рассел динга қарши муросасиз кураш олиб борган, фалсафани эса фандан паст ўринга қўйган. Гегель фалсафани ҳамма нарсадан устун билган, лекин фан ва динни иккиламчи деб ҳисоблаган. Ницше динга ҳам, фанга ҳам, фалсафага ҳам анча танқидий ёндашган. В.Соловьев динни фалсафа ва фандан устун қўйган. Хайдеггер фалсафани кўкларга кўтарган, фанни танқид қилган ва динга анча лоқайд қараган.

Шундай қилиб, дунёнинг диний, фалсафий ва илмий манзаралари бирга мавжуддир. Бу — исбот талаб қилмайдган далил. Шу муросаи мадора ва ҳамкорлик қонунларига биноан иш кўришга мажбур бўлган инсоният дунёнинг ягона манзарасини яратишга ҳаракат қилади. Бу ниятни рўёбга чиқаришда фалсафа, муҳим роль ўйнайди.

Дарҳақиқат, фан ҳар қандай ноилмий билим, шу жумладан, диндан ҳам мумкин қадар узоқлашишга ҳаракат қилади. Бироқ, дин вакиллари ҳам фандан жуда узоқда турадилар; динни фан изига туширишга ҳали ҳеч ким муваффақ бўлмаган. Бу шароитда

фалсафа алоҳида ва жуда муҳим роль ўйнайди. У илмий билим соҳасида ҳам, ноилмий билим соҳасида ҳам ўзини яхши ҳис қилади, иккала соҳа билан ҳам музокара олиб бора олади. Умуман олганда, дунёнинг уч манзараси бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдиради, деб айтиш мумкин. Бироқ, бунда бир-бирини тўлдириш хусусиятини ҳисобга олиш лозим.

Фан ва фалсафанинг ўзаро нисбатига назар ташласак, улар бир-бирини кучайтиришининг гувоҳи бўламиз. Фалсафага фан ва фанга фалсафа қанча қўшилмасин, улар фақат кучаяди. Фан ва диннинг ўзаро нисбати ҳақида бундай дейиш мушкул. Фанга олиб кирилган диний мотивлар унга путур етказди, шу сабабли олимлар бундай киритишга қарши чиқадилар. Айни вақтда, динга киритилган фан унсурлари уни сезиларли даражада заифлаштириши мумкин, чунки улар ваҳий ғоясини рад этади. Фалсафа ва дин муносабатларида иккала тараф ҳам айрим ҳолларда бир-бирини кучайтиради (масалан, дунёга ахлоқий муносабатни ривожлантириш борасида), айрим ҳолларда эса — заифлаштиради (масалан, мутлақ шахс тамойилларини ҳар хил тушуниш орқали).

Ижтимоий билишда дунёнинг манзараси. Ижтимоий фанлар методологияси учун дунёнинг манзараси тушунчасининг муҳимлиги тобора теранроқ англамоқда. Ўз навбатида, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланиши дунёнинг илмий манзарасига ижтимоий элементни тобора фаолроқ киритмоқда. Дунёнинг манзараси ва дунёқараш тушунчаларининг яқинлигини Д. Дильтей қайд этади, чунки инсон билимининг изчил қонуний ишлаши натижасида юзага келувчи у ёки бу дунёнинг манзарасига мувофиқ дунёнинг маъноси ва мазмуни ҳақидаги масалалар ҳал қилинади, ҳаётнинг асосий тамойиллари келтириб чиқарилади. Умуман олганда, гарчи дунёқарашлар тасодифий бўлиб туюлса-да, уларнинг ҳар бирида дунёнинг манзараси, ҳаётга муносабат ва мақсадлар ўртасида муттасил алоқа мавжуд. Бироқ, дунёқараш фақат тафаккур маҳсули эмас ва билимнинг хоҳиш-иродаси натижасидагина юзага келмайди. У ҳаёт тажрибаси ва нуқтаи назар, бутун руҳий яхлитлик структурасининг ҳам маҳсулидир. Дильтей дин, поэзия ва адабиётдаги дунёқараш типларини, шунингдек, алоҳида типни — дунёқараш оқилона боғланган яхлитлик даражасига кўтарилган, илмий асосланган ва айрим

фанларнинг методологик усуллари доирасидан четга чиқиб, умумий аҳамиятга моликликка даъвогар бўлган ҳолда юзага келувчи метафизикани таҳлил қилади.

Шу нарса диққатга сазоворки, Дильтей дунёнинг манзараси тушунчасидан руҳ (маданият) ҳақидаги фанларни таҳлил қилишда фойдаланган ва шу сабабли бу ҳодисани ҳаёт, мақсад, инсон-субъект каби асосий моҳиятларга киритган. Унинг инсонни ўрганишга нисбатан ҳар хил ёндашувлар ва типлар таҳлили — юнонларнинг моддий метафизикаси, римликларнинг эркин нуқтаи назари, ҳаётнинг диний идеаллари ва уларнинг ўзгариши, «ҳаётдаги хулқ-атвор назарияси», XVI—XVII асрлар маданиятида антропологиянинг асосий турларини аниқлаш — буларнинг барчаси пировард натижада, инсоннинг дунёга, дунёдаги ўз ўрнига муносабатлари ҳар хил шаклларини ўрганиш, дунёнинг маданий-тарихий манзарасида инсонни ифодалаш усуллари дидир¹. Буларнинг барчаси маданият ҳақидаги фанларда дунёнинг манзарасини инсон омилига эътибор бермасдан, унинг дунёдаги ўрнини ва бу дунёни кўриш усулларини англаб етмасдан тушуниш мумкин эмаслигини кўрсатади. Бу ерда дунёнинг табиий-илмий манзарасидаги каби субъект ва дунё қарама-қарши қўйилмайди, бироқ инсонни ҳам ўз ичига олувчи дунёни тушуниш типлари тавсифланади. Масалан, илк Византия маданиятида инсон дунёни мактаб сифатида тушунган. Тарихий вақт ҳам, айрим ҳаётнинг биографик вақти ҳам «инсонни тарбиялаш йўли билан ўзгартириш» вақти сифатидагина маъно касб этган; ойкумена макони жаҳон мактаби учун жой сифатида қаралган. Тавротда ифодаланган тарих бунда «муаллимлар» — Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Сулаймон ва пайғамбарларнинг алмашиш тарихи сифатида талқин қилиниши мумкин бўлган. Бу мактабларда Худо бош муаллим саналган. Нафақат тарих педагогик жараён сифатида, балки табиат ҳам ўзига хос «дидактик қўлланма» сифатида, энг муҳими — «ахлоқ фани»дан қўлланма сифатида намоён бўлган. Зотан, табиат Худонинг маҳсули бўлиб, унинг қонунлари, ахлоқ қонунлари каби, ягона манбага эгадир. Бундай дунёда инсон — ўз Муаллими сабоқларини тиришқоқлик билан ўзлаштирувчи «ўқувчи», диний

¹ Қаранг: Дильтей В. Воззрение на мир и исследование человека со времен Возрождения и Реформации. — М.: 2000.

матнлар ва маданият матнлари эса доим «сабоқ» беради, сўз ва китоб бундай дунёнинг манзарасида алоҳида ўрин эгаллайди.¹

«Маданият ва дунёнинг манзарасида инсон» муаммосининг шахсий билимга яқин бўлган бошқа бир жиҳатини Л.Витгенштейн тадқиқ этган. Биз болалигимиздаёқ, ўзлаштирган дунёнинг манзараси шахсий билим соҳасига мансуб бўлиб, шак-шубҳасиз ва инсонга умр бўйи йўлдош деб қабул қилинувчи эмпирик ибораларнинг алоҳида типидан ташкил топади. Бу иборалар узвий хоссаларга, аввало кўпгина одамларга тегишли умумий билимнинг тизимлилиги билан боғланувчи тизимлилиikka эга бўлади; шу сабабли, айрим билим – индивидуал дунёнинг манзараси умумий билим таркибида олинган мазмун ва аҳамият касб этади. Қабул қилинувчи эмпирик ибораларнинг бошқа бир хусусияти уларнинг яширин тарзда мавжудлиги бўлиб, дунёнинг манзараси ҳам шундай хусусиятга эгадир, чунки у билишнинг ўз-ўзидан равшан асоси ҳисобланади. Витгенштейн фикрига кўра, дунёнинг манзарасини болаликда катталарнинг гапларига кўра ўзлаштириш соф билиш амали эмас, балки «ҳаёт шакллари»дан биридир. Шундай қилиб, болаликдан ўзлаштирилган дунёнинг манзараси биз учун у махсус асослангани туфайли эмас, балки мулоқот ва таълим жараёнида, «одамлар орасида борлиқ»нинг оқибати сифатида тўғри деб қабул қилингани учун ишончлидир. Шубҳа ишончдан кейин туғилади ва бу, хусусан, кейинчалик дунёнинг илмий манзараси ўзлаштирилишида намоён бўлади, уни қабул қилишда ҳам ишонч элементлари мавжуд. Бироқ, бу одатлаги ишонч эмас, балки шаклланаётган муайян илмий парадигма доирасидаги ишончдир.

Дунёнинг манзарасига кирувчи маданият ва жамият ҳақидаги билимларни илмий тизимга солиш эҳтиёжи ижтимоий билишда махсус тадқиқотларга сабаб бўлди. М.Вебернинг назарий-социологик асарларидаги дунёнинг манзаралари ҳам инсонни ўз ичига олади; улар аввало манфаатлар инсон ҳаракатларини олға сурувчи йўлларни белгилайдиган «йўл кўрсатувчилар» сифатида тушунилади.

Вебер оқилоналик типларини қиёсий-тарихий ўрганиш жараёнида дунёнинг уч умумий ва ривожланган манзараларини

¹ Қаранг: Аверинцев С.С. Поэтика ранне-византийской литературы. – М.: 1997. –156-б.

таққослайди, уларни инсоннинг дунёга муайян ахлоқий-амалий муносабати сифатида талқин қилади. Биринчи манзара — бу диний-фалсафий қарашларнинг конфуцийчилик ва даочилик типига асосланган. дунёга мослама сифатида ёндашишни белгилайдиган дунёнинг манзараси; иккинчи дунёнинг манзараси индуизм ва буддизм ғояларига асосланган бўлиб, ҳаётдан ажралганликни тарғиб қилади; иудаизм ва христианлик ғоялари асосланган ва Европа маданиятига Яқин Шарқдан кириб келган учинчи дунёнинг манзараси инсоннинг дунёга уни ўзлаштириш нуқтаи назаридан ёндашишини белгилайди. Қайд этилган манзараларнинг ҳар бири оқилоналикнинг тегишли типи ва турмуш тарзини назарда тутати. Бу ғоялардан Вебер, хусусан, протестантча ахлоқ ва «капитализм руҳи»нинг мураккаб ўзаро муносабатларини тадқиқ этишда фойдаланди. У дунёнинг манзараси ҳодисасини нафақат фалсафада ва маданият ҳақидаги фанларда, балки «тушунувчи социология»да ҳам англаб етишга асос солади, бу эса дунёнинг илмий манзараси ҳақидаги тасаввурларни сезиларли даражада бойитди.

Дунёнинг лингвистик манзараси дунёнинг манзараси тушунчасининг янги жиҳатлари «тил ва дунёнинг илмий манзараси» муаммосини ўрганиш жараёнида аниқланди. Масалан, дунёнинг илмий манзараси тушунчасини лингвистикага киритиш тилга инсон таъсирининг ҳар хил турларини, хусусан тилга дунёнинг турли манзаралари — диний-мифологик, фалсафий, илмий, бадий манзараларнинг таъсирини аниқлаш имконини беради. Маълум бўлишича, тил икки жараёнда бевосита иштирок этади: унинг замида инсондаги дунё манзарасининг энг теран қатламларидан бири — дунёнинг лингвистик манзараси шаклланади; тил махсус лексика орқали дунёнинг бошқа манзараларини, тегишли равишда, ўзга маданият элементларини киритади. Дунёнинг ҳар бир манзараси тилга нисбатан ўз ёндашувини ва унинг амал қилиш тамойилларини белгилайди. Дунёнинг турли манзараларидаги тилга нисбатан ҳар хил ёндашувларни ўрганиш ва таққослаш тил табиатини билишнинг янги йўллари кўриш имконини беради. Дунёнинг концептуал ва лингвистик манзараларининг ўхшаш жиҳатлари ва фарқлари, шунингдек, уларнинг ўзаро алоқаси хусусияти алоҳида муаммони ташкил этади. Биринчи манзара умумий назарий ва мантиқий

хусусият касб этса ҳамда тафаккурнинг ҳар хил типларига асосланган бўлса, иккинчи манзара жонли сўзлашув тиллари воситалари билан мустаҳкамланган дунё ҳақидаги ҳар хил, шу жумладан, одатдаги ахборотни ифодалайди.

О.А.Корнилов дунёнинг илмий ва лингвистик манзаралари тушунчалари нисбатининг ўз талқинини таклиф қилган бўлиб, у инъикос субъектлари ва объектларининг ўхшаш эмаслиги, шунингдек, ташқи дунё инъикосларидан ҳар бирининг бу дунё билан ўзаро нисбати хусусияти билан ажралиб туради. Ўз-ўзидан равшанки, дунёнинг илмий манзараси тушунчаси ҳажман ҳақиқий дунёдан доимо кичкинадир, бироқ у билан мос тушишга ҳаракат қилади ва илмий билимнинг ўсиши билан ўзгаради. Айни вақтда дунёнинг лингвистик манзараси объектив дунё билан ўхшашликка интилмайдиган, у билан қисман кесишади, афсонавий ва субъектив-нисбий категориялар ёрдамида тавсифлайди ва шу аснода ўзи акс эттираётган дунёдан ҳам каттароқ шакл-шамойил касб этади. Бу категориялар миллий тилнинг дунё лингвистик манзарасини ташкил этади, уларнинг мажмуи эса дунёнинг миллий образини яратади-ки, бу «дунёнинг миллий лингвистик манзараси» тушунчасини киритиш учун асос бўлади.¹

Ижтимоий билим учун муҳими шундаки, дунёнинг илмий ва лингвистик манзаралари инсон маданияти, ҳаёт фаолиятининг интеграциялашув воситаси ҳисобланади, инсон билими, хулқ-атвори, ҳужалик юритиш шакли, турмуш тарзи, дунёни кўриш ва идрок этиш «мантиқи»нинг негизини ташкил қилади. Бу тарихий-маданий тадқиқотлар учун айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Маданият тарихчиси фақат тасаввур ва интуицияга таяниши мумкин эмас, бироқ у холисона ёндашувни кафолатловчи илмий методларга мурожаат этиши лозим. Уларнинг энг муҳими вақт, макон, ўзгариш, сабаб, тақдир, эркинлик, ҳуқуқ, меҳнат, мулк каби универсал («космик») ва ижтимоий категорияларни аниқлашдир. Бу универсал категориялар дунёнинг «координаталар тўри»ни, унинг ўзига хос «моделли» ёки манзарасини ташкил этади. Унинг ёрдамида борлиқ идрок этилади ва инсон онгида дунёнинг образи яратилади.

¹ Қаранг: Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. — М.: 1999.

Мазкур ёндашувнинг самаралилигини таниқли тарихчи А.Я.Гуревич ўз асарларида исботлашга ҳаракат қилган. У ўрта аср одамининг онги, ақлий ва умумий мўлжаллари ва одатларини дунёнинг манзараси тушунчаси ва маданият категориялари ёрдамида таҳлил қилган. Айни вақтда дунёнинг илмий манзараси ижтимоий фанларнинг асосий тушунчаси сифатида ривожланган, бу аввало, макон ва вақт категорияларининг қўшимча маънолари аниқланишида намоён бўлган. Тарихчилар уни одатда, «материянинг мавжудлик шакли» деб тушунганлар, бироқ бу категориялар табиат ва жамиятга нисбатан тенг даражада татбиқ этилиши мумкин бўлмаган, чунки улар нафақат амалда мавжуд, балки турли цивилизациялар, жамият қатламларида, жамият ривожланишининг турли босқичларида, турли индивидлар томонидан субъектив даражада ҳар хил англанади ва тасаввур қилинади. Буни лингвистика, этнология, санъат тарихи, адабиётшунослик, психология маълумотлари тасдиқлайди, шунингдек, у тарих фани, маданият тарихи учун муҳим аҳамият касб этади. Айтайлик, ўрта асрда инсоннинг табиатга нисбатан муносабати бу субъектнинг объектга нисбатан муносабати эмас, балки ташқи дунёда ўзини топиш, космосни субъект сифатида идрок этишдир. Инсон табиатга ўз жиҳатлари ва хусусиятларини маълум қилиб, ўзини унга ўхшатган, маконнинг бир қисми билан ички алоқани ҳис этган. Гуревич асарлари билан тарих бўйича тадқиқотларга дунёнинг илмий манзараси тушунчаси кириб келди, унинг ижтимоий-психологик элементлари билан бойиди.¹

Дунёнинг бадиий манзараси тушунчаси дунё ва борлиқни ўзлаштиришнинг эмоционал-ҳиссий усули сифатида шаклланмоқда. Бу усул билим ва образларни, умуман, санъатнинг ҳар бир турига хос бўлган лексик, символик воситаларни ўзида мужассамлаштиради. У санъатни комплекс ва изчил ўрганиш жараёнида вужудга келади; унинг синонимлари — дунёнинг бадиий модели, дунёни кўриш, дунё образи кабилардир. Асосий ғоя, жанр ҳаётга муносабат типи сифатида, муҳим мавзулар ва образлар, бадиий ифодалаш воситаларининг тизимлари дунёнинг бадиий манзараси ички элементлари сифатида қаралади. Фанда кашф этилган ёки сунъий яратилган янги «материаллар», дунё

¹ Қаранг: Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. — М.: 1984.

ҳақидаги тасаввурда ўзгариш ясаган структуралар ва энергиялар санъатнинг барча турларини бойитади, бу ерда дунё ҳақидаги янги тасаввур рассомлар, ҳайкалтарошлар, архитекторларнинг кинетик, пластик ва рангтасвирдаги ечимларида, овоз параметрларининг эмансипацияси ва электрон компьютер-акустик мусиқада, компьютер графикасида ғайриоддий воситалар билан ифодалана бошлади.

Бу ҳодисаларни Л.Г.Бергер дунёнинг бадний манзараси ва дунёнинг умумий ва махсус илмий манзаралари ўзаро нисбати муаммоси муносабати билан дунё манзарасининг образли аналоги сифатидаги «бадий эпистема» тушунчаси ёрдамида муфассал ўрганади. Бу санъат услубида, бадний композицияни яратиш тамойиллари ва методларида гавдалантирилган дунёнинг кўламли образидир. Бунда кўлам макон ва вақтнинг бирлиги сифатида тушунилади. Ҳатто фанда ҳам олимлар гипотезалар, назариялар, математик моделлар ва формулалар ёрдамида дунёвий борлиқ чегараларидан ташқарига — тасаввур маконига чиқадилар. Бадний эпистемада бу инсон онгининг теран ва фаол идроклари, дунё ҳақидаги рефлексияси ифодаланишига, космик муҳит барқарорлиги ва Олам образининг кўп маънолилиги англаб етилишига, хуллас, услубий уйғунликларнинг кўп сонлилигига, полистилистикага олиб келди.¹

Дунёнинг бадний манзарасининг янги талқини ўз даври ва маданиятининг кўламли образини яратувчи бадний услубнинг функционал билиш структураси сифатида намоён бўлади.

Хулосалар. Дунёнинг илмий манзараси — умуман, дунё манзарасининг мавжуд шаклларида бири. Тарихда дунёнинг жуда кўп ҳар хил манзаралари мавжуд бўлган ва ҳозиргача мавжуд. Дунёнинг мифологик, диний, фалсафий, илмий манзаралари шулар жумласидан. Ҳар бир дин — христианлик, буддизм, исломда дунёнинг диний манзараси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу дунёнинг христианлик, буддизм ва исломдаги манзаралари тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Фалсафада ҳар хил фалсафий мактаблар ва йўналишлар, масалан, материализм ва идеализм, рационализм ва эмпиризм, механизм, витализм ва ҳоказолар мавжуд. Бу йўналишларнинг ҳар бири дунёнинг ўз

¹ Қаранг: Бергер Л.Г. Эпистемология искусства. — М.: 1997.


манзарасини таклиф қилади. Шу маънода дунёнинг материалистик ва идеалистик, рационалистик, эмпирик ва бошқа илмий манзаралари тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бошқа томондан, дунёнинг ҳар бир манзарасида умумий жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, бу бизга уларни «дунёнинг манзараси» деб номлаш имконини беради. Дунёнинг ҳар қандай манзараси дунё қандай тузилгани, унда кимлар яшаши ва нималар мавжудлиги, дунёда қандай қонунлар амал қилиши, инсоннинг дунёдаги ўрни, роли ва ҳоказолар ҳақида тасаввур беради.

Таянч тушунчалар:

Материя, макон ва замон тушунчаси, абсолют, микрокосмос, вақт, борлиқ тушунчаси, идеалистик монизм, субстанция, флуктация, бифуркация, синергетика, хаос.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Dunёning ilmiy manzarasi rivojlaniшида қандай даврлар бор?
2. Dunёning мифологик манзараси нима?
3. Dunёning диний манзарасида инсон қандай ўрин эгаллайди?
4. Dunёning фалсафий манзараси диний манзарадан нима билан фарқ қилади?
5. Dunёning ҳозирги илмиy манзараси қандай?
6. Ҳозирги дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари:

1. Тарихда дунёнинг қандай манзаралари мавжудлиги қайд этилади?
 - А. Мифологик, диний, фалсафий, илмиy
 - Б. Илмиy, эзотерик, фалсафий
 - В. Христианлик, буддизм, ислом
 - Г. Интуитив, диний, мифологик

2. Дунёнинг илмий манзарасининг ривожланиш босқичлари.
- Классик, ноклассик, постноклассик
 - Мифологик, антик, теологик, софистик, классик
 - Мифологик, диний, диалектик, синергетик
 - Метафизик, диалектик, синергетик
3. Дунёнинг постноклассик манзараси қачон шаклланган?
- XX асрнинг бошларида
 - XIX асрнинг бошларида
 - XXI асрнинг бошларида
 - XX асрнинг 70-йилларида
4. Дунё манзараси шаклланишининг асосий элементлари қайси қаторда тўғри ва тўлиқ кўрсатилган?
- Макон ва замон, объектлар, қонунлар ва қоидалар
 - Мақсади ва мазмунининг янгилиниши, инсоннинг дунёдаги ўрни ва роли
 - Фан тараққиёти натижаларининг амалий аҳамияти ошиши
 - А ва Б
5. Кишилиқ жамияти ривожланишининг дастлабки босқичларида ҳукм сурган дунёнинг манзараси бу — ...
- Мифологик манзара
 - Диний манзара
 - Фалсафий манзара
 - Илмий манзара
6. Уйғониш давридан бошлаб дунёнинг аксарият мамлакатларида ҳозиргача ҳукм сураётган дунёнинг манзараси бу —
- Илмий манзара
 - Мифологик манзара
 - Диний манзара
 - Фалсафий манзара
7. Дунёнинг қайси манзарасида дунёнинг мақсад ва мазмуни — ҳамманинг ҳаммага нисбатан умумий муҳаббатига эришиш, бироқ бунга йўл эркинлик ҳамда ёмонлик имконияти орқали ўтади?
- Дунёнинг диний манзараси
 - Дунёнинг илмий манзараси
 - Дунёнинг мифологик манзараси
 - Дунёнинг фалсафий манзараси
8. Дунёқараш объекти қайси қаторда тўғри берилган?
- Бутун дунё

- Б. Бутун инсоният
- В. Бутун жонли табиат
- Г. Бутун коинот

9. Дунёнинг бирлигини битта субстанциядан келиб чиқиб тушунтирувчи фалсафий таълимотлар қандай номланади?

- А. Монизм
- Б. Материализм
- В. Идеализм
- Г. Дуализм

10. Дунё асосига икки субстанциянинг муштараклиги ғояси илгари сурувчи ёндашувни белгиланг.

- А. Дуализм
- Б. Монизм
- В. Материализм
- Г. Идеализм

11. Дунёнинг илмий манзарасининг қайси босқичи дарахтсимон сертармоқ графика тарзида ифодаланади?

- А. Постноклассик манзараси
- Б. Классик манзараси
- В. Ноклассик манзараси
- Г. Мифологик манзараси

12. Дунё илмий манзарасининг қайси босқичида ижтимоий тузилмаларни таҳлилдан ўтказиш очиқ чиқиқсиз тизимларни тадқиқ қилишни назарда тутди?

- А. Дунёнинг ҳозирги замон постноклассик манзарасида
- Б. Классик манзараси
- В. Ноклассик манзараси
- Г. Мифологик манзараси

13. Синергетика атамасини фанга киритган олимни аниқланг.

- А. Г. Хакен
- Б. И. Пригожин
- В. И. Стенгерс
- Г. И. Курдюмов

14. Дунёнинг илмий манзараси синергетикада қайси принцип асосида таҳлил этилади?

- А. Ўз-ўзини ташкиллаштириш принципи
- Б. Ўз-ўзини бошқариш принципи
- В. Очиқлик принципи

- Г. Ночизикқилик принципи
15. Синергетик тадқиқотлар дастлаб қайси соҳада қўлланилган?
А. Физикада
Б. Биологияда
В. Фалсафада
Г. Кимёда

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси —Т.: Университет, 2005.
2. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири остида. — Т.: Шарқ, 2005.
3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. —Т.: Университет, 2005.
4. Рузавин Г.И. Механическая картина мира // Концепция современного естествознания. — М.: ЮНИТИ, 1997.
5. Научная картина мира // Сборник научных трудов. — Киев, 1993.
6. Дрыгин В.И. Мировоззрение НКМ и стиль мышления // Теория отражения и научное познание. — Саратов, 1983.
7. Трубина Е.Т. Научная картина мира, внутринаучное функционирование и язык. — Уфа, 1993.
8. Эвристическая и методологическая функция философии в научном познании. — М.: 1990.
9. Каримова Г. Научная картина мира XXI в. // Мысль, 1998. №4.
10. Маринко Г.И. Методологическая функция картины мира в интеграции физического знания. — М.: 1994.

ИЛМИЙ ТАФАККУР УСЛУБИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Илмий тафаккур услуги ўз тузилиши ва функцияларига кўра, мураккаб бўлган нафақат методологик элементлар, балки кадриятларни, хусусан, фалсафий унсурларни ҳам ўз ичига олувчи билим шаклидир. Илмий тафаккур услуги тушунчаси узоқ вақт асосан, индивидуал тафаккурга тавсиф беришда қўлланилган ва ўта психологик мазмун касб этган. Услубни психологик даражада таҳлил қилиш мазкур давр тадқиқотчисининг онгидаги умумий ва индивидуал билимнинг ўзаро нисбатини, муайян тарихий мўлжаллар ва қизиқишлар тизимининг шаклланиш жараёнини ўрганишни, шунингдек, илмий тафаккурни стереотиплаштиришни назарда тутди. Бунда айрим шахснинг роли бу ерда берилган тафаккур андозаларини оддий акс эттириш билан боғланмаслигини ҳисобга олиш лозим. Умумий ижтимоий тизим элементи бўлган билувчи субъект анча мослашувчан ва чаққон бўлиб, ижтимоий борлиқдаги ўзгаришларни гуруҳлашган ва ижтимоий онгдаги ўзгаришлардан олдинроқ илгайди. Бу ва бошқа шунга ўхшаш муаммолар тафаккур услубини психологик муаммо сифатида ўрганиш чоғида юзага келади.

Индивидуал билиш усулларини эмас, балки асосан, умумий илмий билиш усулларини ўрганувчи ҳозирги замон илмий билиш методологиясининг ривожланиши, тафаккур услуги тушунчаси ўзининг мантиқий-эпистемологик маънода ҳам кенг қўлланилишига олиб келди. Масалан, тафаккурнинг механистик, эҳтимолий, системали-структуравий ёки кибернетик ва бошқа услубларидан фойдаланилади, уларнинг таснифлар муаммоси ҳам муҳокама қилинади. Илмий тафаккур услуги — бу ижтимоий-тарихий тусга эга бўлган, кадриятлар билан боғлиқ атама, «вақт руҳининг яхши улуши яширинган», «давримизда ақлларнинг умумий жойлашуви» ни акс эттирувчи тушунчадир. Илмий тафаккур услуги — бу олимлар тафаккур фаолиятининг андозаси, стандарти, қонуни, эталони сифатида қабул қилувчи тамойилларнинг ягона тизимидир.

Илмий тафаккур услубининг тартибга солувчи, норматив хусусияти тан олинади. Илмий тафаккур андозаси сифатида қабул қилинувчи қоидалар ва тамойилларнинг бу тизими барқарорлик ва ўзгарувчанлик, мантиқийлик ва тарихийликни ўзида уйғунлаштиради, тегншли равишда, илмий тафаккур услуги

билимнинг тарихан ўзгарувчи синтетик «бирлиги» сифатида намоён бўлади.

Бироқ, илмий тафаккур услубининг тизимлилик, нормативлик ва тарихийлик каби муқаррар жиҳатларининг фарқланиши бу тушунчанинг бошқа, масалан, санъатдаги услуб тушунчалари билан ўхшашлигини кўрсатган ҳолда, унинг илмий билиш услуби сифатидаги хусусиятини ёритмайди. Тушунчаларни айрим тизимларга бирлаштириш ва бу тизимларга янги элементлар киритиш усулларини ўз ичига олувчи илмий назарияларни мантиқий тузишнинг асосий тамойилларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Илмий тафаккур услубларида борлиқни илмий тушунтиришнинг муайян типи амал қилади. Бу тип мазкур давр учун умумий бўлиб, асосий илмий йўналишларда намоён бўлади ва фундаментал назариялардаги айрим стандарт тасаввурларни белгилайди. Услуб тушунчаси физика фанида қўлланилган. В.Паули ва М.Борн услуб деганда физик назарияларнинг узоқ вақт сақланувчи, барқарор хусусиятларини тушунганлар. Шундай қилиб, илмий тафаккур услубининг мазмунини таҳлил қилишда аввало, назарияни тузиш тамойиллари, илмий тавсифлаш ва тушунтириш типлари ҳамда илмий назарияларнинг бошқа барқарор хусусиятлари кўрсатилиши лозим. Бу услуб аввало илмий назария типи, идеали билан белгиланишидан далолат беради.

Бироқ, мантиқий-методологик тамойиллар тафаккур услуби учун бирдан-бир муҳим тамойиллар ҳисобланмайди. Ўз навбатида, улар борлиқ ва билишнинг хусусияти ҳақидаги у ёки бу тасаввурларга, яъни интеграцион, селектив ва бошқа методологик вазифаларни ечишни белгиловчи фалсафий тамойилларга таянади.

Шундай қилиб, илмий тафаккур услуби мазкур даврда тадқиқотчилар амал қилувчи умумий қабул қилинган методологик нормативлар ва фалсафий тамойилларнинг тарихан шаклланган, барқарор тизимидир. Барқарор методологик нормативлар сифатида илмий ижод жараёнида ёки билишнинг пировард натижаларида тавсифлаш, тушунтириш ва башорат қилишга қўйиладиган талаблар амал қилади. Бу таърифга кўра илмий тафаккур услубининг Т.Кун киритган парадигма билан маълум даражада ўхшашлиги илмий ҳамжамиятлар учун белгиланган

қоидаларнинг айрим тўплами сифатида кўзга ташланади, бироқ бунда шу услуб сақланган ҳолда ўзгариши мумкин бўлган мантикий-методологик услубнинг ўзаги сифатида намоён бўлади.

Илмий тафаккур услуби парадигма каби бир лаҳзада ўзгармайди, бироқ янги тамойиллар ва методологик нормативларнинг аста-секин жорий этилиши юз беради, шу сабабли фанда турли тафаккур услублари бир вақтда мавжуд бўлиши мумкин. Ҳолбуки, бир вақтнинг ўзида турли парадигмалар амал қилиши мумкин эмас. Кун фикрига кўра, ижтимоий ва фалсафий билимда парадигмалар мавжуд бўлмайди, услуб тушунчаси эса билимнинг ҳар қандай типига, нафақат илмий билимга, балки фалсафий ёки бадиий билимга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Парадигмаларни у фақат етук табиий фанларда аниқлайди, тафаккур услублари эса антик даврдан бошлабоқ кузатилади. Парадигмага қараганда номуайянороқ ва камроқ даражада формаллашган илмий тафаккур услуби тушунчаси илмий билишнинг феноменологик хусусиятларини яхшироқ акс эттиради, деб тахмин қилиш мумкин. У ёки бу тафаккур услубининг моҳиятини ташкил этувчи методологик нормативлар ва фалсафий тамойиллар тизими нисбатан априор хусусият касб этади. Буни машҳур немис физиги М.Борн қайд этган. У физик назариянинг услуби билан белгиланувчи барқарор тамойилларни мазкур даврга нисбатан априор ҳисоблайди. Ўз даврининг услуби билан таниш бўлган ҳолда унга мувофиқ «эҳтиёткорлик билан башоратлар қилиш» ёки унга ёт гоёларни рад этиш мумкин.

Илмий тафаккур услуби янги андозага айлангач, фанда кейинги тадқиқотлар учун априор асосий билим сифатида амал қила бошлайди. Методологик нормалар ва тартибга солиш тамойиллари тизими сифатида у илмий билимни муайян тарихий шаклга солади, унинг ташқи ва ички структурасини ташкил этади ва шу тариқа билимнинг ўзи билан уйғун бирикади ва у орқали рўёбга чиқади. Сермазмун фалсафий ва методологик қоидаларни ўз ичига олган илмий тафаккур услуби нафақат билимни ташкил этиш шаклини, балки у ёки бу илмий муаммони ечиш йўлларини ҳам белгилаб бериши мумкин. Илмий тафаккур услуби ўз фаолиятининг муайян тарихий даврида мазкур шароитлар учун тафаккур шакллариининг муайян априор тизими сифатида амал қилади. Бу тизим доирасида тажриба муайян тарзда уюшади.

Тафаккур услуги ўз конструктив вазифаларини қуйидаги тўрт функцияни бажариш йўли билан амалга оширади:

– танқидий функцияни ёки билим олиш, уни текшириш, тузиш методлари ва назарий тузилмалар (гипотезалар)га баҳо бериш функциясини;

– селектив функция – гипотезалар (назариялар), методлар ва категориялар аппаратини танлаш функциясини;

– вербал функция – далил ва назарий билимни фаннинг муайян тарихий тилида расмийлаштириш функциясини;

– башорат қилиш – ғоялар, тадқиқот йўналишлари, янги методларни аниқлаш функциясини.

Тафаккур услуги ва илмий билиш методининг ўзаро нисбати қандай? Улар субъектнинг билиш фаолиятини тавсифлайди, яъни объектга тавсиф бермайдиган, бироқ у билан амалга оширилувчи ҳаракатларни белгилайдиган методологик билим бирликлари ҳисобланади. Услуг ва метод таърифланган ва матнларда қайд этилган бўлса, улар норматив тақлифларнинг мантиқий шаклига эга бўлган тартибга солиш тамойилларининг муайян тизимини ташкил этади. Улар билиш субъектининг фаоллигини рўёбга чиқаради ва унга нисбатан қандайдир ташқи нарса ҳисобланмайди, субъект ва объект ўртасида турмайди, бироқ «билиш субъекти» тушунчасининг мазмунидан ўрин олади, унинг хоссалари сифатида амал қилади, субъектнинг дунёни ўзгартириш ва билиш борасидаги ижодий, қизғин фаолияти натижасида юзага келади.

Илмий тафаккур услуги методдан намоён бўлиш миқёси ва амал қилиш вақтига кўра фарқ қилади. Метод вазифага қараб ҳар хил бўлади, услуб эса билишнинг бир вазифасидан бошқа вазифасига ўтишда сақланиб қолади. Услуг билимнинг барча соҳаларига кириб, унга муайян тус беради, методлар эса айрим хусусият касб этади; услуб методлар орқали намоён бўлади ва фаолият кўрсатади, методлар эса маълум даражада тафаккур услуги билан белгиланади. Илмий тафаккур услуги бир вақтнинг ўзида тартибга солиш, танлаш ва башорат қилиш функцияларини бажаради, методлар эса бу функцияларнинг қайси бирини бажаришига қараб табақаланади. Тафаккур услуги мазмунли, ноизчил таърифланади. Бу билиш жараёнини тартибга солишнинг янада мослашувчанроқ тизимини яратиш имконини беради. Бу мослашувчанлик айни бир тафаккур услуги тадқиқот вазифалари,

билим, фан соҳалари ва ҳоказоларга қараб йўналиши учун имконият яратади. Илмий тафаккур услуби билиш методининг илмийлиги ёки ноилмийлигини белгиловчи тамойиллар ва мезонларни ўз ичига олади, яъни услуб етакчи методологик асос сифатида амал қилади, чунки у билиш методлари ва методологик тамойилларининг синтези ҳисобланади.

XX асрда илмий тафаккур услуби муаммосининг тадқиқотчилари орасида қизиқарли ёндашувлардан бирини М.Борн амалга оширган. У нафақат табиат ҳақида мулоҳаза юритган, балки ўз даврийлаштириш тизимини таклиф қилган. У Нобель мукофоти ўзига квант механикасининг яратилиши муносабати билан янгича тафаккур услубини ишлаб чиқишда қатнашгани учун берилган деб ҳисоблаган.

Борн тафаккур услубларини «жуда суэт ўзгарувчи ва инсон фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, фанда ўзига хос ғояларга эга муайян фалсафий даврларни ташкил этувчи фикрнинг умумий тенденциялари»¹ сифатида таърифлайди. У илмий билиш тарихида уч услубни фарқлайди, бунда у даврийлаштириш асосларини аниқ белгилайди: субъект-объект муносабатларининг ўзгариши. Шу нуқтаи назардан қаралувчи биринчи тафаккур услуби антик даврда вужудга келган ва Ўрта асрда фаолият кўрсатишда давом этган. Бу антропоцентрик, субъективистик тафаккур тарзи бўлиб, унинг учун субъект ва объект узвий ва айнийдир. Иккинчи услуб — Ньютон услуби, «чунки у Ньютоннинг осмон механикасида андоза олган». Бу услуб шунга асосланади-ки, «табиатшунослик объекти — ташқи дунё бир томондан ва биз кузатувчи, фикрловчи ва ҳисобловчи субъектлар иккинчи томондан бир-биримиздан бутунлай ажралганмиз, ҳодисаларни уларнинг юз бериш жараёнига аралашмасдан тадқиқ қилиш усули мавжуд»². Учинчи услубни Борн М.Планк квантлар энергияси ғоясини эълон қилган, у билан бирга субъект ва объектнинг қарама-қаршилиги муаммосига нисбатан янгича ёндашувлар кириб келган янги давр билан боғлайди. Бу қарашлар қадимги ва ўрта аср таълимотларидаги каби бутунлай субъективистик ҳам, Ньютондан кейинги

¹ Қаранг: Борн М. Философия в жизни моего поколения. — М.: 1963. —223-б.

² Уша ерда. — 229-б.

фалсафада бўлганидек, тўла объективистик ҳам эмас. Мазкур қарашларнинг бундай икки томонламалиги хусусан, шу билан белгиланади-ки, катталикларнинг «боғланган» жуфтлари (энергия — вақт, импульс — координата)ни ўлчаш йўли билан ўзича тизим ҳақида маълумотлар олиш мумкин эмас, жавоб кузатувчининг ечимига боғлиқ бўлади ва субъектив ечимлар объектив кузатишлар билан аралашиб кетади. Борн фикрига кўра, илмий тафаккурнинг бу услуби ҳозирги замон фалсафасининг умумий тенденциясига ҳам мос тушади. «Биз билимни бизнинг ечимимиздан ажратиш мумкинлигига бошқа ишонмаймиз, биз ҳаёт драмасида ўзимиз доим бир вақтнинг ўзида ҳам томошабин, ҳам актёр эканлигимизни биламиз»¹. Тафаккур услубларини фарқлаш учун асослар сифатида Борн мазкур даврга хос бўлган ғоялар, субъект-объект муносабатлари ва детерминация типни — ньютонча услубдаги қатъий детерминацияни ва ҳозирги илмий тафаккур услубидаги «тасодифий кириш»ни қабул қилди. Тафаккур услубларининг ҳар хил таснифлари анча кўп бўлиб, улар бу ерда келтирилмайди. Илмий тафаккур услубининг муҳим тартибга солувчи билим сифатидаги моҳиятини тўғри тушуниш ва тушунтириш унинг шаклланиши, ривожланиши ва алмашишининг маданий-тарихий хусусиятини, шунингдек, фаннинг ижтимоий-маданий вазифасини бажаришда услубнинг алоҳида ролини ҳисобга олишни тақозо этади. Шу сабабли, бир томондан, билиш услубларининг юзага келиши ва тадрижий ривожланиши қайси омиллар билан белгиланишини аниқлаш, бошқа томондан эса — ижтимоий-маданий ва фалсафий жиҳатлар фаннинг фалсафий ва мантиқий-методологик асосларининг ривожланишини назарда тутувчи қайси омиллар орқали билиш мантиқига кириши ва уни ўзгартиришини кузатиш эҳтиёжи мавжуд. Айни вақтда мантиқий-методологик, ғносеологик ва онтологик асослар, лингвистик ва бошқа меъёрлар ва идеаллардан иборат ўзига хос матрицадан фойдаланиб, вақт кўрсаткичини албатта киритиш йўли билан ҳар қандай, шу жумладан, бўлғуси тафаккур услубига тавсиф бериш мумкин. Жадвалда ўрта аср тафаккури ва Янги давр тафаккурига нисбатан қўлланилган шундай матрица келтирилган.

¹ Қаранг: Борн М. Философия в жизни моего поколения. — М.: 1963. — 234-б.

Тафаккур услублари матрицаси (методологик жиҳат)

Методологик кўрсаткичлар		Урта асрда улар ҳақидаги тасаввур	Янги даврда улар ҳақидаги тасаввур
Оптологик тасавурлар	Матери ва унинг атрибутлари ҳақида	Моддий дунё – Худо эманацияси. Материал ва шаклнинг бирлиги (Ибн Рушдга кўра). Шакл бирламчи (Аквинскийга кўра). Илоҳий боқий ва чексиз Вақт ва Макон ҳамда дунёвий ўткинчи вақтлар ва жойлар (Августинга кўра). Номинализм ва реализм	Материя – субстанция, модда, молекулалар, атомлардан ташкил топган; асосий кўрсаткичлари: масса, куч, импульс, тезлик, тезланиш. Ҳаракат қонунлари – механика қонунлари. Макон ва Вақт мутлақдир.
	Детерминация ҳақида	Илоҳий белгиланганлик (олд детерминизм). Детерминизм – шундай таърифланувчи тушунча. Сабабнинг тўрт тури: моддий, формал, амалдаги, пировард (Аристотелга кўра)	Қатъий детерминация (лапласча сабабият – узил-кесил боғлиқлик). Сабаб – сиртдан таъсир кўрсатувчи омил (механик сабабият)
Гноссологик тасавурлар	Субъект-объект йўналишлари ҳақида	Билишнинг субъекти ва объекти ажратилмайди. Объектнинг ҳиссий ва ақлий «турлари» тан олинади (Аквинскийга кўра)	Субъект ва объект ажратилган ва аниқ фарқланган, қарама-қарши қўйилган; субъективлик билиш натижатаридан элиминация қилиниши лозим
	Назария ва амалиётнинг ўзаро нисбати ҳақида	Мавҳум-назарий тузилмалар тажрибанинг формал ўқинанидир: диний ақлларни асослаш учун яратилади	Илмий назария эмпирик материал, тажрибадан чиқарилган «хулоса» сифатида тушунилади, бироқ ижтимоий амалиётга боғланмай ўрганилади
	Ҳақиқат ҳақида	Ҳақиқат икки томонлама: юрак ҳақиқати ва ақл ҳақиқати	Ҳақиқат мутлақо ҳақиқий, яъни аниқланган, узил-кесил ва тажрибада синалган билимдир
Назария идеали (тавсиф-лаш ва тушунтириш усуллари)	Телеологик, сабабий (мантикий маънода), дедуктив тушунтиришлар. Идеал – Аквинскийнинг «илоҳиёт йўғиндиси»	Мутлақо объектив (узил-кесил, тулиқ) тавсиф; классик механик тавсиф. Идеал – Ньютон механикаси	
Метод идеали	Худони интуитив билиш. Схоластика: дедукция, обрўли шахедан исбот, шарҳлар, мунозаралар	Кузатиш, эксперимент, механик моделлаштириш, индуктив методлар	

	Давла идеали	Муқаддас китоб ақидалари. Аристотель ва шарҳдовчилардан иқтибослар, шу жумладан, текширилмаган амалий маълумотлар	Табиаат ҳодисаларини мутлақо аниқ ва тўлиқ кузатиш
Мангқий- методологик нормативлар	Илмий тил	Синкретиклик: дидактик, беллетристик, теологик ва фалсафий атамалар. Антропоморфизм ва лотин тилининг устунилиги	Лотин тилидан воз кечиш, математик тил, кимёвий символлар, физик формулаларни илмий муомалага киритиш. Илмий атамаларда антропоморфизм

Шундай қилиб, илмий тафаккур услуби фанда илмий билим структурасини, унинг муайян тарихий шаклини белгиловчи методологик тамойиллар, идеаллар ва меъёрларнинг динамик тизими сифатида амал қилади. Тафаккур услуби муайян дунёқараш типи ва илмий-амалий билиш таомиллари доирасида борлиқнинг структураси ва қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларни белгиловчи дунёнинг илмий манзараси билан узвий боғлиқ. Бугунги кунда XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, билимнинг кўпгина соҳаларидан кенг ўрин олган янгича тафаккур услуби шаклланимда. Бу системали-структуравий ёндашув, объектларга ўз-ўзидан ташкил топувчи тизимлар сифатида қараш, ниҳоят, борлиқнинг синергетик талқинининг шаклланиши билан боғлиқ.

Компьютер тафаккури ва билиш фаолияти янгича типининг шаклланиши. Ўз-ўзидан равшанки, қудратли компьютер техникаси ва унинг ғояларидан фойдаланиш ўқиш, тафаккур, эмоционал ва когнитив ривожланиш соҳаларида янги имкониятлар яратади. Бироқ, жамиятни компьютерлаштиришнинг муайян нуқсонларини ҳам эътиборга олиш лозим. Тадқиқотчилар «компьютер онги» ва билишни шакллантиришнинг бир қанча мураккаб муаммоларини аниқладилар. Шулардан бири — компьютерга нисбатан «истеъмомчилик» муносабати ва шунинг таъсирида тафаккурнинг айрим салбий жиҳатлари пайдо бўлиши. Хусусан, бу танқид қилиш қобилятининг сусайиши, билишнинг ҳиссий жиҳати ва ижодий асосни формаллаштириш мумкин бўлмаган иррационал омиллар сифатида эътиборга олмаслик, ҳодисаларга нисбатан тарихий ёндашувнинг йўқолиши (улар ҳақидаги ахборот маълумотлар банкида синхронлаштирилиши натижасида), фойдаланилувчи тилнинг

қашшоқлашуви, уни формаллаштирилган тиллар билан алмаштириш. Бундай нуқсонларни инсоннинг ақлий қобилиятини фаол намоён этувчи ва шакллантирувчи (айниқса, Интернетдан фойдаланилиши муносабати билан) асбоб сифатидаги компьютер ва инсон ўзаро алоқасининг роли ва имкониятларини бутунлай янгича тушуниш йўли билан бартараф этиш мумкин. Билишнинг кўпгина вазифалари эндиликда ҳисоблаш, маълумотлар банкига уланиш вазифалари сифатида қайта англаб етилди-ки, бу тафаккур жараёнига ҳажмлилик ва кўламлилиқ бахш этди, билиш имкониятларини сезиларли даражада оширди. Ўз фаолиятини муттасил таҳлил қилиш, уни бошқа фанлар билан таққослаш, яширин омилларни аниқлашга зарурат туғилди-ки, бу тафаккур жараёнини методологик, танқидий-рефлексив жараёнга айлантирди.

Массачусетс технология институтининг профессори С.Пейперт раҳбарлигидаги лабораторияда бажарилган дастур бу турдаги муаммоларга доир қизиқарли ва самарали тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Компьютер имкониятлари ёрдамида янги – ХХІ аср тафаккур услубини шакллантириш йўллари топиш вазифаси қўйилди. Бу вазифани ечиш учун Пейперт гуруҳи ноанъанавий йўлни топди: компьютер ва ўйинлар мажмуи ёрдамида реал дунёда реал нарсалар билан микродунёлар яратилди. Бу микродунёларнинг ҳар бири ё Аристотель тасаввурларига кўра, ё Ньютон қонунлари, Эйнштейн ғоялари ва ҳатто «дунёдаги ҳаракатнинг умумий қонуни»га кўра тузилган дунёлардан бирини ифодалаш лозим эди. Сўнгги зикр этилган қонун доирасида ўқувчиларнинг ўзлари ўйлаб топувчи чексиз ранг-баранг ҳаракат қонунлари амал қилиши мумкин эди. Бунга шахсий тажриба, яхши маълум бўлган «ўз танасининг геометрияси» ва бошқа билимлар ва тасаввурлар асос бўлар, улар ранг-баранг ҳаракат «қонунлари»ни ишлаб чиқишга жалб қилинарди.

Оддий ва тушунарли мисоллар билан ишлаб ҳаракат қонунларини ўрганиш, бу қонунларга мувофиқ фаолият олиб бориш имконияти бундай «микродунёлар»ни яратиш мезонларига айланди. Бунда ўқувчи у ёки бу борлиқни ўзи яратар, уни ўзгартириши ва муқобил борлиқлар тузиши мумкин эди. У турли ҳаракат қонунларини ўрганиб, улардан ҳар бирининг тузилган

«микродунё»даги имкониятларига баҳо берар ва, айтайлик, Нютон қонунлари ҳаракатланувчи объектларни тавсифлашнинг чиндан ҳам энг тежамли ва самарали усули эканлигини аниқлаши мумкин эди. Бундай «микродунёлар»даги фаолият ўқувчилар ижодини кучли рағбатлантиради, чунки билимнинг ҳақиқийлиги ёки сохталлиги муаммоси одатдаги мактаб мутаассиблик билан фақат «тўғри» ғояларни татбиқ этиб, қатъиян рад қилувчи ҳар хил, шу жумладан, «хато» назарияларни ўрганиш имкониятларига нисбатан иккиламчи саналган интеллектуал муҳитни юзага келтиради. Машҳур психолог Ж.Пиаже ўқувчиларнинг ўзлари яратувчи хато назариялар тафаккур фаолиятининг ўзига хос «полигони» ҳисобланиши ва шу сабабли ўқув жараёнида иштирок этиши мумкинлигини қайд этади. Айнан шу тамойилларга Пейперт ҳам амал қилади.

Ўз-ўзидан равшанки, «микродунёлар»ни тузиш ва улардан фойдаланиш тафаккурни ривожлантириш ва ахборотга ишлов бериш учун компьютердан ноанъанавий тарзда фойдаланишни назарда тутати. Компьютердан бундай фойдаланишда Пейперт таъбири билан айтганда сифатли тафаккурни яратиш имконияти юзага келади, компьютердан стандарт фойдаланиш жараёнида эса билимларнинг миқдор жиҳати мустақамланади, чунки компьютер мураккаб ҳисоблашларни амалга ошириш имконини беради. Пейперт гуруҳи қўйган ва тадқиқ этган билимнинг сифат ва миқдор жиҳатларининг бирлиги муаммоси таълимнинг янги методларини ишлаб чиқиш учун ҳам, «билим ҳақидаги билим»ни ва ўқувчиларнинг тафаккурини шакллантириш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг ортида табиий-илмий ва ижтимоий билимнинг тарқоқлигига барҳам бериш объектив зарурати яшириндир, бу жараённинг фундаментал оқибатлари эса билимнинг янги образи ва «методологик» тафаккур услубидир.

Пейперт гуруҳи ўтказган тадқиқот компьютер бу ҳолда икки томонлама ёрдам кўрсатиши мумкинлигини кўрсатди. Биринчидан, борлиқ ҳақидаги интуитив тасаввурлар компьютер дастурида гавдалантирилиши мумкин бўлиб, бу уларга баҳо бериш ва рефлексияга қулай имконият яратади. Иккинчидан, дастурлаштириш ғояларидан интуитив тасаввурларни қайта моделлаштириш учун фойдаланилиши мумкин. Бинобарин, айни ҳолда компьютердан илмий билимнинг шахсий билим билан


алоқасини аниқлаш, илмий билимдан далилни билиш ёки кўникмага эга бўлиш учун эмас, балки инсон билимига яқинлаштириш учун фойдаланилади. Шундай қилиб, Пейперт айтган «онгда тўнтариш яшаш» компьютердан шунчаки фойдаланишдан эмас, балки тафаккурга нисбатан ёндашишнинг компьютерни дастурлаштиришга ўхшаш янги усулини яратишдан иборатдир. Компьютерлар мавжудлигини маданият билан ассимиляция қилиш бунда «дастурлаштиришни билиш» ёки компьютердан фойдаланишнинг ҳар хил усуллари ва буни қачон ва қай тарзда амалга ошириш лозимлигини билиш сифатида тушунилади.


Хулосалар. Пейперт тадқиқоти жараёнида билиш қобилиятларининг тадрижий ривожланиши жараёнида вужудга келган интуицияни қайта структуралаштириш муаммоларини ечиш, билиш қобилиятларига маданият ўзлаштирган омил сифатида таъсир кўрсатиб, бу тадрижий ривожланишни давом эттириши ва ниҳоят, янгича тафаккур услубининг юзага келишига кўмаклашиши мумкин бўлган «техник қурилма» — компьютердан фойдаланишнинг теран антропологик маънолари аниқланади.

Тажрибавий амалий матнлар:

Илмий тафаккур, тафаккур услуби, субстанция, ҳаракат, ривожланиш, компьютер онги, сунъий интеллект, билиш фаолияти.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Муустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Илмий тафаккур услуби қандай хусусиятга эга?
2. Мантикий-методологик тамойил ҳақида нима биласиз?
3. Компьютер тафаккури ва билиш фаолиятининг янгича типи қандай намоён бўлади?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Илмий тафаккур услуби – биринчи навбатда бу:
 - A. Норматив хусусиятга эга бўлган ва ўзида тартибга солувчи

ҳамда дунёқараш тамойилларини мужассамлаштирган тарихий ўзгарувчан билимнинг бирлиги.

Б. Бу дунёнинг муайян манзараси асосида олимнинг назарий фаолиятини ташкил этишнинг умумий билиш шакли.

В. Давлатни бошқаришнинг функциялари, шакллари, даражалари ва услублари ҳамда руҳий фаолият ўртасида аналогия ўтказувчи, жамият бошқаруви тизимини қўлловчи назария.

Г. Билишнинг умумий услублари ва борлиқнинг шаклланиши тўғрисидаги таълимот.

Д. Натижа билан қаттиқ боғланган, қатъий белгиланган қадамлар ва операциялар сони.

2. Олимлар тафаккур фаолиятининг андозаси, стандарти, қонуни, эталони сифатида қабул қилувчи тамойилларнинг ягона тизими бу – ...

А. Илмий тафаккур услуби

Б. Илмий тадқиқот услуби

В. Илмий тадқиқот дастури

Г. Тўғри жавоб берилмаган

3. Услуб тушунчаси биринчи бор қайси фан соҳасида қўлланилган?

А. Физика

Б. Математика

В. Мантиқ

Г. Фалсафа

4. Физик назарияларнинг узоқ вақт сақланувчи, барқарор хусусиятларини В.Паули ва М.Борн нима деб атаган?

А. Услуб

Б. Тафаккур

В. Тамойил

Г. Метод

5. Ўзгарувчан хусусиятга эга бўлган илмий тамойиллар бирлашмаси бу – ...

А. Парадигма

Б. Тафаккур услуби

В. Тамойил

Г. Метод

6. Ушбу фикрлар муаллифи ким? «Ижтимоий ва фалсафий билимда парадигмалар мавжуд бўлмайди, услуб тушунчаси эса

билимнинг ҳар қандай типига, нафақат илмий билимга, балки фалсафий ёки бадний билимга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин”.

А. Т.Кун

Б. С.Тульмин

В. М.Полани

Г.П.Фейерабенд

7. Парадигмага қараганда номуайяноқ ва камроқ даражада формаллашган илмий тафаккур услуби тушунчаси илмий билишнинг қандай хусусиятини яхшироқ акс эттиради?

А. Феноменологик

Б. Герменевтик

В. Методологик

Г. Метафизик

8. У ёки бу тафаккур услубининг моҳиятини ташкил этувчи методологик нормативлар ва фалсафий принциплар тизими қандай хусусиятга эга деб талқин этилади?

А. Априор хусусият

Б. Апостериор хусусият

В. Адекват хусусият

Г. Имманент хусусият

9. Тафаккур услубининг конструктив вазифалари тўғри ва тўлиқ кўрсатилган жавобни белгиланг.

А. Танқидий функцияни ёки билим олиш, уни текшириш ва тузиш методлари ва назарий тузилмалар (гипотезалар)га баҳо бериш ҳамда селектив функция — гипотезалар (назариялар), методлар ва категориялар аппаратини танлаш

Б. Вербал функция — далилуал ва назарий билимни фаннинг муайян тарихий тилида расмийлаштириш

В. Башорат қилиш — гоёлар, тадқиқот йўналишлари, янги методларни аниқлаш

Г. Барча жавоблар тўғри

10. Тафаккур услуби ва илмий билиш методининг ўзаро нисбати қандай?

А. Улар субъектнинг билиш фаолиятини тавсифлайди, яъни объектга тавсиф бермайдиган, бироқ у билан амалга оширилувчи ҳаракатларни белгилайдиган методологик билим бирликлари ҳисобланади

Б. Услуб ва метод таърифланган ва матнларда қайд этилган

бўлса, улар норматив таклифларнинг мантиқий шаклига эга бўлган тартибга солиш принципларининг муайян тизимини ташкил этади

В. Улар билиш субъектининг фаоллигини рўёбга чиқаради ва унга нисбатан қандайдир ташқи нарса ҳисобланмайди, субъект ва объект ўртасида турмайди, бироқ «билиш субъекти» тушунчасининг мазмунидан ўрин олади, унинг хоссалари сифатида амал қилади, субъектнинг дунёни ўзгартириш ва билиш борасидаги ижодий, қизғин фаолияти натижасида юзага келади ва ривожланади.

Г. Барча жавоблар тўғри

11. Илмий тафаккур услуги методдан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

А. Намоён бўлиш миқёси ва амал қилиш вақтига кўра

Б. Тадқиқот объекти ва предметига кўра

В. Амал қилиш муддати ва давомийлигига кўра

Г. А ва В жавоблар тўғри

12. Қайси хусусият услубга хос?

А. Билимнинг барча соҳаларига кириб, унга муайян тус беради

Б. Вазифага қараб ҳар хил бўлади

В. Айрим хусусият касб этади

Г. Маълум даражада тафаккур услуги билан белгиланади

13. Тафаккур услуги муайян дунёқараш типи ва илмий-амалий билиш таомиллари доирасида борлиқнинг структураси ва қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларни белгиловчи қандай илмий жараён билан боғлиқ?

А. Дунёнинг илмий манзараси билан

Б. Фан-техника тараққиёти билан

В. Олимлар кашфиёти билан

Г. Ижтимоий-тарихий муҳит ва маънавий қадриятлар билан

14. Ҳозирги замон тафаккур услуги шаклланиши нечанчи йиллардан бошланган?

А. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб

Б. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб

В. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб

Г. XX асрнинг охирларидан

15. Компьютер тафаккури билан боғлиқ “онгда тўнтариш яшаш” фикри қайси олимга тегишли?

- А. Пейпертга
- Б. Карнапга
- В. Беллга
- Г. Моуидига

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. —Т.: Университет, 2005.
2. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири остида. — Т.: Шарқ, 2005.
3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. —Т.: Университет, 2005.
4. Кун Т. Структура научных революций. — М.: 1975.
5. Рузавин Г.И. Механическая картина мира // Концепция современного естествознания. — М.: ЮНИТИ, 1997.
6. Научная картина мира // Сборник научных трудов. — Киев, 1993.
7. Дрыгин В.И. Мироззрение НКМ и стиль мышления // Теория отражения и научное познание. — Саратов, 1983.
8. Трубина Е.Т. Научная картина мира, внутринаучное функционирование и язык. — Уфа, 1993.
9. Эвристическая и методологическая функция философии в научном познании. — М.: 1990.
10. Маринко Г.И. Методологическая функция картины мира в интеграции физического знания. — М.: 1994.

БИЛИШДА ЯНГИ БИЛИМНИ ЯРАТИШНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Цивилизация тарихида фаннинг шаклланиш асослари. Илмий билиш шакллариининг тавсифлари фаннинг маданий ҳодиса сифатидаги ривожланиш муаммоларини ечиш йўллариини кўп жиҳатдан белгилайди. Фаннинг шаклланиш ва ривожланиш тарихида билимларни тузишнинг икки ҳар хил методига ва фаолият натижаларини прогноз қилишнинг икки шаклига мос тушувчи икки босқични фарқлаш мумкин. Биринчи босқич дастлабки фан (дастлабки фан), иккинчи босқич — ҳақиқий фандир.

Дастлабки фан босқичида инсон асосан, ишлаб чиқариш фаолиятида ва кундалик тажрибада кўп дуч келган нарсалар ва уларни ўзгартириш усулларини ўрганган. У амалий ҳаракатларнинг натижаларини башорат қилиш учун бундай ўзгаришларнинг моделларини тузишга ҳаракат қилган. Бунинг биринчи ва зарурий шарти амалиёт билан боғлиқ нарсалар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини ўрганиш бўлган. Бу нарсалар, хоссалар ва муносабатлар билишда идеал объектлар шаклида қайд этилган. Тафаккур улардан реал дунё объектларининг ўрнини босувчи ўзига хос предметлар сифатида фойдаланган. Тафаккурнинг бу фаолияти амалиёт асосида шаклланган ва моддий нарсаларни амалда ўзгартиришнинг идеаллаштирилган схемасидан ташкил топган. Илк фан идеал объектларни уларни ўзгартиришнинг тегишли амаллари билан бирлаштириб, мазкур тарихий давр ишлаб чиқаришида амалга оширилиши мумкин бўлган предметларнинг ўзгаришлари схемасини тузган. Масалан, Қадимги Мисрда яратилган бутун сонларни қўшиш ва айириш жадвалларини таҳлил қилиб, уларда ифодаланган билимлар предметлар мажмуи устида амалга оширилувчи ўзгаришларнинг одатдаги схемасини ташкил этишини аниқлаш мумкин.

Қўшиш жадвалларида мавжуд предметларнинг ҳар бири (масалан, подага йиғилган ҳайвонлар, қурилиш учун уюлган тошлар ва ҳ.к.) «бир» идеал объекти билан ифодаланиб, I белгиси (вертикал чизик) билан қайд этилган. Предметлар тўплами бу ерда бирлар тизими сифатида тасвирланган («ўнлар», «юзлар»,

«минглар» ва ҳоказолар учун миср арифметикасида тегишли идеал объектларни қайд этувчи ўз белгилари мавжуд бўлган). Йиғиндига бирлаштирилувчи предметлар билан амал қилиш (қўшиш) ва йиғиндидан предметларни ёки уларнинг гуруҳларини ажратиш (айириш) ҳаракат қоидаларида «бирлар», «ўнлар», «юзлар» ва ҳоказолар устида тасвирланган. Айтайлик, беш бирликка уч бирликни қўшиш қуйидагича амалга оширилган: III белгиси («уч» сони) тасвирланган, сўнгра унинг остига яна беш вертикал чизиқча IIII («беш» сони) тортилиб, бу чизиқчаларнинг барчаси дастлабки икки қатор остида жойлашган бир сатрга кўчирилган. Натижада, тегишли сонни ифодаловчи саккиз чизиқча ҳосил бўлган. Бу амаллар реал амалиётда нарсалар йиғиндисини ташкил этиш таомилини акс эттирган (предметларнинг йиғиндиларини амалда ҳосил қилиш ва ажратиш айрим якка предметларни бошқа шундай предметларга қўшиш таомилига асосланган).

Бундай йўсиндаги билимлардан фойдаланиб, предметларнинг айрим йиғиндига бирлаштириш билан боғлиқ ҳар хил вазиятларга хос бўлган предметларни ўзгартириш натижаларини башорат қилиш мумкин бўлган. Мавжуд амалиётнинг моддий муносабатларини мавҳумлаштириш ва схемалаштириш йўли билан билимларни тузиш усули амалиёт натижаларини дунёни амалда ўзлаштиришнинг шакланган усуллари доирасида башорат қилиш имконини берган. Бироқ, билиш ва амалиёт ривожланишига қараб фанда қайд этилган усул билан бир қаторда билимларни тузишнинг янги усули шакланган. У дунёнинг моддий алоқаларини илмий ўрганишга ўтилишига асос бўлган.

Олдин фан босқичида бирламчи идеал объектлар ҳам, уларнинг муносабатлари ҳам бевосита амалиётдан келтириб чиқарилган ва шундан кейингина яратилган билим (тил) тизими доирасида янги идеал объектлар шакланган бўлса, кейин билиш навбатдаги қадамни ташлади. У янги билим тизимининг пойдеворини амалиётга нисбатан «юқоридан» туриб кура бошлади ва фақат шундан кейингина айрим билвосита амаллар ёрдамида идеал объектлардан яратилган конструкцияларни амалиётнинг моддий муносабатлари билан таққослаб текширишга ўтди.

Бундай методда бирламчи идеал объектлар амалиётдан олинмайди, балки илгари вужудга келган билим (тил) тизимларидан ўзлаштирилади ва янги билимларни шаклан-

тиришда қурилиш материали сифатида қўлланилади. Бу объектлар алоҳида «муносабатлар тизими»га, билимнинг бошқа соҳасидан ўзлаштирилувчи структурага жойланади ва бу ерда у борлиқ моддий структураларининг схемалаштирилган образи сифатида дастлабки тарзда асосланади. Бирламчи идеал объектларнинг янги «муносабатлар тизими» билан бирикуви янги билимлар тизимини юзага келтиришга қодир бўлиб, унинг доирасида борлиқнинг илгари ўрганилмаган томонларининг муҳим жиҳатлари ўз аксини топиши мумкин. Мазкур тизимнинг амалда бевосита ёки билвосита асосланиши уни ишончли билимга айлантиради.

Ривожланган фанда бундай тадқиқот усули деярли ҳар қаламда учрайди. Масалан, математиканинг тадрижий ривожланишига қараб сонлар амалиётда қўлланилувчи предметлар йиғиндиларининг қадимги образи сифатида эмас, балки хоссалари системали ўрганилиши лозим бўлган нисбатан мустақил математик объектлар сифатида қарала бошлайди. Шу даврдан математик тадқиқот бошланади ва уни амалга ошириш жараёнида илгари ўрганилган натурал сонлардан янги идеал объектлар қурилади. Масалан, мусбат сонларнинг исталган жуфтига айириш амалини қўллаб, манфий сонлар олиш мумкин (кичик сондан катта сон айирилган ҳолда). Математика ўзи учун манфий сонлар туркумини кашф этиб, навбатдаги қаламни ташлайди. У мусбат сонлар учун қабул қилинган амалларни манфий сонларга нисбатан татбиқ этади ва шу йўл билан борлиқнинг илгари ўрганилмаган структураларини тавсифловчи янги билимни яратади. Кейинчалик, сонлар туркумининг янада кенгайиши юз беради: илдиз остидан чиқариш амалининг манфий сонларга нисбатан татбиқ этилиши янги абстракция — «сохта сон»ни шакллантиради. Идеал объектларнинг бу туркумига нисбатан ҳам натурал сонларга нисбатан қўлланилган барча амаллар татбиқ этилади.

Билимларни тузишнинг тавсифланган усули фақат математикадангина ўрин олмайди, балки табиий фанлар жабҳасига ҳам тарқалади. Табиатшуносликда у гипотетик моделларни илгари суриш ва сўнгра уларни тажрибада асослаш методи сифатида маълум.

Билимларни тузишнинг янги методи ёрдамида фан нафақат амалиётнинг мавжуд андозаларида дуч келиши мумкин бўлган моддий алоқаларни ўрганиш, балки ривожланаётган цивилизация

амалда ўзлаштириши мумкин бўлган объектларнинг ўзгаришларини таҳлил қилиш имкониятига ҳам эга бўлади. Шу даврдан эътиборан дастлабки фан босқичи тугайди ва ҳақиқий фан босқичи бошланади.

Ҳақиқий фанда (дастлабки фанга ҳам маълум бўлган) эмпирик қоидалар ва боғланишлар билан бир вақтда билимнинг алоҳида типи — назарий қоидалардан эмпирик боғланишларни олиш имконини берувчи назария шаклланади. Билимларнинг категориал мақоми ҳам ўзгаради — улар энди нафақат амалга оширилган тажриба, балки бутунлай бошқача бўлғуси амалиёт билан ҳам боғланиши мумкин бўлиб, шу боисдан эҳтимоллик ва зарурият категорияларида тузилади. Билимлар энди фақат мавжуд амалиёт учун қоидалар сифатида таърифланмайди, улар «ўзича» борлиқ объектлари ҳақидаги билимлар сифатида амал қилади ва уларнинг асосида объектларни бўлғуси амалий ўзгартириш рецептураси ишлаб чиқилади.

Илмий билиш одатдаги амалиёт ва ишлаб чиқариш фаолиятида аниқлаш мумкин бўлмаган моддий тузилмаларни излашга қараб, мўлжал олади, шу сабабли у энди фақат амалиёт шаклларига таяниб ривожлана олмайди. Амалиётнинг ривожланаётган табиатшуносликка хизмат кўрсатувчи алоҳида шаклига эҳтиёж туғилади. Илмий эксперимент эса амалиётнинг шундай шаклига айланади.

Дастлабки фан ва ҳақиқий фан ўртасидаги фарқ билимларни яратишнинг янгича усули билан боғлиқ бўлгани боис, фан генезиси муаммоси тадқиқот илмий усулининг асослари муаммосига айланади. Бу асослар маданиятда тафаккур жараёнининг илмий метод юзага келишига имконият яратувчи муайян мўлжаллари тарзида юзага келади. Уларнинг шаклланиши цивилизациянинг узоқ ривожланиш маҳсули ҳисобланади. Анъанавий жамиятлар (Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Қадимги Миср ва Бобил) маданиятлари бундай асосларни яратмаган. Гарчи, уларда илмий билимлар ва вазифаларни ечиш усулларининг кўп сонли муайян турлари юзага келган бўлса-да, бу билимлар ва усуллар дастлабки фан доирасидан четга чиқмаган.

Ҳақиқий фанга ўтишдаги икки омил. Биринчи омил — математикада илмий методнинг қўлланилишини таъминлаган ва уни назарий тадқиқот даражасига олиб чиққан антик дунё

маданиятидаги ўзгаришлар бўлса, иккинчи омил — Уйғониш даврида ва Янги даврга ўтиш босқичида Европа маданиятида юз берган, илмий тафаккур услуби табиатшунослик мулкига айланишига сабаб бўлган ўзгаришлардир (бу ерда бош жараён эксперимент табиатни ўрганиш методи сифатида вужудга келиши, математик методнинг эксперимент билан бирлашиши ва назарий табиатшуносликнинг ривожланиши ҳисобланади).

Бу ерда маданиятда юз берган ва пировард натижада, техноген цивилизациянинг вужудга келишини таъминлаган мутациялар тўғрисида сўз юритилади. Ривожланган фан цивилизация тараққиётининг айна шу йўналишида қарор топади, бироқ унга олиб борган тарихий йўл оддий ва тўғри чизиқли бўлмаган. Илмий методни яратишга айрим уринишлар турли маданиятларда кўп марта амалга оширилган. Уларнинг айримлари дарҳол маданий оқимга тушган, айримларини эса оқим четга чиқариб қўйган, бироқ улар кейинчалик, яна маданий ҳаёт марказидан ўрин олган (масалан, антик даврнинг кўпгина гоёлари Уйғониш даврида «иккинчи нафас» касб этди).

Илмий босқичга ўтиш учун борлиқнинг мавжуд вазиятларига, шу жумладан, ижтимоий мулоқот ва фаолият жараёнларига дунё моҳиятининг ҳар хил, шу жумладан, илгари амалга оширилган шакллардан анча фарқ қилувчи шаклларда амалга ошишга қодир шаклларида бири сифатида қараш имконини берувчи алоҳида тафаккур (дунёни кўриш) усули зарур эди.

Бундай тафаккур усули, масалан, дастлабки фан бошланган илк шаҳар цивилизациялари давридаги Шарқ табақавий жамияти маданиятида вужудга келиши мумкин эмас эди. Бу жамиятларнинг маданиятларида аввало фаолиятнинг мавжуд усуллари ва шакллари акс эттиришга қараб мўлжал олувчи қонунлаштирилган тафаккур услублари ва анъаналарнинг устунлиги билишнинг прогностик имкониятларини сезиларли даражада чеклар, у ижтимоий тажрибанинг мавжуд қолиплари доирасидан четга чиқишига халақит берарди. Бу ерда олинган дунёнинг қонуний алоқалари ҳақидаги билимлар, одатда, уларнинг ўтмишдаги (анъана) ёки ҳозирги вақтда мавжуд амалий ифодаси ҳақидаги тасаввурлар билан чатишар эди. Илмий билим куртаклари Шарқ маданиятларида асосан, амалиёт учун кўрсатмалар сифатида яратилган ва баён этилган, объектив

қонунларга мувофиқ юз берувчи табиий жараёнлар ҳақидаги билимлар мақомига ҳали эга бўлмаган.

Билимлар яратишнинг илмий усулига ўтиш учун бошқача маданият типига эга бўлган ўзга цивилизация типи зарур эди. Антик Юнонистон демократияси фан йўлида илк қадам ташлаш учун шарт-шароитлар яратган шундай цивилизация бўлди. Айнан шу ерда анъанавий маданиятлар мутацияси юз берди ва ижтимоий ҳаёт Шарқнинг зироатчилик цивилизацияларига маълум бўлмаган фаоллик билан бойиди. Антик полиснинг хўжалик ва сиёсий ҳаёти тортишув руҳи билан суғорилган, ҳамма фаоллик ва ташаббус кўрсатиб ўзаро рақобат қилар, бу муқаррар тарзда фаолиятнинг турли жабҳаларида инновацияларни рағбатлантирарди.

Ижтимоий борлиқ қиёфасини белгилаган хулқ-атвор ва фаолият меъёрлари турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг тўқнашуви натижасида юзага келди. Полис ижтимоий муҳити фаолият нормативларидан инсондан устун дахлсиз қоида майдонини олиб ташлади ва уларга нисбатан муҳокама қилиниши ва заруратга қараб яхшиланиши лозим бўлган одамлар кашфиёти сифатидаги муносабатни яратди. Шу асосда борлиқ шакллариининг кўп сонлилиги, амалда намоён бўлган шаклларга қараганда етукроқ шакллар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурлар юзага келди. Бу қарашни антик фалсафада ўзининг оқилона ифодасини топган ва ривожлантирилган «вариантли борлиқ» ғояси тарзида ифодалаш мумкин. У ўзаро рақобатлашувчи, оламнинг ҳар хил концепцияларини ва ижтимоий қурилишнинг турли идеалларини илгари сурувчи фалсафий тизимлар яратилишини рағбатлантирди.

Антик фалсафа бу даврда кўп сонли дунёлар моделини илгари суриб, фалсафий билишнинг эвристик функциясини кўпроқ даражада амалга оширди-ки, бу ҳақиқий фан вужудга келишига замин ҳозирлади.

Бу муаммога алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, чунки дунёни фалсафий тушуниш эвристик ва прогностик элементларининг ривожланиши дастлабки фандан ҳақиқий фанга ўтишнинг зарурий шarti ҳисобланади. У муайян тарихий давр амалиётида ҳали ўзлаштирилмаган моддий тузилмалар англаб етилишини таъминловчи идеал объектларни назарий ўрганиш майдонида фаннинг ҳаракатланиш омилidir.

Фан ишлаб чиқариш ва одатдаги тажрибанинг тарихан вужудга келган шаклларида ўзлаштирилувчи моддий тузилмалар доирасидан четга чиқиши илмий изланишнинг категориал асослари муаммосини қўяди. Дунёни ҳар қандай, шу жумладан, илмий билиш ҳар бир тарихий даврда дунёни қисмларга ажратиш ва унинг объектларини синтез қилишнинг муайян усулини қайд этувчи категорияларнинг маълум «мажмуи»га мувофиқ амалга оширилади.

Фан ўзининг тарихий ривожланиш жараёнида тизимли объектларнинг таркибий предметлардан цивилизация ривожланишининг ҳозирги босқичида ўзлаштириладиган ўз-ўзидан ривожланувчи мураккаб тизимларигача бўлган ҳар хил типларини ўрганди. Тизимли объектларнинг ҳар бир типи ўз тузилиши ва хулқ-атворини муфассал тавсифловчи муайян илмий тушунчаларни ривожлантириш имконини берувчи категориялар мажмуини талаб қиларди. Масалан, кичик тизимларни ўзлаштиришда қисмлар бутунга бирикади, сабабият лапласча маънода тушунилади ва зарурат билан тенглаштирилади, нарса ва жараён борлиқнинг белгиланмаган кўрсаткичлари сифатида қаралади, нарса нисбатан ўзгармас жисм сифатида, жараён эса — жисмнинг ҳаракати сифатида тасаввур қилинади, деб ҳисоблаш мумкин.

XVII—XVIII асрлар табиатшунослиги қисм ва бутун, сабабият ва зарурат, нарса ва жараён категорияларига айна шу маънони юклади. У асосан, кичик тизимларни ташкил этувчи механик объектларни тавсифлаш ва тушунтиришга қараб мўлжал олади. Бироқ, фан катта тизимларни ўзлаштиришга ўтиши билан илмий тафаккурдан янги категориялар ўрин олиши лозим. Қисм ва бутун категорияларининг ўзаро нисбати ҳақидаги тасаввурлар бутунни қисмлар йиғиндисига боғлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги ғояни ўз ичига олиши даркор. Тасодиф категорияси муҳим роль ўйнай бошлайди, у заруратдан ташқарида деб эмас, балки унинг намоён бўлиш шакли сифатида талқин қилинади.

Катта тизимлар хулқ-атворини башорат қилиш эҳтимол тутилган ва амалда мавжуд нарсалар ва жараёнлар категорияларидан фойдаланишни ҳам талаб қилади. «Сифат», «наrsa» категориялари янгича мазмун касб этади. Масалан, оддий механик тизимлар сифатидаги табиат объектлари ҳақидаги тасаввурлар ҳукм сурган даврда нарса ўзгармас жисм тарзида

тасаввур қилинган бўлса, энди бундай талқиннинг етарли эмаслиги аниқланади, нарсага муайян барқарор ҳолатларни акс эттирувчи ва айнаи вақтда ўзининг бир қанча кўрсаткичларида ўзгарувчан бўлган ўзига хос жараён сифатида ёндашиш талаб этилади.

Табиатшунослик катта тизимларни ўрганишга эндигина киришган дастлабки даврда у мазкур тизимларни ўрганилган объектлар, яъни кичик тизимлар образига кўра тадқиқ этишга ҳаракат қилди. Масалан, физикада қаттиқ жисмлар, суюқликлар ва газларни узоқ вақтгача молекулаларнинг соф механик тизими сифатида тасаввур қилишга уриндилар. Бироқ, термодинамика ривожланиши билан бундай тасаввур етарли эмаслиги аниқланди. Термодинамик тизимларда тасодифий жараёнлар тизимдан ташқарида юз бермаслиги, балки унинг ҳолати ва хулқ-атворини белгиловчи муҳим ички хусусият ҳисобланишига ишонч аста-секин шакллана бошлади. Бироқ, физик борлиқ объектларига нисбатан фақат кичик тизимлар сифатида ёндашишнинг нотўғрилиги квант физикаси ривожланиши билан айниқса, ёрқин намоён бўлди. Микродунё жараёнларини тавсифлаш ва уларнинг қонуниятларини аниқлаш учун бошқа, классик физика фойдаланган категориялар аппаратига қараганда бойроқ категориялар аппарати зарурлиги аниқланди. Зарурат ва тасодиф категорияларини диалектик жиҳатдан боғлаш, сабабият категориясини янгича мазмун билан бойитиш (сабабиятни лапласча детерминизмга боғлашдан воз кечишга тўғри келди), микрообъект ҳолатларини тавсифлашда потенциал мўмкинлик категориясидан фойдаланиш талаб этилди.

Маданиятда объектларнинг янги типига мос тушувчи категориялар тизими вужудга келмаган бўлса, бундай объектлар категорияларнинг уларга мос келмайдиган мажмуи орқали идрок этилади-ки, бу фанга уларнинг муҳим хусусиятларини ёритиш имконини бермайди. Объектга мос тушувчи категориялар тизими янги типдаги объектларни билиш ва тушунишнинг асоси ва шарти сифатида олдиндан яратилиши лозим. Бироқ, бунда категориялар тизими фанда қандай шаклланади ва пайдо бўлади, деган савол туғилади. Ахир олдинги илмий анъана мутлақо янги предметларни ўрганишни таъминловчи категориялар матричасига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Оддий тафаккурнинг категориялар

аппаратига келсак, у инсон яратган моддий муҳитнинг бевосита таъсирида юзага келгани боис, кўпинча илмий билиш мақсадлари учун етарли бўлмайди, чунки фан ўрганувчи объектлар моддий дунёнинг ишлаб чиқариш ва кундалик тажрибада ўзлаштирилган парчаларидан бутунлай фарқ қилиши мумкин.

Объектларни тушуниш ва англаб етишнинг одатдаги усуллари доирасидан четга чиқишни таъминловчи категориялар тизимини яратиш вазифаси асосан, фалсафий билиш ёрдамида ҳал қилинади. Фалсафа илмий тадқиқот учун зарур категориялар матрицаларини илмий тадқиқот тегишли типдаги объектларни ўзлаштиришга киришишидан олдинроқ яратишга қодирдир.

Фалсафа ўз категорияларини ривожлантирар экан, бу билан табиатшунослик ва ижтимоий фанлар учун уларнинг бўлгуси тушунчалар аппаратининг ўзига хос дастлабки дастурини тайёрлайди. Фалсафада ривожланган категорияларнинг муайян илмий изланишда қўлланилиши категориялар мазмунан бўйинши ва янгиланишига олиб келади. Аммо, бу янги мазмунни қайд этиш учун фанни фалсафий таҳлил қилиш талаб этилади. Борлиқни фалсафий тушунишнинг алоҳида жиҳати ҳисобланувчи фанни фалсафий ўрганиш жараёнида фалсафанинг категориялар аппарати ривожланади.

Лекин, бунда фалсафанинг махсус илмий ўрганишга нисбатан прогностик функцияларининг табиати ва асослари ҳақидаги масала юзага келади. Фалсафа тарихи ва табиатшунослик тарихини оддий солиштиришнинг ўзиёқ фалсафанинг махсус фанларга нисбатан прогностик функцияларига ёрқин мисолларни намоён этади. Табиатшунослик учун оламшумул аҳамият касб этган атомистика ғояси дастлаб Қадимги дунёнинг фалсафий тизимларида юзага келгани, сўнгра табиатшунослик ва техника фалсафий башоратни табиий-илмий далилга айлантириш имконини берувчи даражага етгунича турли фалсафий йўналишлар доирасида ривожланганини эслаш кифоя бўлса керак.

Г.Лейбниц фалсафасида ривожлантирилган категориялар аппаратининг кўпгина жиҳатлари ретроспектив тарзда катта тизимларга мансубдек намоён бўлади, ҳолбуки, бу тарихий давр амалиёти ва табиий-илмий билишида асосан, соддароқ объектлар — кичик тизимлар ўзлаштирилган (XVII аср табиатшунослигида механик тизимларнинг тузилиши ва фаолияти схемасини бутун

табиатга нисбатан татбиқ этувчи дунёнинг механик манзараси етакчилик қилади). Лейбниц ўз монадологиясида механик концепцияларга нисбатан кўп жиҳатдан муқобил ғояларни ривожлантиради. Бутун ва қисмнинг ўзаро муносабатлари, кучсиз ўзаро таъсирлар, сабабият, потенциал мумкинлик ва борлиқ ўртасидаги боғланишлар муаммосига дахлдор бўлган бу ғоялар ҳозирги космология ва элементар зарралар физикасининг айрим концепциялари ва моделлари билан ҳамоҳангдир.

Фридмон ва планкеон космологик моделлари қисм ва бутуннинг ўзаро нисбати ҳақидаги шундай тасаввурларни киритади-ки, улар монадаларнинг ўзаро муносабати манзарасига кўп жиҳатдан ўхшашдир (сиртдан кузатувчи учун ҳар бир фридмон — зарра, ичдан кузатувчи учун эса — Оламдир). Х.Эверт, Ж.Уилер ривожлантирган тармоқланувчи дунёлар концепциясини, микродунё зарралари ҳақидаги ҳозирги тасаввурларни ва бошқа бир қанча ҳозирги физик тасаввурларни ҳам Лейбниц ғояларига ҳамоҳанглик нуқтаи назаридан талқин қилиш мумкин.

Монадалар концепцияси ҳозирги физика учун фундаментал концепцияга айланади, деган фикрлар илгари сурилмоқда. Бугунги кунда физика субстанцияни тадқиқ қилишнинг шундай бир даражасига яқинлашди-ки, бунда аниқланувчи фундаментал объектлар структурасизлик маъносида эмас, балки уларнинг табиатини ўрганиш дунёнинг айрим хоссалари ва хусусиятларини аниқлаш имконини бериши маъносида «элементар» хусусият касб этади. Бу, албатта, ҳозирги физика бундай тасаввурларни таҳлил қилишда онгли тарзда Лейбниц фалсафасига қараб мўлжал олганини англамайди. Лейбниц фалсафасининг оқилона жиҳатлари дунёнинг объектив-идеалистик концепцияси тизимидан ўрин олган бўлиб, унда мураккаб тизимли объектлар диалектикасининг ҳақиқий жиҳатлари тўғри топилган, деб айтиш мумкин. Бироқ, Лейбницнинг бу фаразлари фалсафий тафаккурнинг кейинги ривожланишига, ҳеч шубҳасиз, кучли таъсир кўрсатди. У тақлиф қилган фалсафий категориялар мазмунининг янгича талқинлари уларнинг тарихий ривожланишига катта ҳисса қўшди ва шу маънода Лейбниц ижодининг ҳозирги даврга билвосита (фалсафа тарихи ва бутун маданият орқали) таъсири тўғрисида гапириш ўринли бўлади.

Ниҳоят, махсус илмий тадқиқотга нисбатан фалсафанинг

прогностик функциялари муаммосини таҳлил қилиш жараёнида ҳозирги фан учун фундаментал бўлган ўз-ўзидан ривожланувчи объектлар ҳақидаги тасаввурларга мурожаат этиш мумкин. Бу объектларни англаб етиш учун категориялар аппарати фалсафада улар табиий-илмий тадқиқот объектига айланишидан анча олдин яратилган. Бундай объектларнинг табиатда мавжудлиги ғояси дастлаб, айнан фалсафада асосланган ва объектга нисбатан унинг олдинги ривожланиши ва тадрижий ривожланишда давом этиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ёндашишни талаб қилувчи тарихийлик тамойиллари ривожлантирилган.

Табиатшунослик объектларни, уларнинг тадрижий ривожланишини ҳисобга олиб, тадқиқ этишга XIX асрдагина киришди. Сиртдан улар билан бу даврда вужудга келаётган палеонтология, геология ва биология фанлари шуғулланди. Тарихий ривожланувчи объект қонунларини ўрганишга қаратилган назарий тадқиқот илк бор Ч.Дарвиннинг турларнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотида берилди. Шу нарса диққатга сазовор-ки, бу даврга келиб ўз-ўзидан ривожланувчи объектларни назарий жиҳатдан англаб етиш учун зарур категориялар аппарати фалсафий тадқиқотларда ривожланган эди. Бу аппаратни яратишга Гегель айниқса, салмоқли ҳисса қўшди.

Гегель ривожланишнинг умумий схемаларини ривожлантириш учун етарли табиий-илмий материалга эга эмас эди. Бироқ, у таҳлилнинг асосий объекти сифатида маданиятнинг фалсафа, санъат, ҳуқуқий мафкура, ахлоқ каби шаклларида амалга ошган инсон тафаккури тарихини олди. Бу таҳлил предметини Гегель мутлақ ғоянинг ўзини ўзи ривожлантириши сифатида ифодалади. У мазкур объект (ғоя)нинг ривожланишини қуйидаги схема бўйича таҳлил қилди: объект ўзининг бошқача моҳиятини яратади, у сўнгра ўзини яратган асос билан ўзаро таъсирга киришади ва уни қайта қуриб, янги яхлитликни шакллантиради.

Гегель бу ривожланувчи тушунча схемасини ҳар қандай объектларга нисбатан татбиқ этиб, спекулятив шаклда бўлса-да, ривожланувчи тизимларнинг айрим ўзига хос хусусиятларини, чунончи: уларнинг ўз дастлабки ҳолатида мужассамлашган қарама-қаршилиқни кенгайтириб, ташкилотнинг янги даражаларини шакллантириш ва ҳар бир янги даража пайдо бўлганида тизимнинг мураккаб яхлитлигини қайта қуриш

қобилиятини аниқлади. Бу талқин негизида Гегель фалсафасида ривожлантирилган категориялар тизими биринчи яқинлашишда таърифланган, ўз-ўзидан ривожланувчи тизимлар типига мансуб бўлган объектларни ўзлаштириш имконини берувчи категориялар аппарати сифатида баҳоланиши мумкин.

Шундай қилиб, фалсафа тарихи ва табиатшунослик тарихини таққослаш фалсафа табиий-илмий изланишга нисбатан прогностик имкониятларга эга бўлиб, унга зарур категориал структураларни олдиндан ишлаб чиқади. Аммо, бу ҳолда категорияларни бундай ишлаб чиқишни таъминловчи қандай механизмлар мавжуд, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб топиш фалсафанинг маданий ривожланишдаги функцияларини, унинг маданият муайян тарихий типлари асосларини қайта қуришдаги ролини аниқлашни назарда тутати. Бу функциялар маданият универсалияларини англаб етиш ва танқидий таҳлил қилиш эҳтиёжлари билан боғлиқ.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, жамиятнинг ривожланишида вақти-вақти билан танглик даврлари юзага келиб, илгари тарихан вужудга келган ва анъана билан мустақкамланган «дунёнинг категориал модели» янги тажрибани ифодалаш, жамиятга зарур фаолият турларининг бирикуви ва ўзаро алоқасини таъминлашга қодир бўлмай қолади. Бундай даврларда маданият универсалияларининг одатдаги маънолари оммавий онг учун дунёқараш мўлжаллари функциясини йўқотади. Улар танқидий баҳолана бошлайди ва жамият инсонга йўл кўрсатиши, замонлар ўртасида йўқолган алоқани тиклаши лозим бўлган янги ҳаёт мазмунлари ва қадриятларни фаол излаш йўлига қиради.

Бу янги қадриятлар ва дунёқараш мўлжалларини яратиш борасидаги фаолиятда фалсафа алоҳида роль ўйнайди.

Анъана маданият универсалияларида, демак, мазкур тарихий давр онгининг категориал структураларида ҳам мустақкамлаган аввалги ҳаёт мазмунларини ўзгартириш учун аввал уларни экспликация қилиш, борлиқ воқеалари билан таққослаш ва уларни яхлит тизим сифатида танқидий баҳолаш лозим. Маданият универсалиялари инсон тафаккури ва фаолиятининг англамаган, яширин амал қилувчи категориал структураларидан танқидий таҳлил қилинувчи алоҳида предметларга, онг мўлжал олувчи категориал шаклларга айланиши лозим. Маданият асослари

устидан айнан шундай рефлексия фалсафий билишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бундай рефлексиянинг зарурлиги билишга соф қизиқиш билан эмас, янги дунёқараш мўлжалларини топиш, инсон ҳаёт фаолиятининг янги, мумкин қадар умумий дастурларини яратиш ва асослаш эҳтиёжлари билан боғлиқ. Фалсафа маданият универсалияларининг маъноларини экспликация ва таҳлил қилиш орқали бу фаолиятда дунёқарашнинг назарий ўзаги сифатида амал қилади.

Фалсафа дунёқараш универсалияларини аниқлаб, уларни мантиқий тушунчалар шаклида, фалсафий категориялар тарзида ифодалайди. Фалсафий экспликация ва таҳлил жараёнида маданият универсалияларининг муайян даражада соддалашуви ва схема кўринишини касб этиши юз беради. Улар фалсафий категориялар орқали ифодаланган ҳолда, бу фалсафий категорияларда дунёни мантиқий тушунчалар ёрдамида тушуниш усулига урғу берилади, бунда дунёни идрок этиш масалалари кўп жиҳатдан элиминация қилинади, маданият универсалиялари замирида яширин муайян шахсий маъно эътибордан четда қолади.

Маданият замирида ётувчи дунёқараш структураларини фалсафий англаб етиш жараёни рефлексиянинг бир неча даражасидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўз билимлар тили ва фалсафий категорияларни расмийлаштиришнинг ўз усули мос тушади. Улар объектларнинг умумий хоссалари, алоқалари ва муносабатлари таърифлар тарзида акс эттирилган тушунчалар сифатида вужудга келиши фалсафий билимларнинг анча мураккаб ривожланиши маҳсулидир. Бу маданият асосларини фалсафий жиҳатдан оқилонлаштиришнинг одатда профессионал фалсафий фаолият доирасида амалга оширилувчи олий даражасидир. Бироқ, фалсафа категориялар аппаратининг бундай шакллари юзага келишидан олдин фалсафий тафаккур маданий ҳодисаларнинг улкан ранг-баранглигида уларнинг умумий категориал маъноларини фарқлаши ва қайд этиши лозим.

Бу маъноларни оқилона экспликация қилиш кўпинча инсон маданиятининг турли соҳаларидаги бирликни илғаш, уларнинг ягона ва яхлитлигини тушунишдан бошланади. Шу сабабли, фалсафий категориялар борлигининг бирламчи шакллари сифатида тушунчалар эмас, балки маъно образлари, метафоралар ва аналогиялар амал қилади.

Фалсафанинг шаклланиш асосларида бу хусусият анча бўртиб кўринади. Ҳатто антик даврнинг нисбий ривожланган фалсафий тизимларида ҳам кўпгина фундаментал категорияларда дунёнинг символик ва метафорик инъикосига дуч келиш мумкин (Гераклитнинг «Оловли логоси», Анаксагорнинг «Нўси» ва ҳ.к.). Бу қадимги ҳинд ва қадимги хитой фалсафасига бундан ҳам кўпроқ даражада хосдир. Бу ерда категорияларда тушунчалар маъно образларидан умуман, фарқланмайди. Ҳақ тушунчалар ёрдамида эмас, балки бадиий-образли шаклда ифодаланлади. Бу ерда образ — борлиқ ҳақиқатига эришишнинг бош усули. Ҳеч ким «дхарма»га таъриф бера олмайди. У «қонун» сифатида ҳам, 45 тадан 100 тагача бўлган «борлиқ элементлари» сифатида ҳам ўрганилади. Ҳар бир жонзотнинг ўз умумий ва ягона дхармаси бор (моҳият ҳодиса билан узвийдир). Сиз Лао Цзида «дао» тушунчасига берилган иккита бир хил таърифга, Конфуцийда «жень» ёки «ли»нинг иккита бир хил талқинига дуч келмайсиз — у «ли»га шогирдларидан қайси бири ўзига савол билан мурожаат этганига қараб таъриф берган.

Фалсафий мулоҳаза юритиш жараёнида категорияларнинг бу символик ва метафорик маънолари тушунчалардан камроқ роль ўйнамаган. Масалан, Гераклит жонга олов метаморфозаси сифатида берган тавсифда нафақат руҳнинг олам негизини ташкил этувчи моддий субстанцияга нисбатан иккиламчилиги ғояси, балки бу ғояни қамраб олувчи, расо ва норасо жонлар ҳақида олов стихиясини ҳар хил даражада ифодаловчи омиллар сифатида мулоҳаза юритиш имконини берувчи муайян маънолар ҳам ифодаланган. Гераклит фикрига кўра, жоннинг оловли элементи унинг логосидир, шу сабабли оловли (қуруқ) жон энг донишманд жондир, унинг намланиши эса логоснинг йўқолишига олиб келади (маст одамда жон намланади ва у ақлга мувофиқликни йўқотади).

Лекин, фалсафа ривожланишига қараб, унда дунё ҳақида тафаккурнинг символик ва метафорик усуллари йўқолади ва ҳамма нарса мулоҳаза юритишнинг тушунчаларга асосланган шаклларига боғланади, деб ўйлаш ярамайди. Бу нафақат ҳар қандай билиш, шу жумладан, ўта изчил мантиқий андозаларга бўйсунувчи илмий билишда ҳам кўргазмали-образли элемент мавжудлиги билан, балки фалсафанинг дунёқарашнинг назарий

Ўзаги сифатидаги табиати ундан фалсафий мулоҳаза предметига айлантириш учун илгаш ва аниқлаш лозим бўлган маданиятнинг дунёқарашга асосланган умумий «синчлари»га муттасил мурожаат этишни талаб қилиши билан ҳам изоҳланади. Бундан фалсафий атамалардан фойдаланишда бартараф этиб бўлмайдиган номуайянлик, фалсафий мулоҳаза таркибидан категориал структураларни ифодалашда қўлланилувчи образлар, метафоралар ва аналогияларнинг ўрин олганлиги ҳам келиб чиқади. Масалан, Гегель «Мантиқ фани» асарида «химизм» категориясини дунё ривожланишининг айрим босқичини ташкил этувчи ўзаро таъсирларнинг алоҳида типни тавсифи сифатида асослашга ҳаракат қилар экан, анча ўзига хос аналогиялардан фойдаланади. У нафақат кимёвий элементларнинг ўзаро таъсири сифатидаги химизм ҳақида, балки «физик элементлардан кўра кўпроқ кимёвий элементлар табиатига эга бўлган» атмосфера жараёнларининг тавсифи, жонли табиатдаги жинсларнинг муносабатлари, муҳаббат ва дўстлик муносабатлари тўғрисида сўз юритади. Бу ҳодисаларнинг барчасида Гегель ўзаро алоқанинг мазкур жараён кутблари тенг ҳуқуқли томонлар сифатида иштирок этувчи айрим умумий схемасини топишга ҳаракат қилади. Бу схеманинг умумийлиги ва универсаллигини асослаш, уни категориал шаклда ифодалаш учун Гегель борлиқнинг энг узоқ ва бир қарашда ўзаро боғланмаган соҳаларида схеманинг амал қилишини аниқлаши шарт эди.

Маданият универсалияларини фалсафий экспликация қилиш мураккаб жараёни бирламчи шаклларда нафақат профессионал фалсафий фаолият жабҳасида, балки дунёни маънавий ўзлаштиришнинг бошқа жабҳаларида ҳам амалга оширилиши мумкин. Дунёқараш миқёсидаги муаммоли вазиятлар билан тўқнаш келувчи адабиёт, санъат, адабий танқид, сиёсий ва маънавий онг, оддий тафаккур – буларнинг барчаси фалсафий рефлексияда ўрин олиши, маданият универсалияларининг фалсафий экспликациялари бирламчи образли шаклда юзага келиши мумкин бўлган соҳалардир. Умуман олганда, шу асосда фалсафий ғояларнинг анча мураккаб ва ўзига хос комплекслари ривожланиши мумкин.

Буюк ёзувчиларнинг асарларида ҳатто ўз аҳамиятига кўра, буюк файласуфларнинг концепциялари даражаси билан тенг

яхлит фалсафий тизим ишлаб чиқилиб, адабий ижод материали ва тилида ифодаланиши мумкин (бунга Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий ижоди мисол бўлади). Аммо, бундай бирламчи «философемалар»нинг муҳимлигига қарамай, маданият асосларини оқилона англаб етиш фалсафада шу шакллар билангина чекланмайди. Уларнинг асосида фалсафа кейинчалик, янада изчилроқ тушунчалар аппаратини ишлаб чиқади ва унда маданият категориялари ўзларининг энг умумий ва муҳим белгиларида ифодаланади.

Шу йўл билан маданият универсалиялари фалсафий таҳлил доирасида ўзига хос идеал (тизимга боғланган) объектларга айланади-ки, энди улар билан алоҳида фикрий экспериментлар ўтказиш мумкин бўлади. Шу тариқа фалсафий муаммолар майдонида ички назарий ҳаракат учун имконият яратилади. Бу назарий ҳаракат натижасида маданият фалсафий асосларининг мутлақо янги категориал маънолари шаклланиши мумкин.

Фалсафа бундай типдаги мўлжалларни яратишда доим фаол иштирок этади. У маданият асосларини оқилоналаштириб, унинг асосларида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни «прогноз қилиш» ва «лойиҳалаш»ни амалга оширади. Оддий онгда дунёни кўриш ва идрок этишни белгиловчи онгсиз структуралар сифатида фаолият кўрсатувчи маданият категорияларини оқилона англаб етишнинг ўзиёқ анча муҳим ва масъулиятли қадамдир. Умуман олганда, анъанавий шаклланган турмуш тарзи доирасида яшаш учун дунёнинг унга мос бўлган ва маданият категорияларида ифодаланган образини таҳлил қилиш шарт эмас. Уни ижтимоийлашув жараёнида ўзлаштиришнинг ўзи кифоядир. Бу образни англаб етиш ва унга баҳо бериш эса унинг ўзгариши мумкинлиги, демак, дунёнинг бошқа образи ва турмуш тарзи бўлиши мумкинлиги, яъни маданиятнинг мавжуд ҳолатидан бошқа ҳолатга ўтиш муаммосини қўяди.

Фалсафа ўз билиш ишини амалга оширар экан, доим инсониятга у яшайдиган дунёнинг айрим эҳтимол тutilган вариантларини таклиф қилади. Шу маънода у прогностик функцияларга эга бўлади. Албатта, бу функциялар ҳар қандай фалсафий тузилмалар тизимида ҳам тўла амалга оширилавермайди. Бу фалсафий тизимнинг ижтимоий мўлжалига, жамият типига боғлиқ бўлади. Кўрсатилган омиллар фалсафада

«эҳтимол тутилган» дунёларнинг моделларини жойлаштириш учун шарт-шароитлар яратади. Бундай моделлар фалсафий билим тизимида янги категориал структуралар муттасил яратилиши ҳисобига шаклланади. Бу категориал структуралар инсон фаолиятида ўзгартирилувчи объектларни талқин қилишга нисбатан ҳам, фаолият субъекти, унинг қадриятлари ва мақсадларини талқин қилишга нисбатан ҳам янгича ёндашувни таъминлайди. Кўрсатилган талқинлар кўпинча тегишли тарихий даврнинг маданият универсалиялари ифодалаган дунё моделининг парчаларига мос келмайди ва мазкур маданият замирида ётувчи дунёни кузатиш ва тушунишнинг анъанавий усуллари чегарасидан четга чиқади.

Фалсафий билиш тизимида дунёнинг янги категориал моделларини яратиш фалсафий категорияларни муттасил ривожлантириш ҳисобига амалга оширилади. Бу ривожланишни таъминловчи икки асосий манбани кўрсатиш мумкин. Биринчи — моддий ва маънавий маданиятнинг турли ҳодисалари устида рефлексия ва жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёнида маданият категорияларида амалда юз берган ўзгаришларни аниқлаш. Иккинчи — фалсафий категориялар ўртасидаги мазмун-антиқий алоқаларни аниқлаш, уларнинг ривожланаётган тизим элементлари сифатидаги ўзаро алоқаси, бунда бир элементнинг ўзгариши бошқа элементларнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

Биринчи манба дунёни маънавий ва амалий ўзлаштириш тажрибасини умумлаштириш билан боғлиқ. У нафақат фалсафий категорияларни инсон маданияти универсалиялари (маданият категориялари)нинг оқилоналашуви сифатида шакллантириш, балки уларнинг мазмунини илмий билимлар, табиий тил, санъат, ахлоқий муаммолар, сиёсий ва ҳуқуқий онг, моддий дунё ҳодисалари, ўзлаштирилган инсон фаолиятини фалсафий таҳлил қилиш, шунингдек, файласуфнинг ўз тарихи устида рефлексияси ҳисобига муттасил бойитиш имконини беради.

Иккинчи манба фалсафий категориялар билан алоҳида идеал объектлар сифатида антиқий ишлаш аппаратини қўллашга асосланади-ки, бу фалсафий муаммолар майдонидаги «ички ҳаракат» ва категориялар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш ҳисобига уларнинг янги таърифларини яратиш имконини беради.

Фалсафий билимнинг ривожланиши шу икки манбанинг ўзаро

таъсири натижасида амалга ошади. Маданият асослари устида рефлексия ҳисобига категорияларни янгича мазмун билан бойитиш фалсафа категориялар аппаратини назария доирасида ривожлантиришнинг ҳар бир кейинги босқичи учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундай ривожланиш натижасида фалсафада дунёнинг ностандарт категориал моделлари шаклланиши кўп жиҳатдан таъминланади.

Фалсафий билиш маданиятнинг алоҳида ўзликни англаши сифатида амал қилади. Бу ўзликни англаш маданиятнинг ривожланишига фаол таъсир кўрсатади. Фалсафа янгича дунёқарашнинг назарий ўзагини яратар экан, айти вақтда инсониятга таклиф қилувчи мақбул турмуш тарзи ҳақидаги янги тасаввурларни киритади. Бу тасаввурларни қадриятлар сифатида асослар экан, у мафкура сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ, шу билан бир вақтда, у янги категориал маъноларни яратишга қараб мўлжал олиши, аксарияти ижтимоий ривожланишнинг мазкур босқичида фалсафанинг асосан, имманент назарий ривожланиши билан асосланган муаммоларни қўйиши ва ечиши уни илмий тафаккур усуллари билан яқинлаштиради.

Фалсафанинг тарихий ривожланиши маданиятга мутгасил мутацияларни киритади, маданият динамикасининг янги вариантларини, потенциал мумкин бўлган янги йўлларини шакллантиради.

Фалсафада илгари сурилган кўпгина ғоялар маданиятга ўзига хос «сузиб юрувчи генлар» сифатида ўтиб, ижтимоий ривожланишнинг муайян шароитларида дунёқараш сифатида актуаллашади. Бундай вазиятларда улар янги оригинал фалсафий концепциялар яратилишини рағбатлантириши, сўнгра бу концепциялар фалсафий публицистика, эстетика, адабий танқид, ахлоқий доктриналар, сиёсий ва диний таълимотлар ва ҳоказоларда муайянлаштирилиши мумкин. Шу йўл билан фалсафий ғоялар маданиятнинг у ёки бу муайян тарихий типи дунёқарашлар асоси мақомини касб этиши мумкин.

Фалсафа эҳтимол тугилган инсоний дунёларнинг категориал моделларини яратар экан, бу жараён мобайнида объектларни англаб етишни янги ташкиллаштириш тизими билан таъминлашга қодир категориал моделларни ҳам ишлаб чиқади.

Шу тариқа ҳақиқий фан вужудга келиши ва унинг тарихий

ривожланиши учун муҳим замин яратилади. Шундай қилиб дастлабки фандан ҳақиқий фанга ўтиш учун фалсафа ўз прогностик имкониятларини рўёбга чиқариши муҳим аҳамият касб этади. Бу имкониятлар маданият асосларини қайта қуриш билан боғлиқ бўлгани боис, табиийки, ҳар қандай типдаги жамият ҳам бунинг учун зарур шарт-шароитлар ярата олмайди.

Ўз-ўзидан равшанки, илмий концепцияларни яратиш, тадқиқотни ҳақиқий назарий даражага кўтариш осон иш эмас. Бу борада муваффақиятга таҳлил ва синтез, таснифлаш ва индивидуаллаштириш, тизимга солиш, аналогияларни фарқлаш, индукция ва дедукция ва ҳоказолар кўмаклашади.

Ўрганилаётган ҳодиса ранг-барангликнинг муайян бирлиги сифатида амал қилади. Табиийки, дастлабки босқичлар бу бирликни тушунишга лозим даражада аниқлик кирита олмайди. Унга йўл таҳлилдан, бутунни фикран ёки амалда қисмларга ажратишдан бошланади. Таҳлил тадқиқотчининг эътиборини бутуннинг қисмлари, хоссалари, муносабатлари ва элементларига қаратиш имконини беради. Олим ўйинчоқни қисмларга ажратиб, уларнинг ҳар бирини ҳайратланиб кўздан кечирувчи бола каби иш тутади. Бироқ, бола ўйинчоқни қисмларга ажратгач, одатда, уни қайта йиға олмайди. Боладан фарқли ўлароқ, тадқиқотчи бутунни ёддан чиқармайди, у таҳлилни синтез, ранг-барангни бутунга бирлаштириш билан тўлдиради. Агар таҳлил синтезни амалга ошириш, бутунни тиклаш имконини берса, у муваффақиятли ўтган ҳисобланади. Илмий тадқиқотда таҳлил ва синтез бир-бирини тўлдиради. Таҳлил муайяндан мавҳумга ўтиш, синтез эса — мавҳумдан муайянга сари юксалишдир.

Таҳлил таснифлаш билан тўлдирилади, ўрганилаётган ҳодисаларнинг жиҳатлари туркумларга ажратилади. Таснифлаш тушунчалар моҳиятини англашга йўл очади. Таснифлаш таққослаш, ҳодисаларда аналогиялар, ўхшашликларни топишни тақозо этади. Тадқиқотчининг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари индукция, мушоҳада юритиш йўли билан айрим фикрдан муайян умумий хулосага келиш учун шарт-шароит яратади. Лотинча «индукция» сўзи «йўналтирмақ» деган маънони англатади. Айрим фикрни билиш хулосага йўл кўрсатади, унга туртки беради, фараз учун шарт-шароит яратади. Бу фараз хулосада ўз аксини топади. Таҳлил доим синтез билан бирга келганидек, индукция ва

дедукция (умумийдан айримни чиқариш) ҳам ажралмас жуфтликни ташкил этади. Зотан, индукция бирдан-бир мақсад эмас. У — умумийга эришиш йўлидаги зарурий бўғин. Бироқ, тадқиқотчи умумийга эришиш билан қаноатланмайди. Умумийни билган ҳолда тадқиқотчи айримни тушунтиришга ҳаракат қилади. Агар бунга муваффақ бўлинмаса, муваффақиятсизлик индукция амалининг ҳақиқий эмаслигини кўрсатади. Демак, индукция дедукция билан текширилади. Табиийки, дедукцияни индукция билан ҳам текшириш мумкин. Муваффақиятли ўтган дедукция экспериментал боғланишларни осонгина қайд этиш, айримда умумийни кўриш имконини беради.

Умумлаштириш умумийни қайд этиш билан боғлиқ, бироқ у кўпинча аниқ бўлмайди ва асосий сирлари идеаллаштириш, яъни абстракцияларнинг оралиқларини аниқлаш натижасида намоён бўлувчи илмий жумбоқ сифатида амал қилади.

Ниҳоят, тадқиқотнинг назарий даражасини бойитиш ишидаги ҳар бир янги ютуқ материалнинг тартибга солиниши ва субординацион алоқаларнинг аниқланишига сабаб бўлади. Илмий концепциялар боғланиши қонунларни юзага келтиради. Асосий қонунлар кўпинча тамойиллар деб аталади. Назария — бу шунчаки илмий абстракциялар ва қонунлар тизими эмас, балки уларнинг субординация ва координация тизимидир.

Шундай қилиб, илмий назария вужудга келишининг бош омиллари — бу синтез, индукция, умумлаштириш, идеаллаштириш, субординацион ва координацион алоқаларни аниқлашдир. Санаб ўтилган амаллар формаллаштириш ва математикалаштиришда ўз ривожини топиши мумкин. Назарий материални формаллаштириш ва математикалаштириш янги имкониятлар очишини ҳамма билади.

Илмий назариянинг вужудга келиши ҳанузгача нолдан бошланувчи жараён сифатида тавсифланади. Илмий назариянинг вужудга келиш жараёнига ҳаддан ташқари қонуний тус берилади. Назарий тадқиқотнинг шаклланиши кўпинча юқорида баён этилганидан қизгинроқ кечади ва олдиндан айтиб бўлмайдиган натижаларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, бир муҳим ҳолатни ҳисобга олиш лозим: одатда, янги назарий билимнинг вужудга келиши маълум назария фониди юз беради, яъни назарий билимнинг ўсиши амалга ошади. Шундан келиб чиқиб

файласуфлар кўпинча илмий назариянинг вужудга келиши тўғрисида эмас, балки илмий назариянинг ўсиши тўғрисида мулоҳаза юритишни маъқул кўрадилар. Шу боис К.Поппернинг машҳур китоби — «Илмий билимнинг ўсиши», деб аталади. Назариядан фойдаланиш кутилган самарани бермаган ҳолда илмий билимни ўстириш лозимлиги аён бўлади.

Анализ, индукция, идеаллаштириш — буларнинг барчаси эски илмий тасаввурларга мувофиқ, бироқ уларни ўзгартиришга тайёрлик билан амалга оширилади. Тадқиқотчи тадқиқотнинг эмпирик ва назарий даражаларини мувофиқлаштириш, бир-бири билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. У — илмий уйғунлик овчиси. Шу мақсадда у янги назарий гипотезаларни илгари суради, уларни верификация ва фальсификация қилади.

Янги назарий билим мавжуд назария доирасига маълум пайтгача сиғади. Бироқ, шундай бир босқич келадики, у эски назария билан келиша олмайди. Илмий инқилоб юз беради: эски назария ўрнига янги назария келади. Эски назария тарафдорларининг бир қисми янги назарияни ўзлаштиришга қодир бўлади. Бунга кучи етмаганлар эса ўзларининг эски назарий мўлжалларида қоладилар, лекин улар ўзларига шоғирдлар ва янги тарафдорлар топиши қийинлашади. Олимларнинг ҳазил таъбири билан айтганда, эски назарияларнинг тарафдорлари ўз фикрини ўзгартирмайди, улар ўлиб тугайди.

Эски ва янги назариялар ўртасида алоқа маълум даражада мавжуд бўлади. Масалан, физиклар квант механикаси ва н्यूтонча механика ўртасидаги фарқ махсус нисбийлик назарияси ва н्यूтонча механика ўртасидаги фарқдан каттароқ эканлигини биладилар. Айни вақтда квант механикаси ва н्यूтонча механиканинг маълум ўхшашлигини рад этиш учун асослар йўқ. Бу, хусусан, координата, импульс, энергия каби классик тушунчалар квант назариясида координата, импульс, энергия операторларига айланишида намоён бўлади. Т.Кун, П.Фейерабенд ва фан фалсафаси тарихий йўналишининг бошқа намояндалари назарияларни ўзаро солиштириш мумкин эмаслиги ҳақидаги тезисни ҳимоя қилдилар. Бу тезисга кўра, бир-бирини алмаштирувчи назарияларни оқилона таққослаш мумкин эмас. Бу фикр ўта радикал бўлса керак. Илмий тадқиқотлар амалиёти янги ва эски назарияларни оқилона таққослаш доим

ўтказилишини ва уларнинг ҳаммасини ҳам муваффақиятсиз деб бўлмаслигини кўрсатади.

Шундай қилиб, назарий билимнинг ўсишини таъминлаш осон иш эмас. Тадқиқот вазифаларининг мураккаблиги олимни ўз ҳаракатларини теран англаб етиш, рефлексия қилишга мажбур этади. Рефлексияни у бир ўзи амалга оширади ва бу амал, албатта, тадқиқотчидан мустақил иш олиб боришни талаб қилади. Айни вақтда, рефлексия кўпинча мунозара иштирокчилари ўртасида фикр алмашиш, диалог шароитларида анча муваффақиятли амалга оширилади. Ҳозирги замон фани жамоалар ижодий ишига айланди, тегишли равишда рефлексия кўпинча, гуруҳий хусусият касб этади.

Техноген маданиятда фан. Ҳозирги замон цивилизациясида фан алоҳида роль ўйнайди. Фарб ва Шарқнинг ривожланган мамлакатларида ҳаётнинг янги сифатига олиб келган XX аср технологик тараққиёти замирида илмий ютуқлардан фойдаланиш ётади. Фан нафақат ишлаб чиқариш жабҳасида инқилоб ясайди, балки инсон фаолиятининг бошқа кўплаб жабҳаларига ҳам таъсир кўрсатади, уларни тартибга солади, уларнинг воситалари ва методларини қайта қуради.

Шу маънода ҳозирги цивилизация муаммоларини муҳокама қилиш фан ривожланишининг ҳозирги тенденциялари ва унинг истиқболларини таҳлил қилишни тақозо этиши табиий бир ҳолдир. Гарчи, ҳозирги жамиятда антисциентистик ҳаракатлар ҳам мавжуд бўлса-да, умуман олганда, фан цивилизация ва маданиятнинг олий қадриятларидан бири сифатида қабул қилинади.

Бироқ, бу ҳол доим ҳам кузатилмаган ва фан барча маданиятларда ҳам қадриятларнинг устуворлиги шкаласида бундай юксак ўринни эгалламаган. Шу муносабат билан инсон фаолиятида илмий билимлар кенг қўлланилишини рағбатлантирган цивилизация ривожланиш типининг ўзига хос хусусиятлари масаласи юзага келади.

Инсониятнинг ривожланишида у ёввойилик босқичидан ўтганидан сўнг кўплаб цивилизациялар — жамиятнинг муайян турлари мавжуд бўлган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эгадир. Таниқли файласуф ва тарихчи А.Тойнби 21та цивилизацияни ажратган ва уларга тавсиф берган. Бу

цивилизацияларнинг барчасини цивилизацион тараққиёт типларига кўра икки катта туркум — анъанавий ва техноген цивилизацияларга ажратиш мумкин.

Техноген цивилизация инсоният тарихининг анча кечки маҳсули ҳисобланади. Узоқ вақтгача бу тарих анъанавий жамиятларнинг ўзаро алоқаси сифатида кечган. XV—XVII асрларда Европа минтақасида техноген жамиятлар пайдо бўлди. Анъанавий жамиятларнинг айримларини техноген цивилизация ўз қомига тортган, модернизация босқинчидан ўтгач, улар кейинчалик, одатдаги техноген жамиятларга айланган. Айрим анъанавий жамиятлар эса, ғарб технологияси ва маданияти таъсирини ўзида ҳис этган бўлса-да, кўпгина анъанавий жиҳатларини сақлаб қолган ва ўзига хос гибрид тузилмаларга айланган.

Анъанавий ва техноген цивилизациянинг фарқлари. Анъанавий жамиятлар ижтимоий ўзгаришлар суръатларининг сустлиги билан тавсифланади. Албатта, уларда ҳам ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жабҳаларида инновациялар юзага келади, бироқ тараққиёт индивидлар ва ҳатто авлодларнинг яшаш муддатларига нисбатан жуда суст кечади. Анъанавий жамиятларда ижтимоий ҳаётнинг айни бир тартиби шароитида одамларнинг бир неча авлодлари алмашиши мумкин. Фаолият турлари, воситалари ва мақсадлари турғун андозалар сифатида асрлар мобайнида мавжуд бўлиши мумкин. Тегишли равишда бу жамиятлар маданиятида аجدодлар тажрибасини жамлаган анъаналар, андозалар ва меъёрлар, қонунлаштирилган тафаккур услублари етакчилик қилади. Инновацион фаолият бу ерда олий қадрият сифатида қаралмайди, аксинча, у чекланади, унга фақат асрлар синовидан ўтган анъаналар доирасида йўл қўйилади. Қадимги Ҳиндистон ва Хитой, Қадимги Миср, ўрта аср мусулмон Шарқи давлатлари ва ҳоказолар анъанавий жамиятлардир. Жамиятни ташкил этишнинг бу типи ҳозиргача сақланиб қолган: учинчи дунё давлатларининг аксариятида анъанавий жамиятга хос жиҳатларга дуч келиш мумкин. Бироқ, уларнинг ғарб (техноген) цивилизацияси билан тўқнашуви эртами, кечми анъанавий маданият ва турмуш тарзида туб ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлади.

Баъзан «ғарб цивилизацияси», деган мавҳум тушунча билан (у вужудга келган минтақани назарда тутиб) ифодаланувчи

техноген цивилизацияга келсак, бу ижтимоий ривожланиш ва цивилизациянинг алоҳида типи бўлиб, унинг муҳим белгилари анъанавий жамиятларнинг кўрсаткичларига маълум даражада зиддир. Техноген цивилизация нисбатан етук тарзда шакллангач, ижтимоий ўзгаришлар суръати жуда катта тезликда ўса бошлади. Айтиш мумкинки, бу ерда тарихнинг экстенсив ривожланиши ўрнини интенсив ривожланиш, маконда мавжудлик ўрнини эса вақтда мавжудлик эгаллайди. Ўсиш захиралари маданий минтақаларнинг кенгайиши ҳисобига эмас, балки ҳаёт фаолиятининг аввалги асосларини қайта қуриш ва мутлақо янги имкониятларни шакллантириш ҳисобига олинади. Анъанавий жамиятдан техноген цивилизацияга ўтишнинг энг муҳим, оламшумул аҳамияти шундаки, қадриятларнинг янги тизими вужудга келади. Инновация, ўзига хослик, умуман янгилик қадрият ҳисобланади (Гиннеснинг рекордлар китоби маълум маънода техноген жамият рамзи ҳисобланиши мумкин. Айтайлик, оламнинг етти мўъжизасидан фарқли ўлароқ, Гиннеснинг рекордлар китоби ҳар бир индивид ўзига хос натижага эришиши, маълум жиҳатдан дунёда ягона инсонга айланиши мумкинлигидан далолат беради ва бунга даъват этади; оламнинг етти мўъжизаси эса, аксинча, дунёнинг мукамаллигига урғу беради ва барча оламшумул воқеалар аллақачон юз берганлигини кўрсатади). Қадриятлар иерархиясида шахс эркинлиги юксак ўринлардан бирини эгаллайдики, бу анъанавий жамиятга мутлақо хос бўлмаган ҳолдир. Анъанавий жамиятда шахс имкониятлари фақат муайян корпорацияга мансублик орқали рўёбга чиқарилади. Агар инсон бирон-бир корпорацияга аъзо бўлмаган экан, у шахс ҳисобланмайди.

Техноген цивилизацияда шахс эркинлигининг алоҳида типи юзага келади: инсон ўз корпоратив алоқаларини ўзгартириши, одамлар билан муносабатларини ўз ихтиёрига кўра йўлга қўйиши, ҳар хил ижтимоий бирликларга, баъзан, турли маданий анъаналарга ҳам қўшилиши мумкин.

Техноген цивилизация компьютерлар, ҳатто буғ машинаси пайдо бўлишидан ҳам анча олдин бошланган. Инсониятга икки буюк кашфиёт — демократия ва назарий фанни ҳада этган антик маданият, аввало полис маданиятининг ривожланишини техноген цивилизациянинг вужудга келиш арафаси, деб

ҳисоблаш мумкин. Ижтимоий алоқаларни тартибга солиш жабҳаси ва дунёни билиш усулидаги бу икки кашфиёт келажакнинг, цивилизация тараққиёти мутлақо янги типининг муҳим асосларига айланди.

Иккинчи муҳим давр — Худога ўхшаган инсоннинг алоҳида талқини яратилган, илоҳий мавжудот сирини тушуниш ва англаб етишга қодир инсон ақли мадҳ этилган Европа ўрта асри. Кейинчалик, Уйғониш даврида антик анъананинг кўпгина ютуқлари тикланади, бироқ айни вақтда инсон ақлининг илоҳий хусусияти ғояси ҳам ассимиляция қилинади. Шу даврдан бошлаб техноген цивилизациянинг маданий матрицаси яратилади, у ўз ривожланишини XVII асрдан бошлайди. У уч босқичдан: аввал — олд индустриал, сўнг — индустриал ва ниҳоят, постиндустриал босқичлардан ўтади. Техника, технологияни нафақат ишлаб чиқариш жабҳасида стихияли тарзда юзага келувчи инновациялар ёрдамида, балки янги илмий билимларни яратиш ва уларни техник-технологик жараёнларга татбиқ этиш йўли билан ривожлантириш техноген цивилизация ҳаёт фаолиятининг муҳим негизига айланади. Шу тариқа, табиий муҳитни, инсон яшовчи моддий дунёни жадал суръатларда ўзгартиришга асосланган ривожланиш типи юзага келади. Бу дунёнинг ўзгариши одамларнинг ижтимоий алоқаларида ҳам фаол ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлади. Техноген цивилизацияда фан-техника тараққиёти одамлар ўртасидаги мулоқот типлари, коммуникация шакллари, шахс ва турмуш тарзи типларини мутгасил ўзгартиради. Натижада, тараққиётнинг келажакка қараб мўлжал олувчи йўналиши юзага келади. Техноген жамиятлар маданиятига ўтмишдан ҳозирги замон орқали келажакка қараб оқувчи қайтариб бўлмайдиган тарихий вақт ҳақидаги тасаввур хосдир. Ваҳоланки, анъанавий маданиятларнинг аксариятида бошқача тушунчалар амал қилган: вақт кўпинча цикллардан иборат, дунё вақти-вақти билан ўзининг дастлабки ҳолатига қайтади, деб қаралган. Анъанавий маданиятларда «олтин аср»дан узоқ ўтмишда ўтилган, деб ҳисобланган. Ўтмиш қаҳрамонлари тақлид қилиш лозим бўлган қилмишлар ва ҳаракатлар андозаларини яратганлар. Техноген жамиятлар маданиятида бутунлай бошқача мўлжаллар амал қилади. Уларда ижтимоий тараққиёт ғояси ўзгаришларни кутиш ва келажак сари ҳаракатланишни рағбатлантиради, келажак

эса янада бахтлироқ ҳаётни таъминловчи цивилизация ютуқларининг ўсиши сифатида фараз қилинади.

Техноген цивилизация вужудга келганига эндигина 300 йилдан ошди, бироқ у жуда фаол, ҳаракатчан ва тажовузкор бўлиб чиқди: у анъанавий жамиятлар ва уларнинг маданиятларини ўзига бўйсундирмоқда, ўзгартирмоқда, қайта қурмоқда, ўз комига тортмоқда — бунга биз дунёнинг барча қитъаларида гувоҳ бўлмоқдамиз. Бугунги кунда мазкур жараён бутун дунёда юз бермоқда. Техноген цивилизация ва анъанавий жамиятларнинг бундай фаол ўзаро алоқаси, одатда, тўқнашувга айланиб, кўпгина маданий анъаналарнинг йўқ бўлиши, моҳият эътибори билан, бу маданиятлар ўзига хос яхлитликлар сифатида ҳалок бўлишига олиб келади. Анъанавий маданиятлар нафақат цивилизация майдонида четга чиқариб қўйилади, балки анъанавий жамиятлар модернизация ва техноген ривожланиш йўлига киргач, тубдан ўзгаради. Кўпинча, бу маданиятлар фақат қисман, тарих қолдиқлари сифатида сақланиб қолади. Индустириал ривожланишни амалга оширган Шарқ мамлакатларининг анъанавий маданиятлари билан шундай ҳол юз берган ва юз бермоқда; модернизация йўлига кирган Жанубий Америка, Африка халқлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Техноген цивилизациянинг маданий матрицаси барча қитъаларда анъанавий маданиятларни ўзгартирмоқда, бу уларнинг ҳаёт мўлжаллари, дунёқараши, қадриятларга муносабатида намоён бўлмоқда.

Бу қадриятлар ва мўлжаллар техноген цивилизация маданиятида унинг ривожланиши олдиндустириал босқичида, Уйғониш, сўнгра Европа Маърифат даврида вужудга келган.

Улар муҳим фалсафий маънолар: инсон, дунё, инсон ҳаёт фаолиятининг мақсадлари ва вазифалари талқинини ифодалаган.

Инсон дунёга фаол ёндашувчи мавжудот сифатида тушунилган. Инсон фаолияти сиртга, ташқи дунёни, аввало табиатни ўзгартириш ва қайта қуришга қаратилиши, инсон табиатни ўзига бўйсундириши лозим деб ҳисобланган. Ўз навбатида, ташқи дунё инсон фаолияти майдони деб қаралади. Албатта, бу янги Европа маданий анъанасида бошқа, шу жумладан, муқобил фалсафий ғоялар юзага келмаган, деган маънони англатмайди.

Техноген цивилизация ўз борлигида ўзининг асосларини муттасил ўзгартирувчи жамият сифатида таърифланган. Шу сабабли унинг маданиятида янги образлар, ғоялар ва концепцияларни яратиш фаол қўллаб-қувватланади ва қадрланади. Бу ғоялар ва концепцияларнинг айримларигина ҳозирги борлиқда рўёбга чиқарилиши мумкин, қолганлари эса келажак авлодлар учун мўлжалланган бўлғуси ҳаёт фаолияти дастурлари сифатида намоён бўлади. Техноген жамиятлар маданиятида устун қадриятларга муқобил ғоялар, қадриятлар ва мўлжалларга ҳам дуч келиш мумкин. Бироқ, жамият ҳаёт фаолиятида улар амалда муҳим роль ўйнай олмайди, ижтимоий онг чеккасидан ўрин олади ва одамлар оммасини ҳаракатга келтирмайди.

Дунёни ўзгартириш ва табиатни инсонга бўйсундириш ғояси техноген цивилизация маданияти тарихининг барча босқичларидан, то ҳозирги вақтгача етакчилик қилади. Бу ғоя техноген жамиятларнинг мавжудлиги ва тадрижий ривожланишини белгилаган «генетик код»нинг муҳим элементи ҳисобланган. Анъанавий жамиятларга келсак, бу ерда дунёга фаол муносабат мутлақо бошқача нуқтаи назардан тушунилган ва баҳоланган.

Бу дунёқараш мўлжали бизга узоқ вақт ойдек равшан бўлиб кўринган. Аммо, уни анъанавий маданиятларда топиш қийин. Анъанавий жамиятларга хос фаолият турларининг тургунлиги, уларнинг тадрижий ривожланиш суръатларининг суестлиги, тартибга солувчи анъаналарнинг устунлиги инсоннинг дунёни ўзгартирувчи фаоллигини доим чеклаб келган. Шу сабабли, бу фаоллик сиртга, ташқи кўрсаткичларни ўзгартиришга эмас, балки инсон ичига, анъанага риоя этилишини таъминловчи ўзини ўзи кузатиш ва ўзини ўзи назорат қилишга қаратилган, деб тушунилган.

Европа маданиятида Уйғониш ва Маърифат даврида таърифланган ўзгартирувчи қилмиш тамойилига муқобил андоза сифатида Қадимги Хитой маданиятининг табиий жараёнга аралашмасликни ва вужудга келган ижтимоий муҳитга индивиднинг мослашувини талаб қилувчи «у-вэй» тамойилини қарши қўйиш мумкин. Бу тамойил дунёни изчил ўзгартиришга интилишни истисно этган, у ёки бу корпоратив тузилмага

қўшилувчи индивиддан ўзини ўзи назорат қилиш ва ўзини интизомга бўйсундиришни талаб этган.

Техноген маданият қадриятлари инсон фаоллигининг мутлақо бошқача йўналишини белгилайди. Ўзгартирувчи фаолият бу ерда инсоннинг бош вазифаси сифатида қаралади. Инсоннинг табиатга нисбатан фаол муносабати кейинчалик, ижтимоий муносабатлар жабҳасига нисбатан татбиқ этилади, бу муносабатлар инсон изчил ўзгартириши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий объектлар сифатида қарала бошлайди.

Техноген дунё маданиятига хос бўлган қадриятлар ва мўлжаллар тизимининг иккинчи муҳим жиҳати — табиатни унинг қонунларини билган ақлли мавжудот ташқи жараёнлар ва объектлар устидан ўз ҳукмини ўтказиш, уларни ўз назорати остига олишга қодир бўлган батартиб, қонуний тузилишга эга майдон сифатида тушуниш инсон фаолияти ва вазифасининг талқини билан узвий боғлиқ. Табиий жараённи сунъий ўзгартириш ва уни инсон хизматига қўйиш учун фақат технологияни кашф этиш лозим бўлиб, шунда жиловланган табиат инсон эҳтиёжларини кенг миқёсда қондиради.

Дунёни ўзгартириш пафоси куч ва ҳокимиятнинг ҳукмронлиги ғоясига алоҳида муносабатни юзага келтирган. Анъанавий маданиятларда улар аввало, бир одамнинг бошқа одам устидан бевосита ҳокимияти сифатида тушунилган. Патриархал жамиятларда ва Осиё деспотияларида ҳокимият ва ҳукмронлик нафақат подшо уламоларига нисбатан татбиқ этилган, балки оила бошлиғи — эркак томонидан ўз хотини ва болалари устидан амалга оширилган, подшо ёки император ўз уламоларининг жони ва танасига қандай эгалик қилган бўлса, оила бошлиғи ҳам ўз хотини ва болаларининг жони ва танасига шундай эгалик қилган. Шахс эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари ғоялари анъанавий маданиятларга маълум бўлмаган.

Ҳукмронлик бир одамнинг бошқа одам устидан ҳокимияти ва бевосита мажбурлаш кучи сифатида амалга оширилувчи вазиятларга техноген дунёда ҳам дуч келиш мумкин. Бироқ, шахсий қарамлик муносабатлари бу ерда устунлик қила олмайди ва янги ижтимоий алоқаларга бўйсунеди. Уларнинг моҳияти товар шаклини касб этувчи фаолият натижаларини умумий айирбошлаш билан белгиланади.

Бу муносабатлар тизимида ҳокимият ва ҳукмронлик товарлар (ашёлар, пул қийматиға эга товар бойликлар сифатидаги инсон қобилиятлари, ахборот)га эгалик қилиш ва уларни ўзлаштиришни назарда тутеди.

Натижада, техноген цивилизация маданиятида куч ва ҳокимият ҳукмронлиги предметларини тушунишида инсоннинг у яратган буюмга ўзига хос тарзда ўтиши юз беради. Ўз навбатида, бу янги маънолар инсоннинг фаол ўзгартирувчи вазифаси идеали билан осонгина чатишади.

Ўзгартирувчи фаолиятнинг ўзи инсоннинг предмет устидан ва инсон ўзига бўйсундириши лозим бўлган ташқи ҳолатлар устидан ҳокимиятини таъминловчи жараён сифатида баҳоланади.

Инсон табиий ва ижтимоий ҳолатлар қулидан уларнинг ҳўжайинига айланиши лозим бўлиб, бу жараён табиат кучларини ва ижтимоий ривожланиш кучларини ўзлаштириш сифатида тушунилган. Цивилизация ютуқларининг куч иборалари («ишлаб чиқариш кучлари», «билимнинг кучи» ва ш.к.)даги тавсифи инсон ўз ўзгартирувчи фаолиятининг уфқини кенгайтириш имконини берувчи янги имкониятларга эга бўлиш мўлжалини ифодалаган.

Инсон ўзлаштирилган кучларни татбиқ этиш йўли билан нафақат табиий, балки ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартириб, ўзининг дунё бунёдкори, яратувчиси вазифасини адо этади.

Техноген цивилизация қадриятлар тизимида илмий оқилоналикнинг алоҳида мақоми. дунёга илмий-техникавий ёндашувнинг алоҳида аҳамияти шундаки, унда дунёни билиш уни ўзгартириш шарти ҳисобланади. У инсон табиат ва ижтимоий ҳаёт қонунларини аниқлаб, табиий ва ижтимоий жараёнларни ўз мақсадларига мувофиқ тартибга солишга қодир эканлигига ишонч уйғотади.

Шу сабабли янги Европа маданиятида ва техноген жамиятларнинг кейинги ривожланиш жараёнида илмийлик категорияси ўзига хос рамзий маъно касб этади. У тараққиёт ва равнақнинг зарурий шарти сифатида қабул қилинади. Илмий оқилоналикнинг аҳамияти ва унинг маданият бошқа жабҳаларига фаол таъсири техноген жамиятлар ҳаётига хос белгига айланади.

Фаннинг нуфузли мақоми унинг ривожланган шакллари ранг-баранг тус олиши ва кенг тарқалишини рағбатлантиради. Уларни ўрганиш ва фаннинг ижтимоий ҳаётдаги функциялари қандай

Ўзгарганини таҳлил қилиш орқали илмий билишнинг асосий хусусиятлари, унинг имкониятлари ва чегараларини аниқлаш мумкин.

Бу имкониятлар муаммоси ҳозирги вақтда айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Гап шундаки, техноген цивилизациянинг ривожланиши цивилизациянинг ўсиш мазкур типининг чегараларини белгилаган критик марраларга яқинлашди. Бу XX асрнинг иккинчи ярмида дунё миқёсида тангликлар ва муаммолар юзага келиши муносабати билан аён бўлди. Ядро асрида инсоннинг яшаб қолиши, экологик тангликни бартараф этиш, инсон биологиясига замонавий техногенезнинг шикастли таъсири кучайиб бораётган шароитда шахсни ва инсон борлигининг биологик асосларини сақлаш муаммолари юзага келди. Буларнинг барчаси техноген цивилизация тараққиёти ва қадриятлар тизимининг имкониятларини танқидий баҳолашга мажбур этади.

Айрим файласуфлар ва футурологлар ҳозирги жараёнларни инсоният тош асридан темир асрига ўтиш пайтида бошдан кечирган ўзгаришлар билан таққосламоқдалар. Дунё миқёсидаги муаммоларни ечиш инсон ҳаёт фаолиятининг илгари қабул қилинган стратегияларини бутунлай ўзгартиришни назарда тутишини ҳисобга олсак, бу нуқтан назар теран маъно касб этади. Цивилизация тараққиётининг ҳар қандай янги типи янги қадриятлар, янги дунёқараш мўлжалларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Табиатга аввалги муносабатни, табиий ва ижтимоий дунёни куч билан ўзгартиришга қаратилган ҳукмронлик идеалларини қайта кўриш, инсон фаолиятининг янги идеалларини, инсон истиқболларининг янги талқинини ишлаб чиқиш лозим.

Бу контекстда техноген цивилизацияга хос бўлган фан ва фан-техника тараққиёти қадриятлари масаласи ҳам юзага келади.

Кучайиб бораётган дунё миқёсидаги муаммолар учун масъулиятни фанга ва унинг технологик қўлланилишига юкловчи кўп сонли антисциентистик концепциялар мавжуд. Ашаддий антисциентизм ўзининг фан-техника тараққиётини чеклаш ва ҳатто тўхтатиш талаблари билан амалда анъанавий жамиятларга қайтишни таклиф қилади. Бироқ, ҳозирги шароитда муттасил ўсиб бораётган аҳолини оддий ҳаёт нсѐматлари билан таъминлаш муаммосини бу йўлда ечиш мумкин эмас.

Муаммони фан-техника тараққиётидан воз кечиш орқали эмас, балки унга инсонийлик тусини бериш йўли билан ечиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, инсонийлик мўлжаллари ва қадриятларини ўз ичига оловчи янги типдаги илмий оқилоналик муаммосини кун тартибига киритади.

Шу муносабат билан бир қанча саволлар туғилади. Илмий билишга ундан ташқарида амал қилувчи қадриятлар ва мўлжалларни қандай қилиб киритиш мумкин? Бундай киритиш механизмлари қандай? Бу ҳақиқатнинг деформацияланиши ва фан устидан қаттиқ мафкуравий назорат ўриятилиши, уни ижтимоий қадриятлар билан мувофиқлаштириш талаби қўйилишига олиб келмайдими? Фан янги ҳолатга ўтиши учун унинг ўзида етилаётган ички асослар мавжудми?

Булар ҳозирги замон фан фалсафасининг муҳим масалаларидир. Уларга жавоб топиш илмий билиш хусусиятлари, унинг генезиси ва уни ривожлантириш механизмларини ўрганиш, илмий оқилоналик типлари тарихан қандай ўзгариши мумкинлиги ва бундай ўзгаришнинг ҳозирги тенденцияларини аниқлашни назарда тутати.

Ўз-ўзидан равшанки, фан хусусиятларини аниқлаш, илмий оқилоналик типларининг тарихий ўзгаришида барқарор сақланувчи ўзгармас белгиларни аниқлаш бу йўлда биринчи қадам бўлиши лозим.

Ҳар бир муайян тарихий даврда бу белгилар илмий билишнинг айни шу даврга хос бўлган алоҳида кўрсаткичлари билан бирикиши мумкин. Бироқ, фаннинг уни билишнинг бошқа шакллари (санъат, оддий онг, фалсафа, дунёни диний англаш)дан фарқлаш имконини берувчи ўзгармас белгилари йўқолса, бу фаннинг ҳам йўқолишини англатади.

Фан асослари. Фан асосларининг камида уч элементи: фан идеаллари ва меъёрлари, дунёнинг илмий манзараси ва фаннинг фалсафий асосларини фарқлаш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз тузилишига эгадир. Кўрсатилган элементларнинг ҳар бирига тавсиф берамиз. Уларнинг ўзаро алоқаларини, уларнинг заминида юзага келувчи эмпирик ҳамда назарий билимлар ўртасидаги алоқаларни кўздан кечирамиз.

Ҳар қандай фаолият сингари, илмий билиш ҳам илмий фаолият мақсадлари ва уларга эришиш усуллари ҳақидаги

тасаввурлар ифодаланган муайян идеаллар ва меъёрлар билан тартибга солинади.

Фан идеаллари ва меъёрлари орасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин: а) объектни илмий билимнинг турли шаклларида ифодалаш жараёнини тартибга солувчи билиш мўлжаллари; б) тарихий ривожланишнинг муайян босқичида фаннинг ролини ва унинг жамият ҳаёти учун аҳамиятини қайд этувчи, тадқиқотчилар ўртасидаги алоқаларни, илмий ҳамжамиятлар ва муассасаларнинг бир-бири ва жамият билан муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий меъёрлар ва ҳ.к.¹ Фан идеаллари ва меъёрларининг бу икки жиҳати фан фаолиятининг икки жиҳати: билиш фаолияти сифатидаги фан ва ижтимоий институт сифатидаги фанга мос тушади.

Фаннинг билиш идеаллари анча мураккаб тузилишга эга. Уларнинг тизимида қуйидаги асосий шаклларни қайд этиш мумкин: 1) тушуниш ва тушунтириш идеаллари ва меъёрлари; 2) билимнинг исботланганлик ва асосланганлик идеаллари ва меъёрлари; 3) билимларни тузиш ва ташкил этиш идеаллари ва меъёрлари. Улар жамулжам ҳолда тадқиқот фаолияти методининг муайян типдаги объектларни ўзлаштиришни таъминловчи ўзига хос схемасини ташкил этади.

Фан ўз тарихий ривожланишининг турли босқичларида методнинг тадқиқот идеаллари ва меъёрлари тизимидан иборат бундай схемаларининг ҳар хил типларини яратади. Уларни таққослаб, билиш идеаллари ва меъёрлари мазмунида умумий, бир вариантли ва алоҳида жиҳатларни аниқлаш мумкин.

Умумий жиҳатлар илмий оқилоналикнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифласа, алоҳида жиҳатлар унинг тарихий типларини ва уларнинг муайян фанларга хос турларини ифодалайди. Фан идеаллари ва меъёрларининг биз фарқлаган турлари (тушунтириш ва тавсифлаш, билимларни исботлаш, асослаш ва ташкиллаштириш)дан исталган бирининг мазмунида ўзаро боғланган уч даражани қайд этиш мумкин.

Биринчи даража фанни билишнинг бошқа шакллари (оддий, стихияли-эмпирик билиш, санъат, дунёни диний-мифологик

¹ *Қаранг:* Мотрошилова Н.В. Нормы науки и ориентации ученого // Идеалы и нормы научного исследования. – Минск, 1981. – 91-б.

Ўзлаштириш ва ш.к.)дан фарқлаш имконини берувчи белгилардан иборат. Масалан, илмий билим табиати, уни асослаш амаллари ва исботлаш андозалари турли тарихий даврларда ҳар хил тушунилган. Бироқ, илмий билим фикрдан фарқ қилиши, у исботланган ва асосланган бўлиши лозимлиги, фан ҳодисаларни бевосита қайд этиш билан кифояланиши мумкин эмаслиги, у ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериши лозимлиги — бу меъёрий талабларнинг барчаси антик фанда ҳам, ўрта аср фанида ҳам, ҳозирги фанда ҳам бажарилган ва бажарилмоқда.

Фан идеаллари ва меъёрлари мазмунининг иккинчи даражаси тарихан ўзгарувчан мўлжаллардан иборат бўлиб, улар фан ривожланишининг муайян тарихий даврида унда стакчилик қилувчи тафаккур услубини тавсифлайди. Масалан, Қадимги Юнонистон математикасини Қадимги Бобил ва Қадимги Миср математикаси билан таққослар эканмиз, билимни ташкиллаштириш идеалларидаги фарқларга дуч келамиз. Қадимги Шарқ математикасида қабул қилинган вазифаларни ечиш муолажалари тўплами сифатидаги билимларни баён этиш идеали юнон математикасида билимни дедуктив тизим сифатида ташкиллаштириш идеали билан алмаштирилган. Фан тарихидаги биринчи назарий тизим — Евклид геометрияси бу идеалнинг энг ёрқин ифодаси бўлган.

Ўрта аср фанида ҳукм сурган билимни асослаш усулларини Янги давр фанида қабул қилинган тадқиқот меъёрлари билан таққослаш билимни исботлаш ва асослаш идеалларида ўзгариш юз берганини кўрсатади. Ўрта аср олими умумий дунёқараш тамойиллари, ўз даври маданиятида мавжуд қадриятлар ва мўлжалларга мувофиқ кузатишлар билан текширилган ва амалда самара берувчи тўғри билимни ва нарсаларнинг рамзий маъносини очиб берувчи, микрокосмоснинг ҳиссий нарсалари орқали макрокосмосни кўриш, дунёвий нарсалар орқали самовий моҳиятлар дунёси билан ошно бўлиш имконини берувчи ҳақиқий билимни фарқлаган. Шу сабабли ўрта аср фанида билимни асослашда тажрибага нарсаларнинг хоссаларига билимнинг мувофиқлиги далили сифатида ишора қилиш, нари борса нарсанинг кўп сонли маъноларидан биттасигина аниқланганини аниқланган.

XVI аср охири — XVII аср бошларида табиатшуносликнинг

вужудга келиши билимни асослашнинг янги идеаллари ва меъёрларини тасдиқлади. Янги қадриятлар ва дунёқараш мўлжалларига мувофиқ билишнинг бош мақсади нарсаларнинг табиий хоссалари ва алоқаларини ўрганиш ва ёритиш, табиат қонунлари ва табиий сабабларни аниқлаш сифатида белгиланди. Бундан табиат ҳақидаги билимни асослашнинг бош талаби сифатида уни тажрибада синаш талаби таърифланди. Тажриба, эксперимент билим ҳақиқийлигининг муҳим мезони сифатида қарала бошлади.

XVII асрда назарий табиатшунослик вужудга келганидан сўнг унинг идеаллари ва меъёрларида жиддий ўзгаришлар юз берди. Масалан, XVII-XIX аср физиги квант-механик тавсифнинг объект назарий кўрсаткичлари асбоблар хусусиятига ишора орқали берилувчи, физик дунёнинг яхлит манзараси ўрнига икки қўшимча манзара таклиф қилинувчи, бу манзараларнинг бири ҳодисаларнинг макон-вақт, иккинчиси — сабаб-оқибат нуқтаи назаридан тавсифловчи идеалларидан қаноатланиши мумкинлигига ишониш қийин. Классик физика ва квант-релятивистик физика илмий оқилоналикнинг ҳар хил типлари бўлиб, улар тадқиқот идеаллари ва меъёрларининг ҳар хил талқинида ўзининг муайян ифодасини топади.

Ниҳоят, илмий тадқиқот идеаллари ва меъёрларининг мазмунида учинчи даражани фарқлаш мумкин бўлиб, унда иккинчи даража мўлжаллари ҳар бир фан (математика, физика, биология, ижтимоий фанлар ва ш.к.) предмет соҳасининг хусусиятига татбиқан муайянлаштирилади. Масалан, математикада назарияни тажрибада синаш идеали мавжуд эмас, бироқ тажриба фанлари учун у мажбурийдир.

Физикада унинг ривожланган математикалаштирилган назарияларини асослашнинг алоҳида меъёрлари мавжуд. Улар кузатилувчанлик, мувофиқлик ва бир вариантлилиқ тамойилларида ифодаланлади. Бу тамойиллар физик тадқиқотни тартибга солиди, бироқ улар назарийлаштириш ва математикалаштириш босқичига эндигина кираётган фанлар учун ортиқчадир.

Ҳозирги замон биологияси эволюция ғоясисиз иш кўра олмайди, шу сабабли тарихийлик методлари унинг билиш мўлжаллари тизимидан ўрин олади. Физика эса ҳозирча бу

методлардан очик фойдаланмайди. Биология учун ривожланиш гоёси жонли табиат қонунларига нисбатан татбиқ этилса (бу қонунлар ҳаётнинг вужудга келиши билан бирга юзага келади), физика Оламда амал қилувчи физик қонунларнинг келиб чиқиши муаммоларини сўнгги вақтгача умуман қўймаган. XX асрнинг сўнгги чорагидагина элементар зарралар назарияси космология билан яқин алоқада ривожланиши натижасида, шунингдек, номутаносиб тизимлар термодинамикаси (И.Пригожин концепцияси) ва синергетика ютуқлари таъсирида физикага эволюция гоёлари кириб келди ҳамда илгари вужудга келган фанларнинг идеаллари ва меъёрларида ўзгаришлар ясай бошлади.

Тадқиқ этилувчи объектлар хусусияти илмий билиш идеаллари ва меъёрлари хусусиятига муқаррар тарзда таъсир кўрсатади ва тадқиқот фаолияти доирасига тортилувчи объектлар тизимли тузилишининг ҳар бир янги типи, одатда, илмий фан идеаллари ва меъёрларини ўзгартиришни талаб қилади.

Бироқ, илмий билиш идеаллари ва меъёрларининг амал қилиши ва ривожланиши объект хусусияти билангина белгиланмайди. Кўрсатилган идеаллар ва меъёрлар тизимида билиш фаолиятининг муайян образи, уларнинг ҳақиқат тагига етишни таъминловчи муқаррар таомиллари ҳақидаги тасаввур ўз ифодасини топади. Бу образ доим ижтимоий-маданий кўлам касб этади. У фанда ижтимоий эҳтиёжлар, у ёки бу тарихий давр замирида ётувчи дунёқараш структураларининг таъсирида шаклланади. Бу таъсирлар юқорида қайд этилган тадқиқот идеаллари ва меъёрлари мазмунининг иккинчи даражаси хусусиятини белгилайди. У фаннинг турли соҳалари хусусиятларини ифодаловчи меъёрий структуралар шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Айни шу даражада фан идеаллари ва меъёрларининг давр маданиятига, унда ҳукм сурувчи дунёқараш мўлжаллари ва қадриятларига боғлиқлиги кузатилади.

Масалан, XVIII аср таниқли табиатшуноси Ж.Бюффон Уйғониш даври натуралисти Альдрованди рисоалари билан танишар экан, уларда ифодаланган ҳодисаларни тавсифлаш ва таснифлашнинг ноилмий усули уни қаттиқ таажжубга солганини қайд этади.

Масалан, Альдровандининг илонлар ҳақидаги рисоласида кейинги даврларнинг табиатшунослари илмий тавсифлашга

киритиши мумкин бўлган маълумотлар (илонларнинг турлари, уларнинг насл қолдириши, илон захрининг таъсири ва ҳ.к.) билан бир қаторда, илоннинг махфий рамзлари билан боғлиқ мўъжизалар ва башоратлар тавсифи, аждарлар ҳақидаги афсоналар, эмблемалар ва геральдика белгилари, Илон, Аждар буржлари ва улар билан боғлиқ астрологик башоратлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.¹

Бундай тавсифлаш усуллари ўрта аср жамияти маданиятига хос бўлган билиш идеаллари қолдиқлари эди. Улар бу маданиятда вужудга келган, инсоннинг дунёни идрок этиши, тушуниши ва билишини белгилаган дунёқараш мўлжалларининг маҳсулидир. Бундай мўлжаллар тизимида дунёни билиш илоҳий яратиш амали билан нарса ва воқеага жойланган маънони аниқлаш сифатида талқин қилинган. Нарсалар ва ҳодисалар дуалистик хусусиятга эга деб қаралган — уларнинг табиий хоссалари бир вақтнинг ўзида дунёда гавдалантирилган илоҳий ният белгилари сифатида ҳам қабул қилинган. Шу дунёқараш мўлжалларига мувофиқ ўрта аср фанида қабул қилинган тушунтириш ва тавсифлаш идеаллари шаклланди. Нарса ёки ҳодисани тавсифлаш нафақат кейинги даврларда (Янги давр фанида) нарсаларнинг табиий хоссалари ва хусусиятлари сифатида таснифланган белгиларни қайд этишни, балки нарсаларнинг «рамзий-символик» аломатлари, уларнинг аналогиялари, Оламнинг бошқа нарсалари ва воқеалари билан «ҳамоҳанглик»ни аниқлашни ҳам англаган.

Нарсалар ва ҳодисалар белгилар сифатида қабул қилингани, дунё эса «илоҳий хатлар» билан ёзилган ўзига хос китоб сифатида талқин этилгани боис, оғзаки ёки ёзма белги ва улар билан ифодаланувчи нарсанинг ўзи бир-бирига ўхшатилиши мумкин бўлган. Шу сабабли ўрта аср фанининг тавсифлари ва таснифларида нарсанинг ҳақиқий аломатлари кўпинча, рамзий ифодалар ва тил белгилари билан ягона туркумга бирлаштирилади. Шу нуқтаи назардан, масалан, илоннинг биологик белгилари, илонлар ҳақидаги афсоналар ва геральдика белгилари илоҳий ният дунёга жойлаштирган айрим ғояни (илон ғоясини) ифодаловчи белгиларнинг ҳар хил турлари сифатида талқин қилиниб, бир тавсифга гуруҳланиши мумкин.

¹ Қаранг: Фуко М. Слова и вещи. — М.: АСТ, 1997. — 87-б.

Уйғониш даврида бошланган ўрта аср фани идеаллари ва меъёрларини қайта қуриш анча узоқ тарихий давр мобайнида амалга оширилди. Дастлабки даврда янгича мазмун эски шаклга солинди, янги ғоялар ва методлар эски ғоялар ва методлар билан ёнма-ён амал қилди. Шу сабабли Уйғониш даври фанида мутлақо янги билиш мўлжаллари (назарий тузилмаларни тажрибада тасдиқлаш талаби, табиатни математик тавсифлаш мўлжали) билан бир қаторда ўтган даврдан ўзлаштирилган тавсифлаш ва тушунтириш усуллариға ҳам дуч келиш мумкин.

Шу нарса диққатга сазоворки, табиатни математик тавсифлаш идеали дастлаб Уйғониш даврида ўрта аср маданиятиға хос бўлган «илоҳий хатлар» билан ёзилган китоб сифатидаги табиат ҳақидаги тасаввурлар таъсирида вужудга келди. Сўнгра бу одатдаги дунёқараш конструкцияси янгича мазмун билан бойитилди ва янгича талқин қилинди: «Худо табиат китобини математика тили билан ёзган».

Шундай қилиб, фан асосларининг биринчи блокнини тадқиқот идеаллари ва меъёрлари ташкил этади. Улар анча мураккаб тузилишға эга бўлган яхлит тизимни ташкил қилади. Бу тизим фан дунёдан муайян типдаги объектларни «овлаш» учун унга ташловчи «метод тўри» сифатида қаралиши мумкин. «Метод тўри», бир томондан, ижтимоий-маданий омиллар, у ёки бу тарихий давр маданиятида етакчилик қилувчи муайян дунёқараш, бошқа томондан — ўрганилаётган объектлар хусусияти билан белгиланади. Бу идеаллар ва меъёрлар ўзгариши билан «метод тўри» ҳам ўзгариши, бинобарин, объектларнинг янги типларини билиш имконияти юзага келишини англатади.

Идеаллар ва меъёрлар фаолият методининг умумий схемасини белгилаб, ҳар хил типдаги назарияларни тузиш, эмпирик далилларни кузатиш ва шакллантиришни тартибға солади. Улар тадқиқот фаолиятининг бу жараёнлари таркибидан мустаҳкам ўрин олади. Тадқиқотчи изланиш жараёнида қўлланилаётган меъёрий тузилмаларнинг барчасини ҳам англамаслиги, уларнинг аксарияти унга табиий бир ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Тадқиқотчи кўпинча уларни илгари ўтказилган тадқиқотларнинг андозалари ва уларнинг натижаларига қараб ўзлаштиради. Шу маънода илмий билимларнинг фаолияти ва уларни тузиш жараёнлари илмий билимларни яратишда амал қилинган идеаллар ва меъёрларни намоиш этади.

Бундай билимлар ва уларни тузиш усуллари тизимида тадқиқотчи ўз фаолиятида мўлжал олувчи ўзига хос андоза шакллар юзага келади. Масалан, Ньютон учун назарий билимни ташкиллаштириш идеаллари ва меъёрлари Евклид геометриясида ўз ифодасини топган бўлиб, у ўз механикасини яратишда шу андозага қараб мўлжал олган. Ўз навбатида, ньютонча механика электр токи ва магнетизм умумий назариясини яратиш вазифасини ўз олдига қўйган Ампер учун ўзига хос андоза бўлган.

Айни вақтда идеаллар ва меъёрларнинг тарихий ўзгарувчанлиги, тадқиқотнинг янги тартибга солувчи қоидаларини яратиш зарурияти уларни англаб етиш ва оқилона экспликация қилиш эҳтиёжини юзага келтиради. Фан меъёрий структуралари ва идеаллари устида бундай рефлексия маҳсули сифатида тадқиқот идеаллари ва меъёрларини тавсифлашда фойдаланилган методологик тамойиллар амал қилади.

Фан асосларининг иккинчи блокни дунёнинг илмий манзараси ташкил этади. Ҳозирги илмий фанларнинг ривожланишида тадқиқот предметининг умумий схема-образлари алоҳида роль ўйнайди. Уларнинг ёрдамида ўрганилаётган борлиқнинг асосий тизимли кўрсаткичлари қайд этилади. Бу образлар кўпинча, дунёнинг махсус манзаралари деб аталади. «Дунё» атамаси бу ерда ўзига хос маънода – мазкур фанда ўрганилувчи борлиқнинг айрим жабҳаси ифодаси сифатида тушунилади («физика дунёси», «биология дунёси» ва ш.к.). Терминологик мунозараларга йўл қўймаслик учун бошқа ном – тадқиқ этилаётган борлиқ манзарасидан фойдаланиш ўринли бўлади¹. Дунёнинг физик манзараси унинг энг муфассал ўрганилган андозаси ҳисобланади. Бироқ, бундай манзаралар ҳар қандай фанда мавжуд бўлиб, у илмий билимнинг мустақил тармоғи сифатида белгилангани заҳоти юзага келади.

Тадқиқот предметининг умумий тавсифи борлиқ манзарасига 1) тегишли фан ўрганувчи бошқа барча объектларнинг тузилишига асос бўлган деб фараз қилинувчи фундаментал объектлар ҳақидаги, 2) ўрганилаётган объектлар типологияси ҳақидаги, 3) уларнинг ўзаро алоқаси умумий қонуниятлари ҳақидаги, 4)

¹ Матнда кейинги ўринларда «дунёнинг махсус манзараси» ва «тадқиқ этилаётган борлиқ манзараси» атамалари синонимлар сифатида қўлланилади.

борлиқнинг макон-вақт тузилиши ҳақидаги тасаввурлар орқали киритилади. Бу тасаввурларнинг барчаси тадқиқ этилаётган борлиқ манзарасини экспликация қилишда асос бўлувчи ва тегишли фан илмий назарияларининг асоси ҳисобланувчи онтологик тамойиллар тизимида тавсифланиши мумкин. Масалан, дунё бўлинмас корпускулалардан ташкил топади; уларнинг ўзаро таъсири кучларни тўғри чиқиқ бўйлаб, бир лаҳзада узатиш тарзида амалга оширилади; корпускулалар ва улардан ташкил топган жисмлар мутлақ маконда, мутлақ вақт ўтиши билан силжийди. Бу тамойиллар XVII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган ва кейинчалик дунёнинг механик манзараси деб номланган дунёнинг физик манзарасини тавсифлайди.

Физик борлиқнинг механик манзарасидан электродинамик манзарасига (XIX асрнинг сўнгги чораги), сўнгра квант-релятивистик манзарасига (XX асрнинг биринчи ярми) ўтиш физика онтологик тамойиллар тизимининг ўзгаришига сабаб бўлди. У квант-релятивистик физика шаклланган даврда айниқса, радикал хусусият касб этди (атомларнинг бўлинмаслиги, мутлақ макон-вақт мавжудлиги тамойилларини, физик жараёнларнинг лапласча детерминациясини қайта кўриш).

Дунёнинг физик манзараси билан ўхшашлик бўйича бошқа фанлар (кимё, биология, астрономия ва ҳ.к.)да борлиқ манзараларини фарқлаш мумкин. Уларнинг орасида дунё манзараларининг тарихан бир-бирининг ўрнига келган типлари ҳам мавжуд бўлиб, бунга фан тарихини таҳлил қилишда дуч келиш мумкин. Масалан, Лавуазье даврида кимёгарлар томонидан қабул қилинган кимёвий жараёнлар дунёси образи ҳозирги образга унча ўхшамаган. Фундаментал объектлар сифатида ҳозирда маълум кимёвий элементларнинг айримларигина тахмин қилинган. Уларга ўша даврда «оддий кимёвий субстанциялар» қаторига киритилган айрим мураккаб бирикмалар (масалан, оҳак) қўшимча қилинган. Лавуазье асарлари эълон қилингач, флогистон бундай субстанциялар қаторидан чиқарилди, бироқ теплород шу қаторда сақланиб қолди. Бу «оддий субстанциялар» ва элементларнинг мутлақ макон ва вақтдаги ўзаро таъсири мураккаб кимёвий бирикмаларнинг барча маълум типларини юзага келтиради, деб ҳисобланган.

Тадқиқ этилаётган борлиқнинг бундай манзараси фан

тарихининг муайян босқичида аксарият кимёгарларга ҳақиқий бўлиб туюлган. У янги далилларни излашга ҳам, бу далилларни тушунтирувчи назарий моделларни тузишга ҳам йўл кўрсатган.

Тадқиқ этилаётган борлиқ манзараси муайян тарихий шаклларининг ҳар бири илмий билимлар ривожланишининг асосий босқичларини ифодаловчи айрим модификацияларда амалга оширилиши мумкин. Бундай модификациялар орасида у ёки бу типдаги борлиқ манзарасининг ривожланишида ворисийлик йўналишлари бўлиши мумкин (масалан, физик дунё ҳақидаги ньютонча тасаввурларнинг Эйлер томонидан ривожлантирилиши, дунёнинг электродинамик манзараси Фарадей, Максвелл, Герц ва Лоренц томонидан ривожлантирилиши ва уларнинг ҳар бири бу манзарага янги элементлар киритиши). Бироқ, дунё манзарасининг айни бир типи физик дунё ҳақидаги рақобатдош ва бир-бирига муқобил тасаввурлар тарзида амалга ошиши, улардан бири пировард натижада дунёнинг «ҳақиқий» физик манзараси сифатида ғолиб чиқиши ҳам мумкин (бунга дунё механик манзарасининг муқобил вариантлари сифатидаги Ньютон ва Декарт табиат концепцияларининг кураши, шунингдек, дунёнинг электродинамик манзараси ривожланишидаги икки асосий йўналиш — Ампер-Вебер дастури ва Фарадей-Максвелл дастурининг рақобати мисол бўлиши мумкин).

Борлиқнинг манзараси тегишли фан доирасида билимлар тизимга солинишини таъминлайди. Илмий фан назарияларининг ҳар хил (фундаментал ва айрим) типлари, шунингдек, тажрибада олинган далиллар борлиқ манзараси билан боғлиқдир. Борлиқ манзараси тамойиллари шундай далилларга таяниши ва уларга мувофиқ бўлиши лозим. Шу билан бир вақтда у эмпирик ва назарий изланиш вазифаларини қўйиш ва уларни ечиш воситаларини танлашга йўл кўрсатувчи тадқиқот дастури сифатида амал қилади.

Дунё манзарасининг тажрибада кўрилган вазиятлар билан алоқаси фан ўз алоҳида назариясига ҳали эга бўлмаган ва эмпирик методлар ёрдамида тадқиқ этилувчи объектларни ўргана бошлаганида айниқса, аниқ намоён бўлади. Катод нурларини экспериментал ўрганишда дунёнинг электродинамик манзарасининг роли шундай вазиятлардан бири бўлиб хизмат

қилиши мумкин. Экспериментда уларнинг тасодифан аниқланиши очиқ физик агентнинг табиати ҳақидаги масалани қўйди. Дунёнинг электродинамик манзараси барча табиий жараёнларга «нурли материя» (эфир тебранишлари) ва электр токи билан зарядланган ёки электр жиҳатидан нейтрал бўлиши мумкин бўлган модда зарраларининг ўзаро таъсири сифатида қарашни талаб қиларди. Бундан катод нурлари табиати ҳақидаги гипотезалар юзага келди: улардан бири янги физик агентлар зарралар оқимидан иборат эканлиги тахмин қилар, иккинчиси бу агентларга нурланиш тури сифатида қарарди. Бу гипотезаларга мос равишда экспериментал вазифалар қўйилди ва экспериментларнинг режалари тузилиб, уларнинг ёрдамида катод ва рентген нурлари табиати аниқланди. Дунёнинг физик манзараси бу экспериментларга йўл кўрсатди. Экспериментлар эса, ўз навбатида, дунёнинг манзарасига аниқлик киритиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириб, унга тесқари таъсир кўрсатади (масалан, Крукс, Перрен, Томсон тажрибаларида катод нурлари табиатининг аниқланиши дунёнинг электродинамик манзарасига «модда атомлари»га боғлаб бўлмайдиган «электр атомлари» сифатидаги электронлар ҳақидаги тасаввур киритилишига асос бўлди).

Дунёнинг манзараси тажриба билан бевосита боғланибгина қолмай, у билан назарий схемаларни ва уларга нисбатан таърифланган қонунларни ташкил этувчи назарияларнинг асослари орқали билвосита алоқа қилади.

Дунёнинг манзараси тадқиқ этилаётган борлиқнинг айрим назарий модели сифатида қаралиши мумкин. Бироқ, бу муайян назариялар замирида ётувчи моделлардан фарқ қиладиган алоҳида моделдир.

Биринчидан, улар умумийлик даражасига кўра фарқ қилади. Дунёнинг айни бир манзарасига кўп сонли назариялар, шу жумладан, фундаментал назариялар таяниши мумкин. Масалан, дунёнинг механик манзараси билан Ньютон-Эйлер механикаси, Ампер-Вебер термодинамикаси ва электродинамикаси боғлиқ бўлган. Дунёнинг электродинамик манзараси билан нафақат Максвелл электродинамикаси асослари, балки Герц механикаси асослари ҳам боғланган.

Иккинчидан, дунёнинг махсус манзарасини назарий

схемалардан уларнинг абстракциялари (идеал объектлар)ни таҳлил қилиш йўли билан фарқлаш мумкин. Масалан, дунёнинг механик манзарасида табиат жараёнлари «бўлинмас корпускула», «жисм», «жисмларнинг тўғри чизиқ бўйлаб бир лаҳзада узатилувчи ва жисмлар ҳаракатининг ҳолатини ўзгартирувчи ўзаро таъсири», «мутлақ макон» ва «мутлақ вақт» каби абстракциялар ёрдамида тавсифланган. Ньютон механикаси замирида ётувчи назарий схемага келсак, унда механик жараёнлар моҳияти бутунлай бошқа — «моддий нуқта», «куч», «парциал макон-вақт ҳисобот тизими» каби абстракциялар воситасида тавсифланади.

Назарий схемаларнинг маҳсуллари ва дунё манзараси маҳсуллари ўртасидаги фарқни назарий билимнинг ҳозирги намуналарига мурожаат этиш йўли билан ҳам шу йўсинда аниқлаш мумкин. Масалан, квант механикасининг фундаментал назарий схемаси доирасида микродунё жараёнлари зарра ҳолати векторининг асбоб ҳолати векторига нисбати атамаларида тавсифланади. Аммо, айтиш мумкин, бу зарраларнинг муайян типдаги ўлчаш асбоблари билан ўзаро таъсири атамаларида ҳам тавсифланиши мумкин. Бироқ, бу энди назарий тавсиф тили эмас, балки уни тўлдирувчи ва у билан боғланган дунёнинг физик манзараси тили ҳисобланади.

Дунёнинг манзарасини ташкил этувчи идеал объектлар ва ўз алоқаларида назарий схемани ташкил этувчи мавҳум объектлар ҳар хил мақомга эга бўлади. Мавҳум объектлар идеал хусусият касб этади, улар моддий объектлар билан айний эмаслиги аниқ-равшандир. «Моддий нуқта» табиатда мавжуд эмаслигини, чунки табиатда ўлчамсиз жисмлар йўқлигини ҳар қандай физик тушунади. Лекин, дунёнинг механик манзарасини қабул қилган Ньютон издоши бўлинмас атомларни материянинг амалда мавжуд «биринчи гишглари» деб ҳисоблаган. У табиатни соддалаштирувчи ва схемалаштирувчи абстракцияларни табиат билан тенглаштирган. Бу абстракциялар айнан, қайси белгиларда борлиққа мос тушмаслигини тадқиқотчи унинг фани дунёнинг эски манзараси ўрнида янги манзара вужудга кела бошлаган даврга қадам қўйганидагина аниқлайди.

Дунёнинг манзарасидан фарқ қилувчи назарий схемалар у

билан доимо боғлиқдир. Бу алоқани аниқлаш назарияни тузишнинг муқаррар шартларидан бири ҳисобланади.

Дунёнинг манзараси билан алоқа таъсирида назарий схемаларнинг объективлашуви юз беради. Уларни ташкил этувчи мавҳум объектлар тизими «соф ҳолда» ўрганилаётган жараёнлар моҳиятининг ифодаси сифатида намоён бўлади. Бу амалнинг муҳимлигини аниқ мисолда кўрсатиш мумкин. Герц механикасида механик жараёнларнинг назарий схемаси киритилиб, унинг доирасида бу жараёнлар фақат моддий нуқталар конфигурациясининг вақтдаги ўзгариши сифатида тасвирланса, куч эса бундай конфигурация типини тавсифловчи ёрдамчи тушунча сифатида ифодаланган бўлса, буларнинг барчаси аввал механик ҳаракатнинг анча сунъий образи сифатида қабул қилинади. Бироқ, Герц механикасида табиатнинг барча жисмлари оламий эфир орқали ўзаро таъсирга киришиши, кучларнинг узатилиши эса эфир зарралари ўртасидаги макон муносабатларининг ўзгаришидан иборат эканлиги тушунтириб ўтилган. Натижада, Герц механикаси замирида ётувчи назарий схема табий жараёнлар теран моҳиятининг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Айрим илмий фанларда ривожлантирилувчи борлиқ манзаралари бир-бирдан ажралиб қолмаган. Улар бир-бири билан ўзаро таъсирга киришади. Шу муносабат билан бир савол туғилади: билимларни тизимга солишнинг янада кенгроқ уфқлари, уларни тизимга солишнинг борлиқнинг махсус манзараларига нисбатан интегратив шакллари мавжудми? Методологик тадқиқотларда бундай шакллар қайд этилган ва уларга тавсиф берилган. Бундай шакллар қаторига дунёнинг табий-илмий ва умумий илмий манзаралари киради.

Айрим фанлар (физика, кимё, биология ва ҳ.к.)да юз берган инқилоб тегишли фаннинг предметлар соҳасига нисбатан ёндашувларни ўзгартириб, дунёнинг табий-илмий ва умумий илмий манзараларида муттасил мутация жараёнларини юзага келтиради, фанда илгари вужудга келган борлиқ ҳақидаги тасаввурлар қайта кўрилишига сабаб бўлади. Бироқ, борлиқ манзараларидаги ўзгаришлар билан дунёнинг табий-илмий ва умумий илмий манзараларини тубдан қайта қуриш ўртасида алоқа узил-кесил эмас. Борлиқнинг янги манзаралари аввал гипотеза сифатида илгари сурилишини ҳисобга олиш лозим. Гипотетик

манзара асослаш босқичидан ўтади ва узоқ вақт борлиқнинг олдинги манзараси билан бирга мавжуд бўлиши мумкин. Кўпинча у нафақат унинг тамойиллари тажрибада давомли текширилиши натижасида, балки бу тамойиллар янги фундаментал назариялар учун асос бўлиб хизмат қилиши туфайли ҳам ўз тасдиғини топади.

Билимнинг у ёки бу тармоғида яратилган дунё ҳақидаги янги тасаввурлар дунёнинг табиий-илмий, сўнгра умумий илмий манзарасидан ўрин олиши тадқиқ этилаётган борлиқ ҳақидаги ҳар хил тасаввурлар рақобатини нафақат истисно этмайди, балки назарда тутаяди.

Фан асосларининг учинчи блоки фалсафий асосларни назарда тутаяди. У фаннинг онтологик қоидалари, шунингдек, унинг идеаллари ва меъёрларини асословчи фалсафий ғоялар ва тамойиллар ёрдамида амалга оширилади. Электр ва магнит майдонларининг моддий мақоми Фарадей томонидан материя ва куч бирлиги тамойилига ҳаволалар билан асосланиши бунга мисол бўлиши мумкин.

Фарадейнинг экспериментал тадқиқотлари электр ва магнит кучлари маконда тўғри чизиқ бўйлаб бир лаҳзада эмас, балки ҳар хил конфигурацияли чизиқлар бўйлаб нуқтадан нуқтага узатилиши ҳақидаги ғояни тасдиқлаган. Бу чизиқлар зарядлар ва магнетизм манбалари атрофидаги бўшлиқни тўлдириб, зарядланган жисмлар, магнитлар ва ўтказгичларга таъсир кўрсатган. Бироқ, кучлар материядан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Шу сабабли Фарадей куч чизиқларини материя билан боғлаш ва уларни алоҳида субстанция сифатида ўрганиш лозим¹, деган тўхтамга келган.

Одатда, тадқиқотнинг фундаментал соҳаларида ривожланган фан ишлаб чиқаришда ҳам, оддий тажрибада ҳам ўзлаштирилмаган объектлар билан иш кўради (баъзан, бундай объектларни ўзлаштириш ҳатто улар кашф этилган тарихий даврдан анча кейин амалга оширилади). Оддий онг учун бу объектлар ғайриоддий ва тушунарсиз бўлиши мумкин. Улар ҳақидаги билимлар ва бундай билимларни олиш методлари тегишли тарихий даврнинг оддий билиш дунёси ҳақидаги

¹ Қаранг: Фарадей М. Экспериментальные исследования по электричеству. — М.: АГРАФ, 1959. — 400—401-б.

тасаввурлари ва меъёрларига мос тушмаслиги мумкин. Шу сабабли дунёнинг илмий манзаралари (объект схемаси), шунингдек, фан идеаллари ва меъёрий структуралари (метод схемаси) нафақат улар шаклланувчи даврда, балки кейинги қайта қуриш даврларида ҳам у ёки бу тарихий даврнинг устун дунёқараши, унинг маданияти категориялари билан ўзига хос тарзда туташиб муҳтож бўлади. Бундай «туташиб»ни фаннинг фалсафий асослари таъминлайди. Уларнинг таркибига асословчи қоидалар билан бир қаторда изланиш эвристикасини таъминловчи ғоялар ва тамойиллар ҳам кирди. Бу тамойиллар одатда, фан ва борлиқ манзараларининг меъёрий структураларини қайта қуришга йўл кўрсатади, сўнгра олинган натижалар — янги онтологиялар ва метод ҳақидаги янги тасаввурларни асослаш учун қўлланилади. Бироқ, фалсафий эвристика ва фалсафий асослашнинг мос тушиши шарт эмас. Янги тасаввурларнинг шаклланиш жараёнида тадқиқотчи муайян фалсафий ғоялар ва тамойиллардан фойдаланиши, бироқ кейинчалик, у ривожлантирган тасаввурлар бошқача фалсафий талқин қилиниши ва фақат шу талқинга мувофиқ тан олинниши ва маданиятга киритилиши мумкин. Шундай қилиб, фаннинг фалсафий асослари гетерогендир. Улар тадқиқот фаолиятида қўлланилувчи фалсафий ғоялар ва категориал маъноларнинг вариантларига йўл кўяди.

Фаннинг фалсафий асосларини фалсафий билимнинг умумий мажмуи билан тенглаштирмаслик керак. Ҳар бир тарихий давр маданиятида юзага келувчи фалсафа муаммолари ва уларни ечиш йўллариининг улкан майдонидан фан асословчи структуралар сифатида айрим ғоялар ва принциплардангина фойдаланади.

Фаннинг фалсафий асосларини шакллантириш ва ўзгартириш тадқиқотчининг нафақат фалсафий, балки махсус илмий эрудициясини (у тегишли фан предметининг хусусиятлари, унинг аънаналари, фаолият андозалари ва шу кабиларни тушунишини) ҳам талаб қилади. У фалсафий таҳлилда яратилган ғояларни танлаш ва сўнгра уларни илмий билишнинг муайян соҳаси эҳтиёжларига мослаштириш йўли билан амалга оширилади-ки, бу асосий фалсафий ғояларнинг муайянлашуви, янги категориал маънолар юзага келишига сабаб бўлади. Фалсафа ва муайян фан туташган жойдаги тадқиқотлар мажмуини файласуфлар ва мазкур

фан олим-мутахассислари ҳамкорликда амалга оширадilar. Ҳозирги вақтда тадқиқот фаолиятининг бу алоҳида қатлами фан фалсафаси ва методологияси сифатида белгиланган. Табиатшуносликнинг тарихий ривожланишида фаннинг фалсафий асосларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ишлаб чиқишда ўз фаолиятида муайян илмий ва фалсафий тадқиқотларни бирлаштирган машҳур табиатшунослар (Декарт, Ньютон, Лейбниц, Эйнштейн, Бор ва б.) алоҳида роль ўйнаган.

Фалсафий асосларнинг гетерогенлиги уларнинг тизимли тузилишини истисно этмайди. Уларда камида иккита ўзаро боғланган кичик тизимни фарқлаш мумкин: биринчи — тадқиқ этилувчи объектларни тушуниш ва билиш матричаси бўлиб хизмат қиладиган категориялар («нарса», «хосса», «муносабат», «жараён», «ҳолат», «сабабият», «зарурат», «тасодиф», «макон», «замон» ва ш.к.) мажмуидан иборат онтологик кичик тизим; иккинчи — билиш амаллари ва уларнинг натижасини тавсифловчи категориал схемалардан иборат эпистемологик кичик тизим (ҳақиқат, метод, билим, тушунтириш, исботлаш, назария, далил ва шу кабиларни тушуниш).

Иккала кичик тизим фан ўзлаштирувчи объектларнинг типларига ва бундай объектларни ўзлаштиришни таъминловчи меъёрий структуралар эволюциясига қараб тарихий ривожланади. Фалсафий асосларнинг ривожланиши янги предмет соҳаларига фан экспансиясининг зарурий омили ҳисобланади.

Шундай қилиб, илмий билим структураси эмпирик билимлар, назариялар ва фан асослари ўртасидаги алоқалардан ташкил топishi мумкин.

Илмий инқилоблар ва илмий оқилоналик типларининг ўзгариши. Фаннинг ривожланишида фан асосларининг барча таркибий қисмлари ўзгарган даврларни фарқлаш мумкин. Дунё илмий манзараларининг ўзгариши тадқиқот меъёрий структуралари, шунингдек, фаннинг фалсафий асослари бутунлай ўзгаришига сабаб бўлган. Бу даврларга илмий оқилоналик типининг ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган оламшумул инқилоблар даври сифатида қараш ўринли бўлади.

Табиатшунослик тарихида тўртта шундай инқилобга дуч келиш мумкин.

XVII асрда биринчи илмий инқилоб содир бўлган ва у классик табиатшунослик вужудга келиши билан боғлиқ.

Унинг юзага келиши, бир томондан, классик фан мўлжаллари ифодаланган, бошқа томондан эса мазкур даврнинг илмий билим тизимида механиканинг устунлигини ҳисобга олиб, бу мўлжалларни муайянлаштириш амалга оширилган тадқиқот идеаллари ва меъёрларининг алоҳида тизими шаклланиши билан узвий боғлиқ.

Субъектга ва унинг билиш фаолияти амалларига дахлдор бўлган ҳамма нарса тавсифлаш ва тушунтиришдан чиқариб ташланган ҳолдагина илмий билимнинг объективлиги ва предметлилигига эришиш мумкин, деган ғоя XVII асрдан бошлаб бутун классик табиатшунослик орқали ўтади. Бу амаллар абадий берилган ва ўзгармас деб қабул қилинган. Табиатнинг мутлақо ҳақиқий манзарасини яратиш идеал ҳисобланган. Асосий эътибор тажрибада олинган далилларни тушунтирувчи ва башорат қилувчи назарияларни тузиш имконини берувчи аниқ-равшан, кўрғазмали, «тажрибадан келиб чиқувчи» онтологик тамойилларни топишга қаратилган.

XVII–XVIII асрларда тадқиқотнинг бу идеаллари ва меъёрлари табиатни механик тушуниш мўлжалларини ифодаловчи бир қанча муайянлаштирувчи қондалар билан бирикди. Тушунтириш кузатилаётган ҳодисаларни белгиловчи механик сабаблар ва субстанцияларни излаш сифатида талқин қилинди. Бу мўлжалларга мувофиқ табиатнинг механик манзараси яратилди ва ривожланди. У физик билим жабҳасига татбиқан борлиқнинг манзараси сифатида ҳам, дунёнинг умумий илмий манзараси сифатида ҳам амал қилди.

Ниҳоят, XVII–XVIII асрлар табиатшунослигининг идеаллари, меъёрлари ва онтологик тамойиллари механизм ғоялари етакчилик қилувчи фалсафий билимларнинг ўзига хос тизимига таянди. Бу тизимнинг эпистемологик элементи сифатида табиат объектларини кузатиш ва улар билан тажриба ўтказиш сифатидаги билиш ҳақидаги тасаввурлар амал қилди. Ақлга суверенлик мақоми берилди. Идсалда у нарсаларни кузатувчи ва тадқиқ этувчи, ўрганилаётган объектларнинг хоссалари ва хусусиятларидан ташқари, бирон-бир омиллар билан белгиланмаган деб талқин қилинди.

Иккинчи илмий инқилоб табиатшунослик асосларининг яхлит ва нисбатан барқарор тизимида XVIII аср охири — XIX асрнинг биринчи ярмида туб ўзгаришлар юз берди. Уларни табиатшуносликнинг янги ҳолати — айрим фанларга уюшган фанга ўтишни белгилаган жараён деб баҳолаш мумкин.

Бу даврда дунёнинг механик манзараси умумий илмий манзара мақомини йўқотди. Биология, кимё ва бошқа билим соҳаларида борлиқнинг механик манзарага боғланмайдиган ўзига хос манзаралари шаклланди.

Айни вақтда фанлардаги тадқиқот идеаллари ва меъёрларининг табақаланиши юз берди. Масалан, биология ва геологияда эволюцион тушунтириш идеаллари юзага келди, физика эса ўз билимларини ривожланиш ғоясидан келиб чиқиб, яратишда давом этди. Бироқ, майдон назарияси яратилиши билан физикада ҳам илгари устунлик қилган механик тушунтириш меъёрлари аста-секин ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Классик фаннинг умумий билиш мўлжалларига келсак, улар бу тарихий даврда сақланиб қолди.

Фаннинг янгича тузилиши хусусиятларига мос равишда унинг фалсафий асослари ҳам ўзгарди. Улар гетероген хусусият касб этди. Эпистемологияда фан ранг-баранг методларининг ўзаро нисбати, билимлар синтези ва фанларни таснифлаш муаммолари биринчи ўринга чиқди. Фаннинг бирлиги йўлларини излаш, билимни табақалаштириш ва интеграция қилиш муаммоси фундаментал фалсафий муаммолардан бирига айланди ва фаннинг кейинги ривожланиши мобайнида ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

Табиатшуносликда биринчи ва иккинчи оламшумул инқилоблар классик фан ва унинг тафаккур услуби шаклланиши ва ривожланиши тарзида кечди.

Учинчи илмий инқилоб бу услубни ўзгартириш ва янги, ноклассик табиатшуносликнинг вужудга келиши билан боғлиқ. У XIX аср охиридан XX аср ўрталаригача бўлган даврни қамраб олади. Бу даврда билимнинг турли соҳалари, чунончи: физика (атом бўлиниш хоссасининг кашф этилиши, релятивистик ва квант назариясининг вужудга келиши), космология (ностаціонар Олам концепцияси), кимё (квант кимёси) ва биология (генетиканинг вужудга келиши)да инқилобий ўзгаришларнинг ўзига хос занжирли боғланишлари юз берди. Дунёнинг ҳозирги

илмий манзараси ривожланишида муҳим роль ўйнаган кибернетика ва тизимлар назарияси юзага келди.

Бу инқилобий ўзгаришлар жараёнида янги, ноклассик фан идеаллари ва меъёрлари шаклланди. Улар тўғри чизиқли онтологизмдан воз кечилиши, табиатшунослик ривожланишининг у ёки бу босқичида яратилган назариялар ва табиат манзараларининг ҳақиқийлиги нисбий деб тушунилиши билан тавсифланади. Фаннинг онтологик қоидалари ва объектни ўзлаштиришда фойдаланилувчи метод кўрсаткичлари ўртасидаги боғланишлар англаб етилади. Шу муносабат билан тушунтириш ва тавсифлашнинг билиш фаолияти ва амалларига ҳаволалар ифодаланган типлари қабул қилинади. Квант-релятивистик физикадан ўрин олган билимларни тушунтириш, тавсифлаш ва исботлаш идеаллари ва меъёрлари бундай ёндашувнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Классик физикада тушунтириш ва тавсифлаш идеали объектга «ўзича», уни тадқиқ этиш воситасини кўрсатмасдан тавсиф беришни назарда тутса, квант-релятивистик физикада тушунтириш ва тавсифлаш объективлигининг зарурий шarti сифатида объект билан ўзаро таъсирга киришувчи кузатиш воситаларининг хусусиятларини аниқ қайд этиш талаби қўйилади.

Билимни исботлаш ва асослаш идеаллари ва меъёрлари ҳам ўзгарди. Классик андозалардан фарқли ўлароқ, квант-релятивистик физикада назарияларни асослаш киритилувчи тушунчалар тизимининг операционал асоси назариясини баён этишда экспликацияни (кузатилувчанлик тамойили) ва янги назария билан ундан олдинги назариялар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш (мувофиқлик тамойили)ни назарда тутди.

Айрим фанларда яратилувчи борлиқ манзаралари бу босқичда ўз мустақиллигини сақлаб қолди, бироқ уларнинг ҳар бири кейинчалик, дунёнинг умумий илмий манзарасига киритилган тасаввурларни шакллантиришда иштирок этди. Ўз навбатида, дунёнинг умумий илмий манзараси табиатнинг аниқ ва узил-кесил портрети сифатида эмас, балки дунё ҳақидаги нисбатан ҳақиқий билимларнинг муттасил аниқлик киритилувчи ва ривожланувчи тизими сифатида қарала бошлади.

Дунё ва уни ўрганиш йўллари ҳақидаги тасаввурларда юз берган туб ўзгаришлар фаннинг янги фалсафий асослари шаклланишига сабаб бўлди.

Илмий билимнинг тарихий ўзгарувчанлиги, фанда яратилувчи онтологик тамойилларнинг нисбатан ҳақиқийлиги гоёси билиш субъектининг фаоллиги ҳақидаги янги тасаввурлар билан бирикди. У ўрганилаётган дунёдан ажралган деб эмас, балки унинг ичидан ўрин олган, у билан белгиланган деб қарала бошлади. Бизнинг саволларимизга табиатнинг жавоблари нафақат табиатнинг тузилиши, балки бизнинг саволлар қўйиш услубимиз билан ҳам белгиланиши, бу услуб билиш фаолияти воситалари ва методларининг тарихий ривожланишига боғлиқ бўлиши англаб стилди. Шу асосда ҳақиқат, объективлик, далил, назария, тушунтириш категорияларининг янгича талқини юзага кела бошлади.

Фан фалсафий асосларининг «онтологик кичик тизими» ҳам бутунлай ўзгарди. Квант-релятивистик физика, биология ва кибернетиканинг ривожланиши қисм ва бутун, сабабият, тасодиф ва зарурат, нарса, жараён, ҳолат категориялари янгича маъно касб этиши билан узвий боғлиқ эди.

Табиатшуносликдаги оламшумул инқилобларни тавсифловчи фан асосларидаги ўзгаришлар нафақат унинг янги фан соҳаларига экспансияси ва объектларнинг янги типлари аниқланиши, балки жамият ҳаётида фан ўрни ва функцияларининг ўзгариши билан ҳам белгиланади.

Табиатшунослик вужудга келган даврда (биринчи инқилоб) унинг асослари илк буржуа инқилобларининг рационалистик дунёқараши, инсоннинг табиатга муносабати янгича талқини, билишнинг вазифаси, билимларнинг ҳақиқийлиги ҳақидаги янгича тасаввурларнинг шаклланиши контекстида юзага келди.

XVIII аср охири – XIX асрнинг биринчи ярмида табиатшунослик фани асосларининг шаклланиши фаннинг ишлаб чиқаришдаги роли янада кучайиши, илмий билимлар товар қийматига эга бўлган ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш жараёнида даромад келтирувчи алоҳида маҳсулотга айланиши фонида юз берди. Бу даврда амалий ва муҳандислик-техника фанлари тизими фундаментал билимлар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги воситачи сифатида шакллана бошлади. Илмий фаолиятнинг турли жабҳалари ихтисослашди ва бу ихтисосликка мос келувчи илмий ҳамжамиятлар ташкил топди.

Классик табиатшуносликдан ноклассик табиатшуносликка

ўтишга XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлари Европа маданиятида маънавий ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши, классик рационализмнинг дунёқараш мўлжалларида юз берган инқироз, маънавий маданиятнинг турли жабҳаларида оқилоналикнинг янги талқини шаклланиши замин ҳозирлади.

Тўртинчи илмий инқилоб XX асрнинг сўнгги чорагида фан асосларидаги янги туб ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар янги постноклассик фан вужудга келишига сабаб бўлган.

Илмий билимлар ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида фаол қўлланилиши, билимларни сақлаш ва олиш воситаларида юз берган инқилоб натижасида илмий фаолият хусусиятининг ўзгариши (фаннинг компьютерлаштирилиши, тадқиқотчилар жамоаларига хизмат кўрсатувчи ва саноат ишлаб чиқариши воситалари каби ишловчи мураккаб ва қиммат асбоблар мажмуаларининг пайдо бўлиши ва ҳ.к.) илмий фаолият хусусиятида ўзгариш ясади. Фанлардаги тадқиқотлар билан бир қаторда тадқиқот фаолиятининг фанлараро ва муаммога қараб мўлжал олувчи шакллари биринчи ўринга чиқа бошлади. Классик фан борлиқнинг кичик бир бўлагини англаб етиш билан шуғулланган бўлса, XX аср охиридаги фан хусусиятини комплекс тадқиқот дастурлари белгилайди ва бунда турли соҳа вакилларининг иштироки кўзда тутилади. Бундай тадқиқотларни ташкиллаштириш устувор йўналишларнинг белгиланиши, уларни молиялаштириш, кадрлар тайёрлаш ва бошқа омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Илмий тадқиқотнинг устувор йўналишларини белгилаш жараёнида билиш мақсадлари билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий мақсадлар муҳим роль ўйнай бошлайди.

Комплекс дастурларнинг амалга оширилиши назарий ва экспериментал тадқиқотлар, амалий ва фундаментал билимлар ягона фаолият тизимига бирлашиши, улар ўртасидаги тўғридан-тўғри ва тескари алоқаларнинг янада фаоллашувига сабаб бўлади. Натижада, турли фанларда шаклланувчи борлиқ манзаралари тамойиллари ва тасаввурларининг ўзаро таъсирланиш жараёнлари кучаяди. Бунда муайян фан предметини белгиловчи борлиқ манзаралари ўртасидаги чегара аста-секин йўқолади. Улар ўзаро боғлиқ хусусият касб этади ва дунёнинг яхлит умумий илмий манзараси парчалари сифатида намоён бўлади.

Унинг ривожланишига нафақат фундаментал фанларнинг ютуқлари, балки фанлараро амалий тадқиқотларнинг натижалари ҳам таъсир кўрсатади. Фанлараро тадқиқотларда фан, одатда, айрим фанларда қисман ўрганилувчи мураккаб объектлар билан иш кўради. Ўзининг очиқлиги ва ўз-ўзидан ривожланиши билан тавсифланувчи ўзига хос тизимлар фанлараро тадқиқотларнинг объектларига айланади. Бундай объектлар аста-секин асосий фундаментал фанларнинг предметлари соҳасини белгилай бошлайди.

Тарихий ривожланувчи тизимлар ҳатто ўзини ўзи тартибга солувчи тизимларга қараганда ҳам мураккаброқ объект типи ҳисобланади. Тарихий ривожланувчи тизим вақт ўтиши билан ўз тузилишининг янги даражаларини шакллантиради, бунда ҳар бир янги даражанинг юзага келиши илгари шаклланган даражаларга таъсир кўрсатиб, уларнинг элементлари композицияси ва алоқаларини ўзгартиради.

Табиатшуносликда тарихий ривожланувчи тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурияти билан тўқнаш келган биринчи фанлар биология, астрономия ва Ер ҳақидаги фанлар бўлган. Уларда борлиқнинг тарихийлик ғоясини ўз ичига олувчи манзаралари ва ўзига хос ривожланувчи объектлар (биосфера, Метагалактика, Ер) ҳақидаги тасаввурлар шаклланган. Сўнгги ўн йилликларда бу йўлга физика ҳам кирди. Физик объектларнинг тарихий эволюцияси ҳақидаги тасаввурлар физик борлиқ манзарасидан аста-секин ўрин олди.

Ҳозирги замон фани тарихий ривожланувчи мураккаб тизимларни тадқиқ этишга қараб мўлжал олиши тадқиқот фаолиятининг идеаллари ва меъёрларида ҳам ўзгариш ясади. Табиатшуносликка тарихий ўзгарувчанлик идеали кенг жорий этила бошлади. У илгари асосан, гуманитар фанлар (тарих, археология, тарихий тилшунослик ва ҳ.к.)да қўлланилган назарий билимнинг алоҳида типи сифатида амал қила бошлади. Тарихий ўзгарувчанлик андозаларига нафақат эволюцион объектларни ўрганувчи фанлар (биология, геология)да, балки ҳозирги замон космологияси ва астрофизикасида ҳам дуч келиш мумкин.

Эмпирик тадқиқот стратегиялари ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўзгарди. Экспериментни амалга ошириш идеали тарихий ривожланувчи тизимларга татбиқан алоҳида маънода тушунила

бошлади. Ҳозирги замон фанининг тарихий ривожланувчи тизимлари орасида таркибидан инсон элемент сифатида ўрин олган табиий комплекслар алоҳида ўрин эгаллади. Бундай комплексларга тиббий-биологик объектлар, экология объектлари, шу жумладан, биосфера (глобал экология), биотехнология объектлари (аввало генетик инженерия), «инсон — машина» тизимлари мисол бўлиши мумкин.

Инсон омили билан боғлиқ объектларни ўрганишда ҳақиқатни излаш бундай объектни ўзгартириш стратегияси ва йўналишларини белгилаш билан боғлиқ бўлади-ки, бу инсонийлик қадриятларига бевосита дахлдор бўлади. Бундай типдаги тизимлар билан эркин экспериментлар ўтказиш мумкин эмас. Уларни ўрганиш ва амалий ўзлаштириш жараёнида ўзаро алоқанинг ҳалокатли оқибатларини ўзида мужассамлаштирган айрим стратегияларига тақиқларни билиш алоҳида роль ўйнай бошлайди. Бундай шароитда фаннинг ҳақиқатни излаш ва янги билимни ўстиришга рағбатлантирувчи ички ахлоқи умуминсоний тамойиллар ва қадриятлар билан муттасил боғланади. Ўрганилувчи объектлар ҳақидаги тасаввурлар ва янги методологик мўлжалларнинг ривожланиши фаннинг фалсафий асослари сезиларли даражада янгиланишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, фаннинг тарихий ривожланишида XVII асрдан бошлаб илмий оқилоналикнинг уч типи ва тегишли равишда фан эволюциясининг уч йирик босқичи юз берди: 1) классик фан; 2) ноклассик фан; 3) постноклассик фан. Ҳар бир босқич объектив-ҳақиқий билимнинг муттасил ўсишига қаратилган илмий фаолиятнинг алоҳида ҳолати билан тавсифланади. Бу фаолиятни «субъект — восита — объект» муносабати сифатида тасаввур қилсак, фан эволюциясининг тавсифланган босқичлари илмий оқилоналикнинг ҳар хил типлари сифатида амал қилади.

Илмий оқилоналикнинг классик типи асосий эътиборни объектга қаратиб, назарий тушунтириш ва тавсифлашда субъектга, унинг фаолияти воситалари ва амалларига дахлдор барча нарсаларни элиминация қилишга ҳаракат қилади. Бундай элиминация дунё ҳақида объектив-ҳақиқий билим олишнинг зарурий шarti сифатида қаралади. Бу босқичда тадқиқот стратегияларини ва дунёни англаш усулларини белгиловчи фан мақсадлари ва қадриятлари маданиятда устунлик қилувчи

дунёқараш мўлжаллари ва қадриятлар билан белгиланади. Бироқ, классик фан бу омилларни англаб етмайди.

Илмий оқилоналикнинг ноклассик типи объект ҳақидаги билимлар билан фаолият воситалари ва амаллари хусусияти ўртасидаги алоқаларни ҳисобга олади. Бу алоқаларни экспликация қилиш дунёни объектив-ишончли тавсифлаш ва тушунтириш шарти сифатида қаралади. Бироқ, илмий, ижтимоий қадриятлар ва мақсадлар ўртасидаги алоқалар аввалгидек, илмий рефлексия предмети ҳисобланмайди.

Илмий оқилоналикнинг постноклассик типи фаолият устидан рефлексия майдонини кенгайтиради. У объект ҳақида олинувчи билимлар нафақат фаолият воситалари ва амаллари хусусияти билан, балки қадриятлар ва мақсадлар билан ҳам боғлиқлигини ҳисобга олади. Бунда илмий мақсадларнинг ноилмий мақсадлар, ижтимоий қадриятлар ва мақсадлар билан алоқаси экспликация қилинади.

Илмий оқилоналикнинг ҳар бир янги типи фаннинг дунёда тизимли объектларнинг тегишли типларини фарқлаш ва тадқиқ этиш имконини берувчи алоҳида, ўзига хос асослари билан тавсифланади (оддий, мураккаб, ўз-ўзидан ривожланувчи тизимлар). Илмий оқилоналикнинг янги типи ва фаннинг янги образи юзага келиши олдинги босқичнинг барча тасаввурлари ва методологик мўлжаллари бутунлай йўқолишига сабаб бўлмайди. Аксинча, уларнинг ўртасида ворисийлик алоқалари кузатилади. Ноклассик фан классик оқилоналикка барҳам бермади, балки унинг амал қилиш доирасини чеклади. Бунда айрим вазифаларни ечишда дунё ва билиш ҳақидаги ноклассик тасаввурлар ортиқча бўлиб қолади ва тадқиқотчи одатдаги классик андозаларга қараб мўлжал олиши мумкин бўлади. Худди шунингдек, постноклассик фаннинг вужудга келиши ноклассик ва классик тадқиқотнинг барча тасаввурлари ва билиш мўлжаллари йўқ бўлишига олиб келмайди. Улардан айрим билиш вазиятларида фойдаланилади, бироқ улар етакчи ва фан қиёфасини белгиловчи тасаввурлар ва мўлжаллар мақомини йўқотади.

Хулосалар. Ҳозирги замон фани ўз изланишларининг олдинги маррасида ўзига хос, тарихий ривожланувчи тизимларни тадқиқотлар марказига қўйган бир шароитда қадриятларни экспликация қилиш талаби нафақат дунё ҳақида объектив-


ҳақиқий билимлар олиш одатдаги мўлжалига зид келмайди, балки бу мўлжални амалга оширишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Ҳозирги замон фанининг ривожланишига қараб бу жараёнлар кучайиб боради, деб тахмин қилиш учун барча асослар мавжуд.

Техноген цивилизациянинг ҳозирги тараққиёти инсонийлик мўлжаллари илмий изланиш стратегияларини белгилашда устувор аҳамият касб этувчи алоҳида йўлига кирмоқда.

Тажрибавий амалий матилар:

Билимларнинг категориал мақоми, категориялар аппарати, космологик моделлар, дунёнинг категориал модели, оқилона экспликация қилиш, фалсафий экспликация, техноген цивилизация, сциентизм, антисциентизм, техноген дунё, фаннинг вужудга келиши, янги билим, дунёнинг манзаралари ва тажриба, оламшумул инқилоблар, илмий оқилоналик.

Қўшимча ва тушунтирувчи матилар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Фан ривожланишининг асосий босқичларини айтинг.
2. Илмий билиш нимага қараб мўлжал олади?
3. Анъанавий жамиятлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Универсал маданиятда фалсафий экспликация нимада ифодаланади?
5. Фалсафий билишнинг генерацияси қандай юз беради?
6. Фан асосларининг асосий элементларини айтинг.
7. Фан идеаллари ва меъёрларининг қайси хусусиятларини биласиз?
8. Фан идеаллари ва меъёрларининг асосий даражаларини айтинг.
9. Фан фалсафий асосларининг хусусиятлари нималарда кўринади?
10. Илмий инқилобларнинг асосий босқичларини биласизми?
11. Илмий оқилоналик классик типининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
12. Илмий оқилоналик ноқлассик типининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Фаннинг дунёни англашдаги биринчи манбасини белгиланг.
 - А. Эмпирик ва назарий билим
 - Б. Мифологик ва диний билим
 - В. Рационал ва иррационал билим
 - Г. Диний ва фалсафий билим

2. Техноген цивилизация концепциясининг асосчиси ким?

А. Э.Тоффлер

Б. Фукуяма

В. Д.Белл

Г. С.Хантингтон

3. Фан идеаллари ва меъёрларига қайси жавобда тўлиқ таъриф берилган?

А. Объектни илмий билимнинг турли шаклларда ифодалаш жараёнини тартибга солувчи билиш мўлжаллари

Б. Тарихий ривожланишнинг муайян босқичида фаннинг ролини ва унинг жамият ҳаёти учун аҳамиятини қайд этувчи, тадқиқотчилар ўртасидаги алоқаларни, илмий ҳамжамиятлар ва муассасаларнинг бир-бири ва жамият билан муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий меъёрлар

В. А ва Б жавоб тўғри

Г. Фан ривожланиши тарихида алоҳида ўрин тутган олимлар фаолияти сабабларини таҳлил этувчи ижтимоий меъёрлар

4. Фаннинг билиш идеаллари структураси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Тушуниш ва тушунтириш идеаллари ва меъёрлари

Б. Билимнинг исботланганлик ва асосланганлик идеаллари ва меъёрлари

В. Билимларни тузиш ва ташкил этиш идеаллари ва меъёрлари

Г. А, Б, В жавоблар тўғри

5. Фан асосларининг биринчи блокни нима ташкил қилади?

А. Ноилмий билимлар

Б. Илмий билимлар

В. Ҳиссий билимлар

Г. Интуиция

6. Фан асосларининг иккинчи блокни нима ташкил қилади?

А. Эмпирик билим

Б. Назарий билим

В. Ҳиссий билим

Г. Ноилмий билим

7. Фан асосларининг учинчи блокни нима ташкил қилади?

А. Тадқиқот идеаллари ва меъёрлари

Б. Ҳиссий билим

В. Ноилмий билим

Г. Фалсафий ғоялар ва тамойиллар

8. Илмий инқилобнинг биринчи даврини аниқланг.

А. XVII аср

Б. Ұрта асрлар

В. XX аср

Г. Уйғониш даври

9. Илмий инқилобнинг иккинчи даври нима билан боғлиқ?

А. Термодинамика қонунларининг яратилиши

Б. Механика қонунларининг яратилиши

В. Бутун олам тортишиш қонунининг кашф этилиши

Г. Фалсафа қонунлари

10. Илмий инқилобнинг учинчи даврини аниқланг.

А. XX аср

Б. XIX-XX аср ўрталари

В. XVII аср ўрталари

Г. XVIII аср ўрталари

11. Фан тараққиётининг асосий босқичлари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

А. Дастлабки фан

Б. Ҳақиқий фан

В. Кундалик фан

Г. А ва Б жавоблар тўғри

12. Фан асослари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

А. Тушуниш ва тушунтириш идеаллари ва меъёрлари

Б. Билимларни тузиш ва ташкил этиш идеаллари ва меъёрлари

В. Билимнинг асосланганлик ва исботланганлик идеаллари

ва меъёрлари

Г. Барча жавоблар тўғри

13. Фаннинг дунёда тизимли объектларнинг тегишли типларини фарқлаш ва тадқиқ этиш имконини берувчи алоҳида, ўзига хос асослари билан тавсифланувчи жиҳат нима дейилади?

А. Илмий оқилоналик

Б. Тафаккур услуги

В. Тадқиқот дастури

Г. Парадигма

14. Илмий оқилоналикнинг неча типи фарқланади?

А. 3.

Б. 2

В. 4

Г. Типларга бўлинмайди

15. Вақт ўтиши билан ўз тузилишининг янги даражаларини шакллантирувчи, ҳар бир янги даражанинг юзага келиши илгари шаклланган даражаларга таъсир кўрсатиб, уларнинг элементлари композицияси ва алоқаларини ўзгартирувчи тизим нима деб аталади?

А. Тарихий ривожланувчи тизим

Б. Илмий оқилоналикнинг классик тизими

В. Илмий оқилоналикнинг ноклассик тизими

Г. Илмий оқилоналикнинг постноклассик тизими

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. —Т.: Университет, 2005.
2. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири остида. —Т.: Шарқ, 2005.
3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. —Т.: Университет, 2005.
4. Рузавин Г.И. Механическая картина мира // Концепция современного естествознания. — М.: ЮНИТИ, 1997.
5. Научная картина мира // Сборник научных трудов. — Киев, 1993.
6. Дрыгин В.И. Мироззрение НКМ и стиль мышления // Теория отражения и научное познание. — Саратов, 1983.
7. Трубина Е.Т. Научная картина мира, внутринаучное функционирование и язык. — Уфа, 1993.
8. Эвристическая и методологическая функция философии в научном познании. — М.: 1990.
9. Каримова Г. Научная картина мира XXI в. // Мысль, 1998. №4.
10. Диалектика принципов и законов в структуре научной теории. — Т.: 1999.
11. Методологические основы поиска возможностей. — Т.: 1990.

ГЛОССАРИЙ

Абдукция — фикр юритиш орқали эмпирик фактлардан уларни тушунтирувчи гипотезага юксалишни назарда тутати.

Агностицизм — инсон объектив борлиқни тўлиқ билиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Аксиоматик метод — илмий назария тузиш усули. Бунда унинг асосига айрим дастлабки қоидалар—аксиомалар қўйилади ва назариянинг қолган барча ғоялари мана шу аксиомалардан соф мантиқий йўл билан исботлаш орқали келтириб чиқарилади.

Амалиёт — билишнинг негизини ташкил қилувчи вазият, инсоннинг бутун билиш жараёни сезгилардан бошлаб, илмий мавҳумликларга қадар ижтимоий-амалий фаолият асосида ривожланиши, унинг эҳтиёжлари ва муваффақиятлари билан белгиланиши ва йўлга солинишини англатади.

Анализ — объектни амалда ёки фикран таркибий қисмларга ажратиш. Анализ жараёнида фикр мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга қараб, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади.

Аналогия (мослик, ўхшашлик) — ўхшаш бўлмаган объектларнинг айрим жиҳатлари, хоссалари ва муносабатларидаги ўхшашликларни аниқлаш. Аниқланган ўхшашлик асосида тегишли аналогия бўйича хулоса чиқарилади.

Анормал илм — илмни эгаллаш усули ёки билимнинг ўзи мавжуд бўлган тарихий даврдаги умумий қабул қилинган фан нормаларига мос келмайдиган илмдир.

Антиилмий билим — ҳақиқат ҳақидаги тасаввурларни онгли бузиш ва утопизмдир.

Антисциентизм — маданият тизимида, жамият ҳаётида фан ролини инкор этиш.

Аперцепция— борлиқни ақл билан англаш, билиш, уларни ғояларда ифодалаш.

Аттрактор — тўпламларни ўзига тортувчи, элементлар интиладиган марказларни ҳосил қилувчи тузилмадир.

Ахборот — объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бўлиб, ўзини сақлаш, қайта ишлаш ва таъсир натижалари (излари)дан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий тизимларда намоён бўлади.

Ахборот технологияси — бу ахборотни танлаш, жамғариш,

таҳлил қилиш ва фойдаланувчига етказиб беришга йўналтирилган ҳисоблаш техникаси, электр алоқа, информатика имкониятларининг уйғунлигидир.

Ахборотлашган жамияти концепцияси — информатика ва ахборот технологияси жамиятнинг ижтимоий тузилишини, ишлаб чиқариш кучларини ўзгартириш, яхлит ахборот саноатини вужудга келтириш воситаси.

Бадиий билим — борлиқни тушуниб етиш рефлексиянинг ўзига хос шакли бўлиб, у санъат борлигининг барча босқичларида — асар гоёсидан бошлаб унинг одамлар томонидан қабул қилинишигача — ўзига хос тарзда рўёбга чиқади.

Башорат қилиш — мавжуд илмий далилларга асосланиб, нарса ва ҳодисаларнинг келажакдаги ҳолатларини белгилаш.

Билим — бу ҳақиқатга мос келадиган ва асосланган ишонч.

Бифуркация — мувозанатдан узоқ шароитларда иккиланиш нуқталарининг мавжудлигини ҳамда ривожланиш давомининг ҳар хиллигини назарда тутати. Уларнинг фаолияти натижаларини олдиндан башорат қилиш қийин. Бифуркация жараёнлари тизимнинг мураккаблашувидан далолат беради.

Вараъ (мўминлик) — одам ҳеч кимга ёмонлик қилмасликка ҳаракат қилиши лозим. Вараъ уч хил бўлади: биринчиси — беҳуда гапларни айтишдан ўзини тийиш ва бировларнинг гапига аралашмаслик; иккинчиси — ҳар хил шубҳалардан ўзини олиб қочиш, шубҳали ва тақиқланган ниятлардан четла туриш; учинчиси — ёмон ва ахлоққа зид қилмишлардан ўзини тийиш.

Ваҳдати вужуд — (борлиқнинг бирлиги) нуқтаи назарида турувчи суфийлар суфизмнинг ашаддий тарафдорлари ҳисобланади. Улар Ҳақиқат (Оллоҳ) ва табиатни бир деб қарайдилар. Табиат илоҳий эмансипация оқибатидир.

Ваҳий — Оллоҳ иродасининг унинг элчилари ёрдамида айғамбарларга нозил бўлиш йўли.

Верификация (лот. «verus» — ҳақиқий ва «facio» — бажараман) тамойилига кўра, ҳиссий тажриба далиллари билан тасдиқланувчи илмий қондаларгина ҳақиқий ҳисобланади. Бошқача айтганда, тажрибада синалиши мумкин бўлган мулоҳазаларгина аҳамият касб этади.

Герменевтика — (hermeneutike) “ўрганиш, шарҳлаш” деган маънони билдиради. Герменевтика — кенг маънода ижтимоий

борлиқни тушуниш шартли ҳақидаги фалсафий таълимот, тор маънода филология, ҳуқуқшунослик, илоҳиётшунослик ва бошқа гуманитар соҳага тааллуқли матнларни ўрганишда қўлланиладиган метод ва қоидалар тўплами.

Гипотеза — янги далилларнинг моҳиятини тушунтирувчи қонун мавжудлиги ҳақидаги асосли тахмин. Гипотеза олимлар томонидан илмий муаммонинг қўйилишига сабаб бўлган илмий далилларни тахминий тушунтириш мақсадида илгари сурилади.

Гипотетик-дедуктив метод — бир-бири билан дедуктив боғлиқ бўлган гипотезалар тизимини яратишни назарда тутати. Мазкур гипотезалардан пировард натижада, эмпирик фактлар тўғрисида хулосалар чиқарилади.

Гносеологик релятивизм — борлиқ ҳодисалари ва воқеаларини билиш ўзгарувчанлиги, ўткинчилигини мутлақлаштирувчи агностицизмнинг йўналишларидан бири.

Гносеология — юнонча *gnosis* — билим, илм ва *logos* — таълимот, фан сўзларидан келиб чиқиб, «билиш ҳақидаги таълимот (фан)», «онг ҳақидаги таълимот (фан)» деган маъноларни билдиради. Фалсафий асосий масалаларидан бири бўлган билиш муаммоси билан шуғулланади.

Далил — билимининг тасдиқланган бойлигига айланган моддий ёки маънавий дунё ҳодисаси, бирон-бир ҳодиса, хосса ёки муносабатни қайд этиш.

Девиантлик — фаолиятнинг қабул қилинган ва шаклланган стандартлардан чекиниш. Девиант билимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у билан одатда, илмий тайёргарлик кўрган, бироқ маълум сабабларга кўра тадқиқотнинг бошқа методи ва объектларини танлаган кишилар шуғулланади.

Дедукция — билиш жараёнининг умумийдан айримликка юксалиши.

Диалектика (юнон. *dialektika* — баҳс, суҳбат) табиат, жамият ва билиш тараққиёти қонуниятлари ҳамда уларнинг асосида шаклланадиган умумий тафаккур услуби ва амалий фаолият ҳақидаги таълимот.

Диний билим — диний манбалар асосида шаклланган, эътиқод ва ақидага таянган билимлар.

Диссипатив тизим — таъсирлар тарқаладиган тизим бўлиб, бу флукутациялар тўла қамраб олган тизим хулқ-атворининг

хусусиятидир. Ҳар хил таъсирларга ўта таъсирчанлик ва бунинг натижасида ҳаддан ташқари номувозийлик — диссипатив тизимнинг асосий хоссасидир.

Донишмандлик — дунёни ва инсоннинг ундаги ўрнини яхлит тушуниш андозаси. Фалсафа барча одамлар учун муҳим бўлган ҳақиқатларнинг тагига етиш учун (илмий ва ноилмий) билимдан фойдаланади.

Дунёнинг бадий манзараси — дунё ва борлиқни ўзлаштиришнинг эмоционал-ҳиссий усули. Бу усул билим ва образларни, умуман, санъатнинг ҳар бир турига хос бўлган лексик, символик воситаларни ўзида мужассамлаштиради.

Дунёнинг диний манзараси — диний дунёқарашлар таъсирида шаклланган илмлар.

Дунёнинг илмий манзараси — илмий назариялар, гипотезалар ва далилларни ўз ичига оловчи табиат тўғрисидаги билимлар доираси.

Дунёнинг лингвистик манзараси — дунё манзарасини тил воситасида англаш ва ифодалаш.

Дунёнинг манзараси — дунёни, шу жумладан, унда яшаётган инсонни яхлит кўриш усули.

Дунёнинг мифологик манзараси — дунёни мифлар орқали ифода этиш. Дунёнинг бу манзарасида макон ва вақт бир пайтнинг ўзида чекли ва чексиздир. Дунёнинг мифологик манзарасида катта олам доирасида дунёларнинг чексиз ранг-баранглиги юзага келади ва ҳар бир дунё ўз макони ва вақтига эга бўлади.

Дунёнинг поклассик илмий манзараси — классик механика қонунларининг универсаллиги ҳақида баҳс юритувчи термодинамиканинг дастлабки назариялари таъсирида вужудга келган.

Дунёнинг фалсафий манзараси — фалсафий дунёқараш ва фалсафий билимлар асосида дунёнинг ифода этилиши.

Ёлғон — ҳақиқатнинг қарама-қаршиси. Ёлғон одатда, нотўғрилиги аён бўлган тасаввурларни била туриб, ҳақиқат даражасига кўтариш сифатида тушунилади.

Ёлғон илм — турли ақидалардан онгли равишда фойдаланиш бўлиб, улар парадигмалар билан мужассамлаштирилмайди, универсаллик ва тизимлиликка риоя қилмайди.

Зухд (таркидунёчилик) — ортиқча дунёвий ашёларга меҳр қўймаслик, камтарона ҳаёт кечириш.

Идеал — пировард келажакнинг муайян образи эмас, балки қайта кўрилиши мумкин бўлган ҳар хил назарий ва бошқа тасаввурларнинг келажакка қаратилган мажмуи.

Идеаллаштириш — воқеликнинг тажрибада принципиал амалга ошириб бўлмайдиган, лекин реал оламда уларнинг тимсоли бўлган объектларнинг тушунчаларини фикран шакллантиришни ифодалайдиган («нуқта», «идеал газ», «мутлақо қора жисм» ва ш.к.) тушунча.

Идеографик метод — алоҳида тарихий далиллар ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш.

Ижтимоий ахборот — билимнинг шундай бир қисмики, у маълум моддий жисмларда қайд этилган ва белгилар тизимида ифодаланган ҳолда ижтимоий-коммуникатив, субъектлараро жараёнга қўшилиб, идрок этилади ва олимнинг билим даражасини ўзгартиради, шунингдек, унинг ўзи ҳам ўзгартирилиб, ундан фаолиятнинг турли жабҳаларида фойдаланилади.

Ижтимоий билим — асосан, субъектнинг ўзи ўрганаётган борлиқнинг сифат томонини тавсифлашга қараб мўлжал олади. Бу ерда ҳодисалар ва жараёнлар миқдор ва умумийлик нуқтаи назаридан эмас, балки сифат ва хусусийлик нуқтаи назаридан ўрганилади.

Ижтимоий экспериментлар — ижтимоий ташкил этиш ва жамиятни бошқаришни оқилонлаштиришнинг янги шакллари амалга татбиқ этишга кўмаклашади. Ижтимоий эксперимент объекти одамларнинг маълум гуруҳи экспериментнинг бевосита иштирокчиларидан бири бўлиб, уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашишга тўғри келади, тадқиқотчи эса ўзи ўрганаётган вазиятга бевосита қўшилади.

Илмий ахборот — илмий билиш жараёнида олинган, тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, назариялар ва гипотезалар тизимида қайд этилган, табиий ёки сунъий белгилар тизими ёрдамида ифодаланган, объектив борлиқни олимнинг маънавий фаолияти натижалари орқали аниқ акс эттирадиган ва ижтимоий-тарихий амалиётда фойдаланиладиган ижтимоий аҳамиятга молик ва мантиқий жиҳатдан (шаклан) умумийлаштирилган ахборот.

Илмий билим — илмий кашфиётлар, тадқиқот ва тажрибалар асосида аниқ асосларга эга билим шакли. Илмий билим бошқа билим турларидан ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради.

Илмий далил – эмпирик билишнинг натижаси ҳисобланиб, далилни аниқлаш илмий тадқиқотнинг зарур шартидир.

Илмий тафаккур услуби – ўз тузилиши ва функцияларига кўра мураккаб бўлган, нафақат методологик элементлар, балки қадриятларни, хусусан, фалсафий унсурларни ҳам ўз ичига олувчи билим шаклидир.

Индукция – айримлик (тажриба, факт)дан умумийга (уларни умумлаштириб хулоса чиқаришга) фикран ҳаракат қилиш.

Интуиция – ҳақиқатни мантиқий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб етиш қобилияти.

Информатика (французча information – ахборот ва automatique – автоматика) – ахборот олиш, сақлаш, унга ишлов бериш ва тақдим этиш жараёнларини тадқиқ қилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ахборот техникаси ва технологиясини яратиш, амалга жорий этиш, улардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш билан шугулланувчи фан-техника фаолияти соҳаси.

Информацион вазият – бутун ахборот жараёни майдонини ифода этади. Шу сабабли ахборотнинг ўзи эмас, балки у амалда ўз аксини топган фаолият ёки ҳуқ-атворни бошқариш тизимидаги алоқалар, функциялар ва механизмлар ўрганиш предмети ташкил этади.

Ирода – субъектнинг ўз фаолиятини ўзи тартибга солиши.

Ишонч – инсоннинг қадриятлари ва мўлжаллари дунёсида бирон-бир нарса ёки ҳодисани ҳақиқий деб қабул қилиши.

Қарама-қаршилик тамойили – нарса ва ҳодисаларнинг реал қарама-қаршиликлари негизини ташкил этувчи тамойил.

Категориялар – борлиқнинг энг муҳим томонлари, хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчалар.

Квазиилмий билим – зўравонлик ва мажбур қилиш методларига асосланиб, ўзига ҳамкор изловчи билим.

Кузатиш – нарса ва ҳодисаларни изчил пассив кузатиш. Асосан, сезги аъзоларининг маълумотларига таянади. Кузатиш жараёнида биз билиш объектнинг нафақат ташқи томонлари ҳақида, балки, пировард мақсад сифатида унинг муҳим хосса ва муносабатлари ҳақида ҳам билим оламиз. Кузатиш бевосита ёки турли асбоблар ва бошқа техник ускуналар ёрдамида билвосита амалга оширилиши мумкин.

Куматоид – сузаётган объектни англатади ва объектларнинг

тизимли хусусиятини акс эттиради. У вужудга келиши, ҳосил бўлиши, шунингдек, йўқолиши, парчаланиши мумкин. У ўзининг барча элементларини бирваракай эмас, балки ўзига хос «ҳиссий-ўта ҳиссий» тарзда намоён этади.

Кундалик билим — бу ҳар хил фаолият шакллари — жумладан, ишлаб чиқариш фаолияти, эстетик фаолият, сиёсий фаолият ва ҳоказоларнинг таъсирида шаклланадиган турмуш билан боғлиқ тушунчалар мажмуи авлодлар тўплаган жамоа коллектив тажрибаси маҳсули.

Мавҳумлаштириш — ўрганилаётган ҳодисанинг бир қанча хоссалари ва нисбатларидан фикран узоқлашиш, айти пайтда тадқиқотчини қизиқтирган хоссаларни (энг аввало, муҳим, умумий хоссаларни) ажратиш жараёни.

Мавҳумликдан конкретликка юксалиш — назарий тадқиқот ва баён этиш методи. Илмий фикрнинг дастлабки мавҳумликдан билишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш изчил босқичлари орқали натижага—тадқиқ қилинаётган предметни назарияда яхлит акс эттиришга томон ҳаракатидан иборат.

Мантиқий тафаккур — тафаккур қондалари, қонунлари ва тамойилларига мувофиқ бир ҳақиқатдан бошқа, янада теранроқ ҳақиқатга интилишдир. Тафаккур қондалари, қонунлари фан сифатидаги мантиқнинг мазмунини ташкил этади.

Медитация — ўз тафаккурини бир объектга қаратиш, инсон эътиборини чалғитувчи барча бегона омилларни четга чиқариш йўли билан фикр юритиш, нарса, гоё, дунёни идрок этишдир.

Метафизика (юнон. — физикадан кейин) — диалектика каби универсал методдир. Бу сўз илмий муомалага мил. ав. I асрда Аристотелнинг шогирди, унинг шеърлари шарҳловчиси Родосский томонидан киритилди. Мутафаккир асарларини бир тизимга солар экан, у борлиқ ва билиш ҳақидаги умумий масалаларни физикадан сўнг «биринчи фалсафа»нинг (моҳият, сабаб ва бошқа) иккинчи фалсафадан фарқли хусусий-илмий билимларни ўрганадиган қисми сифатида талқин қилган.

Метод (юнон. methods — усул) кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади.

Миф — ибтидоий одам тафаккурининг табиат ҳодисаларини тушуниш ва тушунтиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Миф нарса ва образ, жисм ва хосса, «асос» ва

тамоийилларни фарқламайди. Воқеалар ўхшашлиги ёки кетма-кетлигини сабаб ва оқибат боғланиши сифатида талқин қилади. Миф олий даражада универсал воқеалар, чунончи: инсон ўлими ва унинг мангу барҳаётлиги, дунёнинг вужудга келиши, қахрамонона қилмишлар, маданият ютуқлари (масалан, оловнинг ўғирланиши ҳақидаги миф) ва шу кабилар ҳақида ҳикоя қилади. Мифнинг мазмуни рамзий тилда ифодаланади, натижада, унинг хулосалари кенг ва кўп маъноли тус касб этади.

Мифологик билим — инсоният тарихининг дастлабки босқичида муҳим роль ўйнаган. Мифологик билимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у борлиқнинг фантастик инъикоси ҳисобланади.

Моделлаштириш — борлиқни билвосита ўрганиш усули. Бирон объектнинг хусусиятларини уларни ўрганиш учун махсус тузилган бошқа объектда қайта ҳосил қилишдир. Моделлаштириш асосида тадқиқ қилинаётган объект билан унинг модели ўртасидаги ўхшашлик, мувофиқлик ётади.

Муайянлик (конкретлик) тамоийли (лотинча *concretus* — қуюлган) — нарсани ёки ўзаро боғланган нарсалар тизимини ўзининг барча томон ва алоқалари мажмуида ифода этувчи фалсафий категория.

Муаммо — билишнинг ривожланиш жараёнида объектив тарзда юзага келадиган, ечимини топиш муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган масала ёки масалалар мажмуи.

Мулоҳаза — фикрнинг шундай бир шаклики, унда тушунчаларни боғлаш йўли билан бирор нарса ҳақидаги бирон-бир фикр тасдиқланади (ёки рад этилади).

Мутлақ ҳақиқат — предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукамал билишдир.

Назария — ҳодисаларнинг муайян туркуми, бу туркумдаги ҳодисаларнинг моҳияти ва уларга нисбатан амал қиладиган борлиқ қонунлари ҳақидаги билимларнинг мантиқий асосланган ва амалиёт синовидан ўтган тизимидир.

Неопозитивизм — позитивизмнинг замонавий шакли. XX асрнинг фалсафий оқимларидан бири. Илмий билим ва фалсафий-методологик муаммоларнинг таҳлили ва ечимини топишга қаратилган. Неопозитивизм оқимида илмий билишнинг

верификация концепцияси таклиф этилди. Фалсафани назарий билиш ва дунёқараш имкониятлари рад этилади ва уни илмий билишнинг методологияси сифатида эътироф этади.

Нисбий ҳақиқат — борлиқни асосан, тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим. Нисбий ҳақиқат тўғри, бироқ нотўлиқ, тахминий, вақт ва жойнинг маълум тарихий шарт-шароитлари билан чекланган ҳақиқатдир.

Ноилмий билим шакллари — тарқоқ, нотизимли билим сифатида намоён бўлиб, қонунлар билан изоҳланмайди ва формаллаштирилмайди, мавжуд дунёнинг илмий манзарасига қарама-қарши туради.

Объект — субъектнинг билиш фаолияти қаратилган нарса ёки ҳодиса.

Объектив ҳақиқат — билимларнинг инсон фаолиятига боғлиқ бўлмаган мазмуни.

Оқилона тушунтириш методи — маълум тарихий шахснинг қилмишини тушунтиришда тадқиқотчи мазкур субъектнинг айни қилмишига нима туртки берганлигини аниқлаш ва ушбу мотивлар нуқтаи назаридан қилмиш оқилона бўлганлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Оптимизм — (лот. *optimus* — энг яхши, деган маънони билдиради) кечаётган воқеа, ҳодисаларнинг боришига икки хил қарама-қарши фикрлар ёки муносабатларни яхшиликка йўйиш билан ифодалаш. Оптимизм пессимизмнинг, яъни тушкунликнинг акси.

Парадигма — фан тарихининг муайян даврида унинг ривожланишини белгиловчи барқарор тамойиллар, умумий меъёрлар, қонунлар, назариялар ва методлар мажмуи.

Параилмий билим — мавжуд стандартларга мос келмаслик. Параилмий («пара» юнонча — ёнида) билим ўзига тарихий феноменлар ҳақидаги таълимотлар ва мулоҳазаларни илмийлик мезонлари нуқтаи назаридан асосли тушунтира олмайдиган билимни ифодалайди.

Паранормал — илм ўзида кундалик ҳодисалар орқасига беркинадиган табиат ва психик кучлар сирлари, муносабатлари ҳақидаги таълимотни мужассамлаштиради.

Перцепция (лотинча «*perception*» — идрок этиш) деб аталади. Перцепция ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларни сезгилар орқали идрок этиш.

Пессимизм — (лот. *pessimus* — энг ёмон) кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлишига икки хил қарама-қарши фикрлар ёки муносабатларнинг оқибатини самарасиз (фатализм эмас), тушкунликка йўйиш билан ифодалайди. Оптимизмнинг, яъни умидбахшлиликнинг тескариси.

Позитивизм — сохта билимдан ҳақиқий билимни ажратишга ҳаракат қилувчи ижобий билимнинг фалсафий доктринаси.

Постпозитивизм — позитивизмнинг учинчи босқичи бўлиб, асосан, илмий билим таҳлили билан шуғулланган, тилга катта эътибор берган. Постпозитивизмнинг бош муаммосини илмий билим динамикаси ташкил этади. Бу ўзгариш фанни фалсафий ўрганиш масалалари доирасининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди.

Постструктурализм — ҳозирги замон фалсафий йўналишларидан бири бўлиб, унда ҳамма нарса тенг ҳуқуқли, бир хилда муҳим ва қимматлидир. Структураларнинг яхлитлигини ифодаловчи фалсафий таълимот.

Проектив методлар — (психологияга хос), инсоннинг продуктив фаолияти натижаларига қараб, унинг шахсий хусусиятларини билвосита ўрганиш усули.

Псевдоилмий билим — анъанавий назарияларни тарғиб қилувчи интеллектуал фаолликда намоён бўлади. Псевдоилм учун сир ва топишмоқларни тан олиш, шунингдек, далилларни моҳирона қайта ишлаш, мавзуларнинг шов-шувлиги характерлидир.

Рационализм (лот. *Rationalis* — онглилик) гносеология ва праксеологиядаги йўналиш. Билиш жараёнида ақлни ҳиссий (сезги, идрок, тасаввур) билишга нисбатан устуворлигини тан олади.

Резонанс (субъектив) диалектика — субъект тафаккури бўлиб, у предметдаги зиддиятларни ифодалайди, бироқ мавжуд зиддиятлардан илгарилаб кетади. Субъект фақат буни изоҳлаш билан кифояланади, холос.

Ризо (розилик) — шариатнинг барча қоидаларига ва Оллоҳнинг ўз бандаларига нисбатан барча амалларига рози бўлиш.

Сабр — ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш.

Семиотика — (يونونча *semion* — “белги”) — белгилар ҳақидаги илм бўлиб, у турли белгилар тизимидаги ахборотни яратиш, сақлаш, етказиб бериш ҳамда тузилиши ва вазифаларини ўрганувчи назарий таълимот.

Сенсуализм — ҳиссий билишнинг ролини оқилона билишнинг аҳамиятидан устунроқ кўювчи фалсафий йўналиш.

Символ (юнон. — рамз, шартли белги) — бу: 1) фанда (мантиқ, математика ва б.) белги; 2) санъатда — илоҳий образнинг уни англаш, ифодалаш ёки муайян бадий образ нуқтаи назаридан тавсифи.

Синергетика (юнон. synergein — умумий, мувофиқ тарзда ҳаракат қилувчи), ўзаро таъсир каби маъноларни англатади. Синергетика — оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса ва воқсаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмундир.

Синтез — қисмлардан бутунни, худди шундай тарзда, қайта бирлаштириш. Синтез натижасида мутлақо янги объект ҳосил бўлади.

Системали ёндашув — фанда турли объектларни системалар сифатида тадқиқ этишни назарда тутадиган методологик тамаойил (талаб)лар мажмуи.

Скептицизм — инсон билимининг ишончилигига шубҳа билдирувчи ва барча ҳақиқатларни нисбий деб эълон қилувчи фалсафий концепция.

Социометрия методи — ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда математика воситаларидан фойдаланиш. Ундан кўпинча «кичик гуруҳлар»ни ва улардаги шахслараро муносабатларни ўрганишда фойдаланилади.

Структура — тизимнинг тузилиши ва ички шакли, мазкур тизимнинг таркибий қисмлари ўртасидаги барқарор ўзаро алоқаларнинг бирлигини ифодаловчи фалсафий тушунча

Структуравий-функционал (структуравий) метод — яхлит тизимларда уларнинг структурасини, структуранинг таркибий қисмлари ўртасидаги барқарор муносабатлар ва ўзаро алоқаларни ҳамда уларнинг бир-бирига нисбатан роллари (функциялари)ни ажратиш асосига қурилади.

Структурализм (лот. structura — тузилиш, жойлашиш, тартиб) — Фарб фалсафасининг янги йўналишларидан бири. Структурализм, умумий фалсафий-эпистемологик тасаввурлар, методологик мўлжаллар ва ўзига хос таҳлил бирлаштирувчи айрим

фанлар (лингвистика, адабиётшунослик, этнография, тарих, эстетика, санъатшунослик, психология, социология, фалсафа)даги йўналишлар мажмуи сифатида, XX аср бошидан 40-йилларгача шаклланди.

Субъект — бу билиш фаоллигининг манбаи. Субъект деганда одатда, индивид тушунилади. Бироқ, бу унча тўғри эмас. Субъект — бу, албатта, аввало билиш қобилиятига эга бўлган индивид. Субъект — бу микрогуруҳ, ижтимоий гуруҳ синф, жамият ҳамдир.

Сўровлар ўтказиш — «юзма-юз» сўров (интервью) ёки сиртдан (сўровнома ёрдамида, почта, телефон орқали ва ш.к.) сўров ўтказиш. Оммавий ва махсус сўровлар фарқланади. Махсус сўровларда профессионал экспертлар ахборот олишнинг бош манбаи ҳисобланади.

Сциентизм — маданият тизимида, жамият ҳаётида фан ролини мутлақлаштириш.

Таваккал (ишониш) — ўзини Оллоҳ иродасига топшириш, фақат у берадиган ризққа умид боғлаш.

Тавба — одам бу босқичда баркамолликка эришиш ва Оллоҳга яқинлашишга монелик қилувчи сўзлар ва амаллардан ўзини тийиши лозим. Тавбанинг уч даражаси — тавба, инобат, авбат мавжуд. Тавбат барча мусулмонлар манзили, инобат — авлиёлар манзили, авбат эса — пайгамбарлар даражаси ҳисобланади.

Тавсифлаш — тажриба (кузатиш ёки эксперимент) натижаларини фанда қабул қилинган маълум белгилаш тизимлари ёрдамида қайд этишдан иборат билиш операцияси.

Таққослаш — объектлар (ёки айни бир объектнинг ривожланиш босқичлари)нинг ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини, яъни уларнинг айнийлиги ва тафовутларини аниқловчи билиш операцияси.

Тамойиллар — асосий назарий билим, илмий далилларни тушунтиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилувчи раҳбар ғоялар.

Тарикат — одамнинг Оллоҳни билиш йўлидаги маънавий ҳаётини англатади.

Тарихийлик тамойили — ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак сингари ҳолатлар (вақт босқичлари)нинг яхлит узлуксиз бирлиги шаклида вақт ўқи бўйлаб йўналган воқеликнинг ўз-ўзини ривожлантиришини методологик тарзда ифода этувчи фалсафий тамойил.

Тасаввурлар — бу бир пайтлар инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик миёда сақланиб қолган алоқалар бўйича гавдаланадиган нарсаларнинг образларидир.

Телеологик ёки интенционал тушунтириш — ҳаракат қилаётган шахс кўзлаган мақсадни, тарихий ҳодисалар иштирокчиларининг ниятини кўрсатиб берувчи метод.

Тестлаш (психология ва педагогикада) — стандартлаштирилган топшириқлар бўлиб, уларни бажариш натижалари айрим шахсий хусусиятлар (билим, кўникма, хотира, зеҳн ва ш.к.)ни ўлчаш имконини беради.

Тушуниш — муайян ҳодисанинг маъносини, унинг дунёдаги ўрнини, яхлит бир бутун тизимдаги функцияларини тушуниб этиш.

Тушунтириш — ўрганилаётган предметнинг моҳиятини, ривожланиш сабаблари, шартлари ва манбаларини, ҳаракат механизмларини аниқлаш.

Тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели (схема) — тушунтирилаётган ҳодисани маълум қонунга боғлайди.

Тушунча — нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хосса ва алоқалари акс этувчи фикр.

Умумиллий тадқиқот методлари — фалсафа билан махсус фанларнинг фундаментал назарий-методологик қондалари ўртасида ўзига хос «оралиқ методология» бўлиб хизмат қилади.

Умумлаштириш — предметнинг умумий хосса ва белгиларини аниқлаш жараёни бўлиб, мавҳумлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Бунда ҳар қандай умумий (абстракт-умумий) ёки муҳим (муайян умумий, қонун) белгилар ажратилиши мумкин.

Универсалиялар — нарсанинг ўзига хос эмас, улар доим нарсадан кейин мавжуд бўлади (post rem), улар фақат ақлда мавжуддир, бироқ улар объектив аҳамиятдан бутунлай маҳрум эмас. Универсалиялар ҳар қандай нарсаларни эмас, балки ўзича ўхшаш бўлган нарсаларнигина ифодаловчи белгидир.

Ўйин методлари — бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда қўлланилади. Имитацион ўйинлар (ишбилармонлик ўйинлари) ва очик ўйинлар (айниқса, ностандарт) вазиятларни таҳлил қилишда фарқланади. Ўйин методлари орасида психодрама ва социодрама алоҳида ўрин тутади.

Ўлчаш — қабул қилинган ўлчов бирликларида ўлчанаётган

катталиқнинг сон миқдорини топиш мақсадида маълум воситалар ёрдамида бажарилувчи амаллар мажмуи.

Фақр (камбағаллик) — одам оз нарсага қаноат қилиши ва Муҳаммад пайғамбарнинг камбағаллик — менинг фахрим, деган сўзларига амал қилиши лозим. У шариятнинг барча талабларини бажариши — ҳимматли бўлиши ва камбағалларга хайр-садақа қилиши даркор.

Фальсификация — илгари сурилган қондаларни тасдиқлашга эмас, балки рад этишга қараб мўлжал олади. У илмийликка даъвогар бўлган қондаларни рад этишга ҳаракат қилишни назарда тутати.

Фан методлари — маълум фан тармоғига кирувчи ёки фанлар туташган жойда вужудга келган муайян фан соҳасида қўлланиладиган усуллар тизими. Ҳар бир фундаментал фан, моҳият-эътибори билан, ўз предметига ва ўзига хос тадқиқот усулларига эга бўлган соҳалар мажмуидир.

Фангача бўлган илм — илмий билимнинг прототипи, уни келтириб чиқарувчи базаси омили ва асоси.

Фанлараро тадқиқот методлари — асосан, фан соҳалари туташган жойда амал қиладиган (методологиянинг турли даражаси элементларини бирлаштириш натижасида юзага келган) бир қанча синтетик ва интегратив усуллар мажмуи. Мазкур методлар комплекс илмий дастурларни амалга оширишда кенг қўлланилади.

Флуктуация — умумий ҳолда таъсирлантириш. Уларнинг икки катта туркуми: ташқи муҳит яратадиган флуктуациялар ва тизимнинг ўзида вужудга келадиган флуктуациялар фарқланади.

Формаллаштириш — маълум мазмунни муайян шакл-белгилар ҳолига келтириш. Бу ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно этиш мақсадида фикрни аниқ ифодалашга хизмат қилади.

Хаёл — инсоннинг муҳим хоссаси бўлиб, тафаккур оқимида этишмаётган кўргазмалилик ўрнини тўлдиради.

Хотира — ўтмиш ва ҳозирги замонни бирлаштиради, уларнинг бир-бирига ўтишини таъминлайди.

Хулоса — мушоҳаданинг нисбатан тугалланган бирлиги. Мушоҳада юритиш жараёнида мавжуд мулоҳазалардан янги мулоҳаза — хулоса чиқарилади. Хулоса чиқариш тафаккурнинг шундай бир амалики, унда айрим фикрларни таққослаш йўли билан янги мулоҳаза яратилади.

Хусусий илмий тадқиқот методлари — материя ҳаракатининг асосий шаклига мос бўлган муайян фанда қўлланиладиган билиш усуллари, тамойиллари, тадқиқот усуллари ва тартиб-таомиллари мажмуи.

Шариат — тариқатга йўл кўрсатувчи босқич ҳисобланиб, инсон ислом диний қонунларининг барча талабларини бажариши, бошқача айтганда, ислом динининг беш устунига риоя қилиши.

Шукр (миннатдорлик) — одам ўз миннатдорлигини тили ва қалби билан изҳор этиши.

Эвристика (يونونча *heurisko* — топаман, кашф этаман, деган сўздан келиб чиққан). Муайян илмий билимдан ҳайдаладиган барча иккиламчи, ноаниқ методологик қоидалар эвристика соҳасини тўлдирди.

Эклектика (يونон. *eklego* — танлайман) — қарама-қарши концепциялардан принципсиз ўзлаштирилган турли жинсли, ўзаро мос келмайдиган элементларни бир таълимотда механик бирлаштириш; контекстдан юлиб олинган фактлар, таърифлар, иқтибослар ва шу кабилардан муайян бир ёқлама мақсадда фойдаланиш ва уларни бузиб талқин қилиш.

Эксперимент — бу шундай тадқиқот методиди, унинг ёрдамида объект ё сунъий тарзда яратилади, ё тадқиқот мақсадларига мос келадиган маълум шарт-шароитларда ўрганилади. Экспериментда тадқиқотчи илмий тадқиқотни ўтказиш шарт-шароитларига фаол аралашади.

Эмпиризм — ҳиссий идрок этиш ва тажрибани билишнинг асосий манбаи, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Эпистемология — «episteme» сўзи «pistis» — эътиқод деган маънони билдириб, муайян нарсалар ҳақидаги билимлар ва (ёки) эътиқодларнинг ишончлилиқ даражасини ўрганади. Эпистемология ҳозирги кунда илмий, ҳақиқий билимнинг мазмунини, шунингдек, диний эътиқодларнинг гносеологик моҳиятини ўрганиш билан шуғулланади.

Этнометодология — ичдан туриб кузатишнинг турларидан бири бўлиб, у ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни тавсифлаш ҳамда кузатиш натижаларини уларни тушуниш ғоялари билан тўлдиришни назарда тутади. Мазкур ёндашув ҳозирда этнография, ижтимоий антропология, социология ва маданиятшуносликда кенг қўлланилади.

Эҳтимоллий-статистик методлар — барқарор такрорийлик билан тавсифланадиган кўплаб тасодифий омилларнинг таъсирини эътиборга олишга асосланади. Бу кўплаб тасодифларнинг умумий таъсири орқали ўзига йўл очадиган зарурат (қонун)ни очиш имконини беради. Мазкур методлар кўпинча тасодифлар ҳақидаги фан деб аталадиган эҳтимоллик назариясига таянади.

Янглишиш — ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим. Билимнинг нотўғри шакли бўлган янглишишнинг бош манбаи ижтимоий-тарихий амалиёт ва билишнинг чекланганлиги, норасолиги ёки заифлигидир. Янглишиш ўз моҳиятига кўра борлиқнинг айрим жиҳатларини билиш натижаларининг мутлақлаштирилиши натижаси сифатида юзага келувчи борлиқнинг нотўғри инъикосидир.

Ҳақиқат — билиш назариясининг бош категорияси. У борлиқнинг билишдаги идеал ифодаси, чунки ҳақиқат онгдан, билаётган субъектдан ташқарида ва ундан қатъий назар мавжуддир. Ҳақиқат — билимларнинг объектив борлиққа мувофиқ бўлган мазмуни, ҳақиқат — билиш ривожланишининг яқуни ва айни вақтда омилдир.

Ҳақиқатнинг корреспондент концепцияси — назариянинг тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлишини талаб қилади. Бу талаб фанда қабул қилинади, у таклиф қилинаётган — гипотеза фан соҳасига тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақиқатнинг прагматик концепциясида — амалиёт мезони кўпинча тўғридан-тўғри эксперимент тушунчаси билан боғланади. Бироқ, илмий амалиёт фақат экспериментдан иборат эмас, у фан қўлланиладиган бутун майдонни, унинг инсон учун ҳаётий аҳамиятини қамраб олади. Шуни ҳисобга олганда, инсоннинг бутун ҳаёти, унинг фандан амалда фойдаланиладиган барча жабҳалари фаннинг ҳақиқийлигини синаш майдонига айланган, десак, муболага бўлмайди.

Ҳар томонламалилик тамойили — воқеликнинг барча ҳодисалари ўртасидаги умумий алоқани ифода этувчи билиш ва бошқа фаолият шакллариининг фалсафий, диалектик тамойили.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
-------------	---

I БОБ. ГНОСЕОЛОГИЯ ТАРИХИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Билишнинг моҳияти ва мазмуни.....	5
Ижтимоий-гуманитар билишнинг ўзига хос хусусиятлари	43
Гносеологиянинг ривожланиш тарихи.....	62
Марказий Оснё мутафаккирлари ижодида билиш масалалари	78
Янги даврда билиш масалалари	102
XX аср Фарбий Европа гносеологияси	131

II БОБ. БИЛИШ НАЗАРИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Билиш назарияси фалсафий фан сифатида.....	157
Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантикий ва интуитив билиш даражалари	171
Илмий билишда ҳақиқат муаммоси.....	206
Назария ва амалиётнинг бирлиги	225
Билиш методологияси: асосий тушунчалар	237
Тушуниш ва тушунтириш	284
Илмий билишда ахборотнинг роли	301

III БОБ. БИЛИШ НАЗАРИЯСИНИНГ ИЛМИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ АСОСЛАРИ

Дунёнинг илмий манзараси	334
Илмий тафаккур услуби эволюцияси	372
Билишда янги билимни яратишнинг фалсафий асослари	388
Глоссарий	447

УДК 004-1
ББК 87.22
Ш48

ШЕРМУҲАМЕДОВА НИГИНАХОН АРСЛАНОВНА

ГНОСЕОЛОГИЯ — БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти.
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тел: 236-55-79; факс: 239-88-61.

Муҳаррир *И. Каримов*
Мусахҳиҳ *Ҳ. Зокирова*
Саҳифаловчи *Н. Маманов*

Босишга рухсат этилди: 09. 08. 2010. «Таумс» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.
Шартли босма табағи 29.0. Нашр босма табағи 28,130.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 5.
Баҳоси шартнома асосида.

«NOSHIR» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг босмахонаси-
да чоп этилди. Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.

